ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ (ДАВЛАТИ) ҲУҚУҚИ

Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент - 2006

Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳуқуқи: Ўқув қўлланма/ Масъул муҳаррир: доцент Д.Қ.Ахмедов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –550 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Муаллифлар жамоаси:
доцент Д.Қ.Ахмедов – Кириш, 6, 7, 8, 9, 37, 38, 39, 40, 41, 42-боблар.
ю.ф.н., доцент, С.М.Хидиров – 1, 2, 3, 4, 32, 34-боблар.
ю.ф.н., доцент, Г.Р.Маликова – 43, 44, 45-боблар.
ю.ф.н., А.Б.Чўлиев –26, 27, 28-боблар.
кат. ўқт. У.Ж.Хотамов – 35-боб.
кат. ўқт. А.Э.Рахманов – 36-боб.
ўқт. Ш.Х. Зулфиқоров -11, 20, 23, 30-боблар.
ўқт. И.Р.Беков – 16-боб.
ўқт. Ш.Ғ.Асадов – 10, 14, 15, 24, 33-боблар.
ўқт. А.М.Ҳошимҳонов – 5, 12, 21, 31-боблар.
ўқт. Ш. Назаров- 17-18-19-боблар
маг. У.Ш.Ҳусаинов – 13, 22, 29-боблар.
маг. А.Д.Ахмедов - 34-боб

Тақризчи: *юридик фанлар доктори* ***И.А.Ҳамедов***
юридик фанлари номзоди, доцент ***М.К.Нажимов***

Мазкур ўқув қўлланмада Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлати) ҳуқуқи фанининг тушунчаси, предмети, манбалари, уни ўрганиш услублари, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, Хорижий мамлакатларда давлат бошлиғи, қонунчилик, ижро, суд ҳокимиятларининг тузилиши ва фаолияти каби масалалар ёритилган. Ўқув қўлланма бакалавр босқичи талабаларига, магистрант, аспирант ва юридик олий ўқув юртлари ўқитувчиларига, мутахассисларга, шунингдек, давлат ҳуқуқи ва бошқаруви масалаларига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси.
© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ижтимоий ислоҳотларнинг негизида асосий бош ғоя қилиб юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги мақсад қилиб олинган экан, шубҳасиз халқаро майдондаги тажрибаларни ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш орқали бу мақсадларга осонроқ ва жадаллик билан эришиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устуворлигини тан олган ҳамда унга оғишмай амал қилаётган демократик давлатларнинг конституциявий ҳуқуқини ўрганиш орқали биринчидан миллий ҳуқуқни янада ривожлантириш имконига эга бўлсак, иккинчидан ушбу давлатларнинг мавжуд ижтимоий (конституциявий) тузуми ҳақидаги тасаввурларимиз халқаро ва миллатлараро дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига асос солади.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари механизмини яратиш борасида жаҳондаги етакчи давлатлардан андоза олишимиз билан бирга минг йиллардан бери шаклланган миллий урф-одат ва анъаналар, аждодларимизнинг бой меросини ўзлаштирган ҳолда жамиятимизни янада демократлаштириш имконига эга бўламиз. Шунинг учун ҳам ушбу “Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи” қўлланмаси республикамиз конституциявий ҳуқуқини ўзлаштиришга имкон беribгина қолмай, шу ҳуқуқ соҳасини янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олади. Қўлланма ҳаммуаллифлик асосида яратилган бўлиб, таниқли ҳуқуқшунос олимлар билан бир қаторда конституциявий ҳуқуқ соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёшлар ижоди ҳам ушбу дарсликдан ўрин олган.

Қўлланманинг мазмунидан жамият ва давлат ҳаётининг асосий томонларини қамраб олувчи конституциявий ҳуқуқ институтларига батафсил тўхталиб ўтилганига гувоҳ бўламиз.

Бунда нафақат энг ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларни ҳам ўрганишга сазовор жиҳатлари турли мисолларда кўрсатиб ўтилади. Қўлланманинг асосий мазмуни бевосита конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети билан боғлиқ асосий тамойиллар, институтлар ҳамда конституциявий ҳуқуқий муносабатлар ва уларни тартибга солувчи нормаларнинг ҳуқуқий анализига кенг эътибор қаратилган.

Шубҳасиз, конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни инсон ва фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгани бежиз эмас,

негаки шахсларнинг фактик ҳолати жамият ва давлат ҳаётини аниқ тасаввур қила оламиз. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатига тегишли мавзу халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг таҳлили билан берилган. Давлат бошқарув шакллари, давлат тузилиш шакли, хорижий мамлакатларда парламент, ҳукумат, давлат бошлиғининг мақоми, суд ҳокимияти ва унга кўмаклашувчи органларнинг фаолияти кенг қамровли ёритилган.

Мазкур ўқув қўлланма талабаларнинг хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи ҳақида билим ва тасаввурларини оширишга хизмат қилади.

1-боб. Хорижий мамлакатлар (конституциявий) давлат ҳуқуқи фанининг предмети, ўрганиш усуллари ва тизими

1-§. “Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳуқуқи” фанининг тушунчаси ва предмети

2-§. «Конституциявий ҳуқуқ» терминининг вужудга келиши: «Конституциявий ҳуқуқ» ва «Давлат ҳуқуқи» тушунчалари

3-§. Конституциявий ҳуқуқнинг 3 маънода қўлланилиши: ҳуқуқ тармоғи, фан ва ўқув курси сифатида

4-§. Хорижий мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ тизими

5-§. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар

1-§. “Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳуқуқи” фанининг тушунчаси ва предмети

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқнинг ўзига хослиги унинг алоҳида тартибга солиш предмети билан белгиланади. Биринчи навбатда биз конституциявий ҳуқуқ нормалари нималарни тартибга солишини аниқлаб олишимиз лозим.

Конституциявий ҳуқуқ предмети. Ҳеч бир давлатда ягона ҳуқуқ соҳаси мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ соҳалари, тармоқлари ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Аммо, барча ҳуқуқ тармоқлари учун конституциявий ҳуқуқ асос ҳисобланади.

Барча давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи, аввало, тартибга солиш предмети билан ажралиб туради. Масалан, барча ҳуқуқий муносабатлар – аввало ижтимоий муносабат ҳисобланади. Масалан, оила ҳуқуқи - ота-она, фарзандлар орасидаги муносабатларни тартибга солади. Ер ҳуқуқи ер эгалиги ва ердан фойдаланиш қоидаларини ўзида мужассам этади. Демак, конкрет-аниқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Конституциявий ҳуқуқ предмети эса мураккаб, шунингдек уларни аниқлаш қийинроқ кечади. Умуман, конституциявий ҳуқуқ предмети деганда, шундай ижтимоий муносабат тушуниладики, улар давлат, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар ечимини топишда, давлат ҳокимиятини амалга оширишда вужудга келади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳар бир давлат махсус ҳуқуқий нормаларни доимий равишда ижод қилади. Ушбу нормалар махсус аппарат ёрдамида мажбурий асосда қўлланиши таъминланади. Худди шу ҳуқуқий нормалар тизимида шундай асосий

нормалар ажралиб турадики, шулар асосида давлат механизми таъминланади. Худди шу нормалар конституциявий ҳуқуқнинг асоси ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ва мустаҳкамланадиган ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тузум ва унинг асослари, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий негизлари, жамият ижтимоий тузилиши (аҳоли қатламлари) шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати; жамият ва давлат сиёсий режими, давлат тузилиши, бошқарув шаклини белгиланиши, булар барчаси конституциявий ҳуқуқ институтларидир. Шундан, келиб чиқиб, конституциявий ҳуқуқни таърифлаш лозим. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда ва амалга ошириш жараёнида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи юридик нормалар йиғиндисига конституциявий ҳуқуқ дейилади.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари қолган барча ҳуқуқ тармоқлари учун асос ҳисобланади ва бундан келиб чиқиб, улар ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

2-§. «Конституциявий ҳуқуқ» терминининг вужудга келиши: «Конституциявий ҳуқуқ» ва «Давлат ҳуқуқи» тушунчалари

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи XVIII-XIX асрларда мустақил ҳуқуқ ҳамда миллий ҳуқуқнинг автоном, (алоҳида) соҳаси сифатида юзага келган. Бу ҳол конституциявий ҳуқуқнинг ўзига хослиги (спецификаси) ҳамда ижтимоий йўналтирилганлиги билан боғлиқдир, яъни конституциявий ҳуқуқ инсон манфаатларини давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар томонидан бўладиган турли ғайриҳуқуқий тажовузлардан муҳофаза этишга йўналтирилади.

"Конституциявий ҳуқуқ" ва ***"давлат ҳуқуқи"*** терминлари (атамалари) кўпгина ҳолларда синоним ҳисобланиб, матнларда улардан қайси бирини қўллаш мамлакат лексекологиясида сўзларни ишлатишнинг миллий анъаналарига боғлиқ бўлади. Масалан, англо-саксон ва роман ҳуқуқий тизимларида анъанавий тарзда "конституциявий ҳуқуқ" атамаси қўлланилса, герман ҳуқуқий тизимида эса "давлат ҳуқуқи" термини қўлланилади.

Аммо бу масалани янада батафсилроқ, янада чуқурроқ кўриб чиқадиган бўлсак ушбу терминлар ўртасидаги мазмун жиҳатдан фарқларни мавжудлигига амин бўламиз.

Маълумки, XIX аср бошларида Буюк Британия, АҚШ ва Францияда конституциявий тузум қарор топган. Ҳокимиятнинг тақсимла-

ниши ва инсон ҳуқуқларининг суд томонидан муҳофаза этилиши унинг белгиларидан ҳисобланади. Германияда эса бу ҳол бир мунча кейинроқ юз берган. Ҳозирги пайтда, Германияда ҳам бир мунча торроқ маънода бўлса-да, "конституциявий ҳуқуқ" термини қўлланилмоқда. Бундан ташқари, Германия юридик олий ўқув юртларида ўқув предметини (курсини) белгилаш учун кўпинча "оммавий ҳуқуқ" (публичное право) ёки кенг маънодаги "давлат ҳуқуқи" терминлари ишлатилади. Кенг маънодаги "давлат ҳуқуқи" маъмурий ҳуқуқ, суд ҳуқуқи ҳамда ҳуқуқининг бошқа яна бир қанча соҳаларини қамраб олади. Тор маънода давлат ҳуқуқи эса, яъни конституциявий ҳуқуқнинг айнан ўхшаши, оммавий ҳуқуқнинг асосий қисми сифатида кўриб чиқилади.

Юқорида биз "давлат ҳуқуқи" билан "Конституциявий ҳуқуқ" тушунчаларини ўзаро синоним, яъни ўзаро ўхшаш, бир-бирининг ўрнида ишлатилиши мумкин бўлган тушунчалар дея таърифлаган бўлсак-да, аммо баъзи бир адабиётларда уларнинг ўртасидаги фарқларга нисбатан бошқача нуқтаи назарлар ҳам мавжудлиги хусусида фикрлар учраб туради. Масалан, германиялик конституцияшунос олим Конрад Хессенинг фикрича, конституция давлат тизими ўрнатилиши билан чекланиб қолмайди, балки нодавлат ҳаёт қурилиши асосларини ҳам қамраб олади (никоҳ, мулк ва бошқалар), зеро, "конституциявий ҳуқуқ" фақат давлат ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини англатувчи "давлат ҳуқуқи"га қараганда кенг қамровлироқдир. Бошқача томондан қаралганда эса "конституциявий ҳуқуқ" маъмурий ва процессуал ҳуқуқни ўзида мужассам этган "давлат ҳуқуқи"га нисбатан бирмунча чекланган туюлади.

Ҳозирги кунда фақат саноқли давлатларгина "давлат ҳуқуқи" атамасини ишлатадилар. Жуда кўп давлатлар эса ўз ҳуқуқининг асосини ташкил этувчи соҳасини ўз ҳудудларида конституциявий тузум қарор топган ёки топмаганлигидан қатъи назар, "конституциявий ҳуқуқ" термини билан ифода этадилар.

Шу сабабдан, бундан кейин матнларнинг тушунилишини енгиллаштириш мақсадида, кўриб чиқилаётган ҳуқуқ соҳасини “хорижий (чет) мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи” термини билан атаймиз.

3-§. Конституциявий ҳуқуқнинг 3 маънода қўлланилиши: ҳуқуқ тармоғи, фан ва ўқув курси сифатида

Конституциявий ҳуқуқ – давлат тузилишини мустаҳкамловчи, жамиятнинг бугуни ва келажагини белгиловчи, жамият ва шахс

муносабатларини тартибга солувчи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳамда маъмурий-ҳудудий тузулишини белгиловчи давлат органлари тизими, улар фаолиятининг энг муҳим жиҳатларини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Аммо биз келтириб ўтган “хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи”ни ҳеч бир давлатда алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида мавжуд бўлади дея олмаймиз. “Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи” фақатгина фан ва ўқув курси сифатида гавдаланиб, ҳар бир мамлакат ҳуқуқ тизимидаги конституциявий ҳуқуқ тармоғини ўзида мужассамлаштиради.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг мазмуни (предмети) Конституциявий ҳуқуқ фани конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар, тамойиллар ва муассаса (институт)лар, шунингдек, улар тартибга соладиган ёки тартибга солиши лозим ва мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни ўрганади. Фан, шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий меъёрларни амалда татбиқ қилишни ҳам ўрганади, уларни ривожлантириш қонуниятларига эришиш, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни рўёбга чиқарувчи (ижрочи)га тегишли ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш ва қўллаш бўйича, алоҳида шахсларга эса – улардан фойдаланиш ҳақидаги асосли тавсияномалар беришга интилади. Бу мақсадда конституциявий ҳуқуқ тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган назария ва қарашлар, уларнинг ривожланиши (эволюцияси)га таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ўрганилади, яъни мазкур фан ўз-ўзини ўрганади.

Чет эл конституциявий ҳуқуқи фани ҳам ҳозирги замонда, дунёдаги конституциявий ҳуқуқнинг тараққиёт қонунлари ва умумий тенденцияларни аниқлаш ҳамда мамлакатда топилган, муваффақият қозонган конституциявий ҳуқуқий қарорлардан тегишли тарзда фойдаланиш ёки ўша мамлакатларда йўл қўйилган хатоларни четлаб ўтиш каби мақсадларни кўзлаб бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганишга қаратилган маълум бир мамлакат конституциявий ҳуқуқ фанининг бир қисмидир.

Конституционалист-тадқиқотчиларнинг ихтиёрида бўлган методологик (услубий) унсурлар анча кенг. Албатта, бошқа юридик фанларда бўлганидек, конституцияшуносликда тадқиқ этилаётган меъёрий ҳужжат (материал)нинг мазмунини аниқлаб олиш учун зарур бўлган расмий-мантиқий таҳлил усули кенг қўлланилмоқда. Буни ўрганилаётган конституциявий-ҳуқуқий ҳодисалар келтириб чиқарилган тарихий шарт-шароитларни аниқлаши кўзда тутувчи тарихий ёндашув ҳам тақозо этмоқда. Конституциявий-ҳуқуқий қарорлар (ечимлар)нинг ижтимоий самарасини белгилаш туб социологик

тадқиқотларсиз, суд амалиёти статистикаси ва ҳоказоларсиз ҳеч бир маъно касб этмайди. Тадқиқот вазифаларининг бундай шаклдалиги унга нисбатан системали ёндашувни талаб этади.

Мазкур фанда, қиёсий компаратив тадқиқот услуби муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши шундай бир тадқиқот объектидирки, унга нисбатан қўлланиладиган тажрибадан фойдаланиш соҳаси ўта тордир, бу тушунарли. Бошқа мамлакатлар эса тажриба сифатида кўрилиши мумкин ва турли мамлакатлар тажрибасининг ўхшаш муаммоларни ҳал этишда, таққосланиши натижасида энг мақбул вариант (йўл)ни топиб олиш мумкин бўлади. Қиёслаш услуби мутахассисларини ***компративистлар***[1] деб аташади.

Умуман конституциявий ҳуқуқ тадқиқотчилари, айниқса, хорижий конституциявий ҳуқуқни тадқиқ этувчилар фақат юридик фанни эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган фанлар ютуқлари захирасига эга бўлишлари лозим. Энг аввало, бу сиёсат ҳақидаги назарий ва амалий фанлар мажмуи бўлган сиёсатшунослик, шунингдек, ижтимоий психология (руҳшунослик) фанларидир.

Конституциявий ҳуқуқ фани нисбатан анча ёш фандир. У фақат XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни қолган бошқа ҳуқуқшунослик фанлари (фуқаролик, жиноят, процессуал ҳуқуқлар)дан анча кейин фалсафа, социологиядан ажралиб чиқди.

Феодализмга қарши кураш даврида демократия идеологлари бўлган Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббе, Ш.Монтескье, Д.Локк, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар конституциявий ҳуқуқнинг муҳим концепциялари: конституционализм, халқ мустақиллиги, халқ вакиллиги, ҳокимиятнинг бўлиниши (тақсимланиши), инсонларнинг табиий, ажралмас ҳуқуқларини илгари сурдилар ва асослаб бердилар. Бу назариялар феодализмни, диспотизм ва зулм-зўравонликка асосланган ижтимоий тузум сифатида тугатиш (йўқ қилиш) нинг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилган, аксил феодал сиёсий кучларнинг ташкилий бирлашувига катта ёрдам берган. Феодализмга қарши инқилоблар даврида конституциявий тузум ва уни расмийлаштирувчи конституциявий ҳуқуқ, назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган демократик ғояларга юридик шакл берувчи конституциявий ҳуқуқ ҳам шакллана бошлади.

Кейинчалик ҳуқуқшунос олимлар янги конституциявий-ҳуқуқий меъёрларни шарҳлашга катта аҳамият қаратдилар. Бунга мисол

[1] Компратив- (лат.) қиёсий, тарихий-қиёсий.

сифатида таниқли инглиз ҳуқуқшуноси, XVIII-XIX- асрларда яшаган, 4 жилдли (том) "Инглиз қонунларига шарҳлар"ни ёзган олим У. Блекстонни келтиришимиз мумкин.

XIX-асрда бир қатор ҳуқуқшунос-конституционалистларнинг кўплаб асарлари пайдо бўла бошлайди. У.Бэджгот, Т.Мэй, А.Дайси, Д.Милл каби ҳуқуқшунос олимлар- Буюк Британияда, А.Эсман, А.Де Токвиль – Францияда, У.Уиллоуби- АҚШда, В.Лобанд, Р.Гнейст- Германияда ўзларининг фундаментал асарларида конституциявий ҳуқуқнинг классик (мумтоз) назарияси, жумладан, парламентаризм, ҳуқуқий, ижтимоий ва демократик давлат каби конституциявий-ҳуқуқий доктрина (таълимотни) яратдилар.

XX-асрнинг бошларида Л.Дюги, М.Орид (Франция), В.Орландо (Италия), Д.Брайс, С.Лоу (Буюк Британия), Г.Еллинск (Германия) каби олимлар конституциявий ҳуқуқ назарияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳуқуқий қарашларида синфий бўлмаган демократия, бирдамлик ғоялари билан бир қаторда парламентлар роли (тутган ўрни)ни чегаралаш, ҳукуматларнинг қонунчиликдаги иштироклари, "кучли ҳокимият" ғояси ва ҳокимиятни кучайтиришнинг зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар юзага кела бошлади.

Францияда Ж.Бюрдо, М.Дюверже, М.Прело, Ж.Ведель, М.Лесаж, Буюк Британияда А.Женнингс, Х.Филлипс, Д.Маккинтош, Д.Маршалл, П.Бромхед, АҚШда Р.Паунд, Э.Корвин, Г.Келзек, К.Левенштейн, Л.Трайб, Германияда Т.Маунц, Г.Навяски, К.Хессе, К. Фон Бойме, К.Штерн каби олимлар ҳозирги замон Fарб конституциявий ҳуқуқининг улкан намоёндалари ҳисобланади. Уларнинг асарларида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи, жумладан илмий-техникавий тараққиётининг ижтимоий ҳаётга таъсири билан боғлиқ бўлган таълимот (назария)лар ишлаб чиқилган. Шу муносабат билан ҳукмрон элита, технократия ва бошқа кўпфикрлилик демократия назариясини айтиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган номлар билан ҳатто айтиб ўтилган давлатларнинг ҳам конституциявий ҳуқуқ муаммоларини ишлаб чиққан муаллифларининг номини айтиб охирига етказиш қийин. Қолаверса, Fарб конституциявий ҳуқуқ фани айрим мамлакатлар тараққиётининг миллий ва тарихий хусусиятлари, турли фалсафий оқимларнинг таъсири билан боғлиқ кўпчилик мактаблар ва кичик мактаблар борлиги билан ҳам характерлидир. Баъзан эса конституциявий ҳуқуқ фани сиёсатшунослик фани билан боғланиб кетади. Чунки бу табиий, зеро, сиёсатшуносликнинг предмети конституциявий ҳуқуқни тартибга

солувчи ҳақиқий ёки эҳтимолий предметни кўрсатувчи жамиятдаги сиёсий муносабатлар эканини ҳисобга оладиган бўлсак, конституциявий ҳуқуқнинг ҳақиқатан ҳам сиёсатшунослик билан боғланганлигини кўрамиз.

Хорижий социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, у ҳолда бундай мамлакатларда коммунистик партиялар ва тоталитар сиёсий режим (тузум)ларнинг ўрнатилганлиги конституциявий ҳуқуқ фанининг ошкора ривожланиш имкониятига барҳам беради. Бу мамлакатларда худди бошқа фанлар каби эътироф этилган марксизм-ленинизм ақидаларига риоя қилиши мажбурий эди (масалан, Хитойда Мао Цзэдун ғоялари, КХДРда марксизм-ленинизмнинг ***чучхе-корейс*** усулидаги ғоялар). Фақатгина шу ақидалар негизида қандайдир назарий қарашларни ривожлантиришга йўл қўйилар эди. Зотан фан бундай шароитда ҳеч қаерда мавжуд бўла олмайди.

Бу мамлакатларнинг кўпчилигида тоталитар тузумга қарши инқилоблар ғалабасидан сўнг жамият ҳақидаги фанлар, жумладан, конституциявий ҳуқуқ фанининг қайта тикланиши ва ривожлантирилиши учун имкониятлар яратилди ва улардан фойдаланилмоқда.

4-§. Хорижий мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ тизими

Конституциявий ҳуқуқ кўплаб ўзаро алоқадаги қисмлар ва элементларни ўзида мужассам этган мураккаб тизимни ташкил этади. Ушбу элементлар ва қисмлар унинг ички қурилишини тавсиф этади. Конституциявий ҳуқуқ тизимининг қисмлари ва элементлари унинг умумий тамойиллари, институтлари ва нормаларидир. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар конституциявий ҳуқуқ соҳасининг мазмунини акс эттирувчи асосий нормаларидир. Бу нормалар барча ҳуқуқий нормалар каби хулқ-атвор, юриш-туриш қоидалари бўлиб, давлат томонидан мауайян тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ўрнатилади. Бу нормаларнинг асосий жиҳатларини умумлаштириб, ихчамгина таърифлаш мумкин:

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат билан фуқаролар ўртасидаги муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва шу йўл билан жамиятни бошқариш мақсадида давлат томонидан ўрнатиладиган умуммажбурий хулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошади ва давлат томонидан таъминланади.

Конституциявий ҳуқуқ нормаларининг ўзгариши ҳуқуқ нормаларининг яхлит бўлагини, таркибий қисмини ўзгаришига олиб

келади. Конституциявий ҳуқуқ нафақат ўз предмети, балки ўз субъектларига таъсир этиш методлари (усуллари) билан бошқа ҳуқуқ тармоқларидан фарқланади.

Масалан: - тақиқлов услуби;

- мажбурлов услуби; (барча ҳуқ. тармоқ)

- рухсат берувчи услуби;

- ҳокимият – мажбурлов таъсир этиш услуби (давлат ҳокимияти устунлиги)

Ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишда "мажбур қилиш, мажбурият юклатиш" усули қўлланилади. Бу мажбуриятлар, албатта, ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга оширишга тааллуқлидир. Масалан: - "Давлатнинг ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг оммавий эҳтиёжларини молиялаштириш бўйича барча кирим-чиқимлари уларнинг бюджетларида акс эттирилиши лозим". (Словакия Республикаси Конституциясидаги 148-модданинг биринчи қисми 1992 йил) "Ҳукумат палаталарнинг ишончини қозониш лозим", (Италия Республикаси Конституциясидаги 94-модда, 1947 йил).

Шу билан бирга, конституциявий ҳуқуқда ман этувчи нормалар ҳам мавжуд: "Ирқи, терисининг ранги, жинси, миллати, диний эътиқодига қараб кишининг қадр-қимматини ерга урувчи ҳар қандай камситишлар ман этилади ва қонунга биноан жазоланади". (Куба Республикаси Конституциясидаги 42-модданинг биринчи гапи, 1976 йил). "Фикрлаш ва виждон эркинлиги бузилмаслиги лозим". (Япония Конституциясининг 19-моддаси, 1946 йил).

Шунингдек, конституциявий ҳуқуқда ваколат берувчи нормалар ҳам мавжуддир: "Промульгациягача, (яъни қабул қилинган қонун эълон қилингунга қадар) Президент қонунни яна бир бор кўриб чиқишни Парламентдан талаб қилиши мумкин" (Руминия Конституциясидаги 77-модданинг 2-қисми, 1991 йил). Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, юқорида кўриб ўтилган нормалар томонидан тартибга солинадиган, кафолатланадиган ҳамда муҳофаза этиладиган муносабатлар конституциявий ҳуқуқнинг предметидир. Француз конституцияшунос олими Анри Ориунинг фикрича, конституциявий ҳуқуқнинг энг олий, бош вазифаси ҳокимият ва эркинликнинг бирликда мавжуд бўлишини таъминлашдир. Бундай ҳолларда давлат ўз институтлари сиймосида ҳокимият ваколатлари соҳиби сифатида ҳамда инсон эркинлик соҳиби сифатида майдонга чиқади. Унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари жамият, давлат ва ҳуқуқдаги энг олий қадрият ҳисобланади.

Конституциявий тузумнинг асосий тамойиллари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат ва оммавий ҳокимият қурилиши, уни шакллантириш ва ҳаракатга келтиришнинг шартлари, тартиби конституциявий ҳуқуқ объектидир. Конституциявий ҳуқуқ объектига ишора қилиш кўпинча конституциявий ҳуқуқ тушунчасининг ўзини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, объекти нуқтаи назаридан олиб қараганда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида предметидир.

Маълумки, конституциявий ҳуқуқ тизими 3 асосий элементдан иборат:

1. Конституциявий ҳуқуқ тамойиллари;
2. Конституциявий ҳуқуқ институтлари;
3. Конституциявий ҳуқуқ нормалари.

Тамойиллари: - Халқ суверинитет;

- Халқ вакиллиги;
- Ҳокимият тақсимланиши;
- Бир-бирини тийиб туриш;
- Шахс эркинлиги;
- Ҳуқуқ эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши;
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари.

Барча тамойиллар конституциянинг муқаддимаси ёки тегишли бобларидан ўрин олган.

Институтлари: - Шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати;

- Фуқаролик;
- Парламент;
- Давлат бошлиғи;
- Сайлов ҳуқуқи;
- Конституциявий назорат ва бошқалар.
- Суд институтлари
- шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати институтлари:

а) фуқаролик;

б) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;

в) сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар;

Конституциявий ҳуқуқнинг объекти, предмети ва усулларини кўриб чиқиб, унинг муҳим сифатларини аниқлагач, ҳуқуқнинг ушбу соҳасига умумий таъриф бериш мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ маълум бир мамлакатнинг ҳуқуқ нормалари тизими бўлиб, бу нормалар инсоннинг жамият ва давлатдаги ҳолатини, ижтимоий тузум асосларини, оммавий

ҳокимият органлари тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсаттириш асосларини тартибга солади.

Ушбу таъриф тартибга солинадиган энг муҳим объектларнигина қамраб олган энг умумий таърифдир. Адабиётларда бир вақтлар Шўролар давлат ҳуқуқига берилган бундан ҳам қисқароқ ва умумийроқ таърифини учратиш мумкин. Бу таърифда тахминан шундай дейилади:

"Ҳуқуқнинг ушбу соҳаси давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади".

Аммо бу таърифни тўлиқ ва тўғри деб бўлмайди, зеро маъмурий ҳуқуқ ҳам давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ эса инсон ва фуқароларни нафақат давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, балки шу билан бирга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг тажовузларидан ҳам муҳофаза қилишга йўналтирилган. Шу сабабдан юқоридаги таърифни қуйидагича бериш мақсадга мувофиқдир: "Конституциявий ҳуқуқ фақат давлат эмас, балки ҳар қандай оммавий ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади".

Конституциявий ҳуқуқнинг юқорида кўриб ўтилган предмети бу нормаларнинг алоҳида соҳага мансублигини ўзига хос табиатга ва сифатларга эга бўлишини тақозо этади.

Умумий тамойиллар конституциявий ҳуқуқ тизимининг асосини ташкил этади ва ягона йўналиш беради. Бу тамойиллар ижтимоий муносабатларни бевосита эмас, балки юқорида тилган олинган конституциявий-ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солади. Халқ суверенитети, (Греция Конституциясидаги 1-модданинг 2- қисми). Халқ вакиллиги (Япония Конституцияси муқаддимаси), ҳокимиятнинг тақсимланиши (Германия Федератив Республикаси Асосий Қонунининг 20-моддаси), тенг ҳуқуқлилик (Нидерландия Қироллиги Конституциясининг 1-моддаси), дахлсизлик ҳуқуқлари (ГФР Асосий Қонунидаги 1-модда). Бу тамойиллар аниқ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни ифодаламайди, аммо улар кўплаб конституциявий-ҳуқуқий нормалар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадирлар.

Бошқа баъзи бир тамойиллар эса аниқ юридик шаклга эга бўлиб, давлат фаолиятида бевосита қўлланилади. Депутатларнинг сайловчилардан мустақиллиги (Болгария Республикаси Конституциясининг 67-моддаси 1991 йил) конституциявий ҳуқуқларнинг суд томонидан

муҳофаза қилиниши (Испания Конституциясининг 53-моддаси, 1978 йил) давлат раҳбарининг жавобгар бўлмаслиги (Люксембург, Буюк Герцоголинанинг Конституцияси 4-моддаси, 1868 йил) шулар жумласидандир.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар:

а) тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни қўллаш, мазмуни;

б) юридик кучи;

в) амал қилиш доираси;

г) қоидаларининг даражаси;

д) ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги ўрни бўйича таснифланиши мумкин.

Ҳар бир таснифда маълум моддалар битта мажмуани ташкил этиши мумкин, яъни конституциявий нормалар, айтайлик, амал қилиш доираси бўйича таснифланганда, бир қанча нормалар битта гуруҳни ташкил этиши мумкин.

Бир-бирига яқин нормаларнинг бундай мажмуи конституциявий-ҳуқуқий институтлар деб аталади. Шундай қилиб, асосий тамойиллар, конституциявий-ҳуқуқий институтлар ва уларнинг нормалари конституциявий ҳуқуқ тизимини ташкил этади.

5-§. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар

Конституциявий ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлари деб, Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Деярли барча хорижий мамлакатларда конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни бир хил. Бундай муносабатларнинг иштирокчилари конституциявий ҳуқуқ нормалари томонидан ўрнатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан ўзаро боғланган бўлади. Унинг иштирокчилари ўзаро юридик алоқада бўлади, чунки улар кишилар онгига боғлиқ бўлиб, давлат органлари томонидан таъминланади, ҳимоя қилинади, кафолатланади.

Шундай қилиб, конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юридик мазмунини, муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ташкил этади. Бу муносабатлар асосан давлат ва жамият тузилишини мустаҳкамлаш, халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш тизими ва шакллари билан боғлиқдир, шунинг учун ҳам конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ тизимида ҳал қилувчи

ўринда туради.

Давлат-ҳуқуқ назариясида конституциявий ҳуқуқнинг объекти ва предметини фарқлаш одат тусига кирган.

Ҳуқуқий мавжудлиги (воқелиги) ҳамда тартибга солиниши конституциявий ҳуқуқ нормаларида акс этадиган ижтимоий ҳаёт соҳалари ёки жиҳатлари (аспектлари) конституциявий ҳуқуқ объекти дейилади.

Конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу муносабатларда иштирок этувчиларнинг яъни субъектларнинг махсус доирасини гуруҳларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

Конституциявий ҳуқуқ субъектлари. Фуқаролар, чет элликлар, фуқаролар гуруҳлари, махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахслар сифатида сайловчилар ва депутатлар ҳамда уларнинг гуруҳлари конституциявий ҳуқуқ субъектларининг биринчи гуруҳига кирадилар.

Умуман давлатнинг ўзи ва унинг органлари, баъзан эса унинг алоҳида қисмлари, масалан, палаталар, комиссиялар, парламентдаги партиялар гуруҳлари, ҳудудий бирликлар, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалар конституциявий ҳуқуқ субъектларининг иккинчи гуруҳларини ташкил этадилар.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда давлат алоҳида роль ўйнайди. Давлат бунда қонун ижод қилиш ҳокимияти соҳиби, ижтимоий муносабатлар бошқарувчиси сифатида майдонга чиқади. У ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ушбу муносабат қандай бўлиши лозимлиги хусусида кўрсатма берган ҳамда ушбу кўрсатмани моҳиятини ташкил этадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижросини таъминлайди. Баъзан давлат маълум ижтимоий муносабат иштирокчиси ҳам бўлиши мумкин (масалан. Федератив давлат билан федератив субъектлари ўртасидаги муносабатлар). Давлат ўз органлари ёхуд референдум орқали ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатидаги вазифасини адо этади.

Давлат органлари эса конституциявий ҳуқуқ субъектлари сифатида ўз зиммаларига юклатилган вазифаларга мутаносиб равишда маълум ваколатларга эгадирлар. Улар қонунлар чиқариши, бошқа органлар фаолияти устидан назорат олиб бориши ёки қонунларни ижро этишлари мумкин. Ҳуқуқий муносабатларда улар ваколат соҳиблари ёки бўйсунувчи субъектлар сифатида иштирок этадилар.

Баъзи бир мамлакатларда черков ҳам конституциявий ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин. Масалан, Буюк Британияда англичан ва шотланд пресвитериан черковига давлат бошлиғи (монарх) раҳбарлик қилади. Лордлар палатасида эса монарх тайинлайдиган руҳоний лордлар фаолият кўрсатадилар.

Энди жисмоний шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ субъектлари сифатидаги фаолияти масаласига келсак, улар ўз мақоми бўйича бир-биридан фарқ қиладилар.

Маълум бир шахсга шу давлат фуқароси ёки шу ерда турган чет эллик ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс (**апатрид**) эканлигига боғлиқ равишда миллий конституциявий ҳуқуқ нормалари томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳажми ҳам турлича бўлади. Ҳар бир давлатнинг конституциявий ҳуқуқида фуқароликни олиш ва йўқотиш, фуқароларнинг мақоми, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий режимини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлади.

Аммо ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, барча жисмоний шахслар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Барча давлатларнинг конституциявий ҳуқуқларида шахснинг дахлсиз табиий ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти кафолатланган бўлиши лозим.

Конституциявий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва роли

Ҳуқуқ тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳуқуқ ривожининг ўсиши билан тавсифланади. Масалан, Британия Парламенти йилига юзга яқин қонунлар қабул қилади. АҚШ Конгресси 1988 йилда 280 та қонунни маъқуллаган. Ижтимоий муносабатларнинг кенг равишда тартибга солиниши давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ҳуқуқий воситалар ёрдамида фаол равишда таъсир кўрсатишига уринаётганлигидан далолат беради.

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими кўплаб соҳалардан иборатдир. Конституциявий ҳуқуқ улар орасида етакчи ўрин тутади. Бу ҳол ушбу ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг сераҳамиятлилигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, конституциявий ҳуқуқ барча ҳуқуқ соҳалари ўзаро ҳамкорлик марказида туради. Зеро, конституциявий ҳуқуқ сингари бошқа барча ҳуқуқ соҳалари учун дастлабки тамойил, асос бўлиб хизмат қиладиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилади. Конституциявий ҳуқуқда давлат маъмурияти органларининг умумий ваколатлари, фаолият кўрсатиш тартиби, ташкиллаштириш тамойиллари ва тузилиши (структураси), инсон ва фуқаро билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар

белгилаб қўйилади.

Конституциялар кўпинча иқтисодий муносабатларнинг асосларини ҳам тартибга соладилар, бу эса фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқи асосларини белгилайди. Шундай йўл билан конституциявий ҳуқуқ тегишли мамлакатнинг молия, меҳнат, жазо, процессуал ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг дастлабки тамойилларини белгилаб беради.

Конституциявий ҳуқуқда демократия институтлари бўлмиш тенг ҳуқуқлилик, умумий сайлов ҳуқуқи, кўппартиявийлик, касаба уюшмалари ҳуқуқларининг ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши конституцияларнинг аҳамиятини янада оширади. Демократия конституциявий ҳуқуқ ёрдамида жамият ва давлатнинг расмий, умумий тамойилига айланади.

2-боб. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқининг манбалари

Конституциявий ҳуқуқининг манбалари икки маънода талқин қилинади. Биринчиси, конституциявий-ҳуқуқий нормаларни вужудга келтирувчи куч, яъни муайян сиёсий иродани ўзида мужассам этган давлат ҳокимияти. Иккинчиси, мазкур нормаларни ифодаловчи турли-туман шаклдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Давлат ҳокимияти жамият эҳтиёжларидан ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш йўналишларидан келиб чиқиб ҳуқуқий нормалар қабул қилади. Ҳар қандай конституциявий-ҳуқуқий нормада давлат ҳокимиятининг муайян иродаси ўз ифодасини топади.

Конституциявий-ҳуқуқий нормаларни ўзида жамлаб турувчи ҳамда ифодаловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1) Конституция - давлатнинг асосий қонуни;

2) Қонунлар: конституциявий қонунлар (Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади); органик қонунлар (Конституциянинг бланкет нормаси асосида қабул қилинган қонунлар); оддий қонунлар;

3) Парламент палаталарининг регламентлари;

4) Ҳукумат ва давлат раҳбарининг норматив ҳужжатлари, шулардан: қарорлар, фармонлар, фармойишлар, йўриқномалар ва бошқалар;

5) Конституциявий назорат олиб борувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (Конституциявий суд ва Олий суд);

6) Суд прецедентлари (қуйи турувчи судлар учун мажбурий бўлган юқори турувчи судларнинг ҳужжатлари);

7) Конституциявий-ҳуқуқий одатлар (англосаксон ҳуқуқи);

8) Халқаро давлатлараро ва ички шартномалар;

9) Ўзига хос хусусиятга эга бўлган манбалар: мусулмон ҳуқуқининг нормалари (шариат нормалари);

10) Доктринал манбалар.

Конституциявий ҳуқуқ манбалари- (ҳуқуқий ҳужжатларнинг шакллари)га ўзаро ички мутаносиблик, мувофиқлик ҳамда тобелик муносабатлари хос. Улар ўзига хос "иерархияни", яъни юқоридан пастга қараб поғонама-поғона тобелик асосида тушувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тузилмасини ташкил этади. Конституция бунда юқори юридик кучга кўра энг олий ҳуқуқий-норматив ҳужжат бўлиб, ҳуқуқий эҳромнинг чўққисида туради.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқининг манбалари конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Кўпгина давлатларда ушбу ҳуқуқ тармоғининг энг асосий манбаи - Конституция ҳисобланади (баъзи бир мусулмон давлатлари истиснодир). Аммо конституция давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларини ҳукуматга ҳавола қилиб, кўпгина ҳолларда умумий қоидаларнигина ўзида акс этади.

Ҳар бир давлат ҳудудида энг асосий қонун бўлмиш Конституциядан сўнг доим қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари ўрин эгаллайди. Иерархия бўйича Конституциядан сўнг қонун туради.

1-§. Қонунлар (конституциявий, органик ва оддий қонунлар)

Қонун олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ёки фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказишнинг талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Этимология нуқтаи назаридан қонун оддий ҳуқуқ нормаларидан фарқли ўлароқ, давлат томонидан чиқарилган юридик актдир. Қонуннинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи акти ва фармоннинг ижро этувчи орган акти сифатида қарама-қарши қўйиш ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган. Қонунлар ва фармонлар ўртасида ваколат доирасининг бўлинганлиги тўғрисида ҳозирча бирор аниқ фикр айтилгани йўқ. Қонун бир қатор давлатларда қонун воситасида ҳар қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солса бўлади. Ижро органларининг актлари эса қонунда кўрсатилган ваколатлар доирасида қабул қилинади, деган ғоя мавжуд ва баъзиларида конституция билан мустаҳкамланган. Ҳозирги замон қонун назариясида қонун инсоннинг умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларига қарши бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида принципиал қоида мавжуд.

Қонун тузилишининг асосий элементлари қуйидагилардир: қонун реквизитлари, қонуннинг номи қонун қабул қилувчи орган, қабул қилиниш куни, тасдиқланиш куни, қонунни имзолашга вакил қилинган мансабдор шахс имзоси, муқаддима, қонун моддаси, туркум боб, бўлим (бўлинма) қисм. Қонунда мужассамлашган нормаларнинг аҳамияти бўйича улар конституциявий, органик ва оддийларга бўлинади. Конституциявий қонун қатор мамлакатларда конституциявий

ҳуқуқнинг бош манбаларидан биридир. Руминияда француз тилида гаплашувчи давлатларда конституциявий қонун - бу конституцияга ўзгартиришлар киритувчи қонун, Россия Федерацияси, Қозоғистон каби давлатларда конституциявий қонун конституцияда белгиланган масалалар бўйича қабул қилинади. Биринчи ҳолатда, конституциявий қонунни қабул қилиш тартиби Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибига мос келади, иккинчи ҳолатда конституциявий қонун конституциявий ўзгартириш тартибидан фарқ килиб, махсус мураккаблаштирилган тартибда, қонун чиқарувчи орган кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Алоҳида олинган давлатларда конституциявий қонун деб, мазкур давлат конституциясини ташкил этувчи қонунларга айтилади (масалан, Швецияда). Органик қонунлар конституциянинг тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан қабул қилинадиган қонунлар. Бир қатор давлатларда бундай қонунларни белгилаш учун қўшимча атамаси ишлатилади (Франция, Бразилия).

Оддий қонун: жорий ва кодификация қилинган қонунга бўлинади. Федератив давлатларда қонун, шунингдек, федерал қонунга, федерация субъектлари қонунига бўлинади. Қонуннинг алоҳида тоифасини фавқулодда қонунлар ташкил этади.[2]

Қонунларни таснифлашнинг бир неча усуллари мавжуд: давлат тузилишига кўра; мавжуд нормалар хусусияти ва қабул қилиниш тартибига кўра; тармоқларга кўра; қонун шаклига кўра; ҳуқуқий тартибга солиш механизмига кўра, ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра таснифланади.

2-§. Ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив актлари

Конституциявий ҳуқуқнинг манбаларидан яна бири - қонун ости ҳужжатлари ҳисобланади. Булардан бири бу фармондир. Фармон - бир қатор давлатларда шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат бошлиғи чиқарадиган энг муҳим ҳужжатлардан биридир. Фармон орқали одатда, юксак мансабли шахслар лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, фавқулодда ёки ҳарбий вазият тартиби жорий этилади, орден ва медаллар билан мукофотлаш амалга оширилади, олий ҳарбий ва фахрий унвонлар берилади, умумнорматив хусусиятга эга бўлган қарорлар расмийлаштирилади. Умумий қоидага кўра, фармон мазкур давлатнинг энг асосий қомуси бўлмиш – конституцияга зид бўлмаслиги керак. Ғарб давлатларида бундай фармонлар кўпинча декрет (АҚШда ижро этувчи директивалар) деб аталиб,

[2] Юридик Энциклопедия. 610-бет.

лотинча "decretum" - фармон, қарор деган маънони беради. Декрет умумий ёки хусусий норматив ҳужжатнинг номидир. Биринчи бор, декрет атамаси Қадимги Римда пайдо бўлган. Ҳозирги Францияда декрет президент ва бош вазир томонидан чиқарилади, бунда президент декретлари бош вазир тегишли вазир ўз имзоси билан тасдиқлаганидан кейингина юридик кучга эга бўлади. Африканинг Франция конституциявий тизимини қабул қилган бир қатор давлатларнинг президентлари ҳам декретлар чиқарадилар. Англо-саксои ҳуқуқий тизими мамлакатларида суд қарорларининг баъзи турлари декрет деб аталади.

Италия, Испания ва баъзи бир бошқа мамлакатларда "ўта зарур ва шошилинч ҳолларда" ҳукумат томонидан унинг жавобгарлиги остида қабул қилинадиган ва қонун кучига эга бўлган вақтинчалик ҳужжатларнинг номи. Декрет-қонунлар чиқарилган ҳолларда ҳукумат уни дарҳол парламентга кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этиши шарт. Ҳукумат чиқарган декрет-қонунларни парламент муайян вақт мобайнида (Италияда чоп этилганидан кейин 60-кун давомида) тасдиқланмаса, улар чиқарилган пайтидан бошлаб, ўз кучини йўқотади. Жанубий Корея, Словения ва бир қатор бошқа мамлакатларда худди ана шу шартларда декретлар президент томонидан чиқарилиши мумкин.

3-§.Парламент регламентлари

Қонунлардан сўнг парламент палаталари регламентлари конституциявий ҳуқуқнинг бир манбаи сифатида қаралади, унинг қонундан фарқи шундаки, регламент парламентнинг ички қонун-қоидаларини белгилайди. Регламент депутатнинг ҳуқуқий ҳолатини ички ташкилий, палаталар ҳамда бир палатали фаолият шакллари асосида тартибга солувчи қоидалар йиғиндисидир.

4-§.Суд прецеденти

Кўпгина англо-саксон давлатларида суд прецедентлари ўша давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи манбалари ҳисобланади. Суд прецеденти (Pracedenns - бўлиб ўтган) бир суд томонидан чиқарилган қарорнинг бошқа судлар томонидан айнан бир иш бўйича бир хилда қарор чиқаришини таъминлаш билан изоҳланади. Суд прецеденти Рим адлия соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирда суд прецеденти ҳуқуқ манбаи сифатида АҚШ, Англия, Канада, Австралия, Япония каби давлатларда қўлланилади.

5-§. Конституциявий ҳуқуқий одатлар (конституциявий битим)

Конституциявий ҳуқуқнинг яна бир манбаларидан бири одатдир, у арабчада "анъана" деган маъно бериб, муайян халққа хос бўлган муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар ва анъаналар мажмуаси. Ислом динини қабул қилган халқларда одат шариат қонунлари билан бир қаторда жамоа ҳаётини тартибга солишда муҳим рол ўйнаган. Одат кўпинча иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг турли томонларига, оила ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Исломга қадар мавжуд анъаналардан келиб чиққанлиги сабабли у ислом оламининг турли жойларида турлича кўринишларга эга.

Одат давлатларнинг умумий амалиёти бўлиб, кўп йиллар давомида қўлланилиши зарур ва у ҳуқуқий томондан риоя қилиниши зарур деб тан олинмайди. Бу билан одатга халқаро-ҳуқуқий нормаларидан ажралиб туради. Жумладан, одатга давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувининг элчилик маросими ва Халқаро ахлоқ нормаларини мисол қилиш мумкин. Одат Халқаро-ҳуқуқий русумлар ёки ҳуқуқнинг шартнома меъёрига айлантирилгандан кейингина халқаро-ҳуқуқ нормаси, яъни халқаро музокараларнинг барча қатнашчилари учун зарур бўлган ахлоқ қоидалари деб тан олиниши мумкин.

Одат ҳуқуқи маълум давлат, жой ёки этник ва ижтимоий гуруҳда такрорий қўлланиши натижасида юзага келган жамоат муносабатларини бошқарувчи ёзилмаган ахлоқ қоидалари мажмуи. Одатдаги ҳуқуқ, давлатлар пайдо бўлишидан аввалги жамиятдаги урф-одатлар натижасида шаклланади.

Конституциявий одат бу давлат органларининг бир хил фаолияти амалиётида вужудга келган, оғзаки характерга эга бўлган, муносабат қатнашчиларининг келишувига суянадиган, бузилган тақдирда суд ҳимоясидан фойдалана олмайдиган қоидалардир. Бу одат асосан конституцияси йўқ бўлган давлатларда тарқалган. Конституциявий одатни баъзи ҳолларда, конституциявий келишув, конвенцион норма, конституциявий ахлоқ каби номлар билан ҳам аташади. Конституциявий одат англо-саксон ҳуқуқий тизими мавжуд давлатларида кенг тарқалган. Бундай давлатларга, АҚШ, Англия ва бошқалар киради. Масалан, конституциявий одатга кўра, Англияда юридик жиҳатдан юқори ижро этувчи ҳокимият монархга тегишли бўлса-да, амалда эса у ҳукуматга тегишлидир. Конституциявий одатга биноан, қирол Англия парламентининг Жамоалар палатасида энг кўп ўрин эгаллаган партия лидерини Бош вазир лавозимига тайинлаши мумкин. Фақатгина конституциявий одатга асосан, АҚШ ҳамда Ҳиндистонда Вазир-

лар Маҳкамаси мавжуд, ваҳоланки уларнинг конституцияларида бундай давлат органлари умуман кўзда тутилмаган. Айрим муаллифларнинг фикрича, конституциявий одатларнинг қўлланилиши кафили жамоат фикри бўлганлиги сабабли, баъзан улар давлат ҳуқуқи нормаларини қўлланишини тартибга солувчи ижтимоий нормалар ҳам деб аталади.

6-§.Халқаро давлатлараро ва ички шартномалар

Халқаро шартномалар конституциявий муносабатларни тартибга солишда иштирок этади. Халқаро муносабатлар хоҳ сиёсий, иқтисодий ёки маданий бўлсин, фақатгина Халқаро шартномалар асосидагина тартибга солинади. Халқаро шартномалар фақатгина ёзма шаклда тузилади. Халқаро шартномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Халқаро шартномалар хорижий давлатлар ёки Халқаро бирлашмаларнинг ўзаро келишуви натижасида ёзма равишда тузилади. Халқаро шартноманинг асосий манбаи Халқаро ҳуқуқ ҳисобланади.

Халқаро шартномада ўзаро келишув асосида шартнома тузаётган давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Ҳар бир давлатнинг миллий ҳуқуқи улар қабул қиладиган халқаро ҳуқуқ нормалари мазмунига таъсир кўрсатади: бирон-бир давлат ўзининг ғоя ва дастурларига зид келувчи халқаро мажбуриятларни зиммасига олмайди. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимга кириб келиши ҳуқуқи даражаси ва шартларини бслгилайди ва бунда давлатларнинг асосий қонунлари бўлмиш конституциялари ҳал этувчи аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқнинг биронта нормаси Конституцияни четлаб ўтган ҳолда миллий ҳуқуққа кириб келиши мумкин эмас.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий ҳуқуққа кириб келиш қоидалари турли мамлакатларда турличадир. Айрим давлатларнинг конституцияларида халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устун туриши ва унинг мамлакат ичкарисидаги бевосита таъсири тўғрисида сўз боради. Аслида бу ҳам халқаро ҳуқуқнинг Конституция бўйича кириб келиши ҳуқуқи тўғрисидаги қоидадир.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида халқаро ҳуқуқнинг, бир томондан, одат нормалари, иккинчи томондан шартномавий нормаларнинг киритилиши тартиблари ўртасида фарқлар мавжуд. Масалан, АҚШ да халқаро одат ҳуқуқи мамлакат миллий ҳуқуқининг узвий қисми саналади ва ижро ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятга мансуб

халқаро шартнома ёхуд бошқа бирон-бир норматив ҳужжат ёки суд қарори мавжуд бўлмаган тақдирда, судлар ундан муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фойдаланиши кўзда тутилади.

Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларида бу масала бошқачароқ ҳал этилганини кузатиш мумкин. Масалан, Германияда умумий халқаро ҳуқуқ нормалари мамлакат миллий ҳуқуқига қўшилибгина қолмай, айни чоғда қонунлар олдида устувор кучга ҳам эгадир. Голландияда эса халқаро одат ҳуқуқининг барча нормалари қўлланиши шартлиги назарда тутилган.

Халқаро шартномаларга ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатига келсак, бу масаланинг қуйидаги иккита ечими маълум:

биринчидан, халқаро шартнома қоидалари махсус қонун чиқариш эвазигагина миллий ҳуқуқ кучига эга бўлади (Буюк Британия, Ҳиндистон, Нигерия);

иккинчидан, тегишли тартибда ратификация қилинган ва расмий тарзда чоп этилган халқаро шартнома қоидалари тўғридан-тўғри миллий ҳуқуқ нормалари кучига эга бўлади. Кўпинча бундай ҳолларда миллий ҳуқуқда халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг мамлакат ҳуқуқий тизимидаги устунлиги ўрнатилади (Франция, Греция, Испания).

Европадаги аксарият мамлакатларда конституцияга зид бўлган халқаро шартноманинг имзоланишига фақат конституцияга тегишли ўзгартиш киритилганидан кейингина йўл қўйилади.[3]

7-§.Доктринал манбалар

Хорижий адабиётларда, давлат арбоблари ва олимларнинг фикр ва мулоҳазалари конституциявий ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланиши ҳақида сўз юритилади. Бу ҳолатда давлат арбоблари ҳамда олимларнинг фикрлари ва мулоҳазалари ҳуқуқий доктрина сифатида қаралади. Бу концепция Қадимги Юнонистон, Рим, кейинчалик ўрта асрларда Европага ундан кейин XIX асрга келиб, бутун жаҳонда тарқалган. Қадимги даврнинг энг машҳур файлусуфларидан бири Арасту ўзининг доктринасини "Сиёсат" асарида ёзиб қолдирган. Мазкур доктрина бир қатор элементларни ўз ичига олади. Бунда иқтисодий фаолиятни ташкил этиш шакллари алоҳида ўрин тутади. Мазкур шакллардан бири хўжалик иқтисодидир. Хўжалик иқтисодининг мақсади ўз навбатида ҳар бир индивид ва оиланинг эҳтиёжларининг қондиришдан келиб чиқади. Хўжалик иқтисоднинг манбаи сифатида, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ юзага келган.

[3] Ҳозирги замон халкаро ҳуқуки назарияси асослари. И.И.Лукашук, А.Х.Саидов. 120 -бет.

Арастудан фарқли ўлароқ, Ўрта асрнинг машҳур файласуфи ва теологи Фома Д'Аквинский "Ижтимоий одиллик" доктринасига асос солган. Унинг қарашлари бутун католик черковининг ягона, тўғри ва одил фалсафаси деб тан олинади. Мазкур доктринанинг моҳияти "Теология йиғиндиси" асарида кўрсатилган. Унга кўра, иқтисодий фаолият христиан ахлоқидан ажралмаслиги лозим, яъни нарх навонинг одиллиги - бирор бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги сарф харажатлар эмас, балки ахлоқий қарашлар ҳисобга олиниши керак, демак, ҳар бир маҳсулот турли нархларда сотилиши мумкин.

XVI аср охири - XVII нинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган Томас Манн меркантелизм йўналишида ўз доктринасини яратган. Меркантелизм доктринасининг асоси шундан иборатки, унга кўра, алоҳида индивидуал шахс ва бутун давлатнинг асосий бойлиги сифатида олтин ва кумуш, шунингдек, турли хил қимматбаҳо тошлардан зарб этиладиган танга пуллар ташкил этилиши керак. Мазкур доктрина фаол иқтисодий муносабатлар ва ташқи савдони қўллаб-қувватловчи восита ҳисобланади.

XVIII асрга келиб, жаҳон саҳнасида янги бир доктрина юзага келди, бу доктрина бевосита Франсуа Кени билан боғлиқ, у физиократлар мактабини асосчиси ҳисобланади. Доктринанинг моҳияти эса иқтисодий жадвал китобидан ўз ифодасини топади. Доктринанинг асосий моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай иқтисодий жараёнлар худо томонидан ўрнатиб қўйилган қонун ва қоидалар асосида ривожланади. Франсуа Кени тоза маҳсулот каби назариянинг асосчиси ҳисобланади. Унга кўра тоза маҳсулот меҳнат билан эмас балки табиат жараёнлари билан боғлиқ.

XVIII асрнинг машҳур теократи, сиёсий иқтисоднинг асосчиси Адам Смитнинг либерализм доктринаси унинг "Халқ бойлигининг сабаблари ва табиатини ўрганиш" асарида акс эттирилган. Унга кўра, жамиятдаги бутун иқтисодий тизимнинг асоси сифатида капитализмни таъкидлаб ўтиш лозим, демак, Адам Смит доктринаси юқорида санаб ўтилган доктриналардан фарқли ўлароқ, унда иқтисодий ривожланишнинг асоси меҳнат ва фақат инсон меҳнати ташкил этиши кўрсатилган. Алоҳида индивиднинг манфаатлари ҳар бир иқтисодий тизимнинг кучи сифатида майдонга келади. Меҳнат тақсимоти эса миллат бойишининг асосий манбаи сифатида қаралади.

XIX асрга келиб, Жан Батист Сей иқтисодий либерализм доктринасига асос солган. Бу доктрина унинг “Сиёсий иқтисод трактати” асарида жой олган. У "Бозор қонуни” ни яратди, ушбу қонуннинг

бошқача номланиши “Сей қонунлари”. Унга кўра, иқтисодда қайта ишлаш инқирозлари бўлиши мумкин эмас, сабаби ҳар бир ишлаб чиқараладиган нарса албатта, истеъмол қилинади.

8-§. Диний манбалар

Конституциявий ҳуқуқнинг яна бир манбаларидан бири шариат бўлиб, бу манба айниқса, мусулмон давлатларида ушбу ҳуқуқ тармоғининг манбаи ҳисобланади. Шариат араб - тўғри йўл бўлиб, ислом ҳуқуқ тизимидир. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий қоидалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Илк исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Кейинроқ мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий, диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом ҳуқуқшунослари бир неча аср мобайнида шариат қоидаларини ишлаб чиққанлар. Шариатга Қуръон, сунна, ижмоъ ва қиёс асос қилиб олинган. Улар шариат манбалари деб эътироф этилади. Шариат ҳуқуқий тизим сифатида XI-XII асрларда тугал шаклланган. Исломда сунъийлик ва шиаликдаги шариат тизимлари ўртасида маълум тафовутлар бор. Сунъийликда ханафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалия мазҳабларининг, шиаликда эса жаъфария мазҳабининг ўзига хос ҳуқуқий тизими мавжуд. Шариатда давлат (халифалик) ҳуқуқи қоидалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқи, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари ва барча ахлоқ-одоб нормалари берилган. Шариат хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки тур - ҳаром ва ҳалолга ажратилган.

Кейинчалик беш тоифа вужудга келган, шариат муомалага лаёқатли мусулмоннинг хатти-ҳаракатларини беш мезон асосида баҳолайди: биринчидан, бажарилиши ғоятда муҳим ва қатьий мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар (фарз ё вожиб). Масалан, намоз ўқиш, закот бериш. Бу ҳаракатлар фарз бўлгани сабабли алоҳида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб қилмайди: иккинчидан, бажарилиши яхши ҳисобланиб тавсия қилинадиган хатти-ҳаракатлар (суннат ё мустаҳаб). Бундай хатти-ҳаракатларнинг бажарилиши қатъий мажбурий бўлмаса-да, уларни бажариш маъқул ҳисобланади, рағбатлантирилади. Масалан, уйланиш, садақа бериш; учинчидан, рағбатлантирилмайдиган ва уни бажармаслик гуноҳ ҳисобланмайдиган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар (мубоҳ, жоиз). Масалан, битим, савдо шарт-

номалари тузиш, сафар қилиш, емоқ, ичмоқ ва бошқалар; тўртинчидан, жазога тортилмайдиган, аммо номаъқул ҳисобланадиган хатти-ҳаракатлар (макруҳ). Масалан, сўзлашув жараёнида сўкиниш, нуроний, ёши улуғ кишиларнинг ҳурматини ўрнига қўймаслик, сувларни ифлослаш, ҳайвонларга ҳаддан ортиқ юк ортиш; бешинчидан, қатьий равишда тақикланган хатти-ҳаракатлар (ҳаром). Бундай хатти-ҳаракатлар учун гуноҳкорлар жуда қаттиқ жазоланадилар. Бунга ҳаром луқма, масалан, чўчқа гўштини истеъмол қилиш, ароқ ичиш, одам ўлдириш сингари ҳаракатлар мисол бўлади.

Шариат жиноят учун қатъий, шафқатсиз чораларни кўзда тутади. Масалан, Қуръонда (5-сура, 42-оят) ўғрилик қилгани учун ўғриларнинг қўли кесилиши лозимлиги айтилади. Шунингдек, гуноҳкорларни аниқ белгиланган миқдорда дарра билан уриш чоралари ҳам тилга олинади. Диндан қайтиш, талончилик, қасддан одам ўлдириш сингари жиноятлар учун шариат ўлим жазосини кўзда тутади.

Шариат ҳозирги замон дунёсининг энг йирик ҳуқуқий тизимларидан бири бўлиб қолмоқда ва у оила, жамият, давлат миқёсидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олган.

Шариат асосан маънавий-ахлоқий ҳуқуқ қонуни бўлиб, кўпдан-кўп ёзма ва оғзаки диний, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, маҳаллий урф-одат ва анъаналар таъсири остида шаклланган.

9-§.Табиий ҳуқуқ

Давлат ва ҳуқуқ назариясида инсон табиатидан келиб чиқувчи ҳамда шу туфайли муайян давлатнинг қонунлар орқали тан олишига ёки тан олмаслигига боғлиқ бўлмаган принциплар, қоидалар, ҳуқуқ ва қадриятлар мажмуасини билдирувчи тушунчадир.

10-§. Сиёсий декларациялар

Конституциявий ҳуқуқнинг кейинги ўзига хос хусусиятига эга бўлган манбалари қаторига, кўпгина ривожланаётган ҳамда социалистик давлатларда ҳукм сурадиган партияларнинг сиёсий декларациялари, хартиялари, дастурлари ва бошқалари киради.

Конституциявий ҳуқуқда алоҳида сиёсий-юридик ҳужжатларнинг уларга тантанали хусусият бериш, улариинг тегишли давлат тақдири учун катта аҳамиятини таъкидлаш мақсадига эга бўлган номи (Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси). Норматив ҳужжат бўлмиш декларациянинг ўзига хос жиҳати шундаки, улардаги қоидалар

ўта умумий, номуайян хусусиятга эга бўлиб, қўшимча равишда қонун билан тартибга солишни талаб этади. Халқаро ҳуқуқда томонлар билан келишилган қоидалар ва мақсадларни ифодаловчи ҳужжат. У мажбурий хусусиятга эга эмас. Одатга айланганлиги сабабли давлатлар учун мажбурий бўлиб қолган 1948 йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси бундан мустаснодир.

3-боб. Хорижий мамлакатлар Конституциялари

1-§. Конституция таърифи

2-§. Конституциянинг ижтимоий-сиёсий моҳияти

3-§. Формал ва моддий Конституция. (Юридик ва амалий Конституция)

4-§ Конституциянинг функциялари: юридик, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий

5-§. Конституциявий тартибга солиш объектлари

6-§. Конституциявий ривожланишнинг асосий босқичлари ва тенденциялари ҳуқуқ тараққиётидаги асосий тенденциялар

7-§. Конституциянинг амал қилиши

1-§. Конституция таърифи

Конституцияга умумий тарзда “олий юридик кучга эга бўлган, бир томонидан инсон ва иккинчи томондан давлат ўртасидаги муносабатлар асосларини, шунингдек, давлатнинг ўзининг ташкиллаштириш ва фаолият кўрсатиш асосларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар тизими,” дея таъриф бериш мумкин.

М.Ф. Чудаков ўзининг “Хорижий мамлакатлар давлат конституциявий ҳуқуқи” номли маърузалар тўпламида конституцияга шундай таъриф беради: Конституция маълум бир мамлакатдаги бутун ҳуқуқ тизимининг ўқ томири ва мамлакатдаги асосий устунларини (қоидаларини) норматив ҳужжат, яъни бир тизимга солинган нормалар тўпламидир.

“Аммо конституция норматив ҳужжатлар ва қонунларнинг оддийгина тўплами эмас, балки унинг ўзи олий юридик кучга эга бўлган қонундир”, -деб таъкидлайди. М.Чудаков унинг барча нормалари қолган бошқа барча қонунларга нисбатан устуворлик касб этади. Амалдаги қонунчиликнинг барча нормалари конституция нормаларига мослаб қабул қилинади. Конституцияда амалдаги қонунчиликнинг асосий йўналишлари белгилаб берилади.

Конституциянинг устуворлиги баъзан унинг нормаларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилади: Масалан, Ирландиянинг 1937 йилда қабул қилинган Конституциясининг 15-моддасида шундай дейилади.

1. Ушбу Конституцияга ёки унинг бирон-бир кўрсатмасига зид келадиган биронта Қонун Парламент томонидан қабул қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Конституцияга ёки унинг бирон-бир кўрсатмасига зид

келадиган Қонуннинг айнан ўша зид келадиган қисми амал қилинмайди.

Япониянинг 1946 йилда қабул қилинган Конституциясининг 98-моддасида эса шундай дейилади: « Конституция мамлакатнинг олий қонуни бўлиб, унинг қоидаларига тўлиқ ёки қисман зид келадиган қонунлар, Фармонлар, рескриптлар ёхуд давлатнинг бошқа ҳужжатлари қонуний кучга эга бўлмайди.»

Хўш, барча қонунлар ва норматив ҳужжатлар Конституцияга мос бўлиши учун нима қилинади? Масалан, Франция Конституциясининг ҳам бир қатор моддаларида барча қонунлар Конституцияга мос келиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Масалан, 61.1-моддада айтилишича, чиқариладиган барча органик қонунлар эълон қилингунларига қадар ҳамда Парламент палаталари регламентлари ҳам Конституциявий Кенгаш эътиборига ҳавола қилиниши зарур. Бу кенгаш уларни ўрганиб чиқиб, Конституцияга мос ёки зид эканлиги тўғрисида ўз хулосасини беради. Худди шу мақсадда қонунлар Республика Президенти, Бош вазир, Миллий Кенгаш раиси, Сенат раиси, 60та депутат ёки 60та сенатор томонидан Конституциявий Кенгашга жўнатилиши мумкин. Франция Конституциясининг 62-моддасида айтилишича, ғайриконституциявий (Конституцияга зид) топилган қонун эълон ҳам қилинмайди, амалга ҳам киритилмайди. Конституция нормаларига зид келган қонун ғайриконституциявий деб топилади.

2-§. Конституциянинг ижтимоий-сиёсий моҳияти

Ҳар бир Конституция ўзининг олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун сифатидаги юридик моҳияти билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий моҳиятга ҳам эгадир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир конституция таъсис мажлисида, парламентда ёки сайлов корпусида қабул қилинаётган вақтдаги сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатининг ёзувини англатади. Уни маълум маънода ижтимоий шартнома (юридик маънодаги шартнома эмас) деб ҳам аташ мумкин. Унда жамиятнинг турли қисмларининг сиёсий манфаатлари мувофиқлаштириб берилади. Жамиятнинг ҳар бир қисми бўлаги, у ижтимоий синфми, социал қатлами, ҳудудий, миллий ёки бошқа бирлашмами, бундан қатъи назар сиёсий курашда ўз ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзаро мувофиқлаштирилган даражалар конституцияда ўз аксини топади. Жамиятда бундай мутаносиблик бўлмаса, ҳеч қандай ҳуқуқ-тартибот мавжуд бўла олмайди.

Тўғри, барча ижтимоий манфаатларни тенг равишда назарда тутадиган конституцияни яратишнинг иложи йўқ. Жамиятнинг у ёки бу сабаблар (кўпинча, иқтисодий сабаблар)га кўра нуфузлироқ қисми конституция моҳиятига кучлироқ, одатда ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Аммо бу ҳол марксчи-ленинчилар таъкидлаганларидек, конституция иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфнинг хоҳишини ифода этади, дегани эмас. Агар конституциялар фақат ҳукмрон доиралар хоҳишини ифода этганларида улар ўзларининг асосий вазифасини, яъни фуқаролар тинчлигини сақлаш қуроли сифатидаги ролини бажара олмаган бўлар эди.

Ф.Лассоль Конституция моҳиятига алоҳида эътибор бериб, ўзининг “Конституция моҳияти. Хўш, ундан кейин-чи” деган асарда шундай деб ёзади: ”Мамлакатнинг амалдаги конституцияси мамлакатда мавжуд бўлган кучларнинг амалдаги муносабатидир. Житимоий кучларнинг ўзаро муносабатларини аниқ ифода этган ҳоллардагина ёзилган конституциялар мустаҳкам (барқарор) ва сермазмун бўлади.”

Баъзи муаллифлар конституцияларнинг юридик (формал) ва фактик турлари бўлиши мумкинлиги хусусида фикр билдирадилар.

Мустабид (тоталитар) сиёсий тузум ўрнатилган мамлакатларда формал (юридик) маънодаги ҳамда моддий (фактик) маънодаги конституциялар ўртасида катта фарқлар кўзга ташланади. Чунки бундай давлатнинг асосий қонуни амалда мавжуд режимни тўсиб, пана қилиб турувчи парда вазифасини ўрнатади холос.

Конституция моҳияти хусусида юқорида айтилган гаплар замонавий конституциялар фақат алоҳида ижтимоий гуруҳлар манфаатларини акс эттиради, деган маънони англатмайди, албатта. Аммо конституцияларда улар кўпроқ ҳисобга олиниши ва таъминланиши бор гап. Аммо мамлакат конституцияси аҳолининг барча қатламларининг қўллаб-қувватланиши учун, конституция ижтимоий тотувликка эришиш мақсадларига хизмат қиладиган ҳамда аҳолининг барча қатламлари томонидан адолатли деб тан олинадиган ҳуқуқ-тартибот ўрнатиши лозим.

3-§. Формал ва моддий Конституция (Юридик ва амалий Конституция)

Конституциявий ҳуқуқ фанида Конституция тушунчаси икки маънога эга деб қаралади. Шу маънода формал ва моддий Конституция фарқланади.

Ҳозирги замон конституциявий ҳуқуқ фанида формал конституция деганда, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган, қабул қилиниши ва ўзгартирилиши алоҳида тартибда амалга ошириладиган қонун тушунилади.

Моддий маънодаги Конституция деганда эса, давлат ҳокимиятини ташкил этишни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси тушу нилади. Бундаги асосий нарса тартибга солиш предмети ва ижтимоий муносабатлар мазмунидир.

Француз олими Ф.Ардан: "Конституция-давлат ҳокимиятининг синонимидир. Шунинг учун ҳатто ёзма ҳужжат бўлмаганда ҳам давлат ўз Конституциясига ҳам эга бўлади. Агар давлат ёзма ҳужжат эга бўлганда ҳам Конституциянинг ўзида акс эттирмайди", -деб ёзган эди.

Замонавий конституциявий ҳуқуқ фанида моддий ёки амалий Конституция деганда, давлат ҳокимиятини ҳаётдаги амалга оширилиши тушунилади. Моддий Конституция-реал ҳаракатдаги амалий Конституциядир. Формал ёки юридик Конституция-давлатнинг Асосий қонунидир. Юридик Конституция давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва шахсни ҳуқуқий мақомини белгилаш асосларини мустаҳкамлайди.

4-§. Конституциянинг функциялари: юридик, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий

Маълумки, конституциянинг биринчи функцияси юридик функциядир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, конституция Асосий Қонундир. У давлат ҳуқуқининг асосий манбаси, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизими пойдеворидир. У давлатдаги ҳуқуқ тартибот асосидир.

Конституциянинг иккинчи функцияси сиёсий функциядир. Конституция давлат қурилишини, давлатнинг алоҳида фуқаролар, уларнинг гуруҳлари ва умуман жамият билан муносабатларини белгилаб, жамиятнинг сиёсий тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши, унинг сиёсий функцияни адо этишидан далолат беради. Барча сиёсий кучлар- турли партиялар ва ҳаракатлар конституцияда белгилаб берилган қоидалар асосида ўзаро ҳамкорлик ва рақобат қиладилар, курашадилар ва давлат ҳокимиятидан фойдаланадилар.

Албатта, бу қоидалар конституцияга реал ҳаёт воқеликларига биноан киритилади, аммо аввал конституцияда белгилаб қўйилиб, сўнгра ҳаётга татбиқ этиладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Консти-

туция ислоҳоти сайлов тизимини ўзгартириб юборадиган ҳолатларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Конституциянинг сиёсий функциясининг амалга оширилиши давлатнинг сиёсий яхлитлигини таъминлайди.

Конституциянинг учинчи функцияси унинг идеологик, яъни мафкуравий функциясидир. Конституция энг обру-эътиборли қонун сифатида жамиятдаги умум тан олинган қадриятларга, яъни инсон ҳуқуқлари, мулк, демократия, оила ва баъзан Худога эътиқод-иймон каби қадриятларга мурожаат этади. Бу қадриятлар кейин жорий қонунларда, суд амалиётида, конституциявий назорат органлари фаолиятида инобатга олинади ва тасдиқланади.

Хорижий мамлакатлар конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган мафкуравий (идеологик) қоидаларга эътибор берадиган бўлсак, қуйидагиларга амин бўламиз:

«Давлат оилани жамиятни бирлаштирувчи асос ва табиий илк манба сифатида, шунингдек, ҳар қандай позитив ҳуқуқлардан устувор бўлган ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларга эга бўлган ахлоқий институт сифатида тан олади.» (Ирландия Конституцияси, 41-модда, 1-қисм).

«Давлат инсоннинг онгли мавжудот сифатида ҳар қандай позитив ҳуқуқлар билан бир қаторда хусусий мулк ҳуқуқига эгалигини тан олади.» (Ирландия Конституцияси 43-модда, 1-қисм, 1-банд.)

5-§. Конституциявий тартибга солиш объектлари

Конституциявий тарзда тартибга солинадиган объектлар конституция мазмунининг энг муҳим элементларидан биридир. Кейинги бир неча юз йиллар ичида улар кўплаб ўзгаришларга учради. Биринчи пайтларда конституциялар ижтимоий муносабатларнинг икки-учта гуруҳини (блок) тартибга солардилар.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари шундай муносабатларнинг биринчи гуруҳини ташкил этарди. Конституцияни яратишдан кўзланган асосий мақсад, ҳам аввал бошда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларини давлат тажовузидан муҳофаза қилишдан иборат бўлган. Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги унда эълон қилинган ҳуқуқлар ва эркинликларни турли оддий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариб, камситишга поймол қилишга йўл қўймаган. Оммавий ҳокимиятнинг ташкил этилиши ижтимоий муносабатларнинг иккинчи гуруҳини (блокини) ташкил этган. Халқ суверенитети тамойилига асосланган бу ташкилот ўзидан келиб чиқадиган вакиллик бошқаруви тамойиллари ҳокимиятнинг тармоқларга тақсимлани-

ши тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга мўлжалланган. Вакиллик бошқаруви тамойилининг маъноси шундаки, қонун чиқарувчи ҳокимият халқ томонидан сайланади, унинг хоҳиш-иродасини ифода этади ва шакллантиради.

Ҳокимиятнинг тақсимланиши тамойиллигига кўра, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти бир-бирини мутаносиблаштирувчи турли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Энг биринчи конституциялардаёқ, давлат ҳокимияти шакллантиришнинг асосий тамойиллари, уларнинг ваколатлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар белгилаб берилган эди. *Ижтимоий муносабатларнинг ушбу гуруҳи сиёсий ҳудудий қурилишни ҳам қамраб олади. Ҳудудий тузилмалар турлари, уларнинг ўзаро ва марказий ҳокимият билан муносабатлари шу жумлага киради.* Бундай нормалар федератив давлатлар конституцияларига баъзан эса унитар давлатлар конституцияларига ҳам киритилган.

Бора-бора конституциявий тарзда тартибга солинадиган объектлар доираси кенгайиб борган. Бунинг умумий сабаби албатта жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлардадир.

Пайдо бўлган янги муносабатлар, эски муносабатларнинг истеъмолдан чиқиб қолиши конституциявий қонунчиликда ўз инъикосини топа борган. Илмий техникавий тараққиёт ҳам жаҳон конституциявий ривожланишига баракали таъсир кўрсатган, зеро, моддий характердаги бу сабаб бошқа аниқроқ сабаблар билан тўлдирилади. Юзага келадиган муаммолар сиёсий кучлараро муносабатлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади ва бундай муаммолар одатда, конституциявий тарзда тартибга солиниши лозим бўлади.

Масалан, кишиларнинг ўз жинсини ўзгартириш ҳуқуқи медицина фанидаги ютуқлар ҳисобидан юзага келди. Конституциявий қонунчиликка инсонни биологик мавжудот сифатида бутунлай қирилиб кетишидан сақлаб қолиши учун баъзи бир ман этувчи, тақиқловчи нормалар ҳам киритилиши зарурати пайдо бўлди. Швейцария Конфедерациясининг янги Конституциясидаги (1999 йил) 119-модданинг 2-қисмида инсонга нисбатан ген инженерлигини қўллаш ва медицинавий йўл билан ҳомиладор қилишни тартибга солувчи нормалар мавжуд. Унда шундай дейилади: «Конфедерация инсоннинг, шахснинг ва оилани қадр-қиммати ҳимояси таъминланишини назорат қилиб боради ва жумладан қуйидаги тамойиллар амалга ошишини таъминлайди.»

Ҳуқуқ ва эркинликлар соҳаси янги ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Масалан, ҳозирги вақтда, кўплаб мамлакатлар конституцияларига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот олиш, кам сонли миллат ва элатлар тилини ҳам истеъмолга киритиш, фан ва маданиятни тараққий эттиришда иштирок этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳуқуқлари киритилган.

Олий давлат органлари муносабатларидаги эволюцион тараққиёт ижро ҳокимиятининг кучайиб бориши анъаналари билан тавсифланади. Аммо конституцияларда бу ҳол ҳозирча тўғридан-тўғри кўзга ташланмайди.

Ҳукумат ваколатлари кенгайиб бораётганлиги сабабли конституцияларда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар янада аниқроқ тартибга солинмоқда. Ҳукуматнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган нормалар ҳам пайдо бўлмоқда.

Масалан, иккинчи жаҳон урушигача қабул қилинган конституцияларда ҳукуматнинг истъефога кетиши учун деструктив ишонмаслик вотумининг билдирилиши кифоя деб белгилаб қўйилганди. Бунда ҳукумат истеъфога кетиши учун парламентда, одатда қуйи палатада, янги ҳукумат бошлиғи лавозимига номзод кўрсатмасдан ҳам купчилик салбий овоз бериши етарли эди.

ГФРнинг 1949 йилда қабул қилинган Асосий Қонунида эса конструктив вотум назарда тутилган. Унинг 67-моддасида айтилишича, Бундестаг Федерациянинг янги Канцлерини (ҳукумат бошлиғини) сайлагандан кейингина эски Канцлер истъефога чиқади.

XX аср конституцияларида, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий органлари мақомини, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи нормалар кўзга ташланади. Бу давлатнинг ижтимоий ҳаётдаги тартибга солувчи роли кучайиб бораётганлигидан далолат беради.

Италия Республикасининг 1947 йилдаги конституциясида, иқтисод ва меҳнат миллий кенгаши хусусида нормалар (99-модда), Германиянинг Асосий Қонунида эса Федерациянинг умумий манфаатларни амалга оширишда иштирок этиши (91-а моддаси) ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда иштирок этиши хусусида нормалар бор. 1978 йилда қабул қилинган Испания Конституциясига эса ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларига бағишланган бутун бир боб киритилган.

6-§. Конституциявий ривожланишнинг асосий босқичлари ва тенденциялари ҳуқуқ тараққиётидаги асосий тенденциялар

Тарихий эволюция жараёнида европа цивилизацияси ҳозирги кунда амалда бўлган конституцияларнинг икки гуруҳини вужудга келтирди:

Биринчи гуруҳ- булар ҳозирги замон шартларидан кескин фарқ қилувчи шароитларда қабул қилинган эски конституциялардир. Бу хилдаги конституцияларга 1787 йилдаги АҚШ конституцияси, шунингдек, 1831 йилдаги Бельгия конституцияси, 1874 йилдаги Швейцария конституцияси энг яққол мисол бўлади.

Иккинчи гуруҳга – XX асрнинг 2-ярмида қабул қилинган “ янги авлод” конституциялари киради. Масалан, 1946 йилдаги Япония конституцияси, 1947 йилдаги Италия конституцияси, 1949 йилдаги ГФР конституцияси, 1958 йилдаги Франция конституцияси, 1978 йилдаги Испания конституцияси ва бошқа конституцияларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. ”Янги авлод” конституциялари дастлабки конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институтининг, конституциянинг ҳимоя қилиш механизмлари ва ижтимоий муаммоларига мурожаат қилиш механизмларининг кенгайиши натижасида, конституциявий бошқарув ҳажмининг кўпайиши билан фарқ қилади.

20- йилларнинг бошларида, Шарқ мамлакатлари жумладан, Туркия, Эрон, Миср, Афғонистонда давлат мустақиллигининг шаклланиш жараёни конституцион қурилишнинг шундай типини вужудга келтирдики, у Европадаги конституцион шаклларни умум эътироф этилган ҳуқуқий қадриятларни (шахс ҳуқуқларининг дахлсизлиги, фуқаролик, давлат ва шу кабиларни) ривожланган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар мажмуига эга бўлган анъанавий мусулмонлар ҳуқуқини бирга қўшиб олиб боришга уринди.

1968 йилдаги “Свазиленд” конституцияси халқнинг демократик анъаналарига ва турмуш тарзига мувофиқ келмаганлиги сабабли бекор қилинди: мустамлака бўлмасдан олдинги пайтда бўлган ҳокимият тизими қайта тикланган. XVIII аср охирида бошланган жаҳон конституциявий тарихига назар ташланса, ижтимоий муносабатларни конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш тараққиётини тавсифлайдиган бир қанча анъаналарни (тенденцияларни) пайқаб олиш мумкин.

Конституциялар илк пайдо бўлган чоғларда инсон, жамият ва давлат ўртасидаги конституциявий- ҳуқуқий муносабатлар асосан сиёсий соҳа билан чекланган эди.

Конституцияларда асосан фуқаролик, яъни шахсий ҳамда сиёсий (оммавий) ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг эркинликлари, ижтимоий-иқтисодий фуқаролардан эса одатда мулкчилик ҳуқуқи мустаҳкамланган. Табиийки, давлат ҳокимияти қурилиши, унинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқларига бўлиниши конституциявий тартибда белгиланар ҳамда ушбу ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар аниқлаб бериларди. Федератив давлатлар конституцияларида эса давлат билан федерация субъектлари ўртасидаги муносабатлара ҳам белгилаб бериларди.

XX асрда ижтимоий-синфий ихтилофларнининг кучайиши шунга олиб келадики, конституциялар у ёки бу шаклда бутун ижтимоий қурилиши асосларини, шу жумладан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларни ҳам тартибга соладиган бўладилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда кенг ва том маънода ижтимоий муносабатларни тартибга солиш анъаналарга кўпроқ ўрин белгиланган.

XX аср ўрталарида цензли сайлов ҳуқуқидан босқичма-босқич тенг ва тўғридан-тўғри сайловларга ўтилиши демократлаштирилиш тенденциясининг юқори нуқтаси бўлди. Кейинги пайтларда, конституциявий ҳуқуқда интернационализация тенденцияси кўзга ташланмоқда. Бу ҳол ҳар бир демократик давлатдаги миллий конституциявий ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуққа тобора яқинлашиб, ўртадаги чегаранинг йўқолиб боришида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда, кўплаб мамлакатлар конституцияларида "халқаро ҳуқуқнинг умумтанолинган тамойиллари ва нормалари миллий ҳуқуқнинг узвий қисмини ташкил этиши ҳамда улар орасида номосликлар вужудга келган ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланиши" деб ёзиб қўйилган.

7-§. Конституциянинг амал қилиши

Конституциянинг амал қилиши бир қанча жиҳатлар (аспектлар) бўйича кўриб чиқилади. Биринчи аспект Конституциянинг вақт бўйича амал қилишидир. Конституция асосан унинг хулосавий қоидаларида, баъзан эса унинг учун махсус чиқарилган Қонунда кўрсатилган вақтдан бошлаб амал қила бошлайди. Агар у вақтинчалик амал қиладиган Конституция бўлса, доимий Конституция қонуний кучга киргунга қадар амал қилади. Қоида бўйича Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида бир вақтда амал қила бошлайди. Агар мамлакат ҳудудига бошқа ҳудудлар қўшилса, улар қўшилган ёки махсус ҳуду-

дий ҳужжатларда кўрсатилган вақтдан бошлаб Конституция уларнинг ҳудудида ҳам амал қила бошлайди. Масалан, ГФРнинг 1949 йилда қабул қилинган Асосий Қонунунинг 23-моддасидаги қоидага мувофиқ, бу Конституция аввалги Ғарбий Германия ҳудудида амал қиларди. 1990 йилда Шарқий Германия ГФРга қўшилганидан кейин, Асосий Қонун унинг ҳудудида ҳам амал қила бошлади.

Конституциянинг амал қилишининг иккинчи аспекти (жиҳати) унинг шахслар доираси бўйича амал қилишидир. Маълумки, Конституция давлатнинг барча органлари учун бир хилда мажбурийдир. У ушбу давлат ҳудудидаги барча шахслар, муассасалар ва ташкилотлар учун, шунингдек, ушбу давлатнинг хориждаги барча фуқаролари, юридик шахслари, муассасалари ва ташкилотлари учун ҳам мажбурийдир.

Чет мамлакатлар ва халқаро ҳукумат ташкилотлари унинг тамойилларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келадиган қисмларидан бошқа барча қоидаларни тан оладилар ва ҳурмат қиладилар.

Конституция нормаларининг бевосита амал қилиниши масаласи ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бир қатор Конституцияларда бундай амал қилиниш назарда тутилган. Масалан, Болгария Республикасининг 1991 йилда қабул қилинган Конституциясининг 5-моддаси, 2-қисмида шундай дейилади:

«Конституция қоидалари бевосита амал қилади».

Ўз-ўзидан ижро этиладиган нормалар ҳам мавжуд, уларнинг бевосита амал қилиш хусусида ҳар хил шубҳалар бўлиши мумкин ҳам эмас. Масалан, Япония Конституциясида «Илмий фаолият эркинлиги кафолатланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Агарда бирон та илмий ходимга у танлаган илмий тадқиқот йўналиши боис ёки ўз илмий ишининг натижаларини эълон қилганлиги сабабли, қандайдир тазйиқлар ўтказилса, у ўзининг конституциявий эркинлигига ишора қилган ҳолда, судга мурожаат қилиши мумкин.

Япония Конституциянинг 6-моддасида айтилишича, «Император кабинет тақдимига биноан, Олий суднинг Бош судьясини тайинлайди». Бу норма, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, амалга оширилишида ҳеч қандай аниқлаштирилишга муҳтож эмас.

Демак, бу нормани бевосита амал қилади деб бўлмайди. Социалистик мамлакатларда эса конституция асосан сиёсий ҳуқуқий ҳужжат ролини ўйнайди. Унда эълон қилинган тамойиллар давлат органлари ва мансабдор шахсларни ўша тамойилларни бажаришга бевосита бурчли қилмайди. Собиқ Иттифоқ даврида Конституцияда

мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар поймол қилинмоқда деб судга мурожаат қилиш мумкин эмас эди, зеро бирон та қонун, фармойиши ёки вазирликнинг ўша муаммога тааллуқли буйруғи бўлмаса, суд мурожаатни қабул қилмасди, бундан ташқари суд қарорларида ҳам Конституцияга ишора қилинмасди. ГФР Асосий Қонунидаги 1-модданинг, 3-қисмидаги қоида алоҳида эътиборга лойиқдир.

Унга кўра, «қуйидаги асосий ҳуқуқлар қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятини бевосита амал қилувчи ҳуқуқлар сифатида бажаришга бурчли қилади, яъни шундан кейин келадиган 19 та моддада мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқлар ҳеч қандай бошқа қонун, буйруқ ёки фармойиш чиқарилмасдан ҳам бажарилиши, амалга оширилиши мажбурийдир».

4-боб. Конституцияларнинг шакллари, турлари ва тузилиши

1-§. Конституцияларнинг шакллари: ёзма, ёзилмаган ва аралаш

2-§. Конституция тузилиши: муқаддима асосий қисм, хулоса қўшимча ва иловалар

3-§. Конституцияларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш тартиблари

4-§. Конституцияларнинг турлари

1-§. Конституцияларнинг шакллари: ёзма, ёзилмаган ва аралаш

Конституциянинг шакли дейилганда, конституция нормаларини ташкил этиш ва ифодалаш усулидир. Конституциялар ёзма шаклдаги, ёзилмаган ва аралаш шаклдаги турлари мавжуд.

Ёзма шаклдаги конституция Конституциявий характердаги барча асосий масалаларни тартибга соладиган, ягона ёзилган ҳужжат кўринишидаги кодификацияланган Конституция ҳисобланади. Ёзма шаклдаги конституцияларга Франция, Италия, АҚШ, Мексика, Испания конституциялари киради.

Ёзилмаган шаклдаги Конституция конституциявий характердаги барча асосий масалаларни тартибга соладиган, ягона ёзилган ҳужжат шаклига келитирилмаган Конституция ҳисобланади. Ёзилмаган Конституция битта ёки бир неча норматив ҳужжатлардан иборат бўлиши мумкин. Уларга Буюк Британия, Янги Зеландия, Исроил каби давлатлар Конституциялари киради.

Француз олими Ф.Ардан: "Конституция-давлат ҳокимиятининг синонимидир. Шунинг учун ҳатто ёзма ҳужжат бўлмаганда ҳам давлат ўз Конституциясига эга бўлади ", -деб ёзган эди.

Масалан Исроил Конституцияси 11 та Асосий Қонунни ўз ичига олган. 1958 йилдаги Кнессет тўғрисидаги; 1960 йилги Исроил ўлкалари тўғрисидаги; 1964 йил Давлат Президенти тўғрисидаги; 1975 йилги Давлат иқтисодиёти тўғрисидаги; 1976 йилги Қуролли кучлар тўғрисидаги; Қуддус-Исроил пойтахти тўғрисидаги 1980 йилги қонун; 1984 йилги Суд ҳокимияти (қурилиши) тўғрисидаги қонун, 1988 йилги Давлат назоратчиси тўғрисидаги қонун; 1992 йилги Ҳукумат тўғрисидаги қонун; 1992 йилги Касб танлаш эркинлиги тўғрисидаги қонун; 1992 йилги Инсоннинг қадр-қиммати ва эркинлиги тўғри-

сидаги асосий қонунлар Исроил Конституциясини ташкил этади. Бундан ташқари Исроилда конституциявий аҳамиятга эга бўлган 1948 йилги мустақиллик декларацияси, 1951 йилги Кенессет аъзолари тўғрисидаги Қонун ва 1951 йилги хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги қонунлар ҳам амал қилади.

Агар бундай масалалар бир қанча ёзилган ҳужжатлар билан тартибга солинса, демак улар кодификацияланмаган конституция деб аталади. Кодификацияланган конституцияларни уларнинг кадификацияланиш даражасига қараб кенгайтирилган ва кенгайтирилмаган турларга бўлиш мумкин.

Жаҳон конституциявий амалиётида Аралаш шаклдаги Конституциялар ҳам учраб туради.

Аралаш шаклдаги Конституциялар маълум бир қисми ёзилиб парламент томонидан тасдиқланган қонунлардан иборат бўлган, маълум бир қисми эса, конституциявий одатлардан, суд прецедентларидан иборат бўлган конституциялардир. Бунга мисол қилиб Буюк Британия конституциясини келтириш мумкин. Чунки 1911 йилги парламент тўғрисидаги акт, 1978 йилги умумпалата тўғрисидаги (бошқарув ишлари) акт ва суд прецедентлари, конституциявий одатлар аралаш конституция таркибига киради.

Албатта, конституцияларнинг ёзилган, аралаш ва ёзилмаган турларга бўлиниши шартлидир, зеро ёзилган конституция мавжуд бўлган мамлакатларда ҳам конституциявий одатлар амал қилиши мумкин.

Конституцияларда тил ва услуб турли мамлакатлар амалиётида турлича юритилган. Тўғри, қонун тили борасида, умуман бажарилиши лозим бўлган умумий талаблар бор, улар Асосий Қонун нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Агар конституцияда у ёки бу тушунча битта маълум термин билан ифодаланган бўлса, шу конституцияга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонунларда ҳам ўша тушунча ўша термин билан ифодаланиши шарт. Унинг синонимларини ишлатиш мумкин эмас. Акс ҳолда ҳуқуқни қўлловчи гап ўша тушунча ёки бошқаси тўғрисида эканлигини англаёлмай қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Сўзларнинг ишлатилиши, қўлланиладиган услуб ҳам конституция қабул қилинаётган мамлакатнинг ҳуқуқ тизимига боғлиқдир.

2-§. Конституция тузилиши: муқаддима асосий қисм, хулоса қўшимча ва иловалар

Хорижий мамлакатлар Конституцияларининг тузилиши асосан қўйидаги қисмлардан иборат бўлади: муқаддима, асосий қисм, хулоса, қўшимча ва иловалар.

Муқаддимада одатда, конституция мақсадлари баён қилинади, унинг юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари тавсифлаб берилади, баъзан эса ҳуқуқлар ва эркинликлар ёхуд давлат сиёсатининг раҳбарий ибтидолари эълон қилинади.

Конституциянинг ушбу қисми сиёсий ва ғоявий нуқтаи назардан жуда муҳимдир. Муқаддимадаги қоидалар ҳуқуқий нормалар бўлиб ҳисобланмаса-да, бошқа қоидаларни шарҳлаш ва қўллашда норматив аҳамиятига эгадир, яъни Муқаддималар конституция нормалар шарҳланиши лозим бўлган йўналишларни кўрсатиб беради.

Конституциянинг Асосий қисмида ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий тузум асослари, давлат органларининг тизими ва статуси (даражаси) давлат тимсоллари, конституцияга ўзгаришлар киритиш тартиби Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясидаги нормалар берилади.

Давлат органлари статуси тўғрисидаги нормалар одатда ҳокимиятнинг тақсимланиши принципига мос равишда берилади; кўпинча аввал парламент тўғрисидаги, ундан кейин суд ҳокимияти тўғрисидаги ва ниҳоят маҳаллий ҳокимиятнинг ташкил этилиши тўғрисидаги нормалар берилади. Баъзан эса бутунлай бошқача тартиб ҳам кўзга ташланади. Масалан, Испания Конституциясида аввал бошида давлат бошлиғи тўғрисидаги, сўнгра эса конституциявий адлия органлари тўғрисидаги нормалар берилган. Баъзан нормаларнинг берилиш тартиби давлатдаги баъзи органларнинг бошқаларига нисбатан устувороқ нуфузга эга эканлигини кўрсатади. Масалан, Франция конституциясининг Асосий қисмида аввало Республика Президенти тўғрисидаги, иккинчи ўринда ҳукумат тўғрисидаги нормалар берилган.

Хулоса қисм эса, давлат ҳокимиятининг давомийлигини таъминлашга қаратилган бўлади. Хулосавий қоидаларда турли нормалар бўлиши мумкин. Одатда, хулосада конституциянинг кучга кириш тартиби, ҳокимиятнинг янгидан ташкил этилаётган органларнинг ташкил этилиш муддатлари, органик ва бошқа Қонунлар чиқарилиш муддатлари, Конституцияларни бекор қилиш тартиби кўрсатилади.

Айрим Конституцияларда уларга киритилган қўшимчалар ҳажми жуда катта бўлади. Баъзи конституцияларда иловалар бўлади.

Конституциянинг қўшимча қоидалари асосий қисмга қараганда, бошқачароқ берилади ва улар кўпинча шарҳлаш характерида бўлади. Баъзи бир истиснолар ҳам одатда, қўшимча қоидалар қисмидан жой олади.

Иловаларда манба сифатида фойдаланилган ҳужжатлар, актлар, конвенциялар, баённомалар кўрсатилади.

3-§. Конституцияларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш тартиблари

Конституцияларни ишлаб чиқилиши турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Лекин барча хорижий мамлакатлар учун умумий бўлган қоидалар ҳам мавжуд. Яъни барча мамлакатларда Конституцияларни лойиҳаларини тайёрлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Лойиҳа махсус конституциявий комиссиялар томонидан тайёрланади.

2. Лойиҳалар сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари томонидан тақдим этилади.

3. Лойиҳа парламент ёки ҳукумат томонидан тайёрланади.

4. Лойиҳани тайёрлашда, собиқ мустамлака мамлакатлар фаол иштирок этади. Масалан, Буюк Британия ўзининг собиқ мустамлака давлатларида уларнинг Конституцияларини тайёрлашда қатнашган.

5. Лойиҳа Конституциявий таъсис мажлиси томонидан тайёрланади. Бунга Италия (1947 йилги), Бразилия (1988 йилги), Россия (1993 йилги) Конституциялари мисол бўла олади.

Шунингдек, дунё мамлакатларининг ҳаётий тажрибаси шуни кўрсатадики, Конституциялар турли давлатларда турлича қабул қилиниши мумкин:

1. Конституция ҳокимиятининг Олий вакиллик органи томонидан ишлаб чиқилади ва айрим ҳолларда умумхалқ муҳокамасидан ўтгандан сўнг қабул қилинади

2. Конституция махсус таъсис этилган давлат органи томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. (Хитой, Мозамбик, Вьетнам ва Грузияда Таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади).

3. Референдум йўли билан бевосита халқ томонидан қабул қилинади. (Франция, Россия, Белорусия, Алжир, Швецария ва Филиппинда).

Конституционализмнинг икки юз йиллик тарихида конституция-

лар қабул қилишнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда Конституциялар ҳадя этиш йўли билан ҳам қабул қилинади. Ҳадя этишнинг 3 йўли мавжуд:

1. Мутлақ монархия шароитида Конституцияни ўз халқига подшо, қирол, султон, монарх ҳадя қилади. Буни Непал (1962), Саудия Арабистони (1992) Конституциялари мисолида кўришимиз мумкин.

2. Метрополия мустамлакачи давлат ўз мустамлакасига Конституция ҳадя қилади ва уни мустақил давлатлигини тан олади. Буюк Британия 1979 йил Зимбабвега Конституция ҳадя қилган.

3. Ҳарбий ёки революцион Кенгаш Конституцияни ҳадя қилади. Масалан, Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистон Конституциялари шу тарзда қабул қилинган.

1911 йилда Марокко Конституцияси, 1889 йилда Япония Конституцияси, 1937 йилда Абиссения Конституциялари шундай тарзда қабул қилинган конституциялар ҳисобланади.

Шартномавий характердаги конституциялар бирмунча бошқачароқдир. Улар илгарилари кам учраган, ҳозирги пайтларда умуман учрамайди. Одатда, бундай конституциялар монарх билан бутун халқ иродасини ифода этган сайланган орган ўртасидаги шартнома бўлган.

1819 йилдаги Вюртемберг Конституциясивий ҳужжат, 1689 йилдаги ҳуқуқлар тўғрисидаги билль, 1709 йилдаги бошқарув тўғрисидаги ҳужжат шулар жумласидандир.

Сиёсий ҳаётда, халқ оммаси ролининг ўсиб бориши сабабли конституциялар ўтказиш йўли билан қабул қилинадиган бўлади. XIX асрдан бошлаб, бундай конституциялар халқ конституциялари деб аталади. Бунда таъсис мажлиси, яъни конституция лойиҳасини тайёрлашда ва халқ эътиборига ҳавола этади. Сўнгра конституция халқ билдирган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, қайта ишланиб референдумга қўйилади ва кўп овоз бериш йули билан қабул қилишади.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, сиёсий кучлар ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар конституцияларга ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлади. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби кўпинча конституция моддаларида мустаҳкамлаб қўйилади.

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш парламент томонидан, референдум йўли билан, айрим мамлакатларда давлат бошлиғи томонидан киритилиш мумкин. Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби уни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Шу билан бирга Конституциянинг айрим

қисмлари умуман ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Францияда республика бошқарув шакли, Германияда давлатнинг федератив тузилиши, Бразилияда ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ўзгартирилиши мумкин эмас.

Айрим давлатларда Конституциянинг айрим боблари ўзгартирилиши мумкин эмас. Масалан, Россия Конституциясининг 1, 2 ва 9 боблари ўзгартирилиши мумкин эмас.

Кўпчилик давлатларда Конституция моддаларини ўзгартириш учун мутлақ кўп овоз олиш керак (одатда 2/3). Федератив давлатларда федерация субъектларининг кўпчилиги (Россияда 2/3 қисми, АҚШда 3/4 қисми) розилигини (ратификация қилиши) талаб этилади. Ҳиндистон, Канада, Покистонда эса федерация субъектларининг розилиги талаб қилинмайди.

Айрим ҳолларда (Скандинавия мамлакатларида) Конституцияга ўзгартиришлар киритиш учун албатта, референдум чақирилиши керак. Баъзи давлатларда (Италия) ўзгартиришлар киритиш учун парламент 2 палатасининг мутлақ кўп овозини олиш керак.

Унчалик муҳим бўлмаган ўзгартиришлар оддий кўпчилик овоз билан киритилиши мумкин (Ҳиндистон). Венгрияда Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби референдум йўли билан амалга оширилиши мумкин эмас.

Баъзи ҳолларда эса Конституцияга ўзгартириш киритишни қонун ташаббусига эга бўлган барча субъектларнинг ўзларигина таклиф эта олмайдилар. Масалан, Грецияда Президент ва парламентнинг 150 депутати розилиги билан, Австрияда бошқа субъектлар билан бирга халқ ташаббуси, яъни 100 минг имзо билан, Италияда 50 минг имзо билан ўзгартиришлар таклиф қилиниши мумкин.

Конституцияни бекор қилиш тартиби ҳар бир мамлакатда турлича бўлиши мумкин. Конституцияни бекор қилиш давлат тузумининг ўзгариши, объектив реалликда вужудга келган ҳодисалар (давлат тўнтариши, сиёсий режимнинг амалдаги конституциявий тузумнинг ўзгариши) сабаб бўлиши мумкин. Мамлакатда Янги Конституцияни қабул қилиниши натижасида аввалги Конституция ўз кучини йўқотади.

Одатда, Конституцияни уруш ёки фавқулодда ҳолат даврида қайта кўриш мумкин эмас. Мексикада Конституция умуман ўзгартирилмайдиган ҳужжат сифатида қаралади.

Айрим мамлакатлар конституцияларида Конституцияни бекор қилиш муддати белгилаб қўйилиши мумкин. (Масалан Бельгия).

4-§. Хорижий мамлакатлар Конституцияларининг таснифланиши

Конституцияларнинг таснифланиши дейилганда, турли мамлакатлардаги конституцияларни турли мезонларга (критерияларга) асосланиб ҳар хил гуруҳларга (турларга) бўлиш тушунилади.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқида Конституцияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчидан, Конституцияларни уларнинг моҳиятига кўра, қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

Юридик Конституция (формал)-давлатнинг Асосий Қонуни бўлиб, алоҳида тартибда қабул қилинади ва олий юридик кучга эга. Бунга Россия, Франция, Болгария, Венгрия конституциялар мисол бўлади.

Фактик Конституция (моддий) - амалдаги реал ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи конституция ҳисобланади.

Тирик Конституция – ҳозирда амал қилаётган Конституцияларнинг барчаси тирик Конституциялар ҳисобланади.

Фиктив (сохта) Конституция – амалда жамият ҳаётини белгилаб берувчи қоидалар мавжуд, лекин бу қоидалар жамият ҳаётида қўлланилмайди. Масалан, СССРнинг 1936 йил Конституцияси.

Иккинчидан, Конституцияларни шаклига кўра, қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

Ёзма конституциялар – мамлакатнинг олий органи томонидан ёки референдум йўли билан қабул қилинган, олий юридик кучга эга бўлган давлатнинг асосий қонуни бўлиб ҳисобланади. Бунга АҚШ, Япония, Нидерландия, Бельгия, Австрия ва бошқа давлатлар Конституцияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ёзилмаган конституциялар - айнан бир Конституция ҳолатига келтирилмасдан бир қанча даврлар оралиғида қабул қилинган қонунлардан иборат бўлади. Бу қонунларга Конституциявий қонун мақоми берилади. Масалан, Исроил, Янги Зеландия, Бутан каби давлатлар Конституциялари.

Яхлит конституциялар - Конституция матни яхлит бўлиб, бир вақтда қабул қилинади. Масалан, Россия, Бразилия Конституциялари яхлит Конституцияларга мисол бўла олади.

Яхлит бўлмаган (нояхлит) конституциялар - бундай Конституция матни бир неча даврлар оралиғида қабул қилинади. Масалан, Швеция, Финландия конституциялари.

Доимий конституциялар – Хорижий мамлакатларда қабул

қилинган аксарият конституциялар доимий Конституциялар ҳисобланади.

Вақтинчалик (муваққат) конституциялар – маълум бир муддат давомида амал қилувчи Конституциялар тушунилади. Масалан, 1970 йил Ирокда, 1971 йилда Бирлашган Араб Амирлигида ҳаракатда бўлган конституциялар.

Шунингдек, Жаҳон конституциявий амалиётида Конституциялар ўзгартириш тартибининг мураккаблигига қараб “юмшоқ” ва “қаттиқ” конституцияларга ажратилади.

“Юмшоқ” конституция деганда нисбатан осон ўзгартириладиган, ўзгартириш киритиш тартиби содда бўлган конституция тушунилади. “Қаттиқ” конституция деганда эса, ўзгартириш киритиш тартиби мураккаб бўлган, бирмунча муддат давом этадиган конституция тушунилади.

“Юмшоқ” конституциялар оддий қонунлар учун белгиланган тартиб асосида ўзгартирилади ёки тўлдирилади. «Қаттиқ» конституциялар алоҳида ўрнатилган тартибга мувофиқ (қўшимчалар тақдим этилгандан сўнг маълум вақт ўтгач ёки малакали овоз бериш — депутатларнинг 2/3 қисми овози билан, федерация субъектларининг ҳаммаси ратификация қилган тақдирда ва ҳоказо) ўзгариши мумкин. Масалан, АҚШ Конституциясига икки юз йилдан ортиқ амал қилиши мобайнида атиги 27 та тузатиш киритилган[4].

Учинчидан, Конституцияларни уларни ижтимоий мазмунига қараб ҳам бир неча турга бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда дунёда 300 дан ортиқ Конституция бор (федератив давлатлар субъектларининг Конституциялари билан бирга). Бу Конституциялар турли тарихий даврда қабул қилинган бўлиб, ҳар хил ижтимоий мазмунга эга.

1. Fарб мамлакатлари Конституциялари.
2. Ривожланаётган мамлакатлар Конституциялари.
3. Ўтиш даври мамлакатлари Конституциялари.
4. Теократик давлатлар Конституциялари.

Шунингдек, Хорижий мамлакатлар Конституциявий ҳуқуқида Конституциялар Демократик Конституциялар, Авторитар Конституциялар ва Тоталитар Конституциялар каби турларга ҳам ажратилади.

[4] АҚШ Конституцияси. -Т.: Адолат, 2004.

5-боб. Хорижий мамлакатлар конституциявий назорат институти

1-§. Конституциявий назорат тушунчаси ва объекти

2-§. Конституциявий назорат органларининг турлари

3-§.Умумий юрисдикцияли судлар ҳамда махсус юрисдикцияли судлар томонидан конституциявий назоратни амалга ошириш

4-§. Носудлов конституциявий назорат органлари

5-§ Конституциявий назорат органларини шакллантириш тартиби

1-§. Конституциявий назорат тушунчаси ва объекти

Барча давлатларда албатта, агар у демократик давлат бўладиган бўлса, қонун чиқарувчи ваколатли органнинг қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий акт чиқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат органининг чиқарган ҳуқуқий актларни текшириш учун конституциявий назорат органи ташкил этилган.

Конституциявий назорат институти ўз ичига бу фаолиятни амалга оширувчи давлат органларини ҳам олади. Асосан 6у фаолиятни суд органлари амалга оширади. Конституциянинг жамиятда мавжуд бўлган муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятидан унинг ҳуқуқий актлар тизимидаги олийлигини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Конституциянинг ҳуқуқий ҳимояси деганда, шундай восита ва йўлларни тушуниш керакки, уларнинг ёрдамида конституциянинг қонунийлигига қаттиқ риоя этиш режимига эришиш керак, бошқа барча давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий актлар унга мос бўлиши керак, конституцияга мос бўлмаган ҳуқуқий актларни, шунингдек, алоҳида нормаларни конституцияга мос эмаслиги туфайли бекор бўлиш принципи тушунилади.

Конституциявий назорат – давлатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, мазкур давлат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини текширишида ўз ифодасини топади.[5]

Конституциявий назорат 19 асрда АҚШда, кейинчалик 1848 йилда Европада (Швейцарияда) пайдо бўлган. Эндиликда жаҳоннинг деярли барча конституциялари буни эътироф этган.

Конституционализмнинг тарихий ривожланиши ва амалиёти шуни кўрсатадики, конституциянинг устунлиги тамойилини амалга

[5] Юридик энциклопедия, –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 й. 244-б.

ошириш учун конституциянинг ўзида бу тамойилни мустаҳкамлаш етарли эмас.

Бу мамлакатда конституциянинг устунлиги нафақат конституциянинг устунлиги эълон қилинганлиги билан боғлиқ, балки конституциявий суд назорати билан ҳам таъминланиши лозим.

Конституциявий назорат институтининг мавжуд бўлмаслиги ҳар қандай кучли давлат бўлмасин, унинг учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши тайин.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири бу конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдан иборатдир. Бу вазифа конституциявий назорат органлари яъни конституциявий судлов органларига тегишлидир.

Конституциявий назоратни объекти сифатида ҳар бир давлат қонунчилигига кўра қонун чиқарувчи орган, яъни парламент томонидан чиқарилган қонунлар, айрим давлатларда парламент регламентлари, ҳукумат томонидан чиқарилган турли норматив ва норматив характерда бўлмаган актлар, давлат бошлиқлари томонидан чиқарилган норматив ҳуқуқий актлар, давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан чиқарилган норматив ҳуқуқий актлар, халқаро ва давлатлараро шартнома ҳамда битимлар амалга ошириладиган конституциявий назоратнинг объекти бўлиши мумкин.

2-§. Конституциявий назорат органларининг турлари

Хорижий мамлакатларда конституциявий назорат институти ҳар хил кўринишда амалга оширилади. Бу асосан давлатларнинг сиёсий режими ёки давлат шаклига боғлиқ бўлади.

Конституциявий назоратни амалга ошириш кўринишларига асосан:

Биринчиси – Европача модель (марказлашган) тизим. Ушбу тизимда Конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус суд Конституциявий назорат суди ташкил этилади, Конституциявий назорат суди фуқаролик ва жиноят ишларини конституцияга Конституциявий суд учун назорат функцияси асосий ва ягона ҳисобланади. Буларга ГФР, Австрия, Италия, Испания кабилар киради.

Иккинчиси – конституциявий назоратни махсус орган томонидан амалга оширилиши назарда тутилади бунда конституциявий назоратни амалгаошириш учун махсус органлар ташкил этилиб, ушбу органлар суд деб номланмайди. Ушбу тизимнинг классик тимсоли Франция ҳисобланади. Францияда конституциявий назоратни амалга

оширувчи Конституциявий Кенгаш фаолият юритади. Собиқ иттифоқда конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус комитетлар мавжуд бўлган.

Ушбу махсус органлар конституциявий назоратни амалга оширувчи судлардан фаолияти бўйича фарқ қилади. Махсус конституциявий назорат судлари суд иш юритиш тартибига риоя этадилар.

Яъни иш юзасидан кўрсатмалар эшитилади, суд иш тартиби юритилади, гувоҳлар эшитилади, мажлисга раис раҳбарлик қилади.

Ушбу органлар конституциявий назоратдан ташқари яна бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Баъзида конституциявий назоратни учга эмас балки икки кўринишга ажратиб кўрсатишади. Умумий ва махсус ваколатли судлар томонидан амалга ошириш, ҳамда носудлов фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан амалга ошириш.

Юқорида Конституциявий назоратни амалга оширувчи органларнинг турлари тўғрисида тўхталиб ўтдик. Бундан ташқари, конституциявий назоратни бир неча мезонларга кўра, турларга бўлиш мумкин.

Амалга ошириладиган конституциявий назоратнинг мазмунига кўра, конституциявий назорат классификацияси:

1. Формал конституциявий назорат – қонунларни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилинганлигини текшириш учун амалга ошириладиган конституциявий назорат.

2. Моддий конституциявий назорат – давлатнинг қонунларининг ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг конституция мазмунига мувофиқлигини ўрганиш учун ўтказиладиган конституциявий назорат.

3. Мавҳум конституциявий назорат – маълум бир ваколатга эга бўлган субъектларнинг ташаббуси билан аниқ бир сабабларга эга булмай туриб ўтказиладиган конституциявий назорат.

4. Аниқ конституциявий назорат – фақатгина аниқ қандайдир бир суд иши билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган конституциявий назорат.

Келтириб чиқарган ҳуқуқий оқибатларига қараб конституциявий назоратнинг қуйидаги 2 тури мавжуд:

1) Назорат қилувчи - ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотади.

2) Тавсия қилувчи - ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга уни бекор қилиш тавсия қилинади.

Конституцион назоратнинг яна 2 тури бор:

1) Ҳал қилувчи - конституцион назорат қўлланган қонун (қонун лойиҳаси) бекор қилинади.

2) Маслаҳат берувчи - тавсия характерига эга.[6]

Мажбурийлик даражасига қараб конституциявий назоратнинг қуйидаги 2 тури мавжуд:

1) Мажбурий - қонун талабларига мувофиқ ўтказилади.

2) Факультатив - субъектларнинг ташаббусига кўра ўтказилади.

Конституциявий назорат органининг қабул қилган қарори ҳам фарқланади:

- Орқага қайтиш кучига эга(бундай қарорлар ex-tuns қарорлар деб номланади) бўлган қарорлар;
- Фақат қабул қилинганидан сўнг кучга кирувчи қарорлар (бундай қарорлар ex-nunc деб номланади).

Биринчи вариант кўп ноқулайликлар туғдирганлиги сабабли, одатда, кўпчилик мамлакатларда фақат иккинчи шакли қўлланади.[7]

Конституциявий назорат амалга оширилиш жойига кўра 2 турга бўлинади:

1) Ички конституциявий назорат-акт чиқарган органнинг ўзи амалга оширади.

2) Ташқи конституциявий назорат-бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

Конституциявий назорат амалга оширилиш ҳажмига кўра 2 турга бўлинади:

1) Тўлиқ- жамият муносабатларини барча тизимини қамраб олади;

2) Қисман белгиланган доирадаги муносабатларни қамраб олади (инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларига оид муносабатлар, федератив муносабатлар).[8]

Конституциявий назорат органларининг назоратни амалга ошириши бирор бир суд ишини кўриш ёки ҳеч қандай иш қўзғатувчи суд ишисиз тўғридан - тўғри ваколатини амалга ошириш орқали амалга оширилиши мумкин. Конституциявий назорат қўйидаги ҳолларда вужудга келиши мумкин. Бирор бир иш юзасидан назорат олиб бориш зарурати орқали — АҚШ, Италия, ГФР, Мексика, Ҳиндистон.

[6] В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. –М.: «Юрист», 2001. стр-54.
[7] Ўша жойда.
[8] Б.А.Страшун. Конституционное право зарубежных стран, Том 1-2, Общая часть, –М.: «Бек», 1996. стр-78-79.

Ҳеч қандай объектив сабабсиз, назоратни амалга ошириш ваколатини амалга ошириш функцияси орқали — яъни бу ҳақда конституцияда тўғридан-тўғри назарда тутилади, Францияда шундай тартиб ўрнатилган. Конституциявий назоратни амалга оширишнинг бу икки тури ҳам бир вақтнинг ўзида бир мамлакат доирасида амал қилиши мумкин. Агар иш қўзғатиш учун бирор бир имконият пайдо бўлса, унда амалга ошириладиган конституциявий назорат инцидентли конституциявий назорат, яъни аниқ назорат деб юритилади.

Агар амалга ошириладиган назорат конституциявий назорат органнинг одатдаги ваколатини амалга ошириш тартиби бўлса,яъни назоратни амалга ошириш учун ҳеч бир суд иши ёки вазиятни вужудга келиши талаб этилмаса, бу абстракт конституциявий назорат деб юритилади. Абстракт конституциявий назоратни тўғридан тўғри амалга ошириладиган назорат деб ҳам юритилади.

Тўғридан тўғри амалга ошириладиган конституциявий назорат одатда, конституциявий назоратни махсус судлар амалга оширадиган мамлакатларда амал қилади. Бунда мамлакатдаги ҳар қандай норматив ҳуқуқий актларнинг конституцияга мувофиқлиги баҳоланади.

Қонун ваколатли органлар томонидан чиқарилгандан кейин ҳар қандай ваколатли ёки манфаатдор шахс ушбу қонунни конституциявийлигини баҳолаб бериш талаби билан конституциявий назорат органига мурожаат қилиши мумкин. Мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси махсус қонунлар билан белгиланган, Айрим давлатларда конституциявий назоратнинг ҳар иккала кўриниши ҳам мавжуд. Масалан, Италия ва Германияда шундай назорат шакллари мавжуд.

Конституциявий назоратни амалга оширилиш талаби билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга субъектлар доираси, яъни инициаторлар сифатида ҳар бир мамлакат қонунчилигига кўра, турлича белгиланганини кўришимиз мумкин. Деярли барча хорижий мамлакатларда инициатор сифатида дастлаб ушбу ҳуқуққа ваколатли органлар эътироф этилади.

Ундан сўнг эса, юридик ва жисмоний шахслар эътироф этилади, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, дастлабки ўринларда қуйидагилар бўлиши мумкин: давлат бошлиқлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар, парламент комиссиялари, суд комиссиялари.

Агар ушбу давлат қонунчилигида назарда тутилган бўлса, фуқаролар ҳам субъект сифатида эътироф этилади. Кўпчилик ҳолларда конституциявий назорат органининг чиқарган қарори деярли ҳамма

мамлакатларда ҳал этувчи қарор сифатида эътироф этилади. Ҳамда ушбу қарор устидан шикоят қилиниши мумкин эмас. Ушбу қарор юзасидан аппеляция қилиш фақатгина ўша суднинг қарори асосида амалга оширилади. АҚШда, Швейцарияда, Конституциявий назорат органлари қонун кучга киргандан сўнг улар юзасидан назоратни амалга оширади. Конституцияга зид деб топилган қонунлар амалда қабул қилинмайди.

Айрим давлатларда Конституциявий назоратнинг ҳар икки тури амал қилади, яъни бу мамлакатларда назоратнинг ҳам мажбурий, ҳам оқибат келтирувчи турлари амалда жорий этилган. Бу қабул қилинган қонуннинг муҳимлигига боғлиқ.

Ушбу давлатларда муҳим органик қонунлар назорати олдиндан яъни мажбурий назорат қилиш орқали амалга оширилса, камроқ аҳамиятли қонунлар эса оқибат келтирувчи назорат орқали амалга оширилади. Федератив тузилишдаги давлатларда Конституциявий назорат органлари Федерация субъектлари ва улар ўртасидаги низоларни ҳам кўриб ҳал этади.

Айрим давлатларда масалан, Швейцарияда Федерация субъектларида қабул қилинган қонунлар Конституциявий назорат қилинмаслиги мумкин. У ерда Конституциявий назоратни амалга оширишнинг ягона амал қилувчи қоидаси мавжуд бўлмаса-да, ҳамма Федерация субъектларида бир хилда эътироф этилган ягона конституциявий назоратни амалга ошириш принципи мавжуд.[6]

Ушбу принцип амалдаги қонунларни конституцияга мувофиқлигини назорат қилишдир.

3-§. Умумий юрисдикцияли судлар ҳамда махсус юрисдикцияли судлар томонидан конституциявий назоратни амалга ошириш

Конституциявий назоратни амалга ошириш турли давлатларда ҳар хил давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бу давлатларнинг бошқарув шакли ҳамда тузилиш шаклига боғлиқ.

Конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар 2 хил бўлиши мумкин:

1. Ихтисослашмаган органлар;
2. Махсус органлар.

Ихтисослашмаган конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар. Социалистик давлатларда конституциявий назорат функциясини, айниқса, қабул қилинаётган қонунларнинг конституциявий-

лигини назорат қилиш парламентга, шунингдек, унинг доимий фаолият кўрсатувчи органи (олий вакиллик органи президуими, давлат кенгаши, доимий комитет)га топширилган. Баъзида шу мақсадда парламентда махсус органлар (доимий конституциявий комиссия) тузилиши мумкин. Унинг таркибига конституциявий ҳуқуқ бўйича мутахассис бўлган депутатлардан бир гуруҳи киритилади. Бундай тартиб олдин Руминияда бўлган. Аммо бу орган қарори тавсиявий характерга эга. Айни замонда, социалистик давлатларда махсус конституциявий назорат органлари мавжуд эмас. Улар бундай орган бўлиши керак эмас деб ҳисоблайдилар, сабаби бундай органлар парламентнинг олийлигини бузади. Махсус конституциявий назорат органлари яна бир марта парламентнинг олийлиги концепциясини ишлаб чиққан давлат- Буюк Британияда ҳам йўқ. Яна конституциявий назорат органлари Нидерландияда ҳам йўқ.

Тоталитар социализм давлатларида конституцияга риоя этилиши устидан назоратни прокуратура, алоҳида саволлар (инсон ҳуқуқлари, атроф табиий муҳит ҳимояси, тиллар тенглиги) юзасидан эса парламент ваколат берган орган (омбудсман) амалга оширади. Жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олишда уларнинг конституцияга мослигини рўйхатдан ўтказувчи орган (одатда, Адлия Вазирлиги) текширади. [9]

Кўпинча ихтисослашмаган органлар ўз ваколат доираларида конституциявий назоратни амалга оширадилар, конституциявий контрол эса айнан шу мақсадда ташкил этилган махсус органлар томонидан амалга оширилади. Суд конституциявий контролни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кўпчилик давлатларда (Австрия, Ҳиндистон, Канада, АҚШ ва ҳ.к.) бу функцияни асосий функцияси жиноий ва фуқаролик ишларини кўриш бўлган умумий юрисдикцияли судлар(умумий судлар) амалга оширади. Баъзи мамлакатларда, бу барча умумий судлар томонидан амалга оширилиши мумкин, аммо асосий ҳал қилув қарорни Олий суд инстанцияси кўриб чиқади (Скандинавия давлати, АҚШ, Филиппин, Япония), бошқа мамлакатларда эса конституциявий контрол фақат Олий суд томонидан амалга оширилиши мумкин (Гана, Шри-Ланка, Эстония), Федерацияларда эса, Федерация субъектлари (штат ва ҳ.к.) олий судлари томонидан (Канада, Малайзия) амалга оширилади, бироқ ҳал қилув қарорини давлатнинг олий суди амалга оширади.

[9] В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. –М.: Юрист, 2001. стр-51.

Баъзи мамлакатларда, конституциявий контрол (назорат)ни амалга ошириш махсус органга конституциявий судга юклатилган, масалан, Германия, Италия давлатларида. Одатда, у барча ҳокимият тармоқларидан иборат таркибда шакллантирилади: қонунчилик-парламент, ижро ҳокимиятидан- президент, суд ҳокимиятидан иборат бўлади, баъзан эса фақат парламентдан иборат бўлади, масалан, Югословия, Германия давлатларида. Унинг таркибига нафақат юқори суд стажига ёки адвокатлик амалиётига эга профессионаллар, балки ҳуқуқ ва сиёсат соҳасидаги профессорлар, собиқ давлат хизматчилари ҳам кириши мумкин. Улар одатда, умрбодга тайинланмайдилар, аксинча анча узоқ муддатга тайинланадилар (бироқ 12 йилдан кўпга эмас).[10]

Кўпчилик қонун ҳужжатларида конституциявий суднинг биринчи ваколати сифатида конституциявий контролни амалга ошириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларни Конституция ва қонунларга риоя этишларини текшириш киритилган.[11]

Баъзан конституциявий суд тенг ваколатларга эга палаталарга (одатда 2тага) бўлиниши ҳам мумкин (масалан, Германияда), бошқа мамлакатларда эса ягона коллегия сифатида иш олиб бориши мумкин (масалан, Испанияда).

Украина «Конституциявий суди тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 3-моддасида ёзилишича, Украина Конституциявий суди Конституциянинг бутун мамлакат ҳудудида олийлигини таъминловчи кафолат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Баъзи бир мамлакатларда конституциявий назорат функцияси алоҳида ёки Олий суд таркибида бўлиши мумкин бўлган махсус конституциявий кафолат палатаси ёки конституциявий назорат палатаси ҳам амалга ошириши мумкин. Колумбия, Перу, Эстония давлатларида юқорида қайд этилган конституциявий назорат функциясини амалга оширувчи махсус палаталар Олий суд таркибига киради. Баъзи Федерация (Германия) субъектларининг ўз конституциявий судлари мавжуд бўлиб, улар доимий, баъзан эса вақтинча фаолият юритади.

Қозоғистон, Марокаш, Сенегал, Тунис давлатларида конституциявий кенгашлар тузилади, баъзан улар конституциявий суд ёки олий конституциявий суд деб ҳам номланади. Аммо унинг таркибига одатда, судьялар эмас балки, маслаҳатчилар бўлиб, ишини кўриб

[10] В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. –М.: Юрист, 2001. стр-52.
[11] Internet сайти- “referat.kulichki.net/referat” , Судебная система.

чиқиш жараёнида суд процедураси жуда кам ишлатилади.

Конституциявий кенгашлар одатда, суд корпуси иштирокисиз шакллантирилади. Эфиопияда Конституциявий изланишлар Кенгаши деган анологик орган фаолият юритади. [12]

Покистонда конституциявий контролни амалга оширувчи Олий суддан ташқари яна икки орган мавжуд: Ислом кенгаши (қонунларнинг Қуръонга ва суннага мослигини текширувчи парламент учун маслаҳатчи орган) ва федерал Шариат суди(у баъзи давлат органлари ва фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқади шу жумладан, фуқароларга тааллуқли бўлган, шариатга мос келмайдиган актларни ҳам бекор қилиш ҳуқуқига эга).[13]

Кўпгина давлатларда эндиликда, контролнинг иккала модели, яъни махсус органлар ва ихтисослашмаган органлар қўшилган (Греция, Испания, Италия). Баъзан махсус конституциявий назорат органларига бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин референдумнинг тўғри ўтказилишини назорат қилиш, натижаларини эълон қилиш (Францияда), марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ваколатлар тўғрисидаги музокарали масалаларни кўриб чиқиш (Испания), республика президентига парламент томонидан қўйилган айбни текшириш (Италия), конституцияга зид сиёсий партиялар тузилмаслигини (ГФР), депутатларни мандатидан маҳрум қилиш тўғрисидаги парламент қарорини тасдиқлаш (Словакия).

Конституциявий контрол судига давлат олий органлари ва мансабдорлари, Федерация субъектлари, автоном ҳудудлар, депутат ва сенатор гуруҳлари, омбудсман, фуқаролар агар уларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилса, (одатда ўз ишларини умумий судлар томонидан кўрилганидан кейин) мурожаат қилишлари мумкин. Ниҳоят, агар фуқаронинг ҳуқуқлари ўз мамлакатида барча тоифадаги судлар томонидан топталса, у халқаро судга ва халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.[14]

Агар конституцион назорат коллектив орган томонидан амалга оширилса, қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Конституцион назоратни амалга оширувчи махсус органлар камдан кам ҳолларда қонунни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Қоидага кўра, бу органлар фақат, қонуннинг конституцияга мос эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиладилар.

[12] В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. –М.: Юрист, 2001. стр-52.
[13] Ўша жойда. стр-53.
[14] Ўша жойда.

Бу қонунни расман бекор қилиш учун асос бўлади. Унинг қарори устидан одатда шикоят қилиб бўлмайди. Аммо баъзи давлатларда шикоят қилиш мумкин.

Масалан, Эфиопияда конституцион изланишлар суди қарори устидан Парламентнинг юқори палатасига шикоят қилиш мумкин[15].

4-§. Носудлов конституциявий назорат органлари

Баъзи мамлакатларда суд бўлмаган органлар тузилиши мумкин. Масалан, Францияда конституциявий назорат кенгаши тўққизта аъзоси мавжуд бўлиб, Президент, Миллий Кенгаш раиси, Сенат раиси учтадан номзодни тайинлайди. Шунингдек, унинг таркибига собиқ президент ҳам киради.

Бир қатор мамлакатларда конституциявий назорат функциясини президент амалга оширади. Президент асосий қонунга кўра (масалан, Руминия, Украина, Франция мамлакатлари конституциясида) конституция кафолати ҳисобланади. Бу, асосан қуйидагиларда намоён бўлади, Президент парламент томонидан қонун қабул қилинганидан кейин ва унинг промулгация (Президент томонидан қонуннинг имзоланиши ва унинг эълон қилиниши)дан олдин вето (қонунни имзоламайди натижада қонун кучга кирмайди) ҳуқуқини қўллаш ҳуқуқига эга, ёки бўлмаса президент шу қонуннинг конституциявийлиги юзасидан махсус конституциявий назорат органига мурожаат қилиши мумкин.

Баъзи мусулмон давлатларида конституцион-диний кенгашлар тузилади. Эронда конституцион контрол ўзига хос орган-назорат кенгаши (Қўриқчилар кенгаши) томонидан амалга оширилади. Кенгаш 12 шахсдан иборат бўлиб, улардан олтитаси руҳоний, давлат бошлиғи томонидан тайинланади, қолган олтитаси эса юрист бўлиб, парламент томонидан тайинланади. Кенгаш қонунларнинг нафақат Конституцияга балки, Қуръонга мослигини ҳам текширади. 1982 йил «Аграр реформа ва ички савдо монополияси» тўғрисидаги қонунни, 1987 йил эса «Меҳнат тўғрисидаги қонун»ни бекор қилган. Аммо шундай бўлса, ҳам охирги сўз парламентга тегишли ҳисобланади. Назорат қилувчи кенгаш ва парламент ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқса, уларни бартараф этиш учун махсус келиштирувчи орган мавжуд.

[15] В.Е.Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. М.: Юрист, 2001. стр-56.

5-§. Конституциявий назорат органларини шакллантириш тартиби

Хорижий мамлакатлар тажрибасида Конституциявий назорат органларини шакллантиришнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

Парламент йўли билан шакллантириш – Конституциявий назорат органиниг ҳамма таркиби мамлакат парламенти томонидан шаклланти-рилади. Масалан, Германияда конституциявий суди мамлакат парламентининг юқори палатаси – Бундесрат томонидан шакллантирилади, Бунда номзодлар палата жами депутатларининг 3\4 қисм овозини тўплаши лозим.

Аралаш шаклларида – Конституциявий назорат органини шакллантиришда, фақатгина биргина орган иштирок этмасдан, балки ҳокимиятнинг бир неча органлари иштирок этади. Яъни унга кўра, конституциявий назоратни бир номзодини тайинлаш бир неча давлат ҳокимияти ихтиёрида бўлади.

Масалан, Испанияда Конституциянинг 159-моддасига мувофиқ конституциявий назорат судининг 12 аъзоси расман қирол томонидан тайинланса-да, аммо номзодларни кўрсатиш қуйидагича тартибдан иборат: Номзодлардан 4 таси Қуйи палата таклифи билан тўрттаси юқори палата таклифи билан иккитаси ҳукумат ва иккитаси суд ҳокимияти бош кенгаши томонидан тақдим этилади. Қирол уларни инкор этиши мумкин эмас.

Номзодлар парламентда депутатларнинг 1/3 қисм овоз бериш йўли билан танланади. Аслида Олий суд номзодини президент беради ва унга сенат розилик бериши лозим. Аммо амалда Олий суд судьялари Сенат розилигини олгач тайинланиши мумкин, агар сенат номзодни инкор этса у ҳолда бошқа номзод кўрсатилади.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, сенатнинг ўзи номзодни таклиф қилмайди, балки кўрсатилган номзодни фақатгина, ижобий ёки салбий жавоби асосида маъқуллайди ёки инкор этади.

Аралаш тартибига шундай хусусият хоски, конституциявий назорат органи ходимлари ҳокимиятнинг турли тармоқлари томони-дан тайинланади.

Францияда конституциявий назорат кенгаши тўққизта аъзоси мавжуд бўлиб, Президент, Миллий Кенгаш раиси, Сенат раиси учтадан номзодни тайинлайди, Улар тўққиз йил муддатга тайинланади. Шунга ўхшаш тартиб Италия ва Австрияда ҳам мавжуд.

Конституциявий назорат органини парламентсиз шакллантириш усулига мисол Японияда конституциявий назорат судининг 15 аъзоси Министрлар Кабинети томонидан, ҳукумат томонидан тайинланади. Раис эса император томонидан тайинланади, яъни ушбу тизимда конституциявий назорат органини шакллантиришда парламент иштирок этмайди.

6-боб. Ижтимоий тузумнинг конституциявий – ҳуқуқий асослари

1-§. Ижтимоий тузумнинг конституциявий – ҳуқуқий асослари
2-§. Ижтимоий тузум ва давлат
3-§. Ижтимоий тузум таркиби
4-§. Ижтимоий тузум ва конституциявий ҳуқуқ

1-§. Ижтимоий тузумнинг конституциявий – ҳуқуқий асослари

Ижтимоий тузум – бу ижтимоий муносабатларнинг тарихан вужудга келган ва ривожланаётган муайян тизимидир ёки бошқача қилиб айтганда, – жамиятнинг ишлаб чиқариш, маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлашнинг муайян даражаси билан, ижтимоий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ва инсонларнинг турли соҳалардаги ўзаро муносабатларидаги анъаналари билан боғлиқ бўлган, давлат ва ҳуқуқ билан муҳофаза этиладиган муносабатлар мажмуидир. Ижтимоий тузумнинг юзага келишини тақозо этувчи юқорида айтилган омилларга келадиган бўлсак, у ҳолда шуни кўзда тутиш керакки, улар жамиятни ташкил этувчи муайян шакллар орасидаги боғлиқлик у ёки бу мамлакатда бир текис эмас. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ҳар доим ҳам тезда ижтимоий тузумнинг у ёки бу тизимида тегишли ўзгаришлар рўй беришига олиб келмайди. Одатда, маълум бир вақт ўтади, ўзгаришлар йиғилиб қолади, мустаҳкамланади ва фақат ўшандагина ижтимоий тузумнинг маълум тизими ичидаги тузилманинг ўзгариб қолганлигини кўриш мумкин. Ижтимоий анъаналар эса ундан ҳам аста секинлик билан ўзгаради, ижтимоий ҳаётда зиддиятлар ва ҳатто бўхрон (кризис)ларни келтириб чиқарган ҳолда ижтимоий тузумнинг ўз вақтида ўзгаришига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолларда ижтимоий тузумнинг ўзгариши фақат кризис бартараф этилгандан кейингина рўй бериши мумкин.

2-§. Ижтимоий тузум ва давлат

Ижтимоий тузум ҳар доим давлат таъсири остида бўлади. Давлат эса жамият томонидан унинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, ижтимоий тузумни ҳимоя қилиш учун ташкил қилинади. Аммо давлат муайян мустақилликка эга бўлиб, кўпинча кучли мажбурлаш воситалари орқали давлат ҳокимияти манфаатларига жамият манфаатларини бўйсундирган ҳолда, жамиятдан ҳам

анча устун кўринади. Давлат ўз сиёсати, яъни давлат органлари, муассасалари ва мансабдор шахсларининг уюшган ва муайян мақсадга йўналтирилган фаолияти билан ижтимоий тузумга ўз таъсирини ўтказади.

Бу фаолият ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқади. Шу тарзда ижтимоий тузумнинг шакли кўп ҳолларда давлат томонидан, бинобарин, субъектив омил билан белгиланади. Баъзида давлат таъсири фақат унинг шаклига эмас, мазмунига ҳам ўтказилганда, ижтимоий тузум валюнтаристик[16] қайта қуриш қурбони бўлади. Қатор мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам коммунистик тажрибалар бунинг муайян бир халқ ва ҳатто бутун инсоният учун қанчалик хавфли эканлиги яққол намойиш этди. Турли мамлакатларда жамият ҳаётининг анча ўхшаш шароитларида биз бу мамлакатларнинг ижтимоий тузумида кўзга ташланарли тафовўтларни тез-тез кузатамиз ва бу ҳол субъектив омилнинг таъсири сифатида намоён бўлади.

3-§. Ижтимоий тузум таркиби

Ижтимоий тузумнинг тузилиши тўртта ички тизимдан шаклланган бўлади, улар жамият ҳаётининг тегишли соҳаларидаги ижтимоий муносабатлар тизимини кўрсатиб туради. Бу ички тизимлар қуйидагилардир:

а) иқтисодий муносабатлар

б) ижтимоий (социал) муносабатлар (тор маънода)

в) маънавий-маданий муносабатлар

г) сиёсий муносабатлар.

Бу синф (гуруҳ)лаштириш, бошқа ҳар қандай гуруҳлаштириш каби, албатта, шартлидир. Ҳар доим ҳам иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар орасидан аниқ бир чизиқ ўтказиб, чегаралашнинг имкони бўлавермайди. Жамиятнинг давлат томонидан ташкил этилишидаги сиёсий вазият кўпчилик ижтимоий муносабатларда бор, ҳеч бўлмаса, бошқа гуруҳларга ажратилган муносабатларда мавжуд. Аммо шартли равишдаги ушбу гуруҳлаштирув жамиятдаги у ёки бу муносабатларнинг хусусиятларини тавсифлаш учун қўлланилиши мумкин.

Ҳар бир ички тизим ижтимоий тузумнинг қолган бошқа ички тизимлари билан узвий боғлиқдир. Бу демак, айнан ўзаро боғлиқлик, ўзаро бир-бирига таъсирдир, яъни фақат бир ички тизимнинг бошқа-

[16] Волюнтаристик – сиёсатда ва ижтимоий ҳаётда: объектив мавжуд шароитлар ва қонуниятларни четлаб ўтувчи субъектив қарорлар.

сига таъсиригина эмас (масалан, иқтисодий ички тизимнинг бошқа бир ички тизимга кўрсатадиган таъсири эмас). Ички тизимлар орасидаги бир-бирига бўлган ўзаро таъсир, кўпинча, деярли ҳуқуқий тартибга солинади. Унинг асосий тамойиллари эса конституциявий ҳуқуқ билан тартибга солинади.

4-§. Ижтимоий тузум ва конституциявий ҳуқуқ

Давлат ижтимоий тузумга, энг аввало, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш – ҳуқуқий меъёрларни белгилаш ва тасдиқлаш ва уларнинг татбиқ этилишини таъминлаш воситасида таъсир кўрсатади. Ҳозирги замон демократик равишда ташкил этилган жамиятда, ҳуқуқий тартибга солиш конституция ва бошқа конституция аҳамиятига эга бўлган ҳуқуқий манбаларга таянади. Демократия бўлмаса ёки етарли даражада тараққий этмаган бўлса, давлатнинг ижтимоий тузумга таъсири истисно қилинади ёки бу таъсир куч воситасида амалга оширилади.

Бундай ҳолатда, у ҳуқуқий бўлиб кўриниши мумкин, яъни конституциялар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, эълон қилинади, бироқ уларнинг мазмуни кўпинча ҳуқуққа қарши бўлади, тор ҳукмрон гуруҳлар манфаатларини акс эттиради, холос. Бу манфаат ташқаридан қараганда, ниқобланган бўлади, бироқ унинг амалга оширилиши жамият манфаатларига зарар келтиради. Шу боис, албатта, зўравонлик, куч воситаларини қўлланишини талаб қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий социаллаштириш тенденцияси, аввало шунда ўз ифодасини топадики, янги авлод конституциялари ижтимоий тузум асосларини озми-кўпми тўла тарзда тартибга солишга ҳаракат қилди, яъни юқорида таъкидлаб ўтилган ижтимоий тузумнинг тўртта ички тизимига қаратилган меъёрларни конституцияларга кирита бошлади. Бу меъёрлар кўп ҳолларда конституциявий ҳуқуқ субъектларининг, уларнинг ўзаро муносабатларида (кўпинча давлат аралашувини талаб қилмайдиган) муайян ахлоқ қоидаларини белгилаш ёки тасдиқлашдан кўра, кўпроқ жамият ҳаётининг тегишли соҳаларидаги давлат сиёсати тамойилларини эълон қилади, давлатда унинг органлари, муассасалари, мансабдор шахслар орқали муайян шакл (тарз)да ушбу соҳаларда фаолият кўрсатиш мажбуриятини юклайди.

Кўпчилик конституцияларда, ижтимоий тузум асосларини тартибга солувчи меъёрлар турли боб ва бўлимларга бўлинган, фақат

салмоқли бир қисми инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи боб ҳамда бўлимларда берилган. Улар ушбу боб ва бўлимларда давлатнинг (умуман оммавий ҳокимият муассасаларининг) тегишли ҳуқуқ ва эркинликларнинг рўёбга чиқарилишини таъминловчи сиёсатни олиб бориш мажбурият (бурч)ларини белгилайди.

Масалан, 1947 йилдаги Италия Конституцияси ижтимоий тузумни "Асосий тамойиллар" номли кириш қисмида ҳамда "Ҳуқуқ ва мажбуриятлар" номли 1-қисмида тартибга солувчи меъёрлар билан мустаҳкамланган. Бунга мувофиқ, боблар қуйидагича номланган: "Фуқаролик муносабатлари", "Ижтимоий-ахлоқий муносабатлар", "Иқтисодий муносабатлар" ва "Сиёсий муносабатлар". Бу бобларда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари билан бир қаторда, давлат сиёсатининг тегишли тамойиллари ҳам ёзиб қўйилган. Масалан, 35-моддада шундай дейилади:

"Республика меҳнатнинг барча шакл ва кўринишларини муҳофаза қилади. У меҳнаткашларнинг касб маҳоратининг ошишига ва тайёргарлигига ғамхўрлик қилади. У меҳнат ҳуқуқларини белгилаш ва тартибга солишни мақсад қилиб қўйган халқаро шартномаларга қўшилади ва ташкилотларга ёрдам (кўмак) беради.

У қонун билан умумий манфаатлар учун белгилаб қўйилган мажбуриятлар бажарилган тақдирда, эмиграция эркинлигини тан олади (эътироф этади) ва италияликларнинг хорижда қиладиган меҳнатларини муҳофаза қилади".

Ижтимоий тузум асослари худди юқоридагига ўхшаш тарзда 1978 йилдаги Испания Конституцияси билан ҳам тартибга солинган. Бироқ унинг "Асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар" дейилган 1-қисмида "ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойиллари" ҳақидаги 3-боб келтирилган. Ушбу бобда оммавий ҳокимият ва давлатнинг инсон ва жамиятга нисбатан бир қатор мажбуриятларига таъриф келтирилган. Бироқ Конституциянинг 53-модда, 3-қисмига мувофиқ судлар ушбу бобнинг қоида (меъёр)ларини эмас, уларни ривожлантирувчи қонунларни бевосита қўллашлари мумкин. Бундан ташқари оммавий ҳокимият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бир қатор мажбуриятлари белгиланган "Иқтисодиёт ва молиявий маблағлар" деб номланган VII қисм конституцияда ўз аксини топган.

1949 йилда қабул қилинган Ҳиндистон Конституциясида асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги III қисмдан кейин давлат сиёсатининг (раҳбарлик) асосий тамойилларини таърифловчи IV қисм келади.

1988 йилги Бразилия Федератив Республикаси Конституциясининг хусусияти шундаки, ижтимоий тузумнинг айрим тарафларини (баъзи томонларини) ва тузумга давлат сиёсати таъсирини асосий тамойиллар ҳамда асосий ҳуқуқ ва кафолатларга бағишланган I ва II қисмларда тартибга солиш билан бир қаторда, у “Иқтисодий ва молиявий тузум” деб номланган VII қисмни ва “Ижтимоий тузум” деб номланган VIII қисмни ўзида мужассамлаштирган. Бу сўнгги (VII ва VIII) қисмларда умуман ижтимоий тузумни ташкил этувчи барча тўртта соҳадаги ижтимоий муносабатлар тўла ва батафсил тартибга солинган. Масалан, VII қисмда ижтимоий ҳимояланиш, таълим, маданият ва спорт, фан ва техника, ижтимоий коммуникация (алоқалар), экология (ташқи муҳит), никоҳ ва оила, ҳиндулар мақоми каби ижтимоий муносабатлар гуруҳлари тартибга солинган.

Ижтимоий тузумни ташкил этувчи муносабатлар қанчалик батафсил конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмасин, у тугаши, ниҳоясига етиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яхлит ижтимоий тузум эмас, фақат ижтимоий тузумнинг асосларигина конституциявий-ҳуқуқий институт (муассаса) ҳисобланади, яъни тегишли конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар фақат асосий иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ва сиёсий ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди. Бунда сиёсий ижтимоий муносабатлар бошқаларидан кўра, одатда, кўпроқ ва кенгроқ тартибга солинади.

7-боб. Иқтисодий муносабатлар ижтимоий тузумнинг таркибий қисми сифатида

1-§. Иқтисодий тизим
2-§. Хусусий ва оммавий мулк
3-§. Меҳнат ҳуқуқи
4-§. Иқтисодий фаолиятнинг конституциявий – ҳуқуқий принциплари
5-§. Молиявий тизим

1-§. Иқтисодий тизим

Иқтисодий тизим деб - бу мулк, ишлаб чиқариш, моддий ва маънавий бойликларни айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш муносабатларидир. Тўғри, айтиб ўтиш керакки, моддий неъматларнинг тақсимланиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ижтимоий тузумнинг бошқа бир ички тизими, яъни социал ички тизими тегишли бўлади, бироқ қисман иқтисодий ички тизимга ҳам киради.

Шу муносабат билан Бразилия Конституциясининг 170-моддаси эътиборни жалб этади. Унда инсон меҳнатини баҳолаш ва эркин ташаббусга асосланган ижтимоий тузум тамойиллари рўйхати берилган. Конституция бу тамойилларга амал қилишлик, барчага ижтимоий адолат талабларига мувофиқ муносиб яшаш шароитини таъминлаш учун зарур деб ҳисоблайди. Бу тамойиллар қуйидагилардир: миллий мустақиллик, хусусий мулкчилик, мулкнинг ижтимоий функцияси (вазифаси), эркин рақобат, истеъмолчини ҳимоя қилиш, ташқи муҳит муҳофазаси, минтақавий ва ижтимоий тенгсизликнинг қисқартирилиши, тўла (иш билан) бандликка интилиш, Бразилия қонунларига кўра, таъсис этилган, мамлакатда жойлашган кичик корхоналар, жумладан, уларнинг бошқарув органларига кўмак ва бошқалар.

2-§. Хусусий ва оммавий мулк

Мулк муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳажми ва тавсифи конституциявий ҳуқуқнинг икки асрлик тарихи мобайнида бир қатор ўзгаришларга дуч келди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, оддий нуткда, баъзан эса қонунчиликда ҳам, жумладан, конституциявий қонунчиликда “мулкчилик” атамаси салкам икки хил маънода тушунилади. Ушбу атаманинг анча умумий, фалсафий ва аниқ маъноси – бу моддий неъмат-

ларни ўзлаштириш шакли, бу борадаги инсонлар орасидаги муносабатлардир. Бу маънода мулкчилик ҳуқуқи қадимги Рим ҳуқуқчилари белгилаганидек, бу муайян мулкдан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқидир. “Табиий бойликлар давлат мулкидир”, дейилади 1992 йилдаги Югославия Иттифоқ Республикаси Конституцияси 73-моддасининг, 1-қисмида. Бинобарин, давлат бу конституцияга кўра мавжуд барча табиий бойликларнинг мулкий эгаси (хўжайини) ҳисобланади ва, жумладан, ҳатто уларни ишлаб чиқиш ҳуқуқи бошқа шахсларга берилган ҳолатларда ҳам давлат даромад олишга ҳақли бўлади. Аммо бошқа томондан, бундай конституциявий меъёр билан табиий бойликларга эга бўлиш эркинлиги чеклаб қўйилган: давлат уларга мулкчилик ҳуқуқини бера олмайди.

“Мулк” атамасининг бошқа маъноси – мулк. Масалан, 1991 йилда қабул қилинган Болгария Республикаси Конституциясининг 18-моддаси, 1-қисмида белгилаб қўйилган: “Ер ости бойликлари, сув ҳавзаларининг соҳил чизиғи, республика йўллари, шунингдек, сувлар, ўрмонлар ва миллий аҳамиятдаги боғлар, қонунда белгиланган табиий ва археологик қўриқхоналар мутлақо давлат мулки ҳисобланади”, яъни фақат ва фақат давлат эгалик қилиши мумкин бўлган мулк ҳисобланади.

Тушунчалар ҳақида сўз юритаётиб, баъзан конституцияларда ҳам учраб қоладиган “мол-мулк” (бисот, бойлик) каби тушунчани ҳам эслаб ўтиш жоиз. Баъзан “бисот” (мол-мулк) атамаси “мулк”, “мулкчилик”, “нарса” (бойлик) тушунчаларининг синоними бўлиб хизмат қилади. Бироқ кўпинча фуқаролик-ҳуқуқий мазмунга эга бўлмайди ва ушбу мулкнинг қимматига кўра, кимнинг мулки ичида бўлишидан қатъи назар давлат ёки ўзини ўзи бошқарувчи оммавий ҳокимият юрисдикцияси остида туришини билдиради. Шу боис ҳам мулкдор учун муайян чеклашлар белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, 1992 йилда қабул қилинган Монголия Республикаси Конституциясининг 5-модда, 5-қисми шуни кўзда тутади: “Бўрдоқи моллар миллий мол-мулк ҳисобланади ва давлат ҳимояси остида туради”.

Ўз тавсифига кўра, мулк икки турга бўлинади: оммавий (жамият) мулк ва хусусий мулк. Оммавий мулк ўзининг бўлинмаслиги билан фарқ қилади ва фуқаро мулк айланиши (обороти)дан ажратиб олинади. Масалан, хусусий мулк бўлиниш ва айланиши (оборот) мумкин.

Оммавий (жамият) мулк ҳуқуқи субъекти бўлиб давлат, федерация субъекти (штат, провинция ва ҳоказо), ўзини ўзи бошқарувчи

маҳаллий ҳудудий жамият (минтақа, шаҳар, жамоа ва бошқалар), баъзи ҳолларда эса – ижтимоий тузилмалар (сиёсий партия, черков ва бошқалар) ҳисобланиши мумкин. Масалан, шахс шаҳарда жойлашар экан, шаҳар мулк эгалари сафига автоматик тарзда (беихтиёр) кириб қолади, шаҳарни тарк этганда эса, яъни бошқа бир жойга жойлашиш учун худди шу тарзда бу сифатдан маҳрум бўлади ва ўз улушини олиб кетиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Оммавий мулк ҳар доим жамоа мулкидир. Жамоавийлик эса барча мулкдорлар учун тенг тарзда мулкка эга бўлиш ҳуқуқини кўзда тутади. Баъзан қонунчилик умумий (оммавий) мулк ҳуқуқига эга бўлувчилар сифатида бир гуруҳ кишиларни эмас, шу гуруҳ (жамоа)ни бошқарувчи органлар (муниципиал кенгашлар ва ҳоказолар)ни тан олади. Бу органлар ўзлари мулкдор ҳисобланадиларми ёки йўқми, бундан қатъи назар, одатда, ўша тегишли жамоанинг умумий мулки ичида бўлган мулкка жорий эгалик ҳуқуқини амалга оширади.

Хусусий мулк ҳуқуқи субъекти бўлиб ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиши мумкин, яъни хусусий мулк шахсий, оилавий, гуруҳ, жамоа шаклида бўлишиш мумкин. Гуруҳ мулки бўлганда айрим мулкдорларнинг умумий мулкка эга бўлиш ҳуқуқлари ҳажми тенг бўлиш ёки тенг бўлмаслиги мумкин, жумладан ҳисса, акция ва бошқа шаклда юзага келувчи ҳисса миқдорига боғлиқ бўлиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлат, шаҳар ва бошқа умумий ҳуқуқ корпорациялари, масалан қандайдир бир хусусий фирманинг (ширкат) акциялар пакетига эга бўлган ҳолда хусусий мулк субъектлари бўлиши ҳам мумкин.

Шу тарзда, таъкидлаш жоизки, мулкнинг оммавий ёки хусусий тавсифи (моҳияти, характери), энг аввало, эгаси ҳисобланувчи шахс билан эмас, мулк тартиби (режим) билан белгиланади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, шаҳар (муниципиал) ва жамоа (коммунал), худди шунингдек, минтақавий (вилоят, туман ва ҳоказо) мулк, оммавий мулк ҳисобланади. Бу тегишли ҳудудий жамоаларнинг ва бирлашмаларнинг (баъзан таъкидлаб ўтилганидек, ўз-ўзини бошқарув органларининг мулки бўлиб, уни давлат органлари эмас, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув орган (идора)лари бошқаради. Бундай ҳолатларни кўпинча демократик давлатларда учратиш мумкин.

Мулкнинг оммавий (мулк)дан хусусий (мулк)га айлантирилиши хусусийлаштириш дейилади, хусусийликдан оммавий шаклга айлантирилиши эса миллийлаштириш (национализация) дейилади, агар

унинг эгаси давлат бўладиган бўлса, бошқа турли ҳолларда бу социализация (ижтимоийлаштириш) деб аталади.

Дастлабки конституцияларда мулк одатда умумий тарзда, унинг турлари, кўринишлари ва унинг ҳуқуқ субъектларига аниқлик келтирилмасдан кафолатланар эди. Албатта, биринчи навбатда ушбу кафолат хусусий мулкка алоқадор бўлган, оммавий мулк ичида бўлган мулк (мол-мулк) миқдори оз бўлган. Бунга мисол қилиб инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция Декларациясининг 17-моддасини келтириш мумкин. Унда шундай дейилган: “Мулк ҳуқуқи дахлсиз ва муқаддас ҳуқуқ бўлгани учун ҳам ҳеч ким бундай ҳуқуқдан қонунда белгиланган ижтимоий зурурат бўлмаган ҳолларда ва адолатли, ҳамда олдиндан қоплаш (тўлаш) шартларидан бошқа ҳолатларда маҳрум қилиниши мумкин эмас”. Келтирилган қисқа таърифдан бир қатор юридик оқибатлар келиб чиқади, айнан айтадиган бўлсак бу:

а) мулк(чилик) ҳуқуқи умуман ажралмасдир;

б) бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиниш фақат истисно сифатидагина мумкин.

в) ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат қонунга биноан амалга оширилиши мумкин.

г) бундай қонун субъекти мулк ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин бўлган ижтимоий зарурат юз берган ҳолатларни белгилаши лозим;

д) бу зарурат аниқ-равшан кўриниб турмоғи лозим (ушбу талаб нафақат ҳуқуқни ижро этувчига, балки қонун чиқарувчига ҳам тегишлидир);

е) мулк ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат тўлов (қоплаш) билангина мумкин;

ж) тўлов (қоплаш) адолатли бўлмоғи лозим (адолат мезонлари билан белгиланиши лозим; мусодара этилган мулкнинг бозордаги баҳоси бундай мезонни ташкил этиши мумкин ҳамда ундан фойдаланишда қўлдан бой берилган фойда ҳам ҳисоботга олинмоғи керак.

з) тўлов (товон, қоплаш) олдиндан, яъни мулк мусодара қилинишидан олдин амалга оширилиши лозим.

Хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишига асосланиши мумкин. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда назарда тутилган

ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин. Хусусий мол-мулкини сармоя сифатида ўртага қўйиш, давлат, кооператив ва ўзга корхоналарнинг мол-мулкини, ижарага олинган мол-мулкни сотиб олиш, мол-мулкини кимошди савдосида ёки қонунда йўл қўйиладиган ўзга асосларда харид этиш асосида юзага келади.

XX асрнинг биринчи ярмида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада тутган ўрнини кучайиб кетишига шиддатли йўл очган социалистик ғоялар таъсири мулк муносабатларининг конституциявий тартибга солинишида кучли из қолдирди. Агар биз Франция тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳолда 1946 йилда қабул қилинган ва ҳозирда амалда бўлган конституциянинг сўз бошисида қуйидаги тамойил (принцип)ни кўришимиз мумкин: “Ҳар қандай мулк эксплуатацияси, оммавий (умумий), миллий хизмат ёки ҳақиқатий монополия характерига эга бўлган ҳар қандай корхона барчанинг мулки бўлмоғи лозим”. Бу ерда гап мажбурий миллийлаштирув ҳақида бормоқда, лекин тўлов (товон тўлаш, қоплаш) ҳақида гапирилмаяпти, умуман олганда, ушбу меъёр инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясининг 17-моддасида келтирилган тамойиллар билан биргаликда изоҳланмоғи лозим, аммо маълум афзалликка ҳам эга. Бунга қўшимча сифатида 1958 йилда қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясининг 34-моддаси, 3-қисми корхоналарнинг миллийлаштирилиши ва уларнинг мулкини оммавий сектордан хусусий секторга ўтказилиши қонун билан тартибга солинишини кўзда тутади.

Бу ерда, мулкнинг ижтимоий функцияси ғоялари Биринчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларнинг кўпчилигига сингдирилган ва ҳозирги замон конституцияларида ривожлантирилган. 1949 йилда қабул қилинган Германия Федератив Республикаси Асосий Қонунининг 12-модда, 2-қисмида шундай дейилади: “Мулкчилик бир вақтнинг ўзида, мулкдан фойдаланишнинг умумий манфаатлари учун хизмат қилиш лозимлигини кўрсатади”. Ушбу модданинг 3-қисмига кўра эса, мулкдан маҳрум қилишга фақат умумий манфаатлар учун йўл қўйилади; у фақат қонун билан ёки қонунга асосан амалга оширилмоғи лозим; тўлов (товон, қоплаш) умумий манфаатларнинг умумий судларда тўлов миқдорини тортиша оладиган (ҳақли) тегишли шахслар манфаатлари билан мутаносиб шароитларда белгиланмоғи лозим; Бунга қўшимча ўлароқ, 15-модда шуни кўзда тутадики, ер ва ер ости, табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш мақсадида ижтимоий мулк

ёки жамият хўжалигининг бошқа шаклларига унинг тўлов тури ва миқдорини белгиловчи қонун билан ўтказилиши (айлантирилиши) мумкин. Социалистик конституциялар шундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк ихтиёрида бўлмаслиги лозим, фақат майда (кичик) ишлаб чиқариш ва майда савдо бундан мустасно. Жар ёқасига олиб келинган социализм ғоясини Конституциясида кўриш мумкин.

Ушбу конституциянинг 18-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш воситалари давлат ва ширкат ташкилотларигагина тегишлидир. 19-моддага мувофиқ давлат мулки умумхалқ бойлиги ҳисобланади ва давлат мулк ҳуқуқи объектлари чеклаб қўйилмайди. Мамлакатнинг барча табиий бойликлари, муҳим завод ва корхоналар, бандаргоҳ (порт)лар, банклар, транспорт ва бошқа алоқа воситалари фақат давлатга қарашлидир. Давлат мулки иқтисодиёт тараққиётида етакчи рол ўйнайди (ўрин эгаллайди).

Ширкат (кооператив) мулки КХДР Конституциясининг 20-моддасида, ширкат хўжаликларига бирлашган меҳнаткашларнинг жамоа мулки (бойлиги, бисоти) сифатида таъриф (изох)ланган. Ширкат ташкилотлари қишлоқ хўжалик ашё (инвентарь)лари, балиқчи кемалар, иншоотлар, шунингдек, ўрта ва майда завод ва корхоналарга эгадир. Давлат ширкат мулкини қонун билан муҳофаза қилади. Бу ерда гап хусусий мулкнинг жамоа шакли ҳақида бораётгандек туюлади, лекин амалда эса КХДРда ширкат мулки давлатлаштирилган ва ҳақикатда оммавий (умумий) мулкка айлантирилган. КХДР Конституциясининг: “давлат социолистик ширкат хўжалиги мулкнинг ижтимоий функция тизимини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, ширкат мулкини, ўша ширкатнинг ташкилотига бирлашган (уюшган) барча аъзоларининг ўз ихтиёрлари, розилигига мувофиқ умумхалқ мулкига босқичма-босқич айлантириб боради”, дейилган меъёрни белгиловчи 21-моддаси шундан далолат беради. Тоталитар тузум шароитида “эркин ифода”, меҳнаткашларнинг “ўз розилик” қандайлиги яхши маълум. Меҳнаткашлар жамоасининг қандай восита асосида уларнинг ўз меҳнати билан шаклланган мулкининг барчага тегишли эканлиги тўғрисида хулосага келишларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳақиқатат социалистик тузум мамлакат миллий бойлигининг салмоқли қисмини муайян мулкдорлар истак-иродасидан қатъи назар ҳеч бир назоратсиз эгалик қилувчи партия – бюрократия аппарати (маҳкамаси) қўлида тўпланишини билдиради. Тўғри, Куба Конституц-

цияси янги таҳриридаги 23-моддасининг 1-қисмида давлатнинг қонунга мувофиқ ташкил этилган қўшма корхоналар, хўжалик жамиятлари ва уюшмалар мулкини тан олганлиги кўзда тутилган.

Таъкидланганидек, анча тараққий этаётган мамлакатларга кириб борган маълумотлаштириш даври (асри) иқтисодий муносабатларнинг либерал (эркин) моделига тўла қайтилишига ва қисман мулкчилик муносабатларини қайта кўриб чиқишга олиб келади. Мулкни миллийлаштиришнинг нисбатан кенг имкониятларини кўзда тутувчи конституция моддалари қўлланилмай қўйилди. Аксинча, оммавий (жамият) мулк объектларининг кўпчилиги, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида хусусийлаштирилмоқда.

Энди собиқ социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, уларда, мулк муносабатларининг конституциявий тартиби (тартибга солиши) кенг хусусийлаштириш учун имкониятлар яратса-да, баъзан муайян муаммо сифатида социалистик тасаввурлар изини ўзида мужассам қилади.

Бунинг ўзига хос мисолини Югославия Конституциясининг “Иқтисодий тузум” деб номланган III бобида кўриш мумкин. Ушбу конституциянинг 69-моддаси 2- ва 3- қисмларига мувофиқ мулкчилик кафолатланади ва ҳеч ким мулкчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки унинг ушбу ҳуқуқи чегараланиши мумкин эмас, агарда, қонунда белгиланган умумий манфаат буни талаб қилмаса. Ундан ташқари товон тўланадиган бўлса, унинг миқдори бозор нархларидан паст бўлмаслиги керак. Бироқ, баён қилинган умумий тамойилни чекловчи ҳолатлар (қоидалар) ҳам мавжуд.

Масалан 70-моддага мувофиқ, хорижлик шахс мулк ҳуқуқига эга бўлиши ва иттифоқ қонунига мувофиқ ўзаро муносабат шароитидагина хўжалик фаолияти юритиш ҳуқуқига эга бўлади. Хорижлик ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қўзғалмас мулк (бойлик)га эга бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Фуқаролиги бўлмаган шахс ерни мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга бўла олмайди, хорижлик шахс эса, қонунларга мувофиқ ўзаро икки тарафли шартлар асосида бундай ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. 72-моддада кўзда тутилганки, қўзғалмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, унинг табиати ва иттифоқ қонунига мувофиқ, унинг мақсадига кўра амалга оширилади.

Ниҳоят, 73-модда, табиий бойликлар давлат мулки ихтиёрида бўлиши, қишлоқ хўжалик ерлари ҳам хусусий мулк, ҳамда бошқа турдаги мулк ихтиёрида бўлишини кўзда тутган ҳолда, социалистик ўтмишни кўпроқ эслатиб туради, бу қонунда белгиланган доирада

ўрмон ва ўрмон ости ерларга ҳам тегишли. Қонунга мувофиқ, умумий фойдаланиладиган айрим бойликлар ва шаҳардаги бино-иншоотлар жойлашган арклар хусусий ва бошқа турли мулкчилик шакли ихтиёрида бўлиши мумкин. Иттифоқ, республика органлари ва ташкилотлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувчи бирликлари ва оммавий хизматларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган кўчмас мулклар ва бошқа воситалар давлат мулки ихтиёрида туради.

Шу тарзда кўрамизки, бу ерда социалистик конституциявий қонунчиликка хос бўлган мулкчилик шакли тушунчаси сақлаб қолинган, қолаверса бу мулкчилик шакллари ўртасидаги муносабатларнинг илмий нуқтаи назаридан тушунилиши, уларнинг гуруҳлантирилиши бу ерда бошқа бир қатор постсоциалистик конституциялардагидек мавжуд эмас.

Ривожланаётган давлатларга келсак, уларнинг кўпчилигида иқтисодиётнинг давлат сектори узоқ вақтлар мобайнида тараққиётнинг муҳим, асосий таянчи сифатида кўрилди. Баъзан бу ерда мулкчилик шаклларига социалистик таъсир ва социалистик ёндошув акс этиб туради. Масалан, 1979 йилда қабул қилинган Эрон Ислом Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ҳукумат, ширкат ва хусусий мулкчилик учун давлат кафолатини кўзда тутган.

Шу қаторда мулкнинг аралаш шакли ҳам мавжуд. Мулкнинг аралаш шакллари мулкдорларнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилиши конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган.

1917 йилда қабул қилинган Мексика конституциясининг 27-моддасига биноан (кейинчалик қатор ўзгартиришлар киритилган), ер ва сувга бўлган мулкчилик миллатга тегишли бўлиб, яъни миллат бу мулкларни хусусий шахсларга бера олади ва хусусий мулк пайдо бўлади. Бунда миллат мулки бўлган табиий бойликлар ва сувлар тортиб олинмайди ҳамда сўзсиз концессияга[17] топширилиши мумкин. Электр, ядро энергиясини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш фақат миллат томонидан амалга оширилади.

Монголия Конституциясининг 5- ва 6-моддаларидаги меъёрлар ҳам бунга жуда яқин. Бу ерда эътиборни жалб этувчи томон шуки, 4- ва 5-моддалар давлатга ер мулки эгаларига мажбуриятлар юклаш,

[17] Концессия –бу давлат томонидан хусусий тадбиркорлар билан, хорижий ширкатлар билан саноат корхоналари, ерлардан фойдаланиш бўйича тузиладиган шартнома.

товон тўланиб ерни алмаштириш ёки олиб қўйиш, агар ердан мулкдор шахслар инсонлар соғлиғига зиён етказган ҳолда фойдаланадиган бўлса, ёки табиат, давлат хавфсизлигига зиён етказадиган бўлса, умуман мусодара қилишга ҳам (давлатга) тўла рухсат берилади.

3-§. Меҳнат ҳуқуқи

Аввало, иш ёки ижтимоий-фойдали фаолиятга умуман синоним ҳисоботланмайдиган меҳнат тушунчасига таъриф келтириш керак бўлади. Меҳнатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у аввало ҳаёт учун асосий восита, кун кечириш учун манбадир. Масалан, икки рассом картина яратади бу уларнинг иши, ижтимоий-фойдали фаолияти, уларнинг машғулоти ва касб ҳунаридир. Аммо улардан бири учун бу нарса кун кечириш учун асосий ва ягона восита, ҳаёт манбаи бўлиши, иккинчи рассом иқтисодий жиҳатдан мустақил (унинг рентаси, юқори нафақаси, катта миқдордаги акциялари ва ҳоказо) бўлганлиги учун фақат ижод объекти бўлиши мумкин. Биринчи рассом учун картина яратиш–меҳнат бўлса (аслида нафақат меҳнат, балки ижод ҳам), иккинчи рассом учун бу фаолиятга машғулот фақат ўз шахсини намоён қилиш, ривожлантириш сифатида қаралган.

Ҳатто энг илғор тараққий этган жамиятнинг ҳозирги замондаги ҳолати шундайки, у ҳам меҳнатсиз яшай олмайди, яъни меҳнатни четлаб ўта олмайди. Қолаверса, юқорида келтириб ўтганимиз, ижодий, шахсни маънан бойитувчи ижодий меҳнатнигина эмас, унча юқори малака талаб қилмайдиган, руҳий қониқиш бахш этмайдиган бир текис меҳнатни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Иқтисодий тизим мақсади жамиятнинг зарур бўлган ҳар қандай меҳнатга бўлган эҳтиёжи, жумладан ҳатто меҳнаткаш учун қизиқарли бўлмаган меҳнатга бўлган эҳтиёжни қондирилишини таъминлашдан иборатдир. Инсоннинг бундай меҳнатга рози бўлиши учун, уни бундай меҳнатга ундовчи шароитлар зарур-қизиқарли ишга эга бўлишнинг имконият йўқлиги, етарли миқдорда иш ҳақи (маош), меҳнатга муайян афзалликлар берилиши ва ҳоказо. Конституциялар ва конституциявий ҳуқуқнинг бошқа манбаларида инсон меҳнатини рағбатлантирувчи ва муҳофаза этувчи муайян кафолатлар мустаҳкамланган.

Масалан, Италия Конституциясининг 1-моддаси Италияни меҳнатга асосланган демократик республика сифатида тавсифлайди. Испания Конституциясининг 40-моддаси оммавий (умумий) ҳокимиятлар (органлари)га тўла бандликка эришишга йўналтирилган, шу-

нингдек касб тайёргарлиги ва қайта ўқитиш, тайёрлашни кафолатловчи сиёсат юргизишни буюради, уларга меҳнат хавфсизлиги ва орасталиги (гигиенаси) устидан назорат ўрнатиш, меҳнаткашларга иш кунларини чегаралаш, даврий равишда ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, тегишли муассасаларни ривожлантиришга ёрдамлар кўрсатиш йўли билан зарур дам, таътиллар беришни юклайди. Ушбу конституциявий ҳолат (меъёр, низом)ларни амалга ошириш мақсадида, жумладан: 1980 йилда бандлик асослари ва меҳнаткашларнинг мақоми тўғрисидаги қонун; 1983 йилда 40 соатлик иш ҳафтаси (максимал) ва 30 кунлик минимал (энг кам) таътилнинг белгиланиши ҳақидаги қонун; 1986 йилда касб тайёргарлиги Бош Кенгашининг ташкил этилиши ҳақидаги қонун; 1995 йилда меҳнат хавфини олдини олиш ҳақидаги ва шунга ўхшаш қатор қонунлар қабул қилинди. Бу борада 42-моддадаги ҳолат (меъёр)лар ҳам алоҳида диққатга сазовор, унга кўра давлат, хорижда юрган испан меҳнаткашларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг таъминлашини алоҳида кўзатиб боради ва ўз сиёсат йўналишини меҳнаткашларнинг хориждан қайтишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Қиёслаш тариқасида КХДР Социалистик конституциянинг 28-29-моддаларини келтириш жоиз. Унга мувофиқ меҳнаткашлар кунига 8 соатдан меҳнат қиладилар. Давлат меҳнатнинг оғирлигига ва ўзига хослигига қараб, иш кунини қисқартиради, давлат меҳнатни ташкил этишни яхшилаб ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаган ҳолда, иш кунидан тўла фойдаланиш имкониятига эришади. Фуқаролар 16 ёшдан меҳнат фаолиятини бошлайдилар. Давлат меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаган ёшдагиларнинг ишлашларини қатъий ман этади.

4-§. Иқтисодий фаолиятнинг конституциявий – ҳуқуқий принциплари

Миллий бойликларнинг унга эга бўлган мулкдор кимлигидан қатъи назар умумий манфаатлар учун фойдаланиш мақсадларининг конституцияда белгиланиши шундай асосий, муҳим (тамойил) бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақсадларга эришишга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишлари у ёки бу мамлакатнинг шарт-шароитлари, ўзига хослиги билан белгиланади, бироқ асосий йўналишлардаги фарқларга қарамай, иқтисодий фаолият шароитларини яхшилаш, тарихий, жўғрофий ва бошқа объектив тўсиқларни камайтириш ва бартараф этишга уринишлар кузатилмоқда.

Масалан, Испания Конституцияси 128-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, “Мамлакатнинг бутун бойлиги турли шаклларда ва унга эга бўлиш ҳуқуқига ким эгалигидан қатъи назар, умумий манфаатларга бўйсунади”. Бундан 2-қисмда эътироф этилган, иқтисодий фаолиятдаги оммавий ташаббуслар келиб чиқади. Қонун оммавий (давлат, муниципал ва бошқалар) секторларга туб заҳиралар ва хизматларни бириктириши мумкин, айниқса, улар монополия бўлса, шунингдек, давлат қонуни, агар буни умумий манфаатлар талаб қиладиган бўлса, корхоналарнинг ички ишларига аралашувига ҳам рухсат этиш мумкин. 130-модда бутун испанияликларнинг ҳаёт даражасини тенглаштириш мақсадида оммавий ҳокимиятларга иқтисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан деҳқончилик соҳаларини тубдан янгилаш (модернизация) ва ривожлантириш борасида ғамхўрлик қилиш вазифасини юклайди. Худди шу мақсадда тоғли жойларга ҳам асосий эътибор қаратилмоғи лозим бўлади.

Гап Испания Конституцияси ҳақида кетганлиги боис ҳам таъкидлаш керакки, ушбу конституция ҳам сўнгги ўн йиллар ичида қабул қилинган ва ўзгартиришлар киритилган конституциялар каби иқтисодий ҳаётнинг давлат томонидан режалаштириши имкониятини кўзда тутган. Бироқ, ушбу режалаштиришнинг “социалистик” режалаштирув билан фарқи кескин, яъни юқоридан буйруқбозлик кўринишида, “режа–бу қонундир” тамойили асосида амалга ошириладиган ҳар бир корхонага режа-топшириқ бериладиган ва корхона уни адо этишга мажбур бўлган режадан фарқланади. Масалан, ХХР Конституциясининг 1993 йилгача амал қилган 15-моддасида ўрнатилган эдики: “Ҳар томонлама тартибга келтирилган иқтисодий режалар ва бозор тартибининг (иқтисодиётнинг) ёрдамчи роли (ўрни) ёрдамида давлат халқ хўжалигининг пропорционал ва бир текис тартибда тараққий этишини таъминлайди”, бу билан ҳар қандай ташкилот ёки айрим шахсларга ижтимоий-иқтисодий тартибни бузиш, давлатнинг иқтисодий режаларини бузиш, яъни унга амал қилмаслик қатъи ман этилган. Бозор иқтисоди (хўжалик юритиш) шароитида режалаштириш, ишлаб чиқарувчилар учун ўз кучларини жамият олдида турган мақсадлар йўлида сарфлашни манфаатдорликка айлантирувчи ўта билвосита иқтисодий ричаг(восита)лар ёрдамида амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, Хитой Конституциясининг 15-моддаси 1993 йилда янгидан таҳрир этилди: “Давлат социалистик бозор хўжалиги (иқтисодиёти)ни амалга оширади. Давлат иқтисодиёт соҳасида қонунчилик фаолиятини кучайтиради, янада такомиллаштиради.

Давлат қонунга мувофиқ ҳар қандай ташкилот ва алоҳида шахсларга жамият иқтисодий тузумини бузишни тақиқлайди”.

Испания Конституциясининг 131-моддасига мувофиқ, давлат жамоа эҳтиёжларини қондириш учун, минтақавий ва соҳавий тараққиётни мувозанатлаштириш ва мувофиқлаштириш учун, даромадлар ва бойликларнинг юксалтирилишига кўмак бериш ва уларнинг адолатли тақсимланиши учун умумий иқтисодий фаолиятни қонун орқали режалаштириши мумкин. Режа лойиҳалари ҳукумат томонидан мухтор (автоном) ҳамжамиятларнинг таклифларига кўра (асосида), касаба уюшмалари ва бошқа касб-ҳунар, тадбиркорлик ва иқтисодий ташкилотлар ёрдамида ва улар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Конституцияни бу мақсадда (бунинг учун) махсус кенгаш таъсис этган.

Иқтисодий фаолиятнинг конституциявий тартибга солинишининг бошқа бир мисоли тариқасида, Испания Конституциясидан фарқли ўлароқ, махсус бобда эмас, ҳуқуқ ва эркинликлар тартибга солинган бўлимда тегишли ҳолат (меъёр)ларни ўзида мужассам этган Италия Конституциясини келтириб ўтамиз.

Италия Конституциясининг 41-моддаси хусусий хўжалик ташаббусларининг эркинлигини изоҳлар экан, ижтимоий мақсадлар йўлида умумий ва хусусий иқтисодий фаолиятни йўналтириш ва мувофиқлаштириш учун мўлжалланган назорат чегаралари ва дастурларни қонун билан белгилаш имкониятини кўзда тутади. 43-моддасида эса, умумий манфаатлар учун давлат, оммавий ташкилотлар ёки меҳнаткашларнинг ҳамжамиятлари ёки фойдаланувчиларга муайян корхоналар ёки туб оммавий хизматлар ёхуд энергия манбалари ва монополия тарзида табиий заҳиралар, яъни ўта муҳим умумий манфаатлар касб этувчи заҳиралардан фойдаланувчи алоҳида тоифадаги корхоналарга бириктириб қўйиш имконини кўзда тутади. Бундай корхоналар товон (тўлов) учун экспроприация (тартиб олиш) қилиниши ва юқорида санаб ўтилган субъектларга бериб юборилиши ҳам мумкин.

Худди бошқа бир қатор мамлакатларда бўлганидек, Италияда ҳам Конституция қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий фаолиятга муҳим эътиборни қаратади. 44-моддага мувофиқ, ердан самарали фойдаланиш ва адолатли ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида қуйидагиларга рухсат этилади: хусусий ер мулкчилигига қонун томонидан мажбуриятлар юклаш; минтақа ва қишлоқ хўжалиги зоналарига қараб унинг чегараларини, ерларни яхшилаш чораларини белги-

лаш, латифундияларни (яъни ярим феодал муносабатлардан фойдаланган ҳолда ишлатилаётган улкан майдонларни) қайта қуриш, ишлаб чиқариш бирликларини қайта қуриш (таъмирлаш), кичик ва ўрта мулкчиликни қўллаб-қувватлаш, тоғли жойлар учун имтиёзлар бериш.

Италия Конституциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу конституция Республика томонидан ширкатларнинг ўзаро ёрдамга асосланган ва спекуляция (чайқовчилик)га йўл қўймайдиган ижтимоий функцияси (вазифаси) тан олинганлигини эътироф этади, ҳунармандчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш учун қонуний тадбирларни кўрсатиб ўтади (46-модда). Бошқа бир диққатга сазовор хусусият шундаки, 47-моддага биноан Республика барча шакллардаги жамғарма (омонат)ларни рағбатлантиради ва муҳофаза қилади, кредит ишларини тартибга солади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади, халқ омонат жамғармаларининг уй-жой мулки, бевосита ер деҳқончилик мулкига қўйилиши ва мамлакатнинг йирик ишлаб чиқариш мажмуаларига тўғридан-тўғри ва билвосита ҳиссали сармоя (инвестиция)лар ажратишига ижобий имкониятлар яратиб беради.

Иқтисодий тизим конституциявий тамойилларининг амалда бўлишида ҳалол рақобатнинг таъминланиши ва хусусий монополияга йўл қўймасликка қаратилган жорий қонунчилик муҳим ўрин эгаллайди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг конституцияларида миллий капитални алоҳида муҳофаза қилишни таъминловчи меъёрлар тез-тез учраб туради. Бу тушунарли, чунки миллий капитал анча тараққий этиб, илгарилаб кетган мамлакатлар сармояси билан тенг суръатда рақобатлаша олмайди. Аммо бундай меъёрлар ўз мазмунига кўра, вазият мувозанатсиз бўлиб турар экан, вақтинчалик характерга эга бўлади.

Бразилия Конституцияси иқтисодий тузум тамойиллари орасида Бразилиядаги кичик корхоналарга ижобий ёрдамлар кўрсатилишини кўрсатиб ўтади. Бироқ 1995 йилда Бразилия корхоналарига имтиёз ва устуворликни назарда тутган 171-модда бекор қилинган. Бу, шубҳасиз, миллий сармоянинг хорижий сармоя билан тенг рақобат қила олишидан далолат берувчи, мамлакат иқтисодий тараққиётининг ижобий натижасидир.

Бразилия Конституциясининг 172-моддасида қонун чиқарувчининг зиммасига хорижий сармояларни миллий манфаатлар учун

тартибга солиниши, реинвестицияни рағбатлантириш ва соф фойданинг олиб чиқиб кетилиши шартлари ва тартибини белгилашни юклайди. Конституцияда яна умумий ва қўшма корхоналарнинг мақомини тартибга солувчи қоидалар, ҳолатлар, иқтисодий ҳаётни режалаштириш, умумий хизматлар кўрсатиш, ширкатларни рағбатлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш тамойиллари, иттифоқ монополияси мақоми ва иқтисодиёт тизими билан боғлиқ бошқа бир қатор ҳолатлар мавжуд.

Социалистик давлатларга келинадиган бўлса, уларнинг конституциялари иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг давлат йўли билан режалаштириш тамойили билан бирга давлат корхоналари мақомини ва уларнинг фаолияти тамойилларини, шунингдек, ширкатларнинг мустақиллигини кенгайтиришни кўзда тутган ҳолда уларнинг мақомларини белгилай бошлади.

Ушбу масалага тегишли бўлган иккита мисолни кўриб чиқамиз. Бу Хитой Конституциясидаги меъёрлар бўлиб, социалистик конституцияларга хос бўлган ташвиқотдан иборат бўлган жумлалар кўп бўлса-да, уни мисол тариқасида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир, чунки улар ҳукмрон кучларнинг менталитети ва уларни ўз халқлари қандай англашларини акс эттириб туради.

Масалан, ХХР Конституцияси 7-моддасининг 1993 йилги таҳририда шундай дейилган: “ Давлат ўз (давлат) иқтисодиётининг мустаҳкамланиши ва ривожланишини кафолатлайди”. 8-моддада эса шаҳар ва қишлоқда ширкат (колхоз)латириш ҳақида айтилади. 3-қисмида эса шу нарса белгилаб кўйилади: “давлат шаҳар ва қишлоқда жамоа хўжалиги ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилади, жамоа хўжаликларини рағбатлантиради ва йўналтиради, уларнинг ривожланишига кўмаклашади”. 9-модданинг 2-қисмига мувофиқ табиий заҳиралардан унумли фойдаланишни кафолатлайди, ҳайвонот ва ўсимликларнинг нодир турларини ўз муҳофазасига олади, 10-модданинг 5-қисмида конституция ердан фойдаланувчиларнинг зиммасига ерлардан унумли фойдаланиш мажбуриятини юклайди. 11-моддада юқорида таъкидланганидек, фаолияти давлат томонидан бошқариладиган ва давлат назорати ёки кузатувчи остида бўлган шахсий ва хусусий хўжаликларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари давлат муҳофазасида кафолатланади.

14-моддада давлат зиммасига ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иқтисодиётнинг унумдорлигини оғишмай амалга ошириш, жамиятда ишлаб чиқариш воситаларини ривожлантириш, тежамкорликни йўлга

қўйиш, воситаларни самарали тақсимлаш, тўплаш ва истеъмолни тўғри йўлга солиш, давлат, ширкат(жамоа) ва шахсий манфаатларни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида халқнинг моддий ва маънавий ҳаёти (турмуши)ни доимий яхшилаб бориш каби вазифаларни юклайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар мақомининг асоси (негизи) ХХР Конституциясида қуйидагича белгилаб қўйилган: “Давлат корхоналари қонунда белгиланган доирада мустақил равишда хўжалик юритиш ҳуқуқига эгадирлар” (1993 йил таҳрири 16-модда, 1-қисм). 17-модданинг 1-қисмига мувофиқ, “жамоа хўжалик ташкилотлари, амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда, мустақил равишда хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўладилар” (1993 йил таҳрирда “давлат режасига амал қилган ҳолда” сўзлари тушуриб қолдирилган). Иккала моддаНинг ҳам иккинчи қисмларида меҳнаткашларнинг юқорида айтиб ўтилган хўжалик бирликларни бошқаришда иштирок этишлари ҳақида гапирилади (сўз боради). Бироқ шуни унутмаслик керакки, конституциянинг сўз боши қисмида, бошқа барча социалистик мамлакатларида бўлганидек, ҳар қандай демократик муассаса (институт)ларнинг борлигини йўққа чиқарувчи Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлик ўрни таъриф этилади. 18-моддада хорижий сармоя (инвестиция)ларнинг Хитой иқтисодиётига кириши мумкинлиги (имконияти) кўзда тутилган.

КХДР социалистик халқ хўжалигидаги бошқарув тизимининг конституциявий тартибга солиниши ҳам диққатга сазовордир. КХДР Конституциясининг 30-моддасига мувофиқ “давлат мамлакат иқтисодиётини, энг илғор социалистик бошқарув тизими ҳисобланган, яъни иқтисодиёт илмий асосланган ва самарали услуб (метод)лар билан, ишлаб чиқарувчилар оммасининг жамият кучига таянган ҳолда ва қишлоқ хўжалиги саноат (индустриал) методлар билан бошқариладиган янги тизимдаги қишлоқ хўжалиги бошқаруви асосида бошқаради ва раҳбарлик қилади”.

Ҳақиқатда тэан тизими, ўтказилган “тажриба”нинг географик номи бўлиб, корхонанинг Корея меҳнат партияси (етакчи Коммунистик партия)нинг кенгайтирилган қўмитаси томонидан амалга ошириладиган коллегиал бошқарувини билдиради. Конституциянинг 31-моддаси КХДР халқ хўжалигини режали халқ хўжалиги сифатида тавсифлайди, режалаштириш мақсадларини белгилайди, ишлаб чиқариш суръатини ўсиши ва халқ хўжалигини режалаштиришни ягона андозага солиш ва батафсиллаштиришни таъминланишини талаб

қилади. 34-моддага мувофиқ ташқи савдо давлат томонидан ёки давлат назорати остида юритилади, божхона сиёсати эса мустақил миллий иқтисодиётни муҳофаза қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 32-модданинг иккинчи қисми давлат зиммасига барча соҳаларда ишлаб чиқаришни юксалтириш, қаттиқ молиявий назоратни юритиш, давлат қўйилмаларини кўпайтириш, социалистик мулкни кўпайтириш ва ривожлантириш вазифасини юклайди.

Буларнинг натижаси Шимолий ва Жанубий Корея Республикалари ижтимоий-иқтисодий даражаларининг қиёсида аниқ кўринади.

5-§. Молиявий тизим

Ушбу тизим иқтисодий тизимнинг ўта муҳим таркибий қисмидир, чунки давлат айнан молиявий механизмлар орқали ўзининг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ҳал этади. Шу боисдан ҳам конституцияларда молиявий муносабатларнинг тўла тартибга солиниши бежиз эмас. У кўпроқ конституцияларнинг, аввало, бюджет ва солиқ муносабатлари, жумладан, бюджет жараёни, шунингдек марказий банклар мақоми тартибга солинган махсус боблар ва бўлимларида мужассам бўлади. Федератив давлатларда ушбу боб ва бўлимларда асосий ўрин давлат молияси соҳасида федерация ва унинг субъектлари орасида ваколатларнинг бўлиб берилишига ажратилади.

Япония Конституциясининг (1996 йил) “Молиявий маблағлар” номли VII бобида (83-90-моддалар) давлат молиявий маблағларини бошқариш ҳуқуқининг парламент қарорларига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Солиқ солишдаги ҳар қандай ўзгартиришлар фақат қонунчилик асосида ва қонунларда кўрсатилган шартларга амал қилинган тақдирдагина амалга оширилади. Фақат Парламентгина давлатнинг қандай сарф-харажатларини амалга оширилиши ва қандай пулли (молиявий) мажбуриятларни ўз бўйнига олишини ҳал қилади. Ҳар молия йили (молиявий ёки бюджет йили кўпчилик давлатларда календар йили билан мос келмайди) учун бюджет лойиҳаси тузиб чиқилади ва кабинет томонидан муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун Парламентга тақдим этилади. Олдиндан кўриш имконияти бўлмаган бюджет тақчиллиги юз берганда резерв (заҳира) жамғармаси тузилиши мумкин, унинг сарфланиши учун жавобгарлик кабинет зиммасида бўлади, аммо унинг ушбу жамғармадан амалга оширган ассигнавания (маблағ ажратиш) парламент томонидан тасдиқланмоғи лозим. Император оиласининг сарф-харажатлари ҳам бюджетнинг бир қисми ҳисобланади, чунки ушбу оиланинг бутун

мол-мулки давлат мулки ихтиёрида бўлади. Конституция давлатнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини диний, хайрия, маориф ёки умумий ҳокимиятлар томонидан назорат қилинмайдиган филантропик муссасаларнинг манфаатлари учун фойдаланишини (қўлланилиши)ни тақиқлайди. Давлат харажатлари ва даромадлари ҳақидаги якуний ҳисобот ҳар йили тафтиш кенгаши томонидан текширилади ва Кабинет томонидан келгуси молия йили мобайнида тафтиш кенгашининг маърузаси (рапорт) билан биргаликда Парламентга тақдим этилади. Бир йилда, камида бир маротаба Кабинет Парламентга ва халққа давлат молиявий маблағларининг аҳволи (ҳолати) тўғрисида ҳисобот беришга мажбур.

Асосий қоидаларга айнан ўхшаш бўлган тартиб (меъёр)лар бошқа бир қатор конституцияларда ҳам мавжуд. Улардан баъзилари давлат маблағлари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам тартибга солади.

Масалан, конституцияларда кўпинча шундай ҳолатлар ҳам тартибга солинадики, давлат бюджети баъзи сабабларга кўра Парламент томонидан ўз вақтида тасдиқланмай қолган бўлади. Испания Конституциясининг 134-моддаси 3 ва 4 қисмига мувофиқ Ҳукумат депутатлар Конгрессига (Парламентнинг куйи палатасига), бюджет йили тугашидан камида 3 ой олдин давлатнинг асосий бюджетини тақдим этади; агар янги бюджет қабул қилинмаган бўлса, у қабул қилингунга қадар ўтган (яъни олдинги) йил бюджети автоматик тарзда узайтирилади. Ушбу муаммони Германия Асосий қонуни бир оз бошқача шаклда тартибга солади (111-модда). Агар янги бюджет йили тасдиқланмаган бюджет билан бошланган бўлса, у ҳолда Федерал Ҳукумат қонунда белгиланган муассасаларни молиявий сақлаш ва қонунда кўрсатилган тадбирларни ўтказиш учун, Федерациянинг юридик жиҳатдан асосланган мажбуриятларини ижро этиш, қурилишларни давом эттириш, ҳарид қилиш ва бошқа ҳаракат (фаолият)лар учун ёки ушбу мақсадлар учун маблағ ажратишни давом эттириш учун зарур бўлган сарф-харажатларнигина амалга ошириши мумкин, чунки ўтган йил бюджетида юқорида санаб ўтилган мақсадлар учун молиявий сарф-харажатлар миқдори кўзда тутилган. Агар кўрсатилган сарф-харажатлар белгиланган манбаалардан келадиган даромадлар билан қопланмайдиган бўлса, Федерал ҳукумат бундан олдинги йил бюджети якуний миқдорининг тўртдан бир қисми (25%)дан ошмаган миқдорда кредитлардан фойдаланиши мумкин.

Солиқларнинг белгиланиши, тартибга солиниши, ўзгартиришлар ва бекор қилиниши одатда парламентларнинг ваколат доирасига киритилади. Масалан, 1991 йилдаги Руминия Конституциясининг 138-моддасига мувофиқ солиқлар, бадаллар ва давлат бюджетига ёки давлат суғурта (ижтимоий) бюджетига тўланадиган тўловлар фақат қонун билан белгиланади, маҳаллий солиқ ва тўловлар эса – қонунда белгиланган тартиб ва шартлар асосида маҳаллий Кенгашлар томонидан белгиланади.

Социалистик Конституциялар, одатда, давлат молиявий маблағлари борасида, ҳукмрон партия ташкилотларининг “қўлини боғлаш”ни истамаган ҳолда анча аниқ иш юритадилар. Масалан, Хитой Конституцияси фақат халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси, унинг доимий қўмитаси ва Давлат Кенгаши (ҳукумат)нинг ваколатлари ҳақидаги моддаларда давлат бюджети ҳақида тўхталади. Ундан ташқари халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси (ХВУМ) ҳайъатлари рўйхатида молия-иқтисод ҳайъати (комиссияси), Давлат Кенгаши таркибида – Бош тафтишчи эслатиб ўтилади.

8-боб. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий тузумнинг таркибий қисми сифатида

1-§. Ижтимоий тизим ва ижтимоий муносабатлар тушунчаси
2-§. Меҳнат ва капитал (сармоя) ўртасидаги муносабатлар
3-§. Миллатлараро муносабатлар
4-§. Оила ва никоҳнинг ҳимояланиши ва рағбатлантирилиши
5-§. Ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида давлат сиёсати
6-§. Истеъмолчиларнинг давлат томонидан ҳимояланиши

1-§. Ижтимоий тизим ва ижтимоий муносабатлар тушунчаси

Ижтимоий тизим деганда, муайян бир жамиятда юзага келган ва ривожланаётган ижтимоий муносабатлар (тор маънода) тизими тушунилади. Уни жамиятда муқаррар мавжуд бўлган ижтимоий зиддиятларнинг муайян мувозанатда намоён бўлиши билан шартланган бир бутунлик билан тавсифлаймиз. Агар у бузилса, демак, ижтимоий низо (конфликт) юз берадики, у турли даражада кескинлик олиши мумкин ва уни ҳал этилиши натижасида ижтимоий тузум бироз бўлса-да, ўзгариши мумкин бўлади. Умуман ҳуқуқ, биринчи навбатда конституциявий ҳуқуқ мавжуд ижтимоий тизимнинг сақланиши, унинг бир текис ривожланишига кўмак беради. Кескин ижтимоий конфликт (тугун, ихтилоф)лар, яъни ижтимоий портлашлар ҳуқуқнинг ҳаётдан анча орқада қолганлигини кўрсатади ва бунинг оқибатида унинг жамият (ижтимоий) муносабатларини тартибга солувчи таъсири вақтинча заифлашади ёки йўқолади. Бу билан биргаликда улар ҳуқуқнинг бузилишини ҳам англатадики, унинг қайта тикланиши ихтилофнинг ҳам ҳал этилиши (ечилиши)га олиб келади. Ижтимоий (социал) ихтилофлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби конституциявий ҳуқуқ тараққиётининг ҳам ўз вақтида бўлганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бир неча йил илгари ҳам совет давлат ҳуқуқи ҳақидаги ҳар қандай дарсликда бу ҳуқуқ соҳасининг социалистик мамлакатларда ишчилар синфи, деҳқонлар ва “ижтимоий табақа” бўлган зиёлиларни ўз ичига олган жамиятнинг синфий тузилишини мустаҳкамлашини ўқиш мумкин эди. Дарвоқе, социалистик конституциялар ижтимоий тузилишни эмас, ҳокимиятнинг расман худди, кўрсатиб ўтилган

ижтимоий гуруҳдан ташкил топган меҳнаткаш халқ оммасига тегишли эканлигини қайд этган эди.

Социалистик ижтимоий тизимнинг бундай тасвири унинг ҳақ-қоний мазмуни ва социалистик жамиятда жиддий ижтимоий зиддиятларнинг мавжудлигини ниқоблаб турган эди. Социалистик конституциявий қонунчилик ва унинг назарияси жамиятнинг тўла-тўкис ижтимоий тенглигига ҳаракат қилишаётганлиги ва бу билан ижтимоий адолатга эришилаётганлиги тасаввурини ҳосил қилишга интилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги конституцияларда жамиятнинг ижтимоий тузилишини қайд этиш ва ҳатто уни қайсидир усулда аск эттириш зарурияти йўқ эди.

Демократик конституцияларда ҳокимиятнинг мамлакат аҳолисининг муайян бир қисми, ҳатто кўпчиликни ташкил этувчи бир қисмига тегишли эканлигини ёзиб қўйишнинг ҳеч бир маъноси йўқ. Бундай конституцияларда бунинг акси ёзиб қўйилган эди: ҳокимият бутун халққа тегишли.

Ижтимоий адолатга келадиган бўлсак, бу мамлакатларнинг энг янги конституцияларида бундай кибр-ҳаволи вазифа (амбициоз) қўйилмаса-да, (умуман, баъзи мисоллар учраб туради), уларда бозор кучларининг стихияли таъсири сабаб юзага келадиган ижтимоий адолатсизликка рўй-рост йўл қўймасликни ўз олдига мақсад қилиб қўйган меъёрий ҳолатларни кўпроқ учратиш мумкин. Греция Конституциясининг 25-моддаси, 2-қисмида шундай дейилади: “Давлат томонидан инсоннинг асосий ва ўзгармас ҳақ-ҳуқуқларининг тан олиниши ва муҳофаза қилиниши эркинлик ва адолат шароитида ижтимоий тараққиётга эришишга қаратилган”. Ирландия Конституциясининг 45-моддаси, 1-бандига кўра: “Давлат, адолат ва хайр-эҳсон давлат ҳаётининг барча муассаса (институт)ларини илҳомлантириши лозим бўлган ижтимоий тузумни имкон қадар ҳимоя қилган ва таъминлаган ҳолда бутун халқнинг фаровонлиги ошишига таъсир кўрсатиши лозим”.

Кўпгина ривожланаётган постсоциалистик мамлакатлар конституциялари умумий фаровонлик манфаатлари йўлидаги ижтимоий жамиятларнинг ҳамкорлиги ва бирдамлиги, ижтимоий тотувлигига эришиш учун қаратилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилади. Улардан баъзилари ижтимоий адолатни ваъда қилади (1971 йилда қабул қилинган Миср Конституцияси, 1978 йилдаги Шри Ланка Конституцияси, 1986 йилдаги Гаяна Конституцияси, 1997 йилдаги Польша Конституцияси ва бошқалар).

2-§. Меҳнат ва капитал (сармоя) ўртасидаги муносабатлар

Ривожланган мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи узоқ вақт давомида санаб ўтилган ижтимоий муносабатларни четлаб ўтди, яъни эътиборга олмади. Бироқ ишчилар синфининг сиёсий қураши, ҳокимиятнинг ижтимоий-синфий характери (тавсифи)га суянишни яққол акс эттирган социалистик давлатларнинг тажрибалари, бошқа тоталитар жамиятлардаги ўхшаш ижтимоий сафсатабозлик шунга олиб келдики, тоталитаризмга барҳам берилганидан сўнг демократик ривожланиш йўлига кирган қатор мамлакатларнинг конституцияларида икки энг кучли, таъсирли ижтимоий гуруҳ – ишчи ва иш берувчи орасидаги муносабатлар демократик конституциявий асос (негиз)га эга бўлди.

Умуман, шуни эътироф этиш керакки, бу социалистик ҳисобланмаган конституциялар орасида камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Синфлараро муносабатларни конституциявий тартибга солишнинг ўзига хос мисоли сифатида Испания Конституциясидаги баъзи ҳолатлар (меъёрлар)ни келтириш мумкин. Илгари ҳам бир карра эслатиб ўтганимиздек, 37-моддага мувофиқ, қонун меҳнаткашлар вакиллари ва тадбиркорлари орасидаги меҳнат масалалари бўйича жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқини, шунингдек, улар орасидаги келишув (шартнома)ларнинг мажбурий кучини кафолатлайди.

Худди шу модданинг ўзида конституция меҳнаткашлар ва тадбиркорларнинг жамоа ихтилофлари (жумладан, иш ташлашлар ва оммавий ишдан бўшатиш)ни ҳал этиш чораларини кўра олиш ҳуқуқини тан олади. Ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқарилишини тартибга солиш қонун зиммасига юкланади ва бу қонун қисман шуни кўзда тутмоғи керакки, ҳуқуқ белгиланиши мумкин бўлган чеклашларга зиён келтирмасин, ҳамжамият учун муҳим ўрин тутган хизматларнинг фаолият кўрсатишини таъминловчи аниқ кафолатлар берилсин (ҳамжамият, яъни умуман жамият, минтақа, шаҳар аҳолиси ва бошқалар). Умуман, 28-модданинг 2-қисмида меҳнаткашларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун (забастовка) иш ташлаш ҳуқуқлари эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқни тартибга солувчи қонун ҳамжамият учун ўта муҳим ҳисобланган хизматларга нисбатан аниқ кафолатларни ўз ичига олиши лозим.

Конституциянинг кўрсатиб ўтилган моддаларида гап бораётган қонун, 1980 йилдаги меҳнаткашларнинг мақоми тўғрисидаги қонундир. Унинг II боби (бўлими) ишчи (ходим)ларнинг жамоа ваколатларига эга бўлган ҳолда бирлашиш ҳуқуқларини тартибга солади.

III боб эса меҳнаткашлар ва тадбиркорлар орасидаги жамоа шартномаларини тузиш тартибини ва уларнинг мақомини тартибга солади.

Социалистик конституцияларнинг ижтимоий-синфий муносабатлар муаммосига ёндашишга мисол қилиб, Хитой Конституциясининг 1-моддасини келтириш мумкин: “Хитой Халқ Республикаси ишчилар синфи томонидан бошқариладиган ишчилар ва деҳқонлар иттифоқига асосланган халқ демократик диктатураси социалистик давлатидир”. Мантиқан бундан келиб чиқадики, жамиятнинг қолган барча ижтимоий гуруҳлари “демократик диктатура” объекти бўлиб ҳисобланади ва “халқ” тушунчаси уни ўз ичига олмайди. Конституция тузувчиларини 33-моддада бунга буткул тескари бўлган тартибга солиш ҳолати заррача бўлса ҳам безовта қилмаган: у ерда, 2-қисмда айтилганки, ХХРдаги барча фуқаролар қонун олдида тенгдир. Кўриниб турибдики, амалда бундай қарама-қаршилик 1-модда фойдасига ҳал қилинади. Зеро, 34-модда фуқароларни қонун асосида сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш мумкинлигига йўл кўяди. Унга асосан шундай қонунлар ҳам чиқариш мумкинки, фуқароларнинг маълум бир қисмини “маҳрум қилинганлар” деб эълон қилиш ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар собиқ СССРда ҳам, Хитойда ҳам инқилоблардан кейин юз берган, албатта. Қонун олдидаги эълон қилинган тенглик ХХРнинг халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси ва халқ вакиллари маҳаллий мажлисларига сайловлар ҳақидаги қонун (1982 йил) билан ҳам бузиб келинмоқда. Ушбу қонуннинг 2-боби вакиллик органларини тузишда, қишлоқ аҳолисидан шаҳар аҳолисига кўпроқ имтиёзлар берилишини кўзда тутади. “Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи” шу тарзда тенглик иттифоқи эмаслиги яққол кўриниб қолади.

Амалда эса, мамлакатда диктатура ҳукмрон, лекин бу халқ диктатураси ҳам эмас, ишчилар синфиники ҳам эмас, уларнинг номидан иш тутувчи компартия, давлат ва хўжалик бюрократиясининг ҳукмронлиги эди. Конституция ходим (ишчи)лар ва хусусий иш берувчилар учун ҳеч қандай кафолатларни ўзида мужассамлаштирмаган, лекин ишчи-ходимларнинг ўз маҳаллий, хорижий давлат ва хусусий иш берувчиларига нисбатан диктатура (ҳукмронлик) ўрнатишлари жуда шубҳали хулосадир.

3-§. Миллатлараро муносабатлар

Ушбу тушунча билан бу фақат миллий (этник) жамоалар орасидаги муносабатларни эмас, балки уруғчилик жамоалари, дин ва тилларга бўлган муносабатларни ҳам қисқароқ қилиб тушунтириш (изоҳлаш)га ҳаракат қиламиз. Миллатлараро муносабатларнинг конституциявий тартибга солиниши қуйидаги шаклларда жамланади.

Биринчи шаклни миллий-ҳудудий автономия (мухторият) сифатида шартли равишда тавсифлаш мумкин. Аҳоли орасида бошқа миллат (бошқа дин ва ҳоказо)лар кенг тарқалган баъзи мамлакатларда, тегишли ҳудудларда аҳолининг ўзига хос манфаатларини қондиришга қаратилган кўшимча автоном ҳуқуқларга эга бўлган давлат идора (бирлик)лари тузилади. Бунда кўпинча, тегишли ҳудудда бошқа миллатга мансуб гуруҳ аҳолисининг кўпчиликни ташкил этиш ёки этмаслиги муҳим аҳамият касб этмай, балки мавжудлигининг ўзи ҳам кифоя қилади. Энди бунга бир неча мисол келтирайлик.

Масалан, Италия қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш даражасига етган, кенг автономияга эга 20та вилоят (област)га бўлинади. Ундан ташқари, Конституциянинг 116-моддасига мувофиқ беш вилоят (Сицилия, Сардиния, Трентино-Алто Адидже, Фриули-Венеция Джулия, Вал д'Аоста), конституциявий қонунлар билан тасдиқланган махсус статусларга[18] мувофиқ (бошқа вилоятларнинг низомлари оддий қонунлар билан тасдиқланади) алоҳида бошқарув шакл ва автономия шартларига эгадир. Жумладан, Трентино-Алто Адидже вилоятининг махсус низоми 1972 йилдаги таҳририга мувофиқ немис ва лотин тилларидан фойдаланиш (қўлланиш)ни кўзда тутади.

Испания Конституциясининг 2-моддасида бошқа ҳуқуқлар орасида, барча испанияликларнинг умумий ва бўлинмас ватанини ташкил этувчи миллатлар ва минтақа (регион, бўлган)лар учун автономия ҳуқуқини эътироф этади ва кафолатлайди. Ҳозирги вақтда, Испания 17 та минтақавий автоном (мухтор) ҳамжамиятларга бўлинади ва улардан тўрттаси (Галисия, Каталония, Басклар мамлакати) муайян миллий жамоа (гуруҳ)лар манфаатларини кафолатловчи тўла автономиядан фойдаланади.

Финляндияда шведлар яшайдиган Алоид ороллари кенг автономияга эга. АҚШда ҳиндулар яшайдиган резервациялар миллий-ҳудудий автономиянинг ўзига хос шаклини яққол намоён этади.

[18] Статут – низом, тузук.

Иккинчи шакл – миллат, тил, дин ва шунга ўхшаш бошқа белгилардан қатъи назар тенг ҳуқуқлиликдир. Бу ерда шуни таъкидлаш мумкинки, баъзи мамлакатларда (афсуски, уларнинг сони унча кўп эмас) ҳукмрон гуруҳлар ўзлари ўрнатган тузум (режим, тартиб)нинг ижтимоий табиатини ҳисоботга олмасдан, муайян миллий (ирқий, тил, дин ва ҳоказо) жамоалар манфаатларини ифода этувчи қилиб ўзини кўрсатади ва бу мақсадда бошқа жамоа (гуруҳ)ларга оид бўлган шахсларга нисбатан дискриминация (камситиш) чораларини жорий қиладилар. Худди шу куйда баъзан, ҳокимият учун кураш олиб борувчи, лекин ўз атрофида жамиятнинг кўпчилик қисмини умуминсоний қадриятлар асосида жипслата олмаётган гуруҳлар ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Учинчи шакл – миллий (ва бошқа хил) озчиликларнинг жамоа ҳуқуқларини тан олиш ва кафолатлаш ҳисоботланади. Баъзан бу озчиликни ташкил этувчи гуруҳларга илгари ҳукм сурган камситиш ва эзишлар туфайли етказилган зарарларни тўлаш, қоплаш ёки тегишли жамиятда яшаб қолиш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган афзаллик ва имтиёзлар берилади. Масалан, 1949 йилда қабул қилинган Ҳиндистон Конституциясида муайян қатлам ва уруғлар учун белгилаб қўйилган кафолатларни бу борада мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу позитив дискриминация деб аталиб, у муайян жамоа (гуруҳ)нинг яшаб қолиши учун ўта зарур ҳисобланади.

У ёки бу жамоа (жамият, гуруҳ) мустақил равишда тузилмалар ташкил этса ва унинг мақсади жамоа гуруҳларидан реал фойдаланишни таъминлаш бўлса, у ҳолда миллий-маданий автономия ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади. Умуман олганда ушбу муассаса (институт) жамоанинг, айниқса, ёйилиб яшаётган жамоанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг минтақада сиёсий ҳокимиятни бошқаришда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган жамоалар орасида ихтилофларни келтириб чиқарувчи миллий-ҳудудий автономиялардан фарқли томони ҳам шунда.

1992 йилдаги Словакия Республикаси Конституцияси (33-модда), бирон бир миллий озчиликка мансублик ёки бирон бир этник гуруҳга мансублик ҳеч кимга зиён етказмаслиги лозимлигини белгилаб қўйган. Бундай озчилик ёки гуруҳга мансуб бўлган фуқароларга ҳар томонлама ўзини ўзи ривожлантириш, жумладан, худди шундай бошқа шахслар билан биргаликда ўз маданиятини тараққий эттириш, ўз она тилида маълумотлар олиш ва тарқатиш, миллий жамиятлар ташкил этиш, маърифий ва маданий муассасалар ташкил этиш ҳамда

уларни моддий таъминлаш ҳуқуқлари кафолатланади. Қонунда белгиланган шартларда мазкур шахслар учун давлат тилини ўрганиш ҳуқуқи билан бир қаторда ўз она тилида таълим олиш ҳуқуқи, расмий муносабатларда ўз тилидан фойдаланиш ҳуқуқи, миллий озчиликлар ва этник гуруҳларга тааллуқли масалаларни ҳал этишда иштирок этиш ҳуқуқи кафолатланади. Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлар муносабати билан Конституциянинг 34-моддаси ушбу ҳуқуқларни амалга оширилишининг Словакия Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигига хавф солмаслиги ва унинг қолган аҳолисини камситилишига олиб келмаслиги лозимлигини кўзда тутади.

Словакия (Польша, Чехия, Венгрия ҳам) Конституцияси “миллий озчилик ва этник гуруҳлар” ифодасини ишлатганлигига диққатэътиборни қаратмоқчимиз. Шарқий Европада миллий озчилик дейилганда, ўз миллий давлати ўзи яшаб турган мамлакатдан ташқарида, яъни хорижда бўлган этник жамоа (гуруҳ)лар тушунилади (бу ерда миллат деганда давлат тушунилишини эслаш жоиз). Масалан, Словакия, Украина, Руминия, Югославиядаги венгерлар, Руминия, Венгриядаги немислар ва ҳоказо. Этник гуруҳ миллий озчиликдан фарқли ўлароқ ўз миллий давлатига эга эмас (масалан, Шарқий Европа минтақасидаги лўлилар, 1948 йилгача яшаган яҳудийлар).

Чехияда амалда бўлган 1991 йилдаги асосий ҳуқуқ ва эркинликлар Хартияси (конституциявий қонун) миллий озчиликлар ва этник гуруҳларнинг бир қатор ҳуқуқларини кўзда тутган, бироқ ҳатто бу мамлакатдаги постсоциалистик ҳокимият коммунистик режим (тартиб) томонидан юритилган лўлиларни камситиш ва сиқиб чиқариш сиёсатини давом эттирди.

Халқ (миллат)ларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашлари мавзусида алоҳида тўхталиш лозим. Бу дегани халқ (миллат)нинг ўз давлатчилик шаклини мустақил равишда, у бошқа давлат таркибида бўладими ёки алоҳида давлат кўринишида бўладими, бундан қатъи назар мустақил белгилаш ҳуқуқига эга эканлигини билдиради. Алоҳида давлат ҳолатида, бундай давлат алоҳида мавжуд бўлиши мумкин, аммо бошқа давлатлар билан бирга федератив ёки конфедератив иттифоққа кириши ҳам мумкин.

Маълумки, коммунистлар ўз ҳуқуқини ўзи белгилашни, миллий давлатларнинг конфедератив бирлашиши мақсадга мувофиқлигини ҳам ташвиқот этган. Бу ерда ушбу мавзуга батафсил тўхталишга зарурият йўқ. Аммо халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашларига асосланган федерацияларнинг тақдири бир-бирига хайрон қолар дара-

жада ўхшашдир: Совет Иттифоқи ҳам, Югославия ҳам, Чехословакия ҳам, Покистон ҳам тарқалиб кетди, штатлари тил принципи асосида ташкил бўлган Ҳиндистон ҳам мураккаб муаммоларни бошдан кечирмоқда. Канадада ҳам ушбу принцип асосида провинциялардан бири ташкил этилган. Албатта, нисбатан ижобий мисоллар ҳам йўқ эмас – Швейцария ва Бельгия муҳим тенденциянинг истисносига ўхшаб кўринади. Халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган (эътироф этилган) ўз ҳуқуқини ўзи белгилашнинг ҳеч бир мамлакатда конституциявий ҳуқуқ принципи бўлиб тан олинмаганлиги бежиз эмасга ўхшайди. Халқаро ҳуқуқнинг ўзи ҳам ушбу принципнинг чекланган ҳолда изоҳланиши (таърифланиши)га мойил кўринади.

4-§. Оила ва никоҳни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш

Оила – бу инсон жамиятнинг аъзоси сифатида қайта талқин этиладиган ижтимоий тузилмадир. Айнан шу оилада инсон дунёни ҳис қилади, тушунади, шаклланади, унинг ижтимоий сифатлари вужудга келади. Шу боис ҳам конституцияларнинг кўпчилиги оилага диққат-эътиборни қаратмасдан, уни четлаб ўта олмайди. Худди шу оила асосида ётадиган никоҳга ҳам юқорида таъкидланган хусусиятлар алоқадор.

Мисол учун, Япония Конституциясининг 24-моддасида белгиланишича, никоҳ фақат иккала томоннинг ўзаро розилигига асосланади ва эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилигига асосланган ўзаро ҳамкорлик негизида вужудга келади. Оила ва никоҳга тегишли барча масалалар жинсларнинг тенглиги ва шахсий қадр-қиммати тамойилидан келиб чиққан ҳолда қонун билан тартибга солиниши лозим. 1975 йилда қабул қилинган Греция Конституциясининг 21-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, “оила миллатни сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг асоси, никоҳ ҳам худди шундай, оналик ва болалик давлат ҳимояси остидадир”.

Баъзи конституцияларда фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида муҳофаза қилинади. Мексика Конституциясининг 4-моддаси, 5-қисмида шундай дейилади: “Ота-оналарнинг бурчи – болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига бўлган эҳтиёжларини қондирилишига қатъий амал қилишдир. Қонун болаларни муҳофаза қилиш учун маблағлар белгилайди ва улар давлат муассасалари орқали етказиб берилади”. Италия Конституцияси ҳам никоҳсиз туғилган болалар муаммосига диққат-эътиборни қаратади: 30-модданинг 3-4-қисмларида қонун чиқарувчилар зиммасига, никоҳдан ташқари туғил-

ган болалар учун қонуний тузилган оилаларда туғилган болалар эга бўлган ҳуқуқларга мос ҳолда барча юридик (ҳуқуқий) ва ижтимоий (социал) муҳофазасини таъминлаш ва оталикни белгилаш учун қоида ва чегараларни ўрнатишликни белгилайди.

Польша Конституциясининг 72-моддаси янги туғилган бола ҳуқуқларини тартибга солади ва болалар ҳуқуқи бўйича ваколатли институт (муассаса)ни ташкил этишни кўзда тутади. Ва ниҳоят, 1991 йилдаги Словакия Конституциясининг 56-моддасида болаларнинг алоҳида муҳофаза ва ғамхўрликдан тўла фойдаланишлари белгилаб кўйилади. Болалар ёшларининг улғайиши ва балоғатга етишлари муносабати билан асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланадилар. Болаларга иқтисодий, ижтимоий, жисмоний, руҳий, маънавий ва бошқа турли жиҳатдан эзиш (эксплуатация) ва суиистеъмолликлардан алоҳида муҳофаза қилиш кафолатланади. Давлат катталарнинг ғамхўрлиги ва ёрдамидан маҳрум бўлган болалар ва балоғатга етмаган ўсмирлар учун ҳам алоҳида махсус ҳимояни кафолатлайди.

Хитойдаги мураккаб демографик вазият ҳозирда амалда бўлган конституция тузувчиларни қуйидаги меъёрларни конституцияга киритишга ундади: “Давлат аҳоли ўсишини иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режаларига мувофиқлаштириш мақсадида туғилишни режалаштиришни жорий қилади” (25-модда); “Эр-хотинлар туғилишни режалаштиришга мажбурдирлар” (49-модданинг 2-қисми).

Шунинг билан бир вақтда, жамиятимизда ахлоқ меъёрларининг чўкишини ҳисоботга олиб, ўша ХХР Конституциясининг 49-моддасидаги учинчи ва тўртинчи қисмлардаги қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратмаслик мумкин эмас:

“Ота-оналар балоғатга етмаган болаларни моддий таъминлаш ва тарбиялашга, балоғатга етган фарзандларни эса ота-оналарини моддий сақлаш (таъминлаш) ва уларга ёрдам бериш (қўллаб-қувватлаш)га мажбурдирлар.

Никоҳ эркинлигини бузиш (унга хилоф иш тутиш) кексалар, аёллар ва болаларга раҳмсизларча муносабатда бўлиш тақиқланади”.

5-§. Ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида давлат сиёсати

Инсонни ўраб турган табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ҳозирги кундаги энг долзарб, жиддий умуминсоний (глобал) муаммолар қаторига кўтарилган, зеро, унинг ифлосланиши шундай кенг

миқёсни эгаллаганки, бугунги кунда инсониятнинг ер юзида мавжуд бўлиши ҳам хавф остида турибди. Сўнгги икки-уч, ўн йиллик ичида қабул қилинган конституцияларнинг ҳеч бири бу муаммони четлаб ўтмаганлиги бежиз эмас. Конституциявий меъёр (ҳолат)лар давлат зиммасига ташқи муҳитнинг сақлаб қолиниши ва яхшиланиши, жисмоний ва юридик шахслар зиммасига эса уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа турли фаолиятларида экология талабларига қатъий амал қилиш мажбуриятларини юклайди.

Табиатдан самарали фойдаланиш муаммоси ҳамда ташқи муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари битишиб кетади (яъни чамбарчас боғлиқ), зеро табиат ресурслари (заҳира)нинг вахшийларча талан-тарож этилиши, уларни ўйлаб-нетмай совурилиши келажак авлодларга ўрнини тўлдириб бўлмас даражада катта зарар-зиён етказади, табиат томонидан инсоният учун инъом этилган кўпдан-кўп неъматлардан маҳрум қилади. Шунинг учун ҳам табиат неъматларидан самарали фойдаланиш тез суръатларда конституциявий меъёрларга (кўрсатмаларга) айланиб бормоқда.

Ушбу мавзунинг конституциявий тартибга солинишига мисоллар келтирамиз:

Агар 1947 йил Италия Конституцияси, 1949 йилдаги Германия Асосий қонуни экалогия муаммосини ўша пайтда кўра олмаган бўлса, 1978 йилда қабул қилган Испания Конституциясининг 45-моддасида бундай белгилаб қўйилган:

1. Оммавий (умумий) ҳокимиятлар зарур бўлган жамоатчилик бирдамлиги, кўмагига таянган ҳолда яшаш сифатини ҳимоя қилиш ва қайта тиклаш мақсадида бутун табиат заҳираларидан унумли фойдаланиш устидан назорат олиб борилади.

2. Бундан олдинги меъёр, кўрсатмаларга хилоф иш тутган шахсларга нисбатан, қонунда белгиланган муддатларга жиноий жазолар, тегишли ҳолатларда эса маъмурий жазолар белгиланади, шунингдек келтирилган зарарни тўлаш мажбурияти юкланади”.

Шунга ўхшаш мажбуриятлар постсоциалистик конституциялар орқали давлат ва жамият зиммасига юклаб қўйилган. Бу маънода, ГФРнинг шарқий ҳудудларида жойлашган озод Саксония давлати томонидан 1992 йил қабул қилинган конституцияни алоҳида таъкидлаш мумкин. Унинг ҳатто биринчи моддаси Саксонияни ҳаёт ва маданиятнинг табиий негизларини ҳимоя қилишга мажбур бўлган демократик, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий давлат сифатида таърифлайди.

Ушбу конституциянинг 10-модда 1-қисмига мувофиқ, Саксония давлати ва унда истиқомат қилаётганларнинг барчасига келажак авлодлар олдидаги ўта буюк масъулиятлардан келиб чиққан ҳолда, ҳаёт негизи бўлган ташқи муҳитни муҳофаза қилишдан иборат бурч белгиланган. Ер, ҳаво ва сув, ҳайвонот ва ўсимликлар, шунингдек, бутун ландшафт (манзара, борлиқ), макон алоҳида муҳофаза қилинмоғи лозим. Давлат хом-ашё заҳираларини тежамли ишлатилиши ва уларнинг янгилаб борилиши, сув ва энергиядан ҳам тежамли фойдаланишга эришиши лозим. Ушбу моддани 3-қисми табиат гўзаллигига маҳлиё бўлиш ва табиат қўйнида дам олиш ҳуқуқининг тан олинишини кўзда тутади, чунки, ушбу меъёр 1-қисмда белгиланган мақсадларга зид эмас. Бу борада барча учун тоғлар, ўрмонлар, дала-боғлар, кўл ва дарёларга бориш имконияти таъминланмоғи лозим.

Баъзи конституцияларда давлатнинг, баъзан ташқи муҳитнинг ажралмас унсури (элементи) сифатида қабул қилинадиган тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш мажбурият (бурч)и ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, Греция Конституциясининг 24-моддаси, 1-қисмида шундай дейилади: “Ташқи ва маданий муҳитни ҳимоя қилиш давлатнинг вазифаси (бурчи)дир”, ушбу модданинг 6-қисмига мувофиқ эса “ёдгорликлар, шунингдек, тарихий жойлар ва уларнинг таркибий қисмлари давлат муҳофазаси остидадир. Қонун ушбу муҳофаза учун зарур бўлган мулк учун чеклов чоралари, шунингдек, бундай мулк эгаларига бериладиган тўловларнинг амалга оширилиши қоидалари ва тартибларини белгилайди”.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси кўпчилик замонавий конституциялар томонидан жамият ва давлатнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кўриб чиқилади. Бразилия Конституциясининг 196, 200-моддаларидаги ҳолат (меъёр)ларни келтириш мумкин. Ушбу моддаларда иттифоқ, штатлар, федерал округлар ва муниципиал ҳокимиятларнинг ижтимоий таъминот бюджетларидан, шунингдек, ягона тизим назорати остида фаолият кўрсатаётган бошқа жамғармалар ва хусусий муассасалардан молиялаштирувчи ягона соғлиқни сақлаш тизимининг уйғунлашуви кўзда тутилади.

Хусусий муассасалар ягона тизим билан оммавий-ҳуқуқий шартнома ва битимлар тузган ҳолда уни тўлдириш мумкин, шартнома ва битимлар асосида ягона соғлиқни сақлаш тизими уларга мақсадли молиявий ёрдамлар кўрсата олади. Конституция соғлиқни сақлаш билан боғлиқ муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун тамойил (принцип)ларни белгилайди. Масалан, қонун чи-

қарувчи органлар, тўқималар, хужайралар, субстанция (жавхар)ларни трансплантация (кўчириб ўтказиш) қилиш ва тижорат мақсадларда фойдаланишнинг ҳар қандай шаклини тақиқланмоғи лозим.

Кўпчилик конституцияларда ушбу масала бўйича меъёрлар ўта қисқа шакл ва мазмунда тартибга солинган. Руминия Конституциясининг 33-моддаси 2-қисмига мувофиқ "давлат орасталик (гигиена) ва оммавий соғлиқни таъминлаш учун чора-тадбирларни амалга ошириши лозим (шарт)", 3-қисмига кўра эса "касалликка чалинганда, ногирон бўлиб қолганда, оналик ва соғлиқни тиклаш ҳолатларида тиббиий ёрдам ва ижтимоий таъминот тизимини ташкил этиш, тиббиёт касби ва парамедицина (тиббиётга якин турувчи) фаолиятларнинг амалга оширилиши устидан назорат ва шунингдек, шахсларнинг жисмоний ва маънавий соғлиқларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар қонунга мувофиқ белгиланади".

Бу борада, Хитой Конституциясининг ижтимоий ҳаётни давлатлаштирилишини тавсифловчи 21-моддасида келтирилган ҳолат қизиқиш уйғотади:

"Давлат соғлиқни сақлаш, замонавий ва Хитой анъанавий (халқ) тиббиёти ва фармокологияси (доришунослиги)ни ривожлантиради, қишлоқ жамоа хўжаликлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан турли хил соғлиқни сақлаш ташкилотларининг барпо қилишини рағбатлантиради ва қўллаб-қувватлайди, оммавий санитария (соғломлаштириш) тадбирлари ўтказилади ва халқ соғлиғи муҳофаза қилинади.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиради, оммавий спорт тадбирлари ўтказилади, халқ соғлиғини мустаҳкамлаб боради".

Ниҳоят, кўпгина конституциялар давлат зиммасига ижтимоий заиф ижтимоий гуруҳларни ҳимоя қилиш каби вазифаларни юклайди. Масалан, 1946 йилда қабул қилинган Франция Конституциясининг ҳозирда амалда бўлган сўзбошиси белгилайдики, миллат "барча учун, жумладан, болалар, оналар ва кекса меҳнаткашлар учун соғлиқни сақланиши, моддий таъминот, дам олиш ва бўш вақтни кафолатлайди. Ҳар қандай инсон мавжудоти, яъни ёши, жисмоний ёки ақлий ҳолати бўлмаса иқтисодий аҳволига кўра, меҳнат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган ҳар бир инсон кун кечириш учун зарур бўлган маблағни жамоадан олиш ҳақига эгадир".

Инсон муносиб ҳаёт кечириш учун пул ишлаб топиш имкониятидан бирон бир сабабга кўра, маҳрум бўлган шахслар ёки бошқа хил даромад манбаига эга бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъмин-

ланиши икки хил турга бўлинади: бу ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам.

Ижтимоий суғурта, одатда, иш берувчи ёки тегишли жамғармаларга мажбурий бадаллар тўлаб берувчи ходимларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади. Бундай жамғарма (фонд)лардан нафақаларнинг турли хиллари мунтазам тўлаб борилади. Шахс, шунингдек, ихтиёрий ижтимоий суғурта хизматига ҳам мурожаат қилиш мумкин. Бунда у қўшимча нафақа турларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Ижтимоий ёрдам хусусида айтадиган бўлсак, ушбу ёрдам давлат ёки маҳаллий ҳудудий жамоалар (шаҳар, жамоатчилик ташкилоти ва ҳоказо) томонидан ҳалокат ёқасида қолган, ижтимоий суғурта бўйича таъминланиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки бўлмаса ижтимоий суғурта жамғармаларидан кун кечириш учун етмайдиган миқдорда, яъни жуда оз миқдорда маблағ олувчи шахсларга нисбатан кўрсатилади. Ушбу иккала шаклни 1990 йилда қабул қилинган Хорватия Конституцияси аниқ равшан ажратиб кўрсатади. У ўзининг 56-моддасида белгилайдики, ишчи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазада бўлиши ва ижтимоий суғурталаниши қонун ва жамоа шартномаси билан тартибга солинади, шунингдек, оналик ва болалик билан боғлиқ ҳуқуқлар ҳам қонун билан тартибга солинади. 57-моддага кўра эса “заиф, хаста ва бошқаларга ишсизлик ёки меҳнатга лаёқатсизлик оқибатида республикадаги таъминланмаган фуқароларга асосий ҳаёт эҳтиёжларини қондирилиши учун ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланади”. Худди шу моддада кўрсатиб ўтиладики, Республика ногиронларни ҳимоялаш ва уларни ижтимоий ҳаётга жалб қилишга асосий эътиборни қаратади ва ғамхўрлик қилади, шунингдек хориждан инсонийлик ёрдамлари олиниши тақиқланиши мумкин эмас.

6-§. Истеъмолчиларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши

Бугунги кунда айрим мамлакатлардагина ушбу муаммо конституция даражасига кўтарилган. Бироқ биз таъкидлаб ўтганимиздек, турли хил товар (маҳсулот, мол)лар, энг аввало истеъмол моллари ишлаб чиқариш технологиясининг мураккаблашиб кетганлиги сабабли кўзда тутилган муддатларда уларнинг сифатини назорат қилиниши кўпинча қийинлашмоқда. Сифатига қўйиладиган талаблар, айниқса, оммавий эҳтиёж молларига қўйиладиган талабларнинг бузилиши ўта

хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда. Истеъмолчи сохта ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар олдида ҳимоясиз бўлиб қолмаслиги лозим. Ушбу ҳуқуқ муҳофазасининг суд орқали ҳал этиш ўта узоқ ва мураккаб кечмоқда.

Испания Конституцияси ўзининг 51-моддасида ушбу масала бўйича қуйидаги меъёр (ҳолат)ларни ўзида мужассамлаштиради:

“1. Оммавий ҳокимиятлар истеъмолчилар ва фойдаланувчиларнинг хавфсизлиги, соғлиғи ва қонуний иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилган ҳолда, уларни ҳимоя қилишликни кафолатлайди. Оммавий ҳокимиятлар истеъмолчилар ва фойдаланувчиларнинг билимли бўлишлари ва хабардор қилинишларига кўмаклашади, уларнинг ташкилотларига ёрдам беради ва ушбу ҳокимиятларнинг истеъмолчиларига тегишли масалалар юзасидан фикрларни қонунда белгиланган муддатда тингланишига ёрдам беради.

2. Бундан олдинги қисмларда белгиланган кўрсатмалар доирасида қонун ички савдо ва молни сотишга рухсат бериш қоидаларини тартибга солади”.

Таъкидланганидек, Бразилия Конституциясининг 170-моддаси истеъмолчилар ҳуқуқининг муҳофаза қилинишини иқтисодий тузум принциплари қаторида санаб ўтади. Ушбу конституциянинг 5-моддасида давлат зиммасига истеъмолчилар ҳуқуқини қонун воситасида муҳофаза қилиш масъулиятини юклайди.

9-боб. Сиёсий ва маънавий- маданий муносабатлар ижтимоий тузумнинг таркибий қисми сифатида

1-§. Сиёсий тизим ва сиёсий ҳокимият тушунчалари
2-§. Сиёсий жараён
3-§. Маънавий –маданий муносабатлар тушунчаси
4-§. Таълим
5-§. Фан ва маданият
6-§. Диний муносабатлар

1-§. Сиёсий тизим ва сиёсий ҳокимият тушунчалари

Уюшган ҳолда сиёсий тизимни ташкил этувчи сиёсий муносабатлар жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлардир, давлат ҳокимияти эса унинг марказлашган ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Умуман ҳокимият – бу бир гуруҳ кишилар (гуруҳлар)нинг ўз истак-иродасини бошқа инсонлар ёки гуруҳлар (ўз ихтиёридаги, қўл остидаги) орқали амалга оширишга эришиш имконияти ва қобилиятлари билан характерланадиган (тавсифланадиган) ижтимоий муносабатдир. Акциядорлик жамиятида раҳбар шахснинг ҳукмронлиги қатъий расмийлаштирилади ва ўзининг умумий сармоядаги ҳиссасига суянади, менеджер эса сармоя эгаларининг ваколатларига таянади. Ибодатхонанинг ҳукмдорлиги сиғинувчиларнинг қайси конфессияга оидлиги, эътиқодининг қанчалик қатъийлигига боғлиқ. Партия, касаба уюшмалари ва ҳоказо жамоат бирлашмалари раҳбарларининг ҳукмронлиги, шунингдек, жамоа хўжалик тузилмалари (ширкат, ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳоказо)нинг ўз аъзоларига нисбатан юритадиган ҳокимиятлари, ҳукмронликлари ҳам расмийлаштирилган ва уларнинг шахсий обрў-эътиборларидан ташқари жамоат бирлашмаси ёки хўжалик тузилмаси аъзолари томонидан берилган ваколатларга таянади (масалан, сайлов йўли билан берилган ваколатлар).

Сиёсий ҳокимият – бу муайян бир гуруҳ кишилар (элита)нинг бутун жамият устидан ҳукмронлиги бўлиб, бўйсунмаслик ҳолларида мажбурлаш, зўрлик воситаларини қўлланиши билан тавсиф (характер)ланади. Бу жамият (унинг катта бир қисми) устидан ҳукмронлик бўлгани учун ҳам оммавий ҳокимият деб аталади. Сиёсий ҳокимият маълум миқдорда конституциявий ҳуқуқ билан тартибга солиб бориладиган бир қатор сиёсий институт (соҳа)лар воситасида амалга оширилади. Давлат ҳокимияти қонунан бутун жамиятга тааллуқлидир ва

ўз ҳукмронлиги остидагиларга белгиланган ҳолатларда, белгиланган усуллар билан ва белгиланган даражада жисмоний зўрлик (зулм) қўллаш монополиясига эгадир. Қатор Конституцияларда (масалан, Испания Конституцияси) оммавий ҳокимият ҳақида кўпроқ гапирилади. Бунда давлат органлари ва ўзини ўзи бошқарув органлари кўзда тутилади.

Сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда, сиёсий партиялар ва уларга яқин турувчи жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар. Ҳукмрон ҳокимиятларга мухолиф бўлган ва бетараф жамоат ташкилотлари оммавий ҳокимият институтларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишига турли шаклларда ўз таъсирини кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари, баъзан эса ибодатхона ва бошқа диний тузилмалар томонидан ҳам кучли таъсирни кўриш мумкин.

Бу институт (муассаса)ларнинг барчаси сиёсий тизимнинг институционал негизи, асосини – сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмини ташкил этади. Адабиётларда сиёсий тизимнинг тузилишига нисбатан ўзаро бир-бирига қарама-қарши (зид) ҳамда озми-кўпми мос келувчи турли-туман фикр ва мулоҳаза ҳамда хулосалар берилган. Баъзиларида сиёсий тизим юқорида кўрсатиб ўтилган институтлар ва улар орасида белгиланган ҳамда юзага келган тартиб билан атрофлича изоҳланса, бошқаларида сиёсий тизимнинг сиёсий муассасалар, сиёсий меъёрлар, сиёсий мулоқот воситалари, сиёсий онг воситаларидан иборатлиги таъкидланади.

Учинчи бир турдаги адабиётлар эса иккинчи гуруҳ фикрига қўшилган ҳолда сиёсий онгнинг сиёсий тизим фаолият кўрсатадиган асосий муҳитнинг бир қисми эканлигига ҳам таъкидланади ва ҳоказо. Ҳар бир муаллифнинг фикри ўзига хос, турли-туман, қарама-қарши, баъзан мос ва бунинг ниҳояси йўқ. Сиёсий соҳа (институт)лар ва улар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар деярли барча тадқиқотчи олимлар томонидан сиёсий тизимнинг таркиби сифатида тан олинади. Институт (соҳа, муассаса)лар бу сиёсий тизимнинг тузилиш тавсифидир, муносабатлар меъёри эса – функционалдир. Сиёсий (ва қисмангина сиёсий) институтларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар муайян даражада конституциявий ҳуқуқ предметига киради.

2-§. Сиёсий жараён

Биз бу ҳодисани сиёсий тизим ва унинг институтлари фаолиятининг тартиби, жумладан, улар орасидаги ўзаро муносабатлар сифатида таърифлашимиз мумкин.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, сиёсий жараён юридик, яъни ҳуқуқий жараён эмас, аниқроқ айтадиган бўлсак, қисман юридик жараёндир. Шунинг учун ҳам биз ушбу жараённинг босқичларини умумий кетма-кетликда белгилаб қўя олмаймиз. “Сиёсий жараён” тушунчаси турли хил субъектлар сиёсий фаолиятининг турли хилдаги шакллари, усуллари ва йўналишларини қамраб олади. У ҳам ҳуқуқ меъёрлари (аввало, конституциявий ҳуқуқ) ҳамда турли хилдаги ёзилган ва ёзилмаган, ҳуқуқий бўлмаган меъёрлар (корпоратив меъёрлар ва бошқа жамоат бирлашмалари низомлари, низомий ва бошқа турли ҳужжатлари билан, урф-одатлар, анъаналар ва этика-ахлоқ меъёрлари) билан тартибга солинади. Баъзан эса умуман тартибга солинмайди, олдиндан айтиб бўлмайдиган шаклда, тўсатдан юз бериб ўтади.

Инсонлар ва улар гуруҳининг сиёсий фаолиятига уларнинг ижтимоий эҳтиёжи туртки беради. Бу эҳтиёжлар англаниб (баъзан тўғри, баъзан янглиш бўлса-да), манфаатларга айланади. Субъект ўз манфаатини қондириш учун оммавий ҳокимиятдан фойдаланиш зарурлигини англаб етиши билан ва бунинг учун оммавий ҳокимиятга қандайдир бир тарзда таъсир кўрсатилиши лозимлигини англаши билан, унинг манфаати сиёсий тус олади. Манфаатнинг қондирилиши ёки унинг нотўғри тушунилиши ёки уни рўёбга чиқарилиши мумкин эмаслигининг англаниши ушбу сиёсий фаолиятнинг тўхтатилиши ёки уни бошқа нарса билан алмаштирилишига олиб келади. Сиёсий ҳаёт субъектларининг бундай фаолиятлари йиғиндисидан умумий сиёсий жараён юзага келади.

Сиёсий жараённинг оммавий ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этаётган қисми кўпроқ, яъни бошқа қисмлардан устун равишда ҳуқуқий, энг аввало, конституциявий-ҳуқуқий тартибга солинади. Бу қисмда сиёсий жараён юридик жараёнга айланади ва аниқ ифодаланган босқичларга эга бўлади. Мисол тариқасида қуйида муҳокама сифатида кўриб чиқиладиган конституциявий ҳуқуқ тармоқларини келтириш мумкин – бу сайлов жараёни, қонун чиқариш жараёни, маъмурий жараён ва бюджет жараёни. Шуни таъкидлаш мумкинки, оммавий ҳуқуқ ишлари бўйича суд жараёни ҳам сиёсий жараённинг бир кўринишидир. Юридик жараённи турли кўринишларининг асосий тамойиллари, одатда, конституциялар билан белгилаб қўйилади,

батафсил тартибга солиниши эса қонунлар ва бошқа ҳужжат (тартиб-қоида, шартнома ва ҳоказо)лар билан амалга оширилади. Яна шуни кўзда тутиш керакки, “юридик жараён” тушунчаси, одатда, икки хил маънога эга бўлади:

1. Белгиланган тартибда юз берувчи фаолият.
2. Ушбу фаолиятни тартибга солувчи, яъни унинг ўтказилиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар тизими.

3-§. Маънавий –маданий муносабатлар тушунчаси

Ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳаси конституциявий ҳуқуқ билан, ижтимоий тузумнинг қолган бошқа ички тизимларига нисбатан анча кам даражада тартибга солинади. Бу тушунарли: бу ерда гап инсоннинг ички дунёси ҳақида боради. Фақат тоталитар тузумлар жамият ҳаётининг ушбу соҳаси устидан ҳам тўла назорат ўрнатишликни даъво қилади, лекин демократик жамиятда инсон қадри автоном (озод), унинг ички дунёси фақат биргина унинг ўзига тегишли. Давлат ва ҳуқуқ, айниқса, конституциявий ҳуқуқнинг вазифаси, бу ерда, инсон шахсининг маънавий-маданий ривожлантириш учун яхши, қулай шарт-шароитларни таъминлашдан иборат бўлади.

Жамият маънавий-маданий муносабатлар—бу инсоннинг бир-бирлари орасидаги, инсон, жамият ва давлат орасидаги маънавий-маданий неъматлар хусусидаги муносабатлардир. Бу муносабатларни мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тақозо этади. Маънавий маданий муносабатлар эса ўз навбатида, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу муносабат (предмети) барча маънавий-маданий ҳодисалар фан, санъат, таълим, дин ва ижтимоий онгнинг бошқа соҳаларини ўз ичига олади. Маънавий-маданий муносабатлар баъзан сиёсий тус ҳам олади, яъни сиёсий маъно касб этади. Бу айниқса, миллат ва давлатни ташкил этувчи омил деб ҳисобланган ҳолатда намоён бўлади.

4-§. Таълим

Жамият ҳаётининг ушбу соҳасини унинг бутун маънавий-маданий дунёсининг асоси дея ҳисоблаш мумкин, чунки, таълимсиз ҳеч қандай маданият ва тўлақонли ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас. Таълим олиш ҳуқуқи муносабати билан ушбу конституциявий институтнинг анча мукаммал тартибга солиниш тенденциясини кузатар эканмиз, унинг конституциявий тартибга солинишини демократик (Германия) ва тоталитар (КХДР) жамиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу боис давлатларнинг таълимни ташкил этиш масалаларига турли-туман ёндошишларини акс эттирувчи бир нечта мисол келтириш билан чегараланамиз.

Испания конституциясининг 27-моддасида кўрсатилишича, таълим жамиятнинг демократик тамойиллари, асосий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат руҳида инсон шахсини баркамол этиб ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Оммавий ҳокимият ота-оналарга ўз фарзандларига шахсий эътиқодларига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбия бериш имкониятини кафолатлаши лозим. Асосий таълим мажбурий ва бепулдир. Оммавий ҳокимият барчага манфаатдор секторларни самарали қўллаган ҳолда умумий дастурлар қабул қилиш ва ўқув юртларини ташкил этиш йўли билан таълим олиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга конституциявий тамойилларга амал қилинган ҳолда, ўқув юртларини барпо этиш эркинлиги тан олинади (эътироф этилади). Ўқитувчилар, ота-оналар ва муайян ҳолатларда ўқувчилар оммавий жамғармалар ҳисоботига маъмурият томонидан моддий сақланадиган барча ўқув юртларида назорат олиб бориши ва уларни бошқаришида иштирок этиши мумкин. Оммавий ҳокимиятлар зиммасига қонунчиликка амал қилинишини кафолатлаш мақсадида таълим тизимини назорат қилиш ва далолатлаш вазифаси юкланади. Оммавий ҳокимият қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берувчи ўқув юртларини қўллаб-қувватлайди. Қонунда белгиланган шартлар асосида университетларнинг автономияси (эркинлиги, мустақиллиги) тан олинади.

Шундай қилиб бу ерда, худди Германиядагидек, оммавий ҳокимиятнинг фақат зарурий ҳолдагина раҳбарлиги асосидаги либерал таълим тизимини кузатишимиз мумкин. Бунга тескари бўлган таълим ёндошуви мисолини Куба Конституцияси асосида кўрамиз. Масалан 39-моддада шундай дейилади:

“Давлат таълим, маданият ва фаннинг барча кўринишларини рағбатлантиради, ривожлантиради ва йўналтиради. Давлат ўзининг таълим ва маданият соҳасига сиёсатида қўйидаги тамойилларни ўргатади:

а) ўзининг таълим ва маданият соҳасидаги сиёсатини фан ва техника ютуқларига, марксизм ва мартианлик (Куба инқилобий мафкурачиси Хосе Марти таълимоти) ғоялари, Куба ва бутун дунё илғор педагогика анъаналарига асослайди;

в) Таълим (ўқитиш) давлатнинг вазифаси ва у бепулдир. У фаннинг хулоса ва ютуқларига, ўқишнинг ҳаёт, меҳнат ва ишлаб чиқариш билан ўзвий алоқасига асосланади. Давлат талабалар учун стипендия тизимини қўллаб-қувватлайди ва ишловчилар томонидан билим ва қобилиятнинг энг юқори даражасига эришиш мақсадида, уларга турли туман шаклдаги ўқиш имкониятларини яратиб беради. Қонунга мувофиқ миллий таълим тизими таркиби ва тузилишини, шунингдек, ўқишнинг мажбурийлигини белгилайди ва ҳар бир фуқаронинг билим олиши шарт бўлган энг кам (минимум) умумий тайёргарликни жорий этади;

с) Янги авлодларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланишига, коммунистик руҳда шаклланишига, болалар, ёшлар ва ўсмирларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрланишига кўмак беради. Ушбу тамойилни амалга ошириш учун илмий-техникавий ва бадиий характерга эга бўлган умумий ва махсус таълимни меҳнат, амалий тадқиқотлар, жисмоний тарбия, спорт, ҳамда ижтимоий сиёсий фаолият ва ҳарбий тайёргарликда фаол иштирок этиш билан бирга олиб борилади".

Таълим соҳасига янги авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаси қўйилганлиги учун ҳам, шуниси аёнки, ушбу вазифани фақат давлатгина амалга оширади.

5-§. Фан ва маданият

Бу соҳада давлат ҳам муайян моддий томондан таъминлаш чора-тадбирларини кўриши мумкин. Бироқ, бу маълум йўналишлардагина ушбу соҳани ривожлантиришга мақсадли таъсир кўрсатишни тақозо этувчи инструментдир. Демократик давлат бундай таъсир кўрсатишдан бетараф бўлади, чунки бундай таъсир фан ва техника тараққиётига тўсқинлик қилади, баъзан эса уни издан чиқариши ҳам мумкин ва ниҳоят жамиятнинг ҳамма муносабатда бошқа жамиятлардан орқада қолишига олиб келади, албатта, баъзи бир рағбатлантирувчи соҳалар истиснони ташкил этиши мумкин. Аммо бундай фан ва маданият соҳаларида давлатнинг бир томонлама таъсири бўлганда ҳам унинг орқада қолиши муқаррар, чунки унинг бир бутунлиги дарз кетган бўлади.

Масалан, Италия Конституцияси "Санъат, фан ҳамда уларни ўқитиш ва ўргатиш эркин" эканлигини белгилайди (33-модда, 1-қисм). Унинг 9-моддасида шундай дейилади: "Республиканинг маданий, илмий ва техникавий тадқиқодларининг ривожлантирили-

шига ёрдам беради. У миллатнинг тарихий ва бадиий меросини, табиатини муҳофаза қилади”.

1949 йилда қабул қилинган Венгрия Конституцияси ўзининг 1990 йил таҳририда 70- моддаси, д) қисмида қуйидаги ҳолатни ўз ичига олган:

“1. Венгрия Республикаси илмий ҳаёт ва бадиий ижод, билим олиш, дарс бериш (ўқитиш) эркинлигини ҳурмат қилади ҳамда қўллаб-қувватлайди.

2. Илмий масалаларида қарор қабул қилиш, тадқиқотларни илмий қимматини белгилаш ҳуқуқига фақат ва фақат фан арбоблари ҳақлидир”.

Бу ердаги 2-қисмда белгиланган ҳолат эътиборга лойиқ. Чунки, бу нарса демократик жамиятда ўзидан-ўзи мавжуд бўлаверади деб тушунилади ва шу боис ҳам одатда, конституцияларда акс этмайди. Аммо ушбу ҳолатда ундан тоталитар ўтмиш аломати сезилиб туради, масалан, Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Қўмитасининг маҳкама амалдорлари ҳар қандай илмий масала юзасидан олий ҳакам сифатида чиқишган.

Ушбу гуруҳга оид ижтимоий муносабатларнинг тоталитар конституциялар томонидан тартибга солинишига келсак, бу ерда ушбу муносабатларга анча либерал ёндошган Куба Конституциясининг 39-моддасига мурожаат қиламиз. Юқорида эслаб ўтилган модданинг иккинчи қисмида шундай дейилади:

а) бадиий ижод эркиндир, зеро, унинг мазмуни инқилобга зид эмас. Санъатда ифода этиш шакли эркиндир:

б) давлат халқнинг маданий савиясини ошириш мақсадида, бадиий тарбия, ижодий касб, санъат билан шуғулланиши ва уни қадрлашни юқори баҳолайди, уни ривожлантиради ҳамда, рағбатлантиради.

с) Фанда ижодий ва тадқиқот фаолияти эркиндир. Давлат тадқиқот ишлари, энг аввало жамият манфаатлари ва халқ фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқотларни рағбатлантиради ҳамда ҳар томонлама таъминлайди.

д) Давлат фан тараққиёти ва меҳнаткашларни илмий ишларга жалб қилинишига ижобий таъсир кўрсатади.

е) Давлат жисмоний тарбия ва спортнинг барча турларини таълим воситаси ва фуқароларнинг ҳар томонлама тарбияланишларига қўшиладиган муҳим ҳисса сифатида йўналтиради, ривожлантиради ва рағбатлантиради.

ж) Давлат Куба маданиятининг оригинал (ўзига хослик)лигини муҳофаза қилади ва миллатнинг маданий мероси, бадиий ҳамда тарихий бойликларининг сақланиши ҳақида ғамхўрлик қилади. У миллий ёдгорликлар ва ўз табиий гўзаллиги билан фарқ қилувчи ёки бадиий, тарихий қиммати тан олинган жойларни алоҳида муҳофаза қилади.

к) Давлат фуқароларининг мамлакатдаги оммавий жамоат ташкилотлари орқали таълим ва маданият соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга фаол иштирок этишларига ёрдам беради.

Биз бу ерда ҳеч бир бетарафлик ёки қаршилик уйғотмайдиган бир қатор меъёрларни кўришимиз мумкин: тегишли вазифаларнинг давлат томонидан амалга оширилиши мутлақо табиийдир.

6-§. Диний муносабатлар

Бу ҳам жамият маънавий-маданий ҳаётининг муҳим муассасаси (институти)дир. Дин дунёқараш, тасаввур ва эътиқодлар тизими ўлароқ, инсонларни бирлаштирувчи омил бу давлатни барпо қилувчи омил бўлиб ҳам хизмат қилади. Дин нафақат маънавий-маданий ҳаётга, балки жамият сиёсий ҳаётидаги кўпгина соҳаларга ўз таъсирини кўрсата олади, из қолдиради. Шунинг учун ҳам конституциявий ҳуқуқ динни четлаб ўта олмайди.

Дин, одатда, ибодатхона билан, яъни демократик белгилардан узоқ ва ишонувчиларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган, иерархик (яъни босқичли) тузилишга эга бўлган чер-ков билан чамбарчас боғлиқ. Амалда ибодатхона (черков) бу доира-дан тез-тез чиқиб туради ва сиёсий мақсадларни ўз олдига қўйган дин-дорлар ҳаракатига бошчилик, раҳнамолик қилади ва уларни бошқаради.

Одатда, конституциявий ҳуқуқ диний эътиқодда тенг ҳуқуқлиликни кафолатлайди ва диний озчиликни алоҳида ўз муҳофазаси остига олади. Мисол тариқасида Руминия Конституциясининг 29-моддасини келтириб ўтамиз.Ушбу модданинг 2 ва 3-қисмларига мувофиқ, диний эътиқодлар эркин ва қонунда белгиланган шарт-шароитларда шахсий низомига кўра, ташкил этилади, мазҳаблар орасида диний ихтилоф, низоларни пайдо этувчи (уйғотувчи) ҳар қандай шакл, восита, хатти-ҳаракатлар қатъий ман этилади.

10-боб. Инсон ва фуқаролар ҳуқуқининг асосий тушунчалари

1-§. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари
2-§. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланиш босқичлари
3-§. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи
4-§. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги
5-§. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши
6-§. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари

1-§. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари

Аксарият хорижий давлатларда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ барча масалалар конституция даражасида тартибга солинган. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар деганда, инсоннинг табиий ҳолатини ифода этадиган ва олий ҳимояга эга бўлган инсон ва фуқаронинг энг муҳим ҳуқуқи ҳамда эркинликлари тушунилади.

Инсон ҳуқуқлари – шундай ўлчов ва андозаки, у давлатга, унинг мавжуд ҳуқуқ тизимига, қонунчилигига, ҳуқуқий тартиботига берилган баҳо, уларнинг ривожланиш ва демократиявийлик даражаси, сифат кўрсаткичи ролини ўтамоқда. Айни пайтда, инсон ҳуқуқларининг мавжуд аҳволи умуман жамиятнинг ривожланиш, етуклик ва маърифийлик даражасини ҳам холисона, аниқ кўрсатиб турувчи «ўлчов» сифатида хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда инсон, ҳуқуқлари масаласи, бир томондан, ривожланган демократик давлатларда тўпланган ижобий тажриба, ютуқ ва сабоқларни, иккинчи томондан эса, ҳозирги замон қарама-қаршиликлари, мураккабликлари билан боғлиқ муаммо ва вазифаларни ўзида мужассамлаштирган.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари масаласида тўпланган тажриба ва амалиётнинг ўзи мустақил ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиб, айни пайтда сиёсий маданиятнинг бир кўриниши, шакли сифатида ҳам ўз ўрнини топмоқда. Ҳозирги кунда дунёда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бўйича уч юздан кўп халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилиб турибди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари замирида конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий ҳуқуқий муносабатларнинг энг асосий элементи ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқий муносабатлар инсон (фуқаро) билан давлат ўртасида юзага келади. Бунга кўра, давлат ҳар бир алоҳида олинган инсон (фуқаро)нинг асосий ва бошқа ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш мажбуриятини олади. Айни вақтда, Конституция асосий ҳуқуқ ва эркинликларни инсон ҳамда фуқаро мажбуриятлари билан боғлайди. Бу асосий ҳуқуқ, эркинликлар ва мажбуриятлар инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқий мақомини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқи – бу табиий равишда вужудга келадиган, инсон туғилганидан кейин шахс сифатида унга тегишли бўлган ажралмас ҳуқуқ ҳисобланади. Одамлар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғилади. Ҳар бир давлатнинг асосий мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқини таъминлаб беришдан иборат. Инсоннинг ажралмас ҳуқуқига одатда эркин ва хавфсиз яшаш ҳуқуқи, мулкка эгалик ҳуқуқи, дахлсизлик ҳуқуқи ва бошқалар киради. Кейинги вақтларда унга эришган маданият ютуқлардан ва тоза атроф табиий муҳитдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам қўшилди. Бу ҳуқуқлар давлат ҳокимияти томонидан берилмайди ва айни вақтда давлат ўз ҳужжатлари билан уларни бекор қила олмайди. Демак, инсон ҳуқуқи асосий ҳуқуқ бўлиб, у туғилганда муайян давлатнинг фуқаросими ёки йўқми, бундан қатъи назар, барчага хос ҳуқуқ сифатида фойдаланилади. Шу жиҳатдан 1776 йил 4 июлда қабул қилинган АҚШ Мустақиллиги Декларациясида мустаҳкамланган ҳуқуқларни мисол қилиб келтириш мумкин. Декларацияда таъкидланишича “барча одамлар тенг ҳолатда яратган томонидан муайян ажралмас ҳуқуқ билан дунёга келади. Яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахт-саодат сари интилиш ҳуқуқи ана шулар жумласига киради. ...агар бирор давлат тузуми бу ҳуқуқни бузса, халқ уни ўзгартириши ёки бекор қилиши ва шундай янги тузум барпо қилиши керакки, у энг яхши ҳолатда халқ хавфсизлиги ҳамда унинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланадиган принципларга асослансин”.

Шундай қилиб, XVIII асрда эркинликни табиий-ҳуқуқий тушуниш ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкам ўз ифодасини топа бошлади.

Фуқаро ҳуқуқи эса фуқаролик факти билан боғлиқ бўлиб, шахснинг муайян давлатга, сиёсий ҳамжамиятга мансублигини англатади. Фуқаролик деганда, жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаси тушунилади. Бунда жисмоний шахс ва давлатнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мавжуд қонунларда ўз ифодасини топади. Бу ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлатнинг конституцияси ва миллий қонунчилигида белгилаб қўйилади. Улар амалдаги халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштирилиши талаб этилади. Бу ҳуқуқий муносабатлар инсон-

нинг дунёга келиши билан боғлиқ бўлиб, унинг қаерда бўлиши ва яшашидан қатъи назар бутун умри давомида сақланиб қолади. Айнан шу фуқаролар давлат ва давлат ҳокимиятини авлоддан авлодга мерос бўлиб қолишини таъминлайди. 1789 йилда инсон ва фуқаролар ҳуқуқи баён этилган француз Декларациясида бу ҳар икки субъект (инсон ва фуқаро)нинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан, унда шундай дейилган: “Одамлар ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг бўлиб туғилади. Ҳар бир давлатнинг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда инсоннинг асосий (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқлари ва эркинликлари белгилаб берилган тарихий ҳужжат – инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини қабул қилди. Декларация 30 моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддасида “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин улар бир-бирига нисбатан биродарларча муносабатда бўлишлари керак” дейилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсон ҳуқуқи муаммолари дунё миқёсда аҳамиятга эга эканлигини жаҳон ҳамжамияти англаб етди. Бу муаммо фақат бир давлатга тегишли бўлиб қолмай, балки халқаро аҳамият касб этаётганлиги, бунинг натижасида конституциявий ҳуқуқ аста-секин халқаро стандартлар даражасига кўтарилаётганлиги маълум бўлди.

1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги, шунингдек, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактлар каби ҳужжатларни қабул қилди. Бу ҳуқуқий актларда инсон ва фуқаро ҳуқуқи мукаммал баён этиб берилди.

Шундан сўнг инсон ҳуқуқи бўйича ҳамда 1984 йилда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмиталар ташкил этилди. Бу ҳар икки Пакт инсон ва фуқаролар ҳуқуқининг ўзига хос халқаро Кодекси деб қабул қилинди. Қатнашчи давлатлар ушбу Пактларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш юзасидан зарур қонуний тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

1993 йилда қабул қилинган Россия Федерацияси Конституциясида “инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият. Инсон ва фуқаро ҳуқуқи ва эркинликларини эътироф этиш, унга риоя этиш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олади” (2-модда) дейилган.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 2-модда 2-бандида Республика хориждаги ўз фуқароларининг ҳимоясини ва ҳомийлигини кафолатлашини таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятларини мазмунан бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Буларга шахсий фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларни киритиш мумкин.

Инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини бундай тартиблаш юқорида баён этилган Халқаро Пактларга мувофиқ келади. Кўпчилик давлатларда инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятларига оид асосий принциплар конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилган.

Эркинлик **–** ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳимоя қилиш барча давлатларнинг вазифасидир. Инсон дунёда яшар экан, еб-ичиши, кийиниши, турар жойга эга бўлиши, оила қуриши, хордиқ чиқариши, даволаниши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши зарур. Булар унинг инсон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир.

Мажбурият - кўпгина давлатлар инсон ва фуқаролар мажбуриятларини фарқлайдилар, масалан, мажбурий ҳарбий хизмат фақат фуқароларга тегишли бўлади. Баъзан айрим ҳуқуқлар фанда позитив ҳуқуқлар деб ҳисобланади. (Масалан, фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи ёки инсонларнинг қонун ва конституцияга риоя қилиш мажбуриятлари). Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат томонидан, шу жумладан, суд тартибида ҳам таъминланади. Бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар, Конституцияда ёзилган бўлса-да, ахлоқий ҳисобланиб, суд томонидан бевосита ҳимоя қилинади.

Табиий ва позитив ҳуқуқ ўртасидаги алоқа.

Табиий ҳуқуқни Конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларда белгилаб қўйишга ҳожат йўқ. Бу учун туғилишнинг ўзи кифоя. Инсонлар яшаш, шаън ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқларга эга бўлган бўлади.

Позитив ҳуқуқ норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ва шаклда қайд этилган, давлат органлари томонидан қабул қилинган расмий ҳуқуқдир.

Позитив ҳуқуқ – бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари мажмуи ҳисобланиб, давлат органлари томонидан чиқариладиган норматив-ҳужжатларда белгилаб қўйилади ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш доираси ушбу ҳужжатларда ёзилган шартлар бўйича ҳал қилинади. Бу ҳуқуқлар давлат томонидан ҳимояланади. Лекин,

«табиий ҳуқуқ норматив ҳужжатларда қайд этилса, позатив ҳуқуқга айланадими?» - деган ҳақли савол туғулиши мумкин.

Бундай ҳолатда, табиий ҳуқуқ фақат позитив ҳуқуқ шаклини олиши мумкин, лекин у барибир табиий ҳуқуқ тушунчасини сақлаб қолади. Мисол учун, давлат томонидан чиқарилган позитив ҳуқуқ бекор қилинса-да, табиий ҳуқуқ йўқолмайди.

Табиий ҳуқуқ позитив ҳуқуқ замирида ўз ривожланишига эришади. Мисол учун, қонунлар қабул қилинади, давлат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари инсонларнинг ҳаётини, турмуш тарзини ҳимоя қилади.

Халқаро ҳуқуқ ва шахснинг ҳуқуқий мақоми. **Ҳ**озирги кунда шахснинг, маълум ҳолларда фуқаронинг (масалан, сайлов ҳуқуқи масалалари бўйича) ҳуқуқий мақоми масаласи асосан халқаро ҳуқуқ, унинг эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари билан белгиланади. Давлат томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар бевосита қўлланиши ва мамлакат судлари томонидан унинг ички ҳуқуқи сифатида таъминланиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ қуйидагиларни белгилаб беради:

1) мамлакатнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ички конституциявий қонунчилик инсон ва фуқаронинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олиши лозим;

2) ички қонунчилик халқаро ҳужжатларида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва умуминсоний қадриятларга қарама-қарши бўлмаслиги лозим;

3) мутлақ эркинлик ва мутлақ ҳуқуқлар бўлмайди; улар қонун асосида ва фақат Конституция, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда, аниқ белгиланган мақсадлар учун чекланиши мумкин;

4) ҳуқуқларни суъистемол қилиш, яъни уларни бошқа юридик ёки жисмоний шахслар ҳуқуқларини бузиш мақсадида қўллаш қатъиян ман қилинади;

5) шахс ҳуқуқи бошқа шахслар ҳуқуқи билан чекланган;

6) ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакат шароитидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий, моддий кафолатланиши лозим.

2-§. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланиш босқичлари

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар, инсон ҳаётининг турли соҳаларини таъминлайди: шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий,

маданий. Шунга мос равишда, улар нафақат ҳаётий фаолият соҳасида, балки келиб чиқиш вақти бўйича тавсифланади. Мана шу ердан "инсон ҳуқуқларининг тарихий ривожланиши" келиб чиқади. Ҳуқуқшунос олимлар ва эркинликларнинг тарихий ривожланишини уч босқич ёки уч авлодга ажратишади.

Биринчи босқич (XVIII аср охири- XIX аср охири) – шахсий, сиёсий ҳуқуқлар - фикр, виждон ва дин эркинлиги, ҳар бир шахснинг давлат бошқарувидаги иштироки, ҳамманинг қонун олдида тенглиги, яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ва ҳоказолар киради. Бу ҳуқуқлар "негатив" деб номланувчи эркинликларни ўзида акс эттирган ушбу ҳуқуқлар давлатга фуқаронинг шахсий ҳаётига аралашмаслик ва давлатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши учун фуқароларга шароит яратиб бериш мажбуриятини юклайди.

Иккинчи босқич инсон ҳуқуқлари халқларнинг ўз иқтисодий, маданий даражаларини ошириш йўлида олиб борган урушлар мобайнида шаклланди ва "позитив ҳуқуқ" деб номланади. XIX аср охири - XX аср бошларида янги либерализм ғояси илгари сурилди ва жамиятдаги бойлар, камбағаллар синфини йўқотиш мўлжалланди. Ушбу босқичда меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, дам олиш ҳуқуқи, жамият маданий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқи ва ҳоказолар илк маротаба давлатлар Конституцияларида мустаҳкамланди (асосан социалистик мамлакатларда). Бу ҳуқуқлар Инсон ҳуқуқлар Умумжаҳон Декларациясида ва айниқса, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда ёрқин ифодалаб берилган. Бир қанча буржуазия давлатлари ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга қўшил-мадилар, уларнинг фикрича, Пактдаги ҳуқуқлар субъектив ҳисоблан-майди ҳамда судда ҳимоя қилиниши мумкин эмас. Масалан, АҚШ Конституциясида ижтимоий ҳуқуқлар мустаҳкамланмаган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари ривожланишини **учинчи босқичи** шакллана бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмида дунёвий муаммоларнинг кучайиши, улар сирасидан бўлган экологик муаммоларнинг кескинлашуви ва айрим ривожланган мамлакатларнинг информатизация даврига кириб бориши билан ифодаланади. Шу каби омиллар соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш, маълумот олиш ва шу каби бошқа ҳуқуқларнинг эътироф этилишига олиб келди.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг ривожланиш босқичларидан қатъи назар, Конституциявий ҳуқуқ ривожланишининг асосий йўналиш-

ларида, ижтимоийлашув, демократлашув ва байналминаллашув омилларининг яққол намоён бўлиши кузатилмоқда. Конституцияларда эълон қилинаётган ҳуқуқ ва эркинликларни юридик баён қилиш сифатларининг доимо такомиллашиб боришини алоҳида таъкидлаш жоиз.

3-§. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи

Конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар доирасининг доимий равишда кенгайиб бориши, уларни маълум гуруҳларга ажратишни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқ институтлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ва улар ечимини топишни енгиллаштиради.

Таснифлаш турли хил мақсадларда ва асосларда ўтказилиши мумкин. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, гуруҳлаштириш шартли равишда кечади, чунки кўп ҳолларда бирор ҳуқуқ ёки эркинлик ёхуд бурч бир пайтда икки ёки ундан кўп таснифий гуруҳларга тегишли бўлиши мумкин. Улар қуйида таклиф этилаётган таснифлаштиришда ўзларининг асосий мазмунлари жиҳатидан яқин бўлган гуруҳларга киритилади. Масалан, виждон эркинлиги шахсий эркинликлар туркумига киради, айрим мамлакатларда эса, у аниқ ифодаланган сиёсий характер тусини олади.

Таснифлаштиришнинг бири билан биз юқорида танишиб чиқдик: яъни ҳуқуқларни инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларига ажратиш.

Таснифлаштиришнинг яна бир кўриниши ҳуқуқ, эркинлик ва бурч субъектларининг характери билан боғлиқ асосда амалга оширишдир. Бунда ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни *индивидуал* ва *жамоа (коллектив)* турларига ажратиш мумкин.

Тўғри, индивидуал ҳуқуқ кўп ҳолларда жамоа шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. Аммо у жамоа ҳуқуқидан фарқли равишда, одатда индивидуал тарзда амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин. Жамоа ҳуқуқини эса унинг моҳиятига кўра, индивидуал тарзда амалга ошириш мумкин эмас.

Масалан, иш ташлаш ҳуқуқи – жамоа ҳуқуқидир. Индивидуал тартибда иш ташлаш – иш ташлаш ҳисобланмасдан, балки у ишга келмаслик деб баҳоланиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар ўз характерига кўра индивидуалдир. Бироқ бу ҳолат конституцияда доимо аниқ ва равшан қилиб белгиланмайди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, индивидуал ва жамоа ҳуқуқлари ўртасида баъзан объектив қарама-қаршиликлар келиб чиқади.

Индивидлар (алоҳида шахслар) ўзаро тенг ҳуқуқли турли жамоа ёки бирлашмаларга аъзо бўлиб, жамоа ҳуқуқини амалга оширишда эса турли даражадаги индивидуал имкониятларга эга бўлиши мумкин. Масалан, парламентда икки ҳудудий жамоа тенг вакилларга эга бўлиб, улардан биридаги сайловчилар сони иккинчи ҳудуд сайловчиларидан икки марта кўп бўлса, ушбу ҳолатда биринчи ҳудуддаги ҳар бир сайловчининг овози иккинчи ҳудуддаги икки сайловчининг овозига тенг бўлади.

Баъзан миллий ҳаракат йўлбошчилари миллий гуруҳ ёки жамоаларнинг ҳуқуқларидан ўзларининг шахсий ёки тор сиёсий манфаатларини кўзлаб фойдаланадилар. Бу ҳолат гоҳида шу гуруҳ ёки жамоанинг умумий манфаатига зид бўлиб, оқибатда фақат зарар келтириши мумкин. Инсонлар жамоа ҳуқуқларининг бундай йўл билан ўзлаштирилиши муаммолар ечимини чигаллаштириб, низоли вазиятларни келтириб чиқаради.

Ушбу муаммо, айниқса, миллий муносабатларда юзага келаётган низоларга тез-тез сабаб бўлиб туради. Миллий ҳаракатларнинг намоёндалари кўп ҳолларда миллий жамоа ҳуқуқларини инсонларнинг индивидуал ҳуқуқларидан устун қўйишга ҳаракат қилишади, бундай ҳолатларни собиқ Шўролар давлати ўрнида пайдо бўлган айрим давлатларда учратишимиз мумкин.

Индивидуал ва жамоа ҳуқуқларининг ўзаро муносабатидан келиб чиқувчи муаммолар ечимини бир томонлама ҳал қилиш мумкин эмас. Шунинг учун устуворлик инсоннинг ажралмас индивидуал ҳуқуқи билан белгиланиши зарур.

Ҳаракатлар қайси мақсадда ва қандай эзгу ниятда амалга оширилишидан қатъи назар, бошқаларнинг эрки ва ҳуқуқларини чеклаш ва уларга зиён етказиш ҳисобига эришишни ҳеч қачон оқлаб бўлмайди.

Булардан ташқари ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларни, *асосий ва қўшимча* турларга ажратиш мумкин. Масалан, давлатни бошқаришда иштирок этиш асосий ҳуқуқ ҳисобланса, сайлов ҳуқуқи ундаги ҳосила ҳуқуқ бўлиб, унинг мазмунини ифодалаш шакли ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг мазмуни ва моҳияти бўйича таснифлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Таснифлаш шарт-шароитларига доир юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва бурчларини

асосий гуруҳларга ажратиш қуйидагича қабул қилинган.

Биринчи гуруҳ: инсон шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, яъни яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ва турар-жой дахлсизлиги каби ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

Иккинчи гуруҳ: давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш, овоз бериш, йиғилиш ҳуқуқи, ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар.

Учинчи гуруҳ: меҳнат ҳуқуқи, меҳнат эркинлиги, мулк ҳуқуқи, солиқ тўлаш бурчи, таълим олиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва шу кабилар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ эркинлик ва бурчлар гуруҳини ташкил этади.

Юридик адабиётларда инсон ҳуқуқларини бошқа мезонлар асосида ҳам таснифлаш учрайди.

4-§. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ичида фуқароларнинг тенглиги принципи алоҳида ўрин тутади (Инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари француз Декларацияси 1789 й. 1-моддаси). Бироқ ҳозирги замон давлати фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигини узил-кесил тан олади ва буни таъминлашни ўзининг муҳим мажбурияти деб билади. Шахснинг қонун ва суд олдида формал тенглигининг таъминланиши тамойилининг қарор топиши - инсоният тарихида Янги даврни, яъни бурилишни бошлаб берганлиги бежиз эмас.

Инсонларнинг қонун олдида тенглиги тамойили - уларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби эканлигини англатади. Фуқароларнинг тенглиги – демократиянинг муҳим элементи ҳамда жаҳон конституциявий тараққиётининг муҳим тамойилларидан ҳисобланади, бу тенглик фуқароларнинг давлат, қонун ва суд олдида расмий тан олинадиган тенглиги бўлиб, у ҳар бир давлат фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, келиб чиқиши, мулкий аҳволи, эгаллаб турган лавозими, турар жойи, динга муносабати, қарашлари, жамоат бирлашмаларига мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар тенг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларга эга эканлигини англатади.

Ҳуқуқий тенглик – бу албатта, формал тенгликдир, яъни расмий жиҳатдан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишликдир. Таъкидлаш жоизки, тенг ҳуқуқлилик, нафақат тенг ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби бўлишни англатибгина қолмай, балки тенг мажбуриятларни ҳам зиммага олишни тақозо этади.

Инсонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўз ичига қатор элементларни олади:

-тенг ҳуқуқлилик нуқтаи-назаридан инсоннинг ҳуқуқий мақоми ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми масаласини;

-инсонлар реал ҳаётда фарқланишидан қатъи-назар тенг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши;

-инсонларнинг қонун ва суд олдида тенглиги ва б.

5-§. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши

Шахснинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишидаги чекловлар инсонийлик, умуммийлик, ахлоқий тамойилларга асосланиб белгиланади. Бу 1948 йил қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси» 29-моддасида кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда турли чекловларга учраши мумкин. Бу чекловлар бошқа шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларни бузилишини олдини олиш, давлатнинг ахлоқий талабларини қондириш учунгина қўйилиши мумкин.

1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт»нинг 19-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўз фикрида ҳеч қандай тазйиқларсиз қолиши ва уни ёзма, оғзаки ёки бошқа шаклда баён этиши мумкин. Аммо шу модданинг 3-бандига кўра, бу ҳуқуқлар қонунда белгиланган чекловлар туфайли чекланиши мумкин. Бу чекловлар: бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва обрўсини ҳурмат қилиш учун, давлат хавфсизлиги, жамият тартиби, аҳолининг соғлиғи, ахлоқни сақлаш учун белгиланиши мумкин.

Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасига биноан: "Қирғизистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини камайтирувчи ёки бекор қилувчи қонунлар қабул қилиниши мумкин эмас. Ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш: Конституция ва қонунда конституциявий тузум ва давлат яхлитлигини, жамоат тинчлиги ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадидагина белгилаб қўйилиши мумкин. Унда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар мавжудлигига тегиш мумкин эмас".

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт»да - инсоният хавфсизлилигига қаратилган ҳаракатлар: урушни тарғиб этиш, миллий, ирқий, диний нафрат туфайли амалга ошириладиган жиноятлар тақиқланган.

Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа Конвенцияси 11-моддаси 2-бандида - бу ҳуқуқларни амалга ошириш-

да ҳеч қандай чекловлар қўйилмайди. Халқ, жамият ахлоқи, соғлиғи ҳимояси, Давлат хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолларда чекловлар қонунда кўрсатиб ўтилгандагина қўлланилади.

Канада Конституциясининг "Ҳуқуқларнинг чекланиши" деб номланган 1-бўлимига асосан Канада ҳуқуқ ва эркинликлар хартияси ҳуқуқ ва эркинликлар демократик жамиятни намойишкорона қарор топтириш каби сабаблар туфайли қонун асосида чекланишини кафолатлайди.

6-§. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари

Инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари мавзуини тўла ёритиш учун "**кафолат**" тушунчасига тўхталмоқ зарур. Умуман олганда, «кафолат» сўзининг луғавий маъноси бу – масъулиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда ишонтириш, таъминлаш деган маънони англатади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг асосий вазифаси шундан иборатки, биринчидан инсон ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш, уларнинг бузилишига йўл қўйилган бўлса, уларни бартараф этиш; иккинчидан шу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш сиёсатини олиб бориш.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатининг қуйидагича таърифлаш мумкин. Инсон ҳуқуқларининг ва эркинликларининг кафолати - бу умумхалқ муҳокамасидан ўтказилган, давлат томонидан ўрнатилган ёки тасдиқланган, шахслар ва фуқароларга белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъминлашга ёрдам берадиган ҳуқуқий воситалар, юридик усуллар ва шарт-шароитлар мажмуидир. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни кафолатлашнинг вазифаси шундан иборатки, биринчидан, турли давлат органлари, мансабдор шахслар ва алоҳида шахслар томонидан қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга тўсқинликка йўл қўймаслик, агарда бунга маълум бир сабаблар оқибатида йўл қўйилган бўлса, уни қонун нормаларида ўрнатилган тартиб ва воситалар орқали бартараф этиш; иккинчидан, шу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар мажмуи кафолат тушунчасини беради. Кафолатнинг асосий вази-

фаси, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган тўсиқларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашдир.

Кафолатларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

1. Юридик (ҳуқуқий)
2. Ижтимоий-сиёсий
3. Иқтисодий(моддий)

Фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда **юридик** кафолатлар алоҳида ўрин тутади, чунки бошқа барча кафолатлар юридик жиҳатдан тартибга солинишни тақозо этади. Яъни, юридик кафолатлар фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларни қонунлар асосида ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишидир. Юридик кафолатларни реал амалга ошиши фақат демократик режим шароитида кузатилади.

Юридик кафолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш мумкин бўлган ҳаракатларни тақиқлаш ва чегаралашнинг юридик меъёрларини мустаҳкамлаш,

- Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширишларида давлат идоралари ва мансабдор шахслар масъуллигини.

- Тажовуз этишни, мустаҳкамлашни таъминловчи махсус меъёрлар (шикоят қилиш ҳуқуқи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқ) мавжудлиги.

- Ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарнинг белгиланганлиги (мулкий, интизомий, маъмурий, жиноий).

- Фуқароларга қаратилган ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган, тегишли давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни мустаҳкамлашга жамоат идоралари, мансабдор шахсларнинг фаолияти.

Юридик кафолатларнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Конституциявий ҳуқуқий кафолатлар
2. Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш
3. Омбудсман фаолияти
4. Ҳукумат фаолияти

Конституциявий ҳуқуқий кафолатларга - мамлакатнинг Конституциясининг ўзида бевосита мустаҳкамланган кафолатлар киради. Айрим мамлакатлар масалан, АҚШ Конституциясида фуқароларнинг ижтимоий-маданий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликлар мустаҳкамланмаган.

Судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш – фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судлар орқали ҳимоя қилинишидир. Унинг мазмунини:

- ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи орқали ўз ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш.

Омбудсман фаолияти - Жаҳоннинг ривожланган давлатларида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, Дания, Польша давлатларидаги омбудсман институти салмоқли аҳамиятга эга (кучли омбудсман). Шунинг учун, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатлашда омбудсман хулосалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузган мансабдор шахслар ва бошқаларнинг обрў эътибори ва келажакдаги фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳукумат фаолияти – ҳукумат томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳукумат ўз норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳимоя қилиши.

Ижтимоий-сиёсий кафолат- бу давлатда амал қилиб турган сиёсий тизим. Ушбу тизим, мамлакатнинг олиб бораётган сиёсий майдондаги фаолияти орқали жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишидан ҳимоя этиш учун хизмат қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сиёсий кафолатлаш қуйидагиларга боғлиқ:

- давлатнинг мамлакат миқёсида олиб бораётган сиёсатининг мақсадига
- сиёсий плюрализмга
- сиёсий мафкурага
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолатига
- оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига

Иқтисодий кафолатларга вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий тизим киради.

Иқтисодий кафолатларга:

- адолатли истеъмол саватини давлат томонидан расмий равишда мустаҳкамлаш,
- энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини белгилаш.
- давлат томонидан аҳолини кам таъминланган қатламини, вояга етмаганлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш
- барча мулк шаклларини тенглигини ҳамда фуқароларни мулк ҳуқуқларини таъминлаш киради.

11-боб. Фуқаролик ва чет эл фуқаролари (тартиби) режими

1-§. Фуқаролик тушунчаси
2-§. Фуқароликка эга бўлиш ҳамда тугатилиш асослари
3-§. Фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар, аполидлар)
4-§. Икки ва кўп фуқаролик (бипатридлар)
5-§. Чел эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати
6-§. Фуқаролик ҳуқуқида сиёсий бошпана, мамлакатдан чиқариб юбориш ва бошқа давлатга бериш асослари

1-§.Фуқаролик тушунчаси

Фуқаролик – бу мустаҳкам, узоқ давом этадиган сиёсий ҳуқуқий алоқа бўлиб, фуқароларнинг давлатга тегишли эканлигини, фуқароларга ушбу давлатнинг қонунларини қўллаш орқали, яъни фуқаронинг ушбу давлатдаги барча ҳуқуқларга ва фуқароларга тегишли бўлган барча мажбуриятларга эгалигини англатади. Бу алоқа фуқаро билан давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларига асосланади. Фуқаролик мақомига эга бўлиш инсон учун тўла маънода ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга ошириш ва олган барча мажбуриятларини бажариш имкониятини беради. Айни вақтда, давлат ҳам фуқароларга нисбатан олган мажбуриятларини тўла-тўкис бажариши лозим.

Фуқаро давлат суверенитетининг муҳофазасидадир. Давлатдан ташқарида ҳам ўз ҳуқуқларини бажаришни талаб этишга ҳақлидирлар. Давлат эса ўз навбатида ўз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши ва ҳимоя қилиши лозим. Фуқаролик тушунчаси қадимдан мавжуд ҳисобланади. Жумладан, “Фуқаро” термини Қадимги Рим давлатида ҳам мавжуд бўлган бўлиб, буни христианларнинг “Инжил” китоби ҳам тасдиқлайди. Мисол қилиб, Павел исмли апостол Рим фуқароси бўлган. Унга нисбатан тан жазоси буюрилганда, у Рим фуқароси эканлигини ва уни жазога тортиш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Феодализм даврида “подданства” (тегишлилик) институти, айниқса, катта роль ўйнаган. Ушбу термин ўзаро муносабатларда қарамлиликни ифода этган.

Подданства – феодал даврга оид термин бўлиб, у шахснинг феодалга тегишли эканлигини, шу сабабли унга ўлпон тўлаши лозимлигини англатади. Ҳозирги кунда, “подданства” термини фақат монархия давлатларида ишлатилмоқда ва у кўпинча “фуқаро” термини маъносини беради. Бир қанча монархия давлатларида (масалан, Бельгия, Нидерландия, Испания) ушбу сўз конституция ва қонунларида

фуқаро сўзи билан алмаштирилган.

“Фуқаролик“ француз буржуа революцияси даврида пайдо бўлган тушунча бўлиб, кейинчалик бошқа давлатларда ҳам ушбу терминдан фойдаланила бошланган.Ушбу термин аслида (горожанин) барчанинг қонун олдида тенглигини англатган. Ҳозирда баъзи монархия давлатларида “подданства”, республика шаклидаги давлатларда “фуқаролик” термини қўлланилади. Масалан, АҚШда фуқаро деб мурожаат этилса, Буюк Британияда эса “подданный её величества» (Зоти олияларининг подданийси) ибораси қўлланилади.

Айрим тилларда “фуқаролик” тушунчаси икки хил атама билан белгиланган.Улардан бири шахснинг маълум бир давлатга тегишли эканлигини англатса, иккинчисида эса шахснинг ҳуқуқий ҳолатини англатиб, биргаликда бошқариш маъносини англатган.

Турли давлатларда фуқароликка эга бўлишиниг бир қанча талаблари мавжуд. Мексика Конституциясининг 34-моддасида, Республика фуқаролари эркак ва аёл ҳисобланади, қайси бирлари мексикалик бўлмоқчи бўлса, улар қуйидаги шартларга жавоб беришлари лозим:

1. 18 ёшга етган бўлиши;

2. Намунали ҳаёт кечираётган бўлиши шарт.

Гарчанд “мексикалик” деган сўз давлатга мансублигини англатади, мазмунан ҳар қандай мексикалик фуқаро деб саналмайди. Фуқароликнинг асосий тамойиллари қоидага асосан Конституцияда белгиланади ҳамда уни амалда қўлланиши бошқа қонунлар ва қонун ости актларида кўрсатиб берилади. Шундай Конституциялар борки, унда фуқаролик тўғрисида бирорта махсус боб ёки нормалар киритилмаган. Масалан, Италия Конституциясида фуқаролик масалалари 1912 йилда қабул қилинган, кейинчалик 1983 йилда ўзгартиришлар киритилиб қабул қилинган “Фуқаролик тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. 1976 йилда қабул қилинган Куба Конституциясида эса аксинча, фуқаролик тўғрисида алоҳида боб берилган.

2-§. Фуқароликка эга бўлиш ҳамда тугатилиш асослари

Хорижий давлат конституцияларида фуқароликнинг асосий қоидалари ўз ифодасини топган. Мазкур масалаларни аниқ тартибга солиш, яъни фуқароликни олиш, ўзгартириш ва тўхтатиш масалалари, белгилаб қўйилган қонунлар асосида тартибга солинади.

Бунга хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар, сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги ҳуқуқий қоида нормалари ҳам киради. Фуқароликни олишни бир неча усуллари мавжуд.

Булар жумласига туғилганлик бўйича олиш, фуқароликка қабул қилиш; фуқароликни тиклаш; фуқароликни танлаш каби ҳолатлар киради. Хорижий мамлакатларда никоҳга ўтиш ёки бошқа асосларда фуқароликни олиш камдан кам учрайди.

Фуқароликни қўлга киритишнинг биринчи асосий йўли бўлиб, туғилганлик бўйича, яъни “filiatia” (филиация) йўли билан фуқароликни олишнинг асосий усули ҳисобланади. Бунга икки хил муносабатни кўриш мумкин, биринчиси “қон ҳуқуқи” деб номланади. Унга кўра, бола қаерда туғилганидан қатъи назар ота-онасининг фуқаролигини олади, иккинчиси – “Замин ҳуқуқи” дейилади. Бунга кўра, бола қайси давлат ҳудудида туғилган бўлса, ота-онасининг фуқаролигига қарамай, ўша давлат фуқаролигини олади. Ҳозирги замон давлатларининг кўпчилигида қон ҳуқуқи асосида фуқароликка кириш кенг тарқалган. Масалан, Франция, ГФР, Италия ва бошқаларда.

Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида эса фуқароликни ер ҳуқуқи асосида эгаллаш белгиланган (Масалан, Бразилия, Аргентина). Кўпгина давлатларда эса фуқароликни қабул қилишнинг “аралаш тамойили” қабул қилинган бўлиб, фуқароликни эгаллаш учун айни вақтнинг ўзида, иккала ҳуқуқнинг ҳам мавжуд бўлиши талаб этилади.

Фуқароликни қабул қилишнинг иккинчи йўли натурализация деб аталиб, фуқаролиги бўлмаган ёки бошқа давлатнинг фуқароси бўлган шахсларнинг фуқароликка эга бўлиш тартибини белгилайди. Масалан, АҚШ фуқаролигини олган шахслар икки гуруҳга ажратилади: АҚШда туғилганлар ва бошқа давлатдан келганлар. Бошқа давлатдан келганларнинг ҳуқуқлари бир мунча чекланган. АҚШ Конституцияси биринчи бўлим 2-моддасида айтилишича, фақат АҚШда туғилганларга АҚШ Президенти бўлиб сайланиши мумкин, шунингдек, АҚШ Конгрессининг пастки палатасига сайланиш учун шахсдан етти йиллик муддатда АҚШ фуқаролигида бўлганлик талаб қилинади, Сенатор бўлиши учун эса, шахс камида тўққиз йил фуқароликни сақлаши шарт. Натурилизация йўли билан фуқароликни олишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жумладан, мамлакатда маълум муддат яшаш, унинг тилини билиш, яшаш учун маблағ мавжудлиги ва бошқалар билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Масалан, Германия фуқаролигини олишда албатта судланмаган бўлиши, етарли маблағларга эга бўлиши, давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлмаслиги ҳамда ишсизлик нафақаси ҳисобига

яшаётган бўлмаслиги лозим. Шунингдек, улар бошқа давлат фуқаролигини йўқотган бўлишлари шарт.

Фуқароликни қабул қилишнинг учинчи йўли бўлиб - “оптация” (танлаш) услуби ҳисобланади. Баъзан уни “трансферт” ҳам деб аташади. Оптация – фуқароликни давлат ҳудудининг ўзгариши билан танлаш деганидир. Масалан, 1957 йил Саар вилоятида ўтказилган референдум натижасида ушбу вилоят Германияга таркибига киритилгандан сўнг фуқароларга оптация ҳуқуқи таклиф этилди: истаган шахс ё Германия фуқаролигига ўтиши ёки Франция фуқаролигида қолиши мумкин эди. Фуқаро давлат ҳудудларининг ўзгаришида айбдор ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам унга қайси давлат фуқаролигини қабул қилишини ҳал этиши учун маълум вақт берилади.

Фуқароликни қабул қилишнинг тўртинчи йўли бўлиб, фуқароликни тиклаш усули ҳисобланади, яъни йўқотилган фуқароликни қайта олиш. Фуқароликни тиклашни революция сабабларига, оилавий сабабларга кўра, умуман айтганда эҳтиёж туғилган омилларга кўра эммиграцияни амалга оширган шахслар қўлга киритишади. Кўпинча фуқароликни қайта тиклаш индивидуал, баъзан эса бир гуруҳ шахсларга нисбатан амалга оширилиши мумкин. Масалан, ҳарбий тўнтариш натижасида фуқаролигини йўқотган шахслар маълум бир муддат ўтгач ўз мамлакатига қайтиб фуқаролигини тиклаши мумкин. Шунингдек, “қайта тиклаш” сўзининг ўрнига, “реинтеграция” – ўз давлати билан қайта алоқа ўрнатиш термини ҳам қўлланилади.

Фуқароликни қабул қилишнинг бешинчи усули- фуқароликнинг совға қилинишидир. Ушбу усулда давлат учун махсус хизматлар кўрсатган шахсларгагина фуқаролик берилади. Масалан, АҚШ Сенати 1974 йилда, Александр Солженицин собиқ СССР ҳудудидан чиқарилганидан сўнг, унга АҚШ фуқаролигини берди.Ундан ташқари фуқароликка қабул қилинишнинг бир қанча натурилизация характерида бўлган қўшимча кўринишлари мавжуд. Масалан, никоҳга кириш, бола асраб олиш орқали ва ҳоказо. Шу билан бирга “Репатриация”(ватанни тиклаш) асосидаги фуқаролик тушунчаси ҳам мавжуд. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг арман халқига ўз мамлакатларига собиқ СССР томонидан қайтиш имконияти берилди. Ёки яна бир машҳур репатриациялардан бири, бу яҳудий халқининг Исроил давлатига кўчишидир. Исталан яҳудий Исроилга кўчиб келиши биланоқ ушбу мамлакат фуқаролигини олади.

Фуқароликни тугатилишининг бир қанча турлари мавжуддир, буларга: фуқароликдан чиқиш (рад қилиш): фуқароликни йўқотиш:

фуқароликдан маҳрум қилиш; оптация (муайян ҳудуднинг у ёки бу давлатга тегишлилиги ўзгарганда фуқароликни танлаш масаласи) ва бошқалар.

Фуқароликдан чиқиш баъзи бир сиёсий ёки оилавий сабабларга кўра, манфаатдор фуқаронинг аризасига асосан тегишли давлат органлари томонидан расмийлаштирилади.Фуқароликдан чиқиш асослари барча МДҲ давлатларининг қонунчилигида ўз аксини топган. Фуқароликдан чиқишда, ўрнатилган қоидалар Россия, Белорусь, Украина, Туркманистон, Грузия давлатларида деярли бир хил. Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон қонунчилигида фуқароликдан чиқишнинг рад этувчи яна бир шарти белгилаб қўйилган: "Агар шахснинг фуқароликдан чиқиши давлатнинг хавфсизлигига зид келса, фуқароликдан чиқишга рухсат этилмайди". Қирғизистон ва Молдавия қонунларида қўшимча тарзда шахсдан берилган фуқароликдан чиқиш тўғрисида ариза рад этилса, Республика Олий судига шикоят қилиш мумкинлиги тўғрисидаги қоида киритилган.

Фуқароликни йўқотиш фуқаро томонидан қонунга зид ҳаракат содир этганда, масалан бошқа мамлакатнинг давлат хизматида бўлиши натижасида юзага келади. Баъзи ҳолларда, фуқаро ўзга мамлакатнинг фуқароси билан қонуний никоҳдан ўтса ғайриихтиёрий равишда ўз фуқаролигини йўқотишга мажбур бўлади.[19] Озарбайжон, Белоруссия, Грузия, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистон Республикаларининг "Фуқаролик тўғрисида"ги қонунларида фуқароликни йўқотишнинг қуйидаги асослари мавжуд:

-Шахс чет эл давлатида ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полиция, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

-Агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

-Ёлғон маълумот ёки қалбаки ҳужжат асосида фуқароликка қабул қилинган бўлса.

Фуқароликдан маҳрум этиш – маълум бир давлат фуқаролигини олиб , сўнг нотўғри ҳаракат содир этган шахсга нисбатан ушбу давлат томонидан қўлланилган бир томонлама чора. Шунингдек, давлатга қарши жиноят содир этганлик учун санкция тарзида, яъни давлатнинг унга қарши чиққан фуқарога нисбатан реакцияси шаклида намоён бўлади. Фуқароликдан маҳрум қилиш фақатгина натурилизация

[19] Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник в 4–томах. Тома 1-2. Отв.ред. Б.А.Страшун. –М.: Бек, 1996. С.127.

қилинган шахсларгагина қўлланилади. Фуқароликдан маҳрум қилиш ГФР Конституциясининг 16- моддасида, Испания Конституциясининг 11-моддасида, АҚШнинг қонун ҳужжатларида кўрсатилган. Масалан, ГФР Асосий Қонунининг конституциясининг 16-моддасининг 1-қисмида ҳамда Испания Конституциясининг 1-модда 2-қисмида "Фуқароликдан маҳрум қилиш мумкин эмас", -деб кўрсатиб ўтилган.

3-§. Фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар, аполидлар)

Жаҳон тажрибасида фуқаролик масалаларини ҳал этишда фуқаролиги йўқ шахслар ва кўп фуқаролик деган иборалар ҳам мавжуддир. "Фуқаролиги йўқ шахслар (яъни ватансиз кишилар) **апатридлар** деб аталади". Бундай фуқаролар одатда маълум бир давлат билан алоқаси йўқлиги сабабли бирон-бир мамлакатга қарашли бўлмайди.

Фуқаролиги йўқ шахсларга апатридлар ёки аполидлар мақоми берилган бўлиб, улар оддий фуқаролар ва ҳатто чет элликлар мақомидан фарқ қилади. Чунки улар яшаб турган мамлакатда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбуриятларнинг айримларига эга баладилар. Масалан, "Австрия Федератив Республикасининг қонунчилигига кўра унинг ҳудудида топилган олти ойликдан ошган юқори ёшдаги бола фуқаролиги йўқ шахс ҳисобланади". Фуқаролиги йўқ шахсларнинг мулкий ҳуқуқларига келсак одатда уларга кўпгина давлатларнинг қонунларида чеклашлар белгиланмаган. Масалан, Улар битимлар тузиши, ер сотиб олиши, меҳнат қилиши мумкин. Асосан давлат органларидан рўйхатдан ўтган бўлишлари шарт.

Энг муҳими ҳудудда амалда бўлган қонунлар талаблари асосида яшашлари лозим. Баъзи ҳолларда улардан шу мамлакатнинг ҳудудида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатни (апатрид учун яшаб туриш мумкинлиги тўғрисидаги доимий ҳуқуқни бериб турувчи "зангори карта") олишлари талаб этилади. Фуқаролиги йўқ шахслар кўпинча сиёсий муҳожирлар бўлишади, чунки бундай тоифага кирувчи одамлар ўз мамлакатларидан сиёсий қонунбузарликлар содир этганликлари учун жавобгарликдан қочган ёки сиёсий дунёқарашлари учун таъқиб қилинаётган бўлади. Бундай шахслар одатда фуқароликни қабул қилишни хоҳлашмайди, сабаби улар ўзларини ноҳақ ўз фуқаролигидан маҳрум қилинган деб ҳисоблашади. Бир қанча ривожланган мамлакатларда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ўз ҳаётини тиклаши учун маълум бир миқдорда ёрдам пули ажратилиши, уларни бепул тилга ўргатилиши мумкин, ҳатто уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўриқланиши ҳам мумкин.

4-§. Икки ва кўп фуқаролик (бипатридлар)

Кўп фуқаролик тушунчаси, шахснинг бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлат билан сиёсий-ҳуқуқий алоқада бўлишини белгилайди. Масалан: Колумбия ва Боливия фуқаролиги. Икки ёки кўп фуқаролик айниқса, Жанубий Америка, Лотин Америкаси мамлакатларида кўп учрайди. Мексика ҳудудида Австрия фуқаролари ҳисобланган ота-онадан туғилган бола Мексика Конституцияга биноан Мексика фуқароси, Австрия Конституциясига биноан эса Австрия фуқароси ҳисобланади.

Польшада, Республика Президенти (1918-1939 йил) Польша фуқаролигидан ташқари, Швейцария фуқаролигига ҳам эга бўлган, шу сабабли Германиянинг Польшага бостириб кирган пайтдан у Швейцарияга қочиб кетган. 1990 йилда Президентликка номзод бўлган бизнесмен шахс ҳам Польша ва Канада фуқаролигига эга бўлган, ҳамда у доимий равишда Перу давлатида яшаган.

Икки ёки кўп фуқаролик дунёнинг кўп мамлакатларида тан олинмайди. Улар бундай ҳолатга салбий назар билан қарашади, чунки бундай ҳолат давлатнинг ягоналигига, мустаҳкамлигига ва яхлитлигига хавф солиши мумкин. Лекин баъзи бир мамлакатларда икки томонлама фуқароликни ўрнатиш тўғрисида махсус шартномалар тузилиши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, икки фуқароликка эга бўлган шахсларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўлиқ таъминланмаслиги мумкин, чунки шахс қайси давлатнинг қонунларига бўйсуниши, ҳуқуқ ва эркинликлардан қандай фойдаланиши, қайси давлат олдидаги бурчларни бажариши лозимлиги масаласи мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради, Масалан: ҳарбий хизматни ўташ. Икки фуқароликка эга бўлган шахсларда ҳатто оғиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Икки ёки кўп фуқаролик бу кам учрайдиган ҳолат. Давлатлар кўпинча икки томонлама фуқароликни тан олиш ҳақида эмас, балки уни бартараф этиш йўлларини кўзлайдиган битимларни тузишга ҳаракат қилади.

Назарий ва амалий жиҳатдан ўз ечимини топиши лозим бўлган ҳозирги замон муаммоларидан бири бу икки ёки кўп фуқаролик ҳисобланади. Баъзи бир доирадаги шахслар икки фуқаролик қоидасини қабул қилиш ғоясини илгари суришга ҳаракат қилади. Гўёки, ягона фуқаролик инсон ҳуқуқларини чеклайди, аслида эса бундай ғоя халқаро ҳуқуқий мезонларга тўғри келмайди ва турли давлатлар ўртасида қатор қийинчиликлар туғдиради.

5-§. Чел эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати

Демократик режимдаги давлатларда чет эллик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати оддий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатидан унчалик фарқ қилмайди. Лекин Буюк Британияда мулкка эга бўлган ва доимий яшайдиган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Баъзи ҳолларда бошқа мамлакат ҳудудида яшовчи чет эллик шахслар маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органининг аъзоси сифатида, ушбу ҳудудий бирликнинг ҳаётида иштирок этади, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларини сайлашда иштирок этади ва ҳоказо.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўп чет эллик шахслар учун овоз бериш масаласи унчалик муҳим ҳисобланмайди.Чет эллик шахсларни асосан иммиграция масаласи, яъни улар қаерда исташса, шу ерда яшаш масаласи қизиқтиради. АҚШни иммигрантлар давлати сифатида эътироф этишади. Узоқ вақт давомида АҚШга кўчиб ўтиш жуда осон амалга оширилар эди. Сўнгги 40-50 йилдан бери штатларга кўчиб ўтиш қонун йўли билан тартибга солина бошланди.1952 йил 24 декабрда Уолтер Маккарен қонуни қабул қилинди.1965-1968 йилларда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.Ушбу ҳужжат фуқаролик ва иммиграция масалаларини тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, 1953 йил 7 августда “Қочоқлар тўғриси”да Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар иммигрантларни мамлакат фуқаролига қабул қилишни тартибга солади. Масалан, Уолтер-Маккарен Қонунининг 212 бўлимида чет эллик шахсларнинг мамлакатга киришига йўл бермайдиган 39 та ҳолат санаб ўтилган. Шунингдек, чет эллик шахслар АҚШда иккига бўлинган: иммигрантлар ва иммигрант бўлмаган шахслар.

Иммигрантлар ноаниқ муддатга мамлакатга келиб, ёлланиб ишлаши мумкин ва беш йилдан сўнг мамлакат фуқаролигини белгиланган тартибда қабул қилиши мумукин. Иммигрант бўлмаган шахслар мамлакатга дипломатик ёки консуллик вакили, бизнесмен, турист, студент сифатида келиши мумкин. Улар маълум бир муддатга келишади ва ушбу муддат тугагандан сўнг мамлакат ҳудудиданчиқиб кетишлари мумкин. Улар маълум бир муддатга келишади ва ушбу муддат тугагандан сўнг мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишлари лозим.

АҚШга боришнинг энг қулай усули преференция бўлиб, унга кўра, америкалик фуқаронинг боласи, хотини ёки эри америкалик бўлган шахслар, фан ва маданият соҳасида муайян ютуқларга эриш-

ган ходимлар, жуда кам топиладиган мутахассислар, қочоқлар ва ҳоказо шахсларга кириш осонроқ кечади.

Мексика Конституциясининг 33-моддаси, 2-қисмида, ”Чет эл фуқароларининг давлатнинг ҳар қандай сиёсий ишларига аралашиши тақиқланган”. Болгария Конституциясига 26-моддасига кўра, чет эл фуқаролари ер сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

Хорижий давлатларнинг баъзи конституцияларида хорижликларга сиёсий бошпана бериш назарда тутилган. Германия, Италия Конституциялари бунга мисол бўла олади. Умуман чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати махсус қонунларда аниқ тартибга солинган.

6-§. Фуқаролик ҳуқуқида сиёсий бошпана, мамлакатдан чиқариб юбориш ва бошқа давлатга бериш асослари

Фуқаролик масалалари тизимида сиёсий бошпана сўраш ҳуқуқи алоҳида ўрин эгаллайди. Ўз мамлакатида сиёсий, диний, илмий ва бошқа сабабларга кўра таъқиб қилинаётган шахсларга ўз аризаларига мувофиқ ҳолда сиёсий бошпана берилиши мумкин. Масалан, Италия Конституциясининг 10-моддаси, 3-қисмига асосан, “Ўзининг мамлакатида демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган чет элликлар қонунда белгилаб қўйилган шартлар асосида сиёсий бошпана олиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ГФР Асосий Қонунининг 16-моддасининг 1-қисмида,” Ўзининг сиёсий дунё қарашлари учун таъқиб қилинаётган шахслар сиёсий бошпана олиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин”, -деб ёзиб қўйилган.

Сиёсий бошпана олиш ҳуқуқи кўпгина давлатларнинг қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, аммо иқтисодий бошпана бериш тан олинмайди, яъни моддий аҳволини яхшилаш мақсадида келган шахсларга бошпана берилмайди.Шуни алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, сиёсий бошпана бериш бу фуқароликни автоматик тарзда бериш эмас, бу масалани ҳал этиш тегишли давлатнинг ваколатли органлари ҳукмига ҳавола этилади.

Демократик Конституцияларда ўз фуқароларини ҳамда қонуний асосда тураётган чел эл фуқароларини бошқа давлатларга бериш (экстрадация) масаласи муҳим аҳамиятга эга. Кўпроқ бундай муносабатларда халқаро шартномалар муҳим роль ўйнайди. Масалан, 1991 йилги Словения Конституциясининг 47-моддасида қуйидагилар мустаҳкамланиб қўйилган: “Словения фуқароси чет эл давлатларига берилиши мумкин эмас. Чет эллик фуқаролар эса фақат халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳоллардагина берилиши мумкин”.

12-боб. Шахсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар

1-§. Яшаш, эркинлик, хусусий мулкка эгалик ва дахлсизлик ҳуқуқи
2-§. Фикр ва виждон эркинлиги
3-§. Уй жой дахлсизлиги
4-§. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ҳуқуқий кафолатланиши

1-§. Яшаш, эркинлик, хусусий мулкка эгалик ва дахлсизлик ҳуқуқи

Аввало ҳар қандай шахснинг ҳолатини шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тавсифлаб беради. Бу ҳолатлар инсоннинг табиий ҳуқуқи концепциялари билан боғлиқ. Инсоннинг бу ҳуқуқи ажралмас бўлиб ва айни чоғда уни чеклаб ҳам бўлмайди. Шу сабабли инсон ҳуқуқи ва эркинлигини кафолатлаш ҳамда амалга оширишга юқори даражада аҳамият берилади. Булар жумласига энг аввало яшаш ҳуқуқини киритиш мумкин.

Бу ҳуқуқ барча Халқаро ҳуқуқий актларда эълон қилинган, жаҳон мамлакатларининг деярли барча конституцияларида инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олинган бўлиб, у қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Кўпгина мамлакатларда (Словакия) бола туғилмасдан олдин унинг ҳаёти муҳофаза қилиниши конституция қоидаларида мустаҳкамланган, бунга кўра, ҳомиладор аёлларни аборт қилдириш қатъиян ман қилинган.

Яшаш ҳуқуқи давлатларнинг тинчликсевар сиёсат олиб боришини тақозо этади. Бир қатор мамлакатлар (Япония) ўз конституцияларида уруш қилишдан воз кечганлигини эълон қилдилар. Халқаро муаммоларни қурол ишлатмасдан, дипломатик йўллар билан ҳал қилишга ҳаракат кучаймоқда.

Давлат жиноятчиликка, айниқса, террористик ҳужумларга карши самарали кураш олиб бориши керак. Соғлиқни сақлаш тизими яшаш ҳуқуқини кафолатлайди, шунингдек, болалар ўлимининг олдини олиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, йўл транспорт ҳодисалари ва турли ёнғинларнинг олдини олиш ва бошқалар яшаш ҳуқуқини таъминловчи тадбирлар жумласига киради. Масалан, Россия Федерациясининг 1994 йил 21 декабрда қабул килган Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонуннинг 34-моддасида

«фуқаролар ўз ҳаётлари, соғлиқлари ва ёнғин чиққанда, мулкларни сақлаш ҳуқуқига эга» дейилган.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар конституциявий хусусиятга эга бўлиб, одатда шахснинг табиий ажралмас ҳуқуқи бўлиб шахс эркинлигини таъминловчи асосий кафолат бўлиб ҳисобланади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар нафақат бир мамлакат фуқароларига балки шу мамлакат ҳудудидаги барча фуқароларга яъни чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам тегишлидир.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир шахснинг туғилиши билан вужудга келади ҳамда бу ҳуқуқ унинг бутун ҳаёти давомидаги ажралмас ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят сифатида эътироф этилади.

Эркинлик – ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳимоя қилиш барча давлатларнинг вазифасидир. Инсон дунёда яшар экан, еб-ичиши, кийиниши, уй-жойли бўлиши, оила қуриши, хордиқ чиқариши, даволаниши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши зарур. Булар унинг инсон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир.

Эркинлик ҳақида гап кетганда, ушбу эркинликни рад этиш ёки чеклаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаганлиги ушбу эркинликни ҳурмат қилишнинг мажбурлиги тушунилади, акс ҳолда тегишли ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд бўлади.

Айтайлик, Конституцияда сўз эркинлиги берилган бўлса, инсон давлатдан ушбу ҳуқуқ асосида ўз фикрини ошкора қилишига қаршилик қилувчи ҳар қандай субъектдан ҳимоя қилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

1789 йилда инсон ва фуқаролар ҳуқуқи баён этилган Француз Декларациясида ҳар икки субъект (инсон ва фуқаро)нинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан унда шундай дейилган: “Одамлар ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг бўлиб туғилади. Ҳар бир давлат иттифоқининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда инсоннинг асосий (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқлари ва эркинликлари белгилаб берилган тарихий ҳужжат – инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини қабул қилди. Декларация 30 моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддасида “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин улар

бир-бирига нисбатан биродарларча муносабатда бўлишлари керак” дейилган.

Ҳозирги замон хорижий мамлакатлар конституцияларида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда мазкур масалалар умумлашган тарзда ўз ифодасини топган. Бу ҳуқуқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда бу ҳуқуқни мустаҳкамлаган ҳолда, мулкларни умумлаштириш имкониятлари назарда тутилади, хусусий мулкни миллийлаштиришга оид қоидалар мавжуд эди.

Эркин тадбиркорлик ва бозор муносабатларида тенглик ҳуқуқи, Испания, Хорватия конституцияларида ҳўжалик ташаббускорлиги мустаҳкамлаб қўйилган .

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бу шахснинг шаъни қадр қиммати билан боғлиқ ҳуқуқи бўлиб бу ҳуқуқга ҳеч ким дахл қилишга ҳаққи йўқ.

Конституциявий шахсий ҳуқуқлар тартибида шахснинг қадр қиммати алоҳида ўрин тутади. Турли қийноқлар, қўпол ва ноинсоний муомалалар, камситишлар, шахснинг розилигини олмай турли тиббий экспериментлар ўтказишга жаҳондаги ривожланган барча мамлакатлар конституцияларида қатъиян ман этилади. Шахс қадр қиммати алоҳида даъво аризаси воситасида суд тартибида ҳимоя қилинади, туҳмат қилганлар устидан жиноий иш қўзғатилиши мумкин. Бунда шахс даъвоси суд томонидан асосли деб топилса, матбуот орқали кечирим сўраши ва маънавий зарарни қоплаш сифатида жавобгарга муайян пул миқдорида тўловга тортилиши мумкин. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлат органларида сақланаётган шахс тўғрисидаги маълумотларни сир сақлашини назарда тутади. Бундай ҳуқуқ Болгария, Венгрия, Нидерландия ва бошқа давлатлар конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган. Маълумотлар шахснинг рухсатисиз эълон қилиниши мумкин эмас, шунингдек, шахснинг шахсий интим ҳаёти ҳақида маълумот тўплаш ман этилган.

Шахснинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири – эркинлик ва дахлсизлик бўлиб, унда шахс фақат суд ҳукми бўйича эркинликдан маҳрум этилиши мумкин. Шахсни қулликда сақлаш, савдо - инсон табиатига тамоман зид ҳаракат бўлиб, у эндиликда Халқаро жиноят сифатида талқин этилади. Тўғри, айрим ривожланаётган мамлакатларда баъзи қабилалар аҳолиси томонидан уйда қул сақлаш

ҳолатлари учрайди, ваҳоланки қонунда бу муносабатлар тақиқланган.

Шахсий дахлсизлик қонунга кўра, инсонни вақтинча озодликдан маҳрум қилиш фақат маълум муддатга амалга оширилиши ва қонунда белгиланган процедурага албатта, амал қилишни талаб этади. Судья санкциясига мувофиқ жиноий иш қўзғатилгандагина шахсни қамоққа олиш мумкин.

Шахс томонидан жамоат тартиби бузилганда полиция хизматчиси томонидан участкага олиб келиниши мумкин. Шунингдек, жиноят содир этганлар, терроризмда гумон қилинганлар, жиноятга тайёргарлик кўраётганлар ҳам қўлга олинади. Ушлаб туриш муддати чекланган: одатда, у 48-72 соатни ташкил этади (бир қатор ривожланаётган давлатларда узоқроқ муддат.

2-§. Фикр ва виждон эркинлиги

Фикр эркинлиги бу шахснинг ўзининг ички туйғуларини эркин ифода этиш ҳуқуқидир.Бу гуруҳга сўз ,нашр ,эркинликлари, ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари киради.

Эркин матбуот ва информация аслида демократиянинг асосий белгиси ҳисобланади. Демократиясиз на фуқаролик жамияти ва на ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун жаҳондаги кўплаб ривожланган давлатлар конституцияларида эркин матбуот масалалари тўла ўз ифодасини топган.

Шахсий ҳуқуқларга эркин арз қилиш жараёни ҳам киради. Одамларга ўзларининг хусусий эҳтиёжлари юзасидан Президентга, парламентга ёки маҳаллий бошқарув органларига мурожаат билан чиқишларига йўл қўйилади. Италияда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам шундай талаблар билан чиқиш қонунийлаштирилган.

Хорижий мамлакатларнинг Конституцияларида виждон эркинлиги эълон қилинган. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки эътиқод қилмаслиги мумкин. Ҳар бир шахс ўз диний эътиқодини ошкор этмаслик ҳуқуқига ҳам эга. Диндорлар диний маросимлар, ибодатларга эркин қатнашади, аммо жамоат тартибини бузмаслигини, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланмаслиги лозим. Бироқ баъзи мамлакатларда, масалан Польшада Черков давлат сиёсатига фаол иштирок этади. Диний асосда дискриминацияга йўл қўйилмайди, аммо баъзи мамлакатларда диний ташкилотлар, давлат томонидан эътироф этилган черковлар муайян имтиёзларга эга, улар давлат томонидан қўллаб-қувватланиб турилади (шимолий Ирландия ва

Италия католиклари, Исроилдаги яҳудийлар, Болгария ва Греция шарқий провослав черкови, Буюк Британиядаги инглиз черкови, Дания лютеранлиги ана шундай имтиёзларга эга).

3-§. Уй жой дахлсизлиги

Шахснинг яна бир ҳуқуқи турар-жойининг дахлсизлиги ҳисобланади, четдан келганлар учун хонадонга уй эгасининг рухсати билангина киришга рухсат этилади, маълум бир хонада тинтув ўтказиш, хонадондаги бирор предметни ёки ҳужжатни олиш фақат суднинг қарори билан амалга оширилиши мумкин. Аммо ёнғинни ўчиришда, жиноятчини таъқиб қилишда, бирор жиноятни олдини олиш каби асослар мавжуд бўлганда, хонадонга рухсатсиз киришга йўл қўйилади.

Мамлакат ҳудудида эркин ҳаракат қилиш ва турар жой танлаш шахснинг ажралмас ҳуқуқидир. У фақат қонун асосида хорижликларга тақиқланиши мумкин (улар ҳарбий шаҳарчада доимий яшашлари мумкин эмас). Булардан ташқари экологик фалокат зонасида, касаллик оммавий тарқалган ҳудудда, фавқулодда ҳодиса рўй берган жойда чеклашлар бўлади.

4-§. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ҳуқуқий кафолатланиши

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари икки кўринишига эга: давлатнинг ўз ички кафолатлари ва Халқаро ҳуқуқий кафолатлар.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари малакали юридик хизмат ва малакали ҳимоячи (адвокат) хизматидан тўлиқ равишда конституциявий, жиноий, фуқаровий ва маъмурий ишларда фойдаланиш имкониятида намоён бўлади.

Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари бўлиб, уларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бунда асосан ҳокимият вакиллари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Одатда, бундай жавобгарлик умумий характерга эга бўлиб, у оддий қонунларда аниқ ифодаланган.

Халқаро-ҳуқуқий кафолатлар ҳақида тўхталганимизда, бу ҳолат халқаро оммавий ҳуқуқ томонидан тартибга солинишини эслатиш лозим.

Иккинчи жаҳон урушига қадар давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар, асосан, давлат миқёсида ҳал этилган. Тоталитар тузум-

ларнинг емирилиши оқибатида, жаҳон жамоатчилигининг эътиборини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши ўзига қаратди. Булар БМТнинг Уставида (1945 йил), "Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация"да (1948 йил), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 1966 йилги Халқаро Пактларда ўз ифодасини топган. Бу Халқаро ҳужжатларда инсоннинг глобал муаммолари ҳуқуқий жиҳатдан кенг ёритилган. Инсон ҳуқуқларининг Халқаро ҳимоясини ҳозирда БМТ ва унинг тегишли махсус ташкилотлар амалга оширмоқда. Улар Европа Кенгаши томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва асосий эркинликлари тўғрисида"ги Европа Конвенциясига асосан иш олиб боришади. Агарда фуқаро ўз ҳуқуқи ҳимояси юзасидан ўз давлатида нажот топмаса, унда инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судига мурожаат қилиши мумкин.

Демократик давлатда жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари доимий ҳаракатдаги механизм сингари бўлмоғи лозим.

Бу конституциявий қоиданинг асосий моҳияти шундаки, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганда, у суд орқали ҳимоя қилинади. Инсонларга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар кўп қиррали хусусиятга эгадир.

13-боб. Сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар

1-§. Давлат ва жамият бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи
2-§. Сайлов ҳуқуқи: актив пассив сайлов ҳуқуқи
3-§. Жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи
4-§. Манифестация ва йиғилиш ўтказиш эркинлиги
5-§. Ахборот эркинлиги
6-§. Ватан ҳимояси ҳуқуқ ва мажбурият сифатида
7-§. Жабр ситамга қарши курашиш ҳуқуқи

1-§. Давлат ва жамият бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар дейилганда инсонларнинг бевосита сиёсий манфаатларига тегишли ҳуқуқлар тушунилади. Сиёсий ҳуқуқларнинг муҳим хусусияти биринчидан, мамлакат ҳаётидаги сиёсий жараёнлар ва давлат ҳокимиятини амалга оширишда, иштирок этиш имкониятларини ифодалайди.

Иккинчидан сиёсий ҳуқуқлар бевосита фуқаролик билан боғлиқ ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқида сиёсий ҳуқуқларга жумласига қуйидагилар киради:

- сайлаш ҳуқуқи, шу жумладан фаол сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи, пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқи, сайлов органларини шакллантиришда қатнашиш ҳуқуқи.
- бирлашма, уюшма ва ассоциацияга кириш ҳуқуқи;
- йиғилиш ва манифестацияда иштирок этиш.
- Эркин хабар тарқатиш, эркин фикрлаш, сўзлаш, эркин матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари шулар жумласига киради.
- Петиция (арзнома) ҳуқуқи. Бу ҳокимиятга ариза, шикоят ва таклифлар билан чиқишларни ўз ичига олади.
- Жабр-зулмга қарши кураш ҳуқуқи ва бошқалар.

Фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлов йўли билан шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади, чунки ушбу ҳуқуқ орқали фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этадилар.

Испания Конституциясининг 23-моддасида “Фуқаролар оммавий ишларда бевосита ёки сайловчи вакиллар орқали қатнашиш, шунингдек, қонунларда кўрсатилган талабларга мувофиқ оммавий функция ва мажбуриятларга киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Одат-

да, бу ҳуқуқ конституцияларда турли хил ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндиси сифатида берилиб, гоҳида мажбуриятларга илова қилинади”.

Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, фуқаролари давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар бу ҳуқуқни бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали амалга оширишлари мумкин.

Беларуссия Республикаси Конституциясининг 37-моддасига кўра, фуқаролар давлат ишлирини ҳал қилишда ҳам бевосита, ҳам эркин сайлаб қўйиладиган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришда бевосита иштирок этиши референдумлар ўтказиш, қонун лойиҳаларини ҳамда республикавий ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш билан, қонунда белгиланган бошқа усуллар билан таъминланади.

Беларуссия Республикасининг фуқаролари қонунда белгиланган тартибда давлат ва жамият ҳаётига доир маслаларни республикавий ва маҳаллий йиғилишларда муҳокама қилишда иштирок этадилар.

Умуман олганда, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи фуқароларга мамлакатдаги сиёсий жараёнларда, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда қатнашиш имконини беради.

2-§. Сайлов ҳуқуқи: актив, пассив сайлов ҳуқуқи

Сайлов ҳуқуқи - бу инсон ва фуқарларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, уни биз иккига ажратамиз: объектив сайлов ҳуқуқи ва субъектив сайлов ҳуқуқи.

Объектив сайлов ҳуқуқи деганда, сайлов ҳуқуқи нормалари тизими, яъни асосини ташкил қилувчи принциплар, тизимлар, тартиб, жараён ва сайловни ташкил қилиш кафолатлари тушунилади.

Субъектив сайлов ҳуқуқи дейилганда эса давлат томонидан маълум бир шахснинг сайловда қатнашишини (пассив сайлов ҳуқуқи ёки актив сайлов ҳуқуқи) таъминланишининг кафолатланишини тушунамиз.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш

ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда[20], жумладан, ЕХҲТнинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган. Ушбу ҳужжат талабларига кўра «Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар»[21]. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб у ёки бу давлатнинг қай даражадаги демократия асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи – (яъни сайлаш ҳуқуқи) бевосита демократиянинг кўринишларидан бири бўлиб, у фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда, ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишларини кўзда тутади. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқароларигина эга бўладилар.

Ёш цензи турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилии, Эрон, Кубада фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Латвия, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлгандан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонунга кўра сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларниг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган Қирғизистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Кодекс билан белгилаб қўйилган.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлсада, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос

[20] Қаранг: 1948 йилги Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 21-моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддаси.

[21]Қаранг: ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген кенгашининг ҳужжати. Копенгаген, 1990 йил 20 июнь //«ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари» А.Саидов муҳаррирлиги остида. –Т.: Адолат, 2002, 52-б.

солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқи – (яъни сайланиш ҳуқуқи) давлат ҳокимияти вакиллик органлари ёки маҳаллий бошқаруви органларига маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқидир.

Турли давлатларда маълум давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқидаги ёш цензи маълум давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт[22]. Бундан ташқари, барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Сайловлар ўтказиш жараёнида хорижий ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин эканлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган[23]. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва шунинг натижаси ўлароқ мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқида **абсентеизм** деб аталадиган ибора мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат сайловларда ва референдумларда ихтиёрий иштирок этиш ёки ихтиёрий қатнашмасликни ифодалайди. Бунда сайловчилар ўз ихтиёрлари билан сайловларда қатнашмайдилар, чунки ким депутат бўлиши, ким давлат бошлиғи бўлиши, қўйилган масаланинг қандай ҳал қилиниши уларни қизиқтирмайди. Бу эса давлат барқарорлигига хавф соладиган даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкинки, буни 2002 йилда ўтка-

[22] See: Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998, P 50-52

[23] Қаранг: ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген кенгашининг ҳужжати // «ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари», А.Саидов муҳаррирлиги остида. –Т.: 2002. 54-б.

зилган Франция Президенти сайловлари мисолида кўриш мумкин[24]. Бундай ҳолатни бошқа хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам учратиш мумкин.

3-§. Жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи

Жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бўлиб ҳисобланади.

Чунки, мазкур ҳуқуқ фуқаролар сиёсий ҳаётининг асосий жиҳатини ташкил этади. Унинг асосий мақсади ҳар бир фуқарони сиёсий ва ижтимоий ҳимоя билан таъминлашдан иборат. Хорижий мамлакатларда бу ҳуқуқ Конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, бу ўз навбатида уни амалга оширилишини кафолатлайди.

Масалан, Болгария Республикаси Конституциясининг 44-моддасида "фуқаролар эркин равишда бирлашишлари мумкин" деб белгилаб қўйилган.

Биз буни бошқа мамлакатлар Конституцияларида ҳам кўришимиз мумкин. Россия Федерацияси Конституциясининг 30-моддасига кўра, Россия Федерациясининг ҳар бир фуқароси бирлашиш ҳуқуқига эгадир.

Бундай Конституциявий қоида жаҳондаги айрим давлатлар Конституциясига ҳам киритилган.

Испания Конституциясида жамоат бирлашмаларини ташкил этилиши ва фаолияти демократик принципларга бўйсундирилган булиши кераклиги таъкидланган. Жамоат бирлашмаларига лицензия, фаолият кўрсатиш учун рухсатнома олиш талаб этилмайди. Аммо мавжуд бирлашма устави руйхатидан ўтказилиши шарт ва регистраторга одатда, Адлия Вазирлигига тақдим этилиши, ўзининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот берилиши зарур. Давлатнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашуви ман этилади, аммо ўз навбатида жамоат бирлашмага ҳам давлат органлари ваколатини ўзлаштиришга йўл қўйилмайди. Жамоат бирлашмаларини тугатиш эса ўзини ўзи тарқатиш ёки суднинг қарори билан амалга оширилади.

Демократик давлатларда бирлашмалар эркин фаолият юритади, лекин баъзи истиснолар учрайди. Жамоат бирлашмалари фойда олиш мақсадини кўзламаслиги, амалдаги Конституциявий тузумга қарши бўлмаслиги, миллий, диний, ирқий руҳда бўлмаслиги талаб этилади.

Шунингдек, маҳфий жамоалар ва шундай бирлашмалар тузишни, қисман ҳарбий характердаги сиёсий мақсадларни кўзловчи

[24] See: L`Etat du monde Annuaire economique et geopolitique 2003, Paris, Decouverte, P 497.

бирлашмаларни давлат таъқиб остига олади. Масалан, Озарбайжон Конституциясининг 58-моддаси 4-қисмига кўра, бутун Озарбайжон Республикаси ҳудудида ёки унинг бирор-бир қисмида қонуний давлат ҳокимиятини зўравонлик билан ағдариб ташлаш мақсадини кҳзлайдиган бирлашмалар тақиқиланади. Конституция ва қонунларни бузувчи бирлашмаларнинг фаолияти фақат суд тартибида тўхтатилиши мумкин.

Болгария Республикаси Конституциясининг 44-моддаси иккинчи қисмида, "фаолияти мамлакат суверенитети, ҳудудий бирлиги ва миллат бирлигига, ирқий, миллий, этник ёки диний адоватни авж олдиришга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига қарши қаратилган ташкилотлар, шунингдек, яширин ёки ҳарбийлаштирилган тузилмалар ташкил этадиган ёхуд ўз мақсадларига зўравонлик билан эришишга интиладиган ташкилотлар тақиқланади" деб қатъий белгилаб қўйилган.

Кўриниб турибдики, фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқ қонун доирасида амалга оширилиб, бошқа фуқаролар, давлат ва жамият ҳаётига зарар келтирмаслиги лозим.

4-§. Манифестация ва йиғилиш ўтказиш эркинлиги

Фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи эркин йиғилиш ва митинглар, ўтказиш кўчада намойиш ўтказишдан иборатдир.

Йиғилиш ҳуқуқи чекланмаган ёпиқ биноларда ёки очиқ ҳавода тўпланиш имкониятини берувчи фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Давлат фуқароларнинг йиғилиш ўтказиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Манифестация (очиқ кўриниш, эълон қилиш) "намойиш", "танатанали юриш" терминига синоним сифатида, очиқ ҳавода ҳар қандай чиқишни билдиради аниқ айтганда, митинг, намойиш, тантанали юриш демакдир.

Митинг – бу очиқ ҳавода ўтказиладиган йиғилиш тури бўлиб, одатда, бундай оммавий чиқишларда ташкилотчилар ва унинг қатнашчилари томонидан ҳукуматга чақириқ қаратилган мансабдор шахс ёки фуқароларга қандайдир талаб ифодаланган резолюция йўлланади.

Намойиш – бу одатда, кўча ва йўлларда одамларнинг плакатлар ва транспортлар орқали ҳаракатланувчи, одамларнинг ҳукуматга қандайдир умумий масала ёки талабини ифодалайди.

Тантанали юриш – бу кўча йўллар бўйлаб ҳаракатланишдир. Тантанали юришнинг турларидан бири бу маршлар бўлиб, аҳоли пунктлари ҳаттоки, бутун мамлакат бўйлаб ёки бир неча мамлакат бўйлаб тантанали юриш демакдир.

Пикет – бу одатда, озчилик одамларнинг тўдасининг (баъзан бита одам) плакатлар траспарантлар билан қандайдир объект атрофида ўтириб, туриб ёки айланма ҳаракатланувчи ҳолатлардир.

Манифестацияларда оддий пикетлардан ташқари, одатда, "хабар бериш тартиби" ўрнатилади. Агар манифестациялар ўтказиш шаҳар транспортининг нормал ҳаракатланиши учун тўсқинлик қилса, уларни бу жойларда ўтказишни тақиқлаб, бошқа жойларда ўтказишни таклиф қилади. Бу учун баъзи мамлакатларда давлат ҳокимиятининг рухсати ҳам талаб этилиши мумкин. (Германияда 2-кунгача, Францияда 3-кунгача, Буюк Британияда 6-кунгача)[25]

Йиғилишлар берк биноларда ўтказилса ҳокимият рухсати талаб этилмайди. Агар йиғилиш қатнашчилари томонидан тартибсизликка йўл қўйилиши эҳтимоли бўлса, полицияга бу ҳақда огоҳлантирилади.

Авторитар режимли давлатларда манифестациялар ўтказиш учун рухсат бериш тартиби ўрнатилган, баъзан йиғилишлар ўтказиш учун ҳукумат томонидан махсус жой ажратилади. Ушбу эркинлик айрим мамлакатлар Конституциялари билан тартибга солинади. Масалан, Германии Асосий Қонунининг 8-моддасига кўра,

1. Барча немислар рухсатсиз ёки маълум қилмасдан, қуролсиз ва тинч йўл билан тўпланиш ҳуқуқига эгадирлар;
2. Очиқ ҳавода йиғилишлар ўтказиш учун бу ҳуқуқ қонун билан ёки қонун асосида чекланиши мумкин.

Агар йиғилиш кўчада, майдонда, паркда ўтказилса, бошқа одамларнинг эркинликларига дахл қилмаслиги керак. Шунингдек очиқда ўтказилган йиғилишлардан ҳокимиятни олдиндан хабар қилиб қўйиш ёки ҳокимият рухсатини олиш керак. Булардан ташқари, Европа мамлакатлари икки-уч ой давомида очиқ майдонда ҳар қандай йиғилишларни тақиқлаб қўйиши мумкин. Агар бундай йиғилишлар этник ва диний масалаларга бағишланган бўлса, жамоат тартибсизликларини келтириб чиқариши мумкин.

Қонун чиқарувчи орган мажлис ўтказадиган, давлат раҳбари резиденцияси жойлашган бинолар яқинида йиғилишларга рухсат этилмайди. Очиқ майдонда ўтказиладиган йиғилишларга рухсат сўраб мурожаат қилинганда ҳокимиятнинг маҳаллий органи ёки

[25] В.Е.Чиркин «Конституционное права зарубежных стран». 2001.

полицияга унинг ташкилотчилари, унда қатнашувчиларнинг сони тўғрисидаги маълумот бериш керак. Кўча намойиши ўтказилганда ҳам шундай маълумот талаб этилади. Пикет ўтказилганда бундай маълумотлар талаб этилмайди.

Кўпгина мамлакатлар Конституциясида осойишта ва қурол ишлатмасдан ўтказилиши таъкидланган. Баъзи давлатларда манифестация, намойиш, юришлар, пикетлар ўтказиш учун рухсат сўраш тартиби белгиланган. 1953 йилда Германия Федератив Республикасида йиғилишлар, юришлар тўғрисида қонун қабул қилинган.

Кўча намойиши ўтказишда қатъий талаблар қўйилади: маҳаллий орган ҳаракат йўналишини тасдиқлаб бериши ва уларнинг сонини чеклаши мумкин. Агар риоя қилинмаса, полиция аралашувига йўл қўйилади, яъни полиция куч ишлатиш орқали юришга чиққанларни тарқатиб юбориши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда рухсат этилмаган намойишларда полиция айрим ҳолларда қурол ва бошқа техник воситаларни қўллайди, бунда қурбонлар ҳам бўлиши мумкин.

Пикет ўтказиш жамоат бўлиб жамоанинг ёки ўзини фикрини ошкора ифода этиш демакдир, бунда намойиш қилиш ва овоз кўчайтиргичлардан фойдаланилмайди, пикет уюштирганлар плакат ва бошқа тасвирий воситалар билан чиқадилар. Олий давлат ҳокимияти органлари яқинида пикет ўтказишга рухсат этилади, аммо маълум масофанинг сақланиши талаб этилади.

5-§. Ахборот эркинлиги

Эркин фикрлаш, сўзлаш ва матбуот эркинлиги сиёсий ҳуқуқнинг асосий кўринишларидан бири бўлиб, у хорижий мамлакатлар Конституцияларида ўз ифодасини топган.

Ахборот эркинлиги ўз ичига сўз эркинлиги, фикр билдириш эркинлиги, матбуот эркинлиги ва бошқа оммавий ахборот эркинлигини олади. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини сиёсий назорат қилишга (цензурага) йўл қўйилмайди.

Эркин матбуот ва информация аслида демократиянинг асосий белгиси ҳисобланади. Шунинг учун жаҳондаги кўплаб ривожланган давлатлар конституцияларида эркин матбуот масалалари тўла ўз ифодасини топган.

Болгария Республикаси Конституциясининг 40-моддасига кўра, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари эркиндир ҳамда улар цензурадан ўтказилмайди.

Македония Конституцияси 16-моддасида қуйидагилар кафолатланади:

А) Фикр, виждон, эътиқод ва оммавий фикр ифодаси эркинлиги;

Б) Сўз эркинлиги, халқ олдида сўзга чиқиш, халқ олдида маълумот бериш;

В) Ахборотларга эркин кириш, ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги;

Г) Оммавий ахборот воситаларига жавоб бериш ҳуқуқи;

Д) Оммавий ахборот воситаларида ахборот манбаларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

Е) Цензуранинг чекланганлиги

Ахборот эркинлиги конституциявий аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги пайтда, фақатгина сиёсий ҳаётга боғлиқ масалалар юзасидан эмас, яъни фақат фикр ифодалашгина эмас, балки қонуний йўл билан ахборот излаш ва фойдаланиш имконини беради. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўзларининг фаолиятига дахлдор маълумотларнинг, агар улар конфеденциал бўлмаса, бепул беришлари зарур.

Диққатга сазоворлиги шундаки, оммавий ахборот воситалари фақат давлат таъсиридан эмас, инсонларни оммавий ахборот воситалари таъсиридан ҳимоя қилади. АҚШ, Буюк Британия, Австралияда матбуот эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатини бузганлик учун юқори моддий жавобгарлик, ҳаттоки, жиноий жавобгарлик белгиланган.

Албатта, ахборот ва матбуот эркинлиги жамоатчилик томонидан сир сақланиши керак бўлган маълумотларга нисбатан қўлланилмайди. Сирлар ҳарбий, давлат, дипломатик, касб, тижорат, шахсий бўлиши мумкин. Демократик давлатларда давлат сири ҳақидаги маълумотларни ошкор қилган шахс жавобгарликка тортилади. Одатда, сир сақлаш учун маълум бир муддат ўрнатилади. Масалан, Буюк Британияда архив ҳужжатлари тузилганидан бошлаб 30 йилгача сир сақланади.

Ахборотларни олиш ва тарқатишда, маълум чекловлар қўйилиши мумкин. Масалан, Болгария Конституциясининг 41-моддасига кўра,

1. Ҳар ким ахборот тўплаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва пок номига қарши, шунингдек, миллий хавфсизликка, жамоат тартибига, соғлиқ ва ахлоққа қарши қаратилиши мумкин эмас.

2. Фуқаролар давлат идораси ёки муассасасидан ўзлари учун қонуний қизиқиш уйғотадиган масалалар бўйича ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар (агар ахборот давлат сири ёки қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сир ҳисобланмаса, ёки ҳеч кимнинг ҳуқуқларида дахл қилмаса).

Петиция (лот. petition) ҳуқуқи (мурожаат қилиш ҳуқуқи) – фуқароларнинг маълум бир қисми томонидан ёзма шаклда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётга оид бўлган масалалар бўйича давлатнинг олий органларига бериладиган сўрови. Петиция ҳуқуқи – парламентга, президентга, маҳаллий органларига (Италия) индивидуал ёки коллектив мурожаат қилиш кўринишида бўлади. Бу ҳуқуқ айрим Хорижий мамлакатлар Конституцияларида ўз ифодасини топган. Испания Конституциясининг 29-моддасида қуйидагича белгиланган:

1. “Ҳамма испанлар индивидуал ёки коллектив ёзма петиция ҳуқуқига эга”.

2. Қуролли кучлар ёки ҳарбий интизом ўрнатилган муассасаларда ишлайдиган шахс бу ҳуқуқдан махсус қонунларда ўрнатилган тартибда индивидуал фойдаланади.

6-§. Ватан ҳимояси ҳуқуқ ва мажбурият сифатида

Ватан ҳимояси одатда, конституциявий мажбурият ҳисобланади, лекин айрим хорижий мамлакатларда ҳуқуқ сифатида кўрилади.

Мажбурият - кўпгина давлатлар инсон ва фуқаролар мажбуриятларини фарқлайдилар, масалан, мажбурий ҳарбий хизмат. Баъзан айрим ҳуқуқлар фанда позитив ҳуқуқлар деб ҳисобланади. (масалан, фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи ёки инсонларнинг қонун ва конституцияга риоя қилиш мажбуриятлари). Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат томонидан, шу жумладан суд тартибида ҳам таъминланади. Бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар, конституцияда ёзилган бўлса-да, ахлоқий ҳисобланиб, суд томонидан бевосита ҳимоя қилинади.

Конституцион нормалар мудофаа, ҳарбий мажбуриятларни тартибга солади.

Мексика Конституцияси сиёсий мажбуриятлар қаторига:

1. Муниципалитет фуқаролик ва ҳарбий таълимнинг яшаш жойида ҳарбий интизом ва қуролдан фойдаланиш малакасига эгалик қилишни ўрганишга кун ва соатларда ўтиш курсини белгилайди;

2. Ватан тинчлиги, ҳудуди, мустақиллиги, шунингдек, ички тинчлиги ва тартибни сақлаш мақсадида, фуқаролар миллий гвардия рўйхатида турадилар ва хизмат қиладилар.

Германия Асосий Қонунининг 12-а моддасига кўра, 18 ёшга етган эркаклар қуролли кучларда, федерал чегара соқчилигида ёки фуқаро мудофааси корпусида хизматни ўташга мажбур этилиши мумкин.

Хорватия Конституциясининг 47-моддасидага кўра "Ҳарбий мажбурият ва мамлакат мудофааси – бунга қобилияти бўлган фуқаронинг мажбуриятидир.

Хитой Конституциясида ҳарбий мажбурият маънавий характер касб этади.

Беларуссия Республикаси Конституциясининг 57-моддасига кўра, Беларуссия Республикасини ҳимоя қилиш - Беларуссия Республикаси фуқаросининг вазифаси ва муқаддас бурчидир.

Ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматдан озод қилиниш ёки уни муқобил хизмат билан алмаштириш асослари ва шароитларни қонун билан белгиланади.

7-§. Жабр ситамга қарши курашиш ҳуқуқи

Кўплаб хорижий мамлакатларда жабр ситамга қарши кураш ҳуқуқи билан боғлиқ барча масалалар конституциявий тартибга солинган. Бунга кўра, давлат ҳар бир алоҳида олинган инсон (фуқаро) га жабр зулмга қарши кураш ҳимоя қилиш ҳамда сақлаш мажбуриятини олади. Айни вақтда, Конституция асосий ҳуқуқ ва эркинликларни инсон ва фуқаро мажбуриятлари билан боғлайди. Чунки, инсон ҳуқуқи – бу табиий равишда вужудга келадиган, инсон туғилганидан кейин шахс сифатида унга тегишли бўлган ажралмас ҳуқуқ ҳисобланади. Одамлар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғилади. Ҳар бир давлатнинг асосий мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқини таъминлаб беришдан иборат. Инсоннинг ажралмас ҳуқуқига одатда, эркин ва хавфсиз яшаш ҳуқуқи, мулкка эгалик ҳуқуқи, жисмоний ва психологик дахлсизлик ҳуқуқи ва бошқалар киради. Демак инсон ҳуқуқи асосий ҳуқуқ бўлиб, у туғилганда муайян давлатнинг фуқаросими ёки йўқми, бундан қатъи назар, барчага хос ҳуқуқ сифатида фойдаланилади. Шу жиҳатдан 1776 йил 4 июлда қабул қилинган АҚШ Мустақиллиги Декларациясида айтилганларни мисол қилиб келтириш мумкин. Декларацияда таъкидланишича "барча одамлар тенг ҳолатда яратган томонидан муайян ажралмас ҳуқуқ билан дунёга келади. Яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахт-саодат сари интилиш ҳуқуқи ана шулар жумласига киради. ...агар бирор давлат тузуми бу ҳуқуқни бузса, халқ уни ўзгартириши ёки бекор қилиши ва шундай янги тузум

барпо қилиши керакки, у энг яхши ҳолатда халқ хавфсизлиги ҳамда унинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланадиган принципларга асослансин”. Шу боис жабр ситамга қарши кураш ҳуқуқини кафолатланиши бу борада муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жабр-ситамга қарши кураш ҳуқуқи индивидуал ва коллектив характерга эга бўлиб, конституцион нормаларда ўз аксини топши билан кафолатланади. Жабр-зулмга қарши кураш ҳуқуқи биринчи марта французларнинг инсон ва фуқаролар ҳуқуқи Декларациясида ва АҚШнинг Мустақиллик Декларациясида (1776 й) мустаҳкамлаб қўйилган эди. Германия Федератив Республикаси ва Португалия Конституцияларида ҳам жабр-зулмга қарши кураш ҳуқуқи ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-модасига кўра, ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқиланади.

Ушбу декларациянинг 5-моддасида “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак” деб белгиланган.

Биз бундай нормаларни Хорижий мамлакатлар Коснтитуцияларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Германия Асосий Қонунининг 1-моддаси 1-қисмида шундай дейилади: “Инсонинг қадр-қиммати дахлсиздир. Уни ҳурмат қилиш ва ҳимоя этиш, ҳар қандай давлат ҳокимиятининг бурчидир”.

Арманистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига кўра, инсон қийноққа солиниши, шафқатсиз ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазога дучор қилиниши мумкин эмас. Инсон ўз розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга дучор этилиши мумкин эмас.

14-боб. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар

1-§. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари
2-§. Мулк ҳуқуқи ва меросга эга бўлиш
3-§. Меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи
4-§. Соф атроф-муҳитга эга бўлиш ва уни муҳофаза қилиш ҳуқуқи
5-§. Малакали тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи
6-§. Уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи
7-§. Таълим олиш ҳуқуқи
8-§. Маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Ижод эркинлиги

1-§. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Хорижий мамлакатлар фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни ўзида ифодалайди. Ушбу муносабатларда давлат манфаатлари билан шахс манфаатлари бирлиги акс эттирилади. Мавжуд ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги қоидалар шахсни ҳар томонлама камол топишига, ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишга меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, инсонпарварлик, ахлоқий маънавий принципларга қатъий риоя этишига қаратилган. Ҳар бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг шу мамлакатга тегишли эканлиги билан белгиланади.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар шахсга унинг жамиятда нормал ҳолатда яшаши, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар турли давлатларда турлича мустаҳкамланган. Масалан, социалистик тузумдаги давлатларда иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларга алоҳида эътибор берилади ва биринчилардан бўлиб уларни Конституцияларида мустаҳкамлаб қўядилар. Шунингдек, Мексиканинг 1917 йилги ва Германиянинг 1919 йилги Веймар Конституциясида алоҳида тарзда иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисида тўхталиб ўтилганлиги кўзга ташланади.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳар бир мамлакат шахснинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлари унинг жамиятда нормал ҳолатда ривожланиши ва эркин яшашини таъминлаш мақсадида эътироф этилади. Бу бевосита шахсларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоялаш ва уларни таъминлаш билан боғлиқдир. Давлат уларни амалга оширишга кўмаклашади, шароит яратади. Ҳар бир давлат ўз Конституциясида ўзининг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш эканлигини белгилаб қўяди (Испания, Ҳиндистон, Нигерия, Филиппин давлатларининг Конституциялари шулар жумласидандир).

Хориж олимлари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларни турлича туркумларга ажратишган. Хорижий мамлакатлар конституцияларида ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий потенциалидан келиб чиқиб ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни жуда кўплаб турларини ажратиб кўрсатган. Хорижий мамлакатларнинг илмий адабиётларда улар қуйидагича туркумланади: мулкдор бўлиш ҳуқуқи, мерос олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, турар-жойга эга бўлиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, иш ташлаш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, тоза атроф табиий муҳитга эга бўлиш, маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи, ижод эркинлиги ва ҳоказолар киради.

2-§. Мулк ҳуқуқи ва меросга эга бўлиш

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар қаторида мулкдор бўлиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи салмоқли ўринни эгаллайди. Сабаб ер юзидаги мавжуд бўлган давлатларнинг кўпчилиги иқтисодиётни сиёсатдан устунлигини тан олади ва ҳаммаси мавжуд тамойилларга риоя этишади.

Мулкчилик масалалари биринчи бўлиб, Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги француз Декларациянинг 17-моддасида мулкнинг дахлсизлиги ва муқаддаслиги таъкидланган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасида: "Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас".

Бу тамойилни БМТга аъзо бўлган ҳар бир давлат ўзининг Конституциясига дастуруламал қилиб олган. Болгария Конституциясининг 17-моддасида: "Хусусий мулк дахлсиздир" деб таъкидланган.

Конституцияларда хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва унинг дахлсизлиги ва шулар билан бир қаторда хусусий мулкнинг мулкдорга мажбурият юкловчи функциялари тўғрисида ҳам эслатиб ўтилган (Бразилия, Германия, Италия, Португалия, Украина Конституциялари шулар жумласидандир). Масалан, Германия Асосий Қонунининг 14-моддасида мулкчилик тўғрисида гапирилиб, “мулк ва мерос олиш ҳуқуқи кафолатланади” - деб эслатиб ўтилган.

Мулкка эгалик қилиш маълум мажбуриятларни юклайди. Ундан фойдаланиш айни вақтда, фаровонликка хизмат қилиши лозим. Мол-мулкни мажбурий равишда мусодара қилишга фақат омманинг фаровонлиги мақсадида йўл қўйилади. Мол-мулкни мусодара қилиш фақат қонун билан ёки қонун асосида амалга оширилади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, хусусий мулк ҳам давлат томонидан фаровонлик учун олиб қўйилиши мумкин. Айрим тармоқлар национализация қилиниши мумкин (электроэнергетика, сув, газ, нефть, автомобиль заводлари). Бу жараён XX асрда Буюк Британия, Миср, Италия, Фанция, Мексикаларда содир бўлган. Ҳарбий ҳаракатлар даврида мулкдорнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Мулкдорнинг ҳуқуқлари фақат қонун асосида, умумий манфаатлар йўлида, фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади. Шуни таъкидлаш лозимки, демократик мамлакатлар Конституцияларида мулкдор мол-мулкининг чегараси белгиланмаган. Мулкдор хоҳлаган миқдордаги мулкка фақат қонуний асослар бўйича эгалик қилиши мумкин.

Шунингдек, айрим мамлакатларда айрим объектлар истеъмолдан чиқарилган. Мўғулистонда ер чет эл фуқароларининг мулки бўла олмаслиги белгиланган. Классик мусулмон ҳуқуқига биноан тўртта нарса, яъни яйлов, сув, ҳаво ва олов хусусий шахсларнинг мулки бўла олмаслиги белгиланган ва улар умумистеъмолдаги умуммиллий бойлик деб эълон қилинган. Лекин ҳозирда кўпчилик мусулмон давлатларида бу анъанадан аллақачон четлашилган.

Мулкни ҳимоя қилиш ҳам ҳамма хориж мамлакамларида бир хил эмас. Социалистик давлатларда кўпинча давлат мулкига урғу берилади, яъни мулкларни ҳимоя қилишда тенглик ўрнатилмаган. Ҳозирги замонавий ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ҳамма мулкнинг тенглиги эълон қилинган, шу жумладан хусусий мулкнинг ҳам. Баъзида эса интеллектуал мулк тўғрисида (ижодий меҳнат натижаси, муаллифлик ҳуқуқи) ҳам эслатиб ўтилади. Бу номоддий кўринишдаги мулк ҳисобланади .

Давлатнинг ҳозирги ривожланиш даврида унинг хусусий секторга аралашуви чекланмоқда. Шунингдек, бозорнинг ўзи тартибга солувчи субъект сифатида майдонга чиқиши натижаси ўлароқ, турли хил шаклдаги мулклар вужудга келяпти.

3-§. Меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи

Меҳнат қилиш деганда, шахс ўз жисмоний ва ақлий қобилиятини ишга солиб, ўзининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириши тушунилади. Меҳнат қилиш бу бурч эмас, балки бу ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқ шахсларга фойда келтирувчи, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш имкониятини беради. Тоталитар социалистик давлатларнинг Конституцияларида меҳнат ҳуқуқи тўғрисида ҳеч нима дейилмаган, сабаб уларда меҳнат қилиш ҳуқуқ эмас балки мажбурият ҳисобланади. Бундай тузимдаги давлатларда давлат ҳаммани иш билан таъминлашни, ҳатто ишсизликни тугатишни ҳам ўз зиммасига олади.

Аввало ҳар бир шахс қандай меҳнат билан шуғулланишни ўзи белгилайди, чунки, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгадир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-моддасида юқоридаги тамойил мустаҳкамланган. Унга кўра:

- ҳар бир инсон меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга;
- ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга;
- ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда, ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирувчи даромад олиш ҳуқуқига эга;
- ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадир.

Бу декларация иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган Конституцияларга асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, бу Халқаро ҳужжатни ратификация қилган ҳар бир давлат бу тамойилларни ўз Конституциясида дастуруламал қилиб олган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг капиталистик мамлакатларнинг Конституцияларида бу тўғридан-тўғри акс эттирилган. Шунингдек, декларацияга ишсизларга

давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши ҳам илова қилинган эди. Давлат ишсизларни иш билан таъминлаш чораларини кўради. Фавқулодда вазиятларда, ҳарбий хизматда ва суднинг қарорига кўрагина шахс мажбурий меҳнатга жалб қилиниши мумкин. Бунда шахснинг ўзи меҳнат турини эркин танлай олмайди. Бошқа ҳеч қандай ҳолларда шахс мажбурий меҳнатга жалб қилиниши мумкин эмас.

Германия Асосий Қонунининг 12-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб: "Барча немислар ўзлари учун касб танлаш, иш жойини мустақил танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Касб билан шуғулланиш қонун билан ёки қонун асосида тартибга солинади. Ҳеч ким одатдаги умумий ва барчага тенг бўлган оммавий мажбуриятдан ташқари бирон бир муайян ишни бажаришга мажбур этилиши мумкин эмас. Фақат суднинг ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этилган тақдирдагина, мажбурий меҳнатга йўл қўйилади".

Болгария Конституциясининг 16-моддасида “меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланади ва қонун билан ҳимояланади” деб таъкидланган.

Испания конституциясининг 35-моддасида “ҳамма испанлар меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар” деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур асосий қонуннинг 37-моддасида ишчиларнинг иш ташлаш ҳуқуқига ҳам эга эканлиги белгиланган.

Греция Конституцияси биринчи бўлимининг 22-моддасида “ҳамма меҳнат қилувчилар ирқи ва бошқа фарқларидан қатъи назар бир хил иш учун бир хил ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи яна қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- Адолатли меҳнат шароитларида ишлаш;
- Эркин касб танлаш;
- Иши учун ҳақ олиш (социалистик давлатларда меҳнат сифатидан қатъи назар ҳақ тўланиши белгилаб қўйилган).

Хорижий мамлакатларда минимал иш ҳақи белгилаб қўйилган. Минимал иш ҳақини белгилашдан мақсад шахснинг минимал яшашини таъминлашдир. Агар шахснинг яшаш шароити минимал даражадан пасайиб кетса, шахс нормал ҳолатда яшай олмаслиги мумкин. Хорижий мамлакатларда камбағаллик ҳолатини белгилаб берувчи қонунлар мавжуддир ва бу қонунларда даромаднинг минимал миқдори ҳам кўрсатиб ўтилган. Швецияда бу 8000 кронни ташкил этади. Агар аҳолининг даромади шундан кам бўлса демак, у камбағал ҳисобланади.

Ишсизларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилади. Буни белгилаш мезони бўлиб ўртача ойлик даромадининг фоизи ҳисобланади. Буюк Британияда бу 50 - 60 фоиз, Германияда бу кўрсаткич 30 - 35% ни ташкил этса, Швецияда 80 % ни ташкил этади. Бир қатор давлатларда (Италия, Болгария каби) меҳнат қилиш ҳуқуқи конституциявий тарзда фақат иш жойи билан таъминлаш орқали кафолатланади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи тўғрисида гапирганда, тадбиркорлик фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозимдир. Тадбиркорлик фаолияти – бу фуқароларнинг фойда олиш учун таваккалчилик асосида қонун билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланишидир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтиш, гувоҳнома (лицензия) олиш зарурдир. Давлат органлари унинг фаолиятига аралашишга ёки унга бошқача тарзда тазйиқ ўтказишга ҳаққи йўқдир. Кўпчилик хориж давлатларида монополистик ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Монопол баҳони бозорда ўрнатиш ва рақобатчиларни обрўсизлантириш учун турли хил бирлашмаларга бирлашиш тақиқланади.

Дам олиш ҳуқуқи. Хорижий мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан яна бири бу инсон ва фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқидир. Дам олиш қонунлар асосида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлайди. Болгария Конституциясининг 48-моддасида фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ва шароитда дам олиш ва таътилга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар деб белгилаб қўйилган. Дам олиш вақти ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан ўз ихтиёрига кўра, фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Дам олиш иш куни давомида, кундалик дам олиш (сменалар оралиғида), ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари дам олиш ва йиллик таътилларидан иборатдир. Ёлланиб ишлаётган ҳар бир киши дам олиш ҳуқуқига эгадир. Дам олиш инсоннинг меҳнат қобилиятиин қайта тиклаш учун зарур. Дам олиш ҳам жисмоний дам олиш ва маънавий дам олишга бўлинади. Бу ҳуқуқ инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири бўлиб, унинг нормал ҳолатда яшашаига кўмак беради. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларда кўпинча ҳафтанинг одатда, шанба ва якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади. Ишчиларга бу кунлари учун ҳам тўлиқ иш ҳақи сақланиб қолгани ҳолда маош тўланади.

Саноати ривожланган кўплаб давлатларда бу йиллик таътил камида икки ҳафтани ташкил этади (Япония), уч ҳафта Германияда, тўрт ҳафта Италияда, беш ҳафта Испания ва Францияда йиллик дам

олиш куни деб эълон қилинган. АҚШда бу йиллик таътил 23 кун қилиб белгиланган.

Лекин статистик маълумотларга қараганда, бу вақт узоқроқ давом этади. Масалан, Германиядаги ишчиларнинг учдан икки қисми байрамларни ҳам ҳисобга олганда, 36 кун дам олар эканлар. Ишчилар билан тузилган жамоа шартномаларига кўра, бу янада ўзайтирилиши мумкин. Жаҳон миқёсида олиб қарасак, энг қисқа таътил Япония давлатида белгиланган бўлиб йилига 6 – 7 кунни ташкил этади.

Иш ташлаш ҳуқуқи. Кўплаб хориж мамлакатларининг конституцияларида иш ташлаш ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланган. 1995 йил 12 декабрда қабул қилинган Озарбойжон Республикаси конституциясининг 36-моддасида қуйидаги жумлалар мавжуд "Ҳар бир шахс мустақил ёки бошқалар билан биргаликда иш ташлаш ҳуқуқига эгадир. Булар қонунда кўрсатилган ҳоллардагина чекланиши мумкин”.

Иш ташлаш ҳуқуқини қайси ҳуқуқлар қаторига киритиш тўғрисида турли хил баҳслар мавжуд. Россия олимлари буни бевосита ижтимоий- иқтисодий ҳуқуқлар билан боғлаган ҳолда шулар қаторига киритишса, бошқа бир гуруҳ олимлар бу ҳуқуқни намойиш қилиш билан боғлаган ҳолда сиёсий ҳуқуқлар қаторига киритишади. Фикримизча иш ташлаш ҳуқуқи бевосита ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар билан боғликдир, сабаби бу ҳуқуқнинг замирида меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ётади. Иш ташлашда ишчилар давлат ёки унинг юқори органларидан маълум бир талабларни амалга оширишни сўраб чиқишади. Иш ташлаш қонун асосида ва унинг доирасида амалга оширилади Иш ташлашда қуйидаги талаблар қўйилиши мумкин:

- Иқтисодий талаблар (меҳнат шароитини яхшилаш, иш ҳақини ошириш)
- Корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган талаблар

Иш ташлашда сиёсий талабларни қўйиш тақиқланади, шунингдек, жаҳон миқиёсида умумий иш ташлашлар, бирдамлик иш ташлашлари, корхоналарда ишлаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлашни талаб қилувчи (масалан сув, электр энергияси, газ билан боғлиқ талаблар)иш ташлашлар ҳам тақиқланади. Шунингдек, транспорт воситаларида, темир йўлда, ҳаво ва бошқа траспорт воситаларида иш ташлашлар қатъиян тақиқланади. Шулар қаторида алоҳида турдаги касб ходимларига ҳам иш ташлаш тақиқланади: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат хизматчилари, ҳаво диспетчерлари ва ҳоказолар. Озарбойжон Республикаси Конституциясининг 36-

моддасида: "Қуролли кучларда ва бошқа ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар иш ташлаш ҳуқуқига эга эмас".

Тоталитар тўзумдаги давлатлар Конституцияларида иш ташлаш тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган, шундан хулоса чиқариш мумкинки, уларда иш ташлаш умуман тақиқланган. Айрим социалистик давлатларда ушбу ҳолат империализмга қарши кураш сифатида баҳоланиб, ҳукумат томонидан рағбатлантирилган. Ҳар қандай ҳарбий режим ўрнатилган давлатда иш ташлаш умуман тақиқланади.

4-§. Соф атроф-муҳитга эга бўлиш ва уни муҳофаза қилиш ҳуқуқи

Атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш муаммолари XX асрнинг иккинчи ярмида янги давр Конституцияларида ўз аксини топа бошлади. Ҳатто Словакия Республикасининг амалдаги Конституциясида экологияга бағишланган алоҳида боблар мавжуд. Социалистик мамлакатлар Конституциялари эса соф атроф-муҳитга эга бўлиш ва уни муҳофаза қилиш ҳуқуқини умуман кўрсатмайди (истисно тариқасида Вьетнам Социалистик Республикаси Конституциясида ушбу ҳуқуқлар мустаҳкамланган).

Испания Конституциясининг 45-моддаси, 1-қисмига биноан “Барча, шахснинг тўлақонли ривожланиши йўлида атроф табиий муҳитдан фойдаланиш ҳуқуқига ва бир вақтнинг ўзида асраб авайлаш мажбуриятига эга”. Ушбу модданинг учинчи қисмида норма талабларини бажармаганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликнинг муқаррарлиги белгиланган.

5-§. Малакали тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар қаторига кирувчи муҳим ҳуқуқлардан бири бу малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқидир. Хорижий мамлакатлар Конституцияларининг деярли барчасида ҳар бир фуқаро малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

Малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи шахснинг давлат томонидан таъминланадиган ва кафолатланадиган, тиббиёт соҳасида махсус билимларга эга бўлган махсус муассаса ва шахсларга тиббий ёрдам сўраб мурожаат этиш ва олиш имкониятидир.

Бу ҳуқуқни таъминлаш тор маънода тегишли ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган шаклда шифокорлар ва тиббий муассасалар

томонидан тегишли муолажалар билан хизмат кўрсатишни билдирса, кенг маънода ижтимоий иқтисодий жиҳатдан инсон соғлом бўлиши учун зарур тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий суғурталарни таъминлаш, экологик шароитларни яхшилаш каби комплекс чоралар асосида аҳоли саломатлигини таъминлаш тушунилади.

Малакали тиббий хизмат кўрсатишда махсус билимга эга бўлган ва тиббий ёрдамга муҳтожларга зарурий ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳақида шифокор қасамёдини қабул қилган шахслар томонидан амалга оширилади. Ҳар бир давлат қоида тариқасида малакага эга бўлмаган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишни тақиқлайди. Ҳозирда хориж мамлакатларида малакали тиббий ёрдам олишнинг ҳам икки тури мавжуд. Улар давлатга қарашли бўлган ва хусусий даволаш муассасаларидир. Хориж мамлакатларида хусусий тарзда тиббий хизмат кўрсатиш ўта ривожланган. Бир қанча хориж малакатларида, шу жумладан, АҚШда ҳам либерал система мавжуд. Бунга кўра, беморнинг ўзи ҳаммасига, яъни шифокор хизматига, дори-дармонлар ва бошқалар учун ўзи ҳақ тўлайди. Булардан ташқари хориж мамлакатларида маҳаллий миқёсда касалхоналар ҳам мавжуд бўлиб, улар бевосита аҳоли соғлиғини сақлашга хизмат қилади. Германия, Польша, Францияда социал медицина хизмати мавжуд. Бундай ҳолатда махсус умумдавлат соғлиқни сақлаш фонди ташкил қилинади ва бу давлат бюджетидан таъминланади.

Буюк Британия, Дания, Италияда ва айрим тоталитар давлатларда ҳам давлат томонидан таъминланадиган медицина хизмати мавжуд. Ҳар қандай чиқимлар бюджетдан қопланади. Бемор касалхонада даволангани учун ҳеч қандай ҳақ тўламайди. Айрим давлатларда давлат медицинаси ва амбулатория дорилари бепул бўлса, айрим давлатларда амбулатория касалхоналари пуллик. Лекин улар учун имтиёзлар ҳам мавжуд. Жарроҳлик ишлари пуллик амалга оширилади. Ҳозирда, бундай ташкилотлар унчалик кўп эмас. Давлат медицинаси тўғрисидаги қонун социал – демократлар ҳокимият тепасида турган пайтида, қабул қилинган, кўплаб давлатларда давлат медицинаси аҳолининг фақат камбағал қатлами учун сақланиб қолинган.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 25-моддасида: “Фуқаролар ўзлари учун мос бўлган шароит ва тартибда бепул тиббий хизматлар кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш давлат бюджети маблағларидан иш берувчилар томонидан ижтимоий суғурта бўйича шахсий ва жамоа бадаллари ҳисобидан ва қонунда

белгиланган шароит ва тартибда бошқа манбалардан келган маблағлар билан таъминланади. Давлат фуқароларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилади, спорт ва туризмнинг ривожланишини рағбатлантиради. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари даволанишга ва санатория чора-тадбирларини ўтказишга мажбур этилиши мумкин эмас.

Давлат барча тиббий муассасалар ишини шунингдек, дори-дармон воситалари, биологик препаратлар, тиббиёт асбоб ускуналари ишлаб чиқариш ва уларнинг сотилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимий хизматга эга бўлишига ва ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолганда, таъминланиш ҳуқуқига эга".

Италия Конституциясининг 32-моддасида давлат инсонларнинг соғлиқларини ҳимоя қилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Хитой Халқ Республикасининг конституциясида ўзгача бир ҳолат яъни 58-моддасида фуқаролар бепул тиббий ёрдам олишлари мумкин. Бу ҳуқуқ қуйидагилар орқали: бепул тиббий ёрдам, касалхона шахобчаларини, шу жумладан, санаторияларни ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини кенгайтириш билан таъминланади.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган Конституцияларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи тўғрисида гапириб ўтилган. Пенсиялар одатда меҳнат ва ижтимоий турларга бўлинади.

Меҳнат асосидаги пенсиялар (ёшга доир пенсиялар) икки ҳолатда тўланади: биринчидан давлат томонидан маълум бир ёшга етганда ва иккинчидан маълум бир меҳнат стажига эга бўлганидан кейин. Хорижда пенсия ёши эркаклар учун 60-65 ёш, аёллар учун 55-60 ёш қилиб белгиланган. Швецияда ҳамма учун 65 ёш, Данияда 67 ёш, иш стажи эса аёллар учун 20-25, эркаклар учун 25-30 ёш қилиб белгилаб қўйилган. Ривожланган давлатларда пенсиянинг миқдори иш ҳақининг 75 - 90% ташкил қилади. Давлатларда пенсия учун пенсия фондлари ташкил этилган.

Ижтимоий пенсиялар ногиронлик учун, боқувчисини йўқотганлик учун ва қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда берилади. Хорижий мамлакатларда давлат томонидан бериладиган пенсиялардан

ташқари айрим турдаги шахсларга бериладиган маҳаллий пенсиялар ҳам белгиланган. Ривожланган мамлакатларда ишчиларга ўзларининг иш жойларидан қўшимча пенсия ҳақлари ҳам тўланади. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, шунингдек, бошқа ёрдамларни ҳам қамраб олади (уй билан таъминлаш, ногиронларга ёрдам ва ҳоказолар).

6-§. Уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи

Фуқаролар давлат томонидан бериладиган уй-жойларни олиш учун йиллар давомида рўйхатда туришган[26]. Ҳозирги демократик Конституцияларда бу каби ҳуқуқлар атрофлича кўрсатиб ўтилмаган бўлса-да, бошқа қонун ҳужжатларида батафсил баён қилинган. Истисно тариқасида, Испания Конституциясининг 47-моддасида: “Барча испанлар эҳтиёжларига кўра, турар жойлардан фойдаланиш ҳуқуқларига эгадирлар” (лекин, ушбу ҳуқуқ ҳуқуқ ва эркинликлар бўлимида берилмаган).

7-§. Таълим олиш ҳуқуқи

Билим олиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тизимининг ажралмас қисмидир. Билим олиш ҳуқуқи инсон ижтимоий ҳуқуқларининг бири сифатида уни шахс сифатида ривожланишига, қолаверса бутун жамият тараққиёти учун замин яратади. Айнан таълимнинг ривожланганлигига қараб шахснинг ижтимоий равнақи ва жамиятда тутган мавқеи аниқланади.[27]

Инсон ҳуқуқлар Умумжаҳон Декларациясининг 26-моддаси, 2-бандида “Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга...барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушуниш, тоқатлилик ва дўстликка хизмат қилиши керак”лиги белгиланган.

"Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим бепул бўлиши лозим. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан, ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушунишга хайрихоҳлик ва дўстлик учун хизмат қилиши ва БМТнинг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бермоғи лозим. Кичик ёшдаги болалар учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёз ҳуқуқига эгадирлар" (Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон

[26] Страшун Б.А.(руководитель ав. коллектива и от. ред.) Конституционное (государственное) право зарубежных стран. – Т.1-2. –М.: Бек, 2000. 182-ст.

[27] Страшун Б.А.(руководитель ав. коллектива и от. ред.) Конституционное (государственное) право зарубежных стран. – Т.1-2. –М.: Бек, 2000. 181-ст.

декларацияси 26-модда 1,3 бандлари).

Кўплаб ривожланган мамлакатларда, бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб ҳисобланади. Лекин бунга доимо амал қилинмайди (бунга сабаб қилиб кўпинча ўқитувчиларнинг етишмаслиги, моддий маблағлар сабаб қилиб кўрсатилади, айниқса, Африка давлатларида) Кўплаб ривожланган давлатларда мажбурий таълим 12 йил ҳисобланади. Постсоциалистик давлатларда мажбурий бепул таълим 8-9 йил қилиб белгилаб қўйилган.

Билим олиш ҳуқуқи айрим мамлакатларда, жумладан, АҚШ Конституциясида кўрсатилмаган ва фақат штатлар Конституцияларида белгиланган холос.

Хорижий мамлактларда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Охирги юз йилликда диний таълим беришнинг муаммолари вужудга келди. Мунозараларнинг асосий мавзуси болалар учун мактабда диний таълим бериш ёки бермаслик масаласи эди. Ўтган юз йилликда бу масала ғарб мамлакатларида долзарб масала сифатида юзага чиқди. XX асрда давлатлар иккита жаҳон урушини бошидан кечиргандан сўнг, бу муаоммони ечишга уриндилар. Бу соҳадаги асосий ислоҳотлар Африка мамлакатларида 1910-1930ва 1962 йилларда, Буюк Британияда 1944-1988 йилларда, Бельгияда 1968 йилда, Германияда 1949 йилда, Туркияда 1924, 1933, 1949-1982 йилларда амалга оширилди.[28]

[28] М.Давлетова. Ўзбекистонда таълим Қонунчилигининг ривожланиши. –Т.: ТДЮИ, 2003. 96-б.

Германия Федерациясининг Конституцияси (7-моддаси)да расмий мактабларда диний таълим мажбурийдир. Юқоридаги қонун моддасига мувофиқ таълимни бошқарувчи провециялар ушбу таълим учун жавобгарликни ўз зиммасига оладилар.

Шунинг учун, Федерация Конституциясининг таълим тўғрисидаги моддаси провинцияларнинг конституцияларини назорат қилади. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ барча таълим ва ўқитиш давлат назоратидадир; диний дарсга бориш ёки бормаслиги унинг тарбияси билан шуғулланувчи (ота-она)ларнинг хоҳишига боғликдир.

Германия Асосий Қонунига асосан таълим ва билим олишни назорат қилиш жавобгарлиги давлатнинг зиммасидадир деб белгиланган. Шунингдек, алоҳида шахс ёки тузилмаларнинг махсус мактаблар очиш ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Англия давлати таълимни ислоҳ этиш учун 1998 йилда қонун қабул қилди. Унда таълим муассасаларида христиан ва бошқа динларни ўрганиш йўлга қўйилган. Христианликни ўрганиш Ислом, будда ва бошқа динларни ўрганиш билан бирга қўшиб олиб борилган. Юқоридаги динларнинг биргаликда ўрганилишида, уларнинг қайси бири ҳақ дин, ёки қайси бириси нотўғри деган маънода эмас, балки бу услуб (яъни биргаликда ўрганиш) ҳар хил динга итоат қилувчилар мавжуд бўлган мамлакатда жамият эҳтиёжларини қондиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Озарбойжон Конституциясининг 42-моддасида 1. Ҳар бир фуқаро илм олиш ҳуқуқига эгадир. 2. Давлат бепул умумий-мажбурий ўрта маълумот олишни кафолатлайди. 3. Илм тизими давлат томонидан назорат қилинади. 4. Давлат истеъдодли шахслар учун уларнинг моддий аҳволидан қатъи назар, илм олишни давом эттиришни кафолатлайди. 5. Давлат илмнинг энг қуйи стандартларини белгилайди.

Арманистон Конституциясининг 35-моддасида “Ҳар бир фуқаро таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Ўрта маълумот олиш давлат ўқув юртларида бепулдир. Ҳар бир фуқаро давлат ўқув юртларида танлов асосида бепул олий ва ўрта махсус маълумот олиш ҳуқуқига эгадир. Надавлат ўқув юртларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби қонун билан белгиланади.

Белоруссия Конституциясининг 49-моддасида “Ҳар ким маълумот олиш ҳуқуқига эгадир. Умумий ўрта ва ҳунар-техника таълимининг қулайлиги ва бепуллиги кафолатланади. Ўрта махсус ва олий таълим олиш ҳар кимнинг қобилиятига мувофиқ ҳамма учун

баробардир. Ҳар ким танлов асосида давлат ўқув юртларида бепул тегишли маълумот олиш олиши мумкин” - дейилган.

Хорижий мамлакатларда олий таълим ҳам хусусий, ҳам давлатга қарашли бўлиши мумкин. АҚШда хусусий университетларда ўқиш учун 15-30 минг доллар пул тўланади. Японияда 8-60 минг доллар. Айрим давлатларда давлат университетларида ўқиш бепул ҳисобланади (социалистик мамлакатларда).

Билим олиш ҳуқуқи билан таълим бериш ҳуқуқи (академик эркинлик) бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқ замирида - эркин жамиятда ҳар бир ўқитувчига ўз предмети бўйича ўзи лозим топган билимларни бериш эркинлиги тушунилади.

8-§. Маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Ижод эркинлиги

Бу ҳуқуқлар иккинчи авлод Конституцияларидан бошлаб мустаҳкамлана бошланган. Айнан шу даврга келиб маданий ҳуқуқларни Конституцияларда эътироф этилиши социалистик тузумга асосланган мамлакатларда маданий ҳуқуқлар орқали жамиятда кескин мафкуравий сиёсат олиб борилишига замин яратган (фашистик, коммунистик ғоялар кишилар онгига сингдирилган). Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 27-моддасида: «Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самарадорлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга», -дейилган. Болгария Конституцияси 54-моддасида: «Ҳар ким миллий ва умуминсоний маданий бойликлардан фойдаланиш, шунингдек, ўзининг мансублигига мувофиқ ўз маданиятини ривожлантириш ҳуқуқига эгадирлар», -деб таъкидланган.

Маданий ҳуқуқлар жумласига бадиий, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, ихтирочилик, муаллифлик ҳуқуқлари ҳамда уларга ўхшаган ҳуқуқлар, маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи киради.

15-боб. Давлат – сиёсий тизимнинг асосий элементи ва конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида

1-§. Давлат тушунчаси. Давлат ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асослари
2-§. Давлатнинг функциялари
3-§. Давлат типлари
4-§. Давлатни ташкил этиш ва фаолиятининг конституциявий принциплари
5-§. Давлат механизми, аппарати, органлари ва муассасалари

1-§. Давлат тушунчаси. Давлат ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асослари

«Давлат» тушунчаси конституциявий ҳуқуқнинг кўпчилик атамалари каби кўп маъноли ва кўп қирралидир. Давлат – бу инсонларни бошқариб турадиган, яъни қонунлар чиқарадиган, армияга эга бўлган, жиноятчиликка қарши курашадиган ташкилотдир. Давлат сиёсий институт ҳисобланади. «Давлат» термини кўп маъноли сўз бўлиб, у хорижий тилларда ўзининг турли хил ифодасини топади. Масалан, Англияда “state”, француз тилида “E’tat”, немис тилида “staat”, испан тилида “Estado”, румин тилида “stat”, поляк тилида “panstwo”, венгер тилида “allam” ва бошқалар. Бир вақтнинг ўзида хорижий конституцияларда «давлат» атамасига яқин бошқа атамалар ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, «ҳукумат», «республика», «мамлакат» ва бошқалар. Чунончи, Греция Конституциясининг 30-моддасида: «Президент Республикада ижтимоий институтларнинг арбитри ҳисобланади», 82-моддасида эса: «ҳукумат мамлакатнинг умумий сиёсатини аниқлайди ва белгилайди...» деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Федератив давлатлар конституцияларида давлат атамасига синоним сифатида «федерация» атамаси ҳам ишлатилади. Масалан, «Федерация божхона ишлари ва молиявий монополиялар бўйича мутлақ қонунчилик компетенциясига эга» (ГФР 1949 йилги Конституциясининг 105(1)-моддаси).

Хорижий мамлакатлар Конституцияларида «давлат» атамаси мазмуни очиб берилмайди ва у шароитга қараб, турли маъноларда ишлатилади. Жумладан, 1975 йилги Греция Конституциясининг қатор моддалари қуйидаги тушунчани мустаҳкамлайди: «Спорт давлатнинг ҳимояси ва ҳомийлигидадир» (16-модда); «Мулкчилик

давлат ҳимоясидадир» (17 модда); «Давлат аҳолининг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилади ва мулксизларга ёрдам бериш учун махсус чоралар кўради» (21 модда) ва ҳоказо. Бунда, давлат айнан фуқароларнинг ижтимоий ҳаётини тартибга соладиган ташкилот сифатида тушунилади. Кўпчилик мамлакатларнинг Конституцияларида ҳокимият бўғинларининг ташкил этилишини ифодаловчи нормалар бевосита «давлат» атамаси билан боғлиқ ҳолда берилади. Масалан, Озарбайжон Республикаси Конституциясининг III бўлими «Давлат ҳокимияти» деб номланади. Демак, бу ҳолда давлат жамият ишларини бошқарадиган, фуқароларнинг ҳуқуқларини тартибга солиб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларини ўзида мужассамлаштиради.

Умуман олганда, давлат - бу жамият ишларини бошқарадиган ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини тартибга соладиган ҳамда уларни таъминлайдиган сиёсий ташкилотдир.

1920 йилда қабул қилинган Австрия федерал конституциявий қонунининг 1-2-моддаларида Австрия демократик федератив республика сифатида берилган, кейинги ўринларда эса «федерация», «ҳудуд» (ёки жамият) терминлари ишлатилади. Юқоридаги мисоллар шундан далолат беради, биз давлатни конституциявий ҳуқуқнинг субъекти сифатида гапирганимизда, аниқ ҳолатларда бу термин қандай мазмун ва аҳамиятга эга эканлиги ҳамда қандай тушунчани назарда тутишини аниқ тасаввур қилишимиз керак. Шунинг учун, давлат деганда, бутун мамлакат миқёсида ёки федерация субъектлари бўйича амал қилувчи ёки ҳудудий ҳамжамиятнинг қонунчилик автономиясидан фойдаланувчи (масалан: Италияда вилоят), бу органларнинг маҳаллий вакиллари (перфектлар, комиссарлар ва бошқалар), шу жумладан, қонунчилик ёхуд мамлакат сайлов корпусининг органларининг йиғиндиси тушунилади. Шуни айтиш керакки, давлат тушунчаси «марксча-ленинча» анъанага мувофиқ, «бир синфнинг иккинчи синф томонидан эксплатация қилиш машинаси» сифатида тавсифланган ҳамда у жамоатни бошқарувчи синфий мажбурлаш аппарати сифатида тушунилган. Лекин, давлат тушунчасининг ҳозирги замонавий маъноси тамоман бошқача: юқорида таъкидланганидек, давлат-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган ҳамда уларни амалга оширилиши учун кенг шарт-шароит таъминлаб берадиган муҳим сиёсий ташкилот сифатида намоён бўлади.

Шу ўринда давлатнинг сиёсий тизимдаги ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтиш лозим. Давлат сиёсий тизимнинг раҳбарий элементи, ядроси ҳисобланади. У сиёсий тизимнинг бошқа элементлари-

дан ҳокимият таъсир имкониятига, реал ҳокимиятга эга бўлган ягона ташкилот эканлиги билан фарқ қилади ва шунинг учун ҳам давлат сиёсий тизимда ўзининг «гигемонлик» мавқеини қўлдан бермайди. Давлат ҳокимиятининг мажбурлов механизмига эгалиги уни сиёсий тизимнинг энг асосий элементига айлантиради. Шу билан бирга давлат жамиятда нисбий мустақилликка эгадир. Давлат демократия шароитида асосий ижтимоий гуруҳ ва қатламлари манфаатларини, шу жумладан, бутун жамият манфаатларини ҳимоя қилар экан, давлат ўз органлари сиймосида ижтимоий тизимни ўз вазифаларини амалга ошириши ва мавжуд булишини хавф остига қўйиши мумкин бўлган гуруҳий эгоизмга чек қўйишга интилади. Айрим олимларнинг фикрича, ҳозирги замон учун сиёсий тизим элементлари (сиёсий партиялар, уюшмалар ва бирлашмалар, диний бирлашмалар) қанчалик муҳим ва одатий бўлишига қарамай, жамият бу тузилмаларсиз ҳам мавжуд бўла олади, лекин давлат ўзининг барча атрибутлари билан сақланиб қолади. Ҳолбуки, қадимги Бобил ва Миср давлати сиёсий партияларсиз ва жамоат бирлашмаларисиз ҳам мавжуд бўлган[29]. Давлат, аслини олганда, одамларнинг муайян ҳудудда яшашини ташкил этишга қодир бўлган сиёсий кучдир. Демак, давлатнинг асосий белгиси бўлиб давлат ҳокимияти ҳисобланади, яъни умуммажбурий қоидалар чиқариш имконияти. Умуммажбурийлик-давлатнинг ҳам авторитети, салоҳияти орқали, ҳам мазкур қоидаларни бажаришга мажбурлаш лаёқати ва бу қоидаларни бузганлик ёки риоя этмаганлик учун жазолаш ҳуқуқи билан таъминланади (ҳуқуқ нормаларида кўрсатилган санкцияларни қўллаш орқали).

Шундай қилиб, давлатни кўпчилик одамлар манфаати йўлида ижтимоий ҳаётни тартибга соладиган ва ўз суверен ҳокимиятидан фойдаланадиган ташкилот сифатида таърифлаш мумкин.

2-§. Давлатнинг функциялари

Давлат ўзида жамият ҳаётини ташкиллаштиришнинг белгиланган маълум шаклини (усулини), яъни маълум бир ҳудудда шу ҳудуд аҳолисининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўрнатилган ва мажбурлов кучига таянувчи, сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи махсус аппаратни ифодалайди. Жамият ҳаётини ташкиллаштиришнинг бундай шаклида ижтимоий муносабатлар, ҳокимият аппарати томонидан ўрнатилувчи ва санкцияланувчи, бажарилиши шу аппарат томонидан таъминланувчи ҳуқуқ нормалари билан тар-

[29] Чудаков М.Ф. Конституционное(государственное) право зарубежных стран. -М.: Новое издание, 2001.С.74.

тибга солинади. Давлат органларининг иқтисодиётни тартибга солиш соҳасидаги фаолияти корпорациялар ва шахсларнинг манфаатларига таъсир этади ва улар давлат кўрсатмаларини бажаришда моддий йўқотишларга учрайдилар, аммо бу соҳани давлат томонидан тартибга солиниши ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун фаолият юритаётган хўжалик субъектларига янада қулайроқ шарт-шароит яратиш мақсадини кузлайди. Ушбу фаолият орқали жамиятга етказилиши мумкин бўлган маълум зарарлардан уларни ҳимоялайди. Давлат сиёсий тизимда ўз вазифаларини муайян функциялар орқали бажаради. Бу функциялар бир пайтнинг ўзида давлат органлари ва муассасалари фаолиятининг асосий йўналишлари ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш усули сифатида намоён бўлади.

Замонавий демократик давлат учун қўйидаги асосий функциялар хос. *Сиёсий функция* – миллат бирлигини таъминлаш ва бошқа сиёсий институтлар фаолияти учун зарур бўлган шароитларни яратишда намоён бўлади. Давлат органлари бу функцияларни амалга ошириш давомида маълум бир тизимга эга бўлмаган ижтимоий ҳодисаларни вужудга келишини қонун доирасида олдини олиш ва улар натижасида келиб чиққан оқибатларни максимал даражада тугатишга интиладилар. Бу ҳодисалар шахс, давлат, жамият манфаатларига зарар етказиш ва зўравонлик билан боғлиқ бўлган жиноий характердаги ҳаракатлардан (умумий жиноятчилик, терроризм) ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш сифатида намоён бўлиши мумкин (иш ташлашлар, оммавий тартибсизликлар). Давлат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳасини тартибга солиш давомида сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатларни белгилаб беради ва бу қоидаларга риоя қилинишини таъминлайди. Сиёсий воситалар орқали давлат жамиятнинг ташқи хавфсизлигини таъминлайди.

Давлатнинг *иқтисодий функциясининг* аҳамияти ошиб, таркиби мураккаблашмоқда. Давлат хўжалик субъектларига ташқи бозорда қулай шароит яратиб беришга интилади. Давлатнинг ижтимоий функцияси ҳам кенгайиб бормоқда. Амалда барча ривожланган ва кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданиятни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш ва бошқа соҳаларда кенг қамровли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Давлат – этник, диний ва бошқа жамоалар ўртасида муносабатларни, меҳнат ва сармоя ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга катта эътибор бермоқда. Мақсад–жамият учун хавфли низоларни олдини олиш. Давлатнинг *мафкуравий функцияси* ҳам муҳим

аҳамиятга эга бўлиб, унинг мақсади жамиятни инсонпарвар, ахлоқий – маънавий, маданий руҳда тарбиялашдан иборат бўлади. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида давлатнинг юксак даражада фаоллигини талаб қилади. Социалистик мамлакатларда эса давлат амалда бутун ижтимоий ҳаётни қамраб олади. Шу билан бирга давлат тўлиқ ҳукмрон бўлган маркисча–ленинча ғояларга бўйсундирилган.

3-§. Давлат типлари

Демократик давлат. “Давлат ҳокимиятининг манбаи халқ” эканлигидан келиб чиқади ҳамда демократиянинг икки шакли – вакиллик демократияси ва бевосита демократиянинг реал ва мунтазам амалга оширилишини англатади.

Вакиллик демократияси – бу халқ томонидан сайлаб қўйилган вакиллар, энг аввало, парламент депутатлари фаолиятини англатади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) демократия - бевосита фуқаролар томонидан давлат аҳамиятига молик қарорларнинг қабул қилинишидир. Бу энг аввало умуммиллий ва маҳаллий референдумлар, турли йиғинларда амалга оширилади.

Демократиянинг ажралмас хусусияти бўлиб, нафақат кўпчиликнинг иродаси орқали давлатни бошқариш, балки қарорлар қабул қилишда, камчиликнинг ҳам сўзсиз қатнашувини таъминланишидир. Хорижий мамлакатлар давлат-ҳуқуқий амалиётида давлат ҳокимиятига мухолифатда бўлган кучларнинг мавжудлиги таъминланади. Буюк Британияда расмий мухолифат мавжуд бўлиб, унинг раҳнамоси «сояда турган» ҳукуматга бошчилик қилибгина қолмай (исталган вақт реал ҳукуматга айланишга тайёр бўлиб турадиган), балки нормативҳужжатларда «қиролича ҳазратларининг мухолифати сардори» деб номланади ва бу фаолияти учун ҳақ олади, - албатта бу озчиликнинг фикрини ҳисобга олишнинг классик мисолидир.

Давлатнинг демократиявийлиги фуқароларнинг давлат қарорларини қабул қилинишига бошқа усуллар билан ҳам таъсир эта олишидадир. Бу манфаатдор фуқароларнинг гуруҳлар ва қўмиталар ташкил этиш, петициялар тузиш ва намойишлар ўтказиш каби конституциявий-ҳуқуқий имкониятлар мавжудлигини билдиради.

Ҳуқуқий давлат (ғояси) – жуда кенг тарқалган тушунча бўлиб, у ўзида давлатни нафақат ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қонун-қоидалар асосидагина фаолият олиб боришини, балки унинг демократия шароитида фуқаролар ўртасидаги тенг муносабатлар эвазига шаклланишини англатади. Давлатнинг бундай тавсифи Германия

Асосий қонунининг 20–моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳуқуқий давлат–конституциявий тузум билан боғлиқ қонунчилик, қонун ва ҳуқуқ билан боғлиқ ижроия ҳокимияти ва одил судлов мавжуд давлатда конституциявий тузумнинг суверенлиги принципи билан изоҳланиб, ҳаттоки, Конституцияни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган қонун чиқарувчи ҳам ўзбошимчалик билан иш тутишига йўл қўйилмайди.[30] Шу билан бирга, давлатни ташкил этишнинг мазкур принципи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражага кўтаради, уларни реал ҳаётда таъминланишини кафолатлайди. Ҳуқуқий давлатнинг яна бир муҳим белгиси – у ҳам бўлса, ҳар қандай шахснинг ўз бузилган (давлат ёки бошқа шахслар томонидан бузилган) ҳуқуқларини эркин ва мустақил суд орқали ҳимоя қила олиш имкониятининг мавжудлигидир.

Умумлаштириб, давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий тавсифини қуйидагиларда акс эттириш мумкин:

- давлат томонидан инсон ҳуқуқларини дахлсиз ва ажралмас деб эътироф этилиши ва мустаҳкамланиши. Амалда барча демократик давлатларнинг замонавий Конституцияларида инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи нормалар мавжуд. Бу айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган Конституцияларда кенг татбиқ этилган;

- ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш механизмининг юридик асослари ўрнатилганлиги. Бу масалада, мажбурий ҳуқуқий процедура тўғрисидаги конституциявий қоида муҳим роль ўйнайди, яъни барча учун баравар ва адолатли равишда жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг процессуал қоидаларининг конституциявий мустаҳкамланишидир (масалан, АҚШнинг Конституциясининг 1791 йилда киритилган V тузатишига кўра, “ҳеч ким белгиланган юридик процедурасиз ҳаётидан, эркидан ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас” ёки Франция конституциясининг 66-моддасига биноан, «ҳеч ким ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас»). Ушбу принцип деярли барча демократик давлатларнинг замонавий конституцияларида ўз ифодасини топган;

- Конституциянинг бошқа қонунларга нисбатан устувор бўлиши. Ушбу қоида Конституциянинг мамлакатдаги қонунчилик пирамидасидаги “олий” даражасини таъминлашга қаратилган. Мазкур қоида, Болгария Конституциясининг 5-моддасида аниқ ифодаланган. Унга кўра, «Конституция олий қонун ҳисобланиб, бошқа қонунлар унга

[30] Қаранг: Жаҳон конституциялари.I жилд. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 384-б.

зид келиши мумкин эмас; Конституция қоидалари бевосита амал қилади»;

- давлат органлари ва мансабдор шахсларининг конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилиш мажбуриятининг конституциявий қоида тарзида ўрнатилиши. Ҳуқуқий давлат принципининг ушбу белгиси хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи давлат ҳамда унинг органлари ҳам конституция ва қонунлар асосида фаолият юритишини англатди. Масалан, 1976 йилги Португалия Республикаси конституциясининг 3-моддасида айтилишича, давлат конституцияга бўйсунган ҳолда, демократик қонунийликка таянади;

- судларнинг мустақиллиги конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги. Суд ҳокимияти ҳуқуқий давлатда инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларининг қўриқчиси сифатида барча принципларнинг қонунда белгиланган шароитларига риоя қилиш устидан назоратни олиб боради. 1946 йилги Япония конституциясининг 76-моддасига кўра, «Барча судьялар мустақилдирлар, улар конституция ва қонунлар билан боғлиқ бўлиб, фақат ўз виждонларига кўра ҳаракат қиладилар».

- халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички миллий ҳуқуқ нормаларига нисбатан устунлиги. Польша Конституциясининг 91-моддасига кўра, ратификацияланган халқаро шартномалар халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилган халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолдагина қонундан устун туради. Бундан ташқари, бу қоида аниқ ва содда қилиб, 1991 йилдаги Македония конституциясининг 118-моддасида берилган бўлиб, унга кўра, «Конституцияга мос равишда имзоланган халқаро шартномалар ҳуқуқий тартиботнинг таркибий қисми ҳисобланади ва қонунлар билан ўзгартирилиши мумкин эмас».

Дунёвий давлат. Дунёвий сифатдаги давлатнинг конституциявий характери унинг умумэътироф этилган дунёвий нормалар асосида ривожланиб боришини ҳамда диннинг давлатдан ажралиши, диний ташкилотларнинг фаолиятини чегараланган муҳитини билдиради. Масалан, Италия Конституциясининг 7-моддасида:«давлат ва католик черкови бир-биридан ўзларига тегишли соҳаларда мустақил ва суверендирлар», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатнинг дунёвий характери диний камчиликни ташкил қилувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрнатилишини ҳамда черков ва диний жамиятларга давлат бюджетидан моддий ёрдам кўрсатилишини инкор этмайди. Таъкидлаш лозимки, давлатлар динга жалб этилганлик даражасига қараб, теократик (Ватикан, Саудия Арабистони) ва клерикал

давлатларга бўлинади. Клерикал давлатлар черков-диний одатлар, расм-русумларга, анъаналарга ва диний ҳуқуқга камроқ тортилган давлатлар бўлиб, уларга Эронни киритиш мумкин, бироқ, 80-йилларнинг бошида, «ислом инқилоби» ва М.Ҳумойнийнинг раҳбарлик даврида Эрон теократик давлат бўлган эди.

Ижтимоий давлат. Давлатнинг ижтимоий характерга эга эканлиги принципи кейинги пайтларда, кўпчилик давлатлар томонидан эълон қилинмоқда. Бу принцип аслида давлатнинг муайян бир шаклда ижтимоий бойликларни қайта тақсимлаш йўли билан мулксизлар, меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар, қариялар, болалар ва шунга ўхшаш тоифаларга ғамхўрлик кўрсатиш лозимлигини эътироф этиши ва бу мажбуриятни зиммасига олишини англатади. Масалан, Испания Конституцияси (1978) 1-моддасида Испаниянинг ижтимоий давлат деб мустаҳкамланган, «Ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг асосий принциплари ҳақида»ги 3-бобда эса бу қоидани ривожлантирилади, унда бошқа масалалар билан бир қаторда, оилани ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза этиш - давлатнинг зиммасида эканлиги мустаҳкамланган (39 м. 1), шунингдек, «давлат ҳокимияти ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий барқарорлик сиёсати доирасида минтақавий ва шахсий даромадларнинг энг адолатли тақсимланиши учун зарур шароитларни вужудга келтиради (40 м. 1)» деб таъкидлаб қўйилган.

Давлатнинг ижтимоий характери қуйидагилар билан таъминланиши мумкин деб ҳисоблаш қабул қилинган:

- фуқароларнинг муайян яшаш минимумини ёки ҳеч бўлмаса, яшаб туришга етадиган нафақа талаб қилиш ҳуқуқнинг таъминланиши;
- оқилона солиқ сиёсатининг мустаҳкамланиши;
- истеъмолчиларнинг давлат томонидан ҳимояланиши;
- объектив сабабларга кўра давлатнинг ёрдамига, энг аввало моддий ёрдамга муҳтож бўлган ногиронлар, қариялар, кўп болалаи оилалар, ёлғиз ўзи фарзанд тарбиялаётган оналарга давлатнинг ёрдам бериши;
- тиббий ёрдамга моддий имкони бўлмаганларга бундай ёрдамни бепул кўрсатишнинг таъминланганлиги.

4-§. Давлатни ташкил этиш ва фаолиятининг конституциявий принциплари

“Принцип” деганда, маълум бир фаолиятнинг асоси ҳисобланувчи раҳбарий қоидалар ҳамда таянч ғоялар тушунилади. Шунга кўра, давлатни ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий принциплари - бу давлатнинг органлари тизимининг шакллантирилишида ҳамда фаолият юритишида асосланадиган муҳим раҳбарий қоидалар (тамойиллар) ҳисобланади.

Одатда, давлат ва унинг фаолиятини ташкил этиш принциплари хорижий мамлакатлар конституцияларининг муқаддима ва дастлабки моддаларида давлатга берилган тавсифий қоидалар асосида ўз ифодасини топади. Масалан, Италия Конституциясининг 1-моддасида: «Италия – меҳнатга асосланган демократик республикадир», Франция Конституциясининг 2-моддасида эса: «Франция яхлит, дунёвий, демократик ва ижтимоий республикадир», ГФР Асосий қонунининг 20(1)-моддасида: «Германия Федератив Республикаси демократик ва ижтимоий федератив давлатдир», 1997 йилги Польша Конституциясининг 2-моддасида: «Польша Республикаси ижтимоий адолат принципини амалга оширадиган демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланади», Испания Конституциясининг 1-моддасида: «Испания – ижтимоий, ҳуқуқий ва демократик давлат бўлиб, унинг энг олий қадриятлари эркинлик, адолат, тенглик ва сиёсий плюрализмдир» дейилади.

Юқоридаги мисолларни умумлаштирадиган бўлсак, бу ҳолда, қуйидаги принципларни ажратиб кўрсатиш мумкин: демократизм (халқ ҳокимиятчилиги), ҳуқуқий давлат, давлатнинг яхлитлиги, унинг дунёвий характери, ижтимоий адолат, сиёсий плюрализм, федерализм, ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамойили ва бошқалар.

Сиёсий плюрализм принципи. Бу принцип энг аввало, реал ва Конституцияларда мустаҳкамланган кўппартиявийликни англатади. Кўпгина олимлар ва сиёсатчилар адолатли равишда ҳисоблаганидек, реал демократик сиёсий режим сиёсий плюрализмсиз (ҳур фикрликсиз) бўлиши мумкин эмас. Жумладан, Арманистон Конституциясининг 7-моддасига кўра, Арманистон Республикасида кўппартиявийлик тан олинади. Партиялар эркин тарзда ташкил этилади, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифодалашга ёрдам беради. Уларнинг фаолияти конституцияга ва қонунларга, тузилиши ва амал қилиш тарзи эса демократия тамойилларига эид бўлмаслиги лозим.

Давлатнинг яхлитлиги. Бу мамлакат ҳудудининг яхлитлиги қўриқланишини, унинг муайян бир қисми (бу ҳам федератив, ва ҳам

унитар давлатларга тааллуқли) бўлинишга, ёки чиқиб кетишга (сецессия ҳуқуқи) ҳаққи йўқлигини англатади. Ушбу принцип давлатнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Ҳар қандай нормал амал қилиб турган давлат, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида қанча гапирилмасин, барибир, ўзининг маълум бир қисмини ажралиб чиқишига қаршилик кўрсатади, чунки ушбу принцип орқали давлатчилик сақланиб туради. Ушбу принцип айрим мамлакатларнинг Конституцияларида «давлатнинг бирлиги» ёки «давлатнинг бўлинмаслиги» деб ҳам юритилади. Масалан, Белорусь Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, “Белорусь ҳудуди ягонадир ва у тортиб олинмайди”.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳокимиятлар тақсимланиши–демократия шароитида давлат ҳокимиятини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг асосий тамойилларидан биридир. Мазкур принципнинг туб моҳияти шуки, унда ягона ҳокимиятнинг уч таркибий бўғини: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўз конституциявий ваколатлари доирасида мустақил фаолият юритиб, бир-бирларининг ваколатларини ўзлаштирмайдилар. Ҳар бир ҳокимият тармоғи ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзгасини назорат қилади, улар фаолиятининг чегарасини чеклаб туради, ваколатларидан четга чиқишига йўл қўймайди. Ҳокимиятлар тақсимланиши назарияси классик шаклининг анъанавий асосчилари Джон Локк ва Шарль Луи Монтескьелардир. Монтескье таълимотига биноан, “эркин давлат–ҳокимиятлар бўлиниши принципига, яккаҳокимликка қарши тармоқларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришига, давлат ҳокимиятини жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари ўртасидаги тақсимланишига асосланиши лозим”[31]. Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя-ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг “ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими” ҳақидаги ғоядир. Бунинг маъноси шуки, юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларини биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олинишини бартараф этадилар.

[31] Азаркин Н.М. Монтескье. -М.:Юридическая литература, 1988. С.68.

5-§. Давлат механизми, аппарати, органлари ва муассасалари

Давлатнинг роли ва вазифасини тушуниш учун унга тегишли бир қатор тушунчаларни билиб олиш зарур. Масалан, «давлат механизми», «давлат органи», «давлат муассасаси», «давлат аппарати» каби тушунчалар шулар жумласидан. Давлат ўзининг ижтимоий ҳаётдаги вазифаларини маълум бир ташкилий тузилмалар орқали амалга оширади. Буларни қуйида кўриб ўтамиз.

Давлат механизми деганда, ҳар қандай давлат учун муҳим бўлган жамиятни бошқариш тузилмаси тушунилади. Мутлақ монархияда бу – монарх, унинг ҳукумати, армия, полиция, яъни ҳокимиятни амалга оширувчи ва таъминловчи ҳокимият тизимидир. Ҳозирги замонда давлат механизми деганда, давлат ҳокимиятининг – парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат, суд органлари каби бош органлари англатилади.

Давлат аппарати – давлат аҳамиятига молик (масъул ёки унча масъул бўлмаган) қарорлар қабул қиладиган ва уларнинг ижроси учун жавоб берадиган мутахассис, давлат хизматчиларидан иборат. Бундай шахслар муайян маълумотга эга бўлишлари лозим, улар ўзларнинг меҳнати учун анчагина иш ҳақи олишади, ва одатда, маълум имтиёзларга эга бўлишади (ранглар, титуллар, турли нафақалар, пенсия ва б.).

Давлат органи – бу муайян тартибда ташкил этилган, ҳуқуқ ва ваколатлар асосида ҳаракат қиладиган ва умуммажбурий қоидалар қабул қиладиган шахслар гуруҳи (баъзан битта мансабдор шахснинг ўзини орган деб ҳам аташади, бунда у индивидул орган сифатида намоён бўлади). Бошқача айтганда, давлат органи- бу давлат функцияларини ижро этишда, қатнашувчи ва бунинг учун ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг бир элементидир.

Давлат муассасаси – *бу ҳам муайян тартибда ташкиллашган шахслар гуруҳи бўлиб, у умуммажбурий қоидалар қабул қилмайди, балки давлат органларининг қарорларини бажаради (амалга оширади). Масалан, давлат почтаси, давлат мактаби, давлат телеграфи, давлат ёнғин хизмати, табиатни қўриқлаш давлат хизмати ва б.*

16-боб. Сиёсий партиялар ва партиявий тизимлар

1-§. Сиёсий партияларнинг моҳияти ва вазифалари
2-§. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши
3-§. Сиёсий партияларнинг асосий турлари: консерватив, социал-демократик, либерал, диний йўналишдаги сиёсий партиялар. Таъсир этиш гуруҳлари (лоббистик ташкилотлар)
4-§.Сиёсий партияларнинг ташкилий тузилиши, ташкилий-расмийлаштирилган ва ташкилий-расмийлаштирилмаган партиялар
5-§. Чет эллардаги партиявий тизимлар: етакчи сиёсий партияси бўлган кўппартиявийлик тизим, етакчи сиёсий партияси бўлмаган кўппартиявийлик тизими, иккипартиявийлик, якка партиявийлик ва «партиясиз» тизимлар
6-§. Сиёсий партиялар фаолиятининг тартиби ва тартибга солиш механизмининг ички ва ташқи усуллари

1-§. Сиёсий партияларнинг моҳияти ва вазифалари

“Партия”сўзи лотинча “partio” (“pars” - "қисм", "бўлак") сўзидан олинган бўлиб, “бўлинмоқ, ажрамоқ” маъносини англатади. Сиёсий партия-бу жамиятнинг маълум гуруҳ ва табақалари фаол вакилларининг муайян умумий манфаатлар, мақсадлар ва орзу-умидлар асосида бирлашган, давлат ҳокимиятига эга бўлиш ёки давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳал қилувчи таъсир қўрсатишга интилувчи сиёсий ташкилотдир. Содда қилиб айтганда, сиёсий партия бу ғоя ва манфаатлари умумий бўлган мақсадлари билан ажралиб турадиган кишилар гуруҳидир.

Партия жамият сиёсий тизимининг алоҳида, ўзига хос элементи ҳисобланади. Сиёсий партиялар ҳокимият учун курашиш, ҳокимиятни амалга оширилишига таъсир этиш, агар партия вакиллари ҳокимият органларида мувофиқ ўрин эгаллаган бўлсалар, ҳокимиятни бевосита амалга ошириш мақсадида ташкил этилади. Сиёсий партиялар бошқа жамоат бирлашмаларига нисбатан жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида давлат бошқарувида ўта муҳим ва алоҳида рол ўйнайди.

Партиялар қадимги даврлардаёқ, пайдо бўлган. Масалан, милоддан аввалги V асрда Афина (Юнонистон)да аристократик ва демо-

кратик гуруҳлар (булар ўзига хос дастлабки партиялар эди) ўртасида сиёсий кураш бошланган эди. Шунингдек, қадимги Рим республикасидаги оптиматлар ва популярлар ҳам ўша даврнинг сиёсий партиялари эди. Сиёсий партиялар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган. Шуни назарда тутиш керакки, қадимги даврда ҳам ўрта асрларда ҳам, партиялар фақат давлатни бошқариш режими (тартиби) маълум даражада демократия аломатларига эга бўлган жойлардагина ташкил топган.

Фақат шундай шароитларда партиялар қандайдир ижтимоий манфаатларни ифода эта олишган. Партиялар қачонки, уларни турли ижтимоий манфаатларни таҳлил қилиш, бундай манфаатларни таърифлаш ва ҳимоя қилишга мажбур қилувчи бошқа партиялар, яъни рақиблар бўлгандагина, ўз мажбуриятларини сақлаб қоладилар, уларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар ва фаолият кўрсата оладилар. Партиялар шу тарзда, жамиятнинг турли қатламлари (табақалари) орасида ўз тарафдорларига эга бўладилар.

Замонавий маънодаги сиёсий партиялар дастлаб, Европа (буржуа) инқилоблари муносабати билан юзага келди. Ўша инқилоблар чоғида халқ вакилликлари тузилди, яъни сайланадиган вакиллар воситасида амалга ошириладиган халқ ҳокимияти тизими барпо қилинди. Дастлаб партиялар сафига, бир томондан монарх (якка ҳоким) ва феодаллар, иккинчи томондан эса – тенг ҳуқуқлилик ва сиёсий эркинлик ҳимоячилари бирлашдилар. Натижада турли партиялар юзага кела бошлади, улар жамиятнинг айрим ижтимоий ва минтақавий гуруҳлари манфаатларини ҳимоя қилишга киришдилар. Синфий гуруҳларга бўлинишнинг кучайиши, ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашиши муносабати билан сиёсатга жамиятнинг кенг табақалари жалб қилиниши натижасида партияларнинг роли янада кучайди, ўсди ва улар сиёсатнинг асосий субъекти ва демократик давлатчиликнинг зарур элементи бўлиб қолди.

Сиёсий партияларнинг сиёсий саҳнада фаолият кўрсатувчи бошқа жамоат бирлашмаларидан асосий фарқи шундаки, улар (сиёсий партиялар) давлат ва жамиятни бошқариш имкониятига эга бўлишга интилиб, парламент ва ҳукуматда ўрин олиш учун очиқдан очиқ қонун доирасида кураш олиб борадилар.

Сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг марказий бўлаги сифатида, ижтимоий-сиёсий ва давлат ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Улар ҳокимиятга эришиш, ундан фойдаланиш, уни амалга ошириш ҳақидаги масалаларда, ўзаро рақобатлашадилар ва курашадилар. Партия-

лар сиёсий жараённинг барча босқичларида: сайловларда, давлат органларини (қонунчилик, ижро ва суд) шакллантиришда, давлат миқёсида ва сиёсатга оид қарорлар қабул қилишда ҳамда уларни амалга оширишда фаол иштирок этадилар.

Партиялар номидан кўрсатилган номзодларнинг давлат органларига сайлашда, овоз берувчи тарафдорлари унинг электоратини ташкил этади (инглизча "elektor", Французча “electeur”- “сайловчи” дегани). Электоратнинг асосий қисми бўлган ижтимоий табақалар партиянинг ижтимоий негизи ҳисобланади. Барқарор ижтимоий муносабатларга эга бўлган мамлакатларда (Масалан, Буюк Британия, Швеция, Швейцария, Нидерландияда) айрим партияларнинг электоратлари кўпроқ маҳаллий ва оилавий анъаналарга суянади, яъни янги авлод ўз ота-боболаридан ўрнак олиб, маълум бир партия учун овоз беради.

Сиёсий партияларнинг моҳияти аввало уларнинг мақсад ва вазифаларида намоён бўлади. Зеро, ҳар қандай партия тузилган вақтидаёқ, ўз олдига аниқ мақсадларни қўяди. Масалан, 1854 йилда АҚШда тузилган республикачилар партияси мулкдорлар ва йирик фермерларнинг манфаатларини ифодалаган қулчиликни эски қулдорлик штатларида чеклаб қўйишни, буржуазия манфаатларини кўзлаб экспансив ташқи сиёсат олиб боришни, юқори муҳофаза божларини жорий қилишни, темир йўл қурилишининг ҳукумат томонидан рағбатлантирилишини ва марказий ҳокимиятни кучайтиришни ўзининг мақсади қилиб қўйган эди. Демократик партия мамлакатдаги бутун сиёсий тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши, жамиятнинг турли табақалари манфатлари амалга оширилиши, мавжуд тузумнинг тараққий этиши, ўсиши, ривожланиши ва тартибга солиб турилиши учун интилади. Албатта, у бундай шароитда ўзининг ҳокимият тепасига келиши учун овоз берган ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор беради, аммо ижтимоий конфронтацияга йўл қўймаслик учун бошқа ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олишига тўғри келади. Шу сабабли партияга, айниқса, ҳукмрон партияга фақат битта ижтимоий гуруҳнинг оддий қўйиб қўйилган сиёсий кучи сифатида қараш ҳам мумкин эмас.

Тўғри, амалиётда жамиятнинг тор гуруҳлари манфаати ёки ҳатто ўз манфаатлари учун ҳам ҳар нарсани бу йўлда қурбон қилишга тайёр, ҳар қандай йўл билан ҳокимият тепасига келишни хоҳловчи партиялар ҳам учраб туради. Бундай партиялар ўз мақсадларига

эришиш йўлида аксил, конституциявий воситаларни ҳам ишга солиши мумкин. Аммо бундай партиялар соғлом демократик сиёсий жараёнда муваффақиятга эриша олмайди, кўп ҳолатларда низо жанжалларни, тартибсизликларни келтириб чиқаради.

Сиёсий партиялар ўз олдидаги мақсадга эришиш учун маълум вазифаларни бажарадилар. Буларнинг орасида, давлатни бошқаришда иштирок этиш, миллий интеграция, мафкуравий, коммуникатив ва бошқа вазифаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар қандай сиёсий партия ўз фаолиятини жамиятда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган сиёсий курсни ишлаб чиқишдан бошлайди. Ушбу мақсадда, партия фаоллари ва жалб қилинган мутахассислардан иборат ташаббускор гуруҳлар, қўмита ва ҳайъат (комиссия)лар, жамоатчилик кенгашлари ташкил этилади.

Сиёсий партия ўзининг дастурий ҳужжатларида ўзига хос стратегия ва усул танлаб, у орқали сайловчиларга таъсир кўрсатишга интилади. Бу ташкилий босқичда партияга янги аъзоларни қабул қилиш, фаолларни тарбиялаш, сайловчиларни партия номзодларини қўллаб-қувватлашга сафарбар қилиш, йўлбошчиларини танлаб олиш, уларни давлат ва оммавий жамоат ташкилотлари органларида юқори лавозимларга илгари суриш вазифалари юзага чиқади.

Партиянинг энг муҳим вазифаси ҳокимият органларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат олиб боришда иштирок этишдир.

Сиёсий партияларнинг бўлиши, уларнинг давлат органларига сайловларда иштирок этишлари ижтимоий ихтилофларни тинч йўл билан ҳал этилишига йўл очиб беради. Бу зарур ҳолларда, ҳукуматларнинг алмаштирилиши учун, сиёсий арбобларнинг профессионал қобилиятини қўллаб-қувватлаш учун ижобий шарт-шароитлар яратади ва бу билан жамиятнинг давлат томонидан бошқарилишининг самарадорлиги таъминланади.

Демократик режимдаги икки партиявий ёки кўп партиявий тизимга эга бўлган давлатларда ҳукмрон партиялар ва мухолиф партиялар ўртасида соғлом рақобат мавжуд бўлади. Мухолиф партиялар миллий тараққиёт учун муқобил дастурлар ишлаб чиқади ва жамоатчилик муҳокамасига ўз таклифларини беради, амалдаги ҳукумат фаолиятида мавжуд бўлган хато, нуқсонлар, суиистеъмолликларни танқид қилади, бу билан эса ҳукуматни жамиятдаги мавжуд муаммоларни муваффаққиятли ҳал этиш усулларини излаб топишга мажбур қилади. Масалан, Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқа бир

қатор мамлакатларда мухолиф партиялар томонидан “Яширин кабинетлар” тузилади, кабинет аъзоларига давлат хазинасидан маблағ тўланади ва улар баъзи имтиёзлардан ҳам фойдаланадилар, шу тариқа давлат ва жамият ҳаётидаги турли муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этадилар.

Миллий давлатчилик шаклланиб келаётган шароитларда, сиёсий партиялар кўпинча миллий интеграция (ягоналашув, бирлашув) вазифасини амалга оширадилар. Масалан, бу вазифа Ҳиндистон миллий Конгресси партиясининг 40- 60-йиллардаги фаолиятида яққол намоён бўлади. Ушбу партия миллий мустақиллик учун кураш даврида ҳинд жамиятининг бирлаштирувчи маркази бўлган.

Ҳар қандай партия албатта, ўзининг мафкуравий вазифасига эга бўлади. Бу эса партиянинг ўз аъзолари ва тарафдорларига ғоявий (мафкуравий) таъсир кўрсатишида, ўз қадриятлари, дунёқарашларини тарғиб этишида, мамлакатда ўз фаолияти учун зарур бўлган ижтимоий-руҳий муҳитни ярата олишида намоён бўлади.

Сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини демократик равишда амалга ошириш учун ўта зарур бўлган вазифани ҳам амалга оширадилар. Улар сиёсий вазиятнинг ривожланиши ва унинг ўзгаришини ўз вақтида англаб олишга интилиб, ҳукмрон доиралар ва жамият орасида ўзаро самарали муносабатларнинг ўрнатилиши ва давом эттирилиши учун масъулдирлар. Бу ерда партиялар томонидан кузатиб, назорат қилиб бориладиган оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Партиялар кўпинча маслаҳат қўмиталари, клублар, ёрдам гуруҳлари, ёшлар учун маданий ижтимоий марказлар тузадилар, катта сиёсий-тарғибот ишлари олиб борадилар, оммавий митинглар ўтказадилар, маърузалар, суҳбатлар уюштирадилар, партия фаолларининг сайловчилар билан шахсий алоқаларини доимий равишда қўллаб-қувватлайдилар. Сиёсий партияларнинг бундай вазифаларни бажариши ҳукумат ва партия раҳбариятини халқнинг аҳволи ва фикри ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам таъминлайди, ижтимоий фикрни ўрганиш борасида самарали ишлар олиб боришни тақозо этади.

2-§.Сиёсий партияларнинг вужудга келиши

Сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ва жаҳон ижтимоий-сиёсий тизимида ўзига хос ўрин тутиши – бу демократиянинг юксак тантанасидир. Партияларнинг тарихий жиҳатдан келиб чиқишини ва ривожланиш омилларини билмасдан туриб, уларнинг ҳозирги

пайтдаги фаолиятлари тўғрисида сўз юритиб бўлмайди. Шундай экан, бугунги кунда сиёсий партияларнинг фаолиятини ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва шаклланиш омилларини ўрганиш билан бевосита боғлиқ.

Дарҳақиқат, сиёсий партияларнинг тарихи бир неча юз йилликлар билан ўлчанади ҳамда уларнинг шаклланиши анча узоқ ва мураккаб жараённи ўз ичига олади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги кўринишдаги партиялар ва уларнинг замонавий моҳияти Европадаги буржуа инқилоблари ғалабасидан кейин юзага келган бўлса-да, лекин мазмунан партияга монанд гуруҳлар, уюшмалар инсоният тарихининг қадимги даврларида ҳам маълум бўлган.

Партия атамаси лотинча сўздан келиб чиққан бўлишига қарамасдан, римликларга қадар демократиянинг ватани бўлмиш қадимги Юнонистонда «партия»нинг илк кўринишлари мавжуд бўлган. Қадимги Юнонистонда «партиялар» ҳозирги тушунчасидан тамоман фарқ қилган ҳолда, муайян бир ҳудуд ёки минтақадаги аҳоли гуруҳларини ифодалаган. Жумладан, Арасту милоддан аввалги VI асрда Аттикадаги денгиз қирғоқбўйи, яланглик ва тоғда яшовчи аҳолининг «партиялари» ўртасидаги курашни ёзиб қолдирган. Шунингдек, қадимги Афинада ҳам мавжуд бўлган баъзи бир гуруҳларни (мас. *гетерийлар*) ўз даврининг «партиялари» деб аташ мумкин. Кейинчалик қадимги Римда маълум бир шахслар ёки концепция (ғоя)лар атрофида тўпланган аҳолининг муайян бир қисми партиялар вужудга кела бошлади. Бошқача айтганда, қадимги Римда замонавий партия моҳиятининг илк негизлари шаклланди. Масалан, ака-ука Гракхлар партияси конкрет бир сиёсат, яъни ер ислоҳотлари ўтказилиши тарафдорлари ва талабгорларини ўз атрофида тўплаган.

Шу ўринда, қадимги давр партияларининг ўзига хос белгиларини айтиб ўтиш жоиз. Қадимги партиявий гуруҳлар, аввало, муайян бир кўзга кўринган оилалар ёки машҳур шахслар атрофида ва уларни қўллаб-қувватлаш учун шаклланган (мас. Рим оптимат ва популярийлари) ёхуд улар маълум бир ҳудуд аҳолисининг йиғиндисини ифодалаган. Бундан ташқари, бундай бирлашмалар унча катта бўлмаган кишилар гуруҳини ўзида бирлаштирган, шу билан бирга улар қисқа муддат давомида мавжуд бўлган ва вақтинчалик характер касб этган.

Қадимги даврдаги «партиявий» гуруҳларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирган ҳамда нисбатан мукаммалроқ уюшмаларнинг мавжуд бўлиши ўрта асрларга келиб ҳам давом этди. Бунга мисол сифатида Франциядаги илк парламент (Генарал Штатлар)ни

шакллантиришда иштирок этган аҳоли табақаларини, шунингдек, айниқса, Англиядаги, ўртасидаги кенг курашлар билан тарихда ном қозонган «Оқ атиргуллар» ва «Қизил атиргуллар»ни, Йорклар ва Ланкастерларни кўрсатиш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, ўрта асрлар даврида шаклланган баъзи бир уюшмалар кейинчалик замонавий кўринишдаги оммавий партияларга айланган (мас. Англиядаги вигилар ва торилар). XVII-XVIII асрларда эса буржуа инқилоблари оралиғида мавжуд бўлган «партиялар» сиёсий уюшмалар сифатида мустақил сиёсат олиб бормаганлар, балки бу даврдаги диний, табақавий, уруғ-оилавий бирлашмалар таъсири остида қолганлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳозирги замонавий сиёсий уюшмалар ва биз *“сиёсий партия”* деб атайдиган ташкилотлар XIX аср ўрталаридан бошлаб Европада ва Америка Қўшма Штатларида шакллана бошлаган. Воқеаларнинг бундай ривожланишига Европадаги XVIII аср охирида буржуа инқилобларининг ғалаба қозониши ҳамда у билан боғлиқ равишда инсонлар сиёсий ҳуқуқ ва эркинларининг тантана қилиши асосий туртки бўлди. 1789 йилдаги Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Француз Декларациясида, шунингдек, 1776 йилдаги АҚШ Мустақиллик Декларациясида сиёсий партиялар ҳақида ҳеч қандай ишора бўлмаса-да, лекин уларда фуқароларнинг бир қанча мутлақ шахсий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинлари мустаҳкамлаб қўйилди. Бундай демократик ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида, жамиятда муҳим сиёсий ўзгаришлар авж олди ҳамда ижтимоий ҳаётда янги сиёсий институтлар (хусусан, сиёсий партиялар)нинг том маънода шаклланиши ана шу сиёсий ўзгаришларнинг характери билан боғлиқ ҳолда кечди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, сайлаб қўйиладиган вакиллар орқали амалга ошириладиган халқ ҳокимиятчилиги тизимининг вужудга келиши ўз-ўзидан ҳокимият учун демократик курашларда аҳоли мақсад ва манфаатларини ифодаловчи сиёсий партияларнинг келиб чиқишига зарурат туғдирди.

Умуман олганда, партияларнинг ривожланиш тарихи (эволюцияси) бўйича бир қатор олимлар ўзларининг концепцияларини илгари сурадилар. Жумладан, таниқли олим **М.Вебер** партияларнинг тараққий этишини қуйидаги хронология асосида эътироф этади:

- аристократик гуруҳлар;
- сиёсий клублар;
- оммавий партиялар.

Айнан мана шу схема бўйича ҳозирги кунда, Буюк Британиядаги сиёсий партияларнинг шаклланишини кузатиш мумкин: XVII асрда инглиз парламентида 2 та аристократик гуруҳ- вигилар ва торилар пайдо бўлган. Анча вақт ўтиб, XIX аср бошларида вигилар- “Reform Club”, торилар эса- “Charlton Club” деб номланувчи ўзларининг сиёсий клубларини ташкил қилганлар. Торилар помешчиклар ва молия буржуазиясининг сиёсий уюшмаси бўлиб, тарихий анъаналарни, консерватизмни тарқатувчилар эди, улар янгиликларни қабул қилиб, имкон қадар кўпроқ эскиликларни сақлаб қолишга ҳаракат қилардилар. Вигилар эса саноат буржуазиясининг манфаатларини ифода этган. Торилар ва вигилар ўртасидаги ҳокимият учун кураш, бир томондан, саноат буржуазияси, бошқа томондан, савдо-молия буржуазияси билан бирлашган ленлордлар ўртасидаги сиёсий ҳукмронлик учун курашни ифода этган.[32] XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса торилар ва вигилар аста-секин Консерваторлар ва Либераллар партияси сифатида шакллана борган. 1861 йилда ташкил топган “Англия Либерал партияси” Европадаги биринчи оммавий партия эди. Агар сиёсий клублар буржуазия давридаги сиёсий ҳаёт доирасида ўзларининг мақсадларини қўйган бўлсалар, оммавий партиялар эса ўз сафларига жамиятда турлича ўрин тутган, ҳар хил даромадларга эга, турли хил савиядаги фуқароларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қиладилар. Оммавий партиялар кенг халқ оммаси эътиборини ўзига қарата оладиган йирик сиёсий ташкилот сифатида намоён бўлади. XIX асрнинг охирига келиб, Европанинг кўпгина давлатларида оммавий партиялар пайдо бўла бошлади.

Таъкидлаш жоизки, М.Вебер хронологиясини кўпгина мамлакатларга нисбатан татбиқ этиб бўлмаса-да, лекин бу партияларнинг келиб чиқиши бўйича фанда дастлабки классификация қилиш эди.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги франциялик сиёсатшунос олим **Морис Дюверже**нинг қарашлари, айниқса, диққатга сазавордир. Унинг фикрича, партияларнинг келиб чиқиши ва тараққий этиши асосан қуйидаги иккита шаклда амалга ошган:

- сиёсий партияларнинг электорал ва парламентар келиб чиқиши;
- сиёсий партияларнинг ташқи факторлар асосидаги келиб чиқиши.[33]

[32] Қаранг: Муҳамедов Ҳ. Янги даврда Англия давлати: Ўқув қўлланма. -Т.: Адолат, 2000. 29-б.
[33] Дюверже М. Политические партии / Пер. с франц.-М.:Академический Проект,2000.С.22.

Партияларнинг электорал ва парламентар келиб чиқиши механизми қуйидагича: аввало, сиёсий тизимда парламентар бирлашмалар пайдо бўлади, кейин эса уларни шакллантириш мақсадида, сайловчи гуруҳлар юзага келади, ниҳоят парламентар бирлашмалар ҳамда сайловчилар гуруҳлари ўртасидаги доимий муносабат ўрнатилиши натижасида сиёсий партиялар ташкил этилади. Ушбу фикрини изоҳлаш мақсадида, француз олими бир қатор тарихий мисолларни келтиради. Жумладан, 1849 йилда чақирилган Франциянинг Таъсис Мажлиси (парламент) даврида *"Илм саройи"*, *"Институт"* (мўътадил республикачилар), *"Пуатье кўчаси"* (монархиячи-католиклар), *"Кастильон"* ва *"Пирамида"* (сўллар) каби партиявий бирлашмаларни кўриш мумкин эди, Германиядаги Франкфурт парламенти даврида эса *"Казино"* (ўнг марказ), *"Вюртемберг"* (ўнг марказ; кейинчалик бундан *"Вестендал"* ва *"Аугсбург"* партиялари ажралиб чиққан), *"Милани кафеси"*, *"Германия"*, *"Монт-тоннер"* (сўллар) сингари партиялар шаклланган[34]. Юқоридаги партияларнинг барчаси аъзолари тўпланган жойлар меҳмонхоналарнинг номларини олган.

АҚШдаги сиёсий партияларнинг юзага келиши ҳам мана шу асосда (электорал ва парламентар келиб чиқиш) амалга ошган. Дастлаб, АҚШнинг 1787 йилги Конституциясини қабул қилишда, партияларга ҳеч қандай эътибор берилмади, лекин кейинчалик мамлакатда бир қанча сайлаб қўйиладиган лавозимлар мавжуд бўлганлиги учун ва ижро ҳокимиятидаги кучлар мутаносиблигини сақлаш мақсадида ҳамда сайловчилар сиёсий онги жиҳатидан ривожланиши натижасида сиёсий партиялар келиб чиқди. 1830 йилга келиб АҚШда сиёсий партиялар сиёсий тизимнинг муҳим қисми бўлиб қолди ҳамда 1852 йилдан бошлаб эса АҚШ Президентлари ёки республикачилар, ё демократлар партияси вакилларидан сайлана бошлади[35].

Биз юқорида партияларнинг электорал ва парламентар келиб чиқишини кузатдик, энди М.Дюверже томонидан илгари сурилган яна бир концепция- уларнинг ташқи таъсирлар асосидаги келиб чиқишини кўриб чиқсак. Сиёсий партияларнинг электорал ва парламентар асосдаги шаклланиши- бу партияларнинг умумий асослардаги, яъни сайловчиларнинг ҳокимиятга ўз вакилларини танлаш бўйича фикрларининг ривожланиши натижаси бўлса, ташқи факторлар остида партияларнинг келиб чиқиши эса бу аҳолининг муайян қатламларини ҳамда мақсадларини ўзида мужассамлаштирган партияларнинг

[34] Қаранг: Дюверже М. Политические партии / Пер. с франц.-М.:Академический Проект,2000.С.24.
[35] By Jonh F.Bibby. Political parties in the United States. "Elections 2004". P.2

сиёсий майдонга чиқишидир. Ушбу йўл билан партиялар кўп сонли ва ранг-баранг бирлашмалар сифатида шаклланганлигини эътироф этиш лозим. Бундай партияларга кўпгина мамлакатларда вужудга келган ишчилар партияларини мисол қилиб олиш мумкин. Жумладан, 1899 йилда Холмс томонидан киритилган таклиф бўйича ва Англия тред-юнионлар Конгрессининг электорал ва парламентар бирлашма ташкил этиш тўғрисидаги қарори асосида Британия Лейбористлар партияси тузилди. Ундан олдинроқ, Германияда 1863 йилда Ф.Лассал томонидан Европадаги биринчи оммавий ишчилар партияси- Умумгерман ишчилар иттифоқи ташкил этилган эди. Ишчилар партияси билан бир қаторда кўпгина давлатларда қишлоқ хўжалиги соҳалари билан боғлиқ ҳолда шаклланган, аграр партиялар ҳам шундай аҳамият касб этади. Аграр партиялар ишчилар партияси сингари кенг тарқалмаган бўлсалар-да, лекин улар баъзи мамлакатларда (айниқса, скандинавия давлатларида, марказий Европа давлатлари, Австралия, Канада, ва ҳаттоки, АҚШда ҳам) жуда катта фаоллик кўрсатганлар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётида партиялар шаклланишининг ўзига хос умумий факторлари (омиллари) мавжуд. Бундай омиллар илк партияларнинг пайдо бўлиш ҳолатларини таҳлил қилиш асосида келиб чиқади.

Шунга асосан, том маънодаги оммабоп жаҳон сиёсий партиялари шаклланишининг қуйидаги омилларини алоҳида айтиб ўтиш жоиздир:

биринчидан, жамият ижтимоий тузилишининг мураккаблашуви ҳамда ижтимоий зиддият ва қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви - бу эса ўз навбатида аҳолининг турли хил қатламларини сиёсий ҳаётга жалб қилди;

иккинчидан, сиёсий ҳаётнинг маркази сифатидаги вакиллик органлари ролининг ўсиши – бунда монархлар ҳокимиятининг чекланиши, ҳокимиятлар тақсимланишининг пайдо бўлиши ҳамда бу ҳақдаги конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг кенгайиши муҳим аҳамият касб этди ;

учинчидан, конкрет ҳолда шаклланган ғояларнинг пайдо бўлиши (XIX аср) - бунга маълум ҳудудларнинг иқтисодий жиҳатдан шиддат билан ривожланиши, ушбу ҳудудларнинг ўз манфаатлари шаклланиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳолининг айрим тоифалари мақсад ва интилишларининг вужудга келиши туртки бўлган;

тўртинчидан, алоқа воситаларининг техник жиҳатдан тараққий этиши, айниқса, ОАВ (оммавий ахборот воситалари)нинг шаклланиши – бу эса партиялар фаолиятининг принципиал жиҳатдан янги даражадаги имкониятларини туғдирган информациявий «портлаш»га олиб келди.

Юқоридаги факторлар рўйхатини алоҳида олинган давлатлар мисолида янада кенгайтириш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда 1885 йилда илк бор ташкил этилган "Ҳиндистон Миллий Конгресси (Индирлар)" партияси кўпроқ миллий озодлик ҳаракати сифатида шаклланган ва шунинг учун ҳам ҳинд жамиятининг деярли барча табақалари қизиқишларини ўзида акс эттирган ва ҳоказо.

Айрим олимларнинг фикрича, ҳақиқий сиёсий партиялар- маълум бир шахслар гуруҳи давлат ҳокимияти вакиллик органлари учун курашларда қатнашишни ўз олдига вазифа қилиб қўйгандагина юзага келади[36]. Бизнингча ҳам, партияларнинг шаклланиши демократик шароитларда давлат ҳокимияти вакиллик органи-парламентнинг фаолият юрита бошлагани билан бевосита боғлиқ, яъни парламентда маълум бир ўринларни эгаллаш мақсадида умумий манфаатлар доирасидаги шахсларнинг бирлашиб бориши сиёсий партиялар шаклланишининг асосий белгисидир.

Партияларнинг жаҳон ижтимоий-сиёсий тизимидан мустаҳкам ўрин олишида, уларнинг институцияналлашуви муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. **Сиёсий партияларнинг институцияналлашуви** – бу сиёсий партияларнинг фуқароларнинг одатдаги уюшмаларидан тўлиқ конституциявий-ҳуқуқий институтга айланиши жараёни[37]. Яъни, институцияналлашув давлат томонидан сиёсий партиялар мақоми, уларнинг ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишидир. Партияларнинг институцияналлашуви ўзаро боғлиқ иккита йўл билан амалга оширилади:

1. Конституция асосида сиёсий партиялар ҳуқуқий ҳолатини умумий тарзда белгилаш;

2. Қонунларда партияларнинг фаолият кўрсатиш механизмини мустаҳкамлаш.

Дарҳақиқат, XX аср ўрталарига келиб, сиёсий партияларнинг ривожланиши сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди. Бу даврда партиялар роли ва аҳамиятининг бирдан ўсиши қонун чиқарувчилар томонидан уларнинг мақомини конституциявий жиҳатдан тартибга

[36] Чудаков М.Ф. Конституционное(государственное) право зарубежных стран.-Мн.:Новое знание, 2001.С.92.

[37] Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. –Т.: Шарқ, 2001.393-б.

солинишига замин яратди. Натижада II жаҳон урушидан кейин қабул қилинган кўпгина Конституцияларда (ГФР, Франция, Италия, Япония Конституциялари ва бош.) сиёсий партиялар тўғрисидаги илк қоидалар ўз аксини топди. Шуни айтиш керакки, биринчи конституциялар XVIII асрда қабул қилинган бўлса-да, то XX аср ўрталарига қадар уларда партиялар ҳақида ҳеч қандай норма учрамаган. Дунёда биринчи бўлиб, Германиянинг 1949 йил 23 майдаги Конституцияси (21-моддаси) сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомининг асосий принципларини аниқ белгилаб қўйди[38].

Бир мунча кейинроқ-XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб эса аксарият давлатларда партияларнинг бошқа жамоат ташкилотлари орасидаги алоҳида ўрнини ва аҳамиятини эътироф этган ҳолда, конституцияларда берилган қоидаларни тасдиқлайдиган ва ривожлантирадиган сиёсий партиялар тўғрисидаги махсус қонунлар пайдо бўла бошлади. Сиёсий партиялар ҳақидаги илк қонунлар Германияда (1967 йил 24 июнь), Португалияда (1974 йил), Австрияда (1975 йил), Испанияда (1978 йил) ва бошқа мамлакатларда қабул қилинган. Уларда, асосан партияларнинг тушунчаси, партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш принциплари, вазифалари, партияларнинг давлат билан муносабатлари каби масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда, бундай қонунлар деярли барча мамлакатларда партияларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи асосий норматив ҳужжатлар ҳисобланади. Шуниси қизиқки, баъзи бир демократик ҳуқуқий давлатларда сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунлар қабул қилинмаган. Биргина мисол: партиявий ривожланиши жиҳатидан дунёда дастлабки ўринларда турадиган Буюк Британияда сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас, ҳаттоки, Британия қонунчилигида «сиёсий партия» атамасининг ўзи учрамайди. Мазкур давлатда партиялар ҳолати фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари доирасида тартибга солинади ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби одат нормалари асосида белгиланади.

Демак, сиёсий партиялар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида “де-юре” эътироф этилди ҳамда муҳим конституциявий-ҳуқуқий, шу билан бирга демократик институт бўлиб қолди.

[38] Қаранг: Жаҳон конституциялари. I жилд. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 384-б.

3-§.Сиёсий партияларнинг асосий турлари: консерватив, социал-демократик, либерал, диний йўналишдаги сиёсий партиялар. Таъсир этиш гуруҳлари (лоббистик ташкилотлар)

Сиёсий партияларни классификация қилиш – бу партиялар фаолиятини илмий ўрганиш усулларидан бири бўлиб, маълум бир мезонлар (критерийлар) асосида уларни турли хил гуруҳларга ёки турларга ажратишдир. Ижтимоий-сиёсий фанда партияларни турларга бўлишнинг бир қанча кўринишлари шаклланган бўлиб, бунда кўплаб олимлар ўзларининг бу борадаги фикрларини билдириб ўтганлар.

Жумладан, француз сиёсатшунос олими М.Дюверже партиялар аъзоларининг таркиби ва миқдори бўйича уларни икки катта гуруҳга бўлган:

- кадрлар партияси;
- оммавий партия[39].

Оммавий партиялар авволо ўзларининг кўп сонли аъзолари ва структуравий жиҳатдан яхши ташкиллаштирилганлиги билан бошқа партиялардан фарқланади. Улар ўзларининг доимий оммавий нашрларига эга бўлиб, аъзоларида муайян сиёсий дунёқаришни шакллантиришнинг кенг имкониятларига эга бўлади. Кадрлар партиясининг унча кўп аъзоси бўлмаса-да, лекин улар ўзларининг сайловолди дастурлари ва фаол ҳаракатлари эвазига сайловларда яхшигина овоз оладилар. Улар аъзоларининг кўпчилигини жамият элитасининг вакиллари ташкил этади, шунинг учун ҳам бундай партиялар самарали фаолият олиб бориши учун етарли молиявий таянчга эга бўлади.

Шунингдек, ижтимоий-сиёсий фикр тараққиётида узоқ вақтдан бери сиёсий партияларни ғоявий-сиёсий қарашлари бўйича қуйидаги учта асосий гуруҳга ажратиш кенг қўлланилиб келинмоқда:

- **ўнг қанот партиялар;**
- **марказ партиялар;**
- **сўл қанот партиялар.**

Партияларни бундай гуруҳларга бўлиш ва номлаш тарихий аҳамиятга эга бўлиб, у инқилоблар даврида Франция парламенти мажлислар залида турли сиёсий партия вакилларининг анъанавий жойлашув ўрнидан келиб чиққан. Бугунги кунда партияларнинг ижтимоий-иқтисодий концепцияси, мулкчилик шаклларига ва солиқларга нисбатан муносабати, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш воситалари бўйича ҳамда жамият даромадларини тақсимлаш юзасидан

[39] Дюверже М. Политические партии / Пер.с франц. -М.: Академический Проект, 2000. С.116.

қарашлари – партияларни юқоридагича классификация қилишнинг асосий мезонидир.

Ўнг қанот партияларига *консерватив типдаги партиялар* киради. Ушбу гуруҳ партиялар кўпинча консерваторлар қаноти деб ҳам аталади. Консерватив типдаги партиялар кўпроқ мавжуд анъаналарни сақлаб қолган ҳолда хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тизимни ривожлантирувчи асосий фактори сифатида солиқларни камайтириш, давлатнинг иқтисодиёт соҳасига аралашишини чеклаш, давлатнинг иқтисодий фаолиятда бевосита иширок этиши самарасиз эканлиги боис иқтисодиётда давлат секторини энг минимал даражасига тушириш каби ғояларни кўтариб чиқадилар. Шу билан бирга, улар давлатнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этишини таъминлаш борасидаги кучли ролини сақлаб қолиш тарафдоридирлар. Ижтимоий муаммолар консерваторлар назаридан қисман четда қолдирилади. Уларнинг фикрича, ижтимоий муаммолар хусусий бизнеснинг ўзи томонидан солиқларнинг камайтирилиши натижасида юзага келган ортиқча даромадлар эвазига ҳал этилиши лозим.

Бундай партияларга Буюк Британия Консерваторлар партияси, АҚШдаги Республикачилар ва Демократлар партиялари, Япония Либерал-Демократик партияси[40], Россиянинг “Единая Россия” партияси кабилар киради. Консерватив типдаги партиялар халқаро миқёсда бирлашганлар. Консерваторларнинг Интернационали- “Халқаро Демократик Иттифоқ” 1983 йилда Лондонда ташкил этилган эди. Унинг доимий котибияти Венада жойлашган ҳамда у ҳар йилги консерваторларнинг қурултойини чақиради.

Марказ партиялар ўз номи ва мазмуни билан сиёсий спектрнинг марказини, яъни ўнг ва сўл қанот партиялари ўртасини эгаллайди. Марказ партиялар кўпроқ аҳолининг ўрта қатлами ғоялари, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, зиёлилар қисмининг манфаатларини ифодалайди, улар илмий-техникавий, ижодий ташаббускорликни қўллаб қувватлайдилар.

Марказ партияларнинг энг асосий тури-бу *либераллардир*. Либерал партиялар бозор муносабатларига ва эркин рақобатга асосланган ҳамда давлатнинг минимал таъсири таъминланган иқтисодиётни шакллантириш ғоясини илгари сурадилар. Бозор муносабатлари

[40] Айрим давлатлардаги партияларнинг номланиши уларнинг мақсадларни бутунлай инкор этади: Франция ва Швециядаги радикаллар партияси ҳеч қандай радикализм ғоясига суянмайди ёки Германия Миллий-Демократик партияси умуман анъанавий демократик қадриятларни мўлжалламайди ва ҳоказо. Шу жумладан, Япония Либерал-Демократик партияси ҳам.

механизми, либераллар фикрига кўра, ўзини ўзи бошқаришни таъминлашнинг энг асосий самарали йўлидир. Давлатнинг асосий функцияси бу ерда тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқаро ҳаётининг хавфсиз шароитларини яратиб беришдан иборатдир. Либераллар ҳаётнинг барча соҳаларига эркинлик беришни назарда тутадилар ва шунинг учун улар кўпинча «юмшоқ» сиёсат тарафдорлари деб юритилади.

Марказ партияларига мисол қилиб, Германия Эркин Демократик партияси, Буюк Британия Либераллар партияси, Швеция Марказ партияси, Италия Либерал партияси ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Марказ партияларнинг кўпчилиги консерваторларга ўхшаб, 1947 йилда Англия (Оксфорд)да ташкил этилган Либерал Интернационал доирасига бирлашганлар. Мазкур Иттифоқни таъсис этган дастлабки 19 та партия либерализмнинг эътиборли томонларини ўзида акс эттирган “Либераллар манифести”ни қабул қилганлар.

Сўл қанот таркибига кирувчи сиёсий партиялар ғояларининг асосий мазмуни-ҳаётнинг турли соҳаларига нисбатан ҳамда жамият даромадларини тақсимлашда давлатнинг фаол таъсирини эътироф этишдан иборатдир. Сўл партияларнинг кенг тарқалган кўринишлари-бу *социал-демократик* ҳамда *коммунистик типдаги партиялар*дир.

Социал-демократлар нафақат давлатнинг иқтисодиётга фаол таъсирини, балки унинг иқтисодий фаолиятда бевосита иштирок этишини ёқлайдилар. Уларнинг таъкидлашича, иқтисодиётда иккита бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи сектор, давлат ва хусусий сектор мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун социал-демократлар иқтисодиётнинг бир қанча соҳаларини, айниқса, саноат соҳасини национализация қилиш тарафдоридирлар. Масалан, бугунги кунда, Францияда ҳокимиятда социал-демократларнинг таъсири натижасида давлат ишлаб чиқариш имкониятларининг 20%ини ўз қўл остида сақлаб турибди[41]. Ижтимоий муаммолар социал-демократларнинг диққат-марказида туради. Улар, бу соҳада ҳам, давлат бюджети ҳисобидан турли хил ижтимоий дастурларни молиялаштирилиши орқали давлатнинг кенг миқёсдаги иштирокини эътироф этадилар. Мазкур типдаги партияларга Буюк Британия Лейбористлар партияси, Испания, Италия, Франция Социалистик

[41] Конституционное право зарубежных стран/Под общ.ред.чл.-корр. РАН, проф. М.В.Баглая, д.ю.н.,проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н.,проф. Л.М.Энтина. -М.: Норма, 2003. С.166.

партиялари, Германия Социал-Демократик партияси ва бошқаларни киритиш мумкин.

Коммунистик партиялар ҳаддан ташқари иқтисодиётни давлатлаштириш, уни режали асосда ривожлантириш ҳамда иқтисодиётдан хусусий секторни умуман олиб ташлаш каби ғояларни қувватлайдилар. Улар, бундан ташқари, ҳаётнинг барча жабҳаларига давлатнинг фаол ва таъсирчан аралашувини эътироф этадилар. Шунинг учун ҳам коммунистлар кўпчилик томонидан «сўллар ичидаги сўллар» деб аталади. Коммунистларнинг асосий мақсади-жамиятнинг турлича имкониятларга эга бўлган барча аъзоларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тенглаштиришдир. Ҳозирги кунда коммунистик партиялар Россия, Франция, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Бундан ташқари, партияларни уларнинг ҳаракат усулларига қараб, икки турга бўлиш мумкин:

1. *Демократик;*
2. *Радикал.*

Демократик партиялар конституция ва қонунлар талаблари доирасида қатъий ҳаракат қилувчи, ҳалол ва қонуний сиёсий рақобат олиб борувчи ҳамда мухолифатга ҳурмат билан муносабатда бўлувчи партиялардир. Бундай партияларга юқорида санаб ўтилган партияларнинг деярли барчаси киради.

Ҳокимиятга эришиш учун демократиядан қисман ёки тўлиқ воз кечиш ва «кескин ҳаракат» қилиш учун чиққан партиялар радикал партиялар (ўнг ва сўл партиялар), курашнинг ноқонуний воситаларини қўллашга мойил бўлганлар эса-экстремистик (улар орасида ҳам ўнглар ва сўллар мавжуд) партиялар деб номланади.[42] Радикал партиялар ўзининг мақсадлари йўлида демократик воситаларни қурбон қилувчи ҳамда рақобатнинг қонунда тақиқланган усуллари (сиёсий террор)дан фойдаланувчи партиялар ҳисобланади. Бундай партияларнинг аксариятини экстремистик партиялар ташкил этади (мас., Ирландия Республикачилар Армияси, Яқин Шарқдаги Фатҳ партияси).

Сиёсий партияларни уларнинг амалдаги ҳокимиятга нисбатан муносабатига кўра, *ҳукмрон* (*ҳукуматдаги*) ва *мухолифат* партияларга бўлиш кенг тарқалган. Ҳукумат партиялар бу амалдаги ҳокимият тепасида бўлган ҳамда кўпчилик ғарб олимларнинг фикрича, улар давлат органларининг ёрдамчи механизмлари ҳисобланадилар. Бун-

[42] Аҳмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. -Т.: ТДЮИ. 2004. 13-б.

дай партияларга кўпинча консерватив йўналишдаги партиялар киради. Мухолифат партиялар эса амалдаги ҳокимиятдан ўрин ололмаган ҳамда ҳукмрон сиёсий партиянинг ғоявий-сиёсий қарашларига қарши чиқувчи партиялардир, бундай партияларга шартли равишда радикал типдаги партиялар киритилади. Айрим давлатларда, айниқса, ҳукмрон партияларга эга бўлган кўппартиявий тизимли давлатларда бундай партиялар (ҳукмрон ва мухолифат партиялар) тез-тез жой алмашиниб туришади. Жумладан, Буюк Британияда агар ҳокимият тепасига Консерваторлар партияси келса, уларга мухолифат партия Лейбористлар партияси бўлади ёки аксинча.

Ташкилий тузилиши жиҳатидан сиёсий партиялар икки асосий гуруҳга бўлинади. Булар: *ташкилий расмийлаштирилган* ва *ташкилий расмийлаштирилмаган партиялар*. Биринчи гуруҳ партияларида барча аъзолар партия билетларини оладилар ва аъзолик бадалларини тўлайдилар, шу билан бирга улар юқори даражада уюшган ва қатъий интизомга эгадирлар. Буларга Франция Социалистик партияси, Ҳиндистон Миллий Конгресси, Австрия Халқ партияси кабилар киради. Ташкилий расмийлаштирилган партияларда расмий равишдаги аъзолик мавжуд эмас, бундай партияларнинг аъзолари бўлиш учун эса сайловларда уларга овоз беришнинг ўзи кифоя қилади. Ушбу партияларнинг энг асосий хусусияти уларнинг сиёсий конструктивлигидир. АҚШдаги Республикачилар ва Демократлар партияси буларга яққол мисолдир. Мазкур классификация билан боғлиқ равишда партияларни уларга аъзолик турига қараб, *бевосита аъзоликка эга бўлган* ва *билвосита аъзоликка эга бўлган партияла*рга бўлиш мумкин. Бевосита аъзоликка эга бўлган партияларда аъзолар, яъни фуқаролар тўғридан-тўғри бирон-бир партиянинг аъзоси бўлишса, билвосита аъзоликка эга бўлган партияларда эса инсон бошқа бир ташкилотнинг аъзоси бўлиши билан бирга ўзи хоҳлаган тарзда маълум бир партиянинг аъзоси бўлиб қолиши мумкин. Масалан, Буюк Британия Лейбористлар партияси, Швеция Социал-демократик партияси ўз таркибига мамлакатдаги касаба уюшмаларининг аъзоларини ҳам қамраб олади.

Партиялар қандай ижтимоий манфаатларни ифодалаши, ўз олдига ва жамият олдига қандай вазифаларни қўяётганлиги ва қайси сиёсий усуллар билан унга эришаётганлигига қараб таснифланиши мумкин.

Марксча-ленинча адабиётларда партияларни уларнинг “синфий моҳияти”га кўра, монополистик буржуазия, ўрта буржуазия, майда

буржуазия, миллий ёки компродорлик буржуазияси партиялари (ривожланаётган мамлакатлар учун), ишчилар синфи партияси, инқилобий демократик партия ва ҳоказо гуруҳларга бўлиш қабул қилинган эди. Партияларни бундай таснифлаш масалага бир томонлама ёндашиш бўлиб, партияларнинг моҳиятини бузиб кўрсатади. Масалан, АҚШ сиёсий ҳаётида ҳукмрон бўлган иккала партия: республикачилар ва демократлар партияси совет даври адабиётларида "монополистик буржуазиялар партиялари" дея тавсифланган. Бироқ улар ташкил топган пайтда, монополистик буржуазия деган тушунчалар ҳали ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Уларнинг "буюк капитализмнинг икки ягона (яхлит) партияси" сифатидаги тавсифи ҳар иккала партиянинг ўзига хос ижтимоий негизи, хусусиятлари ҳақида заррача бўлса-да, тасаввур ҳосил қилмайди. Марксчи-ленинчилар нуқтаи-назарида бу партиялар гўёки, бир ҳовуч капиталистик магнатлар манфаатини ифодаловчи партиялар эмиш. Бас шундай экан, ушбу партияларга сайловчиларнинг ҳар доим кўпчилиги овоз беришини қандай тушунтириш мумкин? Бинобарин, "...бутун халқ оммаси манфаатларини оғишмай ифодалаб келяпмиз," - дея даъво қиладиган коммунистлар сайловларда доимо жуда кам овоз оладилар ва мағлубиятга учраб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, "марксчи-ленинчилар" дея тавсифланмаган Британия консерватор (муҳофазакор)лар партияси монополистик капитализм партияси сифатида сўнги вақтларда, сайловларда бир неча марта кетма-кет ғалаба қилди ва салкам 20 йил ҳокимият тепасида турди, худди шу пайтда, Буюк Британия Коммунистик партияси эса КПССнинг ёрдамисиз умуман мавжуд бўла олмасди. Кўриниб турибдики, сайлов олди шиорлари эмас, консерваторларнинг реал сиёсати сайловчилар оммасининг ишончини қозонди, сайловчилар бу партиянинг ҳақиқатдан ҳам кенг халқ оммаси манфаатларига жавоб беришига ишондилар, акс ҳолда, улар ўз овозларини бошқа партияларга берардилар. Шундай бўлди ҳам. Бу 1997 йилда содир бўлди: консерваторлар сайловларда лейбористлар партиясига нисбатан кам овоз олдилар ва натижада лейбористлар партияси жамоа палатасида кўп ўрин олиб, шу бугунги кунгача ҳокимиятни эгаллаб турибди.

Демократик мамлакатларда ҳар қандай бирозгина жиддий сиёсий партия имкон қадар кенгроқ ижтимоий негизни яратишга интилади, кенг халқ оммасига яқин ғоя ва мақсадларни ифодалашга уринади. Шу сабабли тегишли ижтимоий- иқтисодий сиёсатни ишлаб

чиқиш асосий иш ҳисобланиб, унинг негизида бундай сиёсатни амалга оширишнинг сиёсий воситалари танланади.

XIX асрда партиялар фаолиятидаги асосий фарқ божхона тўловларига муносабат масаласида бўлган. Юқори (ҳимоя) бож тўловлари миллий бозорни ташқи экспанциялардан муҳофаза қилган, маҳаллий саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларини ривожланиши учун ижобий шарт-шароитлар яратган. Иш ўринлари сақланган ва уларнинг сони ошган. Бу консерваторлар (муҳофазакор)ларнинг шиори бўлиб, улар шу тарзда, аввало, тадбиркор-ишбилармонлар, ишчилар ва деҳқонларнинг манфаатларини ифода этганлар. Паст божхона тўловлари миллий бозорда маҳаллий ва чет эл товарларининг рақобатлашиши учун имкониятлар яратган, моллар нархининг пасайиши ва истеъмол учун қулайлашувига олиб келган. Аммо бу ҳол маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг баъзилари синиб кетишига сабаб бўлган, ишсизлар сонининг ортишига олиб келган. Истеъмолчилар манфаатини, одатда, эркин савдо шиори билан майдонга чиққан либераллар ҳимоя қилган.

XIX асрнинг охирларида, ёлланма меҳнат қилувчи кишилар, аввало ишчилар синфи манфаатларини ифода этувчи социалистик йўналишдаги партиялар сиёсий майдонга чиқди. XX асрнинг биринчи ярмида бутун дунёни қамраб олган, бутун жамиятнинг емирилиши хавфини келтириб чиқарган қайта ишлаб чиқариш бўҳрони таъсири остида ишчилар ҳаракатининг инқилобий қаноти-марксча, кейинчалик эса марксча-ленинча мафкураларни тарғиб қилган коммунистик ҳаракатнинг таъсир доираси кескин ошди. Бу ҳаракат бутун жамият бойликларининг давлат ихтиёрига берилиши ва меҳнатга қараб тақсимланишига қаратилган эди. Бунда пролетариат диктатураси тегишли ижтимоий қайта қуришнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилиши керак эди. Бу вақтда, шунингдек, ишчилар ҳаракатидаги бошқа бир экстремистик оқим-фашизм (Италия) ёки миллий-социализм (Германия) оқимининг таъсири кучайди. Бу экстремистик оқимнинг моҳияти фақат ўз миллати учун бошқалар ҳисобига "ер юзида жаннат"ни барпо этишдан иборат эди. Ушбу оқимнинг иккала қаноти ҳам инсониятни ёки ҳеч бўлмаганда, ўз халқини “бахтли қилиш”нинг асосий воситаси сифатида зўравонликни қўллашга уриниши билан тавсифланган. Иккинчи жаҳон уруши фашизм ва миллатчилик (нацизм)ни батамом обрўсизлантирди, шарманда қилди. Коммунистик мафкуранинг эса саноатлашган жамиятнинг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш даражасига қараб таъсири аста-

секин пасая бошлади. Коммунистик партиялар ривожланган мамлакатларда ҳеч қачон раҳнамолик даражасига чиқа олмади. Улар ҳатто, фашизмга қарши урушда фаол иштирок этганликларига қарамай, иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йилларда қатор мамлакатларда (Масалан, Италия, Франция, Японияда) катта муваффақиятларга эришган бўлсалар-да, ҳеч қачон раҳбар кучга айлана олмадилар.

Ишчилар ҳаракатининг реформист (ислоҳотчи) қанотига келадиган бўлсак, унга тегишли бўлган социалистик ва социал-демократик партиялар (масалан, Буюк Британиядаги лейбористлар партияси, Германиядаги Социал-демократик, Испаниядаги Социалистик ишчи партияси, Франциядаги Социалистик партиялар) сайловлар натижасида бир неча бор раҳбар партиялар бўлиб қолганлар. Швецияда Социал-демократик партия социализмнинг швед моделини яратиб, узоқ вақт мамлакатга ҳукмронлик қилди, қолаверса, ислоҳотчи партиялар XX асрда либералларни сиқиб чиқариб, консерватив партияларнинг асосий контрагенти бўлиб қолдилар. XX асрнинг ўрталарида улар марксистик мафкурадан тамоман воз кечдилар.

Айтиш жоизки, XX асрнинг иккинчи ярмида консерватор (муҳофазакор)лар ва либераллар орасидаги фарқ ижтимоий-иқтисодий мақсадлар ва уларга етиш йўллари нуқтаи назаридан йўққа чиқди. Дунё иқтисодиётидаги ягоналашув тенденцияси, умуман, эркин савдо-сотиқ ғоясининг ғалабасини билдирарди. Ривожланган мамлакатларда партиялар фаолиятидаги асосий фарқ ҳозирги вақтда асосан солиқлар ҳақидаги масалададир, зеро давлатнинг ижтимоий ҳимоя имкониятлари айнан солиқларнинг миқдорига боғлиқдир.

Неоконсерватизм (янгиланган муҳофазакорлик) ва неолиберализм меҳнаткашлар учун ижтимоий ҳимоянинг зарурлигини инкор этмайди, бироқ улар шундан келиб чиқадиларки, солиқларнинг камлиги ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, иш ўринлари сонининг ошишига, иш ҳақлари ва меҳнаткашлар бошқа даромадларининг юксалишига ва умуман ижтимоий эҳтиёжларни қондириш имкониятларининг ошишига ёрдам беради. Социалистлар эса жамиятдаги озчиликнинг жамият ишлаб чиқаришида ўз ўрнини топа олмаётганлигига ёки зарур даражада пулли ижтимоий хизматлардан фойдаланишга йўл бермаётган даромадга эгалигига эътиборни қаратиб, ҳар бир кишига муносиб ҳаёт даражасини кафолатлаш имконини берувчи юқори солиқ ставка (миқдор)ларини белгилаш учун чиқмоқдалар. Улар “бойларни юқори солиқлар тўплашга мажбур этиш!” тарафдорлари ҳисобланади. Умуман, социалистлар ҳам солиқларни юксак

бўлиши капиталнинг мамлакатдан четга қочишига олиб келиши, бунинг оқибатида, давлатнинг ижтимоий ҳимоя кўрсатишдаги имкониятлари камайишига сабаб бўлиши, ишсизлар сонининг ортиши мумкинлиги каби ҳақиқатни рад эта олмайдилар. Натижада, партия сиёсатидаги бундай фарқларнинг ҳам камайиши тенденцияси тобора намоён бўлиб бормоқда.

Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ҳисобга олишни кўзда тутувчи партиявий йўналишлар билан бир қаторда (жумладан, обрўли сиёсий партиялар ҳам нафақат меҳнаткашларни манфаатларини ҳисобга олади), демократлар орасида сайловчиларнинг анча чекланган асосда бирлаштирувчи партиялар ҳам учрайди, гарчанд уларнинг орасида анча катта нуфузга эга бўлган партиялар мавжуд бўлади.

Бир қатор мамлакатларда фуқаролар эътиқодларининг муштараклиги асосида бирлашган конфессионал партиялар ҳам етакчи партиялар сафидан ўрин олган. Бунга христиан-демократик партиялар ёрқин мисол бўла олади. Улар кўпинча ўта оммавий партиялар сифатида майдонга чиқади. Германияда Христиан-демократик идтифоқ христиан (насроний) динининг икки оқими-католиклар ва инжилчиларни қамраб олган. Конфессионал партиялар орасида давлатни черковга бўйсундиришга уринувчи клерикал партиялар алоҳида ўринга эга.

Кўпгина мамлакатларда (масалан, Францияда) XX асрнинг ўрталарида кўзга кўринарли сиёсий оқим ҳисобланган клерикализм бугунги кунга келиб ривожланган мамлакатларда умуман йўқолиб кетди. Аммо у баъзи бир ислом давлатларида (масалан, Эронда) фундаментализм кўринишида қайтадан тикланди ва янги шакл олди.

Сиёсий партиялар орасида муайян миллий жамоа одатда, миллий озчиликларга йўналтирилган партиялар ҳам учрайди. Масалан, Финландиядаги Швед халқ партияси, Даниядаги Немис халқ партияси ана шундай партиялардандир. Айрим мамлакатларда, масалан: Болгарияда эса бундай партияларнинг тузилиши конституция билан тақиқлаб қўйилган.

Сўнги вақтларда кўпгина мамлакатларда, масалан, Германия, Испания, АҚШ ва бошқа давлатларда экология талабларига риоя қилиниши учун курашувчи партиялари ва “яшиллар” ҳаракатлари вужудга келди ва муайян мавқега эга бўлди. Бундай талаблар одатда умумдемократик ва умумижтимоий талаблар билан уйғунлашиб

кетади. Германиядаги Яшиллар партияси ҳозирги пайтда ҳокимиятни бошқаришда етакчи мавқега эга бўлиб турибди.

Ҳозирги замон сиёсий ҳаётида шундай партиялар ҳам учрамоқдаки, уларни “кулгили” дейишдан бошқача тавсифлаш мумкин эмас. Масалан, 1991 йилда сайланган Польша Сейми (парламентнинг қўйи палатаси)да энг йирик фракциялардан бирига Пиво ишқибозлари партияси бошчилик қилди. Бунга ўхшаш “кулгили” партиялар 90-йилларда Россия ва Белоруссияда ҳам тузилган эди. Лекин улар жамият ичида бирон-бир обрў-эътибор қозона олмадилар.

Ҳар бир мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ўнг, сўл, марказчи, ўнг марказчи ва сўл марказчи партиялар ва коалиция (партиялар иттифоқи)лар турлари мавжуд. Бундай гуруҳлаштириш Француз инқилобидан кейин партияларнинг парламентда жой олишларига қараб пайдо бўлган. Бунда муҳофазакор (консерватор)лар парламент раисининг ўнг томонидан, ислоҳот тарафдорлари эса чап томонидан жой олишган эди. Ҳокимиятга эришиш учун демократиядан қисман ёки тўла воз кечиш ва “кескин ҳаракат” қилиш учун чиққан партиялар радикал партиялар (ўнг ва сўл радикаллар), курашнинг ноқонуний воситаларини қўллашга мойил бўлганлар эса – экстремистик (улар орасида ҳам ўнг ва сўллар мавжуд) партиялар деб номланади. Масалан, кўпинча неофашистик, неонацистик, ирқчиликка мойиллар-ўнг радикал партиялар, коммунистик партиялар эса сўл радикал партиялар деб номланади. Бироқ ўнг партияларнинг ижтимоий негизини малакасиз ишчилар, хонавайрон бўлган деҳқонлар, майда савдогарлар, ўқишни тамомламаган талабалар ва шунга ўхшаганлар ташкил этади. Шу боис ҳам улар сўлчилардан унчалик фарқ қилишмайди. Экстремистлар қандай бўлмасин, барибир террор, давлат тўнтариши ва ҳоказоларга мойил гуруҳлардир.[43] Социалистик мамлакатларда, одатда, давлат билан уйғунлашиб, уни ўзига бўйсундириб олган коммунистик партиялар мавжуд бўлган. Бошқа партиялар мавжуд бўлиши учун эса улар компартиянинг раҳбарлик кучи, ролини тан олишлари керак. Бундай партиялар кўпинча сунъий тусда бўлади. Масалан, Хитойда бундай партия (яъни сунъий)ларнинг сони саккизта, улар жумласига кирувчи ишчи-деҳқонлар демократик партияси, тиббиёт зиёлилари - вакилларини ўз ичига олади.

Ривожланаётган мамлакатларда юқорида кўрсатиб ўтилган партиялар билан бир қаторда шу мамлакатдаги ўзига хос шароитлар

[43] Россияда 90-йиллар арафасида тескари атама қўлланилган: ислоҳотлар учун курашувчилар сўллар деб, эски тузумни қайтаришни истаганлар ва коммунистлар эса ўнг, яъни консерваторлар деб аталган.

туфайли пайдо бўлган партиялар ҳам бор. Аввало шуни таъкидлаш керакки, миллий ислоҳотчи партиялар баъзи мамлакатларда иқтисодий мустақилликка эришишга интилган ҳолда, миллий капитални ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиб, хорижий капитал билан ҳамкорлик қилади. Бундай партиялар жумласига Ҳиндистон миллий конгресси, Мексика институцион-инқилобий партиясини киритиш мумкин. “Инқилобий-демократик партиялар” “дунё социалистик тизими” инқирозга юз тутганидан кейин умуман сиёсат майдонидан кетди ёки ўз мафкурасини ўзгартирди.

Умуман шуни ҳисобга олиш керакки, партиянинг номи ҳар доим ҳам унинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини англатавермайди. “Демократик” деб аталган, лекин демократиядан асар ҳам бўлмаган партияларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Германия миллий-демократик партияси шундай партиялардан бўлган. Ўзини радикал дея номловчи партиялар борки, улар амалда радикализмдан узоқ, аниқроғи ундан анча узоқлашиб кетган (масалан, Францияда, Швейцарияда).

Партиянинг электоратлари уларнинг ижтимоий негизлари билан ҳар доим ҳам белгиланавермайди, зеро, бир негизнинг ўзида бир нечта партия бўлиши ҳам мумкин. Баъзан маҳаллий ва ҳатто оилавий сиёсий анъаналар ҳам катта аҳамият касб этиши мумкин.

Сиёсий партиялар ташкилий жиҳатдан турли-туман бўлишига қарамай уларни икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин: расмий ва норасмий сиёсий партиялар. Ташкилий жиҳатдан расмий (қонуний, қайд этилган, рўйхатга олинган) сиёсий партиялар аъзоларининг сони жиҳатдан одатда, унчалик кўп эмас, аммо улар юқори даражада уюшган ва қатъий интизомга эгадирлар. Уларни кадрлар партияси деб ҳам аташади. Бундай партиялар асосини профессионал марказлашган аппарат ташкил этади. Партия лидери партиянинг барча ишларини ҳал қилувчи сўзни айтиш ҳуқуқига эга. Сиёсий ва ташкилий масалаларни олдиндан муҳокама қилиш учун тўпланадиган, партиянинг тегишли тадбирларини олдиндан ҳал қилувчи олий даражали партия раҳбарлари гуруҳи инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда КОКУСлар деб аталади. Бундай партияларда партия варақаси (билети)га эга, низом талабларига бўйсунишга, ойлик ёки йиллик аъзолик бадалларини (одатда даромаднинг 1% гача, камдан-кам ҳолларда1% дан кўпроқ) тўлашга мажбур бўлган партия аъзолари ва партия органлари орасида ташкилий боғлиқлик мавжуд бўлади. Кўпинча бундай партияларда партиянинг раҳбарий органларида ўз квота (иш ўрни)сига эга бўлган барқарор фракциялар фаолият кўрсатади. Ташки-

лий жиҳатдан расмийлаштирилган партиялар жумласига Австрия Халқ партияси, Ҳиндистон миллий конгресси, ГФР христиан-демократик иттифоқи, Франция Социалистик партияси ва бошқалар киради.

Бундай ва шунга ўхшаш оммавий партияларга бошқа жамоат ташкилотлари касаба, ёшлар, аёллар иттифоқлари ва бошқалар ҳам бирикади. Масалан, Франция Коммунистик партиясига касаба бирлашмаси, Умумий Меҳнат Конфедерацияси ҳам киради, Британия лейбористлар партиясига касаба уюшмалари ва матбуот жамиятлари қўшилади.

Экстремистик партиялар одатда, олий даражада марказлашганлиги ва уюшганлиги, қаттиқ ярим ҳарбий интизоми ва ҳокимиятларнинг партия доҳийлари қўл остида тўпланганлиги билан ажралиб туради. Улар люпенлар ва майда мулк эгаларининг бир қисмига суянадилар. Баъзан бундай партиялар негизида ҳарбийлашган жангари гуруҳлар ҳам тузилиши мумкин.

Ташкилий жиҳатдан расмийлашмаган партияларда аъзолик деган нарса бўлмайди, шунингдек, партия органлари ва тарафдорлари билан расмий алоқа, боғлиқлик ҳам бўлмайди. Партия аъзолари партияга тегишлилик ҳақида ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмайдилар, партиявий интизомга бўйсунишга мажбур эмаслар. Профессионал ва фаоллардан ташкил топган партия аппарати (маҳкамаси) асосан сайлов компанияси даврида фаолият кўрсатади. Бундай партиялар ўз моҳиятига кўра, сайлов (олди) ҳаракатлари ҳисобланади. Масалан, АҚШдаги республикачилар ва демократлар партияси бунга мисол бўла олади.

Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда парламентдаги партия фракцияси, қолаверса, ундан шаклланган ҳукумат парламентдан ташқаридаги партия органларига тобе бўлмайди. Аксинча, айнан парламент фракцияси партиянинг ҳақиқий раҳбариятидир. Уни бежизга парламент партияси деб аташмайди. Мамлакатда қатъий интизом асосида мустаҳкам жипслашган парламент партияси ўз йўлбошчиси раҳбарлиги остида партиянинг сиёсатини белгилайди.

Кўпинча сиёсий партиялар ҳудудий тамойил асосида тузилади, яъни партия ташкилотларининг тузилиши сайлов округлари ва мамлакатнинг сиёсий-ҳудудий бўлиниши билан белгиланади.

Ҳудудий тамойили камдан-кам учрайди (масалан, Мексика институцион-инқилобий партияси), одатда у коммунистик ва “инқилобий-демократик” партиялар учун хос.

Ривожланаётган мамлакатлардаги кўпчилик сиёсий партиялар фақат номигагина партиялардир. Улар баъзан мамлакатнинг бутун катта ёшли аҳолисини қамраб олади, уларнинг йўлбошчилари эса баъзан абадий йўлбошчи (доҳий)лар бўлиб қолади (Масалан, Малави Конгресси партияси каби). У ерда азалдан ҳеч қандай демократия бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ.

4-§.Сиёсий партияларнинг ташкилий тузилиши, ташкилий-расмийлаштирилган ва ташкилий-расмийлаштирилмаган партиялар

Сиёсий партиялар фаолиятининг мураккаблашуви, жамиятда тутган ўрнининг ошиши уларнинг юридик (ҳуқуқий) ва ташкилий мустаҳкамланишига олиб келди. Агар XIX аср конституцияларида сиёсий партиялар ҳақида ҳеч эслаб ўтилмаган бўлса ҳам, аммо ўша даврдаёқ партиялар давлат ва сиёсий ҳаётда ўта муҳим роль ўйнарди.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий ва ташкилий мустаҳкамланиши қуйидаги икки бир-бири билан ўзаро боғланган жараёнларда: бир томондан, уларнинг мақомини конституциявий йўл билан мустаҳкамланишида ва иккинчи томондан, улар ҳуқуқий ҳолатининг махсус қонун билан батафсил белгиланишида намоён бўлади. Кейинги жараёнга қонуний институтлашув дейилади.

Қонуний институтлашув одатда, сиёсий партия мақомининг қуйидаги элементларини ўз ичига олади:

1) сиёсий партия тушунчаси, партиянинг сиёсий тизими ва давлат механизмида тутган ўрни ва роли;

2) сиёсий партиянинг ташкил этилиши ва тугатилиши шартлари ва тартиби;

3) партиянинг мафкураси ва низомларига қўйиладиган талаблар;

4) уларнинг ташкилий тузилиши ва фаолият тартибига қўйиладиган талаблар;

5) партиянинг молиявий-иқтисодий негизи;

6) партиянинг оммавий ҳокимиятлар ва энг аввало давлат ҳамда ўзини ўзи бошқарув вакиллик органлари фаолиятида иштироки. Коммунистик якка партиявий тизим ва бунга мувофиқ тарзда авторитар ва тоталитар сиёсий режимлар шароитида ҳукмрон доиралар жамиятдаги ягона давлат партиясининг етакчи ўрнини таъкидлайдилар. Улар ягона партиянинг ҳуқуқий мақомини тартибга солишдан кўпинча ўзларини четга оладилар. Бунда улар партиянинг ҳар қандай қонундан устунлигидан, бинобарин, партия ҳокимияти учун ҳеч қандай

қонуний чегара қўйилмаслигидан келиб чиқадилар. Яқин ўтмишда худди шу ҳол Собиқ Совет Иттифоқида мавжуд эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган барча демократик конституциялар маълум даражада сиёсий партиялар ҳақидаги муайян меъёрларни ўрната бошлади. Шу тариқа сиёсий партиялар ҳақидаги конституциявий тамойиллар шаклланди. Конституциявий тамойиллар жорий қонунчиликда-сиёсий партиялар ҳақидаги махсус қонун ҳужжатларида (масалан, Германияда), сайлов ҳақидаги қонунларда (масалан, Мексикада) ва бошқаларда ўз аксини топди, аниқлаштирилди ва ривожлантирилди. Бундай қонунчилик сиёсий партиялар конституциялаштирилмаган мамлакатларда ҳам ривожланмоқда. Баъзан қонунлар фақат партия мақомининг қандайдир бир томонини тартибга солади (партияларнинг молиялаштирилиши каби). Масалан, буни 1965 йилда Швецияда, 1969 йилда Финландияда, 1974 йилда АҚШда қабул қилинган тегишли қонунларда кўриш мумкин.

Шарқий Европадаги бир қатор мамлакатларда, сиёсий партиялар мақомини тартибга солувчи қонунлар социалистик ҳокимиятлар қулаганидан кейин тез орада қабул қилинган. Масалан, Руминияда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолияти тартиби ҳақидаги Декрет Коммунистик режим ағдарилгандан кейин бир ҳафта ўтгач, 1989 йил 31 декабрда ҳукумат Миллий қутқариш Фронти қўлига ўтганидан сўнг қабул қилинган.

Сиёсий партиялар мақомининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солинишини қуйидаги мисолларда яққол кўриш мумкин.

Япония Конституциясида сиёсий партиялар ҳақида махсус айтиб ўтилмайди. Унинг фақатгина, 21-моддаси биринчи қисмида қуйидагича белгилаб қўйилган холос, “Йиғилиш ва бирлашиш эркинлиги кафолатланади...” ГФР Асосий қонунининг 9-моддасида эса "барча немислар иттифоқлар ва жамиятлар ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мақсадлари ва фаолияти жиноят қонунларига зид бўлган ёки Конституциявий тузумга ёхуд халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликка қарши қаратилган бирлашмалар тақиқланади" дейилади. Ушбу Конституциянинг 21-моддасида сиёсий партиялар ҳақида алоҳида гапирилади. Унда таъкидланишича, “партиялар халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришга кўмаклашади. Улар эркин равишда ташкил этилиши мумкин. Уларнинг ички тузилиши демократик тамойилларга мос келиши лозим. Партиялар маблағлари манбалари ва улардан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек, ўз мол-мулки ҳақида омма олдида ҳисобот беришлари лозим”. Бундай меъёрлар билан яқин

ўтмишдаги гитлерчилар партияси сингари (фюрер)га сўзсиз бўйсунишга асосланган оммавий партиялар тузиш ва улар ёрдамида фашистик диктатура (ҳукмронлик) ўрнатишга қаратилган интилишларнинг олди олинади.

ГФР Конституцияси 21-моддаси 2-қисми мазмуни ҳам шу ҳақидадир: "Ўз мақсадларини кўзлаб ёки ўз тарафдорларининг хулқ-атворига кўра эркин демократик тузум негизларига зарар етказишга ёхуд уни йўқ қилишга ёки Германия Федератив Республикасининг мавжуд бўлишини хавф остига қўйишга интиладиган партиялар ғайриконституциявийдир. Ғайриконституциявийлик тўғрисидаги масалани федерал Конституциявий суд ҳал этади"[44].

Худди шунингдек, 1991 йилда қабул қилинган Болгария Республикаси Конституциясининг 11-моддасида сиёсий партиялар ҳуқуқий мақоми қуйидагича белгиланди.

1. Болгария Республикасидаги сиёсий ҳаёт сиёсий фикр эркинлиги тамойилига асосланади.

2. Бирорта ҳам сиёсий партия ёки мафкура давлат партияси ёки мафкураси сифатида эълон қилиниши ёки тасдиқланиши мумкин эмас.

3. Партия фуқароларнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифодалашга кўмаклашади. Сиёсий партияларни ташкил этиш ва тарқатиб юбориш, шунингдек, уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби шартлари қонун билан тартибга солинади.

4. Этник, ирқий ёки диний асосдаги сиёсий партиялар, шунингдек, давлат ҳокимиятини зўрлик билан тортиб олишни мақсад қилиб қўйган партияларни ташкил этиш мумкин эмас".[45]

Кўриниб турибдики, келтирилган модданинг 4-қисмидаги шартлилик Болгария учун муҳим бўлган турк-мусулмонлар озчилиги муаммоси билан боғлиқ. Кўрсатиб ўтилган тақиқларга қарамай, ушбу озчилик ўз партиясини тузган. Бу—ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаракати бўлиб, у Болгария парламентида ўзига яраша ўрнига эга. Бироқ бу партия расман унинг номидан ҳам кўриниб турибдики, этник ҳам эмас, диний эътиқод асосида ҳам тузилган эмас, чунки ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиниши этник ёки диний манфаатни кўзламайди, умуммиллий манфаатни кўзлайди. Конституциявий судда ушбу партиянинг ҳуқуққа мослигини текшириш масаласи кўриб чиқилган бўлса ҳам лекин ҳеч қандай натижа бермади.

[44] Жаҳон Конституциялари. I жилд. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 384-б.
[45] Жаҳон конституциялари. I жилд. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 309-б.

Баъзи шарқий Европа мамлакатларида (Масалан, Болгария, Хорватияда) сиёсий партиялар ҳақидаги қонунлар сиёсий партияларни ишлаб чиқариш принципларига кўра, яъни иш жойи бўйича ташкил қилишни ман этади ва партиявий тузилмаларни ҳудудий принципларга кўра ташкил этиш тартибини ўрнатади. Коммунистик тоталитар режимлар шароитида айнан шу ишлаб чиқариш принципи асосида партия тузилмалари барпо қилиш тартиби бошланғич партия ташкилотлари орқали оммани раҳбарларга сўзсиз тобе қилишни таъминлаган эди: бунда корхона ва муассасалар партия қўмиталари номенклатурасида ҳисобда турувчи директорлар томонидан бошқариларди ва унга кўра партия аъзолари учун тақиқланган хатти-ҳаракатлар уларга нафақат партиявий, балки маъмурий жазолар олиш хавфини соларди. Ғарбий Европа мамлакатларида эса бундай муаммо йўқ эди ва ишлаб чиқариш принципи бўйича партия ташкилотлари тузишга тўсқинликлар ҳам бўлмаган.

Германиянинг 1967 йилги сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуни партиялар тузиш тартибини янада батафсил белгилаб берди. Қонун партияларнинг максимал даражада демократик бўлишини талаб қилади.

Қонунчилик кўпинча сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситалари, аввало, электрон воситалар–радио ва телевидениедан фойдаланишлари тартибини ҳам белгилаб беради. Албатта, бунда етакчи партияларга баъзи устунликлар берилади. Бундай ҳолни Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон мисолида кўриш мумкин.

Сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий жамоат бирлашмалари (ташкилотлари)нинг сиёсий жараёнда тутган юқори ўрни уларнинг раҳбарликка даъво қилишини, яъни давлат билан ўзаро муносабатларининг бир қолипга келтирилишини талаб қилади. Давлат ичида қандай сиёсий бирлашмалар фаолият кўрсатаётганини, улардан қайси бири тўла-тўкис конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритаётганлигини билиши, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Сиёсий жамоат бирлашмаларининг фаолияти давлат учун ҳам, умуман жамият учун ҳам тўла-тўкис маълум бўлмоғи лозим. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари (бирлашма)ларини рўйхатга олиш институти ушбу мақсадлар йўлида хизмат қилади. Фақат рўйхатга олинган партиялар ва бошқа сиёсий бирлашмаларгагина оммавий ҳокимиятлар органларига сайловларда иштирок этиш, улар билан ўзаро муносабатда бўлиш ва зарур ҳолларда давлат ҳимояси ва ёрдамини олишга рухсат этилади.

Сиёсий ташкилотларнинг партиялар ҳуқуқий мақомини қўлга киритишлари тартиби нуқтаи назаридан мамлакатларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Муайян ташкилотнинг партия деб тан олиниши учун ўзини партия деб эълон қилиши етарли электоратини тўплаган давлатлар. Бу гуруҳдаги мамлакатлар сони аста-секин камайиб бормоқда. Бироқ улар қаторида Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия каби давлатлар ҳозир ҳам мавжуд.

2. Қонунчилик партияларнинг қандайдир давлат органларида рўйхатдан ўтишини талаб қилмайдиган, бироқ ташкилотларнинг партия мақомини қўлга киритиши учун ўзи ҳужжатларини тегишли органларга тақдим этиши лозим. Масалан, ГФРда партиялар Федерал сайлов комиссиясига ўзининг дастури, низоми ва бошқаруви ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши лозим. Комиссия эса партиялар томонидан сайловларда иштирок этиш учун илгари сурилган номзодлар рўйхатларини ва номзодларга ижозат бериш масаласини ҳал қилишда ҳар бир партиянинг шу каби хусусиятларини текшириш ҳуқуқига эга. Австриянинг партиялар тўғрисидаги қонунига биноан, сиёсий партия ўз низомини ИИВга тақдим этиши билан юридик шахс мақомига эга бўлади.

3. Қонунлари партияларнинг мажбурий рўйхатидан ўтишини белгилайдиган мамлакатлар. Уларда партияларни рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи турли органларга, аввало давлат бошқарув органларига берилади. Масалан, Испания, Италия ва Францияда партияларни рўйхатдан ўтказишни Ички ишлар вазирлиги амалга оширади. Қозоғистон, Бенин, Бельгия ва Нидерландияда- Адлия вазирлиги, АҚШ штатларида эса мазкур штатларнинг давлат сирлари компетенцияси томонидан партиялар рўйхатдан ўтказилади. Баъзи мамлакатларда партияларни рўйхатдан ўтказишни суд органлари бошқарадилар (масалан, Португалияда, Олий суд раиси, Анголада, Олий халқ суди). Қатор мамлакатларда партияларни рўйхатдан ўтказиш сайловлар ўтказиш учун ташкил қилинган органлар ихтиёрига берилган (Мексикада, Федерал сайлов комиссияси, Ҳиндистонда, Сайлов комиссияси, Швецияда эса қайси муассаса марказий сайлов органи ҳисобланиши ҳукумат томонидан аниқланади, айни вақтда бу орган бош солиқ бошқармаси ҳисобланади). Никарагуада бошқа мамлакатлардагига ўхшамаган ўзига хос орган, сиёсий партияларнинг Миллий кенгаши партияларни рўйхатдан ўтказади. Унинг таркиби тенг миқдордаги

давлат органлари вакилликларидан, ҳамда рўйхатдан ўтказиб бўлинган партиялардан иборат бўлади.

4. Бу гуруҳни шундай мамлакатлар ташкил қиладики, буларда аниқ кўрсатилган бир ёки бир неча партиялар учун легал фаолият юритиш имконияти қонуний мустаҳкамланади (ХХР, Вьетнам ва б.) ёки партиянинг ўзи давлат актлари асосида тузилади (Габон ва б.). Ушбу гуруҳга тегишли мамлакатлар учун партияларни рўйхатдан ўтказиш муаммоси мавжуд эмас.

Партияларни рўйхатдан ўтказиш ёки партия мақомига эга бўлиш учун давлатнинг қандайдир органига бу ҳақда аниқ маълумотлар тақдим қилиш лозимлиги кўзда тутилган мамлакатларда партия мақомига даъво қилувчи ташкилотларга расмий ва иқтисодий характердаги махсус талаблар қўйилади. Расмий талабларга партиянинг қандай номланиши, белгиси (эмблемаси), шунингдек, қонунга мувофиқ муайян ҳужжатларнинг мавжудлиги кабилар киради.

Масалан, баъзан рўйхатдан ўтиш учун бу ҳақдаги биргина ариза кифоя қилади (Швеция), бироқ кўпинча рўйхат анча кенгайтирилган бўлиши, масалан, низом, дастур ва шу кабилар тақдим қилиниши талаб қилинади. Баъзи мамлакатларда (масалан, Қозоғистон ва бошқаларда) партияларни рўйхатдан ўтказишда рўйхатга тегишли тўпламлар учун тўлов кўзда тутилган. Барча мамлакатлар қонунларида қайд қилинишича, янги партияларнинг номлари мавжуд партиялар номларидан фарқ қилиши, уларнинг номларида, шунингдек, эмблемаларида давлат ва диний белгиларга ўхшашликлар бўлмаслиги лозим.

Расмий характердаги талабларга партияларни рўйхатдан ўтишини қўллаб-қувватловчи маълум миқдордаги сайловчиларнинг хоҳиш иродасини ифодаловчи имзолар талаб этилади. Масалан, Болгариядаги партия камида 50 аъзога эга бўлиши, Руминияда 251 та, Қозоғистонда эса 3000 та аъзо бўлиши керак. Швецияда парламентга сайловлар учун рўйхатдан ўтишда партия 1500 сайловчининг имзоларини тақдим этиши зарур. Португалияда партияларни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза мазкур давлат ҳудудида доимий яшовчи 5000 дан кам бўлмаган сайловчилар томонидан имзоланган бўлиши лозим. Анголада бундай ариза 1500 мингдан кам бўлмаган сайловчилар томонидан имзоланган бўлиши ва бунда 14 та провинциянинг ҳар биридан (умумий миқдори 19 та бўлган провинциядан) камида 150 яшовчи овоз бериши лозим.

АҚШнинг 20 та штатлари қонунчилигида партия мақомини олиш учун тўплаш зарур бўлган имзоларнинг мутлақ миқдори ўрна-

тилади. Иллинойсда бу 2500 имзо, Нью Йоркда 2000, Алабамеда-5000, Огайода-5000, Висконсинда-3000, Конзасда-2,500, Айдахода-1500 ва ҳ.к. Бошқа штатларнинг қонунлари умумий сайловчиларнинг сонига нисбатан барча номзодлар учун берилган овозлар миқдорига ёки фақат штатлар (Мичиган, Монтана) даражасининг у ёки бу лавозимга номзодларнинг охирги сайловларда ғалаба қозонадиганлари учун фоизларда ифодаланган маълум миқдордаги имзолар тўпламини талаб қилади (Жанубий Дакотада 10 %, Арканзасда 7 %, Минесотда ва Охлахомда – 5 %, Мэриленд ва Нью-Мексикада – 3 %, Коннектикут, Гавайо, Миссури ва Техасда – 1 % ва ҳ.к).

Ҳиндистонда рўйхатдан ўтказиш сиёсий фаолият билан камида 5 йил шуғулланаётган ва умуммиллий сайловларда ёки штатлардаги сайловларда (регионал мақоми) 4% овоз тўплаган партияга тегишли бўлади. 4 та штатларда регионал деб рўйхатдан ўтган партия автоматик тарзда бутун ҳинд партияси мақомини олади. Федератив давлатларда баъзан партиялар умуммиллий ва регионал бўлиб, федерацияларнинг алоҳида субьектлари миқёсидаги фаолияти етарли бўлиши ҳам мумкин (масалан, ГФР, АҚШ, Ҳиндистон ва бошқаларда.) Бразилия қонунлари фақат умуммиллий партияларнигина тан олади. Австриянинг партиялар ҳақидаги қонуни турли даражадаги партияларнинг мавжудлиги ҳақидаги масалани умуман қўймайди. Шу билан бирга бу қонунларнинг кўп қисми уларнинг Федерал кенгашдаги фаолияти билан ёки ундаги сайловлар билан боғлиқ ҳолда партияларнинг молиялаштирилишига қаратилган. Бундан шундай тўхтамга келиш мумкинки, қонун чиқарувчини аввало умумфедерал даражада фаолият юритувчи партиялар қизиқтирган.

Баъзи мамлакатларда (Масалан, Швеция, Испания, Япония) муниципал даражада ҳаракат қилувчи ташкилотлар ҳам партия сифатида эътироф этилади. Бошқа қатор мамлакатларда эса – ГФР, Португалия, АҚШ, Хитой, Бразилия, Ангола, Қозоғистон ва бошқаларда партия сифатида – эътироф этилмайди.

Партияларнинг рўйхатдан ўтишига ва уларнинг фаолиятига қўйиладиган талаблар уларнинг ташкилий қурилиши ва фаолияти принципларига ҳам тегишли бўлади. Асосий қонунлар кўпинча партияларнинг демократик принциплар асосида ташкил қилинишини ва фаолият юритишини талаб қилади. Бунда партияларнинг демократик принциплар асосига қурилиши, жумладан, партияга қабул қилишда ёки унинг сафидан чиқаришда шахснинг миллати, ирқи, ва жинсига қараб рад этишларнинг ман этилиши кабилар талаб

қилинади. Шунингдек, талаб қилинадики, партия партияга тегишли асосий ҳужжатларни, раҳбарият таркибини, пул маблағлари, даромадлари ва харажатлари ҳақидаги маълумотларнинг мунтазам равишда эълон қилиб бориши учун партия ҳаётининг асосий масалалари барча аъзоларининг йиғилишларида ҳал қилиниши лозим. Бундан ташқари, турли мамлакатларнинг қонунларида мавжуд тузумни зўрлик билан ағдариш (қўпориб ташлаш)ни рад этиш талаби мавжуд бўлиб, ҳарбийлашган ва ярим ҳарбий ташкилотлар тақиқланади.

Италия (1974 й) ва Португалия (1976 й) Конституцияларида фашистик ташкилотларнинг мавжудлигига (тузилишига) йўл қўйилмаслиги махсус таъкидлаб ўтилади. Бу мамлакатларда конституцион қарорларнинг ривожланишида шунга мос келадиган қонунлар қабул қилинган эди. Никарагуанинг партиялар ҳақидаги қонунида тоталитар ва авторитар режимларни қайтадан ўрнатишга интилувчи партияларнинг мавжуд бўлиши тақиқланади.

Баъзи мамлакатларда партияларни рўйхатдан ўтказиш жараёнининг ўзида қонун бўйича муайян шахслар рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги бундай аризага эътироз билдириш ҳуқуқига эга. Мисол учун, Никарагуа, Испания, Бразилиянинг партиялар ҳақидаги қонунларида рўйхатдан ўтказувчи орган учун зарурий ҳужжатлар топширилган вақтдан бошлаб аниқ муддат ўрнатилади. Прокуратура ушбу вақт давомида партияни рўйхатдан ўтказишга қарши чиқиши мумкин. Бироқ бунда асосий қарорни рўйхатдан ўтказувчи орган қабул қилади.

5-§.Чет эллардаги партиявий тизимлар: етакчи сиёсий партияси бўлган кўппартиявийлик тизим, етакчи сиёсий партияси бўлмаган кўппартиявийлик тизими, иккипартиявийлик, якка партиявийлик ва «партиясиз» тизимлар

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий тузилишини тавсифловчи муҳим сиёсий институт бу партиявий тизимдир. Партиявий тизим бир томондан, партия ва давлат орасидаги муносабатлар билан, иккинчи томондан эса партияларнинг сиёсий тизими бошқа ижтимоий элементлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлари билан тавсифланади. У ҳокимиятнинг ижтимоий табиати, уни амалга ошириш усуллари тарихий-миллий анъаналар, муайян мамлакатнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти билан яқиндан боғлиқ бўлади. Турли

мамлакатлардаги партиявий тизимнинг ўзига хосликлари ва турли-туманлиги ана шундан келиб чиқади.

Партиявий тизимлар асосан: бир партиявийлик, иккипартиявийлик ва кўппартиявийлик тизимларга бўлинади. Кўппартиявийлик тизим ҳам турлича тизимга эга бўлиши мумкин. Кўп партиявийлик тизими мамлакатда кўп партияларнинг мавжудлиги билан ўлчанмайди, бу нарса ҳар қандай демократик ва ҳатто тоталитар давлатлар учун хос нарса. Агар ҳокимият учун сайловолди курашда иккитадан ортиқ партия иштирок этаётган бўлса ва уларнинг барчаси ҳукумат қуришда иштирок этиш имкониятига эга бўлса, буни кўп партиявий тизим деб аташ мумкин.

Сиёсий-партиявий плюрализм (кўп фикрлилик) жамият учун халқнинг кўпчилик қисми асосий манфаатларга жавоб берувчи сиёсий йўналишни, курашлар ва келишув йўли билан топиб олишга имкон беради, тинч рақобат ва турли сиёсий кучлар, синфлар, гуруҳлар рақобати механизмини таъминлаб беради. Плюрализм мамлакатдаги сиёсий вазият тубдан ўзгарган тақдирда сиёсий йўналишни тўғри йўлга солиши ёки ўзгартириши мумкин. Бундай ҳолатда сиёсий ва мафкуравий доктрина ва оқимларнинг кўпқирралилиги ва миқёси уларнинг ичидан энг самаралисини танлаб олиш, ижтимоий зиддиятлар кескинлигини юмшатиш, ҳукмронлик қилувчилар ва бўйсунувчилар орасидаги келишув нуқтасини топиш ва ҳукмрон сиёсий элитанинг ижтимоий негизини кенгайтиришга ёрдам беради.

Кўппартиявийлик тизимлари турли-туман бўлади. Кўппартиявийлик тизими Бельгияда, Данияда, Нидерландияда мавжуд. Бу мамлакатларда бир партия устун бўлса-да, коалицион (иттифоқ) ҳукуматлар тузилади (Масалан 1994 йилгача Италияда Христиан-демократлар партияси устунликка эга эди). Бир неча партиялардан фақат битта партия энг муҳим, устувор бўлган кўппартиявийлик тизимлари ҳам мавжуд. Масалан, 1993 йилгача Японияда 38 йил мобайнида Либерал-демократик партия энг йирик, устун партия бўлиб келган. Худди, шунингдек Мексикадаги Институцион-инқилобий партия ҳам ана шундай мақомга эга бўлган.

Кўппартиявийлик тизими блок шаклида ҳам бўлиши мумкин. Бунда сиёсий партиялар ягона гуруҳлашади. Масалан, бунга мисол қилиб 60-йиллардаги Францияни олиш мумкин.

Партиялар сони қонунда қайд этилиши ҳам мумкин. Бу баъзи ривожланаётган мамлакатларда учрайди ва одатда ўткинчи, вақтинча бўлади. Бундай тизим мавжуд режим учун кераксиз партияларни

вужудга келишига йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилади. Шу сингари сунъий икки партиявийлик тизими 1966-1979 йилларда Бразилияда, уч партиявийлик тизими 1976-1990 йилларда Сенегалда, 1977-1980 йилларда Буркина Фасода, 1966-1998 йилларда Индонезияда мавжуд эди. Ушбу тизимни 1989 йилга қадар Болгария ва Польшада мавжуд бўлган тизим билан аралаштириб юбормаслик керак. Ушбу мамлакатларда ҳукмрон Болгария коммунистик партияси ва Польша бирлашган ишчилар партияси билан бир қаторда Болгария деҳқонлар халқ иттифоқи, Польшада эса Бирлашган деҳқонлар партияси ва демократик партияси конституциявий тарзда қайд этилган (рўйхатга олинган). Улар орасидаги фарқ шунда эдики, юқорида санаб ўтилган ривожланаётган мамлакатларда партиялар сайловларда мустақил равишда майдонга чиқади, социалистик мамлакатларда эса партиялар учун сайловолди курашини умуман истисно этувчи депутатлик мандати квоталари (яъни парламентда депутатлар сони) олдиндан белгилаб қўйилади.

Икки партиявийлик тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, партиялар сони кўп бўлганда ва ҳаммаси ҳокимиятга даъво қилганда, улардан фақат иккитаси навбатма-навбат ҳукумат тузади. Бир партия ҳукмронлик қилади, иккинчиси эса мухолифатда туриб, уни танқид қилади, шундан кейин сайловлар натижасида улар вақти-вақти билан ўрин алмашинадилар. Бундай тизим учинчи бир муқобил сиёсий кучнинг юзага келиш имкониятини қийинлаштиради.

Икки партиявийлик тизимининг классик мисоли АҚШдир. Иккала партия – Республикачилар партияси ва Демократик партия ичидаги фракциялар орасидаги сиёсий тафовутлар баъзан жуда катта бўлади ва бундай фракцияларо тафовут миқёси иккала партия орасидаги фарқдан ошиб тушади.

Буюк Британияда асосий мухолиф партиянинг роли қонун билан мустаҳкамланган: У қироличанинг мухолифи ҳисобланади, бу партиянинг раҳбари эса хазинадан маош олади. Бунга ўхшаш тизим Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаси бўлган кўп мамлакатларда амал қилмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, бир партияли тизим легал (очиқ) мақомга эга бўлган ва ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқи биргина, тўла давлат партияси бўлган партияга берилган авторитар ва тоталитар режимдаги мамлакатларга хосдир. Бундай бир партиявийлик тизимлар миллатчи (нацист)лар Германияси ва фашистлар Италиясида, социалистик мамлакатларда мавжуд бўлган. Ҳозирда бундай

тизимлар Хитой, КХДР, Куба, Лаос, шунингдек баъзи Африка мамлакатларида сақланиб қолган.

Ягона ва раҳбар партиянинг ҳукмронлик роли кўпинча конституцияларда кафолатланади. Масалан, 1976 йилда қабул қилинган Куба Республикаси Конституциясининг 5-моддасига кўра (1992 йил таҳририга мувофиқ) “Куба Коммунистик партияси, мартианлик ва марксча-ленинча партия бўлиб, Куба халқининг уюшган авангарди (етакчиси) жамият ва давлатнинг олий раҳбар кучи ҳисобланади ва бутун имкониятларини социализмни бунёд этиш ва коммунистик жамият сари илгарилаш каби олий мақсадга эришиш учун уюштиради ва йўналтиради”. Замбиянинг 1973 йилги Конституциясида Миллий Мустақиллик Бирлашган партиясининг Низоми илова сифатида берилади. Ушбу низом мамлакатнинг конституциявий, тўғрироғи давлат ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб қолган. Бироқ эски режим ҳалокатга юз тутганидан кейин 1991 йил қабул қилинган Янги Замбия Конституцияси ўзининг 21-моддасида партияларни ўз ичига олган ассоциация (уюшма, иттифоқ)лар эркинлигини эълон қилди ва табиийки, ҳар қандай партиявий низомларни ўз ичига олмади.

Агар, одатда, Социалистик конституциялар коммунистик партиянинг раҳбарлик ва йўналтирувчи ролини умумий равишда эълон қилиш билан чекланган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда ягона партиянинг ҳукмронлик мақомини махсус конституциявий кафолатлар билан мустаҳкамланганлигини учратиш мумкин.

Бир партиявийлик тизимида “партия” тушунчаси ўз маъносини йўқотади. Чунки у ягона ва ҳукмрон сиёсий ташкилот бўлиб қолади.

6-§.Сиёсий партиялар фаолиятининг тартиби ва тартибга солиш механизмининг ички ва ташқи усуллари

Сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомининг бундай элементи ўта муҳим аҳамият касб этади. Агар дастлаб сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши фақат уларнинг хусусий фаолиятига оид бўлган бўлса, йиллар ўтиши билан эса уларнинг сайлов корпуси ва оммавий ҳокимият орасидаги зарур ва муқаррар воситачиларга айланиши, сиёсий фаолиятларга жуда катта миқдордаги сарф-харажатларнинг ўсиши, айниқса, сайлов харажатлари ушбу фаолиятнинг молиялаштирилишининг ҳуқуқий тартибга солинишига олиб келди. Ушбу ҳуқуқий тартибга солиш ҳозирги вақтга келиб қатор мамлакатларда конституциявий ҳуқуқий институтга айландики, унинг вазифаси: бир томондан, сайловларнинг йирик капитал томонидан монополия

остига олинишини чегаралаш, иккинчи томондан эса янги партиялар учун сайловларда иштирок этишнинг молиявий имкониятларини яратишдан иборатдир.

Жаҳонда сиёсий партияларни молиялашнинг уч йўналиши мавжуд бўлиб, унда сиёсий партиялар молиялаштирилишини қонун асосида тартибга солинган ҳолда амалга оширишади:

- партияларга хусусий хайрия ва бадаллар миқдори ва тартибини ўрнатиш;

- сайловолди сарф-харажатларни чегаралаш ва улар устидан назорат ўрнатиш;

- партияларнинг давлат томонидан бевосита бюджет ҳисобидан молиялаштирилиши.

Қонунчилик, одатда, партияларга молиявий маблағлар келиб тушиш манбаларини тартибга солади. Бундай манбалар жумласига партияга аъзолик бадаллари, унга тушадиган хайрия маблағлари, рухсат этилган хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадлар ва ниҳоят, давлат субсидиялари (яъни давлат томонидан кўрсатиладиган пул-маблағ ёрдами) киради.

Аъзолик бадалларини ҳамма партиялар олавермайди. Агар аъзолик бадали олинадиган бўлса ҳам, улар партия олаётган даромадларнинг кичик бир қисмини ташкил қилади, холос.

Бундай даромадларнинг асосий (бош) манбаи–жисмоний шахслар, энг аввало, юридик шахсларнинг хайрия маблағларидир. Қонун, одатда, хайрия бадалларининг максимал (энг юқори) миқдорини чегаралайди, хорижий давлатлар ва шахслардан шунингдек, номсиз (аноним) хайрия бадалларини тақиқлайди, агар катта миқдорда хайрия маблағи олинганда алоҳида муҳим ҳисобот шаклини белгилайди (хайрия қилувчи ҳақида маълумотлар ва тўлов чеклари кўрсатилади). Масалан, 1988 йилдаги сиёсий ҳаётнинг молиявий ошкоралиги ҳақидаги Франция Органик қонуни жисмоний шахслар учун 20 минг франк, юридик шахслар учун эса 50 минг франк миқдорида хайрия маблағи чегарасини алоҳида белгилаб қўйган. 2 минг франкдан ортиқ миқдордаги хайрия маблағи чек билан расмийлаштирилади, хайрияларнинг умумий миқдори сайлов кунидан олдинги уч ой ичида тушган маблағ умумий маблағ миқдорининг 20% дан ошиши мумкин эмас. Сайлов компаниясини молиявий таъминлаш учун хайрия маблағлари сайлов компаниясини ўтказишга кетадиган харажатлар миқдоридан ошмаслиги керак (парламент сайловларида 1 номзод учун 500 минг франк).

Келтирилган миқдорлар ўтган, қонун амалда бўлган 12 йил ичида индексация қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда (масалан, Италия, Венгрияда) партиянинг давлат органлари, муассаса ва ташкилотлари томонидан молиявий таъминланиши тақиқлаб қўйилган.

Партиянинг хўжалик фаолиятларидан оладиган даромадлари партия ихтиёридаги корхоналардан, партия мулки ва тарғибот фаолиятидан оладиган даромадларидир. Кўп давлатларда бундай фаолиятлар солиқлардан озод қилинади ёки солиқлар миқдори камайтирилади, лекин баъзан партияларнинг низомий вазифалари билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари чеклаб қўйилади. (Масалан, Болгария, Венгрия, Италия, Мексика, Франция ва бошқалар).

Жумладан, Венгрияда 1989 йилдаги партиялар фаолияти ва улар томонидан хўжалик фаолияти юритиш ҳақидаги қонунга мувофиқ партияларга қуйидаги ҳўжалик фаолиятлари билан шуғулланиш рухсат этилади:

а) сиёсий мақсадлар ва партия фаолияти билан таништириш учун мўлжалланган нашрларни чиқариш (босиб чиқариш) ва тарқатиш, партия рамзи туширилган кўкрак нишонлари ва бошқа шунга ўхшаш предметларни тайёрлаш ва партия тадбирларини уюштириш;

б) уларнинг мулки ихтиёрида бўлган кўчмас ва бошқа турли мулклардан фойдаланиш.

Бу доирада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатишда солиқдан ва жамият учун ушланадиган солиқлардан озод қилинади. Партия ва корхона ташқаридан бошқаларнинг иштирокисиз масъулияти чекланган жамиятлар очиши мумкин, бироқ бошқа хўжалик бирлашмаларида ҳиссадор бўла олмайди. Партияларга ўз пул маблағларини қимматбаҳо қоғозларга қўйишга рухсат этилади. Бироқ акциялар сотиб олиш бундан мустасно. Партия тарқатиб юборилиши ёки парчаланиши натижасида унинг фаолияти тўхташи ҳолатларида унинг мулки кредиторлар талаблари қондирилганидан кейин парламент томонидан таъсис этилган жамғарма ихтиёрига ўтади. Жамғарманинг мақсадлари ва уни ишлатиш усули парламент томонидан тайинлаб қўйиладиган қўмита томонидан ишлаб чиқилади ва ҳар партиядан биттадан умуммиллат рўйхати бўйича манфаатдорлар олган вакилни ўз ичига олади. Жамғармани таъсис қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун парламентда иштирок этаётганларнинг 2/3 овози талаб қилинади. Агар партия тарқалиб

кетадиган бўлса, у ҳолда унинг ўзи бундай жамғармани таъсис этиши ёки қолган мулкни мавжуд жамғармага таклиф этиши мумкин. Бундай тартибга солиш шундан далолат беради, партиянинг мулки Венгрия қонунчилигида хусусий мулк сифатида эмас, оммавий мулк сифатида қаралади.

Қонунчилик сиёсий партияларга давлат томонидан пул ёрдами ажратилиши тизимини батафсил тартибга солади (албатта, бундай тизим қаерда мавжуд бўлса). Бундай ажратма партиянинг сайловларда иштироки билан боғлиқ бўлади. Бироқ баъзан партиявий гуруҳларнинг парламентдаги фаолияти ва умуман фаолияти учун давлат пул ёрдамлари ажратади.

Масалан, Испаниянинг 1978 йилги сиёсий партиялар ҳақидаги қонуни сиёсий партияларга давлат томонидан пул маблағлари ажратилишининг қуйидаги қоидаларини белгилайди: ҳар бир партия ҳар йили парламентнинг иккала палатасига сайловларда партия томонидан олинган овозлар сони, шунингдек, ҳар бир палатадаги ўринлар сонига пропорционал миқдорда маблағ олади. Давлатнинг Бош (асосий) бюджетида ушбу мақсадларга ажратилган умумий миқдор кўрсатилади, холос.

Сайловларда федерация ёки коалиция (партиялар иттифоқи)га кирган партияларга давлат маблағи ажратиш тартиби ҳукумат акти билан белгилаб қўйилади. Испаниянинг 1987 йилги қонунига биноан партиялар уч хил турдаги мақсадли тўловлар (субвенция)лардан фойдаланадилар: сайловлар сарф-харажатлари учун оммавий мақсадли тўловлар, Бош кортеслар палаталарининг парламент гуруҳлари (фракциялари)га, автоном (мухтор) ҳамжамиятлар гуруҳларига давлат субвенциялари, йиллик, ҳеч қандай шартсиз, депутатлар конгрессида кўрсатилган партияларга давлат Бош бюджетидан тўланадиган, партиянинг фаолият кўрсатиш учун мўлжалланган давлат субвенциялари. Бунга ажратилган маблағ миқдори учта тенг қисмга бўлинади. Улардан бири партиялар ўртасида депутатлар конгрессида улар олган ўринга пропорционал ҳолда тақсимланади. Қолган икки қисми партиялар олган овозлар сонига пропорционал миқдорда тақсимланади, бироқ ҳақиқий ҳисобланган овозларнинг умумий сонидан партия учун берилган 3%дан кам бўлган сайлов округларида олинган овозлар ҳисобга олинмайди. Субвенциянинг охирги тури агар партия бюджетдан қандайдир бошқа молиявий ёки иқтисодий ёрдам олаётган бўлса, тўланмайди (дастлабки икки турдаги субвенциядан ташқари).

Партиянинг молиявий маблағлардан фойдаланиш ҳақида ҳисоботлар бериши учун, одатда, қонунларда ҳисобот ҳужжатларининг муддати ва шакли белгилаб қўйилади. Бу муддатлар турли мамлакатларда турлича бўлади: Италияда-ҳисобот тугагандан кейин бир ой, Венгрияда, тўрт ой, Испанияда-олти ой, Австрия ва Германиядатўққиз ой. Кўпинча ҳисоботларнинг чоп этилиши талаб этилади. Сиёсий партиялар молиявий ҳисоботлар билан бир қаторда баъзан қонунларга мувофиқ назорат органларига бошқа ҳисобот ҳужжатлари ҳам тақдим этишга мажбурдир: партия мулки ҳақида ҳисобот (Германияда), хайри-эҳсонлар рўйхати (Австрия, Испания), партия бюджети (Италия), шунингдек, сайлов компаниялари билан боғлиқ даромад ва чиқимлар ҳақида маълумотлар берилиши кўпинча талаб этилади.

Сиёсий партияларнинг молиявий маблағлари устидан назорат турли органлар томонидан амалга оширилади: Австрияда, ички ишлар вазирлиги қошидаги ҳайъат томонидан, Мексика ва АҚШда, федерал сайлов комиссияси томонидан, Венгрияда, давлат ҳисоб палатаси томонидан, Испанияда эса ҳисоб трибунали (суди) томонидан.

Молиявий бузилишлар ва суиистеъмоллар учун сиёсий партияларнинг масъулияти (жавобгарлик)лари одатда анча қаттиқ белгиланган. Асосан булар учун жарималар ва қонунга хилоф равишда олинган маблағлар ва мулкларнинг давлат ҳисобига тортиб олиниши, баъзи мамлакатларда эса партияларнинг давлатдан субсидиялар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши (Франция) ва айбдор шахсларнинг озодликдан маҳрум қилиниши каби жазо чоралари (Италияда бунинг учун 6 ойдан 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари) қўлланилади.

17-боб. Жамоат бирлашмалари (носиёсий жамоат бирлашмалар) сиёсий тизимнинг элементи сифатида

1-§. “Жамоат бирлашмаларининг турлари, вазифалари ва моҳияти тушунчаси”
2-§. “Тадбиркорлик ташкилотлари”
3-§. “Касаба уюшмалари, истеъмолчилар уюшмаси ва ҳоказолар”

1-§. “Жамоат бирлашмаларининг турлари, вазифалари ва моҳияти тушунчаси”

Аҳолининг турли манфаатлари нафақат давлат органлари ва сиёсий партиялар орқали амалга оширилади. Хорижий давлатлар сиёсий тизимларида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий нотижорат жамоат уюшмалари катта аҳамият касб этади. Улар турли туман, булар, касаба уюшмалари, фуқаролик ташаббуслари, тадбиркорлар, истеъмолчилар уюшмалари, экологик ва пацифистик ташкилотлар ва ҳаракатлар, маданий уюшмалар, аёллар ҳаракатлари ва ташкилотлар, ёшлар уюшмалари, миллий уюшмалар, хайрия жамғармалари ва б. Бундай ташкилотлар қанча кўп бўлса, қанча фуқаролар уларда фаол иштирок этиши билан демократия турғунлиги белгиланади. С.М. Липсетнинг айтишича, фуқаролар бир вақтнинг ўзида бир неча сиёсий аҳамият касб этган уюшмалар аъзолари бўлган тақдирда демократия турғунлиги ошиб боради.

Жамоатчилик уюшмаларининг ташкил қилинишидаги, фаолият тури ва уларни бирлаштириб турувчи доиранинг фарқ қилишига қарамай, уларни бир гуруҳга бирлаштириб турувчи умумий белгилар мавжуд.

Биринчидан, улар ўз олдига даромад олишни мақсад қилиб қўймайди. Ушбу уюшмаларнинг нотижорат белгиси уларга тижорат ташкилотлари устидан ташкилий-техник устуворликни бериб туради. Масалан, у ёки бу хўжалик фаолиятига давлат монополиясининг ўрнатилиши кўрсатиб ўтилган жамоатчилик уюшмалари учун тўсиқ бўла олмайди, уларнинг лицензия олиши талаб қилинмайди. Бу ҳол Конституцияда ҳам кўрсатиб ўтилган.

Иккинчидан, ушбу жамоатчилик уюшмаларининг кўпчилиги сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, давлат сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатади. Уларнинг кўпчилигининг (касаба уюшмалари, тадбиркорлар уюшмалари, аёллар уюшмалари ва ҳ.к.) самарадорлиги тўғрисида

уларнинг аъзолари ва жамият сиёсий қарорларга таъсир кўрсатишдаги роли қай даражада оқланишидан келиб чиққан ҳолда фикр юритадилар. Шунга қарамай, сиёсий фаолият олиб бориш уларнинг ягона мақсади бўла олмайди (сиёсий партиялардан ташқари, албатта). Одатда, ушбу уюшмалар давлатга ташқаридан таъсир кўрсатиб, сиёсий партиялар эса давлат ҳокимиятини эгаллашни мақсад қилиб қўйишади. Тарихда кузатиладиган истисно ҳоллар (масалан, Польшадаги Иттифоқ касаба уюшмаси) буни тасдиқлаши мумкин. Житимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий уюшмаларининг бош вазифаси уларнинг аъзоларининг устав ва дастур ҳужжатларида эълон қилинган манфаатларни аниқлаш ва амалга оширишдан иборат. Бунга конституцион меъёрлар гувоҳ бўлиши мумкин. Масалан, Болгария Конституциясининг 12-моддаси 1-қисмида кўрсатилганидек, Фуқаролар уюшмалари уларнинг манфаатларини қондириш ва ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий жамоатчилик уюшмалари уюшмаларга хос белгиларга эгадирлар. Уюшмаларга хос бўлган белгилар турли мамлакатларда турлича бўлса ҳам умумий бўлган белгилар мавжуд.

Демократик давлатлар сиёсий ҳаётида жамоатчилик уюшмалари турли вазифаларни бажаради, аҳолининг айрим қатламлари ва гуруҳларининг манфаатларини аниқлайдилар, депутат ва маъмурият органларини ушбу манфаатларни ҳисобга олиш ва давлат сиёсатини олиб боришга йўналтиради. Давлат ва жамоатчилик ҳаётининг турли жиҳатлари бўйича жамоатчилик фикрини шакллантирадилар, сайловчиларни ушбу ташкилотни қизиқтирувчи муаммони ечувчи депутатлар ёки депутатликка номзодлар атрофига йиғадилар.

Жамоатчилик уюшмалари барча давлатларда ҳукумат, парламент, ОАВ ва сиёсий партиялар билан тор алоқалар ўрнатган. Бу алоқалар, одатда, институтлаштирилмаган. Масалан, жамоатчилик уюшмаларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши ўрнатилган урф-одатлар ва анъаналар асосида амалга оширилади. Швецияда, масалан, Ҳукумат ва жамоа уюшмаларининг алоқалари қонун томонидан тартибга солинган. Қонун лойиҳаларини тайёрлашда, вазирликлар барча манфаатдор томонлар иштирок этиши мумкин бўлган махсус комиссиялар ташкил қилишади. Комиссияда лойиҳа яхшилаб кўриб чиқилгандан кейин вазирлик томонидан қиёмига етказилади ва яна комиссия томонидан маъқулланади ҳамда жамоат уюшмаларига кўриб чиқиш учун йўналтирилади. Таклиф қилинган-

ларни Ҳукумат кўриб чиқиб ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси маъқулланади, кейин Риксдагга киритилади.

Бир турдаги жамоат уюшмалари, одатда, бошқа турдаги жамоатчилик уюшмалари билан тор ҳамкорлик қилади, бу эса яхши натижаларга олиб келади. Шу билан бирга жамоа уюшмаларининг кучли мафкуравий таъсири ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Улар дунёни англашнинг ўзига хос тушунишига олиб келиб, мувофиқ мафкуралар шакллантирилишини таъминлайдилар (масалан, анъанавий сиёсий ва ижтимоий институтларни танқид қилувчи ва янги тузила, лойиҳалар таклиф этаётган муқобил ҳаракатларда ифода этилади). Мафкуравий таъсир тор синфли ва тор гуруҳли манфаатларини тақдим этувчи жамоат уюшмаларнинг дастурларига киритилган умумижтимоий характердаги қоидаларнинг киритилиши билан ҳам таъминланди.

Сиёсий режим ва аъзоларнинг фаоллигига мувофиқ, ҳар қандай давлатда жамоатчилик уюшмалари турлича вазифаларни бажаришлари мумкин.

1) жамоа уюшмалари сиёсий тизимдаги муқобил ҳаракатларни вужудга келтиради.

Кейинги ўн йилликда Европа давлатларида, АҚШ ва Канадада муқобил ҳаракатлар ва ташкилотлар кенг тарқала бошлади. Уларнинг дастурлари турли жабҳаларни ўз ичига олиб, улар антиатеизмдан тортиб ўзини ўзи бошқарувнинг янги шаклларини ривожлантиришгача, уларнинг дастурлари амалиётга татбиқ қилиниб, ижтимоий сиёсатни янги мазмун билан тўлдирмоқда, техносфера ва социосфера, саноат ва инсон ўртасидаги алоқаларни қайта қурмоқда. Муқобил уюшмалар инсонлар ўртасидаги номувофиқлик табиатдаги ишларнинг реал ҳолатига тўғри келишидан келиб чиқади. Муқобил рюшмаларнинг фикрича, муаммо ишчи-иммигрантлар, қариялар, этник халқлар ва ёшларда эмас, балки у ёки бу муаммоларни еча олмаётган тизимда. Ижтимоий ривожланишнинг ва шахс ривожи плюрализм ғояларидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқарувнинг саноат жамиятининг экоижтимоий жамиятга айлантирадиган шаклларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишга интиладилар. Муқобил уюшмалар иқтисоднинг тараққиёти учун зарур бўлган дастурларни қабул қиладилар, солиқ тизимини тубдан ислоҳ қилишга овоз берадилар, ижтимоий фаровонлик неъматларини умуман бошқа асосларга кўра, тақсимлашни, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, турмуш тарзида янги шакллар яратишни таклиф қиладилар.

Муқобил уюшмалар таклиф қилаётган фикрлар қарама-қарши

бўлиб, давлат органлари томонидан қабул қилинса-да, уларни амалга ошириш сиёсий тизимни ривожлантириш имкониятини кенгайтиради.

2) жамоа уюшмалари ижтимоий институтларнинг фаолият юритишлари учун зарур шарт ҳисобланади.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий плюрализм давлатларида жамоа уюшмаларининг фаолияти ижодий ва давлатнинг ижтимоий стесатини амалга оширишнинг зарурий давомидир. Бундай ҳолларда давлат органлари жамоа уюшмалари билан ҳамкорлик қилишга интилади ва мувофиқ давлат тузилмалари тузилади.

3) жамоа уюшмалари тузилишига кўра ривожланмаган давлат тузилмаларини тўлдирадилар.

Жамоа уюшмалари бундай ролни, одатда кам ривожланган тузилишга эга давлатларда бажарадилар. Масалан, Сенегалдаги тариқатлар бунга яққол мисол бўла оладилар. Улар бевосита ўзларининг фаолиятларидан ташқари қишлоқ ва айрим шаҳарлардаги жамоатчилик тартибни сақлаб туришга ёрдам берадилар, деҳқонларнинг давлат солиқларини йиғиш ва тўлашини таъминлайдилар, сайлов компаниялари даврида деҳқонларни сафарбар қиладилар (ўз манфаатлари йўлида). Ушбу органларнинг ҳокимияти ва уларнинг давлат ишларига таъсири жуда каттадир.

4) Жамоа уюшмалари давлат қўлидаги қурол сифатида иш олиб боришлари мумкин.

Тоталитар турдаги жамоа учун давлат ҳокимиятининг раҳбарлик қилаётган партия ҳокимияти билан бирлашиши, сиёсий хокмиятга эга бошқа партияларнинг йўқ қилиниши хосдир. Айрим давлатларда, бу жисмоний йўқ қилиш бўлса, бошқа мамлакатларда – сиёсий (униси ва буниси биргаликда бўлгани ҳоллари ҳам мавжуд).

Тоталитар ва авторитар режим шароитида жамоатчилик ташкилотлари фантом характерга эга бўлади. Уларнинг реал вазифаси ва амал қилиш мақсади – партия, давлат сиёсатини олиб бориш; ундан ташқари, жамоа ташкилотлари орқали миллий даромад қисмларининг “қонуний” қайта тақсимланиши содир бўлади.

Тоталитар режимларнинг қулаши демократик асосда яратилган жамоа ташкилотларининг емирилиши ва турли жамоа уюшмаларнинг яратилишига олиб келади.

Шаклига кўра, жамоа уюшмалари турличадир. Уларнинг бир қисми иттифоқ, жамоа деб номланувчи жамоа ташкилотларидир. Бошқа қисми – бу ижтимоий ҳаракатлардир. Жамоа ташкилотлари ва

ижтимоий ҳаракатлар қуйидаги белгиларга кўра фарқланади:

1) *тузилишига кўра.* Жамоа ташкилотлари аниқ тузилишга эга бўлиб, низомда раҳбарий органларига эга. Жамоа ҳаракатлари ташкиллаштирилишга кўра турли даражага эга. Айримларига умуман аъзолик ва ички демократиянинг ташкилий шакллари хос эмас.

2) *жамоа ҳаётига таъсир кўрсатиш услубига кўра.* Ижтимоий ташкилотлар, одатда, анъанавий услублардан иборат. Ижтимоий ҳаракатлар анъанавийлар билан бир қаторда, институтлаштирилмаган услублардан фойдаланадилар.

3) *фаоллик даражасига кўра.* Жамоа ташкилотлар учун одатда, лидерлик хос бўлади, ижтимоий ҳаракатлар учун – гуруҳ фаоллигининг юқори даражаси хос бўлади.

4) *демократия шаклларини қўллашига кўра*. Жамоа ташкилотларида қарор қабул қилишда, вакиллик демократиясининг модели устуворлик қилади, ижтимоий ҳаракатларда эса – бевосита демократия устувор ҳисобланади.

Носиёсий (баъзида сиёсий) жамоа уюшмаларининг алоҳида турига жамғармаларни киритса бўлади. Тадқиқот институтларини ҳам шу жумлага киритиш мумкин.

Жамоаларнинг бу турлари бир турли бўлмай, ҳаммаси ҳам жамоа уюшмалари деб ҳисоблана олмайди.

Давлат томонидан оммавий вазифаларнинг тақдим этилиши кенг тарқалган ҳол бўлиб, бироқ бу ҳамма давлатларда ҳам кузатилавермайди. Айниқса, социал мамлакатлардаги жамоа уюшмаларда оммавий вазифалар яққол ифода этилган. Жамоа уюшмаларнинг раҳбар органлари қонун ташаббускорлиги ҳуқуқига эгадирлар. Масалан, Куба Конституциясининг 86-моддаси “д” банди мазкур ҳуқуқни куба ишчилари касаба уюшмаси марказининг миллий қўмитасига тақдим этади.

Давлат миқёсида, асосий оммавий вазифаларни социал жамоа ташкилотлари ҳам бажаради, чунки, улар социал давлатнинг асосий вазифаларини – социалистик қурилишни амалга оширишлари лозим. Бу ҳақдаги меъёрлар Конституцияда ҳам акс эттирилган. Масалан, ХХР Конституциясида “узоқ давом этган революция ва қурилиш давомида, Хитой коммунистик партияси томонидан раҳбарлик қилинадиган турли демократик партиялар ягона фронти ва халқ ташкилотлари шаклланди”, кейинчалик у муҳим роль ўйнаши таъкидланади.

1976 йил Куба Конституциясининг 6-моддасида Ёш коммунистлар Иттифоқи ёшлар ташкилотининг ролини очиб берувчи муҳим

қоида бор. Унда кўрсатилишича, Иттифоқ “партия раҳбарлигида ўзининг келажакдаги аъзоларини тайёрлаш борасида, иш олиб боради, янги авлодларни коммунизм, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳарбий, илмий ва маданий фаолиятга ўргатиш руҳида тарбиялаш”. 1992 йил таҳририда 6-модда бошқача талқин қилинади. Унда Ёш коммунистлар иттифоқи Куба ёшларининг илғор ташкилоти сифатида тавсифланади.

Социалистик мамлакатларнинг конституцияларида илгари давлат функцияларининг жамоа уюшмаларига берилиши тўғрисида сўз юритилган; масалан, бундай меъёр Куба Конституциясининг 7-моддасининг дастлабки таҳририда мавжуд бўлган, унга кўра, “давлат ўз фаолиятида оммавий жамоа ташкилотларига таянади; бу ташкилотлар худди шунингдек, Конституция ва қонунларга мувофиқ ўзларининг зиммасига юклатилган давлат вазифаларини ҳам амалга оширадилар”. 1992 йил таҳриридаги Конституцияда бу қоида мавжуд эмас.

Демократик ёки шундай бўлишга ҳаракат қилаётган давлатларда, жамоа ташкилотлари оммавий вазифаларга эга бўлиши кам учрайдиган ҳоллардан. Кўпинча бу касаба уюшмалари, савдо-саноат ва бошқа палаталарга хос. Амалдаги конституцияда бу ҳол жуда кам тилга олинади.

Жамоа ташкилотларига оммавий вазифаларни топшириш муаммосини кўриб чиқиш учун, ушбу масаланинг тарихига мурожаат қилиш зарур. Бу бевосита ўрта аср корпоративизми – давлатчилик ва жамоаларнинг табақачилик ташкилотларининг чатишиб кетиши асосида қурилган давлат назарияси ва сиёсати билан боғлиқ. Корпорациялар (ҳунармандлар, савдогарлар цехи ва ҳ.к.) жамиятнинг муҳим иқтисодий ва сиёсий бўғинлари ҳисобланган. Буржуазия революцияси даврида табақачилик ва цех ташкилотлари феодал тузумнинг қолдиқлари сифатида бекор қилинган эди.

Буржуазия революция даврига келиб, корпоративизм ғояси учинчи табақа томонидан салбий қабул қилинар эди. Айнан шунинг учун бир хил ҳолат ва бир хил касбдаги ишчи ва ҳунармандлар йиғилишига нисбатан қабул қилинган 1971 йил машҳур француз қонунида: «Бир хил ҳолат ва бир хил касбдаги фуқароларнинг ҳар хил турдаги корпорацияларининг бекор қилиниши француз конституциясининг асоси ҳисобланади ва уларнинг ҳар қандай турдаги шаклини яратишни қатъиян ман қилади». Бироқ XIX охирига келиб, корпорация ва касаба уюшмалари янги кўринишда пайдо бўла бошлайди.

XIX асрнинг охири ва XX бошида давлат органлари ташкилоти ғоялари касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар бошчилигида турли сиёсий оқимлар назариячиларидан фойдалана бошладилар. Айниқса, корпоратив ғоялар парламентаризм инқирози шароитида кенг тарқала бошлади. Анъанавий демократик институтлар расмиятчилик тўсиқларини енгиш (умумий сайлов ҳуқуқи, депутатларнинг сайлов корпусидан ажратилиши) "ўлаётган" парламент корпоратив асосда тўлдириш ва қайта ўзгартириш ва шу орқали қонунчилик органига "ҳақиқатан манфаатдор шахсларни" киритишни таклиф қилган.

Қисман, бу ғоялар XX асрнинг бошида амалга оша бошлади. Унда айрим Европа Конституцияларига хўжалик соҳасидаги ўзини ўзи бошқаришга тегишли бўлган моддалар – савдо-саноат ва бошқа ижтимоий-касб палаталари ва уларнинг уюшмалари, шунингдек, уларнинг парламент ва ҳукумат билан ўзаро алоқаси киритилган эди.

Бироқ корпоративизмнинг тўла маънодаги ғоялари корпоратив давлатларда мужассам бўлиб, унда ҳукумат корпорациялар вакиллиги – одамларнинг касби, машғулоти, маълум бир соҳадаги қизиқишларига кўра, уюшмалари асосида ташкил қилинган. Корпоративизм ғоялари фашист давлатлари томонидан, айрим социалистик давлатлари томонидан ҳам кулланилган. Ушбу ғоялар моҳиятига кўра миллий бирлик ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар бир соҳа атрофида йиғилган одамларнинг бирлашиши демакдир. албатта, у ёки бу соҳадаги инсонлар манфаатларининг бирлиги мавжуд бўлиб, ва у манфаатларнинг умуммиллий бирлигига хизмат қилишга кейинги қадам бўлиши мумкин. Бироқ корпоратив давлатнинг фашизм турида инсонларнинг корпорацияларга мажбурий тақсимланишини, корпорация раҳбарларининг тепадан тайинланишини ва давлатнинг чекланмаган ҳокимиятига бўйсунишини кўзда тутган (фюрер ва ҳ.к.).

Масалан, Италия 1943 йилгача, Португалия 1974 йилгача, Испания 1977 йилгача, Югославия 1992 йилгача, қайсидир маънода Индонезия ҳозирги кунгача корпоратив давлат ҳисобланади. Уларнинг айримлари қонун ҳужжатларида ҳам корпоратив деб номланган (масалан, 1933 йил Португалия Конституциясининг 5-моддасида Португалия давлати унитар ва корпоратив деб ёзиб қўйилган), социалистик Югославияда бу терминни қўллашмаган, шунга қарамай бу ерда ҳам корпоративизм ғояларини амалга ошириш ҳаракатлари бўлган. Корпорация сиёсий тузумнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланган.

Конституция ва қонунчилик актларида корпорациянинг сиёсий ҳаётдаги ва давлат ҳокимиятининг амалга оширилишидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтилган эди.

Корпоратив давлат учун корпоратив вакилликнинг умумиллий органларининг тузилиши хос бўлиб, улар қонунчилик фаолиятини фаол амалга оширади. Масалан, Португалиянинг корпоратив палатаси парламентга эга бўлган ваколатларга эга бўлган.

Социалистик Югославияда бу ғоя корпоратив асосдаги қонунчилик органини татбиқ қилиш орқали амалга Югославия Социалистик Федератив Республикаси Конституциясининг 165-моддасида кўрсатилганидек, «Скупшина Иттифоқи депутат фуқаролар вечаси, хўжалик вечаси, маърифий-маданий вечаси, Ижтимоий-соғлиқни сақлаш ва ташкилий-сиёсий веча сингари Иттифоқ вечасидан иборат».

Бироқ корпоратив ғоянинг бу тариқа татбиқ қилиниши кутилгандек, натижа бермади. Тоталитар тузум емирилгандан кейин давлат ташкилотчилигининг анъанавий шаклларига қайтилди.

Давлат институтлари у ёки бу маънода корпоратив манфаатларни ёқлаган ҳолда ҳозирги кунга кадар давом этмоқда. Бу тўғридаги нормалар урушдан кейинги конституцияларга (хусусан, Италия, Франция) ҳам киритилган. Масалан, Италия Конституциясининг 99-моддасида айтилишича:

«Иқтисод ва меҳнат бўйича миллий кенгаши эксперт ва турли тоифаларни ўз ичига олади».

У Палата ва Ҳукуматнинг ўзига топширилган вазифаларига кўра, маслаҳат органи ҳисобланади.

У қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича қонун ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин. Шундай қилиб, ҳозирги кунга келиб, турли жамоат ташкилотларга оммавий вазифаларни юклаш бўйича бой тажриба мавжуд. Бунга турли мақсадларда ва турли сиёсий режимларда, мурожаат қилганлари учун айрим жамоа ташкилотларига оммавий вазифаларни юклаш объектив зарурати вужудга келди. Масала унинг демократия принципларига путур етказмасдан қай даражада рўёбга чиқишида. Шу муносабат билан қатор муаммолар пайдо бўлади. Жамоа ташкилотларига нисбатан, энг аввало, бу, уларнинг ҳуқуқий табиатидир: оммавий вазифаларга эга бўлган жамоа ташкилотлари бўлиб қоладиларми ёки бошқа мақомга бўладиларми? Иккинчи муаммо шундаки, жамоа ташкилотлари белгиларидан бири бўлган – ихтиёрийликнинг амалга оширилишида.

Агар давлат у ёки бу ташкилотни лицензиялаш ҳуқуқи билан таъминлабгина, шунингдек, тақдим этилган лицензияларни назорат қилиш билангина чекланса, унда аъзо бўлиш ихтиёрий бўлмай қолади, бу эса унга Уюшмалар эркинлиги татбиқ этилмаслигини келтириб чиқаради. Бу масалалар, одатда, юзага келган барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Жамоа ташкилотларида оммавий вазифаларнинг бўлиши унга мажбурий аъзоликни талаб қилган ҳолларда ташкилот жамоа ташкилоти деб аталмайди, гарчи жамоа ташкилотларидагидек ўзини ўзи бошқаруви механизми мавжуд бўлса-да. Бундай ўзини ўзи бошқарув маҳаллий ўзини ўзи бошқарув каби оммавий-ҳукумат белгиларига эгадир.

Жамоа ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солишнинг бир неча турлари мавжуд.

Биринчидан, ушбу ташкилотларнинг ягона конституцион ва энг муҳим асосларидан бири Иттифоқларга (Уюшмаларга) бирлашиш ҳуқуқидир. Конституцияда бирлашиш ҳуқуқини қайд қила туриб, қонун чиқарувчи уюшмаларнинг барча турлари учун бир хил ҳуқуқий режим ўрнатади. Тоталитар режим шароитида, кўрсатиб ўтилганидек, мазкур ҳуқуқ формал ва сохта характерга эгадир.

Иккинчидан, мазкур ҳуқуқ билан бир қаторда, конституцияда жамоа ташкилотларининг айрим турлари (касаба уюшмалари, тадбиркорлар уюшмалари, ёшлар ва ҳ.к.) ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги нормалар киритилган. Масалан, касаба уюшмаларнинг мақоми Греция Конституциясининг 23-моддасида, Италия Конституциясининг 39-моддасида, ГФР Асосий Қонунининг 9-моддаси 3 бандида, 1946 йил Япония Конституциясининг 28-моддасида, тадбиркорлар уюшмасининг ҳуқуқий мақоми эса Швеция Конституциясининг 2 бўлимида акс этган.

Қонун чиқарувчи у ёки бу уюшмаларга алоҳида аҳамият бериб, буни таъкидламоқчи бўлса, жамоа уюшмаларнинг айрим турлари тўғрисидаги нормалар конституциянинг бошқа бўлим ва бобларига (Куба конституциясининг “Давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий асослари” бўлими, Хитой Конституциясининг кириш қисми) киритилади.

Конституцияга жамоа ташкилотларининг айрим турлари тўғрисида моддаларнинг киритилиши демократик давлатчилик шароитида уларнинг сиёсий тизимдаги муҳим ўрнини эътироф этиш ҳисобланади.

Учинчидан, жамоа уюшмаларнинг тузилиш шартлари кўрсатилиши мумкин, унда конституциялар коммунистик партия раҳбарлигида жамоа ташкилотларининг бир бутунлигидан келиб чиқарди. Бу эса фақат “социализм қурилиши”га ёрдам бериши мумкин бўлган жамоа ташкилотлари фаолият юритиши мумкинлиги тўғрисида гувоҳлик берарди. Шу тариқа жамоа ташкилотларининг фаолият юритиши шартлари тўғрисидаги конституцион нормаларнинг пайдо бўлиши имконияти тўғрисида сўз юритила бошланди.

Жамоа ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомлари тўғрисидаги масала Болгарияда ўзига хос ечимини топди. Болгария Конституциясининг 12-моддаси 2-қисмига мувофиқ, “касаба уюшмаларини ҳам ўз ичига олган фуқаролар уюшмалари ўз олдига фақат сиёсий партияларга хос бўлган сиёсий мақсадларни қўя олмайди”. Сиёсий партиялар тўғрисидаги 1990 йил болгар қонунига кўра, сиёсий партиялар сифатида қайд этилмаган жамоа ташкилотлари сиёсий партиялар фаолиятини – митинглар, намойишлар, сиёсий тарғиботнинг бошқа шаклларини ўтказишни - амалга ошира олмайдилар. Агар касаба уюшмалари ёки бошқа жамоа ташкилотлари бундай фаолиятни амалга оширсалар, округ прокурори уларга сиёсий фаолиятни тугатишни ёки бир ой муддат ичида сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўтишни таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Акс ҳолда, ушбу ташкилот Бош прокурор расмий илтимосига кўра, тарқатиб юборилиши лозим.

Осиё ва Африка мамлакатлари Конституцияларида у ёки бу давлатнинг сиёсий ҳаётидан келиб чиққан турли шароитларга дуч келишимиз мумкин. Габона Конституциясининг 1-моддаси 8 бандида эълон қилинганидек, “Жиноят қонунлари ва этник гуруҳларнинг ихтиёрига зид келувчи уюшма ва жамоаларнинг фаолияти тақиқланади”. Мусулмон ҳуқуқи давлат ва жамият ҳаётида катта аҳамиятга молик бўлган мамлакатларда шариат қонунларининг татбиқ этилиши жамоа ташкилотларининг мавжуд бўлишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Жамоа ташкилотлари, одатда, рўйхатдан ўтган бўлиб, мувофиқ реестрга киритилган бўлиши лозим. Шундай қилиб, Испания Конституциясининг 22-моддаси 3-қисмида шундай дейилган: “Уюшмалар реестрга ягона мақсад билан киритилади – улар тўғрисида маълумотни ошкор қилиш мақсадида”. Шунга ўхшаш нормалар постсоциалистик давлатда ҳам мавжуд.

Жамоа ташкилотларига нисбатан давлат органлари олдидаги мажбурий тизимли молиявий ҳисоботлилик қўлланилади; бунда

даромаднинг барча манбалари ва харажатлар кўрсатилиши лозим. Уюшма Уставида ташкилот тарқатилган тақдирда уларнинг маблағлари (қарзларни қоплагандан қолган) тақдим этиладиган шахслар (мазкур ташкилот аъзоларидан ташқари) кўрсатиб ўтилиши лозим. Уставда бундай кўрсатма мавжуд бўлмаган ҳолларда масала суд орқали, айрим Лотин Америкаси давлатларида эса Президент орқали ўз ечимини топади. Айрим мамлакатлар қонунчилигида, фаолияти тугатилган жамоа ташкилоти мулкидан фойдаланиш шунга ўхшаш мақсадларда амалга оширилиши лозим.

Жамоа ташкилотларини мажбурий тарқатиб юбориш, улар томонидан Конституция ва Қонунда кўрсатилган шартларнинг бузилган ҳолларида, одатда, суд аралашуви билан амалга оширилади.

Тўртинчидан, Конституцияда маълум бир жамоа ташкилотларининг уларнинг расмий номлари кўрсатилгани ҳолда, мақомлари мустаҳкамланган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бу ёндашув социалистик мамлакатларда ишлаб чиқилган. Социалистик мамлакатлар конституцияларида мазкур ташкилотлар коммунистик партиялар раҳбарлигида фаолият юритишлари, уларнинг бош мақсадлари – фуқароларни социалистик қурилишга жалб қилиш тўғрисида бевосита тўхталиб ўтилган.

Энди ижтимоий характердаги айрим жамоа ташкилотларига баҳо беришга ҳаракат қиламиз.

2-§. “Тадбиркорлик ташкилотлари”

Хорижий мамлакатларнинг замонавий қонунчилиги тадбиркорларнинг турли жамоа ташкилотларининг (тадбиркорлар иттифоқи, савдо-саноат палаталари, иш берувчилар иттифоқлари, лоббист уюшмалари ва ҳ.к.) фаоллигини ҳисобга олиб, бизнеснинг турли жабҳаларини тартибга солади. Мулк ҳуқуқи муҳофазасини мустаҳкамлаган ва таъминлаган ҳолда, қонун чиқарувчи ушбу ҳуқуқнинг амалга ошишига ёрдам берувчи жамоа ташкилотларнинг мақомини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Одатда, бир неча турдаги тадбиркорлар ташкилотларини ажратишади: иқтисодий иттифоқлар, иш берувчилар иттифоқи, саноат ва бошқа палаталар, лоббист ташкилотлар, жамоа ташкилотларнинг биринчи уч турини тадбиркорларнинг ўзи бирлаштириб туради, лоббист ташкилотлар эса аралаш ижтимоий таркибга эга, улар ўзларининг услублари билан мулкдорлар манфаатларини таъминлайдилар.

Иқтисодий иттифоқлар ва уюшмалар уларнинг таркибига кирувчи фирма ва жамоаларнинг иқтисодий сиёсат (суғурта, ташқи

савдо соҳасида ва ҳ.к.) соҳасидаги манфаатларини кўзлайдилар. Масалан, немис саноатининг федерал иттифоқи 34 катта иқтисодий иттифоқларни бирлаштириб туради; уларда кичик 500 соҳа ва ер иттифоқлари бор.

Иш берувчилар иттифоқлари (баъзида улар ижтимоий-сиёсий иттифоқлар деб номланади) тадбиркорларнинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги манфаатларини кўзда тутадилар. Иттифоқларнинг бош вазифаси касаба уюшмалари билан иш ҳақи ва шароитлари борасида музокаралар олиб боришдан иборатдир. Ижтимоий суғурта ўзини ўзи бошқариш принципларига асосланган мамлакатларда иш берувчилар иттифоқлари ижтимоий суғурта органларида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдо-саноат палаталари тадбиркорларнинг ҳудудий ва соҳага оид манфаатларини ҳимоя қиладилар ҳамда давлат органларида, халқаро иқтисодий ташкилотларда уларни ҳимоя қиладилар.

Шунга ўхшаш ролни шифокорлар, фармацевтлар, нотариуслар палаталари бажарадилар. Ушбу палаталар, одатда, оммавий вазифалар ҳуқуқига эга бўладилар (товар ва хизматларга сертификат бериш, касб тайёргарлиги ва ҳ.к.).

Тадбиркорлар уюшмаларининг барча турлари ўзаро тор ҳамкорлик қилишади.

Лоббист ташкилотлари ҳам кенг тарқалган ҳисобланади. Улар қонун лойиҳалари бўйича қарор қабул қилинишига ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга таъсир кўрсатиш мақсадида, тузиладиган ташкилотлардир. Лоббист ташкилотларнинг фаолияти маблағ йиғиш, уларни қонунчилик органларига таъсир кўрсатишда, қўллашга қаратилган.

Тадбиркорлар уюшмасининг фикр-мулоҳазалари турли иқтисодий лойиҳалар ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда, ҳисобга олинади. Масалан, испания Конституциясининг 131-моддаси 2-қисмидаги норма: “Ҳукумат режалар лойиҳасини ишлаб чиқишда автоном жамоаларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, иштирок этади”.

Тадбиркорлар фойдаланадиган воситалардан бири (агар қонун тақиқламаса) локаут ҳисобланади (инглиз тилидаги louk out – эшикни ёпиш демакдир), яъни тадбиркорларнинг ўз корхоналарини ишчиларни оммавий бўшатган ҳолда, ёпишлари ҳисобланади. Бу эса мавжуд меҳнат шароитларида ишлаб, ўз талабларидан воз кечишлари учун қўлланади.

Замонавий конституциявий-ҳуқуқий назария ва амалиётга кўра, локаутга ягона ёндашув йўқ. Айрим мамлакатларда, тадбиркорларнинг қўшимча ҳуқуқи сифатида қаралади, ўзига хос "қасос акти", шунинг учун замонавий демократик давлатларга бу хос эмас.

Бошқа мамлакатларда локаут -меҳнат низоларини ҳал қилиш мумкин бўлган иш ташлашнинг бири тури.

3-§. Касаба уюшмалари, истеъмолчилар уюшмаси ва ҳоказолар

Бу ташкилотлар ёлланган ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини ҳуқуқий тартибга солиш жуда узоқ йўл босиб ўтган. Саноат тузумининг ўрнатилиши даврида ишчилар ва уларнинг касаба уюшмалари иш ташлашлари, одатда, бостирилган.

Касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини Италия Конституциясининг 39-моддасида батафсил тартибга солинган. Касаба уюшмаларига уларнинг қонунга мувофиқ маҳаллий ёки марказий муассасаларда рўйхатдан ўтишларидан бошқа мажбуриятлар юклатилмайди. Касаба уюшмаларининг Уставларини рўйхатдан ўтказишда иттифоқларнинг ички ташкилоти демократик асосларда қурилиши талаб қилинади.

Касаба уюшмаларининг мақоми батафсил Бразилия Конституциясининг 8-моддасида тартибга солинган. Испания Конституциясининг 131-моддаси 2-қисмида иқтисодий режаларни ишлаб чиқишда, касаба уюшмаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олиниши кўрсатиб ўтилган.

Касаба уюшмалар меҳнаткашларининг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи воситалардан бири бўлган иш ташлашларга муносабати ҳам кескин ўзгарди.

Замонавий конституциявий ҳуқуқ иқтисодий соҳадаги ижтимоий низолар объектив жараёнларнинг ўзига хос ифодаси бўлиб, маълум жиҳатда, ҳуқуқий тартибга солиниши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина замонавий конституциялар ижтимоий низоларга бўлган ҳуқуқ нормаларини киритадилар. Хорижий мамлакатларнинг конституцияларида ижтимоий низоларни бартараф этувчи нормалар билан бир қаторда, уларни ечишга қаратилган нормалар ҳам мавжуд.

Кенг маънода конституция ижтимоий низоларнинг олдини олишга қаратилган. Унинг вазифаларидан бири – жамият томонидан

адолатли ҳисобланадиган тартибни ўрнатиш.

Япония Конституцияси ушбу масалани иқтисодий соҳаларда, ижтимоий низоларнинг бошқача усулларда ечилишини таклиф қилади. 28-моддада меҳнаткашларнинг “жамоавий музокараларга ва бошқа жамоа ҳаракатларига бўлган ҳуқуқи” кўрсатилган. Шу билан бирга замонавий конституциялар қонун чиқарувчининг ижтимоий тинчликни таъминлашга бўлган интилишини акс эттирадилар.

Айниқса, XX асрнинг ўрталарига келиб, касаба уюшмалари кенг тарқала бошлади. Бунинг натижаси бўлиб, Австралия, Греция, Испания, Франция ва айрим бошқа давлатларда корхона касаба уюшмаси бадалларини олиб қолиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Бироқ 80-йилларга келиб, касаба уюшмаларининг пасайиши кўзга ташланади. Масалан, Канадада, ҳозирги кунда, касаба уюшмалари қишлоқ хўжаликлари бўлмаган секторда учдан бир қисмни ўз ичига олади.

Касаба уюшмаларининг аҳамияти сусайиши шароитида, қонунчиликда ўзгаришлар содир бўлади. Касаба уюшмаларига бирлашишни тақиқловчи нормалар пайдо бўла бошлади.

Ижтимоий низоларга бўлган ҳуқуқ акс этган конституцияга эга бўлган мамлакатларда ҳам жорий қонунчилик унинг олдини олишга қаратилган қатор чоралар мавжуд. Масалан, Швециянинг жорий қонунчилиги тадбиркорга маҳаллий касаба уюшмалари билан кўзда тутилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилишни белгилайди. Бу низоларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Янги конституцияларда, ижтимоий низоларнинг ечишнинг янги йўллари кўрсатилган.

Истеъмолчи манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар. Уларга, асосий эҳтиёжларни қондириш, хавфсизлик ҳуқуқи, танлаш ҳуқуқи, ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи, моддий зарарни қоплаш ҳуқуқи, эшитиш ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти нарх-наво ўсиши билан кураш тактикасини ишлаб чиқади, истеъмолчилар номидан судда сўзга чиқади.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, дастлабки жамиятлари XIX асрда пайдо бўлишига қарамай, XX асрнинг ўрталарида кенг тарқала бошлади. Ўтган асрларда бозор чекланганлиги, одамлар бир турдаги буюмлардан фойдаланганлиги ва фақат маълум одамлардан сотиб олганликлари сабабли харидор ўзи тўғрисида ўзи қайғуриши мумкин бўлган. Ҳозирги вақтда, каталоглар бўйича савдо қилиш кенг

тарқалган. Ундан ташқари, техник товарларнинг катта қисми (масалан, компьютерлар) харидор сотиб олишдан олдин текшириб олиш имкониятига эга бўлмайди.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти конституцияда ҳам тилга олинган. Масалан, Испания Конституциясининг 51-моддасининг 2-қисмида оммавий ҳукумат истеъмолчилар ташкилотларини қўллаб-қувватлайдилар.

18-боб. Диний уюшмалар ва черков

1-§. “Диний жамоалар ва черков”

2-§. “Диний муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш ва черковлар мақоми”

3-§. “Черков ва дунёвий нодавлат сиёсий институтлар”

1-§. “Диний жамоалар ва черков”

1. Диний жамоалар ва черковларнинг сиёсий ҳаётга таъсир кўрсатиши омиллари. Диний жамоалар деганда, муайян мамлакатларнинг муайян ҳудуддаги бир динга эътиқод қилувчи аҳолисини тушунамиз (конфессия, дин). Черков – муайян эътиқоддаги руҳонийларнинг ташкилоти. Ўз черковига эга бўлмаган конфессиялар бор. Бундай конфессиялар одатда, кўп эмас ва сезиларли сиёсий аҳамиятга молик эмас. Йирик дунёвий динларнинг вакили ҳисобланувчи диний жамоалар ва черковлар – христиан дини, ислом, буддизм, баъзида иудаизм, синтоизм ва ҳ.к. кейинги мингйилликлар давомида инсоният тарихида сиёсий жараёнларга, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига, давлатнинг фаолият юритишида, инсоннинг жамият ва давлатдаги ўрнига ўз таъсирини кўрсатган. Бу таъсир ҳозирги кунларгача давом этиб келмоқда.

Кўп миллатли, кўп конфессияли мамлакатларда диний муаммолар миллий, ирқий, этник муаммолар билан чатишиб кетади.

Осиё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатларида, диний-жамоалар ўзини ўзи англаши устуворлик қилади. Масалан, айрим араб мамлакатларида, баъзида ислом йўналиши миллий гуруҳларга ислом динига эътиқод қилмайдиган элатлар ҳам киради (Ироқ, Саудия Арабистони, Иорадания, шунингдек, араб давлатларига тегишли бўлмаган Эрон, Покистон).

Бир халқнинг кўп конфессиялиги унинг ичида нафақат маданий-маиший фарқлар келтириб чиқарибгина қолмай, этноконфессия гуруҳларининг шаклланиши ва конфессиялараро низоларни келтириб чиқаради. Бунга Ливан яққол мисол бўла олади.

Ушбу унчалик катта бўлмаган Яқин Шарқ мамлакатида (10,4 минг кв.км, аҳолиси 3 млн.) этноконфессионал муаммолар фуқаролик урушига олиб келган ички сиёсатнинг ривожланишининг муҳим омилларидан бирига айланди. Ливан инқирозининг конфессионал характери конфессиялараро тенгсизликдан келиб чиққан. Бу ерда христиан ва ислом дини вакиллари жуда кўп. Аҳолининг деярли ярми

– Ливан араб-мусулмонлари, улар ичида суннийлар, шиалар. Ливаннинг бошқа қисми христиан динига мансуб шахслардан иборат. Шунингдек, Ливанда протестантлар, иудейлар яшайди. Мамлакатнинг давлат тузилиши ушбу мураккаб конфессионал мозаикани ҳисобга олган ҳолда, амалга оширилади.

Диний жамоа ва черковларнинг сиёсий ҳаётга таъсири мамлакатда демократиянинг ривожланишига боғлиқ, у эса ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан белгиланади.

Демократик давлатларда, одатда, дин ва черковларнинг тенглиги, виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эътироф этилади, черков давлатдан ажратилган, мактаб – черковдан, диний мотивларга кўра, турли тахқирлашларга йўл қўйилмайди. Черков дастлаб халқнинг ахлоқий, маданий, тарихий анъаналарининг қўриқчисидир. Лотин Америкасининг қатор мамлакатларида 60-йилларнинг ўрталарида миллий реформизм ҳаракати келиб қўшилди. Ушбу ҳаракат диктатор режимига, рим-католик черковига қарши каратилган эди.

Айрим давлатларда, сиёсий партияларнинг репрессия йилларида фаолият юритиш учун зарур базага эга бўлмаганлар, айрим мамлакатларда ҳокимиятга дискриминацияга қарши курашаётган диний жамоалар келади.

2-§. Диний муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш ва черковлар мақоми

Юқорида айтиб ўтилганидек, кўпчилик мамлакатларда черков давлатдан ажратилган, дин эса инсоннинг шахсий иши ҳисобланади.

Айрим демократик давлатларда шунга қарамай конституциявий ҳуқуқ античерков йўналишида фаолият юритади. Масалан, Мексика Конституцияси черковга юридик шахс мақомини бермади, кўчмас мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этди, оммавий жойларда диний маросимларни ўтказишни тақиқлади.

У ёки дин давлат, расмий ёки ҳукмрон дин деб эълон қилинган айрим мамлакатлар ҳам мавжуд. Масалан, Буюк Британияда англикан черкови эътироф этилади. Британия лордлар Палатасида черков иерархлари учун маълум квоталар мавжуд. Шотландия черковининг ҳар йилги бош ассамблеясида сиёсий муаммолар ҳал қилинади.

Биз Швеция тўғрисида черков давлатдан ажратилмаган давлат сифатида гапириб ўтган эдик. Швециядаги Черков тўғрисидаги қонун черков тўғрисидаги барча қонунларни тратибга солиб, асосий қонуний ҳужжат ҳисобланади.

Қатор мамлакатларда, диний жамоалар ва черков мақоми жорий қонунчилик томонидан тартибга солинган, конституциявий ва шартномавий асосдан тузилган. Конституциянинг 7-моддасига кўра, иккала субъект ҳам мустақил ва суверендир, уларнинг муносабатлари 1929 йил қабул қилинган Латеран шартномалари билан тартибга солинган. 8-моддага мувофиқ бошқа диний эътиқодларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари қонун билан тартибга солинади.

Италия Ҳукумати ва Авлиё тахт ўртасидаги 1984 йил Конкардати черковнинг давлатдан ажратилишини кўзда тутди ва католик дини Италиянинг ягона дини эканлиги белгиловчи тамойилни ўрнатди.

Черков муассасаларига юридик шахс мақом берилди. Солиқ тўлаш ва фаолиятнинг бошқа турларида дунёвий муассасаларга тенглаштирилди.

Айрим демократик давлатларда черковларнинг давлат бюджетидан маблағ билан таъминланаши қўлланади, фуқаролик ҳолатининг черков амалларига юридик куч берилади.

Бироқ, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, одатда, авторитар ва тоталитар режимли давлатларнинг конституцияларида дин ва черковга давлат аҳамияти берилади. Масалан, Ислом 30 ортиқ давлатнинг давлат дини ҳисобланади. (Иордания Констиуцияси 2-модда, Бирлашган араб амирликлари 7-модда, Катар Конституцияси 1-модда). Марокаш Қироллиги Конституциясининг преамбуласида: «Марокаш қироллиги – суверен мусулмон давлати» деб ёзиб қўйилган. 19-моддасига кўра, Қирол исломга амал қилишни назорат қилиб туради. Айрим давлатларда, (Саудия Арабистони, Эрон, Покистон) мусулмон ҳуқуқи – шариат Конституция ва Қонундан ҳам кўра юқори юридик кучга эга.

Мусулмон мамлакатлари учун жамоа ва давлат ҳаётда, ягона лидер бўлиши хос. Ислом нормалари давлат ҳокимиятининг айрим институтларини белгилаб беради. Ислом фуқаролар ичида жуда сингиб кетган Туркияда, ҳуқуқий тизим шариат таъсиридан ҳоли. 1982 Тукркия Республикасининг Конституцияси республикани демократик, дуневий, ижтимоий-ҳуқуқий деб белгилади.

Конституциянинг 24-моддаси 5-қисмига кўра, ҳеч ким диндан фойдаланиши ва диний ҳис-туйғулардан фойдаланмаслиги лозим.

Лотин Америкасида конституциявий ҳуқуқ католик черковнинг сиёсий позицияларини акс эттиради. Кўпгина мамлакатларда диний уюшмаларга жамоа бирлашмаларнинг умумий конституциявий-ҳуқуқий мақомини тартибга солиш хосдир.

3-§. Черков ва дунёвий нодавлат сиёсий институтлар

Кўпгина давлатларда черков давлатнинг ўзи билан алоқа билан чекланиб қолмайди, бироқ сиёсий тизимнинг бошқа элементларига таъсир кўрсатади. Черков билан боғлиқ бўлган сиёсий партиялар тўғрисида юқорида айтиб ўтилди. Черков бошқа ижтимоий институтларга ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилади.

Масалан, АҚШда конфессионал сиёсий партиялар бўлмаса-да, католик черкови касаба уюшмаларида фаол иштирок этади. 30-чи йилларда католик касаба уюшмалари Уюшмаси ташкил қилинган эди. Ҳозирги кунда католиклар кўпгина касаба уюшмаларга раҳбарлик қилишда фаол иштирок этадилар. Католик епископининг ягона курси АҚШ католик епископларининг анжумани билан ишлаб чиқилади.

АҚШда қатор конфессионал ташкилотлар ва ҳаракатлар фаолият юритади.

19-боб. Оммавий ахборот воситалари

1-§. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамияти ва тушунчаси
2-§. Оммавий ахоборот воситалари ва улар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши
3-§. Журналистларнинг ҳуқуқий мақоми. Жамоатчилик фикрини ўрганиш

1-§. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамияти ва тушунчаси

Жамиятнинг ахборот билан таъминланиши – унинг прогрессив ривожланишининг муҳим факторларидан бири. Фуқароларнинг, давлат ва жамоа тузумларнинг ахборот билан таъминланиши бир томондан тизимларни, технологияларни такомиллаштириш орқали амалга оширилса, бошқа томондан ушбу жараённинг ҳуқуқий тартибга солинишидадир. Катта аҳамият оммавий ахборотларга берилади.

ОАВ вазифаларидан бири – жамиятни унинг учун қизиқиш туғдирган барча ахборотлар билан таъминлаш. Бу вазифа ОАВ томонидан ҳар доим ҳам тўлиқ бажарилмайди. ОАВ воситаларининг мафкуравий ва сиёсий вазифаси – ахборот танлаб олиш, уларни ўқувчи, томошабин, тингловчи онгига у ёки бу фаолиятни амалга оширишлари учун етказиш.

Жамият қанчалик сиёсийлаштирилган бўлса, сиёсий кураш шунчалик кучли, ОАВ сиёсий ҳаётдаги роли шунчалик баланд бўлади.

ОАВ сиёсий тизимнинг турли элементлари билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Сиёсий-мафкуравий манфаатларга мувофиқ, айрим ОАВ жамоатчилик фикрига таъсир ўтказишга ҳаракат қиладилар. Эътиборини дастурларнинг фақат ижобий ва салбий томонларига қаратади. Кўпроқ сиёсий маъқулланмаган ахборотларни олишга интилувчи ўқувчилар, томошабинлар, тингловчилар ишончига кириш мақсадида, улар ўзларини мустақил деб эълон қиладилар.

Давлат ва унинг органлари билан ОАВ икки томонлама боғлиқ давлат томонидан бошқариладиган объект сифатида ва унга сиёсий таъсир ўтказиш қуроли сифатида. Давлат ОАВ мақомини тартибга солиб туради, уларнинг сиёсий курсини белгилаб беради. Бошқа томондан ОАВ муайян қонунчилик ҳужжатларнинг қабул қилинишида ёрдам бериши ёки аксинча тўсқинлик қилиши мумкин. Сиёсий

акцияларда иштирок этиши ва ҳ.к. ОАВ мафкуравий вазифаси давлат ва жамиятнинг қадриятларини яратиш, таркатишда намоён бўлади. ОАВнинг инсонларнинг онги ва хатти-ҳаракатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, жамият ўзини бундай таъсирдан конституцион тақиқлар ёрдамида ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Хусусуан, Греция Конституциясининг 14-моддаси адоб-ахлоққа зид бўлган нашрлар чиқарганлик учун жавобгарлик ўрнатган.

2-§. Оммавий ахборот воситалари ва улар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши

ОАВ мақомининг ҳуқуқий тартибга солиниши уларнинг фаолият юритишлари учун зарур шартдир. Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи юқорида кўриб чиқилганлари билан биргаликда, ОАВ мақомини тартибга солади.

Польшада, 1992 йил янги конституциявий орган – Бутунпольша радио ва телевидение кенгаши таъсис этилган эди. Радио ва телевидение тўғрисидаги қоидалар, Швеция Конституциясига киритилган.

ОАВ давлат томонидан қонуний тартибга солиниши йўналишларидан бири – уларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш. Бу уч вариантда, амалга оширилиши мумкин: бевосита давлат бошқаруви, билвосита давлат бошқаруви, махсус давлат органлари орқали назорат.

Бевосита давлат бошқаруви ОАВ давлат мулки объекти сифатида бўлиб, юридик кучга эга бўлмаган ва давлат бюджетидан маблағ билан таъминланган ҳолларда кузатилади.

Масалан, Греция Конституциясининг 15-моддаси, 2 қисми давлат радио ва телевидение устидан назоратни амалга оширади. Испания Конституциясининг 20-моддаси 3-қисми ОАВ қонун томонидан тартибга солинишини кўзда тутади.

Билвосита давлат бошқаруви, одатда, оммавий корпорациялар орқали амалга оширилади. Ушбу корпорацияларга таъсир кўрсатиш қуролларига эга бўлган ҳолда, давлат уларнинг сиёсий йўналишлари учун жавоб бермайди. Корпорациялар молиявий соҳада автоном ва юридик шахс ҳисобланадилар. Давлат уларнинг жорий фаолиятига аралашмайди, лицензияга эга бўлганлар эса махсус органлар ҳимоясида бўлади.

ОАВ фаолиятининг давлат томонидан махсус таъсис этилган органлар орқали назорат қилиниши хусусий аудиовизуал воситаларга нисбатан татбиқ қилинади. Нашрни назорат қилиш умумий маъмурий

ва суд органлари орқали амалга оширилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган Польша кенгаши сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларини амалга ошириши, шунингдек, радио ва телевидениедаги жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

ОАВ иқтисодий таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб хусусий тадбиркорлар рекламаларининг нашр қилинишини тартибга солиш хизмат қилади.

Буюк Британия сайлов кампаниялари давомида номзодларни реклама қилиш учун эфир вақтини сотиб олиш тақиқланган, АҚШда ушбу мақсадда қўлланадиган, реклама харажатлари чекланган, баъзида сиёсий партияларга эфирга чиқиш ман қилинади.

Давлат, шунингдек, ОАВ имтиёзлар бериш ёки улардан маҳрум қилиш орқали таъсир ўтказади. Бу имтиёзлар, масалан, солиқ тўлашдан озод этиш, сиёсий газеталарни чоп этишда, типография ҳисобидан солиқдан озод қилиш.

Қатор мамлакатларда, ОАВга ўзларининг маблағлари ҳақида ахборот бериб туриш мажбурияти юкланади.

ОАВ давлат назоратини амалга ошириш ОАВ фавқулодда ҳодисалар мобайнида фаолиятини чеклашда ҳам намоён бўлиши мумкин.

ОАВ бозорининг монополизмига йўл қўймаслик ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуққа дахл қилиб, ахборотни ҳам чеклаб қўяди.

Дастлаб, ОАВ бозорини монополизация қилиш билан кураш антимонополистик қонунчилиги ёрдамида амалга оширилган, лекин бунинг ўзи етарли бўлмай қолди.

Бунинг учун махсус қонунлар қабул қилина бошлади. Масалан, АҚШда 1890 Шерман қонуни қабул қилинди.

Францияда молиявий ошкоралик ва нашр корхоналарининг плюрализми тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг бажарилиши устидан назорат ошкоралик бўйича комиссияга топширилди.

Буюк Британияда монополиялар тўғрисидаги 1965 йил парламент акти билан газеталар ўзаро бирлашган ҳолларда уларнинг тиражи 500 минг нусхадан ошганида савдо ва саноат вазири санкциясисиз амалга оширилиши тақиқланган.

Британияда 60-йилларда тижорат телевидениеси пайдо бўлди. Уни назорат қилиш учун давлат органи таъсис қилинди. Ҳозирги кунда, биз ОАВ монополизациясини тақиқловчи мисолларни кўп учратамиз.

3-§. Журналистларнинг ҳуқуқий мақоми. Жамоатчилик фикрини ўрганиш

Айнан ахборот йиғувчи ва уни тарқатиш учун тайёргарлик кўраётган журналист ОАВдаги асосий шахсдир. Одатда, унинг фаолияти таҳририятлар билан келишилган ҳолда, шартнома асосида амалга оширилади. Журналистнинг қуйидаги умумий ҳуқуқларини ажратиш мумкин: Ахборот излаш, тарқатиш, ушбу мақсадда, давлат органлари ва муассасаларига ташриф буюриш, материаллар ва ҳужжатлардан нусха олиш, ёзиб олиш, табиий ва технологик офатлар, жанговар махсус жойларга бориш, ўз материалларини тахаллус остида чоп этиш.

Мажбуриятларига қуйидагиларни киритса бўлади: етиб келаётган ахборотнинг ишонарли эканлигини текшириш, унинг манбасини сир тутиш, шахсдан унинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш учун рухсат олиш, маълумотларни техник воситаларга ёзиб олиш учун рухсат сўраш, таҳририят гувоҳномасини кўрсатиш, шахс ва ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш. Кўпгина давлатларда, журналистлар ўз фаолиятини касб этикаси кодексига риоя қилишга асослайдилар. Оммавий онг кўриниши бўлган жамоатчилик фикри халқнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий фаолиятга муносабатини белгилайди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли социологик усуллар ёрдамида ўтказилиши мумкин:

- ҳужжатларни тадқиқ қилиш;
- кузатишлар ўтказиш;
- суҳбатлар;
- референдумлар.

Сайловлар, референдумлар ўтказиш натижасида ҳам жамоатчилик фикри ўрганилади.

Жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилган сўровларга алоҳида эътибор берилади. Респондентларни (сўралаётганлар) савол-жавобидан кейин ўрганилаётган ҳодиса ва воқеалар тўғрисида дастлабки, ахборот йиғилади. Кейинги босқич – таҳлил. Сўровлар миллий, ҳудудий, маҳаллий бўлиши мумкин.

Сўровларнинг предмети турлича бўлиши мумкин – ўткир сиёсий муаммолардан тортиб (сайловларнинг натижаларини олдиндан айтиш, сиёсий арбобларнинг машҳурлиги) ва ҳ.к. албатта, маълум бир чекланишлар бу ерда ҳам мавжуд, масалан, сиёсий арбобларнинг шахсий ҳаётига дахлдор бўлган маълумотлар тўғрисида сўровнома ўтказиш ноўрин. Бу сўровларнинг натижаси кўпинча сўралганлар

тегишли бўлган жамоанинг фикрига тенг келади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар турли мақсадларда амалга оширилади: ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳ.к. Улар аҳолининг турли масалалар бўйича фикрини билишга ёрдам беради. Ундан ташқари жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар ташкилотчилар томонидан ҳаракатлари орқали манипуляция қилиниши мумкин.

Умуман олганда, сўровлар- аҳолининг кайфияти ва ниятларини аниқлашга қаратилган ҳаракат. Ундан ижобий фойдаланиш мумкин, ҳам аксинча, бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

20-боб. Хорижий мамлакатларда давлат шакллари

1-§. Давлат шакллари тушунчаси ва унинг хилма-хил хусусиятлари
2-§. Давлат бошқарув шакллари тушунчаси ва унинг таснифланиши

1-§. Давлат шакллари тушунчаси ва унинг хилма-хил хусусиятлари

Давлат шакли тушунчаси давлатшуносликнинг энг муҳим, сермазмун ибораларидан биридир. Ҳуқуқшунос Иван Ильин шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлаганди: "Бу мураккаб ва ғоят масъулиятли масалани эҳтиёткорлик ва мутлақо холис фикр билан ўртага қўйиш зарур.

Энг аввалло, давлат шакли халқлар ҳаётига бефарқ қарайдиган «мавҳум тушунча» ҳам, «сиёсий чизги» ҳам эмас, балки ҳаёт тарзи ва халқнинг жонли ташкилотидир. Халқ ўз ҳаёт тарзини тушуниши, айнан «шундай» ташкилланишини уддалаши; шу тузум қонунларини ҳурмат қилиши ҳамда шу ташкилотга ихтиёрий ҳиссасини қўшиши зарур. Бошқача айтганда, айнан халқнинг жонли ҳуқуқий онги давлат шаклини рўёбга чиқаради, унга ҳаёт, куч бахшида этади; бинобарин, давлат шакли энг аввало халқ ҳуқуқий онги даражасига, халқ томонидан тўпланган тарихий сиёсий тажрибага, унинг ирода кучи ва миллий характерига боғлиқ»[46]

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тушунчалари тизимида «давлат шакли» категорияси билан «давлат моҳияти» категорияси бевосита боғлиқдир.

Гапни «давлат шакли» тушунчасига оид турли нуқтаи назарлар мавжудлигидан бошлаш ўринли, деб ўйлаймиз. Жумладан, бир хил муаллифлар уни фақат тор маънода изоҳлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, бу - фақат бошқарув шакли холос. Бошқа бировлар бу тушунчани кенг маънода талқин этади. Зеро, улар мазкур тушунчага бошқарув шакллари билан давлат тузилиши шаклини киритадилар.

Бироқ нуқтаи назарлар фарқи шу ёндашувлар билангина чекланмайди. Давлатнинг ички ва ташқи шаклларини фарқловчи муаллифлар ҳам бор. Ички шакл деганда, демократия, ташқи шакл дейилганда эса, сиёсий ҳокимиятнинг аниқ ташкилоти тушунилади (Д.А.Керимов). Ушбу нуқтаи назар нималарга асосланганлигини

[46] Ильин И. О грядугцей России. Избрание статьи. –М.: Корпорация Телекс, 1993. С.27.

қуйидагича изоҳлаш мумкин: модомики, демократия сиёсий тартибнинг бир кўриниши экан, уни давлатнинг ички шакли сифатида тушуниш зарур, бошқарув ва давлат тузилиши шакллари мажмуи эса, ташқи шаклни ташкил этади.

Айрим давлатшунослар давлатга ҳаракатдаги динамик ва ташкилий статик тизим сифатида қарашни таклиф этадилар. Шу таклифдан келиб чиққан ҳолда, улар динамик жиҳатдан сиёсий (давлат) тартибни, статик жиҳатдан эса, бошқарув шакли ва давлат тузилиш шаклларини давлат шакли деб ҳисоблайдилар.

Яна бир гуруҳ ҳуқуқшунослар давлат шаклига қуйидагича таъриф берадилар: давлат шакли – давлат органларининг пайдо бўлиш тартиби, уларнинг структураси, хусусан, давлатнинг олий органлари структураси, улар ўртасидаги ўзаро муносабат, хусусан давлатнинг марказий органлари билан таркибий қисми органлари ва маҳаллий органлари ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, уларнинг жамиятга раҳбарлик қилиш шакли[47].

Бу таъриф узун бўлса ҳам, унда давлат шакли тушунчасининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинган. Қисқача сўз билан айтганда, давлат шакли – давлат ҳокимиятининг тузилиш шаклидир.

Давлат шаклига, шунингдек, мамлакатнинг тараққиёт даражаси, унинг маданияти мамлакатда таркиб топган тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Англияда давлат шакллари ўрта асрларда таркиб топган бўлиб, улар ҳозирги кунга қадар ҳурмат қилинмоқда.

Юқоридагиларнинг ҳаммаси юридик адабиётларда давлат шакли бўйича ягона тушунчанинг йўқлигидан далолат беради. Айни пайтда, ушбу тушунчанинг анъанавий ҳисобланган таърифи мавжуд бўлиб, уни аксарият олимлар маъқуллашади, биз ҳам уни асос қилиб олишни тавсия этамиз.Шундай қилиб, давлат шакли деганда, уч таркибий қисми (ёки томони) -бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усули бирликда олинган сиёсий ҳокимият ташкилоти тушунилади (С.А.Комаров).

Яна бир жиҳатни таъкидлашни истардик. Биз юқорида давлат шакли унинг мазмуни билан узвий боғлиқлигини айтиб ўтгандик. Шу фикрни батафсилроқ тушунтирамиз. Мазмун давлат ҳокимиятининг кимга тегишлилигини, унинг субъектини (эгасини) аниқлаш имконини беради, шунингдек, уни ким амалга оширади, деган саволга жавоб беради. Зикр этилганлар асосида, давлат шаклининг уч жиҳати

[47] А. Саидов, У. Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2 жилдли, 1-жилд, ИИВА. –Т.: Адолат, 2001. 154-б.

мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Булар:

- бошқарув шакли, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ва ташкил этишнинг муайян тартиби;
- давлат тузилиши шакли, яъни давлатнинг ҳудудий тузилиши, марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари муайян тартиби;
- сиёсий (давлат) идора усули, яъни сиёсий (давлат) ҳокимиятни амалга ошириш усул ва услубларидир.

Лекин шуни таъкидлаш жоизки, булар ҳозирча давлат шаклини тушунишга умумий ёндашув, энг илк танишувдир. Уни батафсилроқ тушуниш учун давлат шаклини ташкил этувчи уччала жиҳатни диққат билан ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро таъсирини кузатиш ҳамда назарий, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур юз йилликлар давомида давлатни ўрганар экан, давлат шаклининг айнан шундай мазмунини нега алоҳида ажратиб кўрсатганлигини тушунишга ҳаракат қилиш керак.

Узоқ вақт давомида давлат шакли бошқарув шакли ва давлат тузилиши шаклидан (биз келтирган таркибда дастлабки иккитасидан) иборат деб ҳисоблаб келинганди. Кейинчалик унга сиёсий идора усули қўшилди. Машҳур рус олими В.Е.Чиркин ўз дарсликларида давлат шаклларининг алоҳида турларга атрофлича тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, давлат шаклини учта турга ажратиб ўрганиш лозим:

1.Поликратик (кўп ҳокимиятли) давлат шакли. Бунга кўра ҳокимиятилар бўлиниши принципининг амал қилиши, яъни турли давлат органлари ўртасида давлат ҳокимиятининг бўлиб олиниши; ҳокимиятлар бир-бирини ўзаро назорат қилиши ва мувозанатда ушлаб туриши; давлат режимининг демократик эканлиги; давлат бошқарувида халқнинг бевосита ёки билвосита иштирок этиши каби муносабатлар асосий ўринни эгаллайди.

2. Монократик (якка ҳокимиятли) давлат шакли. Бунга кўра, маълум бир орган ёки мансабдор шахснинг ҳокимиятга якка эгалик қилиши билан ажралиб туради. Бундай давлат шаклида мувозанатда ушлаб туриш ва бир-бирини назорат қилиб туриш тизими йўқ. Бундай давлат шакли бўлган давлатларда ягона давлат мафкураси ўрнатилган бўлади.

3. Сегментар давлат шакли. Сегментар (лотинча “Segmentum”-бўлак) давлат шаклининг хусусияти шундаки, унда давлат тузуми яхлит, аммо бир нечта хил бўлаклардан ташкил топган бўлади. Бундай давлат шаклида қисман демократия, авторитаризм ва ҳаттоки,

тоталитаризм белгилари ҳам бўлиши мумкин. Сегментар давлат шаклида ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили конституция билан тан олиниши мумкин, лекин ҳақиқий тизимда тийиб туриш, мувозанатда, сақлаш ва қарама- қарши таъсир этиш учрамайди [48].

Давлат шаклларига жуда кўп омиллар таъсир этиши мумкин. Масалан, давлатни ташкил этиш (АҚШдаги территориал - сиёсий давлат тузилишининг федерал формаси), тарихий анъаналар (Буюк Британиядаги монархия), ички сиёсий курашлар (бир қанча Африка давлатларида), жамиятда муҳим ўрин тутган диний анъаналар (Эрондаги теократик Ислом Республикаси) ва ҳоказо. Давлат шакллари Конституциявий бошқарувнинг объектлари ҳисобланади.

"Давлат шакллари" деган алоҳида боблар фақат бир неча давлатларнинг конституцияларида мавжуд. Масалан, 1982 йилда қабул қилинган Туркия Конституциясида, 1987 йилги Эфиопия Конституциясида акс этган. Бундай боб мавжуд бўлмаган кўплаб давлатларда "давлат шакллари" деган тушунчани берувчи элементлар ё асосий қонуннинг матнида (масалан, Франция, Испания, Германия) ёки алоҳида конституциявий қонунларда (масалан, Швецияда) акс эттирилган.

2-§. Давлат бошқарув шакллари тушунчаси ва унинг таснифланиши

Аввалambор, давлатни назарий жиҳатдан тушуниб етишда, бошқарув шакли алоҳида ўрин тутишини таъкидлашни истардик. Давлатга уюшган жамиятда, давлат ҳокимиятини ким ва қандай амалга оширишини айнан шу шакл белгилаб беради. Бу масала инсониятни жуда қадимдан тўлқинлантириб келади. Арастунинг ўзи, ундан кейин Афлотун ҳам қадимги дунёда давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг хилма-хил шаклларини ўрганар эканлар, бу давлатларни ким ва қандай бошқариши, яъни бошқарув шакли мезони бўйича давлатлар таснифини ишлаб чикишга уринишган.

Айнан шунинг учун, агар Арасту ва Афлотун даврларида назарий сиесий-ҳуқуқий тафаккур бошқарувнинг у ёки бу шаклини белгилаб берувчи сабабларни аниқлашга уриниб, асосан бошқарув хилма-хил шаклларини тасвирлаш йўлидан борган бўлсалар, XX асрда эса, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур марксистик назария доирасида бошқарув шаклини давлат типи билан, жамиятнинг синфий таркиби, иқтисодий базаси кабилар билан боғлаб тушунтиришга интилади.

[48] В.Е. Чиркин. Конституционное право зарубежных стран. –М.: Юрист, 2001. С.154.

Бошқарув шаклини аниқлашда, марксистик назария давлат ҳокимияти у ёки бу тузилишини тавсифловчи ижтимоий-синфий белгисини асосий белги сифатида ажратиб кўрсатарди. У бошқарув шаклини мазкур давлатнинг ижтимоий-синфий моҳиятининг, сиёсий мазмунининг синфий кучлар амалдаги нисбатининг ташқи ифодаси сифатида таърифлардир.

Албатта, жамиятнинг синфий тузилиши, синфий манфаатларнинг тўқнашуви, синфий кучлар нисбатини ҳеч ким инкор этмайди, улар ҳаётда мавжуд бўлиб, давлат тузилишига, энг аввало, ҳокимият тизими қандай шаклларда ташкил топгани ва амал қилишига, давлатни ким бошқаришга таъсир этади.

Бошқарув шакли - конкрет давлатда давлат ҳокимиятини ташкил этиш усулларининг мажмуидир. Агар ушбу таърифни янада аникрок ифодалайдиган бўлсак, у олий ҳокимиятни, боз устига унинг олий ва маркзий органларини, уларнинг таркиби, ваколатларини, шу органларнинг ташкил этилиш тартибини, шунингдек, унда оддий халқ иштироки даражаси, бу органлар ваколати муддатларини кўзда тутишини айтишимиз керак бўлади.

Бошқарув шакли – бу Конституцияда ўрнатилган, тартибда давлат бошлиғининг белгиланиши ва Олий қонунчилик ҳамда ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ташкил этиш усуллари.

Ҳозирги даврда, икки хил давлат бошқарув шакллари мавжуд: республика ва монархия. Улар давлат бошлиғининг мақоми билан бир-биридан фарқ қилади.

Монархия тузумида давлат бошлиғи лавозими наслдан-наслга ўтиб, юридик жиҳатдан жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахс қўлида давлат ҳокимиятига умрбод бошчилик қилиши белгиланган бўлади. (Қирол, подшо, султон, амир ва бошқалар). Бу шуни англатадики, монархия тартиби ҳукмрон бўлган давлатнинг бошлиғини бирон-бир қонуний тарзда ўз лавозимидан олиб ташлаш ёки қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Республика бошқаруви ўрнатилган давлатларда, тартиб бўйича мамлакатга президент бошчилик қилади (айрим давлатларда президент функциясини коллегиал орган амалга оширади). Президент ваколати сайлов йўли билан, унинг натижасига кўра белгиланади. Ҳар қандай миллат ва жамият маълум бир табиат қонунлари ёки сунъий равишда жорий этилганистиробли давлат бошидан кечиради. Бу жараёнда, эркинлик учун кураш ҳамма нарсадан устунликка эришади.

Бунинг натижасида, турли миллатлар бирлашиб ўз тақдирларини белгилайдилар, келажак истиқболлари учун давлат тузилишини ташкил этадилар.

Давлат бошқаруви ҳар бир мамлакат аҳолисининг хоҳиш иродасини ифода этади. Шунинг учун ҳам дунёда турли хил давлат бошқарув шакллари мавжуд.

Франция, Италия, АҚШ, Германия, Мексика, Миср, Исроил ва бошқа собиқ иттифоқ республикаларида – Президент, Англия, Испанияда – Қирол ва қиролича, Японияда – император, Бирлашган Араб Амирлигида – Подшоҳ давлат бошқаруви масалалрида алоҳида ўринни эгаллайди.

Монархия ва республика – бу ажойиб характерли давлат бошқаруви шаклидир. Масалан, Уганда, Тунис ва бошқа Африка давлатларида республика Президенти умрбод ўз лавозимида бўлади. Бу эса монархия шаклидаги давлат бошқарувининг маълум бир таркибини ўзида намоён этади.

Айрим бир монархия шаклидаги давлатларда “ҳукмдор“ сайлов йўли билан лавозимига қўйилади. Бунга мисол сифатида Бирлашган Араб Амирликларида, федерация субъектлари бошлиғи амирларнинг ўз ичидан ҳукмдорини беш йил муддатга сайлашини кўришимиз мумкин. Бу эса республика шаклидаги давлат бошқарувининг маълум бир таркибий ўхшашликларини ўзида намоён этади.

Инсоният пайдо бўлгандан буён, давлат шакли монархия бошқарувида ривожланиб кела бошлаган.

Республика бошқаруви шаклига ўтиш асосан буржуа инқилоби натижасида юзага келган, яъни тарих нуқтаи назари билан феодал тузум ҳукмрон бўлган даврдан янгича ишлаб чиқариш технологиялари вужудга келган даврга ўтиш жараёнларида эскича яшашга ортиқ чидай олмаган халқ норозилиги қонли курашга айланган вақтда давлат бошқаруви усули тубдан янгиланган. Бу жараённинг пайдо бўлишида асосий ролни ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тарафдорлари бўлган завод ва фабрика эгалари ташвиқот-тарғибот қилиб халқ оммасига ўз ғояларини сингдиришган. Уларнинг ғоялари ҳозирги демократик талабларидан бўлганлиги учун (тенглик, халқ суверенитети) буржуа инқилоби амалга оширилган. Айниқса, эски феодал тузум даврида ҳукмрон синф ҳисобланган катта ер эгалари ва дворянларнинг ҳокимиятини синдиришга бўлган халқ хоҳиши жамият тузилишни яъни давлат бошқаруви усулини ўзгартиришга сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам ҳозирги Конституциянинг пайдо бўлиш

омилларини ҳуқуқшунос олимлар бевосита буржуа инқилобининг меваси деб аташади.

Агар биз инсоният тарихидан давлат бошқаруви усулини орган-моқчи бўлсак, албатта, монархия тузуми ҳукмрон бўлган даврни тассавур қиламиз. Чунки, феодаллик тузум ҳукмрон бўлган даврда монарх, подшо, султон, қирол ёки император деб аталиб энг катта ерга эгалик қилган ва халқнинг розилигисиз чексиз ҳокимият соҳиби бўлган.

Ҳозирги монархия давлатлари феодал тузум давридагидан тубдан фарқ қилади. Масалан, 1931 йил Испанияда юз берган инқилоб натижасида Ф.Франко диктатурасининг ўрнатилиши билан тугаган.[49] 1931-1939 йиллар Испания давлати давлат бошқаруви усули мутлақ монархия ҳукмронлигидан чекланган монархия шаклига ўтиш босқичларининг илк даври ҳисобланади. 1978 йил 27 декабрда қабул қилинган “Испания қиролигининг Конституцияси“ чекланган монархия давлат бошқаруви шаклига батамом ўтганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Буюк Британия, Бельгия, Япония давлатларида ҳам монархия бошқарув усули, сиёсий режимнинг демократиялаштиришда бир-бирига мослаштирилди.

[49] Алебастрова И.А. Конституционное право зарубежных стран. (учебное пособие). –М.: Юриспруденция, 2000. С.66.

21-боб. Монархия

1-§. Монархия давлат бошқаруви шакли
2-§. Мутлақ монархия
3-§. Дуалистик монархия
4-§. Парламентар монархия
5-§. Теократик монархия

1-§. Монархия давлат бошқаруви шакли

«Монархия» атамаси (монос - бир, архе - ҳокимият) юнонча сўз бўлиб, яккаҳокимлик, ягона ҳукмдор деган маънони англатади. Монархия бошқарув шакли сифатида ўзининг аниқ юридик белгиларига эга. Агар олий давлат ҳокимияти бир шахснинг (монарх, қирол, подшо, император, шоҳ, султон) қўлида тўпланган бўлса ва авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирилса, бундай бошқарув шакли монархия деб аталади.

Монарх давлатнинг жонли тимсоли бўлиб, ташқи ва ички сиёсат бобида давлат бошлиғи сифатида, халқ вакили, миллат «отаси» сифатида, фуқароларни жипслаштирувчи уларни давлат теварагига бирлаштирувчи шахс сифатида майдонга чиқади.

Монархия бошқарув шакли яккаҳокимлик асосида амалга оширилувчи давлат бошқарув шакли бўлиб ҳозирги кунда мутлақ монархия бошқарув шаклидаги давлатлар жуда камчиликни ташкил этади.

Монарх давлатнинг барча ишларини бир ўзи ҳал этмаса-да, яъни давлатда турли давлат органлари, маслаҳатчилар, вазирлар, амалдорлар мавжуд бўлса-да, энг муҳим, принципал давлат ишлари бўйича монарх ўзи ҳукм чиқаради. Яъни у бутун ҳокимиятнинг тўла соҳибидир. Монархиянинг асосий белгиларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- монарх давлатни шахсийлаштиради;
- монарх ҳокимиятни якка ўзи бошқаради;
- монарх ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинади;
- монарх ўз фаолиятида расман мустақилдир;
- ҳокимиятни ўрнатиш, қабул қилиш (лигитимлаштириш) нинг алоҳида тартиби мавжуд;
- муддатсиз, умрбод бошқарув;
- монарх ўз бошқарувининг натижаси учун юридик жиҳатдан жавобгар эмас, яъни монарх масъулиятдан озод киши ҳисобланади .

Монархия тузуми ҳукмрон бўлган жамиятда, давлат бошлиғи худонинг ердаги вакили деб қаралади. Масалан, Япония императори 1945 йилга қадар қуёш худоси Аматераснинг ўғли деб ҳисобланган. Ҳозирги замонда, подшоларнинг худолар авлодидан келиб чиққанлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Тарихий манбаалардан бизга маълумки, феодал тузум ҳукмрон бўлган даврда, катта ер эгалари ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилиб келишган. Айримлари бу мақсадларига эришиб ўзларини олий ҳукмрон деб эълон қилганлар.

Демак, ҳозирги монархия тузуми сақланиб қолган давлатларнинг ҳукмдорлари феодал тузум давридан авлоддан-авлодга ўтиб келган насл эгалари ҳисобланади. Лекин улар ҳозирги замонда олдинги даврдагидек, давлат ҳокимиятига эга эмаслар. Аммо монархнинг миллат бирлигини намоён этувчи мавқеи ҳозир ҳам юқори баҳоланмоқда. Масалан, 1946 йилги Япония Конституциясининг 1-моддасида "Император халқ бирлиги ва давлат рамзи ҳисобланади, мустақил ҳокимиятга эга бўлган, халқнинг хоҳиш иродаси унинг мақомини белгилаб беради." Шунингдек, 1978 йилги Испания Конституциясининг 56-моддасида ҳам миллат бирлиги ва давлат ҳокимиятининг мавжудлиги қирол номи билан аталади. 1707 йилги Буюк Британиянинг Шотландия билан қўшилиш ҳақидаги конституциявий қонунида ҳам қироличанинг икки давлат ҳокимияти тизимидаги тутган ўрни белгилаб берилган. Мазкур қонуннинг 1,2-моддалари қиролича ҳазрати олияларининг бундан кейинги мақоми икки олий давлат бирлиги рамзи сифатида доимо ҳокимият тепасида бўлиши ва тахт ворислиги масалаларини мустаҳкамлаб берган. Бизга тарихий манбалардан маълумки, ушбу конституциявий акт қабул қилингунга қадар, Шотландия қироллиги мавжуд бўлган. Бу қонун қабул қилингандан кейин икки давлат қироллиги бирлашиб ягона қиролича бирлашган қироллик давлатининг рамзи ва миллат бирлиги мақомида, айрим ваколатлари сақланиб қолинган. Масалан, қиролича жамоа палатасини тарқатиб юбориши, Бош вазир лавозимига жамоа палатаси вакилидан бирортасини қўйиши, амнистия ва авф этиш тўғрисидаги фармонларини қабул қилиши мумкин.

Энг муҳими шундан иборатки, аксарият монархия тузуми ҳукмронлик қилаётган давлатларда, монархнинг мақоми конституцияда мустаҳкамланган бўлади. Лекин, 1931 йил қабул қилинган Бельгия конституциясида монарх ҳақидаги тавсифномалар белгиланмаган.

Энг асосийси монарх ваколатлари, уни конституция ёки бошқа қонунларда белгиланишининг аҳамияти йўқ. Мана шу принцип

асосида монархия кўринишидаги давлат шаклини ўрганамиз ва уни таҳлил қиламиз.

2-§. Мутлақ монархия

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, монархия тузуми мавжуд бўлган мамлакатларнинг давлат бошқарув шакли икки хил кўринишда бўлади. Мутлақ ва чекланган монархия. Мутлақ (абсолют)- монархия. Бундай давлатларнинг бошқарув шакли узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўша даврдан бошлаб, ўз давлат ҳокимиятини қўлдан бермай келаётган монарх ҳукмронлиги, наслдан-наслга ўтиб, ҳозирги даврда мутлақ монархия мақоми билан бошқарув шаклини намоён этади. Унинг қўлида бутун давлат ҳокимияти тўпланган бўлади. Ўзи қонун қабул қилади, давлат бошқарув аппаратини тузади, олий суд ҳокимиятини амалга оширади. Унинг ҳокимиятини чегаралаб бўлмайди, юридик ва сиёсий, маънавий жиҳатдан номигагина, дин пешволари ва бошқа ўзи тайинлаган мансабдор шахслар ҳокимият масалалари ҳал этилаётганда, иштирок этиши мумкин. Чунки монарх уларнинг давлат ҳокимиятига бўлган ҳуқуқларини оёқ-ости қилаётгани йўқ ва ўзи ҳам бундай ҳуқуқларга бугун эга бўлмаган. Ҳозирги даврда мутлақ монархия давлат бошқарув шакли кам учрайди. Бунга мисол сифатида Саудия Арабистони ва Уммон давлатларини келтириш мумкин. Бу давлатларда монарх энг олий дин пешволари ҳисобланади, шунинг билан улар ўз давлат ҳокимиятини кучайтирадилар. Мутлақ монархияда, сиёсий режим авторитар хусусиятга эга бўлиб, давлат режими эса чекланмаган бўлади.

3-§. Дуалистик монархия

Шунингдек, монархия давлат шакли чекланган бошқарув усулига ҳам бўлинади. Чекланган монархия дуалистик ва парламентар давлат бошқарув шакллари кўринишида бўлади.

Дуалистик монархия. Бу мутлақ монархиянинг ўзгаришига асос солган биринчи замонавий давлат бошқарув шакли бўлиб конституциявий монархия деб аталади.

Дуалистик монархияда ўз номи билан давлат ҳокимияти бўлинади, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятга. Қонунчилик ҳокимияти парламентга тегишли бўлиб, унинг таркиби сайлов ҳуқуқи орқали шакллантирилади. (монарх маълум қисмини тайинлайди). Ижроия ҳокимият эса монархга тегишли бўлиб, унинг ўзи ҳокимиятни амалга оширади ёки фақат ҳукуматни тайинлайди. Суд ҳокимияти ҳам

монарх қўлида бўлиб, у ёки бу даражада мустақил бўлиши мумкин.

Шунинг билан бундай давлат бошқарув шаклида ҳокимиятнинг бўлиниши иккига ажратилиб ўрганилади. Лекин шундай бўлса ҳам монарх ваколатлари жуда кенг берилган бўлиб, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга чекланмаган ҳуқуқ асосида вето қўйиши мумкин. Агар у қонунни тасдиқламаса, кучга кирмайди. Бундан ташқари қонун кучидан юқори бўлган фармонлар қабул қилиши, парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Шундай ҳуқуқларни амалга ошириш орқали вақтинчалик мутлақ монархия давлатини шакллантириш мумкин.

Масалан. Испанияда 1974 йил парламент тарқатиб юборилиб, 1989 йилга қадар мутлақ монархия ҳукм сурган.

Агар ҳукумат тайинланадиган бўлса, фақат монарх олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб бериб туради парламент олдида масъул бўлмайди.

Фақатгина давлат бюджетини белгилаш жараёнларида парламент билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлиши мумкин. Аммо депутатлар йилда бир марта келиб чиқадиган бу масалада ҳукумат билан келишмовчилик келиб чиқишидан қўрқадилар, чунки монарх хоҳлаган вақтида уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Худди чекланмаган монархия давлат бошқарув шаклига ўхшаш дуалистик монархия тузумида ҳам сиёсий режим авторитар бошқарувга шарт-шароитлар яратиб беради. Давлат режими эса чегараланган дуалистик ҳокимият тавсифида бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, монархия давлат шаклининг дуалистик бошқарув усулида давлат ҳокимиятининг бўлиниши олдингидек, монарх ва уни ўраб турган яқин қариндошлари қўлида бўлади. Ҳозирги вақтда Қувайт, Иордания, Марокаш давлатларида дуалистик монархия бошқарув шакли сақланиб қолган.

«Инсоният тарихи - табиат ва ҳаёт ҳақидаги оддий тасаввурлардан, чекланган эҳтиёжлардан мураккаб маънавнй фаолият даражасигача ўсиш жараёнини ўз ичига олади. Инсоний цивилизациянинг бошланишида маънавият бир пайтнинг ўзида инсоннинг қоришма тафаккури ҳосиласи ҳамда сабаби тарзида кўзга ташланади».

4-§. Парламентар монархия

Парламентар монархия. Бундай бошқарув шакли, одатда, энг ривожланган давлатлар бошқарув шакли бўлиб ҳисобланади. XVII-XVIII асрларда айрим мамлакатларнинг давлат бошқарув шакли

инсоният тасаввурида бўлмаган янгича жамият қурилиши жараёнлари бошланган давр бўлди. Аграр феодализмдан, илк капиталистик тузумига ўтиш даврида барча давлатларнинг бошқарув шакли, табиат, жамият қонуниятлари талабларига мос равишда ўзгарди. Буюк Британия, Япония, Нидерландия, Швеция, Канада, Австралия давлатларининг бошқарув шакли тубдан янгиланди. Албатта, бу жараёнларда ҳар бир давлат халқларининг хоҳиш иродаси ўз ифодасини топган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган парламентар монархия давлат шаклининг вужудга келиши ҳам инсоният курашларининг натижасида пайдо бўлган энг замонавий бошқарув усулидандир.

Парламентар монархия тузумида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи қонунчилик органининг олий давлат ҳокимият органи эканлигини кўрамиз. Ижроия ҳокимият устидан парламентнинг юқори туриши, сиёсий рсжимнинг демократик ёки либерал яъни давлат ҳокимият органларининг бир-бири билан муросага кела-олмайдиган қонун талабларида фаолият юритиши белгиланганлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, парламентнинг олий ҳокимият органи сифатидаги тушунчаси шуни билдирадики, ҳукуматнинг тузилиши монарх томонидан тайинланса ҳам юқори ёки қуйи палатанинг ишонч ҳуқуқи қўлланилади. Бу шуни англатадики, агар юқори ёки қуйи палата аъзолари ҳукуматга ишончсизлик билдирса, монарх қуйи палатада энг кўп ўрин олган партия аъзоларидан сайланган депутатлардан ҳукуматни шакллантиришга мажбур бўлади. Монарх бундай давлат бошқарув шаклида фақат шохдир, ҳокимият масалаларида кузатувчи вазифасини ўйнайди. Қонунни тасдиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш муносабатларида бундай ҳуқуқдан амалда фойдаланмайди яъни ҳукумат кўрсатмаси билан қонунни амалга киритиши мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан монарх бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган. Унинг томонидан чиқарилиши лозим бўлган ҳужжатлар тартиб бўйича ҳукумат ташаббуси билан тайёрланади. (Бош вазир ёки у тайинлаган вазир томонидан). Шунинг учун ҳам монарх юридик томондан қабул қилинаётган қонун ва қонун ости актларини оқибати учун жавоб бермайди.

Бошқаларидан ажралиб турадиган парламентар монархия давлат бошқарув шаклининг белгиси шундан иборатки, *парламентнинг қуйи ёки юқори (қайси палатада ҳисобдор бўлса) палатаси олдида ҳукуматнинг ўз фаолияти масалаларида сиёсий жавобгарлигидир.*

Агар қуйи палата ҳукуматга ишончсизлик билдирса, ёки билдирган ишончини қайтариб олса, ҳукумат монарх томонидан истеъфога чиқиши ёхуд ўз лавозимидан озод этилиши шарт. Аммо парламентнинг бу ҳуқуқи ҳозирги парламентар монархия шаклидаги давлатларда амалга оширилиши унга тенглаштирилган ҳукуматнинг монархга ёки юқори (қайси палата бундай ҳуқуққа эга бўлса) қуйи палатани тарқатиб юбориш таклифини тасдиқлаши ва янги сайловларни ташкил этилишида кўришимиз мумкин. Бундай жараёнларда ижро этувчи ва қонунчилик ҳокимият органлари ўртасидаги келишмовчиликлар халқ томонидан ҳал этилади. Агар сайловларда парламентнинг олдинги таркиби қайтадан сайланса ёки кўпчилиги палатадан ўрин олса, унда ҳукумат таркиби янгиланади яъни истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

Шундан келиб чиқиб, бундай давлат бошқарув шаклида монарх, парламент ва ҳукумат муносабатларининг белгиланиши парламент режими ёки парламентар монархия деб аталади.

5-§. Теократик монархия

Теократик монархия бошқарув шаклида давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатлар диний нормалар билан тартибга солинади ҳамда давлат раҳбари диний ташкилотларнинг ҳам раҳбари ҳисобланади. Монарх дин раҳнамоси бўлиб ҳисобланади. Бундай давлатларга мисол қилиб Саудия Арабистони, Бруней қироллиги ҳамда Ватиканни келтиришимиз мумкин.

22-боб. Республика

1-§. Республика давлат бошқарув шакли
2-§. Президентлик Республикаси
3-§. Дуалистик Республика
4-§. Социалистик Республика
5-§. Парламентар Республика
6-§. Теократик Республика

1-§. Республика давлат бошқарув шакли

Республика сўзи лотинча “respublika” сўзидан олинган бўлиб, жамоа иши деган маънони англатади. Республика энг демократик давлат бошқарув шакли ҳисобланади.

Республика давлат бошқаруви шароитида, демократик тамойиллар, тенглик, фикрлар хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг тақсимланиши тамойиллари мустаҳкамланиб, мамлакатда демократияни қарор топишини тезлаштиради.

Шуни алоҳида белгиланишига эътибор бериш лозимки, ваколатларнинг тақсимланиши мукаммал шароитлар яратилган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Бу шундан иборатки, айрим турдаги республика шаклидаги давлат бошқарувига номигагина жамият масалалари ҳам этилиб, амалда битта шахснинг хоҳиш-идорасини ифодалайди.

Масалан, мамлакатда давлат тўнтариши туфайли бутун ҳокимият президент лавозими билан бир шахс қўлига ўтиб қолади ва диктатуралик режими ўрнатилади. 1993 йилда Гитлер Германияда, 1960 йил Ж.Мобута Жазоирда, 1967 йилда "қора полковниклар" номи билан Германияда, 1973 йилда А.Пиночет Чилида ҳокимиятни давлат тўнтариш қилиб эгалланган эди. Бунинг оқибатида мамлакатда давлат режими ягона диктатор ҳукмида, миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган эди.[50]

Агар биз бунга янада кенгроқ маънода тушунча берадиган бўлсак, 1973 йил "қора полковниклар" деб аталган бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган давлат тўнтариш бир томондан монархия тузумини йўқ қилган бўлса, иккинчи томондан республика давлат бошқаруви шаклига ўтганлигини эълон қилган бўлса, ҳоли ҳеч қандай демократик тартиб қоидалар амал қилинади яъни монархиядан фарқ қилмайдиган бошқарув усули ўрнатилди. Давлат бошлиғи

[50] Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редактор. Б.А.Страшун. –М.: БЕК, 1995. С.310.

президент ваколатлари чекланмади у фақат ўлими туфайли ёки бошқа кучларининг зўрлик билан ҳокимиятни эгалласагина ўз лавозимидан маҳрум этилиши мумкин эди.

Бундай ҳолат собиқ иттифоқ даврида ҳам ҳукм сурган эди. Сайловлар номигагина ўтказилиб давлат бошлиғи умрбод ўз лавозимида қолар эди.

Жамоавий бошқарувнинг оптимал даражасини таъминлаш учун либерал демократ идеологлари мазкур бошқарув шаклининг аниқ оммавий ташкилот ҳокимиятни таклиф қилдилар. Бу тур давлат шаклининг ўзига хос хусусияти ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили асосида курилишидир.

Яна бир умумий фарқи мазкур бошқарув шаклида олий ижроия ҳокимият ё халқ томонидан сайланади ёхуд парламент томонидан расмийлаштирилади (парламент республикаси) ёки тасдиқланади (президент республикаси). Юридик тузилишига кўра халқ суверенитетининг ягона манбаи сифатида намоён бўладиган давлат республикадир. Республикада давлат бошлиғи сайланадиган мансабдор шахс (президент) ёки коллегиал орган ҳисобланади. Республика халқ олдидаги масъулият билан расмий боғлиқ бўлмаган ҳар қандай давлат муасасасини рад қилади.

Республикада қонунлар давлатнинг ҳамма фуқаролари ёки унинг вакиллари депутатлари иштирокида қабул қилинади. Бу республикаларни икки категорияга бўлишга имкон беради:

• бевосита республика бошқарув шакли;

• вакиллик республикаси.

Давлат бошлиғининг мақоми ва парламентнинг ҳуқуқий ўрнига кўра президентлик, парламентар ва теократик республикаларга бўлинади.

2-§. Президентлик Республикаси

Президентлик республикаси- бу давлатда президент сиёсий мустақил бўлиб, давлат бошлиғи ўзининг масъулияти остида қарор қабул қилади. Агарда, президент маълум сиёсий мустақилликка эга бўлса, унда парламентни бошқа давлат органлари орасида юқори муассаса деб ҳисобланмаслиги керак. Президентлик республикаси тўғрисида парламент юқорилиги принципи мавжуд деб бўлмайди. Бу мавжуд шаклда қонун чиқарувчи органнинг сиёсий рақобатдоши бўлиб- бу президент бошчилигидаги ижро этувчи ҳокимият системасидир. Президентлик республикада давлат бошлиғи, у бошқарадиган

ижро этувчи ҳокимият ва иккинчи томондан қонун чиқарувчи орган парламент ўртасида ҳокимият бўлинишининг мустаҳкам тамойили системаси ўрнатилган. Ҳозирда, Президентлик республикаси АҚШ, Мексика, Миср, Бразилия ва бошқа кўпгина давлатлар президентлик республикаси бошқаруви шаклидадир.

Президентлик республикаси шаклидаги давлат бошқарув усули ҳокимият органларининг бир-бирини тенглик принципи асосида Конституция ва қонунлар доирасида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларини ошкор этишга хизмат қилади, лекин бир-бирининг берилган ваколатларини маҳрум эта олмайди. Давлат ҳокимият органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тегишли чора-тадбирлар ҳамма демократик давлатларда бўлгани каби қонун талабларида кўрилади.

Президент республикаси бошқарувида давлат юқори органлари, қоидага кўра, сезиларли мустақилликка эгадир. Кўриб ўтилаётган моделнинг яна бир ўзига хос хусусияти -президент сайловининг парламентдан холилиги. Президент умумхалқ сайлов йўли билан сайланади. Масалан, АҚШ шундай сиёсий тажрибага эга. Мазкур тури яна ҳукуматнинг парламентдан ҳоли ташкил қилинишидир.

АҚШ да алоҳида сайловчилар гуруҳлари томонидан президент сайлови ўтказилади, бунда ҳам давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи парламент олдида мустақилдир, тенглик принципида фаолият юритади.

3-§. Дуалистик Республика

Бундай давлат бошқарув шаклида ҳукумат фақат президент олдида ўз фаолияти ҳисоб бериб туради, парламент олдида масъул эмас. Бу шундан келиб чиқиб белгиланганки, парламент ҳукумат таркибини тузмайди ва унга ишончсизлик ҳуқуқига эга эмас. Чунки қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият президентлик республикасида ўз ваколатларини тўғридан-тўғри халқдан олади. Президент ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида халқ томонидан сайланади ва бунинг натижасида, давлат бошлиғи функциясини ҳоли амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, дуалистик республика шаклидаги давлат бошқарувида президент давлат бошлиғи функциясини амалга ошира бориб, Бош Вазир лавозимини ҳам эгаллайди.[51] Шундай қилиб, президент йўл

[51] И.А. Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учебное пособие. -М.: «Юриспруденция», 2000. С.72.

бошловчи ва давлат раҳбари бўлиб, кучли сиёсий арбоб сифатида майдонга чиқади. Унинг халқ томонидан сайлаб қўйилиши юқори вакиллик институт эканлигидан далолат беради. Франция ва бошқа давлатларда президент тўғридан-тўғри умумхалқ сайловлари орқали ўз лавозимини эгаллайди.

Дуалистик (президентлик) республикасида ҳукумат таркиби парламент сессияларида депутатлар тасдиғига қўйилади. Бу жараёнда депутатлар президент томонидан кўрсатилган номзодларни тасдиқлашлари шарт. Агар бирор-бир кўрсатилган номзод бундай лавозимга лойиқ эмаслиги асослаб берилса, президент бошқа бир шахснинг номзодини кўрсатишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукумат фақат президентлик бошчилигида фаолият юритади. Барча ҳокимият масалаларида ҳукумат аъзолари тавсиявий характердаги қарорлар қабул қилиши мумкин, қатъий қарорни ягона президентнинг ўзи ҳал қилиши мумкин.

Ҳукумат таркибининг шаклланишида, президентнинг қайси партия аъзоси бўлганлиги муҳим роль ўйнайди.

Давлатнииг юқори палатасида ҳукумат аъзолари, президент аъзо бўлган сиёсий партия вакилларидан (президент томонидан) кўрсатилади ва алоҳида-алоҳида тасдиқдан ўтади.

Ушбу давлат бошқаруви шаклининг асосий белгиси – ҳукуматнинг ўз сиёсий фаолияти тўғрисида парламент олдида жавобгарлигининг белгиланмаганлигидандир. Парламент ҳукумат аъзоларини қонунни бузган тақдирда ҳам ўз лавозимидан озод этишга ҳақли эмас. Ҳукумат ўз фаолиятини олиб боришда, парламентнинг ишончига ёки ишончини йўқотишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам президентлик республикасидаги дуалистик бошқарув шаклида президент бир сиёсий партиядан, ҳукумат бошқа бир сиёсий партия вакилларидан иборат эканлиги камдан-кам давлатларда учрайди. Энг ривожланган давлатларда президент ва ҳукумат аъзолари бир партиянинг вакиллари ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини бўйсуниш асосида ташкил этадилар ва давлатнинг сиёсий режимини белгилайдилар. Агар қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари давлат аҳамиятига молик масалаларда ёмон оқибатни келтириб чиқарса, парламентнинг импичмент (ишончсизлик) ҳуқуқи кучга кириши мумкин.

Дуалистик республика бошқарув шаклида, айниқса, қонунни амалга киритиш жараёни мукаммал тенглик принципида белгиланган. Президент қонунни тасдиқлаш ёки қайта ишлаш учун ўз эътирозини билдириб парламентга қайтариши мумкин. Агар қайта ишлаш

юборилган қонун лойиҳаси ҳар иккала палата аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниш лозимлиги тасдиқланса, президент қонунни имзолашга мажбур бўлади. Шунингдек, президент томонидан имзоланган халқаро шартномалар, парламент йиғилишида ратификация (тасдиқланиши) ёки (бекор қилиниши) депоксация қилиниши мумкин.

Суд ҳокимияти эса парламент томонидан қабул қилинган актларни конституциявийлигини назорат қилади ва шунинг билан бошқа қонунчилик, ижроия органлар устидан назорат ўрнатилади ва мамлакатда, тартиб-интизомга риоя таъминланади.

4-§. Социалистик Республика

Совет республикаси – бундай давлат бошқарув шакли, совет тузуми ўрнатилган мамлакатлар ҳисобланади. Улар ҳокимиятнинг бўлинишини рад этадилар яъни ҳокимият ягона меҳнаткаш халқнинг вакиллик органи советларга сайланган вакиллари орқали амалга оширилишини мустаҳкамлайди.

Социалистик республика шаклидаги давлатлар Куба, Вьетнам, Хитой давлатларидир. Уларнинг ҳаммасига хос бўлган хусусият бу давлат тепасида кучли ҳокимиятга эга давлат бошлиғининг борлиги, кўпинча битта кучли партиянинг мавжудлиги ва ҳокимиятининг авторитарлиги билан характерланади.

Совет республикалари давлат бошқаруви шаклини таҳлил қиладиган бўлсак, Вьетнам Халқ Республикасида, жойларда советлар ва Миллий Мажлис, Кубада ҳам худди шундай, Хитой Халқ Демократик Республикасида халқ вакиллик органлари деб аталиб, сиёсий режим социалистик, давлат режими бир мунча демократиявийроқ ташкил қилинган. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларда тан олинади.

Мазкур республикаларнинг давлат шаклининг юридик нуқтаи назаридан қуйидаги умумий белгилари кўрсатилади:[52]

- Советларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ваколатларининг устуворлиги. Ҳудудлар бўйича ташкил этилган советларнинг ўзига тенглаштирилган давлат органларини шакллантиришда, (прокуратура ва суд органларидан ташқари) юқори ваколатларга эга бўлиб, барча давлат органлари уларнинг олдида ҳисобдордирлар;

[52] Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред. Б.А.Страшун. – М.: Издательство БЕК, 1995. 316 б.

▪ Барча поғонадаги Советлар бир тизимни ташкил этиб, ўзаро муносабатлари ягона раҳбарда бир-бирига бўйсуниш принципида амалга оширилади;

▪ Халқ депутатлари Советлари ўзининг асосий ишидан ташқари фаолият юритади, сессиялари кам ва қисқа вақтда ўтказилади, ундан кейинги ваколатларининг амалга оширилиши жойлардаги ижроия органларга юкланади ва уларнинг қабул қилган қарорлари Советларда тасдиқланади.

5-§. Парламентар Республика

Бундай давлат бошқарув шакли, парламентар монархия шаклига мос тушади фақат давлат бошлиғи масаласи билан ажралиб туради. Парламентар республикасида, президентнинг конституциявий вакилларини белгиланиши, тартиб бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилади, яъни президент бошчилигида ҳукумат унинг вазифасини бажаради.

Парламент республикада Бош Вазир лавозими алоҳида ҳол этилиши лозим бўлган масаладир. Фақатгина, Бош Вазир ҳукуматга бошчилик қилади монарх унинг ишига аралашмайди. Бош Вазир фақат парламент олдида сиёсий масъулдир, парламент унга ишончсизлик билдириши ёки ўз ишончини қайтариб олиши мумкин.

Парламентар республиканинг асосий белгиси - худди парламентар монархияга ўхшаш, ҳукуматнинг парламент олдида сиёсий жавобгарлигидир. Ҳукуматнинг бир аъзосига билдирилган ишончсизлик асосан Бош Вазирга бутун таркиби билан истеъфога чиқиш оқибатини келтириб чиқаради. Ҳукумат ҳам қуйи палатани тарқатиб юбориш ҳақида президентга мурожаат этиши мумкин ва сайлов кунини белгилайди.

Парламентар республика давлат бошқарув шаклида ҳам худди парламентар монархия сингари иккита давлат режими; парламентнинг ва ҳукуматнинг фаолияти асосий рол ўйнайди. Ҳақиқий парламентар республика шаклидаги давлатлар жаҳонда жуда кам учрайди. Бунга фақат Германия, Венгрия, Италия, Ҳиндистон, Чехия, Словакия, Эстония давлатларини киритиш мумкин. Бу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини кенгроқ ўрганиш учун давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини қараб чиқиш зарур бўлади.

Парламентар республикасининг иккинчи кўринишида Бош Вазир ва бошқа вазирларнинг лавозимига қўйилишида президент парламентдан розилик олиши лозим бўлади. Парламентар респуб-

ликасида қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ажратилиши уларнинг ўзаро келишувида назоратчилик фаолияти президентлик (дуалистик) республикасига нисбатан жуда ҳам мукаммал ва чуқур жараёнларни ўз ичига олади.

Давлат режими парламентар монархия каби парламентар республикасида сиёсий партияларнинг фаолиятини қанчалик даражада давлат ҳокимияти органларида тутган ўрнига қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам парламентар шаклидаги давлат бошқарувида демократик сиёсий режим давлат ҳокимиятини ташкил этиш бобида шунчалик кучли ҳисобланадики, амалда парламент ёки ҳукумат томонидан уни ўзгартиришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Демак, парламентар давлат бошқарув шакли инсоният ривожининг энг юқори даражада такомиллашган хоҳиш иродасини ифода этади. Германия, Буюк Британия 1789 йилги инкилобдан бошлаб, Франция мана шундай жамият қургунича қанча вақт кетган".

Президентлик ва парламентар давлат бошқарув усулини таҳлилий ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улар орасидаги асосий фарқ ҳукумат жавобгарлик масалаларининг ҳал этилиши тартибининг белгиланишидир. Агар ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлса, бундай давлат бошқаруви усули президентлик, агар парламент олдида жавобгарлиги белгиланган бўлса, парламентар республика деб аталади. Жавобгарлик маъноси, кўп жиҳатдан ҳукумат аъзоларининг истеъфога чиқарилиши ким томонидан ҳал этилишга боғлиқ масалаларни қамраб олади. Президент олдида жавобгарлик масаласининг кўриниши асосан, ҳукумат фаолияти президентни хоҳиши билан боғлиқ бўлиб, у хоҳлаган вақтда ҳукуматни ёки алоҳида вазирни истеъфога чиқариши мумкин.

6-§. Теократик Республика

Теократия сўзи «илоҳий бошқарув» маъносини бериб, Худо ҳокимиятини англатади. **Теократия** - бу сиёсий ҳокимият руҳоний бошлиқларга, илоҳиётга мутлақ тегишли бўлган режим бўлиб, жамият, шу билан бирга сиёсий муносабатларни диний норма, қонун қоидалар, канонлар тартибга солади.

Диний ҳокимият эгаси энг аввалло худо олдидаги жавобгарлик билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун у диндошлари олдидаги сиёсий масъулиятлардан , улар ўрнатадиган назоратдан озод бўлади.

Теократия турли динлар асосида яратилиши мумкин. Ҳар бир дин сиёсатга аралашишга қодир.

Иудизм теократиянинг вужудга келишига анча мойил бўлган конфессияни ўзида мужасамлаштиради “яҳудийларнинг давлати бошқа давлатлардан кучли фарқ қилади, зероки, теократияга асосланган ҳамда унда черков билан давлат ўртасида Масиҳдан кейинги даврдагидай фарқ бўлмаган”.

Масалан, ҳозирги кунда теократик давлатларга Эрон, Ватикан давлатларини киритиш мумкин. Ватиканда мутлақ монарх - Рим папаси учала ҳокимият яъни ижро, қонун чиқарувчи ва суд устидан бутунлай назорат қилади.

Папа рим курияси - католик черковининг марказий - маъмурий аппарати ёрдамида черков ва кўп сонли ташкилотларни бошқаради. Бундан ташқари, Рим папаси католик иерархлари - кардинал ва епископларни турли давлат диний вакилларидан тайинлайди. Кардиналлар Кенгаши ўз ораларидан Папани сайлайдилар.

23-боб. Сиёсий (давлат) режим

1-§. Сиёсий режим тушунчаси ва унинг асосий кўринишлари
2-§. Демократик режим ва унинг асосий белгилари
3-§. Либерал режим
4-§. Нодемократик режим ва унинг турлари
5-§. Давлат режими

1-§. Сиёсий режим тушунчаси ва унинг асосий кўринишлари

Жамият ва давлат фаолиятига раҳбарлик қилиш, бошқариш ҳамда унинг манфаатларига хизмат қилиш каби тушунчалар замирида сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг асосий қирралари намоён бўлади.

Жамият ҳаётини тубдан яхшилаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтариш, фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконияти аввалом бор, мавжуд сиёсий муносабатларнинг барқорлиги самараси ўлароқ, вужудга келади. Бунинг учун масъулият асосан барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган функциялар соҳиби давлат зиммасига юклатилган.

Ҳокимиятни амалга ошириш масъулияти бугунги жамият аъзолари олдидаги мажбурият бўлиши билан бирга, келажак авлод тақдирини белгиловчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам “сиёсий режим” тушунчаси бугунги кунда ҳар доимгидек, ҳам юқори аҳамият касб этувчи сиёсий юридик термин сифатида кўрилади.

Сиёсатшунослик, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ соҳаларида айниқса, кенг қўлланиладиган ушбу тушунча, давлат қурилиши ва бошқарувга оид давлат-ҳуқуқ категорияларининг моҳият ва мазмунини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради.

Ушбу термин фанимизда пайдо бўлган охирги авлодга дахлдор тушунчанинг моҳият мазмунини ўрганишнинг иложи йўқ эди. Адабиётларимизда мустақиллик йилларидан бошлаб, тилга олина бошлаган ушбу тушунча миллий давлатчилигимизнинг давлат – ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда амалий ёрдам берди.

Хорижий мамлакатлар мисолида сиёсий режимга, унинг мазмун ва моҳиятига, кўринишларигагина эътибор берар эканмиз, миллий давлатчилигимиз анъаналарини давом эттиришда маълум даражада ундан фойдаланамиз.

Сиёсий режим тушунчаси ҳам маълум комплекс хусусиятлар доирасига эга шарт-шароит ва талаблардан иборат бўлиб, давлат

ҳокимиятини амалга ошириш чоғида ўзини намоён қилади. Ҳар бир мамлакатда, давлат бошқарув шакли, жамият ҳаётини бошқариш услублари ўзига хос бўлиб, муайян сиёсий режимни намоён қилади. Демак сиёсий режим бевосита давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда намоён бўладиган, ҳокимият органлари, идоралари ҳамда муассасалари, давлатнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларини амалга оширишда, қўлланиладиган восита, усул ва услублар йиғиндиси ҳисобланади.

Дарвоқе, ҳар бир давлатда, ўзига хос муайян шарт-шароитлар, турли имконият даражаси, халқнинг минтолитети, давлатнинг ҳарбий-иқтисодий қудрати туфайли давлат ва сиёсий режими ҳам айнан бир-бирига ўхшамайди. Лекин сиёсий режимни тавсифловчи қатор белги ва хусусиятларни кўриб чиқиб, маълум даражадаги сиёсий режимнинг кўринишларини шартли равишда туркумларга ажратамиз.

Хорижий давлатларни маълум туркумларга ажратиб ўрганиш методини ушбу тушунчага ҳам нисбатан қўллаймиз. Чунки, ривожланган давлатларнинг сиёсий режими, ривожланаётган ёки ривожланиш даражаси жуда ҳам паст бўлган мамлакатларнинг сиёсий режимидан кескин фарқ қилади.

Сиёсий режимни тавсифловчи омиллар қаторига мамлакатдаги қонунларнинг мазмунини, хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари, миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқнинг муштараклик даражаси, инсон ҳуқуқ-эркинликларига муносабат, давлат ҳокимиятини шаклланиш ва идора этиш тартиблари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ва реал ҳолати, фуқаролик жамиятининг асослари кабиларни киритиш мумкин.

Айниқса, ҳокимиятни амалга оширишда, давлат фаолиятини ташкил этиш принципларининг мазмуни мамлакат сиёсий режимининг моҳиятини очиб беради. Юридик адабиётларда, сиёсий режим билан бирга баъзан (ҳозирги кунда кенг ёйилган) “давлат режими” термини, тушунчаси тилга олинади. Ушбу тушунчалар баъзан синоним тушунча сифатида қўлланса-да, умуман олганда, улар орасида принципиал нуқтаи-назардан, маълум жиддий фарқлар бор. Конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ҳисобланган давлат механизми, органлар ва идоралари, шунингдек, мансабдор шахслар орасидаги давлат бошқарувига оид фаолият юзасидан шаклланган мавжуд муносабатлар табиати давлат режимини намоён этади. Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ижтимоий тузумнинг барча муносабатлари реал ҳаётда доимо ўз аксини топа олмайди.

Давлат бошқаруви шаклида кўпроқ намоён бўлувчи, уни тавсифлашда қўл келувчи давлат режими тушунчасига нисбатан сиёсий режим тушунчаси анча кенгроқ қамровли институт ҳисобланади.

Сиёсий режимнинг асосий кўринишлари икки шаклда намоён бўлади. Сиёсий режимнинг биринчи шакли демократик сиёсий режим деб, иккинчи кўриниши нодемократик сиёсий режим деб ифодаланади. Демократик сиёсий режим инсоният орзу қилган, кишилик жамияти доимо унга интилган бўлиб, ҳозирги кунда, аксарият ғарб мамлакатлари (Европа), Америка, Осиё минтақасидаги баъзи давлатларда мавжуд. Аммо, демократик сиёсий режимга қўйилган талаблар кўлами шунчалик кенгки, энг демократик ҳисобланган давлатлар ҳам ушбу талабларни тўлиқ бажаришга қийналиб қолади. Чунки демократик сиёсий режимнинг таъминланиши мамлакатдаги мавжуд шарт-шароитлар, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгининг аҳволи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шунга қарамай, ҳар бир давлатнинг демократик сиёсий режимга эга бўлишликка ҳаққи бор, ҳаракати, интилиши, ҳаттоки кураш талаб қиладиган бу ҳолатга баъзи мамлакатлар халқи юзлаб, баъзилар ўн йиллар давомида қилган саъй-ҳаракатлари билан эришган.

2-§. Демократик режим ва унинг асосий белгилари

Демократик сиёсий режим мавжуд бўлган давлатлардаги халқлар ушбу режимни ҳимоя қилишга қодир миллатга айланган десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Демократик сиёсий режимда жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий эркинлик даражаси юксак поғонага кўтарилган бўлиб, ижтимоий муҳит давлат ҳокимиятига таъсир ўтказувчи фуқаролик жамияти институтларининг тўлиқ назорати остида бўлади. Демократик сиёсий режимда инсон манфаатлари олий қадрият даражасида тавсифланиб, амалда ўз аксини топган. Ушбу режим туфайли, инсон ўз мулоҳазасига кўра, шахсий манфаатларини ҳамда жамият фаровонлигини таъминловчи сиёсий кучни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлади. Бу унинг эркин сайловлар ва референдумда қатнашиш, ҳокимият органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларида намоён бўлади.

Манбаларда демократияда "халқ олий ҳокимият тимсолига эга бўлиб, бу ҳокимиятни ё ўзи бевосита амалга оширади ёхуд эркин сайлов тизими орқали ўзлари танлаган вакиллари воситасида амалга оширадилар", деб таърифланади. Авраам Линкольн (АҚШ XVI президенти) нинг сўзларига қараганда, демократия - "халқнинг шу халқ

учун амалга оширадиган халқ бошқарувидир".

Шу жиҳатдан И.Ильин таърифи ҳам қизиқиш уйғотиши мумкин. У шундай ёзади: "Демос" сўзи халқ маъносини англатади, "кратос" сўзи куч, ҳокимиятни ифодалайди. Ҳақиқий давлат шу маънода "демократик" бўлиши мумкинки, ўзининг энг яхши кучларини халқдан олади ҳамда уни ўз тузилишида тўғри иштирок этишга жалб қилади. Бу шу энг яхши, кучларнинг доимий танлови давом этиб, халқ ўз давлатини тўғри қуришни билиши даркор.

Демократия икки асосий турга - бевосита (тўғридан-тўғри) ва вакиллик демократияларига бўлинади. Бевосита демократия шароитида сайланган ёки тайинлаб қўйилган расмий шахслар воситачилигисиз фуқаролар ижтимоий қарорларни қабул қилишда қатнаша оладилар. Қадимги Афина - жаҳондаги биринчи демократия бевосита демократияни 5-6 минг киши қатнашадиган йиғинлар ёрдамида амалга оширилган.

Ҳозирги замон жамияти ўзининг мураккаблиги, кўпсонлилиги билан бевосита демократияни амалга ошириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун бугунги кунда унинг энг кўп қўлланиладиган шакли вакиллик демократиясидир. Бунда фуқаролар сиёсий қарорларни қабул қилиш, қонунларни таърифлаб бериш ҳамда ижтимоий фаровонлик йўлидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун расмий шахсларни сайлайдилар. Бу расмий шахслар мураккаб ижтимоий муаммоларни чуқур ўйлаб, тартибли ҳал этишлари мумкин. Бунинг учун улар бошқа хусусий шахслар эга бўла олмайдиган куч ва вақтларини сарфлашлари керак бўлади.

Демократик режим барча одамларнинг тенглиги ва озодлигини эътироф этиб, давлатни бошқаришда халқнинг иштирокига асосланади. Демократик давлат фақат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини эълон қилибгина қолмай, бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг иқтисодий асосларини таъминлаш, уларнинг конституциявий кафолатларини ҳам белгилаши керак бўлади. Натижада, кенг ҳуқуқ ва эркинликлар қоғозда эмас, амалда мавжуд бўлиб қолади.

Демократик сиёсий режимнинг мавжудлигини англатувчи қатор талаблар ва шарт-шароитларнинг умумий йиғиндиси шунчалик салмоқлики, муайян давлатда, бир вақтнинг ўзида бу талабларни бажариш энг демократик давлатлар учун ҳам оғирлик қилиши мумкин. Яъни, демократик давлат деб тан олинишлик масъулияти жуда ҳам юқори. Шунга қарамай, аксарият давлатлар ўз имкониятларини шундай сиёсий режимни барпо этишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги

кунга келиб, Европа давлатлари, қатор Осиё ҳамда Америка давлатларида демократик сиёсий режим амал қилиб, бу мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий салоҳияти ҳам жуда юқори. Демократик сиёсий режимни тавсифловчи қатор белгиларга асосан қуйидагиларни киритамиз:

1) Демократик институтларининг эркин ва фаол ҳаракатининг нафақат чекланмаслиги, балки давлат ҳокимияти томонидан ушбу соҳага доир шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган фаолиятнинг мавжудлиги. Бунда кўппартиявийлик тизимининг барқарорлиги, жамоат бирлашмалари, уюшмалар, ассоциация ва ижтимоий ҳаракатлар, фуқароларинниг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган мавқеининг юқори даражада баҳоланиши назарда тутилади;

2) Миллий ҳуқуқнинг конституция ва қонун устуворлиги принципи асосида амал қилиши, унинг мазмуни ва моҳияти Халқаро ҳуқуқ нормалар талабаларига тўлиқ мос келиши, ҳуқуқ устуворлиги тамойилининг Миллий қонунчиликда акс этиши; давлат ҳокимиятини амалга ошириш тамойилларининг конституция даражасида мустаҳкамланиши;

3) Ижтимоий ҳаётда, барча ижтимоий қатламларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиниши, шу жумладан, мухолифатчи сиёсий кучларинг манфаатларини ҳам оёқ ости қилмаслик, уларнинг фаолиятини мажбурий куч ишлатиш орқали ёки тазйиқ ўтказиш воситалари билан чеклашга йўл қўймаслик, сиёсий плюрализм тамойилининиг талабларига риоя қилиш;

4) Эркин сайловлар ҳамда демократия шакллари бошқа кўринишларининг даврийлигини таъминланиши, бунда сунъий чекловлар ёки мухолифатчи сиёсий кучларни сиёсий курашдан четлатишга уринишларга йўл қўйилмаслиги;

5) Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кенг эътироф этилиши, ҳуқуқ ва эркинликлар ижтимоий-иқтисодий – ҳуқуқий кафолатларининг комплекслигини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг реал механизмини яратилганлиги, нафақат фуқаролар балки мамлакатдаги барча шахсларинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши, тенг ҳуқуқлилий, барчанинг қонун олдида тенглиги;

6) Давлат ва унинг ҳокимият тизимида тармоқлар ҳисобланган қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ҳамда суд ҳокимиятининг тўла ўзаро мустақиллиги, уларнинг баҳамжиҳат ишлаш механизмининг мавжудлиги, ҳокимият тақсимланиши ва ҳокимият тармоқларининг бир-

бирини тийиб туриш ҳамда мувозанатда ушлаш принципини амалда бўлиши; давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва унинг ҳар бир аъзоси олдидаги масъулият ҳиссининг юқори даражадалиги;

7) Оммавий ахборот воситалари фаолиятида ошкоралик, эркинлик, уларга ахборот олиш эркинлигини таъминланиши, цензурага йўл қўйилмаслик, хусусий оммавий-ахборот воситаларининг давлат ва жамият ҳаётиинг кўзгуси сифатида эътироф этилиши.

Умуман олганда, демократик сиёсий режим давлат бошқарув шакли ёки тузулиш шаклига умуман боғлиқ эмас. Федератив давлат ҳисобланган АҚШ, ГФР каби давлатларда, унитар давлат Япония, Италияда ёки монархия бошқарувидаги Буюк Британия, Нидерландия, республика шаклидаги Чехия, Франция давлатларида демократик сиёсий режим ўрнатилган.

3-§. Либерал режим

Демократик режимнинг энг замонавий шаклларидан бири **либерал-демократик** режим ҳисобланади. У кўпчилик мамлакатларда мавжуд. Унинг аҳамияти шу қадар кучлики, кўпчилик олимлар уни ҳокимиятини амалга ошириш режими эмас, балки жамият тараққиётининг муайян босқичида цивилизациянинг яшаш шарти деб ҳисоблашмоқда.

Шунингдек, давлат ва ҳуқуқ назариясида энг демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳокимиятни амалга оширишнинг сиёсий усул ва услубларини ҳам либералликка тааллуқли деб қарашларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу тамойиллар энг аввало шахс билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни белгилаб беради. Бунда инсон ўз мулки, ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади, иқтисодий жиҳатдан мустақил, сиёсий эркин ҳаракат қилади. Шахс билан давлат ўртасидаги нисбатларда устуворлик шахс томонида бўлади. Либерал режим бозор муносабатларини, бозор иқтисодиётини ташкил этишни тақозо этади. Бозор эса тенг ҳуқуқли, эркин ва мустақил шерикчиликни талаб этади. Либерал жамиятда сўз эркинлиги, фикр алмашиш зркинлиги, мулк шакллари эркинлиги эълон қилинади, хусусий ташаббускорликка кенг йўл очилади.

Бундай жамиятда, давлат ҳокимияти сайловлар йўли билан шакллантирилади. Давлат бошқарувини амалга ошириш ҳокимиятни тақсимлаш тамойили асосида йўлга қўйилади. Давлат бошқарувида марказдан қочириш тамойилидан фойдаланилади, яъни марказ

маҳаллий органлар ҳал эта олмайдиган муаммоларнигина ечишни ўз зиммасига олади. Либерал-демократик режим, давлат (сиёсий) режими бўлган жамият, фуқаролик жамияти деб аталади.

Бироқ буни ҳам ортиқча идеаллаштириш мумкин эмас. Бу режимда аҳоли даромадларининг, улар турмуш даражасининг кескин табақаланиши рўй беради, фуқароларнинг бошланғич имкониятлари бир-бирларидан жуда катта фарқ қилади, уларнинг ижтимоий ҳимоясида муаммолар бўлади, фақат ўзинигина ўйлаш (индивидуализм) ривожланиб кетиши мумкин.

4-§. Нодемократик режим ва унинг турлари

Нодемократик сиёсий режим инсониятнинг давлат ва жамият қурилишидаги илк давридан бошлаб мавжуд бўлган. Ҳаттоки, илк демократик кўринишига асос солинган қадимги Римда ҳам нодемократик сиёсий режим амалда бўлган. Чунки, нодемократик сиёсий режим биринчи навбатда, халқ ҳокимиятчилигини тан олинмаслиги, давлат ҳокимиятини асосан бир шахс томонидан идора этилиши, давлат ҳокимиятига интилишнинг сиёсий механизмини инкор этилиши сиёсий механизмини инкор этилиши билан тавсифланади. Нодемократик сиёсий режимнинг кўринишлари турлича бўлиб, ҳар бир кўринишининг ўзига хос муайян белги ва хусусиятлари мавжуд. Уларнинг асосий кўринишларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Автократик режимга асосан жамоа автократияси ва ягона шахс автократияси киради. Жамоа автократияси ўз навбатида аристократия ва олигархия деб ном олган бошқарув шаклларига бўлинади. Ягона шахс автократияси деспотия мустабидлик, шахсий ҳокимият шаклларига эга.

Энди мазкур режимларни батафсил кўриб чиқамиз. **Деспотик режим** (юнонча "чекланмаган ҳокимият") - Ҳокимият истисносиз фақат бир шахс томонидан амалга ошириладиган мутлақ монархияга (подшоҳликка) хосдир. Деспотик режимлар қадимда пайдо бўлган. У ҳокимиятни бошқаришдаги ўта ўзбошимчалик, фуқароларнинг деспот олдидаги тўла ҳуқуқсизлиги, бошқаришда ҳеч қандай ҳуқуқий ва ахлоқий асосларнинг бўлмаслиги билан ажралиб туради. Деспотия шароитида мустақил ҳаракат қилиш, норозилик билдириш, қаҳр-ғазаб изҳор этиши мумкин эмас - улар дарҳол бостирилади.

Деспотик режим асосан, Ўрта Ер денгизи мамлакатларида, Яқин Шарқда, Осиё, Африка, Жанубий Америка мамлакатларида, яъни Осиё ишлаб чиқариш усули (осиёча тараққиёт йўли) қарор топган

давлатларда учраган. У инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларига хосдир. Бироқ бу режим ҳозирги босқичда ҳам, ҳозирги замон давлатларида ҳам улар ривожининг тарихий ўзига хослиги, бу давлатлардаги бошлиқларнинг шахсий фазилатларига боғлиқ, равишда пайдо бўлган ва бўлиши ҳам мумкин.

Мустабидлик режими - якка шахс ҳукмронлигига асосланган. Мустабид ҳокимияти одатда, зўравонлик, босиб олиш, баъзан эса, қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш натижасида ўрнатилиши билан деспотиядан фарқ қилади. Унда ҳам ҳуқуқий ва ахлоқий асослар бўлмайди, у зўравонлик, баъзан эса террор ва геноцид асосига қурилган бўлади. Мустабид ҳокимияти шафқатсиздир. У ҳам даҳшат ва қўрқувга асосланади. Мустабид ҳар қандай қаршиликни туғилишдаёқ, бостиришга ҳаракат қилади. Бошқа мамлакат ҳудуди ва аҳолисини забт этиш нафақат жисмоний ва ахлоқий зўравонликни, балки асоратга солинган халқ анъаналари ва урф-одатларини таҳқирлашга ҳам олиб келади. Мустабид режимлар қадимги Юнонистон полисларида, айрим ўрта аср шаҳар-давлатларида мавжуд бўлган.

Тирания режими ҳам якка шахс бошқарувига асосланган. Бунинг деспотиядан фарқи шундаки, тираннинг ҳокимияти одатда зўравонлик натижасида, баъзан қонуний ҳокимиятнинг ўрнини эгаллаш натижасида ўрнатилади. Ҳуқуқий ва ахлоқий қадриятлар ҳисобга олинмайди, у ўзбошимчалик, террор ва геноцид асосида қарор топади. Тираннинг ҳокимияти аёвсиз бўлади. Тирания ҳам қўрқувга асосланган. Тиран қаршилик кўрсатганларни бостиришга ҳаракат қилади. Бошқа мамлакат ҳудуди ва аҳолисини забт этиш нафақат жисмоний ва ахлоқий зўравонликни, шунингдек, босиб олинган халқнинг анъаналари ва урф-одатларини ҳам таҳқирлашга олиб келади. Тирания идора усуллари қадимги юнон полисларида, баъзи ўрта асрдаги шаҳар-давлатларда мавжуд бўлган.

Тирания ҳам деспотия сингари ўзбошимчаликка асосланган. Башарти деспотияда ўзбошимчалик юқори мансабдорларга офат келтирса, тиранияда эса бундай ҳалокат ҳар бир кимсанинг бошига тушади. Қонунлар жуда оз бўлиб, зеро, тирания ҳокимияти қонунлар қабул қилишга ҳаракат қилмайди.

Авторитар сиёсий режим - Адабиётларда асосан авторитар сиёсий режимнинг бир белгиси алоҳида тилга олинади, бу ҳам бўлса, чекланмаган ҳокимиятнинг бир шахс қўлида тўпланишидир. Чекланмаган ҳокимият соҳиби ҳисобланган давлат бошлиғи ҳокимиятнинг барча органларини ўз назоратида бўлишини, ушбу органларнинг

шаклланиши фақат унинг иродаси асосида амалга ошишишни таъминлар экан, демократик хусусиятларни батамом инкор этади. Нодемократик сиёсий режимнинг бундай кўриниши кўпгина собиқ социалистик мамлакатларда, жумладан, собиқ Совет Иттифоқида И.В.Сталин ҳукмронлик қилган даврни ўз ичига олади.

Тоталитар сиёсий режим - мамлакатдаги давлат ҳокимиятини амалга оширишда демократик талабларни тамоман инкор этмаса-да, аслида ягона сиёсий кучнинг манфаатини кўзлайди. Ушбу сиёсий куч ҳар қандай мухолифатни уюшмаларнинг амалда фаолият юритишига йўл қўймайди, кўппартиявийлик инкор этади, демократия шаклларини қонунларда мустаҳкамласа, амалда сохта сайловлар, референдумлар ўтказилади, оммавий ахборот воситалари ягона ҳукмрон мафкурага асосланади.

Фашистик сиёсий режим – нодемократик сиёсий режимнинг энг реакцион кўриниши ҳисобланиб, ушбу сиёсий режим туфайли бутун инсоният иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирди. Фашистик сиёсий режим аввало Италияда XX асрнинг 20 йилларида ўрнатила бошлаган бўлса, 30 йилларда А.Гитлернинг Германияда ҳокимият тепасига келиши билан изоҳланади. Фашистик сиёсий режимнинг асл мақсади миллий мафкурага асосланган, бутун ер юзидаги халқларни бир миллат томонидан бошқарилишига қаратилган ғоялар тизимида ўз миллатининг ҳукмронлигини таъминлаш, миллий доҳий (дуче, фюрер)га итоат этиш каби масалалар ўрин олган.

Фашистик сиёсий режимнинг очиқдан-очиқ уруш сиёсатини, ягона сиёсий партия ҳукмронлигини, ҳарбий интизом ўрнатилишини талаб қилади. Ҳозирги кунда, Фашистик сиёсий режимнинг бутун инсоният томонидан қораланиб келишига қарамай, баъзи мамлакатлардаги сиёсий кучлар фашистик сиёсий режимнинг янги кўринишларига мойиллик билдирмоқда.

Ҳарбий сиёсий режим – баъзи мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳолат бевосита ҳарбийларнинг ҳокимият тепасига келишига имконият яратади. Ҳокимиятнинг ҳарбийлар томонидан бошқарилиши ўз-ўзидан фуқаролик институтлари фаолиятини тўхтатиб қўяди. Ҳокимиятнинг ҳарбийлар томонидан бошқарилиши ўз-ўзидан фуқаролик институтлари фаолиятини тўхтатиб қўяди.

Ҳарбийлар мамлакатдаги сиёсий бош бошдоқликка чек қўйиш, иқтисодий аҳволни яхшилаш, ҳарбий интизом орқали мамлакатда, тартиб ўрнатиш мақсадини илгари суриб, ўз ҳокимиятини амалга оширади. Европа мамлакатларидан Греция (1967-1974), Осиёда

Покистон (генерал Зиё ул-Ҳақ даврида), Лотин Америкасида Парагвай (Альфредо Стресснер ҳукмронлиги) давлатларини мисол қилиб келитириш мумкин. Айниқса, 60-70 йилларда Лотин Америкаси давлатларида ҳарбийларнинг ҳокимият тепасига келиши, уларда хунта (ҳарбий коллегия) раҳбарлигининг жорий этилиши кўп марта кузатилган.

Ирқий сиёсий режим мавжуд бўлган, давлатларнинг намоёндаси сифатида, Жанубий Родезия ҳамда Жанубий Африка Республикаси давлатларини келитиришимиз мумкин. Ирқий сиёсий режимнинг туб моҳияти оқ танлиларнинг ерлик аҳоли ҳисобланган қора танлилардан устун қўйиш, европалик оқ танлиларнинг ҳаттоки, осиёликлар, ҳиндулардан ҳам ажралиб яшашига имкон беради. Масалан, Жанубий Африка Республикасининг парламентида қора танлиларнинг вакилига жой ажратилмаган. Ҳозирги кунда бундай сиёсий режим амалда учрамаса-да, баъзи бир элементларининг намоён бўлиши кузатилмоқда.

Диний сиёсий режим кам учраса-да, ушбу сиёсий режимнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, Эрон Ислом Республикасида давлат бошлиғи президент ҳисобланса-да, у мамалкатнинг дунёвий раҳбари сифатида тан олинади. Шунингдек, диний раҳнома ҳокимияти ҳам мавжуд бўлиб, унга мамлакат мусулмон дунёсининг бошқарувчиси имом раҳбарлик қилади. Амалда ҳам реал ҳокимият диний уломалар қўлида бўлиб, давлатнинг энг асосий лавозимлари улар томонидан эгалланган. Парламентдаги асосий кўпчилик дин вакилларидан иборат.

Нодемократик сиёсий режимнинг асосий кўринишларига тўхталиб ўтганимизни таъкидлаш билан бирга, шуни ҳам эслатиш жоизки, баъзи бир мавжуд ҳолатлар у ёки бу сиёсий режимнинг оралиғида бўлиши, умуман баъзи ўзига хос белгилар билан умумлашган ёки ажралиб туриш белгиларига ҳам эга бўлиши мумкин. Нодемократик сиёсий режимнинг баъзи элементларини ўзида ифодалаши, бу сиёсий режимдан бошқа сиёсий режимга ўтаётганлигидан хабар беради. Албатта, нодемократик сиёсий режим доимий характерга эга эмас, бу режимлар бир кун келиб таноззулга учрашини инсониятнинг тараққиёти кўрсатиб турибди. Инсон қадрияти ва ижтимоий онгнинг юксалиши, тараққиётпарвар кучларнинг устунлиги охир-оқибат демократик ҳокимият сари етаклайди.

5-§. Давлат режими

Давлат ҳокимият органларининг ўзаро муносабатларини белгиланиши ва уни ташкил этилишида бошқарув шаклининг юридик модели ўзига хос хусусият намоён этади.

Шунинг учун ҳам мазкур фаннинг ўргатиш доирасига нафақат конституциявий-ҳуқуқий нормалар ва институтлар назариясини таҳлил қилиш, балки уни амалда татбиқ этилишининг мезонлари қандай натижаларга эришганлигини ифодалаб бериш киради.

Ифода этишнинг мукаммаллигини таъминлаш учун, ёки таҳлил қилинишини соддалаштиришда, давлат ҳокимият органларининг ҳокимиятни тақсимланиш принципи асосида этилиши давлат бошқарув шаклида қандай йўлга қўйилганлиги ушбу фанда давлат режими тушунчасида қўлланилади.

Давлат режими – сиёсий кучларнинг таркибий қисми ва давлат ҳокимияти Олий органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солинишида уларнинг ҳақиқий компетенциясини ифода этиб давлат бошқарувида тутган ўрни ва функциясини намоён этади.

Давлат режими, давлат бошқарув институтлари ва сиёсий режим билан боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан давлат режимининг фарқи шундан иборатки, давлат бошқарув шакли юридик модел бўлиб, олий давлат органларининг ўзаро муносабатларидан аниқланади, давлат режимида эса – олий давлат органлари фаолиятига таъриф беради яъни унинг ҳақиқий фаолият принциплари тавсифланди.

Давлат режимининг сиёсий режимдан фарқи шундан иборатки, сиёсий режим кўпчилик аҳоли сонини ташкил этган сиёсий кучлар муносабатларини ифода этса, давлат режими – сиёсий кучлар ичидаги турли таъсир қоидаларни ўзаро муносабатларида келиб чиқадиган масалалрни ўзида мужассам этади.

Давлат бошқарув шаклининг ўзига хос томонларини ажратиб олинишида давлат режимининг турли хил кўриниши намоён бўлади. Бу турли хил кўринишдаги сиёсий режим билан ҳам бир-бирига мос тушиши мумкин. Давлат режимининг маълум бир ҳолига тушиши, давлат бошқарув шаклига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат бошқарув шаклида, давлат режимининг кўринишини қўлланилиши доимо таҳлил қилиб турилади.

24-боб. Хорижий мамлакатларда давлатнинг ҳудудий тузилиши

1-§. Давлат тузилиш шакли. Давлат тузилиши тушунчаси
2-§. Унитар давлат
3-§. Федератив давлат
4-§. Конфедерация
5-§. Автономия

1-§. Давлат тузилиш шакли. Давлат тузилиши тушунчаси

Ҳар бир давлат ўз ҳудудига эга ва бу ҳудуднинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш унинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг яхлит ҳудуди муайян тарзда, албатта, маълум қисмларга, бўлинмаларга бўлинган бўлади. Давлат ҳудудини бундай бўлиш уни бошқаришни осонлаштириш, самарали бошқариш мақсадларини кўзлайди.

Давлатнинг ҳудуди қандай тарзда ташкил этилганлигини, яъни марказ билан жойларнинг ўзаро муносабати қандай, қанақа маъмурий ҳудудий бўлинмаларга бўлинган каби масалалар "давлатнинг тузилиш шакли" деган атама билан анча вақтдан бери белгиланиб келган. Бироқ тузилиш деган ибора жуда сермаъно бўлганлиги туфайли, кейинги пайтларда конституциявий юридик адабиётда "ҳудудий-сиёсий тузилиш", сиёсий ҳудудий тузилиш каби атамаларни қўллаш кенг тарқалмоқда.

Давлат шакли тушунчаси, маълумки, ўз ичига давлат бошқарув шакли, давлат тузилиш шакли ва сиёсий режимларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, **давлат тузилиши шакли** деганда, давлат ҳокимиятининг маъмурий-ҳудудий уюшуви, давлат ва уни ташкил этган ҳудудларнинг, айрим қисмларнинг, марказий ва маҳаллий идоралар орасидаги муносабатларнинг табиати тушунилади.

Давлат тузилиши - давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниш тамойиллари ва тузилишини ҳамда маъмурий ҳудудий бирликларнинг юридик мақомини, давлатнинг марказиий органлари билан мазкур органларнинг жойлардаги маҳаллий органлар билан ўзаро муносабатлари қандай хусусиятлардан иборат эканлигини қамраб олувчи тушунчадир.

Миллий-давлат тузилиши - давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, давлат билан унинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва унинг таркибий

қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатлари характери ва ҳажмидан иборат эканлиги тушунилади.

Давлатнинг ҳудудий тузилиши (маъмурий – ҳудудий тузилиш) – давлат тузилиши тушунчасининг таркибий қисми бўлиб, давлат ўз вазифа ва функцияларини бажариши учун, муайян чеклан-ган ҳудудини маълум бир ҳудудий (маъмурий-ҳудудий) бўлакларга бўлинишини, уларнинг маҳаллий органлари билан марказий орган-лари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусиятлари тушунилади. Ушбу ҳудудий бўлакларда, давлат аппарати маҳаллий органларининг структураси тузилади. Шунинг учун давлатнинг ҳудудий тузилишини маъмурий-ҳудудий тузилиш деб атаймиз.

Давлатни ҳудудий жиҳатдан ташкилаштириш ўз *мақсади* ва *вазифаларига* кўра, нафақат *маъмурий-ҳудудий*, балки:

иқтисодий-ҳудудий (масалан, эркин савдо қилувчи зоналар);

ҳарбий-ҳудудий (масалан, мамлакат ҳудудини ҳарбий округларга бўлиниши);

сиёсий-ҳудудий (масалан, барқарорликни сақлаш ва этник масалаларни ҳал қилиш учун ажратиладиган минтақалар);

экологик-ҳудудий шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Федератив давлатларда маъмурий – ҳудудий бирликлар ўзининг муайян ҳокимият органлари тизимига, Конституция ва қонунчили-гига, шунингдек, ҳудудий рамзларига эга бўлади.

Маъмурий – ҳудудий бирлик – давлат маъмурий –ҳудудий тузилиши тизимининг мустақил таркибий қисми бўлиб, бир неча поғонада ташкил этилиши мумкин.

Тегишли маъмурий ҳудудни алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида эътироф этиш учун фақат давлат ҳокимияти маҳаллий органларни ташкил этиш билан чегараланмасдан, балки маҳаллий ҳудуднинг иқтисодий-маданий ривожланганлиги даражаси, аҳоли-нинг ҳудудий уюшиши билан ҳам боғлиқдир.

Давлатнинг ҳудудий-сиёсий тузилиши бу давлатнинг ҳуду-дий-сиёсий тузилмаси, яъни яхлит давлат ҳудудининг қисмларга бўлинишининг муайян тартиби, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, марказий органларининг ҳудудий бўлинмалар билан ўзаро муносабатидир.

Давлат тузилиши шаклига қўйидаги турли хил омиллар таъсир этади:

1) давлат ва жамият олдида турган иқтисодий вазифалар;

3) давлатдаги сиёсий кучларнинг ўзаро нисбати;

4) давлат ҳудудида истиқомат қилаётган аҳолининг кўп миллат-

лиги ва ўзаро муносабати;

5) давлат ҳудудининг катта ёки кичиклиги таъсир этади;

6) узоқ йиллар давомида шаклланган тарихий анъаналар;

7) жамиятдаги мавжуд ижтимоий онгга.

Демак, давлатнинг ҳудудий сиёсий тузилиши ўзида мана шу масалаларни ифода этади ва улар таъсири остида шаклланади. Шу муносабат билан хорижий мамлакатлар конституциясида давлатнинг ҳудудий-сиёсий тузилиши қандай мустаҳкамланганлиги масаласи муайян қизиқиш уйғотади.

Таъкидлаш керакки, деярли барча давлатларнинг Конституция-лари давлатнинг ҳудудий ташкил этилишини мустаҳкамлайди, фақат бир хилда эмас, яъни баъзи давлатлар Конституциялари аниқ қилиб, давлатнинг ҳудудий тузилишини белгилаб қўйган бўлса, бошқалари тўғридан-тўғри мустаҳкамлаб қўймайди, бироқ конституциянинг бошқа моддаларидан ушбу давлатнинг ҳудудий тузилиш шакли қанақа эканлиги бемалол аён бўлиб туради.

Ҳатто, баъзи Конституцияларда давлатнинг бир тузилиш шак-лига эга эканлиги кўрсатилган ҳолда, аслида, амалда бошқа шаклга мансуб бўладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан, Швейцария, конфедерация деб аталса-да, аслида у федератив тузилиш шаклига эга,

Давлатнинг ҳудудий тузилиш шаклига оид нормалар, одатда қуйидаги масалаларни ўзида ифода этади:

- давлатнинг ҳудудий тузилишининг конкрет шаклини, масалан, унитар, федератив, конфедератив, автономия ва бошқа шакллардан қайси бири мавжуд бўлса, ўша мустаҳкамлаб қўйилади;

- давлатнинг таркибий қисмларини - ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисини, яъни компетенцияси мустаҳкамланади;

- давлат ҳудуди аниқланади - давлатнинг ҳуқуқий таъсири тарқаладаган макон белгиланади;

- давлатнинг марказий органлари билан, бевосита унинг таркибига кирмайдиган, бироқ унга тобе бўлган ҳудудлар ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлайди.

Баъзи давлатларнинг Конституциясида, агар улар федератив тузилиш шаклига мансуб бўлса, шу Федерация таркибига кирувчи барча субъектлар рўйхати кўрсатилиши ҳам мумкин (масалан, Россия Федарацияси Конституцияси).

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзи давлатлардаги давлат тузилиш шаклини юқорида айтиб ўтилган омиллар таъсири билан

тушунтириш қийин, улардаги тузилиш шакли ўша давлатнинг бир хусусияти, ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, давлатнинг тузилиш шакли билан унинг кўп миллатлилик даражаси ўртасида ҳам чуқур алоқадорлик йўқ, масалан унитар давлат бўлган Болгария кўп миллатли, Федератив давлат бўлган Германия асосан бир миллатли, демак, федератив давлат ҳам кўп миллатли, ҳам бир миллатли бўлиши мумкин, худди шунингдек, унитар давлат ҳам ё кўп миллатли ё бир миллатли бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда, давлатнинг қуйидаги тузилиш шакллари мавжуд:

- унитар;
- федерация;
- конфедерация;
- автономия ва бошқа шакллар.

Шундай қилиб, давлатнинг ҳудудий тузилиш шакли ҳар бир давлат ҳудудининг қандай ташкил этилганлиги, унинг марказий органлари билан таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг асослари ва тартибини кўрсатади.

2-§. Унитар давлат

Давлат тузилиш шаклининг бир кўриниши бўлган унитар давлат ҳақида фикр юритишдан олдин, бу атаманинг луғавий маъносини билиб олиш лозим. "Унитар" ибораси лотинча *"unitas"* сўзидан олинган бўлиб, "бирлик" деган маънони англатган, таржимаси эса "ягона", "яхлит деган маъноларни англатади.

Унитар давлат бу ягона, яхлит давлат бўлиб, унинг таркибий қисмлари мустақилликка эга эмас, яъни давлат тузилмалари ҳисобланмайди. Бироқ унитар давлат таркибида автоном тузилмалар бўлиши мумкин. Масалан, Озарбайжон таркибида, Тоғли Қорабоғ автоном тузилмаси мавжуд. Унитар давлатнинг таркибий қисмлари, одатда, маъмурий ҳудудий бўлаклардан иборат бўлади: вилоят, провинция, губерниялар, улар кейин, тегишлича яна майда бўлинмаларга бўлиниб кетишади, масалан, район, туман, уезд ва бошқалар.

Ҳозирги кунда, аксар кўпчилик давлатлар унитар давлатлардир, уларнинг сони 160га яқин. Бунинг боиси шундаки, унитар давлатни бошқариш анча самарали ҳисобланади. Унитар давлатлар жумласига Франция, Буюк Британия, Италия, Швеция, Греция, Испания, Голландия ва бошқа бир қатор давлатлар киради.

Чудаков М.Ф.нинг «Конституционное (государстзенное) право зарубежных стран» китобида унитар давлатнинг қатор белгилари кўрсатилган:

- ягона қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавжудлиги -бутун мамлакат учун умумий бўлган парламентнинг борлиги;
- ягона ижро ҳокимиятининг мавжудлиги;
- бутун мамлакат миқёсида ягона суд ҳокимиятининг мавжудлиги;
- бутун мамлакат ҳудудида амал қиладиган ягона Конституциянинг мавжудлиги;
- ягона қонунчилик тизими - мамлакат ҳудудида истиқомат қиладиган барча аҳоли учун умуммажбурий бўлган ягона ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги;
- мамлакат ҳудудини сиёсий мустақилликка эга бўлмаган маъмурий-ҳудудий бўлакларга бўлинганлиги;
- ягона фуқароликнинг мавжудлиги.

Ҳар бир унитар давлатнинг маъмурий ҳудудий бўлаклари сони турлича бўлиши мумкин. Маъмурий-ҳудудий бўлинмалар икки, уч ва тўрт бўғинли бўлиши мумкин, масалан, икки бўғинли бўлса, вилоят - туман, уч бўғинли бўлса, тахминан вилоят - туман - жамоа, тўрт бўғинли бўлса, масалан, Францияда регион – округ – департамент - жамоа шаклида бўлиши мумкин,. Кичкина, митти давлатларнинг баъзиларида умуман маъмурий-ҳудудий бўлиниш амалга оширилмаган, масалан, Океанияда жойлашган Науру ва Туала, Монако, Сан-Марино.

Унитар давлатлар яна таркибидаги маъмурий ҳудудий бирликларининг ҳуқуқий мақоми ва хусусиятларига кўра:

Оддий унитар давлат. Бундай давлатларнинг маъмурий ҳудудий тузилиши содда бўлиб, маъмурий ҳудудий бирликлар бевосита марказга бўйсунади ва ҳуқуқий мақоми, номланиши ҳамда ижтимоий таркиби жиҳатдан аксарият ҳолларда бир хил бўлиши кузаталади. Уларнинг таркибида ҳудудий автономиялар мавжуд бўлмайди (Польша, Миср, Қозоғистон ва бошқалар).

Мураккаб унитар давлат. Кўпчилик унитар давлатларда бир ёки бир неча маъмурий-ҳудудий бирликларга, ўлкаларга имтиёзли ҳуқуқий мақом берилади (масалан, Буюк Британия, Франция, Озарбайжон ва бошқалар). Бундай унитар давлат маъмурий автономияга эга бўлади. Қайд этилган давлат тузилиши шакли ҳудудий ўлкаларнинг махсус манфатларига эътибор бериш зарур бўлган ҳолларда

қўл келади. Бундай ҳолат алоҳида миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, этник ва миллий камситилишини олдини олиш, озчиликни ташкил этувчи миллатларнинг маданиятини сақлаб қолиш ва ҳоказоларда кузатилади. Мазкур автономияларда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи мамлакат аҳолисининг бошқа қисмига қараганда, бир мунча кенгроқ бўлади. Лекин уларнинг мустақиллиги марказий ҳокимият белгилаган доирадагина сақлаб қолинади. Амалиётда айрим ҳолларда бундай автономиялар мустақиллик учун кураш олиб боришлари кузатилиб, аксарият ҳолларда аянчли оқибатлар, жумладан, фуқаролик урушларини келтириб чиқариши мумкин.

Марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги муносабатнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, унитар давлатлар **марказлашган**, **нисбий марказлашган** ва **марказлашмаган** турларга бўлинади.

Марказлашган унитар давлатларда, маъмурий-ҳудудий бирликларни бошқариш давлат ҳокимияти марказий органлари томонидан бевосита амалга оширилади. Бунда марказдан тайинланадиган мансабдор шахслар тегишли маъмурий ҳудудни бошқаради. Бунга хориждан мисол тариқасида, Индонезия, Таиланд давлатларини келтириш мумкин.

Нисбий марказлашган унитар давлатларда маъмурий ҳудудий бирликларни бошқариш бир вақтни ўзида марказдан тайинланадиган мансабдор шахслар ҳамда маҳаллий вакиллик органлари томонидан амалга оширилади. Бунга Франция маҳаллий бошқарувидаги марказдан тайинланадиган префектлар ва муниципал Кенгашларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Марказлашмаган унитар давлатларда эса маъмурий ҳудудий бирликлар анча мустақил бўлиб, марказга умуман бўйсунмайди ҳамда бошқарув тўла-тўкис маҳаллий вакиллик органлари ваколат доирасига киритилади (Буюк Британия графликлари, АҚШ штатлари, Канада провинцияларидаги маҳаллий бошқарувни сайлаб қўйиладиган органлар амалга оширади.)

Номарказлашган унитар давлатларда, жойларга амалдорларни тайинлаш ҳолати йўқ аҳолининг йиғинлари, Кенгашлари маҳаллий бошқарувни амалга оширади ёки амалдорлар жойлик аҳоли томонидан сайлаб қўйилади: Буюк Британия, ва бошқалар.

Чудаков М.Ф.нинг таъкидлашича, бундай тизимни таснифга киритиш маълум маънода шартли характерга эга, чунки, икки органнинг биргаликда келиши, одатда, унитар давлатнинг барча бўғин-

ларида учрамаслиги мумкин, масалан, жамоаларда тайинлаб қўйиладиган лавозимнинг ўзи йўқ, баъзиларида эса сайлаб қўйиладигап орган йўқ, масалан, Германия ва Франциянинг баъзи маъмурий-ҳудудий бўлакларида ва ҳоказо.

Унитар давлат таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлакларнинг ташкил этилиш принципи ҳам эътиборга сазовор. Бу принциплар ҳам бир неча хил бўлиши мумкин:

- аҳолининг тенг сонлилиги принципи;

- йирик иқтисодий, саноат ва жўғрофий марказлар атрофида маъмурий-ҳудудий бирлик ташкил этиш принципи.

Чудаков М.Ф.нинг фикрича, бирликлар давлат ҳокимиятини амалга оширишни, мамлакатни бошқаришни енгиллаштиришни назарда тутади. Бундан ташқари айрим давлатларда оддий маъмурий-ҳудудий бўлаклардан ташқари махсус бўлинмалар ҳам мавжуд, хусусан, мамлакат ҳудуди стандарт маъмурий бўлинмаларга, мактаб округларига, суд ва ҳарбий округларга, сайлов округларига бўлиниши ҳам мумкинлиги таъкидланади. Масалан, сайлов вақтида мамлакат ҳудуди бир қатор сайлов округларига бўлиб ташланади. Албатта, бундай округлар чегаралари маъмурий-ҳудудий бўлаклар ҳудудий чегаралари билан мос бўлмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, унитар давлатнинг таркибий қисмлари сиёсий мустақилликка эга бўлмай, балки бевосита марказга бўйсунишади.

3-§. Федератив давлат

Хорижий мамлакатларнинг ҳудудий давлат тузилиши шакли ичида федерация муҳим роль ўйнайди. Маълумки, давлатлар тузилиш шаклига кўра, оддий ва мураккаб тузилиш шаклларига бўлинади. Олимлар, мутахассислар давлат тузилиш шаклининг оддий шаклига, одатда, унитар давлатларни киритишади, мураккаб давлат тузилиши шаклига эса, федерация ва конфедерацияни киритишади.

Федератив давлат тузилиш шакли ҳақида гапиришдан олдин, бу сўзнинг луғавий маъносини англаб олиш зарур. Федерация атамаси лотин тилидаги “foederatio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “иттифоқ”, "бирлашма” маъноларини англатади.

Федерация бу - давлатлар иттифоқи бўлиб, унинг таркибига иттифоқ ҳуқуқлари билан расмий чекланган, юридик мустақилликка эга бўлган давлат тузилмалари киради. Федератив давлат унитар давлатдан фарқ қилади, бу фарқ Федерация таркибига кирган таркибий қисмларнинг маъмурий ҳудудий бўлак эмас, балки давлат

тузилмаларидан иборат эканлигидадир.

Федератив давлатлар таркибига кирган давлат тузилмалари турлича номланади Германияда ерликлар, АҚШ, Ҳиндистонда штатлар, Канада ва Покистонда провинциялар, Бирлашган Араб Амирликларида амирликлар, Швейцарияда кантонлар деб аталади. Илмий адабиётларда ва амалиётда уларни умумлаштириб федерация аъзолари ёки субъектлари деб аташ кенг тарқалган.

Федерацияларни ташкил топилиш асосларига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- шартномага асосланган,
- шартномага асосланмаган

Шартнома асосида ташкил топган Федерация бу қоидага кўра, бўлажак Федерациянинг аъзолари бўлмиш мустақил давлатлар ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил топган иттифоқ давлатидир. Бундай Федерацияларга мисол қилиб, Швейцария, АҚШ, Австралия ва Малайзияларни келтириш мумкин.

“Шартномага асосланмаган федерацияларда эса, давлат ҳокимияти маъмурий бирликларни ҳуқуқларини кенгайтириши асосида, улар федерация субъектларига айланади. Бундай ўзгариш аввал унитар шаклда бўлган давлатнинг ихтиёрига биноан амалга оширилади. Бундай федерацияларга мисол қилиб, Канада, Ҳиндистон, Покистон, Нигерияларни келтириш мумкин.” деб ёзади Чудаков М.Ф. Бундай федерациянинг субъектлари шартномали федерациялардан фарқ қилган ҳолда, суверенитетга эга бўлмайдилар.

Айтиш керакки, федерацияларни юқорида келтирилган тарзда икки гуруҳга бўлиниши, асосан тарихий характерга эга бўлиб, ҳозирги кунда, деярли барча федерацияларнинг ташкил этилиш асосида иккала ҳолат ҳам ифодаланади.

Чиркин В.Е.нинг федерацияларнинг ўзига хос белгиларини икки гуруҳга ажратади:

- фактик таркиб топган белгилар;
- юридик мустаҳкамланган белгилар.

Федерациянинг фактик, реал мавжуд белгиларига қуйидагилар киради:

1. Давлат-сиёсий тузилмаларнинг бирлашуви жўғрофий характерга, қўшничилик ёки умумий иқтисодий, ҳарбий, божхона, савдо манфаатларига мос тарзда амалга оширилади.

2. Федерациядан чиқиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги *(сецессия)*. Айтиш жоизки, бундай принцип, одатда, ҳуқуқий жиҳатдан

мустаҳкамлаб қўйилмайди, бироқ назарда тутилади. Истисно тариқасида, айрим мисоллар мавжуд, масалан, Малайзия Федерациясидан 1965 йили Сингапур ажралиб чиққан.

3. Федерация аъзоларининг ҳуқуқий мақоми бир хил бўлмаслиги, бундай Федерацияларни баъзан *ассиметрик* федерация ҳам дейишади, Аҳолиси, ҳудуди катта бўлган федерация субъектларининг ҳуқуқи ҳам одатда анча кенг бўлади.

4. Федерациянинг ҳудуди унинг таркибига кирувчи субъектлар ҳудудий йиғиндисидан иборат бўлади. Мана шу белгилари билан федерация унитар давлатдан фарқ қилади.

Федерациянинг **юридик белгиларига**:

- федерация давлат сифатида умумий Конституцияга эга бўлади ва ушбу Конституцияга субъектларнинг Конституциялари тўла мос келиши лозим;

- федерация қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига эга ва уларнинг ваколатлари бутун мамлакат ҳудудида амал қилади;

- федерация субъектлари ҳам ўз қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тизимларига эга ва улар марказий органлар компетенциясидан фарқ қилади;

- федерация билан федерация субъектлари ўртасида ваколатлар аниқ чегараланган бўлади, айрим масалаларни фақат федератив органлар, айрим масалаларни эса фақат федерация субъектлари амалга оширади, айни пайтда, федерация билан унинг субъекти биргаликда амалга ошириладиган масалалар доираси ҳам ўзаро аниқлаб олинади;

- федерациянинг Олий судлари бутун мамлакат учун энг олий инстанция суди ҳисобланади. Федерация конституциявий назорат суд органлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Федерация субъектлари қонун ҳужжатларининг федерал конституцияга мувофиқлиги устидан конституциявий назорат функциясини амалга оширади;

- федерация миқёсида ягона федерал фуқаролик жорий этилади. Баъзи ҳолларда, Федерация субъектларининг ҳам фуқаролиги расман эътироф этилади, лекин бу шартли характерга эга холос;

- федерациянинг яна бир муҳим белгиси бўлиб, унда икки палатали парламентнинг мавжудлиги ҳисобланади. Кўпгина федерацияларда парламентнинг юқори палатасини шакллантириш федерация субъектларининг тенг сонли вакиллик принципи асосида амалга оширилади. Бундай федерацияларга АҚШ, Мексика, Австралия, Венесуэла, Бразилия каби давлатларни кўрсатиш мумкин.

Федерация шароитида энг муҳим масала федерация билан унинг субъектлари ўртасида компетенцияларнинг тақсимланиши ҳисобланади. Уларни учга ажратиш мумкин:

- федерациянинг мутлақ ваколатлари;
- федерация ва унинг субъектлари биргаликда ҳал этадиган масалалар бўйича ваколатлар;
- федерация субъектининг мутлақ ваколатлари.

Биринчи масала, яъни федерациянинг мутлақ ваколатларини ташкил этувчи масалаларга мудофаа, ташқи ишлар, пул муомаласи, солиқлар, федерал органларни ташкил этиш, федерация билан унинг субъектлари ва субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш каби масалалар киради.

Биргаликдаги компетенцияга кирувчи масалаларни федерация ҳам, субъектлар ҳам ҳал қилиши мумкин (кўпчилик ҳолларда устуворлик федерация томонида бўлади).

Федерация субъектининг мутлақ ваколатларига кирувчи масалалар қаторига маҳаллий органларни ташкил этиш, жамоат тартибини сақлаш, йўллар қуриш, атроф - муҳитни муҳофаза қилиш, маҳаллий миқёсда норматив актлар қабул қилиш, маданият, таълим, тиббиёт масалаларини киритиш мумкин.

Шундай қилиб, федерация давлат тузилиш шакли ҳозирги кунда, бир қанча давлатларда амал қилиб, ўзининг самарали эканлигини кўрсатмоқда.

4-§. Конфедерация

Хорижий мамлакатларнинг давлат тузилиш шакллари ичида халқаро шартномалар асосида ташкил топган тузилмалар ҳам мавжуд. Бундай давлат-ҳудудий тузилмаларни *конфедерация* деб аташади.

Конфедерация бу - маълум бир мақсадларда бирлашган мустақил давлатлар иттифоқидир. Конфедерация федерациядан фарқ қилган ҳолда, у иттифоқ давлати эмас, балки давлатлар иттифоқи ҳисобланади. Конфедерация иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, божхона ва бошқа мақсадларда тузилиши мумкин.

Конфедерация ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун ва аъзо давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун олий органлар тузиши мумкин, бироқ бу органлар аъзо давлатларнинг ҳукуматлари билан мулоқотда бўлиши, бевосита аҳолига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Конфедерация аъзолари *нуллификация* ҳуқуқига эгадирлар, яъни иттифоқ актини аъзо давлат қабул қилмаслиги, тасдиқламаслиги мумкин. Конфедерациянинг умумий органлари қабул қилган актлар унинг барча аъзо давлатлари тегишли органлари томонидан ратификация қилинганидан кейингина, бутун конфедерация ҳудудида амал қилади.

Таъкидлаш керакки, конфедерация федерацияга нисбатан унча мустаҳкам эмас, чунки, у одатда, бирон-бир масалалани ҳал этиш эҳтиёжи орқали ташкил этилади. Тарихда ҳам конфедерациялар унча кўп бўлмаган, бўлганлари ҳам кейинчалик ё федерацияга айланишган, ёки алоҳида-алоҳида унитар давлатларга бўлиниб кетишган.

М.Ф. Чудаков ва В.Е.Чиркиннинг ёзишича, конфедерацияга 1579-1795 йиллар давомида амал қилган Нидерландлар конфедерациясини, 1776-1787 йиллардаги АҚШ конфедерациясини ҳамда 1291-1798 йиллардаги Швейцария конфедерациясини мисол тариқасида келтирилган. Ҳозирги кунда, Швейцария расман конфедерация деб номланса-да, бироқ аслида федерация ҳисобланади. 1815-1866 йиллардаги Герман иттифоқи ҳам конфедератив тузилмага яқин бўлган.

Ҳозирги замон янги тарихида конфедерацияга мисол қилиб, 1982 йил февралида тузилиб, 1989 йилда тарқалиб кетган Сенегал билан Гамбия конфедерациясини - Сенегамбияни мисол қилиб келтириш мумкин.

Араб давлатларидан Миср билан Сурия 1952 йили бирлашиб, Бирлашган Араб Республикаси конфедерациясини ташкил этишга уриниб кўришган, бироқ маълум вақтдан кейин бу давлатлар иттифоқи тарқаб кетган. Ҳозирги кунда, Босния ва Герцеговина Республикасини моҳиятан конфедерация дейиш мумкин.

5-§. Автономия

Давлатларнинг ҳудудий тузилиши ҳақида гап кетганда, албатта, автономия шаклига тўхталиш лозим. Автономия тушунчаси, одатда, ҳудудий автономия тарзида тушунилади. Бу сўз аслида юнонча сўз бўлиб, “ўзини ўзи бошқариш” маъносини англатади.

Автономия бу - давлатнинг муайян қисмининг ички ўзини ўзи бошқариши бўлиб, бу қисм давлатнинг бошқа қисмларидан баъзи махсус жиҳатлари, масалан тарихий, маданий, диний, маиший, тил, жўғрофий, миллий жиҳатлари билан фарқланади. Демак автономия, бу ўша ҳудудда зич яшайдиган аҳолининг тарихий, маданий, диний, тил, жўғрофий, миллий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган

ҳолда, ташкил этиладиган алоҳида сиёсий-ҳудудий бирликдир,

Автономиянинг турлари жуда кўп ва шунга мувофиқ уларнинг таснифлари ҳам кўп:

- сиёсий автономия;
- маъмурий-ҳудудий ёки этноҳудудий автономия;
- маданий-миллий автономия:

а) персонал автономия;

в) корпоратив автономия;

с) миллий-ҳудудий автономия;

Сиёсий автономияда, автономия субъекти деярли барча давлатнинг ташқи белгиларига, яъни ўз парламентига, ҳукуматига, фуқаролигига, маҳаллий қонунчилигига, давлат рамзларига эга бўлади. Баъзи ҳолларда эса ўз Конституциясига ёки унинг ўрнини босадиган махсус актга эга бўлади. Сиёсий автономаяга мисол қилиб, Шимолий Ирландияни келтириш мумкин.

Шимолий Ирландиядан ташқари яна Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллиги таркибига кирмайдиган Норманд ороллари ва Мэн оролини ҳам сиёсий автономия субъектлари дейиш мумкин. Бундан ташқари, Данияга қарашли яна Гренландия ва Фарер ороллари ҳам сиёсий автономиялар туркумит киритса бўлади.

Маъмурий-ҳудудий автономия ҳудудий бирликнинг ўзига хос жўғрофий жойлашганлиги муносабати билан ташкил этилади, масалан, орол ёки бориш қийин бўлган жойларда, тоғли районларда жойлашган бўлса, бу шакл амал қилади. Маъмурий-ҳудудий автономиянинг ҳуқуқий мақоми сиёсий автономиядагидек, кенг эмас. Бундай автономияларда ҳам ўзларининг қонун чиқарувчи органи, ўз ҳукумати, бошқарув тизими бўлиши мумкин. Бундай автономияга одатда, Италиянинг Сицилия, Сардиния ороллари, Португалиянинг автономияси ҳисобланган Азор ва Мадейра ороллари киритиш мумкин.

Маданий-миллий автономия бунда муайян бир этник гуруҳга ўзларининг миллий ривожланишини таъминлаш, яъни миллий маданиятини ривожлантириш, ўз она тилида мактаблар, театрлар очиш, радиотелекўрсатувларлар олиб бориш имкони берилади. Масалан, Ироқ Курдиситонини мисол қилиб кўрсатиш мумкин,

Чудаков М.Ф. ва Чиркин В.Е.нинг фикрича, этник омилга боғлиқ ҳолда, амал қиладиган автономиянинг яна қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

персонал автономия - миллий озчиликни ташкил этган этник гуруҳнинг фикрини ҳисобга олиш таъминланади. Бунда марказий органлар ёки махсус ташкил этилган органлар фаолиятида мазкур этник гурухнинг вакиллиги таъминланган бўлади. Бунга мисол қилиб, Швеция, Норвегия ва Финляндияда яшайдиган саами этник гуруҳини мисол тариқасида келтириш мумкин, чунки, бу уч давлатда ҳам саам парламентлари ташкил этилган бўлиб, улар маданий-сиёсий органлар ҳисобланади;

корпоратив автономия - давлатнинг марказий органларида муайян бир миллатни ташкил этувчи мутахассислар учун маълум сонли ўринлар заҳира тарзида белгилаб қўйилади, яъни маҳаллий аҳоли учун маълум бир даражада квота ажратилади. Давлат аппарати ходимлари маҳаллий тилни билишлари керак;

миллий-ҳудудий автономия миллий озчиликни ташкил этган этник гуруҳ зич жойлашган бўлса - бундай автономия шакли ташкил этилиши мумкин. Бу ҳолда, ўша ташкил этилган бирликнинг номида этник гуруҳнинг номи кўрсатилган бўлади. Бундай автономияга мисол қилиб, Испаниядаги Басклар диёри ва Каталонияни келтириш мумкин.

Автоном тузилмалар, қоидага кўра, алоҳида қонун ва статут билан мустаҳкамланган бўлади ва автономиянинг қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинади ҳамда умумдавлат парламенти томонидан тасдиқланади. Бу қонунлар умумдавлат қонунчилигига мос ҳолда қабул қилинади. Мабода автоном бирлик умумдавлат қонунига зид иш тутса, марказий ҳукумат унга ўз иродасини ўтказади.

Айтиш керакки, айрим автоном тузилмалар жуда кенг ҳуқуқлардан фойдаланишади (масалан, Италия ва Испаниядаги автономиялар).

Автоном бирликлардан ташқари яна **тобе ҳудудлар** мақомидаги жойлар ҳам мавжуд. Тобе ҳудудлар автономия ҳисоблана олмайди, чунки, уларнинг ҳуқуқлари анча кам. Одатда, тобе ҳудудлар собиқ колониялар ҳисобланади. Тобе ҳудудлар гарчи турли мақомга эга бўлсалар-да, улардаги умумий жиҳатлар қуйидагилардир: суверенитетга эга эмаслик, вакиллик органининг йўқлиги ва бошқалар.

Ундан ташқари жаҳон амалиётида **давлатларнинг ҳамкорлик шакллари** ҳам мавжуддир. Уларга қўйидагилар киради: ҳамдўстлик, ҳамжамият, иттифоқлар, униялар, протекторат. Мисол тариқасида, ҳозирги кунда давлатлар ўртасида ҳарбий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича тузилган кўплаб бирлашмалар, ҳамдўстлик шаклидаги иттифоқлар мавжуд. Уларга, масалан, Шимолий Атлантика

ҳарбий иттифоқи НАТО, Европанинг энг илғор давлатларини бирлаштирган Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигини киритиш мумкин. Баъзи адабиётларда уларни конфедерацияга киритишса, баъзиларида киритишмайди.

25-боб. Хорижий мамлакатларда сайлов ҳуқуқи

1-§. Сайловнинг тушунчаси ва ижтимоий вазифаси
2-§. Сайлов турлари: тўғри ва эгри; умумий ва қисман; миллий ва маҳаллий: навбатдаги ва навбатдан ташқари
3-§. Сайловларнинг даврийлиги. Сайлаш ҳуқуқи: актив ва пассив

1-§. Сайловнинг тушунчаси ва ижтимоий вазифаси

Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан ўз сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда[53], жумладан, ЕХҲТнинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган. Ушбу ҳужжат талабларига кўра, «Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда, қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар»[54]. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлатнинг қай даражадаги демократия асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Сайлов ҳуқуқи термини икки маънода қўлланилади. Биринчи маънодаги сайлов ҳуқуқи сайловни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси бўлса, иккинчи маънодаги сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов давридаги бошқа тадбирларда, номзодлар кўрсатиш, номзодларни муҳокама қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш ҳуқуқларини ўз ичига олади. Ҳар икки маънодаги сайлов ҳуқуқи тегишли давлатнинг Конституцияси ва

[53] Қаранг: 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

[54] Қаранг: ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген кенгаши хужжатининг 1 қисм 6-моддаси. «ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари», А.Саидов мухаррирлиги остида, Т., 2002 йил, 52 бет.

сайлов тўғрисидаги қонунлари билан белгиланади.

Демократик давлатларда сайлов ҳуқуқига, жинсидан, ирқидан, миллатидан, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, шунингдек, суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

Демократик давлатларда сайловлар умумий, яъни уларда мамлакат (вилоят, туман, шаҳар) барча аҳолиси иштирок этади, сайловчиларнинг имкон қадар кўп миқдори қатнашади. Сайловлар тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади – ҳар бир сайловчи бир овозга эга ва ҳамма сайловчилар тенг асосларда қатнашадилар. Бунда сайлов округлари аҳоли сонига кўра тенг бўлиши лозим. Сайловлар тўғридан-тўғри амалга оширилади, яъни сайловчилар кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита номзод учун овоз беради. Яширин овоз бериш сайловчиларнинг ўз иродасини ифодалаши устидан ҳеч бир назорат йўқлигини назарда тутади.

Сайловлар сиёсий ҳаётнинг барометри бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараён натижасида, партиялар ва бошқа жамоат сиёсий бирлашмалари ўз манфаатлари, қарашларини ифода этади. Сайловларнинг натижалари ушбу бирлашмаларнинг жамият ҳаётидаги ролини, шунингдек, сайловчиларнинг сиёсий ҳаётга бўлган қизиқиш даражасини белгилайди.

2-§. Сайлов турлари: тўғри ва эгри; умумий ва қисман; миллий ва маҳаллий: навбатдаги ва навбатдан ташқари

Хорижий мамлакатларда сайлов ҳуқуқи турлари юридик адабиётларда сайловларнинг турли хил асосларга кўра, бир қанча кўринишлари санаб ўтилган. Биз ҳозир ушбу сайлов турларига тўхталиб ўтамиз.

Сайловлар тўғри ва эгри сайловларга бўлинади. Тўғри (бевосита) сайлов йўли билан фуқаролар сайлов масаласини ўзлари ҳал этишади, яъни фуқароларнинг сайланадиган орган ёки сайланадиган мансабга бевосита сайлашлари ёки сайланишларини ангалатади. Ушбу усул билан кўпинча парламентларнинг қуйи ёки ягона палатаси, президент республикаларида ва аралаш республикаларда президент сайланади.

Эгри сайловда эса сайлов масаласи фуқаролар томонидан эмас, балки улар томонидан ваколат берилган шахслар, масалан депутатлар томонидан амалга оширилади. Эгри сайловлар икки, уч ва кўплаб

босқичлардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, Франциянинг Сенати (парламентнинг юқори палатаси) ёки АҚШда президентнинг сайланиши.

Сайловлар шунингдек, умумий ва қисман бўлиши мумкин. Умумий сайловларда ушбу давлатдаги барча фуқаролар қатнашади (масалан, президентни, парламентнинг қуйи ёки ягона палатасига сайловлар) .

Қисман сайловлар эса бирон — бир депутат чақириб олинганда, вафот этганда ва ҳоказо ҳолларда парламент таркибини тўлдириш мақсадида ўтказилади. Баъзан ушбу сайлов турини қўшимча сайловлар деб ҳам аташади.

Бундан ташқари сайловларнинг умуммиллий, регионал, маҳаллий сайловлар каби кўринишлари мавжуд. Умуммиллий сайловлар бутун давлат ҳудудида ўтказилиб, унда барча сайловчилар иштирок этишади. Бундай сайловлар ҳар қайси демократик давлатда ўтказилади. Бу сайловларда қатнашиш баъзи мамлакатлар (Аргентина, Туркия, Греция, Бельгия) учун фуқароларнинг бурчи ҳисобланса, баъзи мамлакатларда эса ихтиёрий (Қирғизистон, Россия).

Регионал сайловлар эса маълум бир ҳудудий бирликлар доирасида амалга оширилади. Бунда маълум ҳудуд доирасидаги масалалар ҳал қилинади. Масалан, Россия давлатида шаҳар мэри ёки вилоят губернаторини сайлаш бунга мисол бўла олади.

Маҳаллий сайловлар (баъзан уларни маъмурий сайловлар ҳам деб аташади) маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларини шаклланти-риш мақсадида, ўтказилади. Баъзи мамлакатларда маҳаллий сайловларнинг махсус номлари мавжуд. Масалан, Францияда маҳаллий сайловларини кантональ сайловлар деб аташади, яъни бунда сайлов округлари бўлиб ўзининг бошқарув органи бўлмаган тарихий бирликлар – кантонлар хизмат қилади.

Агарда, сайлов натижалари бир маротабада аниқланган бўлса, унда ушбу сайлов бир турда ўтказилган ҳисобланади, агарда сайлов натижаларини аниқлашда, биринчи маротаба ўтказилган сайлов етарли бўлмаса ва қайта сайловлар ўтказишга эҳтиёж туғилса, иккинчи тур ёки бир қанча турлар орқали сайлов натижаси белгиланади. Иккинчи ва бошқа бир қанча турлар орқали сайловлар ўтказиш қайта сайловлар деб номланади.

Агарда, сайловлар бўлиб ўтмаган бўлса ёки уни ўтказиш жараёнида қўпол равишда қонунлар бузилиши натижасида, ушбу сайлов ҳақиқий эмас деб топилса , янги сайловлар ўтказилади.

Шунингдек, сайловлар навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларга бўлинади. Асосан, ушбу ҳол парламентга бўладиган сайловларда учрайди.

Навбатдаги сайловлар Конституцияда ёки қонунларда тўғридан–тўғри кўрсатилган муддатларда, ёхуд парламентнинг ваколат муддати тугаши билан тайинланади.

Навбатдан ташқари сайловлар эса парламент ёки палата муддатидан олдин тарқатиб юборилганда ўтказилади.

3-§. Сайловларнинг даврийлиги. Сайлаш ҳуқуқи: актив ва пассив

Сайловларда даврийлик (Периодичность выборов). Сайловларнинг даврийлиги асосан вакиллик органларининг ваколат муддатлари билан белгиланади. Сайловлардаги даврийлик сайловчиларга вакиллик органининг таркибини янгилаш ёки сақлаб қолиш имконини беради.

Сайловлар жамият сиёсий тизимининг вакиллик идораларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган муҳим қисмидир. «Сайлов» атамаси қандайдир органнинг (давлат, жамоат, халқаро) овоз бериш йўли билан шакллантирилишини англатади. Шу боисдан сайлаш учун бир неча муқобил объект мавжуд бўлади ёки, ҳеч бўлмаганда, муқобил объектсиз сайловда сайлашдан воз кечиш имконияти кафолатланиши лозим.

Сайловларни демократик ўтказишнинг ўзига хос бўлган қуйидаги уч шарти мавжуд:

Биринчидан, муқобиллик;

Иккинчидан, сайлов компаниясини ўтказишда эркинлик;

Учинчидан, сайловчилар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифолдаланиши.

Сайлов замонавий демократиянинг энг муҳим институтларидан биридир, халқ иродасининг ифодаланиши, сиёсий жараёнда иштирок этишининг асосий шаклларидан бири, шу билан бирга, вакиллик органлари (парламент, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) ташкил топиши ва бир неча олий мансабларни (масалан, президент) банд этиш усулидир.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқа-

ришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутади. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара ёш анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда, 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонунга кўра, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларниг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган «Қирғизистон Республикасининг сайловлар тўғрисида»ги Кодекси билан белгилаб қўйилган.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида, Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига номзоди вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқига, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар.

Турли давлатларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт[55]. Ундан ташқари барча номзодларнинг

[55] Қаранг: Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998, pp 50-52

ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Россияда, 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонуннинг 4-моддасига кўра, Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун номзод сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади.

Сайлов ўтказиш жараёнида хорижий, ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин эканлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда, маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошиб боришига хизмат қилади. Бундай жамиятда фуқаролар турли соҳаларда давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларга бефарқ бўлмайдилар. Турли қатламдаги аҳоли манфаатларини ҳисобга олмасдан юритиладиган давлат сиёсати салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида, фуқароларнинг фаоллиги пасайиб, уларнинг сайловларда қатнашиши камайиб кетиши мумкин.

Қисқа ваколат муддати сайловчиларнинг эркини ва руҳиятини аниқлашда кенг қўл келса, ушбу ҳол сайланган шахсларга ўзларини бутунлай кўрсатишга имкон бермайди. Масалан, АҚШда Конгресс (парламент) нинг вакиллар палатаси икки йил муддатга сайланади. Бу жаҳондаги энг қисқа муддатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳол Америка юридик адабиётларида бир йил ўтар-ўтмас, яна Конгрессменлар сайловларга ҳозирлик кўриши эмас, ўзини кўрсатиши учун бироз вақт кераклиги лозимлиги таъкидланади.

26-боб. Хорижий мамлакатларда сайлов ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқий тамойиллари

1-§.Сайлов ҳуқуқи тамойиллари тушунчаси ва унинг аҳамияти
2-§.Умумий, тенг, тўғридан-тўғри, билвосита, ошкора ва яширин овоз бериш сайлов ҳуқуқи
3-§.Сайлов цензи. Сайловларда ихтиёрий ва мажбурий иштирок этиш. Абсентизм тушунчаси ва моҳияти

1-§.Сайлов ҳуқуқи тамойиллари тушунчаси ва унинг аҳамияти

“Сайлов“ сўзининг тушунчаси ёки маъноси жаҳондаги барча демократик давлатларда фуқароларнинг жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларига бирлашиб ўз давлат ҳокимият органларини ташкил этишда иштирок этишидир.

Принцип деганда, жамият ва давлат ривожининг мақсад ва вазифаларини, бурч ва мажбуриятларини билдирувчи ижтимоий муносабатларида энг улуғ ҳисобланган умуминсоний қадриятларни ўзида ифодалаган ва инсон ҳаётининг тараққиёт мазмунини акс эттирувчи ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Сайлов ҳуқуқи тамойиллари – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишнинг раҳбарий ғояси, қоидаси, етакчи мезонидир. Хорижий мамлакатларда сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари бўлиб умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳисобланади. Мазкур тамойилларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий механизмлари фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Бизга маълумки, барча демократик давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунчилигида сайлов ўтказишнинг асосий принциплари умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасида сайловларни ташкил қилиш ва уни ўтказишни амалга оширилишида ҳозирги даврда маълум бир тажрибаларга эришилди. Бунинг натижасида, сайлов ўтказишнинг демократик принциплари аниқланиб, барча давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида ўз аксини топди.

Демократик давлатларда юқорида таъкидлаб ўтилган, умумэътироф этилган тамойиллар асосида шаклланган ва амал бўлган сайлов ўтказишнинг демократик принциплари мазмун-моҳиятини қуйидаги тартибда ўрганиш мумкин:

1) конституциявий давлат тузилишига мос бўлган сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг замонавийлиги принципи;

2) сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда қонун устуворлигига эришиш принципи;

3) сайловнинг халқчиллиги принципи;

4) сайловнинг тежамкорлигига эришиш принципи;

5) сайловда барқарорлик, ҳаққонийлик, юксак маънавият ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниш принципи;

6) сайловнинг уюшқоқлигига эришиш принципи;

Ушбу принциплар жаҳон мамлакатлари ҳаётида, тарихий ривожланиш тажрибалари асосида табиий равишда вужудга келган бўлиб, бу принципларга тўлиқ амал қилган жамиятгина демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадига эришиш мумкин.

Демократик ҳуқуқий давлат шаклланишида, Конституциядан бошлаб, то барча қонунларда уларнинг мақсад ва вазифалари принциплар тарзида ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг Конституция ва қонунларининг яратилишида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларини белгилаб берувчи принципларга таянади. Демак, Конституция ва қонунларнинг мақсад ва вазифаларини белгиланиши бошланғич моддаларида ўз ифодасини топган принциплари асосида бўлишлигини ғоявий мазмунида акс эттиради.

Янада кенгроқ тушунча берилганда, дастлаб Конституциянинг асосий принципларида давлат тузилишининг шакли ва мақсади, келажак истиқболлари белгилаб олинади. Ундан кейинги бўлимларида давлат бошқаруви механизми унга мос равишда яратилади, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида унга амал қилиниши таъминланади. Шунинг учун ҳам давлатларнинг асосий қонунларида белгиланган принциплар давлат бошқарувининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамланишида дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, хорижий демократик давлатлардаги сайлов ўтказилишининг асосий принципларини (шартли равишда) қуйидаги тартибда таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин:

1) конституциявий давлат тузумига мос бўлган сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг яратилиш принципи;

Демократик давлат ҳокимияти органларининг ташкил топиши халқнинг бевосита иштирокида амалга оширилади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Уни амалда татбиқ этилиши унинг иштирокини таъминланиши билан ҳал этилади. Шунинг учун ҳам сайлов тизими тартибда сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали қонунда белгиланади. Сайлов ҳуқуқи ваколатли давлат ҳокимияти органлари орқали таъминланиши кафолатланади.

Фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Демократик давлатларнинг конституциявий тузуми ўз халқининг хоҳиш иродасини ифода этади. Асосий Қонунида белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципи турли хил шаклларда амалга оширилиши мумкин. Лекин унинг замирида инсон ҳуқуқи ётади, яъни инсон қадри олий неъмат деб тан олинади.

Франция демократик Республикаси Конституциясининг тўртинчи қисм, 3-моддасида сайлов ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ирқи-жинси ва миллатидан қатъи назар республика фуқароларининг вояга етганлари сайлов ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган. 1857 йилдан бошлаб такомиллаштирилиб келинган “Сайлов кодекси”нинг 2-моддасига мувофиқ, сайловчилар - 18 ёшга етган сиёсий ҳуқуқларга ва муомала лаёқатига эга бўлган француз фуқароларидир[56].

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳозирги ривожланиш босқичида ўзини демократик давлат деб эълон қилган мамлакатларда сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланган тенг сайлов ҳуқуқнинг кафолатланиши конституциявий тузум негизини ифода этади.

2) Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда қонун устуворлигига эришиш принципи.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолият принциплари уларни ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асоси демократик принципларга мос равишда, ҳар бир мамлакатнинг ўз халқини бой тарихий, маданий-маънавий меросига таянган ҳолда белгиланади.

Хорижий мамлакатларнинг давлат ҳокимият органларини ташкил этиш сайлов принциплари орқали ўз халқининг олдида турган

[56] Конституционное (государственное) право зарубежных стран. (учебник). – Особенная часть. Страны Европы. (Авторский коллектив). –М.: Бек, 1997. С.121.

келажак истиқболларини ифодалайди ва мақсад, вазифаларини белгиланиш пойдевори ҳисобланади. Шу жиҳатдан демократик давлатларда амалга оширилаётган сайловларда Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунчиликнинг устуворлиги сўзсиз тан олиниши эътироф этилган.

Хорижий ривожланган демократик мамлакатларда сайловларнинг ўтказилиш принциплари ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, халқ ҳокимиятчилиги ёки миллат ҳокимиятчилиги принципларининг амалга оширилиш шаклини намоён этади.

Хорижий давлатларнинг сиёсий бошқаруви амалиётида сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш қонун устуворлигига эришиш принципи асосан жамоатчилик назоратига таянади ва бунга ошкоралик принципи орқали тўлиқ эришилади. Бу масаланинг бир томонини очиб берсада, аммо бу принципнинг асл мазмуни ва моҳиятини ёритиб бермайди.

Сайловларни ўтказилишида қонун устуворлигининг сўзсиз тан олиниши принципини асл моҳияти унинг натижасига қараб аниқланади, яъни намоён бўлади.

3) Сайловнинг халқчиллик принципи.

Сайловнинг халқчиллик принципи сайловларда барча фуқаролар иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар ва имкониятларни яратилиши билан амалга оширилади. Сайловларда фуқароларга ўз хоҳиш - иродасини эркин ифода этиш имкониятлари яратилади. Мавжуд давлат бошқарувининг сиёсий амалиёти ўз халқининг миллий ва тарихий ривожланиш хусусиятлари асосида белгиланади.

Демократиянинг энг муҳим принципи – давлат бошқарувида фуқароларининг кенг иштирок этишига, давлат хизматини ўташга тобора кўпроқ мунтазам жалб қилишдир. Мазкур принципнинг амалга оширилиши дастлаб сайловларни қай даражада ўтказилиши билан боғликдир.

Дарҳақиқат, АҚШ, Франция, Италия, Германия, Англия ва бошқа давлатлар демократияни ривожлантириш борасида энг узоқ тарихий жараёнларни бошдан кечирган. Шундай давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда эндигина ўз мустақиллигини қўлга киритиб ривожланаётган халқлар ўз давлат тузумини белгилашга ҳаракат қилади. Буни амалга оширишда энг биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари ётади. Қайси жамиятда инсон ҳуқуқи улуғланар экан у тез орада тараққиёт сари илдам қадам ташлай бошлайди. Бунинг негизида давлат ҳокимиятини ташкил этиш принциплари муҳим ўрин тутади.

Давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг демократиявийлиги сайловнинг халқчиллигига эришиш орқали амалга оширилади.

Сайловнинг халқчиллиги ташкил этилаётган органнинг миллийлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Демак, сайловда халқчиллик принципига эришиш биринчи навбатда эркинлик, умумийлик, тенглик принципларини таъминланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан давлат ҳокимияти органларини ташкил этишда ҳар бир миллат ўз тарихий давлат бошқаруви тажрибасига таяниб унинг тузилишини белгилаб олади ва ўз олдига қўйилган мақсадларига эришиш учун шарт-шароит яратади. Шунингдек, сайловни халқчил-оммавий бўлишини уюштиришда кўпгина давлатларда уни ўтказиш кунига катта эътибор берилади. Бу ҳам ўз навбатида сайловларни оммавийлаштиришга хизмат қилади.

4)Сайловнинг тежамкорлигига эришиш принципи.

Дунё демократик давлатлари қонунчилигида сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Сайлов учун ажратилган маблағлар уни ташкил этувчи алоҳида орган томонидан тежамли сарф-харажат қилиниш режалари асосида белгиланади. Тизимдан кам вақт ва маблағ сарфлаб самарали натижага эришишга барча шарт-шароитлар яратилган бўлмоғи лозим.

Барча давлатларда амалга оширилаётган сайловларда қилинадиган сарф-харажатлар давлат бюджетидан қопланади. Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалар ва фуқаролар ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағлар махсус сайловни ўтказиш учун тузилган орган томонидан қабул қилиб олинади. Бу эса сайловларни тенглик принципида ўтказилишини таъминлайди. Барча турдаги сайловларда ортиқча дабдабабозликларнинг бўлишига чек қўяди ва бошқа манбаалардан келиб тушадиган маблағларни харажат қилиниши мақсадли бўлади.

Франция Республикасининг сайловини тежамли ўтказилишини таъминлашда номзодларга масъулият юклайди.

Масалан, Президентликка сайлов тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасига биноан, номзод ўз шахсини халққа таништириш ва дастурини эълон қилиш тадбирлари шахсий ҳисобидан бўлиши белгиланган. Яна шуниси эътиборга лойиқки, қонуннинг 5-моддасига биноан, номзод сайлов куни эълон қилинганидан кейин 17 кун ичида, яшаш жойида жойлашган омонат кассага 10000 франк қўйиши керак.

Сиёсий партиялардан сайлов учун ўтказилган маблағлар ҳам

Миллий Комиссия назорати остида тенглик принципи риоя этилган ҳолда харажат қилинади.

"Республика Президенти сайловига оммавий овоз бериш тўғрисида"ги 1964 йил 14 мартдаги Франция давлатининг қонунида, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун кетадиган харажатлар, сайлов Конституциявий Кенгаш томонидан эълон қилинганидан кейин сайлов компанияси қонунда белгиланган тартибда ўтказилишини назорат қилиш учун тузилган Миллий Комиссия ихтиёри билан амалга оширилади. Шунингдек, Президентликка номзодлар ўртасидаги тенгликни таъминланишига доир ва бошқа сайлов муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун тегишли ваколатли органларга мурожаат қилиш мумкин.[57]

Франция Республикаси сайловларида давлат бюджетидан ятказилган маблағ асосан, сайлов бюллетенларини нашр қилиш ва уни овоз беришга тайёрлаш, сайлов учун кетадиган қоғозларнинг харажатини, афишалар тайёрлаш ва уни тегишли жойларга ёпиштириш ва комиссиялар фаолияти учун кетадиган сарф-харажатлардан иборатдир.

Германия Федератив Республикасининг 1975 йил 1 сентябрда қабул қилинган "Бундестаг сайлови ҳақида" қонунида давлат бюджетидан сайлов учун ажратилган маблағлар федерал сайловини ўтказиш раҳбари томонидан тақсимланади. Федерал сайловини ўтказиш раҳбари қонунда ички ишлар вазири томонидан тайинланади. Раҳбар ўлкалар бўйича тузилган сайлов округлари ва сайлов комиссиялари фаолиятини молиявий таъминотини белгилайди ва уни назорат қилади. Уларнинг раҳбарлари ва ўринбосарлари ўлка ҳукумати томонидан тайинланади. Бу эса сайловнинг ўтказилишида бир-бирининг устидан назоратни кучайтириш принципини таъминлайди ҳамда ажратилган маблағнинг аниқ мақсадга ишлатилишини кафолатлайди. Яна шуниси диққатга сазоворки, давлат бюджетидан сайловда сиёсий партиялар фаолиятининг таъминланиши учун маблағ ажратилиши Асосий Қонунида белгиланган. Шунингдек, "Сиёсий партиялар ҳақида"ги қонунида, сайловда сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга сайловчиларнинг берган овоз сонига қараб давлат томонидан бериладиган сумма миқдори кўрсатилган. Бу эса сиёсий партиялар фаолиятида сайловчиларнинг овози учун кескин курашни келтириб чиқаради. Албатта, Германия қонунчилигида бундай ҳолатнинг белгиланиши миллий тафаккур маҳсулидир. Шундай бўлса ҳам,

[57] Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Ч-64. Практикум. – М., Юрист, 1999. 163 с.

ҳар қайси давлатда сайловларнинг тежамли ўтказилиш принципи доимо долзарблигича қолмоқда. Чунки, унинг ўтказилиши учун жуда катта маблағ харажат қилинади.

5) Сайловда барқарорлик, ҳаққонийлик, юксак маънавият ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниш принципи.

Хорижий мамлакатларда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ва тадбирлар аҳолига нормал ҳаёт тарзини таъминлаш ҳамда сиёсий плюрализмни ривожлантиришга қаратилгандир. Сайловларда ҳаққонийликка эришиш барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари таъминланишининг кафолати ҳисобланади.

Давлат бошлиғи ва қонунчилик органи парламент тинчлик, барқарорлик ва ҳаққонийлик рамзидир ҳамда ҳар қандай демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафилидир.

Сайловларда инсон ҳуқуқлари ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши мазкур амалиётнинг юқори савияда ҳамда чет кузатувчиларининг ҳурматига сазовор бўлишга олиб келади. Сайлов олди кампаниясида номзодларнинг бир бирини обрўсини тўкиши фуқароларнинг ишончсизлигига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар айниқса, Россия Федерациясининг Давлат Думасига ўтказилган сайловларда матбуот орқали бериб борилди. Уларда бир-бирини сайловда обрўсини тўкиш табиий ҳол деб қаралиб, демократиянинг ахлоқ чегараларидан чиқиб кетилди.

Сайлов жараёнларида барқарорлик, ҳаққонийлик, юксак маънавиятли ўтказилишига эришиш ва унинг натижасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши муҳим бўлиб ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида мазкур принципларнинг доимий амал қилишини таъминланиши учун шундай механизм яратилганки, табиий равишда сайлов жараёнларида турли хил сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида унга риоя этилиши қатъий назорат қилинади.

Ваҳоланки, сайловни ўтказилишида АҚШда Конгресс, Францияда Конституциявий Кенгаш, Германияда Федерал Мажлис, Италияда Президент, Испанияда Қирол, Англияда Қиролича, Канадада Қирол, Японияда Император, Грецияда Президент ва Парламент давлат ва миллат рамзи сифатида парламент сайловларини эълон қилади ва уни ҳақиқийлигини белгилайди. Бу давлатларда сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар сайлов жараёнларида бир-бирининг фаолиятини назорат қилади. Бу эса сайловда белгиланган мақсадга эришиш учун энг биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қатъий

риоя этилишини кафолатлайди.

6) Сайловнинг уюшқоқлигига эришиш принципи.

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Бу сайлов принципида энг аввало сайловнинг оммавий рюшқоқлик билан ўтказилишида фуқароларга кенг эркинликлар беради.

Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонунини 3-моддасида; барча немислар иттифоқлар ва жамиятлар ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар, 20-моддасини иккинчи бандида; бутун давлат ҳокимияти халққа асосланади. У халқ томонидан сайлов ва овоз бериш йўли билан махсус қонун чиқариш органлари, ижро этувчи ҳокимият ва одил судлов воситасида амалга оширади, 21-моддасининг биринчи бандида; партиялар халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришга кўмаклашади. Улар эркин равишда ташкил этилиши мумкин. Уларнинг ички тузилиши демократик тамойилларга мос келиши лозим. Сайловларни уюшқоқлик билан ўтиши халқнинг тафаккури, сиёсий фаоллиги ва давлат органлари амалга оширадиган ўзгаришларга ишончи билан белгиланади.

2-§. Умумий, тенг, тўғридан-тўғри, билвосита, ошкора ва яширин овоз бериш сайлов ҳуқуқи

Умумий сайлов ҳуқуқи тамойилида - ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъи назар маълум бир ёшга етган мамлакат фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Тенг сайлов ҳуқуқи тамойилида ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга. Барча турдаги сайловларда ҳамма тенг асосларда қатнашади. Ҳар бир сайловчи овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилади. Сайловда ҳар бир мандат учун сайлочилар сони тенг асосларда бўлинади. Сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳларга сайлов олди ташвиқот юритиши тенг асосда ташкил этилади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи тамойили бевосита сайловчилар томонидан сайланадиган номзодга овоз бериш тушунилади, бунда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиларга йўл қўйил-

майди. Фуқаролар ўз эрки-иродасини бевосита ўзлари ифодалашлари кафолатланади.

Фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш (билвосита) ҳуқуқлари, уни амалга ошириш тартиб-қоидалари инсоннинг умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний манфаатлари чекланмайди, бу борада ҳеч қандай камситишлар кўзда тутилмаслиги эътиборга олинган.

Яширин овоз бериш тамойили - сайловчининг иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларни ҳозир бўлиши тақиқланади.

Ҳозирги замон сайлов ҳуқуқи халқ ҳокимиятчилигини намоён қиладиган муҳим конституциявий институтдир. Хорижий давлатларда ўтказилаётган эркин демократик сайловлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташкилотларнинг асосий шуғулланадиган масалаларидан бирига айланган эди. Ҳозирги пайтда дунёда инсоннинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасига доир 20 дан зиёд халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд[58].

Сайлов ҳуқуқи соҳасига тааллуқли принциплар ва андозалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қанча халқаро универсал ҳужжатларида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг (1948 йил) 21-моддасида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил) 25-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида халқаро конвенциянинг 5-моддасида, Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида БМТ декларациясининг (1963 йил) 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган[59].

Давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов масалаларига ўзида 145 давлат парламентларини бирлаштирган ва шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо ҳисобланувчи Парламентлараро иттифоқ айниқса катта эътибор қаратади. 1994 йили Парламентлараро иттифоқ Кенгаши «Эркин ва адолатли сайлов принциплари

[58] Саидов А.Х. Международное право и избирательное законодательство. – Т.: ТГЮИ, 2004. – С. 19-33.
[59] Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар / Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. –Т.: Адолат, 2004. 34; 45; 86-87-бетлар.

тўғрисидаги декларация»ни қабул қилди[60]. Ушбу Декларация барча мамлакатлар ҳукуматлари ва парламентларини мазкур ҳужжатда белгиланган сайлов ҳуқуқи соҳасига доир халқаро принциплар ва нормаларга амал қилишга даъват этади.

Минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам ўзларининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 йил), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенцияси (1969 йил), Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка хартияси (1986 йил) каби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари тимсолида халқаро сайлов андозаларига жиддий аҳамият қаратади. Хусусан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида (1990) ўз аксини топган. ЕХҲТнинг сайлов принципларини қуйидаги еттита сўз – универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлилик, очиқлик ва ҳисобдорлик – мисолида тўла ифодалаш мумкин. Бу - ҳар бир овоз эътиборга олиниши ва фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришга кўмаклашиши мумкин эканлигининг ўзига хос далолатидир.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида сайлов ҳуқуқи соҳасига тааллуқли қуйидаги принциплар эътироф этилади:

- умумий сайлов ҳуқуқи;
- тенг сайлов ҳуқуқи;
- тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи;
- яширин овоз бериш йўли билан сайлаш;
- мунтазам ва мажбурий сайловлар;
- очиқ ва ошкора сайловлар;
- эркин сайловлар;
- ҳақиқий сайловлар;
- адолатли сайловлар;
- сайловларнинг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши;
- сайловларнинг ва номзодлар, сиёсий партиялар сайлов кампаниясининг давлат томонидан молиявий таъминланиши;
- сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланиши;
- сайловларда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштироки;

[60] Декларация о принципах свободных и справедливых выборов//В кн.: Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира: Справочник, -М.: Международные отношения, 2004. – С. 295-300.

- фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарлик кўзда тутилганлиги;

- камситиш деб ҳисобланмайдиган чора-тадбирлар.

Ана шу принцип ва ҳуқуқларнинг барчаси жамланган ҳолда халқаро сайлов андозаларини ташкил этади.

Хорижий давлатларнинг ҳозирги сайлов қонунчилигида асосий халқаро сайлов андозаларининг барчаси имплементация қилинган.

Давлатларнинг миллий сайлов тўғрисидаги қонунларида халқ давлат ҳокимиятини ташкил этишда ўз хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришининг олий ифодаси эканлигини намоён этади.

Сайлов қонунчилигида умумий сайлов ҳуқуқи принципи мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида Конституцияда ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муайян ёшга тўлиши билан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Умумий сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти каби ҳолатлардан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз рўёбга чиқарилади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Тенг сайлов ҳуқуқи принципида ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлади ва фуқароларга мазкур ҳуқуқини амалга оширишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилади. Бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз беришда сайлов округлари аҳолининг (сайловчиларнинг) сонига қараб тенглик асосида ташкил этилиши таъминланади. Бир мандатли сайлов округларининг сайловчилар сонига қараб тузилиши тенгликка амал қилишнинг ўзига хос мезонидир. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Ҳар бир сайловчи ўзининг эркин овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида сайлов участкасига, шунингдек, овоз бериш хонасига тенг асосларда ва ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир фуқаро сайловда ўз номзодини кўрсатиш имкониятидан фойдаланишда ҳам тенг ҳуқуқларга эга.

Сайлов қонунчилигида тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи ҳам ўз аксини топган. Фуқаролар сайловда номзод учун бевосита, яъни тўғридан-тўғри овоз берадилар.

Сайлов қонунчилигида яширин овоз бериш принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу принцип сайловчиларнинг хоҳиш-иродасининг қандай тарзда бўлмасин назорат қилинишини истисно этиш, эркин сайлов учун тенг шарт-шароит таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутади. Сайловлар яширин овоз бериш процедурасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Сайлов қонунчилигида сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралиги принципига алоҳида ўрин берилган. Парламентнинг сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни махсус тузилган давлат органлари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Мазкур органлар сайловларни белгилаш, тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоялаш билан боғлиқ қарорлар сайлов тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда расмий эълон қилади ва кўпчиликнинг эътиборига ҳавола этади. Ушбу принципга амал қилиниши сайлов жараёнларини миллий ва халқаро доираларда кузатишни йўлга қўйиш учун ҳам тегишли шарт-шароит яратади.

Фуқароларнинг сайловда иштирок этиши эркин ва ихтиёрийдир. Ҳеч ким уларнинг муайян номзод учун «тарафдор» ёки «қарши» овоз беришга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас. Ҳеч ким фуқарога уни сайловда иштирок этишга ёхуд иштирок этмасликка мажбурлаш мақсадида таъсир ўтказишга, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун мажбурлашга ҳақли эмас. Ҳар бир давлатнинг парламент аъзолигига сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларининг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг сайлов бюллетенни белгилаш пайтида овоз бериш хонасида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайловлар халқнинг эркини хоҳиш-иродасини аниқлайди ва унинг бевосита рўёбга чиқарилишини таъминлайди. Сайловчиларга номзодларни танлаш, сайлаш имконини беради. Ҳозирги демократик давлатларда сиёсий плюрализм, ғояларнинг хилма-хиллиги ва кўппартиявийлик тизими амал қилмоқда, парламент аъзоларини сайлаш кўппартиявийлик асосида амалга оширилмоқда. Сайловларда сайловчиларга сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг рўйхатлари, шунингдек, сайлов жараёнлари тўғрисида ахборотга эга бўлиш, номзодлар ва сиёсий партияларнинг оммавий-ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятлари таъминланмоқда. Сайловларнинг белгиланган муддат ва тартиблари номзодлар, сиёсий партиялар ва

фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари тўлақонли сайловолди ташвиқот кампаниясини уюштиришлари учун имкон беради. Мамлакатда ҳақиқий сайловлар ўтказилишини таъминлаш мақсадида барча номзодлар ва сиёсий партияларни рўйхатга олиш учун тенг ҳуқуқий шарт-шароит яратилиши лозим. Рўйхатга олиш билан боғлиқ талаблар жуда аниқ бўлиши ва унда қайсидир сиёсий партия ёки номзодга имтиёз бериш ёхуд камситиш мазмунидаги бирон-бир шарт кўзда тутилмаган бўлиши шарт. Алоҳида шахслар ёки органлар томонидан овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларини сохталаштиришга ёхуд фуқаролар-нинг ўз сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришига тўсқинлик қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлар қонунга мувофиқ жазоланади.

Адолатли сайловлар принципи сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқий шарт-шароитни таъминлашга қаратилгандир. Адолатли сайловлар принципини жорий этиш орқали қуйидагиларнинг таъмин этилиши кўзда тутилади:

- умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи;
- ҳар бир номзод ёки ҳар қайси партияга сайлов кампаниясида иштирок этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида тенг шарт-шароит яратиб берилиши;
- сайловларнинг, номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайлов кампанияларини адолатли ва ошкора молиялаштирилиши;
- овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш чоғида ҳалолликнинг таъминланиши, сайловнинг жами якунларини расмий нашр эттириш йўли билан овоз бериш натижаларидан тўла ва тезкор хабардорликни йўлга қўйиш;
- сайлов жараёнларининг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилиши ва ушбу комиссияларнинг жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар назоратида очиқ ва ошкора ишлаши;
- фуқаролар, сиёсий партиялар номзодлари, сайловнинг бошқа иштирокчилари сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан қилган шикоятлари судлар ва қонун бўйича тегишли ваколат берилган бошқа органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан сайлов жараёнларининг тегишли босқичлари учун белгиланган муддатлар доирасида тез ва самарали кўриб чиқилиши.

Сайловларнинг мустақил органлар томонидан ўтказилиш прин-ципи мустаҳкамланади. Сайловга таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоялаш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритадиган мустақил органлар зиммасига юклатилади. Махсус орган тузиш, унинг ваколатлари ва ишини ташкил этиш тартиби қонунларда белгиланади. Махсус органнинг қонунда белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ва норматив ҳужжатлари барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ижроси учун мажбурийдир. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар махсус органнинг ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Сайлов кампаниясининг давлат томонидан молиявий таъминланиши принципига амал қилинади. Давлат сайлов кампанияси билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

Давлат сайловда иштирок этаётган номзодлар, сиёсий партиялар ўз сайлов кампаниясини молиялаштириши учун уларга қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибларда бюджет маблағи ажратилишини таъминлайди. Парламент аъзолигига номзодларнинг бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши ва моддий қўллаб-қувватланиши тақиқланади. Сайлов кампаниясида сиёсий партиялар, корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқаролар ихтиёрий равишда ўз маблағлари билан иштирок этишлари мумкин. Ушбу маблағлар махсус орган томонидан қабул қилиниб, сайловда иштирок этаётган номзодлар учун тенг тақсимланади.

Сайловда иштирок этаётган номзодлар, сиёсий партияларнинг қандайдир хорижий, шу жумладан, чет эл жисмоний ва юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, халқаро ижтимоий ҳаракатлар, фуқаролиги бўлмаган шахслардан хайриялар олишига йўл қўйилмайди.

Сайловларда ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланиши принципи назарда тутилган. Давлат сайлов, номзодлар тўғрисидаги ахборотни излаш, йиғиш ва тарқатиш эркинлигини, сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида холисона ёритилишини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари қонунга мувофиқ аҳолини сайлов, номзодлар кўрсатиш, уларнинг сайловолди дастурлари, сайлов кампаниясининг бориши, овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларидан хабардор этиб бориш, ўз фаолиятини қонун, қонун ҳужжатлари ва давлатнинг халқаро мажбуриятлари доирасида амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Давлат фуқаролар, номзодларга, тегишли тартибда рўйхатдан

ўтган номзодларини кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қонун йўл қўядиган ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай қонуний йўл билан ташвиқот фаолиятини амалга ошириши эркинлигини таъминлайди.

Сайловда иштирок этадиган барча номзодлар, сиёсий партиялар, қонунларга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз ташвиқотини олиб бориши учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари, радиоэшиттириш, телекўрсатувларда сайловолди дастурлари билан чиқишлари учун тенг ва адолатли шарт-шароит яратилади. Ташвиқот фаолиятини юритишда оммавий ахборот эркинлиги суиистеъмол қилинишига, шу жумладан, давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қиладиган, уруш, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этадиган, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситишга қаратилган даъватларга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, сайловларда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши принципи таъминланади. Сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда, қонунда белгиланган тартибда, ҳар бир номзод, ҳар қайси сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Халқаро кузатувчиларнинг иштироки сайловларнинг очиқ ва ошкора ўтишига, давлатнинг халқаро мажбуриятларига риоя этилишига кўмаклашади.

Халқаро кузатувчилар фаолияти халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) ҳужжатлари ҳамда тегишли давлат қонунлари билан тартибга солинади. Халқаро кузатувчилар қонунда белгиланган тартибда мамлакатга кириш учун рухсат оладилар ва тегишли таклифнома мавжуд бўлган тақдирда, махсус сайловни ўтказиш учун тузилган орган томонидан аккредитация қилинади. Махсус орган халқаро кузатувчига аккредитация қилингани тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома тақдим этади. Бундай гувоҳнома халқаро кузатувчига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида кузатиш ҳуқуқини беради.

Шу ўринда, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарлик принципи кўзда тутилган. Фуқаронинг сайлов ҳуқуқ-

лари ва эркинликлари бузилган тақдирда, жабрланган шахс ёки шахслар мустақил судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этганликда айбланган шахслар эса қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Халқаро сайлов ҳуқуқида яна бир принцип борки, унда камситиш деб ҳисобланмаслиги зарур бўлган чора-тадбирлар кўзда тутилади. Фуқароларнинг сайловга доир юқорида шарҳлаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда қонун билан чекланиши ва бу ҳол камситиш деб ҳисобланмаслиги мумкин:

- мамлакат аҳолисининг сиёсий, иқтисодий, диний, ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароит сабабли сиёсий ҳуқуқлар борасидаги қоидалардан аҳолининг асосий қисми билан тенгма-тенг равишда фойдаланиш имконига эга бўлмаган муайян қисми муқобил вакиллигини таъминлаш учун кўриладиган алоҳида чора-тадбирлар;

- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари чекланиши.

Номзодлар, сиёсий партиялар рўйхатларини кўрсатишда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари борасидаги чеклашларга бундай чеклашлар фуқароларимизнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти ҳамда бошқа шу каби бошқа белгилар асосида камситиш билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилади. Чеклашлар фақат Конституция ва қонунларда белгиланган бўлиши зарур ва миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий фаровонлик, ахлоқ ва маънавиятни асраб-авайлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда асосли қўлланилиши даркор, бунда чеклашлар давлатнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ келиши шарт.

3-§.Сайлов цензи. Сайловларда ихтиёрий ва мажбурий иштирок этиш. Абсентизм тушунчаси ва моҳияти

Сайлов цензлари –актив ёки пассив сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун ўрнатилган шарт ва чекловлар тизими. Цензлар турли хил бўлиши мумкин; жинс ва ёш цензи (аёлларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга рухсат бериш ёки чеклаш, муайян ёшга тўлганда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш); ижтимоий ва мулкий, маълумот-

лилик даражаси, ўтроқ (мазкур ҳудудда доимий ёки муайян вақт давомида яшаганлиги), фуқаролик (мамлакат фуқаролари сайлов ҳуқуқини бериш ёки чет эл фуқаролиги ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сайлов ҳуқуқини чеклаш) ва бошқалар.

XX аср сайлов ҳуқуқининг ривожланиши ва унинг том маънодаги халқчил мазмун билан бойишида янги босқич бўлди. Бу даврда баъзи бир мамлакатларда сайлов ҳуқуқи соҳасидаги айрим чеклашлар бекор қилинди. Жумладан, 1920 йили АҚШда, 1928 йили Англияда, 1944 йили Францияда, 1945 йилда Италияда хотин-қизларга сайлаш ҳуқуқи берилди. Кейинги йилларда партияларни маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги қабул қилинган махсус қонунларда партияларнинг сайловларда қатнашишларига кенг имкониятлар берувчи қоидалар ўз аксини топди.

Сайлов ҳуқуқининг ривожланиши сайловда қатнашиш жараёнида мавжуд бўлган бир қатор тўсиқларни енгиб ўтилиши билан боғлиқдир. Мазкур тўсиқлар одатда сайлов цензлари деб аталиб, улар турли даврларда ва турли мамлакатларда ҳар хил мезонлардан иборат бўлган. Сайлов цензлари, яъни овоз бериш ҳуқуқига даъвогар бўлган фуқаро жавоб бериши керак бўлган қонун билан белгиланган мезонлардир. Одатда ушбу мезонлар аҳолининг муайян қисмини сайлов ҳуқуқидан қонуний равишда маҳрум қилиш мақсадида қўлланилади. Цензлар сайлов ҳуқуқининг бир қатор принципларига (тенглик ва умумийлик) зид туюлади, ваҳоланки бу билан потенциал сайловчиларни нотенглик ҳолатига олиб келади, бу эса сайлов корпусини бир қатор сустлашишига сабаб бўлади.

Айни пайтда кўпчилик цензлар бекор қилиниб, демократия талабларига мос даражада қисқартирилган. Узоқ тарихий давр мобайнида амалда бўлган бир қатор сайлов цензлари ўз хусусиятига кўра нодемократик мулкий характерда бўлганлиги сабабли бекор қилинган.

Қадимий ва энг кўп тарқалган сайлов цензларидан бири бу мулк цензи бўлиб, у муайян миқдордаги мулкка (кўчмас мулк, молиявий маблағ, белгиланган солиқ суммасини тўлаганлик ва бошқалар) эга бўлмаган фуқароларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилган. 1964 йилга қадар АҚШнинг бир қатор штатларида овоз берувчиларга белгиланган сайлов солиғини тўлашлик талаби қўйилган. Мулк цензи ўз хусусиятига кўра мутлақо нодемократик характерга эга бўлган, унинг амал қилиши умумий сайлов ҳуқуқи асосларига зид амалиёт сифатида жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида бекор қилинган.

Узоқ давр мобайнида сайлов ҳуқуқи фақат эркак жинсига мансуб аҳолининг ҳуқуқи сифатида эътироф этилган. Шуни айтиш мумкинки, 1917 йилга қадар аёлларнинг актив сайлов ҳуқуқи мавжудлиги саноқли мамлакатлардагина (Австралия, Дания, Исландия, Янги Зеландия, Норвегия) қайд қилинган. Мазкур цензнинг расмий тус олиши жамиятда аёллар вазифаси фақат уй хўжалик юмушларидан иборат деган тушунча яккаҳоким бўлганлиги билан ифодаланади. Бу тушунча ўша даврлардаги уч “к” ҳарфлари билан (Kirche, Kuche, Kinder- уй, ошхона ва бола) ифодаланган. Жамият онгига узоқ давр сингиб қолган аёлларнинг жамиятдаги роли ҳақидаги бу тушунча аёлларни сиёсий жараёнларга киришига тўсқинлик қилган. Бироқ жаҳондаги сиёсий ўзгаришларни ривожланиши, аёлларнинг сиёсий онгини ўсиши ва уни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга кириб келиши ҳамда фаоллашиши бир қатор мамлакатларда аср бошларида аёлларга сайлов ҳуқуқини қўлга киритиш имкониятини яратди (Буюк Британияда – 1918 йил, АҚШда – 1920 йил, Франция, Италия ва Японияда – 1945 йил ва бошқалар). Жаҳоннинг энг ривожланган демократик давлатларидан бири Швейцариянинг аёллари сайлов ҳуқуқига 1971 йилда эга бўлдилар. Баъзи бир мусулмон давлатларида аёллар ҳозиргача сайлов ҳуқуқига эга эмаслар. Алоҳида мамлакатларда сайловларда аёллар учун эркакларга нисбатан мавжуд бўлмаган баъзи бир чекловлар мавжуд. Айни даврда аёлларнинг сайлов жараёнида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўрни ва роли ортиб бормоқда, ҳатто кейинги ўн йилликда баъзи мамлакатларда (Аргентина, Филиппин, Ирландия, Исландия, Шри-Ланка) аёллар президентлик лавозимига ҳам сайланганлар.

Узоқ давр мобайнида юқори ёш цензи (21-23 ёш) амал қилган. Мазкур ценз вакиллик органларини шакллантиришда миллионлаб фуқароларни қатнашишдан ажратиб турган. Мазкур цензнинг амал қилиш тарафдорлари, шахснинг айнан шу ёшга тўлгандан кейингина ўз ҳаракатларига ҳисоб бера олади деган тушунча билан оқлайдилар. Бундай юқори ёш цензи орқали миллионлаб йигит қизларнинг сиёсий ҳаётдан четлатилиши адолат мезонларига зиддир, чунки аҳолининг айнан шу қисми нисбатан фаол ва интилувчан бўлади. Улар аҳолининг бошқа қатламларига нисбатан давлатдаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни тарафдоридирлар. Жамиятда ёшлар ва талабалар ҳаракатининг оммавий равишда ўсиши 70-йилларда кўпчилик давлатларда ёш цензини 18 ёшгача пасайтирилишига олиб келди (Буюк Британия, ГФРда – 1970 йил, АҚШ да - 1971 йил, Францияда – 1974

йил, Италияда -1975 йил ва ҳоказо). Ҳозирги пайтда жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида фуқароларга 18 ёшдан сайлов ҳуқуқи берилган. Бразилия, Никарагуа, Куба ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан сайлов ҳуқуқига эга бўладилар.

Мулк цензининг мантиқий давоми сифатидаги ҳозирги даврнинг бир қатор мамлакатларида амалда бўлган маълумотлилик (таълим нуқтаи назаридан) цензи ҳам мавжуд. Мазкур ценз аҳолининг кўпчилик қисми саводсиз бўлган ривожланаётган мамлакатларда сайловчилар миқдорига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Маълумотлилик цензига мувофиқ, фуқаро (сайловчи) давлат тилида ўқиш ва ёзишни билиши лозим. Бу цензни амал қилишига сабаб, саводсиз сайловчининг овози бошқа шахслар таъсирида бўлади дейилади, чунки саводсиз одам сайлов бюллетенларини тўлдирилишида бегона шахслар хизматидан фойдаланади, бу эса унинг сиёсий қарашлари бир мунча бошқа шахслар таъсирида ўзгартирилишига ҳам олиб келади. Бу цензни юқордагича аргумент билан оқланиши агар биз қатор мамлакатлардаги олий маълумотли фуқароларга ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир этилишини эътиборга олсак, мантиқий жиҳатдан номувофиқдир. Бундан ташқари, сайлов қонунчилиги “ўқиш ва ёзишни билиш” тушунчасига ҳам аниқ бир тушунча бермайди ва мазкур мезон даражаси мансабдорлар ихтиёрига қолади. Кейинги давларда баъзи мамлакатларнинг конституциялари маълумотлилик цензини қўлланилишига, ҳатто расмий тус бермоқда. Масалан, Эквадор Конституциясида: “Овоз бериш саводлилар учун мажбурий, саводсизлар учун эркин”, -деб белгилаб қўйилган.[61] Саводсизларни сайловда қатнашиши кейинги ўн йилликларда қабул қилинган конституциялар билангина белгиланмоқда. Масалан, 1980 йилги Перу конституцияси саводсизларга берган имконияти билан 857 минг фуқаро сайловда қатнашди.

Потенциал сайловчиларни сайловда сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилувчи яна бир кенг тарқалган ҳуқуқий воситалардан бири – муқимлик цензидир. Мазкур ценз ўзида сайловчиларни муайян ҳудудда белгиланган давр мобайнида муқим истиқомат қилишлиги талабини мужассамлаштиради (бир ойдан икки йилгача). Муқимлик цензи таъсирида иш юзасидан ўз яшаш жойини ўзгартириб турадиган мавсумий ишчилар сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Кўп ҳолларда шундай тарзда сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган фуқаролар овозларидан манфаатдор бўлган сиёсий партиялар уларни ўз маблағларидан

[61] 1977 йилги Эквадор Конституцияси 33-модда

қидириб топадилар ва доимий рўйхатдан ўтган сайлов округларида овоз беришлари учун имконият яратиб берадилар. Бу сайловчилар овозини сотиб олишнинг очиқ шаклидир. Бундай шаклдаги сайловчиларни “тутиб” келиб овоз беришини ташкиллаштириш “учар сайловчилар ови” номини олган.

Бир қатор мамлакатларда (Голландия, Туркия ва кўпчилик Лотин Америкаси давлатлари) анъанавийлик тусини олган ҳарбийларни овоз беришда қатнашмаслик амалиёти ҳам мавжуд. 1977 йилги Эквадор Конституциясига мувофиқ, ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар. Перу, Панама, Аргентина, Бразилия ва Мексикада унтер-офицерлар ва армия, флот, полиция оддий аскарлари, қамоқхона хизматчилари ҳамда мажбурий ҳарбий хизматни ўтамаган шахслар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Ҳарбий хизматчиларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш “армия-сиёсатдан ташқарида” концепциясига асосланади. Мазкур концепция ҳарбий тузилмаларни мамлакатнинг ижтимоий сиёсий ҳаётига кўп ҳолларда ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ривожланаётган мамлакатларда реалликдан келиб чиқади (Лотин Америкаси бир қатор мамлакатларидаги ҳарбий тўнтарилишлар бунга яққол мисол).

Аксарият мамлакатларда руҳонийлар сайлов кампаниясида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Ваҳоланки, руҳонийлик хизмати фаол сиёсий ҳаёт билан бирга қўшиб олиб борилиши мумкин эмас. Бу фикрдан руҳонийлар сайлов ҳуқуқидан маҳрумдир – деган хулосага келмаслик керак. Ўзининг сайловчиларга, айниқса аёлларга идеологик таъсири билан рухонийлар сайловчилар овози мутаносиблигини муайян партия, хусусан христиан демократик партиялар фойдасига ўзгартириб юборишлари мумкин. Бундан ташқари черков (масжид) кучли молиявий имкониятларга эга бўлиб, бу маблағлар муайян бир номзодларни қўллаб-қувватланишига сарфланиши ҳам мумкин.

Бир қатор мамлакатларнинг қонунчилиги муайян шахслар доирасини сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинишини ҳам назарда тутади. Хусусан, (Бразилия, Аргентина, Уругвай ва бошқаларда) суд қарорига кўра қамоқ шаклидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар, сиёсий ҳуқуқлардан доимий ёки вақтинча маҳрум қилинган шахслар, банкротлар, давлат ғазнасига қарздорлар ва бошқалар сайлов ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Қонунчилик билан “маънавий” цензлар ҳам белгиланган бўлиши мумкин. Одатда бундай цензлар шарҳланмаган бўлиб, бу цензни қўллаш ҳуқуқи муайян доирадаги

мансабдорлар хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб қолади, бу эса бир гуруҳ сайловчиларни сайловдан четлатилишига олиб келиши мумкин. “Маънавий” цензга жавоб бермайдиган шахслар ҳаракатлари, одатда ижтимоий қораланган ҳаракатлардир. Мазкур цензга кўра фуқароларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга мансабдор шахсларнинг шарҳлашича, гадойлик қилувчи, спиртли ичимликларни сурункали суиистеъмол қилувчи, ота-онасини оммавий ҳақоратлаган ва бошқа шу каби шахслар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Қонунлар асосида кўп сонли цензлар билан сунъий равишда фуқароларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сайлов корпусининг қисқаришига олиб келади. Ценз тарафдорлари бу ҳолатни сайловда фақат муносиб фуқаролар қатнашишлари мумкинлиги билан оқлайдилар.

Цивилизация ривожланиш даражасига кўра у ёки бу цензлар инкор этилди. Масалан, бошида сайлов ҳуқуқи фақат эркакларга берилган, лекин XX асрга келиб эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилган, шунингдек сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларида тенг бўлганлар. XIX ва XX асрларда табақавий ва мулкий цензлар кенг қўлланилади. Табақавий ценз шундан иборатки, маълум табақага мансуб бўлган аҳоли сайловларда иштирок этишига йўл қўйилмаган. (Масалан, ишчилар, дехқонлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқалар). Мулкий цензга кўра эса, муайян мулкка, фойдага эга бўлган шахсларгина сайловга эга бўлишган.

Алоҳида давлатларда қуйидаги цензлар мавжуд: ёшига кўра (кўп давлатларда), ижтимоий (масалан, Турцияда ҳарбий хизматчилар сайловда иштирок этмаслиги, шунингдек Буюк Британия, Францияда), сиёсий (Индонезияда компартия аъзоларининг сайловларда қатнашмаслиги), ўтроқлилик цензи – номзоднинг муайян ҳудудда вақтинчалик ёки доимий яшаши (Бельгия, Австрия, Швеция, Голландия, ГФР ва бошқалар).

Актив сайлов ҳуқуқида ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бу ёш белгиланишида фуқаронинг вояга етиши, давлат ҳокимиятининг бошқарув органларида бўладиган сайловларида иштирок этишлари мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга

бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонунга кўра сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги Қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларниг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган Қирғизистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Кодекс билан белгилаб қўйилган.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт. Ундан ташқари барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонуннинг 4-моддасига кўра, Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади.

Сайловларнинг мажбурийлиги принципи ҳам барча давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган. Вакиллик

органларига сайловлар мажбурий бўлиб ҳар бир давлатнинг Асосий Қонунларида, конституциявий ва сайлов тўғрисидаги қонунларда маълум бир белгиланган муддатларда ўтказиб боришини мустаҳкамлаган. Шу ўринда, абсентизм тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб (absens) – йўқлар, келмаганлар деган маънода қўлланилмоқда. Сайловчиларнинг сайлов ёки референдумда овоз беришда ихтиёрий иштирок этмасликларини англатувчи атама замонавий демократик давлатларда кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 20-40 фоизгача қатнашмаса ҳам сайловнинг ҳуқуқийлилигини белгилайди.

Ҳар бир давлат халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида сайлов тўғрисидаги халқаро андозаларни, фуқароларнинг сайловга доир ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади ва мамлакатда демократик сайловлар ўтказиш борасида сайловга доир ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланишини янада кучайтириш учун изчиллик билан қонунлар қабул қилиш ва тегишли чора-тадбирларни қўлламоқдалар.

Сайловларга оид халқаро андозаларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш ҳар қандай демократик давлатнинг миллий қонунларига имплементация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатнинг зиммасига олган халқаро мажбуриятларини қуйидаги тартибда ўрганиш мумкин:

1. Конституция ва қонунларнинг умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ бўлишини таъминлаш. Сайлов жараёнлари иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқларини демократик принциплар ва нормалар асосида ҳимоя этилишини, сайловлар демократик руҳда ўтказилишини, сайловларда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини, сайловларнинг ҳаққоний ва қонуний (легитимлиги) бўлишини кафолатлаш.

2. Сайлов тўғрисидаги қонунлар фақат қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) томонидан қабул қилиниши.

3. Кўппартиявийлик асосида ўтадиган бевосита сайловлар чоғида барча номзодларнинг эркин рақобатлашуви учун зарур шарт-шароит яратиш.

4. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида фуқароларнинг сайловга доир ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий, ахборот жиҳатдан кафолатлаш тизимларини яратиш.

5. Хотин-қизларнинг сайлаб қўйиладиган органларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини эркаклар билан тенг амал қилиниши имкониятларини таъминлаш.

6. Овоз беришда барча сайловчилар иштирок этиши учун ҳуқуқий кафолат ва шарт-шароитлар яратиш чораларини жорий этиш.

7. Сайловчиларни ёши, фуқаролиги, турар жойи, шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжати мавжуд экани каби мезонларни кўзда тутувчи ҳеч бир камситишларсиз амалга ошириладиган муайян қонуний-меъёрий процедура негизида рўйхатга олиш учун тегишли ҳуқуқий шарт-шароит яратиш.

8. Сайловчилар ҳақида маълумот тақдим этувчи шахсларнинг масъулиятини, маълумотларнинг ҳаққонийлигини, тегишли маълумотлар тўла ҳажмда экани ва уларнинг ўз вақтида етказиб берилишини, шахсий маълумотлар махфийлиги қонунга мувофиқ таъминланишини қонуний асосларда мустаҳкамлаш.

9. Сиёсий партиялар шаклланишига ва уларнинг эркин қонуний фаолият юритишига кўмаклашиш, сиёсий партиялар ва сайлов жараёнларининг молиявий таъминланишини қонуний жиҳатдан тартибга солиш, сиёсий партиялар ва номзодларга ўз қарашлари ва муносабатларини, сайловолди дастурлари қоидаларини эркин баён эта олиши ва сайловчилар бунинг билан танишиш кимни ёқлаб ва кимга қарши овоз бериш, муҳокама юритиши учун тегишли шарт-шароит яратиш.

10. Сиёсий партиялар ва номзодларнинг ҳеч бир камситишларсиз оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишида ҳуқуқий ёки маъмурий тўсиқлар қўйилишининг олдини олиш, ижтимоий фикр сўровлари натижаларига асосланган маълумотларнинг ахборот банкини шакллантириш ва ушбу маълумотлар билан сайлов жараёнлари иштирокчиларининг танишиб чиқиш сайловларнинг очиқлигини таъминлайдиган, овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларига нисбатан ишонч даражасини оширадиган замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

*Абсентизм тушунчаси ва моҳияти.*Жаҳон конституциявий ҳуқуқида абсентизм деб аталадиган ибора мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат сайловларда овоз беришда ва референдумда ихтиёрий қатнашмасликни билдиради. Бунда сайловчилар ўз ихтиёрлари билан сайловларда қатнашмайдилар, чунки ким депутат бўлиши, ким давлат бошлиғи бўлиши, қўйилган масаланинг қандай ҳал қилиниши уларни қизиқтирмайди. Бу эса давлат барқарорлигига хавф соладиган даражадаги

оқибатларга олиб келиши мумкинки, буни 2002 йилда ўтказилган Франциядаги Президентлик сайлови мисолида ҳам кўриш мумкин. Шундай қилиб, хорижий давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида эркин демократик сайлов ўтказишнинг асосий қоидалари ва халқаро андозаларда фуқароларининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқлари амал қилишининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилгани эътиборга сазовордир.

27-боб. Сайлов жараёни.

1-§. Сайлов жараёни тушунчаси, босқичлари ва ўтказилиш муддатини белгилаш тартиби
2-§. Сайлов округларини тузиш, сайлов участкаларини белгилаш ва сайлов органларини ташкил этиш
3-§. Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва номзодлар кўрсатиш тартиби
4-§. Ташвиқот-тарғибот ишлари, овоз бериш, қайта сайлов ва такрорий овоз бериш
5-§. Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш

1-§. Сайлов жараёни тушунчаси, босқичлари ва ўтказилиш муддатини белгилаш тартиби

Сайлов жараёнларининг бошланишини эълон қилиш ва уни ўтказилишини таъминлаш ҳамма давлатларда Конституция ва қонунлар билан белгиланади. Бу эса ўз-ўзидан равшанки, унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши демакдир.

Барча демократик давлатларда парламент мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи вазифани бажаради. Шунинг учун сайловни ўтказилишида АҚШда Конгресс, Францияда Конституциявий Кенгаш, Германияда Федерал Мажлис, Италияда Президент, Испанияда Қирол, Англияда Қиролича, Канадада Қирол, Японияда Император, Грецияда Президент ва Парламент давлат ва миллат рамзи сифатида парламент сайловларини эълон қилади ва унинг ҳаққоний ўтказилишини таъминлайди. Сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар сайлов жараёнларида бир-бирининг фаолиятини назорат қилади. Агар бирор-бир сиёсий партия ёки давлат органи сайловда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этса, жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Дунёнинг барча мамлакатларининг сайловларини ўтказилишида унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиш принципи тўғри амалга оширилиши мамлакат ривожининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларнинг демократиявийлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир юридик жараён сингари сайлов жараёни ҳам ўзида ҳуқуқий нормалар тизимини мужассамлаштирган фаолият туридир. Давлат ҳокимиятининг ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш учун ўтказиладиган сайловларни сайлов жараёни деб тушунамиз.

Сайлов жараёни ҳуқуқий томондан қатъий белгиланган тартибда, босқичма-босқич амалга оширилади:

1) сайловни белгилаш; ушбу босқич умуман бўлмаслиги ҳам мумкин, агарда сайлов ўтказиш куни қонун билан белгилаб қўйилган бўлса. Масалан, АҚШда давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жуфт йилнинг биринчи душанбасидан кейинги сешанба куни ўтказилиши белгилаб қўйилган.

2) сайлов округларини белгилаш;

3) сайлов участкаларини белгилаш;

4) сайлов органларини ташкил қилиш (сайлов органлари ва бошқалар);

5) сайловчиларни рўйхатга олиш;

6) номзодларни кўрсатиш;

7) сайлов олди ташвиқотлари;

8) овоз бериш;

9) овозларни ҳисоблаш ва сайлов натижаларни аниқлаш;

10) такрорий овоз бериш ёки такрорий сайловлар;

11) натижаларни эълон қилиш.

Сайлов жараёнлари босқичлари барча турдаги сайловларда амалга оширилади (иккинчи ва тўртинчи босқичда назарда тутилган босқичлар сайлов жараёнини шакллантириш деб аталади).

Сайлов жараёнлари босқичлари бевосита сайлов ҳуқуқига тегишлидир, билвосита сайловларда ушбу босқичларнинг маълум бирлари бўлмаслиги ёки маълум бир босқичлар қўшилиши мумкин. Масалан, сайлов округлари ва сайлов участкаларини ташкил этиш босқичини парламентнинг ички ташкилий органи амалга ошириши мумкин.

Сайлов жараёнининг сайловни кунини белгилаш босқичи барча демократик давлатларда махсус тузилган органга ёки мансабдор шахсга юклатилган бўлиб, конституция ва қонунлари асосида мустаҳкамланган. Агар сайловнинг санасини белгилаш қонун ёки Конституция билан аниқ ўрнатилмаган бўлса, қонунда ушбу санани белгилашга ваколатли орган кўрсатилади. Масалан, 1992 йил қабул қилинган Чехия Конституциясида парламентнинг ҳар иккала палатасига сайлов жараёнлари амалдаги парламентнинг ваколат муддатини тугашига 30 кун қолганида бошланади ва парламентни ваколат муддати тугаган кунда сайлов натижалари эълон қилинади. Агар парламентнинг қуйи палатаси (депутатлар палатаси) тарқатилиб юборилган бўлса, Конституцияда сайловни палата тарқатиб юборилган-

дан сўнг 60 кун ичида ўтказилиши белгиланган.

Чехия Конституциясининг 63-моддани 1- қисм “е” бандига мувофиқ, сайлов кунини белгилаш ваколати мамлакат президентига берилган. Шунингдек, 54-моддасини 2-қисмига мувофиқ, президент парламент палаталарининг қўшма мажлисида сайланади ва президентликка сайловлар амалдаги президентнинг ваколат муддати тугашига 30 кун қолганда белгиланади. Агар Президент муддатидан олдин истеъфога чиққан бўлса, сайлов истеъфо берилган кундан кейин 30 кун ичида ўтказилади.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида умумий сайловлар санаси дам олиш кунига белгиланади. Масалан, Австрия Федерал Конституциявий Қонунининг 26-моддаси, 3-қисмига кўра, Миллий Кенгашга (парламентнинг қуйи палатаси) сайловлар якшанба кунига ёки бошқа бир дам олиш кунига белгиланиши лозим. Аммо шу қаторда бошқача қоидалар ҳам мавжуд, масалан АҚШда умумий сайловлар сешанба куни ўтказилади. АҚШ ва Австрия моделларини солиштирадиган бўлсак, Австрияда мамлакат аҳолисини ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишлари шарт деб қаралади, АҚШда эса сайловчиларнинг сайловларда қатнашиши эрки иродасига боғлиқ элемент сифатида қаралиб, сайловларда қатнашиши ўз хоҳишидан келиб ҳолда ёндашувдан келиб чиқади. Умуман олганда, аксарият хорижий давлатларда сайловларни дам олиш кунида ўтказилиши белгиланишига қарамасдан сайловчининг сайловларда қатнашиши мажбурий эмас.

2-§. Сайлов округларини тузиш, сайлов участкаларини белгилаш, сайлов органларини ташкил этиш

Сайлов округлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва вакиллик органлари аъзолигига бўладиган сайловларда фуқароларни ўзида бирлаштирган маълум бир ҳудудий бирликлардир. Айрим давлатларда федерация субъектлари, маъмурий ҳудудий бирликлар (вилоятлар, провинциялар, шаҳарлар ва бошқалар) муайян сайлов округи сифатида амал қилиши мумкин. Сайлов округлари тузилмаган тақдирда, бутун мамлакат ягона бир сайлов округи сифатида намоён бўлади. Бунга мисол сифатида президентликка сайловларни кўришимиз мумкин.

Сайлов округлари сайлов амалиётида энг кўп учрайдиган сайлов бирликларидир. Ҳудудий бўлмаган вакиллик органларини шакллантиришда сайлов бирликлари сифатида муайян сайловчилар гуруҳлари ҳам амал қилишлар мумкин. Мисол учун “социалистик” ориентация-

даги мамлакатларнинг парламентларига сайловларда ҳудудийлик тамойилидан ташқари, вакиллик принципи ҳам амал қилади, яъни сайлов бирликлари сифатида мехнат жамоалари ва уларнинг бирлашмалари ёки ижтимоий сиёсий ташкилотлар (касаба уюшмалари) бўлиши мумкин. Бунда мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган касб эгалари парламентда ўз вакилларини сайлашлари учун имконият яратилади.

Ҳудудларни сайлов округларига бўлишда сиёсий аҳамият берилади, чунки сайлов натижалари бевосита унинг тузилиш принципларига боғлиқ. Шунинг учун одатда, сайлов округларини ташкил этиш қонунлар билан сайлов округларини сони ва чегараларини аниқ белгиланади. Бу эса сайлов жараёнларида сайловчиларнинг тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Аҳолининг сонини ортиши ва маъмурий ҳудудий бирликларнинг кўпайиши сайлов округларини чегараларини муайян вақт ўтиши билан ўзгартириб турилишини талаб этади. Буюк Британияда сайлов округлари чегаралари ҳар 10 йилда қуйи Жамоа палатаси Спикери (раис) бошчилигидаги комиссия таклифига биноан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш жараёнида ҳудудий бирликларни чегаралари ҳисобга олинади, сайлов округлари чегаралари ҳудудий бирликларга “демографик” қиёсланган бўлади.

Германияда Бундестагга (қуйи палата) сайловларда сайлов округларини ташкил қилиш 1956 йилги сайлов тўғрисидаги Федерал қонунга мувофиқ (1993 йил таҳрири бўйича) Федерал Президент томонидан ташкил қилинадиган сайлов округларини белгиловчи комиссия ваколатига киради. Федерал комиссия таркиби федерал статистик идоралар раҳбарлари, Федерал маъмурий судининг битта судьяси ва бешта аъзосидан иборат. Ушбу комиссиянинг сайлов округлари ҳақидаги ҳисоботи федерал ички ишлар вазирига тақдим қилинади ва у ўз навбатида бу ҳисоботни Бундестагга топширади ва бу ҳисобот Федерал ҳукумат бюллетенларида чоп этилади. Германия Федерал сайловлар тўғрисидаги қонуни сайлов округларини ташкил қилишда қуйидаги тамойилларни белгилайди:

1) ерликлар чегараларига амал қилиш (бир округ чегаралари бирдан ортиқ ерлик чегараларидан ўтиши мумкин эмас);

2) ерликларда сайлов округлари сони имконият қадар ерликлар аҳолиси сонига пропорционал бўлиши керак;

3) сайлов округини ҳудуди бўлинмас;

4) имконият қадар маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларига амал қилиш лозим.

Францияда сайлов округларини ташкил қилиш Ички Ишлар Вазирининг ваколат доирасига киради ва ташкил қилинган сайлов округлари ҳақидаги ҳисобот парламент томонидан тасдиқланади.

Сайлов округларидан сайланувчи депутатлар сонига кўра, сайлов округлари бир мандатли ва кўп мандатли бўлиши мумкин.

Қоида тариқасида сайлов округлари юқорида айтиб ўтилганидек, сайловчиларни тенг миқдорини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши лозим, чунки бу тенглик принципидир. Мамлакатдаги барча бир мандатли сайлов округлари аҳоли сонига тенг ҳолда ташкил этилади.

Кўп мандатли сайлов округлари ҳар бир сайлов округида мандатлар сони бир хил эмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир сайлов округи мандатлар сонига пропорционал равишда аҳоли миқдорини ўз ичига олади.

Сайлов округлари сайлов участкаларига бўлинади, сайлов участкалари овоз беришда маҳаллий жойларда сайловчиларни бирлаштирадиган ҳудудий бирликларнинг бўлинмаларидир. Бу ҳудудий бўлинмалардаги сайлов участкалари сайлов жараёнларини ўтказишда самарали натижага эришишни таъминловчи институтдир. Сайлов участкалари фаолиятини ташкил этиш махсус сайловни ўтказилиши учун тузилган органнинг ёки ваколатли давлат органининг қарори, кўрсатма ва эслатма каби ҳуқуқий қонун ости актлари билан тартибга солинади.

Масалан, Франция Республикасида сайлов участкалари мамлакат сиёсий-маъмурий бўлинмаларининг энг қуйи бирликлари бўлмиш коммуналарда тузилади. Испанияда сайлов участкаси ўзида 500 тадан 2000 тагача сайловчиларни бирлаштирган майда бирликларда ташкил этилади. Италияда 100 тадан 800 тагача сайловчиларни бирлаштирган коммуналар сайлов участкаларига бўлинади.

Хорижий давлатларнинг сайлов жараёнларини такомиллаштириш амалиётидан бизга маълумки, сайловларни ўтказилишида махсус орган тузилади ёки ваколатли давлат органи Конституция ва қонунлар асосида белгиланади. Ушбу органларга (комиссия, бюро, президиум ва бошқалар) сайлов жараёни устидан ташкилий раҳбарлик вазифаси юклатилган бўлади. Сайлов органлари турлича бўлиши мумкин:

- ҳудудий, жумладан марказий; мамлакатнинг сиёсий-ҳудудий тузилиш тизимидан келиб чиқади;

- округ сайлов органлари; сиёсий-ҳудудий бирлик билан мувофиқ келмаганда ташкил этилади;

- сайлов участкаларининг фаолиятини юритувчи органлар.

Сайлов участкаларининг фаолиятини юритувчи органлар сайловчиларни рўйхатга олади ёки ундаги рўйхатга олиш хатоликларини бартараф қилади, округ сайлов органларида рўйхатдан ўтган номзодларга сайлов олди кампаниясини ташкил этади, овоз беришни ташкиллаштиради ва белгиланган ҳудуддаги сайлов натижаларини аниқлайди.

Сайлов округлари сайлов натижаларини умумлаштиради ва ўша ҳудуд оммавий ахборот воситаларида чоп этади, агар сайлов округлари бўлмаса, сайлов округлари вазифасини бажаради. Умумхалқ сайловларида ташкил этиладиган округ сайлов органлари участка сайлов органлари фаолиятини назорат қилади, баъзи ҳолларда ўзининг ҳудудида участка сайлов органининг вазифасини бажаради (Австралия).

Айрим мамлакатларда сайлов округларининг органлари маълум бир давлат аппаратининг мансабдор шахсларини ташкил этади. Масалан, Бельгияда парламент сайловларидаги қуйи ҳудудий сайлов органи раиси биринчи инстанция суди раиси ёки яраштирув судьяси ҳисобланади. Германияда сайлов органларини ҳар қайси поғонасига тегишли ҳудуддаги ички ишлар органлари мансабдорлари раҳбар сифатида тайинланади. Мексикада Федерал сайлов органига ички ишлар давлат секретари (вазири) раҳбарлик қилади ва унинг таркибига парламентнинг юқори ва қуйи палатасидан биттадан депутат, ҳар бир сиёсий партиядан биттадан мухтор вакил, давлат нотариус органининг вакили (одатда, у комиссиянинг котиби вазифасини бажаради) киради. Ҳар бир парламент палаталарининг ва сиёсий партияларнинг вакиллари ўз ўринбосарларига эга бўлади.

Кўпчилик давлатларда сайлов органларининг раҳбарлари сайлов жараёнида мустақил ваколатларга эга бўлади. Масалан, Буюк Британия округ сайлов органининг раиси (Returning Officer) сайлов бориши ҳақида маълумотлар бериб туради, номзодларни рўйхатга олади, сайловчилар йиғилишларини ташкил этади, сайлов гаровларини қабул қилади, номзодларни сайловда қатнашиш масаласини ҳал қилади, номзодларни эълон қилади, почта орқали овоз беришни ташкиллаштиради, сайлов карточкаларини тарқатади, яширин овоз

бериш жараёнидаги тартибни назорат қилади, овозларни ҳисоблашда қонунга риоя этилишини назорат қилади, сайлов бюллетенларини ҳақиқийлиги масаласини ҳал қилади, сайлов натижаларини эълон қилади ва бошқа ваколатларга эга.

3-§. Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва номзодлар кўрсатиш тартиби

Сайловчиларни рўйхатга олиш тадбири фуқароларни ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишни таъминловчи шарт-шароит сифатида намоён бўлади. Ғарб ҳуқуқшуноси Р.Ж.Карлсон ўзининг "Канада ва Ғарбий Европада сайловчиларни рўйхатга олиш тизими" деб номлаган асарида, "Сайловчиларни рўйхатга олиш – сайловгача сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларни шахсини аниқлаш жараёники, у сайловда фақат сайлов ҳуқуқига эга бўлган айнан ўша фуқаро қатнашишлигини таъминлаш имконини беради[1]"

Сайловчиларни рўйхатга олиш тартиби оммавий (мажбурий) ёки шахсий (ихтиёрий) шаклларда бўлиши мумкин.

Оммавий (мажбурий) рўйхатга олиш тартиби икки хил кўринишга эга бўлиб, Германия, Швеция ва Швейцарияда кенг қўлланилади. Ушбу мамлакатларда аҳоли сони ва уларни кўчиш жараёни давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳисобга олиниб борилади ва маҳаллий органлар ўз ҳудудида доимий яшаб турган сайловчилар сони ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади. Канадада мажбурий рўйхатга олиш усули амалда бўлмаса ҳам ҳар бир сайлов олдидан сайловчилар рўйхати тузилади. Бу жараёнда "Эшикма-эшик юриш" усули қўлланилади; Буюк-Британияда сайловчиларнинг рўйхати ҳар йили 15 февралга қадар тузилади. Сайловчилар рўйхати тузиб бўлинганидан сўнг яшаш жойини ўзгартирган шахслар сайлов даврида аввал рўйхатдан ўтган жойларида овоз беришлари лозим.

Ихтиёрий (шахсий) равишда рўйхатдан ўтиш тизими АҚШ ва Францияда қўлланилади ва унда сайловчи тегишли органларга келиб ўзини рўйхатдан ўтказишларини билдиришлари лозим.

Хорижий давлатлар тажрибасида сайловчилар рўйхати – ҳар йили сайловлардан олдин қайтадан кўриб чиқилади. Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов округида маҳаллий оммавий-ахборот воситалари орқали эълон қилинади ва ҳар бир сайловчига сайлов карточкаси тақдим қилинади. Агар сайловчи сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин бўлмаса тегишли сайлов органининг масъул шахси уни бу

[1] Carlson R.J Voter Registration Systems in Canada and western Europe. N.Y 1974, p. 1.

ҳақда тушунтириш бериши ва бу ҳақда қарор қабул қилиши лозим. Агар сайловчи сайлов комиссиянинг ушбу қарори устидан норози бўлса судга мурожаат қилиши мумкин.

Аксарият мамлакатларда сайловчилар рўйхати барча учун очиқ бўлиб, ҳар бир фуқаро ўзи билан бирга бошқа шахсларни ҳам сайловчи сифатида рўйхатга олинишини ҳеч қандай тўсиқларсиз талаб қилиши мумкин. Баъзи давлатларда (Испания) сайловчилар рўйхати махфий ҳисобланади, фуқаро фақат ўзинигина сайловчилар рўйхатига киритилганлигини билиш мумкин бўлиб бошқа фуқароларни сайловчилар рўйхати ҳақида билиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда, яъни суд органларига керак бўлган тақдирдагина сайловчилар рўйхати бошқа фуқароларга ошкор қилиниши мумкин.

Сайловда вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш жараёни ҳар бир давлатнинг сиёсий амалиётида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шу босқичда президентликка, депутатликка, сенаторликка, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, маслаҳатчи ва бошқа лавозимларга сайланиши мумкин бўлган шахслар доираси аниқланади.

Номзодларнинг илгари суришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Ўзини ўзи номзодликка кўрсатиш. Францияда Миллий Мажлисга депутат бўлишни истаган шахслар департаментнинг префектурасига ўзининг фамилияси, исми, туғилган жойи ва санаси, иш ва яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар бўлган аризани топширади. Шунингдек, мазкур шахс префектурага ўзининг ўринбосари бўлиши мумкин бўлган шахснинг ёзма равишдаги розилигини ва у ҳақдаги юқоридаги маълумотлар битилган аризани ҳам топшириши лозим.

2. Бир гуруҳ сайловчилар томонидан номзодларни кўрсатиш. Масалан, Бельгияда Вакиллик палатаси депутатлигига номзод сайланиши мумкин бўлган округдан уни қўллаб-қувватловчи 200 тадан 500 тагача сайловчининг имзоси бўлган ёки ваколат муддати тугаётган парламентарийларнинг камида учтаси қўллаб-қувватловчи ишонч хатини кўрсатиши лозим. Сенаторликка номзодлар эса сайловчиларни камида 100 тасини ёки ваколат муддати тугаётган парламентарийларнинг учтасини қўллаб-қувватлашига эга бўлишлари лозим. Данияда эса Фолькетинг депутатлигига номзод бўлиш учун тегишли округнинг йигирма бешта сайловчисини қўллаб-қувватлаши, Польшада сенатор бўлишга қарор қилган шахс ўз номзодини қўллаб-қувватловчи тегишли воеводстванинг (вилоят даражасидаги ҳудудий бирлик) 3000 та сайловчиси имзосини тўплаши керак.

3. Сиёсий партиялар ёки бошқа ижтимоий бирлашмалар томонидан номзодларнинг кўрсатиш тартиби Германия Бундестаги, Австрия Миллий Кенгаши, Финландия Сейми, Япония Вакиллик палатаси депутатлигига амалда. Одатда бундай тартиб сайловлар рўйхатида бўлган фуқароларнинг номзоди кўрсатилади, пропорционал сайлов тизимида ва кўп мандатли сайлов округларида қўлланилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган номзодлар кўрсатиш усуллари баъзи мамлакатларда аралаш ҳолатда қўлланилиши ҳам мумкин. Масалан, Испания парламенти қуйи палатаси – Конгресс депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар сиёсий партиялар ва уларнинг федерацияси ёки коалицияси томонидан маълум бир сайлов округи сайловчиларининг 0,1 фоизи қўллаб қувватлаши (улар 500 тадан кам бўлмасликлари керак) орқали кўрсатилади.

Аксарият мамлакатларда сайловда номзодини кўрсатиш учун ҳаракат қилаётган шахс ўзини маълум бир жамоатчилик аъзолари қўллаб- қувватлаганлигини кўрсатиши лозим. Баъзи бир сайлов тизимларида номзодларнинг кўп сонлилиги фоиз ҳисобида овоз олиш билан сайланиши учун шароит яратмоқда. Фараз қилайлик, кўп мандатли сайлов округидан 10 та номзод кўрсатилган бўлса, ўртача уларнинг ҳар бирига сайловчиларнинг 10 фоизидан овози тўғри келиши мумкин ва номзодни сайланган деб ҳисоблаш учун улардан бирининг фоиз ҳисобида овоз олиши етарли ҳисобланади.

Сайлов амалиётининг бу жараёни Франция, Ирландия, Нидерландия, Австралия каби мамлакатларда номзодлар сонининг кўп бўлиб кетишини олдини олиш мақсадида номзод сайлов гарови тўлаши лозим. Гаров миқдори унчалик даражада катта бўлмаса ҳам, лекин кичик партиялар ва бой ҳомийлари бўлмаган ташаббускор номзодларни имкониятларини чеклайди. Гаров номзодга сайловда белгиланган миқдорда овоз олган тақдирда (ютиб чиқмаган бўлса ҳам) қайтариб берилади (масалан, Францияда 5 %, Австралияда биринчи преференцияда 4%). Шахс зарурий шартларни бажаргандан сўнг рўйхатдан ўтади ва расмий номзод мақомини олади.

Президентликка номзодларни илгари суриш жараёни ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, АҚШда энг йирик ҳисобланган партиялардан (республикачилар ва демократлар) номзодлар уларнинг сеъздларида овоз бериш йўли билан аниқланади. Францияда 1962 йил қабул қилинган Республика президентлигига сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ номзод 500 фуқаро – парламент, ҳудудий, генерал кенгашлар, денгиз орти ҳудудлардаги ҳудудий мажлислар аъзолари

ва мэрлар томонидан илгари сурилиши мумкин.

Агар президент эгри сайловлар орқали сайланадиган бўлса, номзодларни кўрсатиш тартиби ўзига хос кўринишга эга бўлиши мумкин. Масалан, Германиянинг 1959 йилги “Федерал Президентни сайлаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ (Федерал Мажлис тенг миқдордаги Бундестаг ва ерликлар вакиллик органлари аъзоларидан иборат), Федерал Мажлиснинг ҳар бир аъзоси президентликка ёзма равишда номзод (номзоди кўрсатилаётган шахснинг ёзма розилиги илова қилинади) кўрсатиш ҳуқуқига эга. Федерал Мажлис аъзосининг бу шаклдаги таклифи Президиум томонидан кўриб чиқилади, номзодни кўрсатилиши тўғрисидаги таклифни фақат Федерал Мажлис рад этиши мумкин.

АҚШда сенатор бўлиш учун тўққиз йил қайси штатдан сайланаётган бўлса шу ҳудудда яшаган бўлиши (ҳар бир штатдан иккитадан сенатор 6 йил муддатга сайланади, ҳаммаси бўлиб 100) 30 ёшга тўлган шахслар ўз номзодларини қонунда белгиланган тартибда қўйишлари мумкин.[62] Бирлашган Канада Қироллигининг 1867 йилда қабул қилинган конституциявий актининг 23-моддасида сенаторликка номзодликка қуйидаги талаблар ўрнатилган:

1. 30 ёшга тўлган бўлиши;

2. У туғилган қиролликнинг фуқароси бўлиши ёки амалда бўлган шартнома ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан иттифоқ таъсис этилганидан сўнг;

3. Унинг хусусий ери ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиш 4000 доллардан ортиқ бўлиши ва қарз мажбуриятлари бўлмаслиги лозим;

4. У ўз номзодини қўймоқчи бўлган провинцияда истиқомат қилиши ва ўша ҳудудда кўчмас мулкка эгалик қилиши лозим. Шундан сўнг қироличанинг қарори билан Генерал губернатор номзод сенаторларнинг мазкур акт тартибларига биноан Сенат аъзолигига тайинланади.

Буюк Британия юқори Лордлар палатасининг аъзоси бўлиш 1958 йилда қабул қилинган “Умрбод тайинланадиган пэрлар ҳақидаги Акт”да белгиланганидек, герцог, граф, барон, дин пешвоси ёки катта сармоя соҳиби бўлган шахслар қиролнинг фармонига биноан умрбод тайинланади. Охирги маълумотларга қараганда ҳозир Буюк Британиянинг Лордлар палатасида 1259 перлар бўлиб, шундан 773 тасининг перлик мандати наслдан-наслга ўтиш ҳуқуқидадир. Аммо “Парламент ҳақидаги Акт”да Лордлар палатаси халқ вакилларидан иборат

[62] Конституция зарубежных государств. Учебное пособие. 2-Изд. Испр.и. доп. –М.: Издателство БЕК, 2000. С.15

бўлиши ифода этилган.[63]

Ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида юқори палата аъзоларининг сайлови мажоритар, яъни мамлакат ҳудудида нечта вилоятга тенглаштирилган ҳудуд бўлса, ҳар бири учун маълум бир ўз вакилларини нечтадан сайлаши асосий қонунида назарда тутилган тартибда белгиланган бўлади. Масалан, Италия Демократик Республикасининг юқори палатаси Сенатга ҳар бир вилоятдан еттитадан, айрим аҳолиси камчилроқ бўлган вилоятдан иккитадан ва биттадан ўз вакилларини сайлаш учун мандат берилади. Тегишли вилоят аҳолиси тўғридан тўғри сайлов участкасига бориб уларга овоз берадилар ва унда энг кўп овоз олган еттита ва иккита номзод (берилган мандатга қараб) сайланган ҳисобланади. Шунингдек пропорционал сайлов тизими ҳам мавжуд бўлиб, бу сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг жамиятда тутган мавқеига баҳо берилади, яъни сайловда номзодларга эмас , кўпроқ сиёсий партияларнинг обрўси муҳим рол ўйнайди. Агар янада кенгроқ маънода тушунча берадиган бўлсак, тегишли ҳудуд аҳолисига парламентда белгиланган вакилларини сайлашда сайловчилар бюллетенида кўрсатилган номзодлар қайси сиёсий партиялардан кўрсатилганлигига қараб овоз беради ҳамда сиёсий партиялар сайловда белгиланган фоиз ҳисобида сайловчиларнинг овозини олса, унинг вакили сайланган ҳисобланади. Масалан, Италия Демократик Республикаси Конституциясининг иккинчи қисми 57-моддасида бўйича 315 сенатордан ¾ қисми мажоритар сайлов тизими бўйича, бир мандатли сайлов округлари тузилади, ¼ пропорционал сайлов тизими бўйича кўп мандатли сайлов ҳуқуқи бўйича ўтказилади, яъни бир сайлов округида бир мандатли ва кўп мандатли сайлов ҳуқуқи бўйича овоз бериш ўтказилади. Сиёсий партия бир мандатли бўйича номзодини қўйган вакили сайловда овоз беришга келган аҳолининг ярмидан кўп овозини олган бўлса сайланган ҳисобланади. Агар сиёсий партия сайловда овоз берган аҳолининг 5% овозини олган бўлса, кўп мандатли сайлов ҳуқуқи бўйича унинг вакили сайланган ҳисобланади.

Бундан ташқари сайлов жараёнлари эгри сайлов тизими ҳам кенг қўлланилиб, унда аҳоли юқори палата аъзолигига номзодларни кўрсатишда олдин ўзларининг орасидан сайловчилар гуруҳига овоз беради, аҳолининг ваколатини олган сайловчилар гуруҳи палата аъзолигига номзодларга овоз беради ёки аҳоли олдин маҳаллий вакиллик органларининг депутатларини сайлайдилар. Сайланган депу-

[63] Конституция зарубежных государств. Учебное пас. 2 - Изд. Испр.и. доп. –М.: Издателство БЕК, 2000. С.75.

татлар ўзларининг орасидан юқори палата аъзосини сайлайдилар. Масалан, АҚШ ларда Президент сайловида ҳар бир штат аҳолиси аниқ бир рўйхат бўйича коллегиал сайловчилар гуруҳини сайлайди ва кейинги босқичда сайловчилар гуруҳи президентликка номзодларга овоз беради. Сайлов тизимининг эгри тури бир ёки икки – уч босқичда амалга оширилиб, кўпгина давлатларда юқори палата аъзоларини сайловида қўлланилади.

Франция Республикаси юқори палатаси Сенат уч босқичли сайлов йўли билан ташкил топади. Сенаторлар ҳудудий миллий йиғилиш депутатлари ва департамент маслаҳатчилари, маҳаллий (муниципал) кенгаш депутатлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан сайланади. Сенаторликка сайловчилар гуруҳи (коллегияси) тегишли маҳаллий кенгашлар депутатлари ўзларининг ичидан шу ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар минг аҳолига битта Сенаторлик сайловида иштирок этувчи делегатни биринчи босқичда сайлаб олади, тахминан 30 минг аҳоли истиқомат қилаётган ҳудуд бўлса, ўттизта делегат ва уларнинг ўринбосарлари билан 60 тага етади. Умуман олганда, ҳудудий миллий йиғилиш депутатлари ва департаменти ва маслаҳатчилари орасида сайланган Сенаторликка сайлов гуруҳи (коллегияси) делегатлари билан ҳисобланганда, мамлакат ҳудуди бўйича 108 000 нафар сайловда овоз бериш учун гуруҳ ташкил топади. Шундан 600 таси делегат миллий йиғилиш депутатлари, 3000 таси ҳудудий ва бош департамент маслаҳатчилари, 104 000 таси маҳаллий (муниципал) кенгаш вакилларидир. Сенаторлар сайлови асосий шаҳарларда жойлашган департамент биноларида ўтади. 13 департаментдан пропорционал сайлов тизими бўйича, яъни ҳар бир департаментда 5 та ёки ундан ортиқ номзодлар кўрсатилиб, энг кўп овоз олган 5 таси ёхуд 6 таси биринчи турда сайланган ҳисобланади. Масалан, сайлов бюллетенида 10 та номзод кўрсатилган бўлса, шундан энг кўп овоз олган 5 таси ёки 6 таси сайланган деб эълон қилинади. Шундай қилиб, 13 департаментдан 69 та сенатор сайланиши мумкин. Сенатга ҳаммаси бўлиб 321 та сенатор сайланади, қолганлари можитар сайлов тизими бўйича бошқа ҳудудлардаги департаментларда ўтказилади. Сенаторлар 9 йил муддатга Департамент, Миллий йиғилиш депутатлари томонидан ўзларининг ичидан сайлаб олинган делегатлари, маҳаллий (муниципал) кенгашлар вакилларидан ташкил топади. Сайловчилар гуруҳлари коллегиялари томонидан сайланади.

4-§. Ташвиқот-тарғибот ишлари, овоз бериш, қайта сайлов ва такрорий овоз бериш

Сайлов жараёнининг сайловолди ташвиқот-тарғиботи босқичи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, лекин аксарият давлатларнинг қонунчилигида тўлиқ тартибга солинмаган.

XVIII-XIX асрларда ва XX асрнинг бошларида ҳам сиёсий кучлар сайловчига бевосита таъсир қила олганлар, яъни сайловчини сотиб олиш, унга куч билан таъсир қилиш ва ҳоказолар. Ҳозирги даврда оммавий-ахборот воситалари сиёсий кучларнинг имкониятларини кенгайтирди сайловчига таъсир қилиши билвосита бўлса ҳам жуда юқоридир.

Демократик давлатларда оммавий-ахборот воситаларини монополизация қилинишини олдини олиш юзасидан етарли чора-тадбирлар кўрилган қонунларда сайловолди тарғиботларини олиб бориш имкониятлари ҳар бир номзодга берилганлиги кафолатлаб қўйилгандир. Масалан, Италияда парламент фракциялари вакилларидан иборат бўлган махсус парламент органи партиялар учун тарғиботлар шакли ва вақтини белгилаб беради (пресс-конференциялар, гуруҳлар мунозаралари, “юзма юз” мулоқотлар ва бошқалар). АҚШда номзодларга ўз сайлов-олди кампанияларини таъминлашлари учун белгиланган молиявий маблағларнинг 60 фоизидан кўпини оммавий-ахборот воситаларидаги тарғиботга сарфлашлари мумкин эмас.

Сайлов жараёнининг мазкур босқичидаги муаммо бу – сайлов кампаниясини молиялаштирилишидир. Кўпчилик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида сайловларни давлат томонидан молиялаштирилиши ҳақидаги нормалар мавжуд эмас (Бельгия, Дания, Люксембург, Нидерландия ва бошқалар), лекин давлат етарли даражада сайловларни молиялаштирилиши учун маблағлар ажратади. Бу ҳолат бюджет ва молиявий қонунчилигида ўз аксини топади. Франция қонунчилиги 5 фоиздан кўп овоз олган номзодларнинг сайловолди ташвиқотларига сарфланган маблағларни қоплашлигини назарда тутади, 5 фоиздан кам овоз олган номзодларнинг сайловолди кампанияси уларнинг ўз сайлов гаровларидан қопланади.

Партиялар ва номзодларнинг сайловолди ташвиқотлари учун хусусий хайриялар йўл қўйиладиган мамлакатлар қонунчилиги хайрия қилинган маблағлар манбаларини доимо ошкор қилиб турилишига талаб қўяди. Баъзан сайлов харажатларининг энг юқори чегараси белгилаб қўйилади, мазкур миқдордан ортиқ маблағ сарфлаш бир қатор мамлакатларда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади (Япония).

АҚШда номзод томонидан олинадиган маблағлар деклорация қилиниши белгиланган, аноним хайриялар миқдори эса 100 доллардан ортмаслиги лозим. Жисмоний шахс томонидан сиёсий партияни қўллаб қувватлаш учун йилига 25 минг доллардан, муайян номзодни қўллаш учун эса 2 минг доллардан ортиқ хайрия қилиниши мумкин эмас. Маблағлар номзод томонидан ташкил қилинган сайлов қўмитаси томонидан йиғилади ва бу ҳақда ҳисоб бериб туриши шарт. Юридик шахслар томонидан сиёсий арбоблар ва партияларни молиялаштириши махсус қўмиталар орқали ошкора амалга оширилиши белгиланган.

Ташвиқот-тарғибот ишлари барча сиёсий кучларга ўз имкониятлари доирасида эркин фаолият юрита олиш шарт шароитларини яратиб беради. Ҳар бир партия ёки сиёсий кучлар қонунлар доирасида сайловчилар овози учун тарғиботлар орқали курашишларига имкониятлар яратилган.

Жамият ва алоҳида олинган шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий мезонини ўрнатилиши натижасида унинг иштирокчиларига ўзини намоён этиши учун ҳар бирининг ҳаракат доираси ўзига хос ва мос равишда белгиланган. Бу эса улар ўртасидаги муносабатларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ўзаро келишмовчиликларга барҳам беради.

Шу ўринда, ташвиқот-тарғибот ишларига:

1) Сайлов органлари ишининг эълон қилиниб турилиши;

2) Сайлов ҳужжатларини эълон қилиниб, сайловчиларга таништирилиб турилиши;

3) Сайлов жараёни ҳақида мунтазам ахборот берилиб борилиши;

4) Номзодлар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг дастури билан сайловчиларни ўз вақтида таништирилиб турилиши;

5) Сайлов участкалари, округлар, сайлов органларининг жойлашган ўрни, сайловчилар рўйхати билан сайловчиларнинг таништирилиши;

6) Овоз бериш натижалари оммага маълум қилиниши ва бошқалар.

Демократик давлатларнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида ошкоралик принципи алоҳида моддаларда ўз ифодасини топган. Сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда сайлов органлари, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора олиб борадилар.

Сайлов органлари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов органларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Оммавий-ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий-ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов органларига сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Кузатувчилар: номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов органларининг мажлисларида ҳозир бўлиши;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштириши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиши;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов органининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиши;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов органи томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиши;

агар сайлов участкасида сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов органига маълум қилиши мумкин.

Хорижий мамлакатларда сайлов органлари фаолиятининг натижали бўлишини таъминлаш учун асосан, ошкоралик принципи қўлланилади. Масалан, Германия Федератив Республикасининг “Бундестаг сайлови ҳақида”ги қонунини бешинчи бўлими, “Сайлов ятказиш тартиби” деб номланган бўлиб, унинг 31-32 параграфлари сайлов

ўтказилишида ошкоралик принципининг қўлланиши белгиланган.[64]

Шунингдек, Франция Республикасининг 1964 йил 14 мартда қабул қилинган “Умумий овоз бериш йўли билан республика Президенти сайлов ҳақида”ги қонунини “Сайлов кампанияси” деб номланган иккинчи бўлимида, Франция Республикаси Президенти сайловида ошкораликнинг таъминланиши мазкур қонунда белгиланган нормаларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ушбу бўлимнинг 12-моддасида, сайлов компаниясида номзодларнинг тенглиги миллий ахборот воситалари ва бошқа оммавий ахборот воситалари ва матбуот орқали ўзларини намоён этишда ўз ёзма маълумотларини эълон қилишда таъминланади, дейилган.

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳар бир давлат ҳаётида сайловнинг ошкоралиги уни фақат зиддиятларсиз ўтказилишига хизмат қилиб қолмасдан, унинг қонунийлигини ҳам кафолатлайди.

5-§. Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш

Ҳар қандай демократик давлат ўз ички ва ташқи сиёсатида доимий ривожланиш қонуниятларини такомиллаштириб боришга интилади. Ривожланиш қонуниятларининг энг муҳим талабларидан бири бу давлат бошқарувида халқнинг иштирокини бевосита таъминланишидир. Халқнинг бевосита давлат бошқарувида иштироки дастлаб сайловлар асосида амалга оширилади. Сайловнинг ташкилий ва ҳуқуқий масалалари эса уни тўғри қонуний ташкил этилганлигига боғлиқ бўлиб, ҳаққоний амалга оширилган бўлса, унинг натижали принципида ўз ифодасини топади.

Агар сайловларда алоҳида шахслар ёки гуруҳлар манфаатларига хизмат қилувчи сунъий шарт-шароитларга эришилса, унинг натижалари ҳам шунга мос равишда бўлади. Бу эса ўша давлат ёки жамиятнинг келгуси ривожланиш босқичига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва тадқиқ қилиш унинг мазмун-моҳиятига етиш ҳозир замон ҳуқуқшунослари учун шартдир.

Масалан, Франция Республикаси Президенти сайловида унинг натижаси Конституциявий Кенгаш назорати остида бўлиб, бунда асосан сайлов жараёнларининг охирги босқичи ҳисобланган, сайлов бюллетенларини санаш вақти алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бу жараёнга кўпроқ эътибор берилади ва сайлов натижаларини

[64] Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Ч-64. Практикум. – М.: Юрист, 1999. С.165.

эълон қилиниши ҳам муҳим принциплардан бири бўлиб ҳисобланади.

Франция Президенти сайлови якунларини эълон қилиш ҳам юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Конституциявий Кенгаш вазифасига киради ва ўн кунлик муддат ичида бўлажак Президент номини эълон қилади ёки қайта сайлов ўтказиш ёхуд қайта овоз бериш ҳақидаги ўз хулосасини билдиради.

Бунда асосан сайлов жараёнларининг охирги босқичи ҳисобланган, сайлов бюллетенларини санаш вақти алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бу жараёнга кўпроқ эътибор берилади ва сайлов натижаларини эълон қилиниши ҳам муҳим принциплардан бири бўлиб ҳисобланади.

Франция Президенти сайлови якунларини эълон қилиш ҳам юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Конституциявий Кенгаш вазифасига киради ва ўн кунлик муддат ичида бўлажак Президент номини эълон қилади ёки қайта сайлов ўтказиш ёхуд қайта овоз бериш ҳақидаги ўз хулосасини билдиради.

Барча хорижий давлатларда сайлов жараёнининг энг муҳим босқичи бўлиб овоз бериш дақиқалари ҳисобланади, айнан шу босқичда халқнинг хоҳиш-иродаси амалга ошади. Овоз бериш тадбири барча хорижий давлатларнинг сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган бўлади.

Овоз беришга сайловчилар рўйхатида турувчи фуқаролар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан (қатор мамлакатларда сайлов карточкаси ёки овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар) йўл қўйилади. Айрим мамлакатларда анъанавий сайлов бюллетенлари орқали овоз бериш билан бирга махсус машиналар воситасида ҳам овоз бериш амалиёти мавжуд. Махсус машиналар орқали овоз бериш сайловчиларнинг ўз хоҳиш иродасини кузатиш билан бирга сайлов натижаларини тезлик билан аниқлаш имконини беради. Бу эса сайлов қонунчилигини бузилишини олдини олади деб ҳисобланади. Лекин машиналар ҳам одамларга бўйсунади шунинг учун мутлақ қонуний овоз бериш жараёнини кафолатламайди.

Сайлов бюллетенлари масаласини тартибга солиш бўйича қонунчилик ҳамма давлатларда турлича. Масалан, Австрияда сайлов бюллетенларини нашр қилиш Федерал бюджетдан таъминланади, Испанияда эса номзодлар рўйхатига киритилган сиёсий бирлашмалар ва номзодлар сайлов бюллетенларини нашр қилишни ўз маблағларидан таъминлашлари лозим. Баъзи давлатларда сайлов бюллетенларини қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш учун давлат белгилари билан

Марказий сайлов органи назорати остида нашр қилинади (Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон).

Сайлов кунида ўзи рўйхатдан ўтган доимий яшаш жойида бўлмаган сайловчиларни овоз беришда қатнашишини ҳал қилиш масаласи ҳам жаҳоннинг турли мамлакатлари қонунчилигида турлича белгиланган. Баъзи давлатларда бу масала (Россия, Австрия, Ўзбекистон, Қозоғистон) шахснинг сайлов кунида ўз яшаш жойида бўлмаслиги мумкинлигини тасдиқловчи ҳужжатни (хорижий давлатга хизмат сафари) тақдим қилса сайловга қадар овоз бериши мумкин бўлади. Хорижий давлатларда доимий яшовчи фуқаролар ҳам сайловдан олдин ўз давлати элчихонасида овоз бериши мумкин. Кўпчилик давлатларда шундай ҳолатни ҳисобга олиб почта орқали овоз бериш амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Германияда почта орқали овоз беришда сайловчи ўз вақтида сайлов округи раҳбарига (яъни, округ сайлов органининг раисига) почта орқали овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси ва алоҳида муҳрланган конвертда сайлов бюллетенини тўлдирилган ҳолатда жўнатиши лозим. Агар почта сайлов кунида соат 18.00 га қадар етиб келса овоз ҳисобланади. Бунда сайловчи гувоҳномаси ва сайлов бюллетенини ўз қўли билан тўлдирганлиги ҳақида қасамёд билан имзолаши лозим.

Сайлов кунида ўз доимий яшаш жойида бўлмайдиган сайловчиларни овоз беришининг яна бир усули – ишончли вакил орқали овоз беришдир. Франция Республикасининг “Сайлов кодекси”да ишончнома орқали овоз бериши мумкин бўлган шахслар доираси белгиланган. Унга кўра хорижда хизмат сафарида бўлган, сайловда бевосита қатнашишга соғлиғи йўл қўймайдиган ва бошқа фуқаролар ишончнома орқали овоз беришлари мумкин. Умумий сайловлардаги овоз бериш одатда бир кунда ўтказилади.

Сайлов тугаши билан берилган овозларни ҳисоблаш дастлаб сайлов участкаларида дарҳол бошланади. Ундан кейин, ҳар бир сайлов округида берилган овозлар сони ҳисобланади, бюллетенлар орасидан ҳақиқий эмас деб топилганлари чиқариб ташланади. Бундай ҳолатлар участка сайлов органининг махсус баённомаси орқали ҳисобга олинади.

1972 йил қабул қилинган Швециянинг “Сайлов тўғрисида”ги қонунини 14-боби, 4 параграфига мувофиқ, дастлаб бюллетенда бирорта ҳам партия кўрсатилмаган ёки биттадан ошиқ сиёсий партия кўрсатилган бўлса; бюллетенда овозни кимга тегишлилигини аниқлашни имконини бермайдиган, атайлаб бузиб қўйилган белгилар

мавжуд бўлса ҳақиқий эмас деб топилади. Шунингдек почта орқали овоз беришда конвертда биттадан ортиқ бюллетенлар бўлса ва уларнинг барчаси бир хил тўлдирилган бўлса, улардан фақат биттаси ҳақиқий деб топилади, агар конвертдаги бюллетенларда турли партияларга овоз берилган бўлса барча бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайлов учкасткасида ҳисоблаб чиқилган овозлар юқори турувчи сайлов органига юборилади. Сайлов натижалари тегишли сайлов округи бўйича ҳудудий ва марказий органлар томонидан эълон қилинади. Турли мамлакатларда овоз бериш жараёни бир хил бўлиб, унда тенг миқдорда сайловчилар қатнашган бўлса ҳам сайлов натижаларини эълон қилиш сайлов тизимига кўра турлича бўлиши мумкин.

Шунингдек, такрорий овоз бериш алоҳида бир округларда сайлов ўтказилганидан кейин сайлов жараёнининг бир мунча соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин. Сайловда икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса ва номзодлардан ҳеч бири талаб қилинган миқдордаги овозни олмаса сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки номзод такрорий овоз бериш ўтказилади. Округ сайлов органи мазкур масала юзасидан қарор қабул қилиб бу ҳақида округ сайловчиларини хабардор қилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг кўп овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида такрорий сайловлар сайлов ўтказилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилса ёхуд агар сайлаш учун иккитадан кўп номзод қўйилмаган бўлса ва улардан ҳеч бири сайловчиларнинг зарур миқдордаги овозини олмаган бўлса, махсус сайлов органи такрорий сайлов кунини белгилайди. Овоз бериш асосий сайлов ўтказилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг аввал тузилган рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин камида бир ой муддат ичида ўтказилиши аксарият давлатларнинг қонунларида белгиланган.

Такрорий сайлов қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

А) Агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

Б) Агар такрорий овоз бериш натижа бермаган бўлса.

Айрим давлатларда такрорий сайлов қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

А) Башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд эмас деб топилган бўлса;

Б) Агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;

В) Агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса.

Такрорий сайлов махсус тузилган ёки ваколатли орган топшириғига биноан округ сайлов органи томонидан ўтказилади. Бунда тегишли сайлов органи такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов органлари томонидан ўтказилиши тўғрисидаги қарор қабул қилиниши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчилар рўйхатлари бўйича кечи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, саловолди ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш ва сайлов қонунчилигини ўзгача тарзда бузиш қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Шундай қилиб, сайлов ўтказилишининг демократиявийлиги унинг натижаларида халқ хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топади. Бу эса ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланиш кафолатидир.

28-боб. Хорижий мамлакатларда сайлов тизимлари

1-§. Хорижий мамлакатларда сайлов тизими турлари
2-§. Нисбий кўпчиликка ва мутлақ кўпчиликка асосланган можаритар, аралаш сайлов тизимлари
3-§. Малакавий кўпчилик учун сайлов тизими. Сиёсий партиялар учун мутаносиблик тизими (пропорционал). Пропорционал сайлов тизимининг кўринишлари

1-§. Хорижий мамлакатларда сайлов тизими турлари

Сайлов тизимининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши. Сайловлар фуқароларга уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш имкониятини яратади. Мавжуд сиёсий амалиёт миллий ва тарихий хусусиятларимиз ҳамда имкониятларимиздан келиб чиқади.

Демократиянинг энг муҳим принципи – давлат ҳаётида иштирок қилишга, ўз давлатини бошқаришга, давлат хизматини ўташга тобора кўпроқ фуқароларни мунтазам жалб қилишдир. Мазкур принципнинг амалга оширилиши дастлаб сайловларни қай даражада ўтказилиши билан боғликдир.

Дарҳақиқат, АҚШ, Франция, Италия, Германия, Англия ва бошқа давлатлар демократияни ривожлантириш борасида энг узоқ тарихий жараёнларни бошдан кечирган. Шундай давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда эндигина ўз мустақиллигини қўлга киритиб ривожланаётган халқлар ўз давлат тузумини белгилашга ҳаракат қилади. Буни амалга оширишда энг биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари ётади. Қайси жамиятда инсон ҳуқуқи улуғланар экан у тез орада тараққиёт сари илдам қадам ташлай бошлайди. Бунинг негизида давлат ҳокимиятини ташкил этиш принциплари муҳим ўрин тутади. Давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг демократиявийлиги сайловнинг халқчиллигига эришиш орқали амалга оширилади.

Сайловнинг халқчиллиги ташкил этилаётган органнинг миллийлигига ҳам кўп жиҳатдан боғликдир. Демак, сайловда халқчиллик принципига эришиш биринчи навбатда сайлов тизимининг тўғри белгиланиши ҳар бир миллат ўз тарихий давлат бошқаруви тажрибасига боғлиқ бўлса, ўз олдига қўйилган мақсадларига эришиш учун шарт-шароит яратади.

Сайлов тизими деганда сайлов ўтказишга тааллуқли барча ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов тизими тамойиллари, фуқароларнинг сайлов

ҳуқуқларини ўз ичига олган сайлов ўтказиш тартиблари ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси тушунилади.

Сайлов тизими тор маънода сайлов натижаларига кўра номзодлар ўртасида мандатларни тақсимлаш услуби ҳисобланади. Бунда услублар турли ҳуқуқий воситалар шаклларида бўлиб, қўлланилишига кўра сайловларнинг натижаси барча давлатларда турлича бўлиши мумкин.

Сайлов тизимлари бир давлатда амалда бўлиб, иккинчи давлатда ўзини оқламаслиги мумкин. Бир сайлов тизимини амалга киритишдан олдин мамлакатдаги сиёсий кучлар ва этник гуруҳларнинг мувозанати яхшилаб ўрганилиши лозим.

Мамлакатдаги мавжуд ижтимоий ва сиёсий шароитни турли этник гуруҳларнинг ўзига хослигини, кўппартиявий сиёсий тизимнинг қай даражада шаклланганлиги ва энг муҳими электоратининг сайлов тизимига қай даражада тайёр эканлиги ҳисобга олган ҳолда демократик жамият пойдеворининг мустаҳкамлигини ўрганиш мумкин.

Сайлов тизими сайлов округлари ва участкаларини ташкил қилиш, номзодларни кўрсатиш, сайловчиларни рўйхатга олиш, сайловларни ўтказишдаги масъул органлар (шахслар) масъулияти каби муҳим бўлган масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Сайлов тизимининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан сайлов округларининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Сайлов округлари ҳудудий бўлиниш асосида ташкил этилиб, уларда белгиланган миқдордаги депутатлар ёки сайлашга вакил қилинган кишилар сайланади[65].

Сайлов округлари бир мандатли, кўп мандатли ва умуммиллий бўлиши мумкин:

бир мандатли сайлов округларида ҳар бир округдан кўрсатилган номзодларнинг биттаси сайланади яъни бу тизим принципларига биноан, тегишли сайлов округида белгиланган кўпчилик сайловчининг овозини олган номзод ғолиб чиққан ҳисобланади;

[65] Баъзи мамлакатларда маълум мансабдор шахс ёки давлат вакиллик органини сайлаш учун бавосита сайловлар ўтказилади ва бу сайловларда айнан шу мақсадда бир марталик сайлов учун сайланган вакиллар ёки ўз хизмат лавозими юзасидан бу ваколатга эга бўлган шахслар қатнашади. Бу сайловлар икки ёки ундан ортиқ поғонали бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ ва Финляндия давлатлари Президентлари ёки Ҳиндистон парламентининг юқори палатаси икки поғонали сайлов йўли билан сайланади. Франция Сенати аъзоларини сайлашда эса бундай вакилларнинг сайловда қатнашишининг икки ёки уч поғонасини кузатиш мумкин. Сенаторларни сайлашда муниципал маслаҳатчилар, бош маслаҳатчилар, минтақавий маслаҳатчилар ва депутатлар қатнашадилар ва буни икки поғонали сайлов турига киритиш мумкин. Баъзи кичик коммуналарнинг маслаҳатчилари сайловда бевосита қатнашмай, ўз вакилларини белгилайдилар. Бу эса бавосита сайловнинг уч поғонали турига киради.

кўп мандатли сайлов округларида эса бир неча номзодлар сайланиб мандатларга эга бўладилар;

умуммиллий сайлов округлари давлат бошлиғини сайлашда ва пропорционал сайлов тизимларида ташкил қилиниши мумкин. Бунда номзодлар алоҳида бир ҳудуддаги сайловчиларнинг эмас, балки бутун мамлакат сайловчиларининг қўллаб-қувватлашларига умид қилишлари мумкин.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари тажрибасида сайлов тизимларининг учта шакли мавжуд. Бу мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари бўлиб, улар ҳам ўз навбатида тури шаклларга бўлинади.

Энг кенг тарқалган сайлов тизимларидан бири бу можаритар[1] сайлов тизими бўлиб, сайлов натижаларини аниқлашда кўпчилик овоз тамойилига асосланади.Мажоритар сайлов тизими ўз навбатида мутлақ, малакали ва нисбатан кўпчилик овозига асосланган сайлов турларига бўлинади.

2-§. Нисбий кўпчиликка ва мутлақ кўпчиликка асосланган можаритар сайлов тизимлари

Мутлақ кўпчилик сайлов тизими шундан иборатки, номзод сайланган деб ҳисоблаш учун у сайловчиларнинг ярмидан кўпининг қўллаб-қувватланишига, яъни 50%+1сайловчилар овозини олиши лозим. Масалан, сайлов мавзесида сайланиш учун 3 та номзод қўйилган (А,Б,В). Берилган 10.000 овоз қуйидагича тақсимланди: А- 3000, Б- 1990, В -5010. Бунда 5010 овоз олган В мутлақ кўпчилик овозини олган ҳисобланиб, сайланади.

Ушбу тизим амалда бўлган мамлакатларда, одатда сайловлар бўлиб ўтганлигини тасдиқлаш учун асос бўладиган сайловда сайловчиларнинг қатнашганлигининг қуйи фоизи белгиланган бўлади. Агар қонун ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда овоз берувчилар сайловларда қатнашмаса, сайловлар ўтмаган ҳисобланади.

Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, юқорида келтирилган мисолимизда мутлақ кўпчилик (5010) овозини олган В номзод сайланди, қолган икки номзодга берилган (4990, салкам 50%) овоз эса «йўқолиб» кетади ва натижада А ва Б номзодларга овоз берган сайловчилар ўз вакилларини парламентга ўтказа олмайдилар.

[1] majorite француз тилидан «кўпчилик» деган маънони билдиради.

Ундан ташқари мажоритар тизимнинг бу турида белгиланган мандатларга эга бўлишда кичик партияларнинг имкониятлари йўқ. Умуман олганда, сайловда мутлақ кўпчилик овоз олиш имкониятининг камлиги сайловни натижасиз тугашига ва қайта овоз бериш билан боғлиқ харажатларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Баъзи давлатларда бу муаммони ҳал қилиш учун иккинчи босқич ўтказиб унда сайлов натижаларини нисбатан кўпчилик овоз билан аниқлаш тартиби белгиланган. Масалан, Францияда 1962 йилда ўтказилган референдум асосида 1965 йилда бўлиб ўтган Президент сайловларидан бошлаб шундай тартиб амал қилиб келади[66].

Мутлақ кўпчилик сайлов тизимининг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, у ҳар доим ҳам биринчи турда натижа беравермайди. Бундай вазиятлар юзага келган ҳолатларда кўпчилик мамлакатларда сайловларни бир неча босқичларда ўтказилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса сайловчиларни сайловларда фаол қатнашишларини сусайишига, сайловларда сохталаштириш ҳолатларига олиб келиши мумкин. Шунингдек, мутлақ кўпчилик овозга асосланган бу сайлов тизими парламентдаги кўпчилик қўллайдиган барқарор ҳукуматни ташкил этиш имкониятини беради.

Хорижий давлатлар тажрибаларида пропорционал сайлов тизими асосида ташкил этилган ҳукуматнинг беқарорлигини бартараф этиш мақсадида бу тизимдан воз кечиб мажоритар сайлов тизимига ўтиш ҳоллари ҳам бўлган. Буни Франция мисолида кўриш мумкин. IV Республика даврининг сўнгги йиллардаги сиёсий беқарорликнинг асосий сабаби ҳукуматдаги келишмовчиликлар туфайли вужудга келган эди. Бу эса иқтисодий қийинчиликка, халқ турмуш даражасининг пасайишига олиб келган эди. Буни барҳам бериш мақсадида ҳокимият тепасига келган Генерал де Голь пропорционал сайлов тизими ўрнига мажоритар сайлов тизимини жорий қилди. Ўз вақтида ўтказилган бу сиёсий ислоҳот натижасида Франция қисқа вақт ичида “сиёсий ва парламент барқарорлигини таъминлашга имконият яратди”[67].

Сайлов натижаларини мутлақ кўпчилик овози асосида аниқлаш усулларидан бири, бу *преференциал*[68] овоз беришдир. Бу сайлов

[66] Ушбу референдум натижаларига кўра, Франция Президентини сайлашда бевосита сайловлар бекор қилиниб, у тўғридан-тўғри сайловлар асосида сайланадиган бўлди, қаранг: France., Ministere des Affaires etrangeres. Edition La documentation francaise, Paris, 1999, 52 p.

[67] Ушбу референдум натижаларига кўра, Франция Президентини сайлашда бевосита сайловлар бекор қилиниб, у тўғридан-тўғри сайловлар асосида сайланадиган бўлди, қаранг: France., Ministere des Affaires etrangeres. Edition La documentation francaise, Paris, 1999, 53 бет,

[68] Француз тилидан preference – «афзал кўриш» деган маънони билдиради.

тизими асосан Австралия ва унинг атрофидаги ҳамда Ирландия ва Ҳиндистон каби давлатларда қўлланилмоқда.

Бу овоз бериш турининг натижаси жуда самарали бўлиб, иккинчи босқични ўтказишга имконият қолдирмайди. Сайловчиларга рўйхатдаги номзодлар ўрнини ўз хоҳишлари бўйича ўзгартиришларига рухсат берилади. Сайловчи рўйхатдаги ҳар бир номзоднинг фамилияси олдига тегишли 1, 2, 3 рақамларини қўйиш билан номзодларга бўлган муносабатини билдиради, яъни сайловчи биринчи навбатда сайламоқчи бўлган номзод фамилияси олдига 1 рақамини, иккинчи навбатда сайламоқчи бўлган номзод фамилияси олдига 2 рақамини қўяди ва ҳоказо.

Бу сайлов тизими сайловчиларга ўз хоҳиш истакларини билдириб, ўзлари афзал кўрган номзодларни сайлаш имкониятини берганлиги учун ҳам уни “префенциал овоз бериш” деб аталади.

Австралияда бу тизим 1918 йил консерватор кучлар қўлида бўлган ҳукумат томонидан ўз тарафдорининг кўплаб сайлов округларида сайланишига имконият яратиш ва лейбористлар партияси таъсирини камайтириш мақсадида киритилган эди.

Овоз бериш натижаларини мутлақ кўпчилик овози асосида аниқлашга асосланган бу сайлов тури Папуа-Янги Гвинеяда у Австралия васийлиги остида бўлган йиллари амалда бўлган. 1975 йилда мустақилликка эришгач, Папуа-Янги Гвинея бу сайлов турини нисбатан кўпчилик овози асосида аниқлаш турига алмаштирди.

Преференциал ёки муқобил овоз бериш усулининг афзаллиги шундаки, унда турли этник гуруҳларнинг ўз вакилларини вакиллик органларига сайлаш имконияти бўлади, чунки бу усул йирик партияларни кичик партиялар билан ҳамкорлик қилишга ундайди. Бу усулнинг ўзгартирилган шакли Науру (Тинч океанининг жанубий-ғарби) давлатида учрайди. Унда сайлов натижаларини аниқлашни осонлаштириш мақсадида овоз олишда биринчи навбатда берилган овоз бир овозга, иккинчи ўриндаги ярим, учинчи ўриндаги учдан бир овозга тенг қилиб белгиланади.

Агар ҳеч қайси номзод мутлақ кўпчилик овозни олмаса, кейинги ўриндаги овозлар саналади ва шу тариқа энг кўп овоз олган номзод сайловда ютиб чиққан ҳисобланади.

Мутлақ кўпчилик сайлов тизими амалда бўлган давлатларда мамлакатдаги ҳудудларни сайлов округларига бўлишда, биринчи навбатда, субъективизмга йўл қўймаслик лозим бўлади. Ушбу ҳолатни рақамларда кўриб чиқадиган бўлсак, у қуйидаги кўринишга

эга бўлади. Масалан, 20 мингтадан сайловчи бўлган 5 бир мандатли сайлов округларига бўлиниши кўзда тутилган муайян географик ҳудудда икки партия – А ва Б партиялари рақобатлашади. А партияни ушбу ҳудудда 60 мингта, Б партияни эса 40 мингта тарафдорлари бор. Агар ушбу ҳудуд А партия тарафдорлари томонидан округларга бўлинадиган бўлса, унда бўлувчи А партия тарафдолари шундай қиладики, А партияни қўллаб – қувватловчи сайловчилар ҳар бир округда, кўпчилик қисмни ташкил қилиши назарда тутилган тарзда ҳудудни округларга бўладилар. Бундай ҳолатда, А партия ушбу ҳудудда барча бешта мандатни эгаллайди. Агар мазкур географик ҳудуд Б партия тарафдорлари томонидан округларга бўлинса, унда улар ҳудудни Б партияни қўллаб-қувватловчи сайловчилар кўпчиликни ташкил қиладиган тарздаги округларга бўлиб чиқадилар ва Б партия округларда учта мандатга эга бўлади, ваҳоланки А партиянинг мазкур ҳудуддаги тарафдорлари кўпчилик қисмни ташкил этса-да.

1 – илова 1-ҳолат

	Сайлов округлари					Эгалланган ўрин сони
	I	II	III	IV	V	
А партия	12 минг	12 минг	12 минг	12 минг	12 минг	5 та
Б партия	8 минг	8 минг	8 минг	8 минг	8 минг	0 та

2 – илова 2-ҳолат

	Сайлов округлари					Эгалланган ўрин сони
	I	II	III	IV	V	
А партия	18 минг	18 минг	8 минг	8 минг	8 минг	2 та
Б партия	2 минг	2 минг	12 минг	12 минг	12 минг	3 та

Шунингдек, мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини бирлаштириш тамойилига асосланган аралаш сайлов тизими мавжуддир.

Бу тизим Япония, Гвинея, Албания, Жанубий Корея, Литва, Самали ва Тайван каби давлатларда, МДҲ доирасида эса Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Россия Федерацияси давлатларида амал қилади.

Россия сайлов тизими сиёсий партияларнинг рўйхатига асосланган пропорционал вакиллик ва мажоритар тизимнинг оддий кўпчилик овозига асосланган бирлашувидан иборат.

Давлат Думасининг 450 депутатидан 225 таси бир мандатли сайлов округларидан мажоритар усулда сайланса, қолган 225 депутат пропорционал вакиллик асосида сайланади. Бунда, Россия Федерациясининг Россия Федерал Кенгаши Давлат Думасига депутатлар-

нинг сайлови тўғрисидаги федерал Қонуннинг 13-моддасига[69] биноан Федерация ҳудуди ягона сайлов округига айланади.

Ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва бу рўйхатга кирган номзод бир мандатли сайлов округида ўтказиладиган сайловда ҳам қатнашиши мумкин. Бунинг учун номзоднинг федерал сайлов округига ҳам, бир мандатли сайлов округига ҳам айнан бир сайлов бирлашмасидан ёки сайлов блокидан кўрсатилиши шарт қилиб қўйилган. Натижада, федерал округ бўйича пропорционал сайлов асосида ютиб чиққан партия яна бир қўшимча мандатга эга бўлади.

Бунда мандатлар тақсимлашига федерал округ бўйича 5%лик чегарага етган ва ундан ошган партияларгина қўйилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши қатъий пропорционал тизимда мавжуд бўлган майда партияларнинг кўпайиб кетишини олдини олади. Ундан ташқари мавжуд кичик партиялар бир мандатли мажоритар тизимли сайловларда ютқазсаларда, пропорционал сайловлар билан бунинг ўрнини тўлдириб олишлари мумкин. Лекин, Россияда мавжуд бўлган 5% ли тўсиқнинг бўлиши бунинг амалга ошишига анча тўсқинлик қилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши икки турдаги депутатларнинг сайланишига олиб келади. Биринчиси сайлов округидаги сайловчилар билан анча боғлиқ бўлган депутат бўлиб ўз сайловчилари олдида ўз масъулиятини сезади. Иккинчиси партия рўйхати воситасида сайланган депутат бўлиб, у маълум округ сайловчиларига унча таниш бўлмаслиги мумкин, чунки, сайловчи овоз берганда, алоҳида номзод учун эмас, балки партия рўйхати учун овоз беради. Натижада, сайланган депутат ўзини муайян сайлов округи сайловчилари олдида эмас, балки уни рўйхатга киритган партия раҳбарлари олдида ҳисобдор сезади.

Аралаш сайлов тизимининг яна бир шакли ягона овоз бериш бўлиб, у Иордания ва Вануату (Океания)нинг парламент сайловларида, Тайван парламентининг бир қисмини сайлашда қўлланилади. 1948 йилдан 1993 йилгача бу усул Япония парламентининг қўйи палатасини сайлашда ҳам қўлланилган.

Сайловнинг бу шаклида сайлов округида бир неча мандат бўлсада, ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга бўлади. Сайловчи партия рўйхатига киритилган ўзига маъқул бўлган номзодни ёқлаб овоз бериши мумкин. Бунда номзоднинг, масалан, 4 мандатли сайлов округида ютиб чиқиши учун 20% овоз тўплаши кифоя қилади.

[69] Собрание законодательства Российской Федерации, №26, 1999, с.577.

Бундай овоз бериш кўп мандатли сайлов округларида мандатлар бўлинишининг олинган овозларга мутаносиблигини анча таъминласада, сайловчи-депутат муносабатларини сусайтиради. Чунки, сайловчининг фақатгина бир овозга эга бўлиши, партияларнинг сайловчилар эътиборини қозонишга унчалик ҳаракат қилмасалар-да, осонгина мандатларга эришишини таъминлайди.

3-§. Малакавий кўпчилик учун сайлов тизими. Сиёсий партиялар учун мутаносиблик тизими (пропорционал). Пропорционал сайлов тизимининг кўринишлари

Малакали кўпчилик сайлов тизими амалда бўлган мамлакатларда номзод ёки номзодлар муайян округдан малакали кўпчилик (2/3 қисм ёки 65 %) овоз тўплаганларида сайланган ҳисобланади. Бундай сайлов тизими жуда ҳам кам учрайди, чунки мазкур тизим ўз хусусиятига кўра, жуда ҳам кам натижа беради, яъни номзодлар доим ҳам белгиланган миқдордаги сайловчиларни овозларини тўплай олмайдилар, бунинг натижасида, сайлов кўплаб турларда ўтказилишига олиб келади. Ҳозирда, Чили Парламентининг қуйи палатасига сайловларда мазкур тизимдан (2/3қисм) фойдаланилади, шунингдек, бир муддат олдин Италияда ҳам бир мандатли сайлов округларидан сайланувчи сенаторлар ҳам сайловчиларнинг 65 фоизини қўллаб-қувватлашига эришиши талаб қилинар эди.

Тарихдан маълумки, биринчи сайлов тизими сифатида мажоритар сайлов тизими вужудга келган. Ушбу тизимга кўра, номзод белгиланган меъёрдан кўпроқ овоз олганда, сайланган ҳисобланади.

Нисбий кўпчилик сайлов тизими бошқа сайлов тизимларига нисбатан анча содда ҳисобланиб, бундай тизим амалда бўлган мамлакатларда, сайловда қатнашаётган номзодлардан қайси бири рақибларига нисбатан кўпроқ овоз олса, у сайланган ҳисобланади. Ушбу тизим ўзининг хусусиятига кўра, фақат бир турда натижа беришлиги билан самаралидир. Нисбий кўпчилик сайлов тизимида фақат бир ҳолатда икки ёки ундан ортиқ номзоднинг бир хил овоз олганларидагина ғолиб аниқланмай қолиши мумкин, лекин бундай ҳолат жуда ҳам кам учрайди. Ушбу тизим жаҳоннинг 150 мамлакатида қўлланиб, одатда, сайлов бўлиб ўтганлиги учун асос сифатидаги сайловчиларнинг қатнашиш меъёри белгиланмайди: агар сайловда биргина сайловчи қатнашган бўлса ҳам сайловлар бўлиб ўтган ҳисобланади.

Нисбий кўпчилик сайлов тизимининг камчилик томони шундаки, таъсир жиҳатдан ўрта ва кичик партияларга давлат миқёси

даражасига чиқишга имконият кам яратади. Мисол тариқасида эллик минг сайловчи бор бўлган муайян сайлов округидан тўртта номзод кўрсатилганда, А партия номзоди 19 минг, Б партия номзоди 12 минг, В партия номзоди 10 минг, Г партия номзоди 9 минг овоз олганда депутатлик мандати А номзод партиясига тегишли бўлади, ваҳоланки, унга қарши сайловчиларнинг ярмидан кўпи (31 мингта) овоз берган.

Пропорционал сайлов тизими сайловларда кенг омма вакиллигини таъминлаш мақсадида киритилган, сайлов тизими бўлиб, Европа, Лотин Америкаси давлатларининг кўпчилигида, Африка давлатларининг учдан бир қисмида учрайди.

Бу тизимнинг асосий мақсади сайловларда олинган овозлар билан амалда парламентда эгалланган мандатлар мутаносиблигини таъминлашдир. Яъни, масалан, бир партия сайловда 30% овоз олган бўлса, парламентда 30% мандатга эга бўлиши, сайловда 15% овоз олган партия эса тегишлича 15% мандатга эга бўлиши керак.

Пропорционал сайлов тизимларининг кўпчилик овоз тамойилига асосланган мажоритар сайлов тизимларидан асосий фарқи ҳам шунда.

Пропорционал сайлов тизимларида катта-катта сайлов округлари тузилиб, ҳар бир сайлов округидан бир нечта депутатлар сайланади. Сайлов округлари қанча катта бўлса, олинган овозлар ва эгалланган мандатлар шунча мутаносиб бўлади.

Бунга эришиш мақсадида, бу тизимни қўллайдиган давлатларда бир нечта минтақалардан ва ҳатто бутун давлат ҳудудидан бир сайлов округи ташкил қилинади.

Бу тизимда ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва сайловчилар алоҳида олинган номзодга эмас, балки маълум партия рўйхатига овоз беради. Баъзи ҳолларда сайловчиларга номзодларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга ҳам имконият берилиши мумкин.

Сайловлар натижасини аниқлашда ҳар бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозлар миқдори белгиланади. Бу миқдор ҳар бир сайлов округи учун алоҳида қилиб белгиланиши ёки бутун давлат ҳудуди учун бир хил бўлиши ҳам мумкин.

Пропорционал сайлов тизимида мандатларни тақсимлашда, олинган овозларни санаб чиқиш усули жуда муҳим ўрин тутади. Овозларни ҳисоблаб чиқишда, турли математик усулларни қўллаш билан боғлиқ бўлган бир нечта усуллар бўлиб, булардан энг осони

инглиз олими Т.Хэр томонидан таклиф қилинган усулдир. Бунга кўра, мандатлар ҳиссасини (квота-Q) аниқлаш учун сайловда берилган умумий овозни (Х) сайлов округидаги мандатлар сонига (У) бўламиз. Буни қўйидагича шартли ифода билан бериш мумкин:

Q =Х : У

Квотани аниқлаб олгач, ҳар бир партия томонидан тўпланган овозларни квотага бўламиз. Шунда ҳар бир партиянинг қанча мандатга эга бўлиши келиб чиқади. Агар шундан кейин яна тақсимланмаган мандатлар қоладиган бўлса, улар энг кўп овозлар қолдиғи бўлган партияларга тақсимланиб берилади ва шу тариқа, барча мандатлар тақсимланади. Бу тақсимлашни қўйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Ўн бешта депутат сайланиши керак бўлган сайлов округида сайловда 5 та партия қатнашган дейлик. Сайловда жами 16.000 та овоз берилиб, партиялар қўйидагича овоз олдилар:

А-6100та, В-3300та, С-1400та, D-3000та, Е-2200та.

Умумий овоз – 16.000 ни мандатлар сонига, яъни 15 га бўламиз ва натижаси 1066 бўлади. Демак, бир мандатга эга бўлиш учун 1066 та овоз олиш керак бўлади. Энди партиялар тўплаган овозларни 1066 га бўлиб чиқсак, ҳар бир партия қўлга киритган мандатлар аниқланади. Буни жадвалда қўйидагича ифодалаш мумкин:

Партиялар номи	Тўпланаган овозлар миқдори	Тўпланган овозларнинг мандатлар сонига бўлинмаси (квота)	Тўлиқ квотага бўлиш	Тақсимланмаган мандатларнинг энг кўп қолдиғи бор партияларга тақсимланиши	Умумий эгалланган мандатлар сони
А	6100	5.71	5	1	6
В	3300	3.09	3		3
С	1400	1.31	1		1
D	3000	2.81	2	1	3
Е	2200	2.06	2		2
Умумий миқдор	16000		13	2	15

Пропорционал сайлов тизимида сайлов натижаларига сайлов округларининг бўлишини ҳамда мандатларга эга бўлиш учун белгиланган чегараларнинг қанча фоиз бўлиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Округлардаги вакилликларнинг сони қанча кўп ва мандат олиш учун белгиланган фоиз чегараси қанча кам бўлса, овозлар ва мандатлар мутаносиблиги ва кичик партиялар вакилларининг сайланиш имконияти шунча юқори бўлади.

Турли давлатларда, мандатларни тақсимлашда, қатнашиш ҳуқуқини олиш учун белгиланган овозлар фоизи чегаралари турлича белгиланган.

Германияда ва Парламентнинг қўйи палатасининг ярми пропорционал сайловлар асосида сайланадиган Россияда, бу чегара 5% бўлса, Исроилда 1,5% Нидерландияда 0,67%, Сейшел Ороллари Республикаси (Ҳинд океани ғарби) Парламентининг 23 мандатини тақсимлаш учун 10% қилиб белгиланган. Жанубий Африка Республикасида ўтказилган, 1994 йилги сайловларда Африка Христиан Демократлар партиясининг 0,45% овоз билан парламентдаги 400 мандатдан иккитасига эга бўлганлиги ҳам мандат олиш учун зарур бўлган чегаранинг пастлиги сайловда олинган овозлар ва эгалланадиган мандатлар мутаносиблигига эришишга хизмат қилишини кўрсатиб турибди.

Мандатларнинг тақсимланишида қатнашиш учун белгиланган бу чегара дастлаб, Германияда экстремистик гуруҳларнинг сайланишига чек қўйиш мақсадида киритилган эди. Лекин бу чегаранинг қатъийлигини камайтириш ва мутаносибликни таъминлаш мақсадида, ҳар бир партиянинг камида 3та мандатга эга бўлиши таъминланади. Мандатларни тақсимлашда, партияларнинг қатнашиши учун белгиланган чегаранинг мавжудлиги сайлов натижаларини аниқлашда, кўпинча салбий камчиликларга сабаб бўлади. Қонун билан белгиланган бу чегара кичик партияларнинг номзодлари учун берилган овозларнинг зое кетишига ва натижада овозлар ҳамда мандатлар номутаносиблигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун баъзи экспертлар бундай қоидани ортиқча ҳисоблаб, уни бекор қилишни тавсия этадилар.

Агар пропорционал тизимнинг асосий вазифаси овозлар ва мандатлар мутаносиблигини таъминлаш йўли билан озчиликнинг ҳам вакиллигини таъминлаш бўлса, баъзи давлатларда ўтказилган сайловларнинг бундай натижага олиб келмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1995 йил Россияда ўтказилган сайловларда сайловчилар овозининг қарийб ярми «йўқолиб кетган».

Пропорционал сайлов тизимида партия рўйхатлари бўйича овоз бериш бу рўйхатларнинг характерига қараб қатъий, қатъий бўлмаган ва ўзгарувчан рўйхатлари бўйича овоз беришга бўлиши мумкин. Қатъий рўйхатлар асосида овоз бериш пропорционал сайлов тизимини қўллайдиган давлатларда энг кўп тарқалган бўлиб, бунда сайловчилар муайян партия томонидан тақдим этилган рўйхатда

кўрсатилган номзодлар ўрнини ўзгартиришга, яъни ўзлари афзал кўрган номзодни биринчи ўринга қўйишга ҳақли бўлмайдилар.

Баъзида сайлов бюллетенига депутатликка номзодлар фамилиялари киритилмай, фақатгина партия раҳбарининг фамилияси ва партия рамзи киритилиши мумкин. Бу усулда овоз беришга Жанубий Африка Республикасида 1994 йилда ўтказилган сайловлар мисол бўла олади. Бундай овоз беришда, сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатига овоз бериш билан чекланадилар. Бу усулда овоз бериш бошқача тарзда сайланиши қийин бўлган озчилик вакилларининг ҳамда аёлларнинг сайланишига имкон туғдирса-да, депутатликка лойиқ бўлмаган номзодларнинг сайланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Партия рўйхатлари бўйича овоз беришнинг иккинчи тури бу қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришдир. Бунда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатини ёқлаб овоз беришдан ташқари бу рўйхатдаги номзодлар ўрнини алмаштириш имкониятига ҳам эгалар. Сайловчиларга номзодларни танлаш имкониятининг борлиги бу усулнинг афзаллиги бўлса-да, бу партия ичида келишмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришга маълум ўзгартиришнинг киритилиши билан бу рўйхатларнинг мослашувчанлик хусусиятини олган тури қўлланилади. Буни *панашаж*[70] қилиш асосида овоз бериш ҳам дейишади.

Швейцарияда сайловчилар мандатлар сони қанча бўлса, шунча овозга эга бўладилар ва улар бу овозларни бир партия рўйхатидаги номзодларга берадиларми ёки турли партия рўйхатидаги номзодларгами, уни ўзлари белгилайдилар. Бунда партия рўйхатидаги номзодлар сони кантондаги мандатлар сонидан ошиб кетмаслиги керак.

Сайловчилар овоз бериш чоғида қуйидаги уч йўлдан бирини танлашлари мумкин:

рўйхат қандай бўлса, шундай қолдиришлари, яъни бутун рўйхатга овоз беришлари;

бир номзоднинг номини икки марта ёзишлари;

рўйхатдан номзод номини ўчириб ташлашлари.

Швейцария сайлов тизими алоҳида номзодларга ўз муносабатини билдириш имкониятини берсада, сайловчилар кўпинча партия рўйхатларига овоз берадилар.

[70] Panachage – француз тилидан «аралашма» деган маънони билдириб юридик тилда бу сайловчи томонидан турли рўйхатда бўлган номзодларни бир сайлов бюллетенига киритиб овоз беришни англатади.

Панашаж қилиш усулида овоз бериш Франция Республикасининг маҳаллий вакиллик органларига сайловларда ҳам қўлланилади. Бу усулнинг қўлланилиши коммуналар аҳолисининг сонига боғлиқ бўлиб, агар коммуна аҳолиси 3500 кишидан кам бўлса, сайлов рўйхатларни панашаж қилиш имкониятини берувчи икки босқичли мажоритар тизим бўйича, аҳоли 3500 кишидан ортиқ бўлса, панашаж қилиш имкониятини бермайдиган икки босқичли мажоритар сайлов тизими ва қисман пропорционал тизим асосида ўтказилади.

Принцип жиҳатдан ушбу сайлов тизими бошқаларига қараганда адолатли туюлсада, лекин парламентар бошқарув шаклида бўлган мамлакатларда парламентда партия ва фракцияларни жуда ҳам кўп бўлишига олиб келади, оқибатда ҳукуматни шакллантириш жараёни узоққа чўзилиб кетади. Мазкур сайлов тизими кўп мандатли сайлов округларида қўлланилгандагина кутилган натижа беради. Агар мамлакат муайян бир катта сайлов округи сифатида намоён бўладиган сайловларда (албатта бунда сайлов округлари тузилади, лекин мамлакатга ягона округ сифатида қаралади) пропорционал сайлов тизимидан фойдаланилганда, сайловчилар фақат партияга овоз берадилар ва кўп ҳолларда сайловчи ўзи қўллаб-қувватлаётган партиядаги барча номзодларни танимайдилар ҳам.

Биз юқорида хорижий давлатлар сайлов ҳуқуқи ва асосий сайлов тизимлари хусусида имкон даражасида умумий маълумотларни беришга ҳаракат қилдик ва бу манбааларни янада чуқурроқ ўрганиш мумкин.

29-боб. Референдум

1-§. Референдум ҳамда плебисцит тушунчаси ва унинг ижтимоий вазифаси
2-§. Референдум предмети, уни ўтказиш тартиби
3-§. Референдум натижаларини аниқлаш

1-§. Референдум ҳамда плебисцит тушунчаси ва унинг ижтимоий вазифаси

Референдум Демократиянинг асосий шаклларидан бири бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топишидир.

Референдум атамаси лотин тилидаги «Referendum” сўзидан олинган бўлиб “хабар берилиши лозим бўлган” деган маънони англатади. Унинг ҳозирги моҳияти фуқароларни давлат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этишини билдиради.

Демократиянинг муҳим институтларидан бири ҳисобланган референдум ва сайловнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд.

Ўхшаш жиҳатлари ҳар иккиси ҳам халқ хоҳиш-иродасини ўзида ифодалайди, ҳар иккиси ҳам овоз бериш институти ҳисобланади.

Фарқли жиҳати эса сайловларда давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари шаклланса, референдумда давлат ва жамият аҳамиятига боғлиқ масалалар ҳал қилинади.

Сайловлардаги овоз беришнинг референдумдан фарқи шундаки, у бирон бир шахс мандатига юридик куч бермай балки, муайян масалани ҳал қилишга қаратилгандир. Агар конституция ва қонунларда белгиланган қоидалар асосида референдум орқали қабул қилинган қарор халқ иродаси ҳисобланади ва унинг юридик аҳамияти одатда, парламент томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлардан устун бўлади. Референдумда қабул қилинган қарорлар фуқароларни муайян қўйилган масалага тасдиқловчи ёки рад қилувчи жавоби шаклида қабул қилинади.

Сайловчиларнинг овоз беришини баъзан плебисцит деб ҳам аташади (лотинча plebiscitium-халқ қарори). Ҳуқуқий жиҳатдан референдум ва плебисцит ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ; улар тўлиқ синонимлардир. Бироқ стилистик фарқ мавжуд бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига доир референдум қоида тариқасида, плебисцит деб аталади. Масалан, фуқароларни овоз

бериш йўли билан ҳал қилинадиган тегишлилик жиҳатидан баҳсли ҳудудлар мақоми ҳақидаги, бошқарув шакли ҳақидаги давлат бошлиғи ҳақидаги масалалар кўриладиган референдум расмий ёки норасмий равишда плебисцит деб аталади.

Хорижий конституцияшунослик тажрибасига назар ташласак, референдум деганда, қонун чиқарувчи орган томонидан Конституция, қонунлар қабул қилиш ёки бошқа ички ва ташқи сиёсий масалалар бўйича ҳал қилувчи, охирги қарор қабул қилиниши назарда тутилади. Референдум ўтказиш шартлари ва тартиби конституциявий тузумга эга бўлган давлатларнинг Конституцияси ва қонунлари билан тартибга солинади.

Конституциявий ҳуқуқда, умумхалқ овозига қўйиладиган масаланинг моҳиятига, уни ўтказиш усулига ва қўллаш доирасига қараб референдумнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

1. Конституциявий референдум. Бунда ё Конституция лойиҳаси, ёки Конституцияга киритиладиган ўзгартириш (тузатиш, қўшимча) ҳақидаги лойиҳа умумхалқ овозига қўйилади.

2. Қонун таъсис этувчи референдум. Бунда Конституциядан бошқа бирон бир муҳим қонун лойиҳаси умумхалқ овозига қўйилади ва қабул қилинади.

Ўзининг мажбурийлигига қараб, референдумларни мажбурий ва факультатив турларга ажратилади:

1. Мажбурий референдум. Бу умумхалқ овозига қўйилиши шарт бўлган масалалар бўйича ўтказилади.

Бундай референдум масалани ечишнинг бошқа йўли бўлмаган тақдирдагина қўлланилиши мумкин. Унинг мутлақ мажбурий ва нисбий мажбурий турлари бор. Масалан, Испания Конститциясининг 151-моддаси 2-қисмига биноан “провинциялар учун бу провинцияларни ҳудудий ҳамжамиятини бирлаштирувчи автономия тўғрисидаги уставни тасдиқлаш учун референдум зарурдир”. Швейцария Конституциясининг 123-моддасига 1-қисмига кўра эса, “кўриб чиқилган федерал конституция ёки унинг бирор-бир қисми кўпчилик кантонлар ва овоз беришда, иштирок этган кўпчилик Швейцария фуқаролари томонидан мақулланган тақдирдагина кучга киради”.

Факультатив (мажбурий бўлмаган) референдум. Бунда олий қонун чиқарувчи орган муайян масалани хоҳласа умумхалқ овозига қўйиш орқали, хоҳласа халқ вакиллик органлари орқали ҳал қилиши мумкин. Факультатив (мажбурий бўлмаган) референдум ўтказиш ташаббуси билан сайлов корпуси (масалан, Италияда), федератив

тузилишига эга бўлган давлатларда, федерациянинг алоҳида субъектлари (масалан, Швецарияда) ёки марказий ҳокимият (масалан, Францияда) чиқиши мумкин. Ҳуқуқий оқибатига кўра, референдумларни тавсиявий ва белгиловчи референдумларга ҳам ажратилади.

Тавсиявий (масалаҳат берувчи) референдум – бирорта қонун ёки ҳуқуқий акт юзасидан давлат органи томонидан (яъни халқ хоҳиши билан эмас) ўтказиладиган референдум.

Қадимги даврларда ҳам муҳим аҳамиятга молик масалаларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳоллари бўлган, лекин улар референдум деб аталмаган. Қадимги дунё тарихига назар ташласак, баъзи давлатларда муҳим давлат ва жамият масалалари бевосита халқ томонидан муҳокама этилиб, ҳал қилинганлиги маълум. Масалан, эрамиздан аввалги VII-VI асрларда вужудга келган қадимги Афинада халқ мажлиси давлат ҳокимиятининг муҳим органи бўлган. Унда Афинанинг 20 ёшга кирган эркак жинсига мансуб тўла ҳуқуқли фуқаролари иштирок этишлари мумкин эди. Халқ мажлисининг вазифаларига қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, мансабдор шахсларни сайлаш, улар фаолиятини муҳокама қилиш, мудофаа, озиқ-овқат масалаларини ҳал этиш каби масалалар кирган. Халқ мажлиси 4 ойда бир марта чақирилиб турган. Лекин бу органларни ҳозирги вақтдаги референдумга, асло тенглаштириб бўлмайди. Чунки у вақтлардаги халқ мажлислари чекланган характерда бўлиб, уларда халқ оммаси тенг ҳуқуқлар асосида тўлиқ иштирок эта олиш имкониятига эга эмас эдилар.

2-§. Референдум предмети, уни ўтказиш тартиби

Референдум предмети бу – умумхалқ ихтиёрига ҳавола этиладиган давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари бўлган ижтимоий муносабатдир.

Референдумнинг предмети бўлиб конституция ёки қонун билан тақиқланманган ҳолларда, хоҳлаган бир масала ёки давлат қарорининг лойиҳаси бўлиши мумкин. Масалан, 1874-йилги Швейцария Конституциясининг 89-моддасида 2-4 қисмлар референдумларга умумаҳамиятга эга бўлган федерал қонунлар ва қарорлар қўйилишига рухсат беради. Демак, референдумнинг Предмети бўлиб федерал конституция тамойили бўлган ҳар қандай масала бўлиши мумкин. Буни биз юқорида Швейцария Конституцияси мисолида кўрдик.

Лекин айрим давлатларда референдум предметига чекловлар ҳам белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Масалан, Италия Конститу-

циясининг 75-моддаси 2-қисмига кўра, референдумга қуйидаги қонунлар қўйилмаслигини белгилаб беради: солиқлар тўғрисидаги, бюджет тўғрисидаги, амнистия ва афв этиш тўғрисидаги, халқаро шартномаларни ратификация қилиш ваколати тўғрисидаги масалалар.

Дания Конституциясининг кўра, референдумга молия-бюджет дастурлари, фуқаролик тақдим этиш, монархнинг статуси ва шунга ўхшаш масалалар қўйилмайди.

Давлат суверенитетига, демократик давлатларда, олий ҳокимият органлари ваколатларининг ўзгаришига ва шу кабиларга тааллуқли масалалар, албатта, референдум орқали ҳал этилади. Мажбурий референдумда тегишли қонун лойиҳаси бутун сайловчилар корпуси томонидан ратификация қилиниши (расман тасдиқланиши) шарт. Масалан, Америка Қўшма Штатларида Конституцияга ўзгартириш киритиш ҳақида лойиҳа тақдим қилинган бўлса, у барча, 50 та штатларда маъқулланган бўлиши лозим.

Баъзан эса референдум ҳокимиятнинг конституциявий органлари ўртасидаги келишмовчиликлар ёки ихтилофларни ечиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бунга бир мисол. Швейцария Конституциясининг 120-моддаси 1-қисмида кўрсатилишича, Федерал Конституциявий мажлис (парламент) штат (палата) ларидан бири Конституцияни қайтадан кўриб чиқиш тўғрисида қарор чиқарса, бунга бошқа штат (палата) норозилик билдирса, бу масала референдумга қўйилади.

Биз кўриб ўтган биринчи мисол (Испания Конституцияси 151-моддаси 1-қисми ва Швейцария Конституциясининг 123-моддаси 1-қисми) мутлақ мажбурий референдумга мисол бўлади.

Референдумнинг учинчи шакли бу бекор қилувчи референдумдир. Бундай референдум халқ ветоси деб ҳам номланади ва фақатгина бирон-бир қонун ёки актни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш масаласини ечишдагина қўлланилади. **Бундай референдумнинг махсус предмети** парламентни тарқатиш ёки чақириш масаласи ҳисобланади. Бундай предмет эса кам учрайди.

Кўп ҳолларда маҳаллий референдумлар факультатив ҳисобланади. Мажбурий **референдум предмети** бўлиб, ҳудудий тузилиши, айрим ҳолатларда эса, молиявий масалалар ҳам бўлиши мумкиндир.

Масалан, 1999 йилги маҳаллий ўз-ўзини бошқарув тўғрисидаги Венгрия қонунчилигига кўра, халқ қуйидаги масалалар бўйича овоз бериш мумкин:

1. жамоаларни бирлаштириш ва ажратиш тўғрисидаги масалалар;

2. янги жамоаларни ташкил этиш тўғрисидаги масалалар;

3. маҳаллий вакиллик органи ташкил этиш тўғрисидаги масалалар;

4. ўз-ўзини бошқариш органлари қарорлари билан белгилаб қўйилган масалалар;

Мазкур қонун бўйича референдумга қуйидаги масалалар қўйилмайди:

1) бюджет тўғрисида ;

2) маҳаллий солиқлар тўғрисида;

3) кадрлар масалалари тўғрисида;

Кўпинча, Конституция ва қонунлар, агар референдумга қўйилган масала инкор қилинган бўлса, қайта референдум ўтказишни тақиқлайди. Масалан, Италияда айнан ўша рад этилган масала бўйича референдум 5 йил ўтмасдан олдинроқ ўтказилиши мумкин эмас. Венгрияда эса бу муддат 2 йил қилиб белгиланган, агар Конституция лойиҳаси бўлса, унда 1 йил ўтгандан сўнг қайта референдум ўтказилиши мумкин.

3-§. Референдум натижаларини аниқлаш

Референдумда актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча сайловчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Масалан, 1958-йилги халқ сайлов тўғрисидаги Австрия Федерал қонунининг 1972 йилги таҳририда ёзилишича: “Овоз бериш ҳуқуқига сайлов ўтказиш бўйича кампания бошланган куни Миллий кенгашдаги сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча эркаклар ва аёллар эга”.

Агар, масалан, парламентнинг турли хил палаталари ёки давлат органларидаги сайловларда қатнашиш учун актив сайлов ҳуқуқига эга бўлиш шарти ҳар хил бўлса, референдумларда қатнашиш ҳуқуқи Парламентнинг қуйи палатасидаги сайловларда актив сайлов ҳуқуқи билан қатнашиш шарт қилиб қўйилади.

Бундай шартлар маҳаллий референдумларда ҳам амал қилиши мумкин. Референдумда сайлов тенг бўлади яъни ҳар бир сайловчи, бошқа сайловчи қанча овозга эга бўлса, у ҳам шунча овозга эга бўлади.

Сайловларда қатнашиш қоидалари билан бир қаторда референдумда қатнашиш эркин ёки мажбурий эканлиги тўғрисидаги масала ҳам ҳал қилиниши керак.

Референдумда овозлар бевосита таклиф қилинаётган қарорга ёки унга қарши берилади. Сайлов яширин бўлиши керак.

Референдумга овоз бериш умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин бўлиши керак. Бу тўртта принцип ҳар бир демократик сайловларнинг асосини ташкил қилади.

Референдум ташаббуси ва уни белгилаш ҳуқуқи қуйидагиларга тегишлидир:

1. давлат бошлиғига;
2. парламентга;
3. баъзан уларнинг иккаласига ҳам;
4. ҳукуматга;
5. парламент депутатлари гуруҳига;
6. ҳокимиятинг ҳудудий органларига;
7. сайловчилар гуруҳига;

Референдум ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиш давлат қарорларини қабул қилиш ва уларга махсус даража бериш имкониятини беради. Оппозиядаги партияларга эса бундай ҳуқуққа эга бўлиш давлатни бошқараётган партиялар билан бўладиган баҳсларда халққа бу баҳсни ечиш билан мурожаат қилиш имконини беради.

Сайловчилар гуруҳи ташаббуси билан ўтказиладиган референдум **петицион** ҳисобланади. Чунки у учун бирор бир масала юзасидан халқ сайловини ўтказиш талаби билан петиция имзоланиши керак. Масалан, 1949 йилдаги Венгрия Конституциясининг 1990 йилдаги таҳририда ёзилишича, умумхалқ сайлови Давлат Мажлиси томонидан тайинланади; Республика Президенти бундай ташаббус билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Кам сонли мамлакатлар референдум жараёни асосларини Конституция орқали тартибга солади. Масалан, 1991 йилги Македония Конституцияси 73-моддасига биноан, парламент депутатлар умумий сонидан кўпчилиги овоз берган тақдирдагина референдум тайинлайди. Ушбу модданинг 3-қисмига кўра, 150000 сайловчиларнинг талабига биноан, ҳам парламент референдум тайинлайди.

1990 йилги Хорватия Конституциясига биноан, референдум тайинлаш ҳуқуқига фақат вакиллар палатаси ва президент эга, лекин бу ўринда ҳукумат раисининг имзоси орқали ҳукумат таклифи билан бу ҳуқуқ амалга оширилиши мумкин.

Италияда эса Конституциясининг 75-моддаси 5-қисмига биноан, референдум 500000 сайловчи ёки 5 та вилоят кенгаши талаби бўйича тайинланади.

Референдумни ташкил этиш. Бу институт яъни (референдумни ташкил этиш институти назарда тутилмоқда) давлат ва маҳаллий

органларга сайловлар институтларига ўхшаб кетади ва бирга қўлланилиши мумкин.

Масалан, Испания қонунчилиги бўйича:

- референдум бўйича иш юритиш сайлов ҳуқуқига буйсунади;
- жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари парламент сиёсий гуруҳларига ва парламент сайловларида 3% дан кам овоз олмаган шундай гуруҳларга ҳам татбиқ этилади;
- сайлов кенгашлари референдум тайинлаш тўғрисидаги декретдан кейинги 15 иш куни давомида ташкил қилинади;
- почта учун имтиёзли тарифлар жорий қилинади;
- овозларни ҳисоблашни текшириш провициал сайлов кенгашлари томонидан 5 кунлик иш куни мобайнида ўтказилиши керак;
- эътирозлар маъмурий сайлов баҳслари бўйича палаталар томонидан кўриб чиқилади ва улар қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

а) эътирозга йул қўйилмаслиги тўғрисида;

в) овоз бериш ва унинг натижаларининг ҳақиқийлиги тўғрисида;

с) сайловларнинг хакикийлиги ва натижаларни янгидан эълон қилиш зарурлиги тўғрисида;

d) сайловларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида.

Референдумга қўйилган масалага муносабат албатта, овоз берувчиларда бўлиши керак. Бу ерда овоз берувчи қўйилган масала, яъни қонун матни, бирор бир тадбир ўтказилишига рози эканлиги асосий роль ўйнайди.

Референдумда жавоб **“ҳа”** ёки **“йўқ”** тарзида бўлиши жуда кўп ҳолларда учрайди. Бундан ташқари. халқ танлови (яъни овоз берувчига масалани ечишнинг икки ёки ундан ортиқ вариантлари, йўллари тақдим қилиниши) ҳам бўлиши мумкин. Масалан, афзал кўрган вариантни белгилаш (масалан «хоч» билан). Бундан ташқари, қаттиқ ва юмшоқ талаблар мавжуд.

Қаттиқ талабда биз юқорида кўриб ўтганимиздек, **“ҳа”** ёки **“йўқ”** деб жавоб бериш талаб қилинади.

Юмшоқ талаб эса маъқул жавоб икки ёки ундан ортиқ вариантлар бўлишини назарда тутади. Масалан, Швейцария Конституциясининг 12-моддаси б-қисмига кўра, агар 100000 сайловчи Конституциясига тузатиш лойиҳасини таклиф қилса, федерал мажлис эса, уларга карши лойиҳани илгари сурса, сайловчиларга 3 та масала таклиф қилиниши мумкин:

1. Сайловчи сайловчиларнинг лойиҳасини амалдаги Конституциясига мувофиқ деб билиш ёки билмаслик тўғрисида;

2. Сайловчи қарши лойиҳани амалдаги Конституциясига мувофиқ деб билиш ёки билмаслик тўғрисида;

3. Агар иккала лойиҳа ҳам референдумда кўллаб қувватланса, улардан қай бири кириши тўғрисида;

Бундан хулоса қилиш мумкинки, агар иккала лойиҳа ҳам қўллаб қувватланса, қарор учинчи саволга жавоб бериш билан аниқланади.

Юқоридаги халқ танловини бир нечта масалалар қўйиладиган референдумлардан фарқлашимиз лозим. Сабаби, халқ танловида айнан бир масала бўйича уни ечишнинг икки ёки ундан ортиқ вариантлари таклиф қилинади. Иккинчи ўринда эса, ҳар бир масала бўйича алоҳида референдум ўтказилади. Сўнгра бир нечта масалалар бўйича қарорлар қабул қилинади.

Масалан, Австрияда, умумий битта бюллетен чиқарилади, фақат ҳар бир масала араб рақами билан белгилаб қўйилади.

Референдум натижаларини аниқлаш учун сайловнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги масалани ечиш керак бўлади. Аввало референдум ҳақиқий деб топилиши учун унда қонунчиликда белгиланган миқдор қатнашиши шарт. Масалан, Италия қонуни овоз беришда рўйхатга олинганларнинг кўпи иштирок этиши кераклигини кўзда тутади (мажбурий вотум амал қилади).

Венгрия қонунчилиги бўйича эса, сайловларда сайловчиларнинг ярмидан кўпи иштирок этиши керак ва сайловчиларнинг ярмидан кўпи масалага бир хил жавоб бериши керак. Қарор овоз беришда, иштирок этаётган сайловчиларнинг кўпчилиги томонидан ёқланган бўлса, маъқулланган деб ҳисобланади. Бу ҳолат жуда кўп давлатларнинг қонунчилигида учрайди. Масалан, Австрия Федерал Конституциявий қонуни бўйича “халқ сайловини ўтказишда қарор оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади”.

Македония Конституциясинипг 73-моддасига биноан, овоз беришда сайловчилар умумий сонининг ярмидан кўпи иштирок этганлиги шарти билан қарор учун кўпчилик овоз берган бўлса, у қабул қилинган деб ҳисобланади.

Намибияда эса, 1990 йилги Конституциясининг 132-моддаси 3-қисми бўйича Конституциясига тузатиш киритиш учун умумий овозлар сонининг 2/3 қисми ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор маъқулланган деб ҳисобланади.

30-боб. Хорижий мамлакатларда давлат бошлиғи

1-§. Давлат бошлиғи тушунчаси
2-§. Президент-давлат бошлиғи
3-§. Монарх – давлат бошлиғи
4-§. Давлат бошлиғининг функциялари ва ваколатлари

1-§. Давлат бошлиғи тушунчаси

Ҳокимиятнинг "классик" тармоқлари – парламент, ҳукумат, суд (қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти)дан фарқли равишда давлат раҳбарининг амалий ва юридик ҳолатини бир хилда баҳолаш мумкин эмас. Бу жуда мураккаб масала: давлат раҳбари ким, унинг юридик ва амалий мақоми қандай? У ким - қонун чиқарувчими, ижро ҳокимиятининг раҳбарими ёки ҳеч бир тармоққа тегишли эмасми? Давлат механизмида давлат раҳбари қандай ўрин тутади. Гап шундаки, ҳар бир мамлакатда бу мансаб эгасининг тутган ўрни ўзига хос. Аммо шунга қарамай, уларнинг давлат раҳбари институтига берган таърифини ифода этувчи умумий белгилари, ўзига хос аниқ томонларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Масалан, Л.М.Энтоннинг фикрича, давлат раҳбари –бу "Давлат институти иерархиясида расман энг юқори ўринни эгаллаган, мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида ва бошқа мамлакатлар билан муносабатларида олий ваколатни амалга оширувчи расмий шахс (орган)дир". Буни энг универсал таъриф, дейиш мумкин.

В.А.Стародубский давлат раҳбарига лўндароқ таъриф берган, унинг фикрига кўра, давлат раҳбари – бу давлатни халқаро муносабатларда ифода этувчи ва олий давлат актларини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

А.А.Мишиннинг таъкидлашича, давлат раҳбари ижро ҳокимиятининг соҳиби, давлатнинг халқаро муносабатларидаги олий вакилидир.

А.М.Осаволюк давлат раҳбарига қуйидагича таъриф беради: *"Давлат раҳбари – давлат органлари тизимида олий лавозимни эгаллаган, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида унинг олий вакили, миллат ва давлат (халқ ва давлат) бирлигининг рамзи бўлган лавозими шахс ёки органдир.*

Умумий кўламда олиб қараганда, давлат раҳбари ё монарх (мутлақ ҳоким), ёки президент, ёхуд (камдан кам ҳолатларда) жамоа шаклидаги орган бўлиши мумкин.

Хўш, конституциялар давлат раҳбари институтларга қандай ёндошмоқдалар. Япония конституцисига кўра, давлат раҳбари "Император" унвонига эгадир. Конституциянинг 1-моддасида унинг давлат органлари тизимида тутган ўрнига таъриф берилади. Жумладан, ундан шундай дейилган:

"Император давлат рамзи ва халқнинг ажралмас бирлиги ҳисобланади, унинг мақоми суверен ҳокимият соҳиби –халқнинг хоҳиши иродасига қараб белгиланади".

Испаниянинг ҳозирги Конституциясида давлат раҳбари –қиролнинг роли ва тутган ўрни тўғрисида аниқ маълумот келтирилади. Унинг 50-моддасида шундай дейилади:

"Қирол Испания давлатининг раҳбари, унинг бирлиги ва барқарорлигининг рамзидир. У давлат институтлари томонидан тўғри фаолият кўрсатилишининг кафолати ҳисобланади. Халқаро муносабатларда Испаниянинг, айниқса, тарихан муштарак бўлган миллатнинг олий ваколатини, шунингдек, унга Конституция ва қонунлар билан бериб қўйилган функцияларни амалга оширади".

Франция Конституциясида, Президентнинг тутган ўрни, роли ва аҳамияти анча аниқ белгиланган (5-модда);

"Республика Президенти конституцияга риоя этилишини кузатиб боради, ўз арбитражлари орқали давлат органларининг мўътадил фаолиятини, шунингдек, давлат ҳокимиятнинг мустақиллигини таъминлайди. У миллий мустақиллик, ҳудудий яхлитлик, ҳамжамиятлар битимлари ва шартномаларига риоя этилишининг кафолати ҳисобланади."

Келтирилган мисоллардан кўринадики, давлат раҳбари халқ томонидан сайланган президент ёки монарх бўлса ҳам конституцияларда уларнинг давлатдаги ҳақиқий роли тўлиқ баён этилмайди ва аниқ таъриф берилмайди. Давлат раҳбари парламент томонидан сайланган президент бўлган ҳолларда, конституцияда унинг юридик, сиёсий ва бошқа ўрни тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Бу конституцияларда президентни сайлаш тартиби баён қилинади ва унинг муҳим функциялари санаб ўтилади холос. Бу конституциявий назария нуқтаи назаридан унчалик тўғри эмас. Бундай ҳолатларда қонун чиқарувчилар давлат раҳбарининг роли ҳаммага маълум ва уни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлашлари мумкин.

Италия ва Германия Федератив Республикаси конституцияларида давлат бошлиғи қандай орган деган саволга жавоб бўлмайди. Масалан, Италия конституциянинг 83-моддасида президент парла-

мент аъзоларининг қўшма мажлиси томонидан сайланиши ва уни сайлаш тартибигина белгилаб қўйилган.

84-моддада эса президентлик номзодларига талаблар тўғрисида, 85-моддасида президент 7-йилга сайланиши ва сайлов ўтказиш муддати ҳақида маълумот берилади. 86-моддада президент ўз вазифаларини бажара олмаган ҳолатларда, унинг лавозимини вақтинча бошқариб туриш тартиби баён қилинган. Фақат 86-моддада республика президенти –давлат раҳбари эканлиги ва у миллий бирликнинг ифода этиши маълум қилинади. Шу ерда унинг конституциявий ваколатлари санаб ўтилади.

Германия Федератив Республикаси конституциясида республика президенти-давлат раҳбари ёки у миллий бирликни ифода этиши ҳақида ҳатто эслатилмаган. Унинг 54, 55, 56-моддаларида президентнинг ваколатлари, сайланиш, қасамёд этиш, президентни лавозимидан озод этиш кўрсатилган.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, давлат раҳбарининг ҳуқуқий ва ҳақиқий мақоми, давлат ҳокимияти бошқарувини амалга оширишда унинг роли, мазкур давлатдаги мавжуд бошқарув шаклига, сиёсий тизим ва бошқа шарт-шароитларга, шунингдек, мамлакатда таркиб топган анъаналар, урф одатлар ва суд прецеденти характерига боғлиқдир.

Номигагина ҳокимиятни эгаллаб турган давлат бошлиғи фақат қонунларни имзолайди. Унинг имзоси қонунни кучга кирганлигини билдиради.

Давлат раҳбари қонун асосида маълум тадбирлардан ўтиб, фуқаролар ва бошқа давлатлар томонидан давлат раҳбари сифатида эътироф этилган тақдирдагина, қонуний ўз лавозимига киришган ҳисобланади. Қонунийлаштириш усуллари турлича бўлиши мумкин: агар у республика бўлса, сайланган президент, агар монархия бўлса, ўз лавозимини мерос тариқасида олган монарх давлат раҳбари бўлади.

Давлат раҳбари ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олган бўлса, ноқонуний ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳам давлат раҳбари давлат машинасининг қолган бўғинларини ҳам ўзига бўйсундириб, давлат бошлиғи функциясини бажариши мумкин. Ноқонуний давлат раҳбари диктатор, ёки куч ишлатиб ҳокимиятни босиб олган ҳарбий хунта бўлиши мумкин.

Давлат механизми тизимида давлат раҳбарининг ўрни тўғрисидаги масала жуда мураккаб. Унинг ҳақиқий ўрнини белгилашга

ҳаракат қилганингизда ҳар сафар истисно қоидаларга, қарама-қарши фикрлар ва мисолларга дуч келасиз. Кўпинча давлат раҳбарини ижро ҳокимиятига тегишли эканлигини ишонч билан таъкидлайдилар. АҚШнинг жаҳонга машҳур Конституциянинг 2-моддасида ижро ҳокимияти АҚШ президентига тегишли деб баҳоланган, фикримизча, давлат раҳбари институти кўпчилик ҳолатларда алоҳида мустақил комплексни ташкил қилиб, ҳокимиятнинг бирор тармоғига уни киритишга ҳаракат қилиш нотўғри ва самарасиздир.

2-§. Президент-давлат бошлиғи

Кўпгина манбаларда таъкидланганидек, республика президентининг монархдан энг асосий белги ва фарқи шундаки, президентлик сайланадиган лавозим ҳисобланади. Республикада давлат раҳбари бўлиб расман ва юридик жиҳатдан белгиланган барча цензларга мувофиқ келадиган ҳар бир фуқаро сайланиши мумкин Монархиядан фарқли равишда президент муайян муддатга сайланади, бу лавозимни эгаллаш вақтинчалик характерга эга.

Республиканинг учта асосий модели мавжуд: президентлик республикаси, парламент республикаси ва аралаш республика. Бу республикаларнинг номи давлат раҳбари лавозими билан бекорга боғланган эмас. Республика шунинг учун ҳам президентлик дейиладики, унда давлат раҳбарининг алоҳида мақоми-президентлик мустаҳкамлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, президентлик республикасида давлат раҳбари давлат бошқарув ишларида муҳим роль ўйнайди. Президент ижро ҳокимиятини бошқаради, давлат раҳбарлиги билан ҳукумат раҳбарлиги бир шахс тимсолида қўшиб олиб борилади. Президентлик республикалари АҚШ, Мексика, Венесуэлла, Миср ва бошқа мамлакатларда ҳақиқий вазият ана шундай.

Бошқарувнинг аралаш шакли бўлган мамлакатларда ҳам (Франция Португалия, Польша ва бошқалар) президент муҳим роль ўйнайди. Президентлик ва аралаш республикаларда давлат раҳбари асосий иқтисодий устуворлик ва йўналишларни танлашда, халқаро муаммолар ва иттифоқ тузиш бўйича мамлакатнинг сиёсий раҳбари сифатида жуда катта ваколатларга эга. Президент ҳақиқий ижро ҳокимиятига эгалик қилади, айни чоғда, армияга раҳбарлик қилиш, тартибни сақловчи кучлар ва бошқа турли фуқаролик хизмати, яъни минглаб давлат хизматчилари билан ишлашда, муҳим ваколатларга эга.

Давлат раҳбарлиги ва ижро ҳокимияти раҳбарлиги вазифаларни бир одам қўлида тўпланиши принципига турлича баҳо бериш мумкин, аммо кўпчилик мамлакатларида уни рисоладагидек, ҳолат деб эътироф этишади. Бундан ташқари, баъзи бир давлатшунослар ҳисоблаганидек, президентлик лавозими ижро ҳокимияти билан қўшиб олиб борилганидагина анча мақсадга мувофиқ бўлади. Парламентар республика президенти, юқоридаги ҳолатдан фарқли равишда, иқтисодиёт, ички ва ташқи сиёсат соҳасида бирон-бир ҳақиқий ҳокимиятга эга эмас.

Парламентар республикада президентнинг ролини парламентга монархиядаги монархнинг роли билан қиёс қилиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам давлат бошлиғи амалда давлатни бошқармайди. Бундай ҳолатда уларнинг давлат ишларига раҳбарлиги нисбий, аммо барибир иккинчи режали ишларни бажарса-да, давлат рамзи ҳисобланади. Баъзан ҳолатларда бундай "заиф" парламентар республика президентлик мамлакатидаги вазиятга, давлат ишлари оқимига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Одатда, бундай ҳолатлар фавқулотда ҳодисалар-парламент бўҳрони, табиий ҳалокатлар келиб чиққанида кузатилади.

Парламентар республикасида президент ҳукуматда, кўпчиликни ташкил этган партияга мансуб бўлса, сиёсий жараённинг боришига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ваҳоланки, баъзи бир мамлакатлар қонунчилигида, президент лавозимини эгаллаганларга расман сиёсий партия сафидан чиқиб кетиши талаб этилади.

Шу ўринда, муҳим бир жиҳатни эътиборда тутиш керак. Парламентар республикада президентнинг расмий ҳуқуқи, яъни конституцияда ёзилган ҳуқуқи ва ваколати президентлик республикасининг "кучли" президенти ваколатларидан катта фарқ қилмайди. Парламентар республика президентига конституция бўйича катта ваколатлар юкланган бўлса ҳам амалда бу ваколатлар ижро ҳокимият: Бош вазир ва ҳукумат қўлида бўлади;

Масалан, агар парламентар республика президенти ўз номидан бирор акт қабул қиладиган бўлса, бунда ушбу актлар констрассигнациядан ўтиши, яъни ижро ҳокимияти раҳбарининг имзоси тасдиқланиши талаб этилади. Президент имзоси ёнида бош вазир, ёки президент акти билан тартибга солинадиган мазкур соҳага жавоб берадиган вазирнинг имзоси туриши керак. Вазирнинг (бош вазирнинг) имзосисиз президент буйруғи қонуний кучга эга эмас.

Италияда (парламентар республика) президент расман олий бош қўмондон ҳисобланади. Конституция бўйича у парламентни тарқатиб

юбориши мумкин; фавқулодда ҳодиса юз берса Бош вазир ташаббуси билан парламент фракцияси раҳбарлари билан маслаҳатлашиб парламентни тарқатиш мумкин. Президент эса парламентни тарқатиш тўғрисидаги тайёр ҳужжатга қўл қўяди. Президент фақат парламент ишончини қозонган шахсни ижро ҳокимияти раҳбари қилиб тайинлаши мумкин, чунки, юқорида таъкидланганидек, ишончсизлик билдириш институти президентни ҳар қандай ташаббусини йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам бу президент ижро ҳокимият томонидан тайёрланган ҳужжатларга (шу жумладан, ҳукуматини тайинлаш ва бўшатиш) имзо қўйиш билан кифояланади.

3-§. Монарх – давлат бошлиғи

Монарх ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан бир қатор ўзига хос белгиларга эга, улардан асосан иккитасини алоҳида олиб кўрамиз.

Биринчи асосий белгиси шундан иборатки, монарх ҳокимияти ҳеч кимнинг таъсирида юзага келмайди, унинг ҳокимияти ҳеч бир тузулма, бирор орган, ҳаттоки, халққа ҳам боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Монарх ё илоҳий ҳуқуқ, ё табиий ҳуқуқ, ё ўз ҳуқуқига кўра, қадимий анъаналарига мувофиқ ўз ваколатларини амалга оширади. Ўша қадимий анъаналардан келиб чиқиб, монарх бутун давлат ҳокимиятининг манбаи ҳисобланади. Бутун давлат бошқаруви монарх номидан амалга оширилади.

Давлат органлари томонидан чиқадиган барча актлар у ёки бу даражада расман монарх номи билан боғлиқ: ё унга ҳавола қилинади, ё унинг номи таъкидланади, монарх расмий ёки норасмий равишда актга имзо қўяди. Барча давлатнинг ҳуқуқий ҳаракатлар монарх номи, унинг лавозими билан "ёритилади". Монарх номи бундай ҳаракатларга мазмун беради ҳамда унинг номи катта аҳамият касб этади.

Чекланмаган ҳокимият ҳукмрон бўлган ўрта асрларда монарх мутлақ ҳокимият эгаси бўлиб, унинг аҳамияти илоҳий даражага етган эди. Ҳозирги вақтда ҳам мутлақ монархия мавжуд албатта, улар ўрта асрлардагидан фарқ қилади, аммо монарх ҳокимияти ҳанузгача чекланмаганлигича қолмоқда. Ғарбий Европанинг конституциявий монархиясига келсак, у ерда ҳамма бошқарув монархлар номидан ижро этилади, аммо амалда уларнинг ҳокимиятидан ҳеч нарса қолмади. Ҳозирги монархларнинг ҳуқуқий мақомини ифодалашда, у ёки бу монархнинг қайси монархия давлат бошқарувида раҳбарлигини ҳисобга олиш керак.

Маълумки, монархия мутлақ, конституциявий ва дуалистик кўринишларга эга. Монархнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ваколати, имкониятлари монархнинг мамлакатда таркиб топган давлат бошқарув шакллари билан белгиланади. Шуни ҳам эслаб ўтиш керакки, монархнинг ҳақиқий ҳолати меъёрий ҳужжатларда ёзилганидан анча фарқ қилади. Монархнинг расмий ваколати ташқаридан қараганда, анча жиддийга ўхшаб кўринади, аммо давлат бошқарувида ҳақиқий ҳиссаси арзимас бўлиши мумкин. Мутлақ ва дуалистик монархияда монарх давлат механизмида марказий ўринни эгаллаб, ҳукумат таркибини тайинлайди ва ишдан озод қилади. Ҳукумат парламент олдида эмас, балки монарх олдида жавоб беради. Бундай монархияда монарх парламентга ҳам жиддий таъсир ўтказади. Баъзи ҳолатларда, у парламентни тарқатиб юбориши, вето қўйиши мумкин. Шунингдек, Қуролли кучларнинг Бош қўмондони ҳисобланади, давлатнинг барча юқори лавозимларига тайинлаш ҳуқуқига эга, шунингдек, судьяларни тайинлайди ва ишдан олади.

Парламентар ёки конституциявий монархияда монархнинг ваколатига келсак, санаб ўтилган ваколатлар қуролли ҳокимият тўғрисидаги қонунларда, ёки конституцияда расман ифода этилган бўлиши мумкин, аммо ҳаётда уларнинг ҳаммаси: Масалан, қирол расман ҳукумат таркибини тузиши мумкин, аммо бу ҳукумат парламентни ишончини қозонган бўлиши керак. Қирол расман (махсус буйруқ чиқариб) парламентнинг тарқатиб юбориши мумкин, аммо у бу ишни фақат Бош вазир таклифи билан амалга оширади.

Қирол барча қонунларни имзолайди, одатда, қонунларни имзоламаслик ҳолати учрамайди. Бундай монархия бошқаруви шаклидаги мамлакатларда давлат раҳбарининг амалий ва юридик мақоми ўртасида фарқ жуда катта.

Монархиянинг иккинчи асосий белгиси монарх ҳокимияти мерос қолади. Бошқача айтганда, мансаб, тахт, тож монархнинг наслига тегишлидир. У мерос тариқасида, қабул қилинади ва мерос бўлиб қолади.

4-§. Давлат бошлиғининг функциялари ва ваколатлари

Давлат раҳбари – давлатнинг шундай ҳуқуқий ва сиёсий арбобики, унинг барча фазилатлари ўзига хос ва ўзига мосдир. Биз фақат унинг умумий ваколатларини таҳлил қиламиз, бунда республика ва монархия шаклларини алоҳида ҳам ажратиб ўтирмаймиз. Давлат раҳбарларини умумий ваколатларини ёритишда, улар ҳақиқатдан ҳам

монарх учун ва президент учун универсал ёки характерлими ёхуд уларнинг баъзиларида бу хусусиятлар мавжуд эмасми деган саволларга тўхталамиз.

Адабиёт, манбаларда давлат раҳбарининг ваколатларига оид турли маълумотлар келтирилади, уларни умумлаштирганда энг асосий ва ўзига хос ваколатларини ажратиб кўриш мумкин.

Фикримизча, улар орасида энг универсали давлат раҳбарларининг вакиллик функцияларидир. Давлат раҳбари мавжуд урф-одатлар, қоидалар ва қонун нормаларига мувофиқ, ўз мамлакатини ички ва ташқи муносабатларда акс этади, бундай муносабатлар илдизи аслида қадимий даврларга бориб тақалади.

Вакиллик этиш функцияси асрлар мобайнида амал қилиб келаётган қоидаларга мувофиқ бажарилади. Давлат раҳбари турли тантанали маросимлар ва миллий байрамларни бошқаради. У муҳим тантаналарда иштирок этади. Муҳим саналар, воқеалар муносабати билан ўз халқига табриклар ва мактублар йўллайди, парламентга расман мурожаат қилади. Бу мактублар ва мурожаатлар диний маросим, эскича урф-одат характерига эга бўлиб, мамлакатдаги бирор воқеа билан боғлиқ.

Ўша кўп асрлик анъаналарга кўра, давлат бошлиғи хорижий мамлакатларда, ўз вакилларини дипломатик аккредитациядан ўтказадилар. Давлат раҳбари хорижий давлат вакилларини қабул қилади, улар ишонч ёрлиғи ва элчини чақириб олиш ёрлиғини топширадилар. Хорижий элчилар мамлакатга келиб, давлат бошлиғи қабулида бўлганидан кейин аккредитациядан ўтган ҳисобланадилар.

Давлат раҳбари расмий сафарда бўлади, бошқа давлатларниниг раҳбарлари билан учрашади, турли халқаро анжуманларда иштирок этади. Давлат раҳбари бирор давлатга ташриф буюрганда, унга иззат-икром кўрсатилади, фахрий қоровул саф тортади, давлат мадҳияси янграйди, мамлакатларнинг гимнлари ижро этилади.

Бундай сафарлар халқаро алоқаларни мустаҳкамлайди, тантанали учрашув мамлакатга бўлган ҳурматни ифодалайди. Давлат раҳбари музокаралар ўтказиш, халқаро шартнома ва битимларни имзолаш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ҳукумат томонидан маълум топшириқ талаб этилмайди, бундай ҳуқуқни унинг лавозими тақозо этади. Давлат раҳбари ҳар доим кенг маънодаги турли алоқаларда, мамлакат ичкарсида ва ташқарисида давлат, миллат, халқ вакили ҳисобланади. Шунинг учун вакиллик функцияси унинг мамлакат бош дипломати эканлигини ифодалаб беради.

Баъзан давлат раҳбари ваколати тўғрисида тўхтаганимизда, халқаро муносабатлар ёки ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятлари ҳам тилга олинади. Агар президент ёки мутлақ монарх кучли бўлса, унинг халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсий соҳадаги ваколатлари ҳам салмоқли ва аниқ-равшан бўлади. У ўз ташаббуси билан учрашувлар ўтказади, музокоралар олиб боради, шартномаларга имзо қўяди, яъни мамлакатдаги "биринчи" шахс ваколатни амалга оширади.

Агар парламентар республиканинг президенти ёхуд конституциявий монархиянинг монархи бўлса, бу ҳаракатларнинг ҳаммасини ҳокимиятнинг кучли тармоқлари ҳисобланган ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият топшириғи билан амалга оширади. Бундай ҳолатда, давлат раҳбари иккинчи ваколатли шахс функциясини бажаради.

31-боб. Давлат бошлиғининг ҳуқуқий ҳолати

1-§. Давлат бошлиғининг давлат бошқарувидаги ваколатлари
2-§. Давлат бошлиғининг қонун чиқариш жараёнида иштироки. Қонунчилик ташаббуси, парламентга нома юбориш (АҚШ)
3-§. Вето ҳуқуқи ва унинг турлари
4-§. Давлат бошлиғининг Халқаро муносабатлар, хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидаги ваколатлари. Давлат бошлиғининг фавқулодда ваколатлари
А) Монарх. Монархнинг ҳуқуқийҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ворислик тартиби
Б) Президент. Президентнинг ҳуқуқий ҳолати. Президент сайловининг асосий кўринишлари

1-§. Давлат бошлиғининг давлат бошқарувидаги ваколатлари

Хорижий мамлакатларда давлат бошлиғининг ваколатларини бир неча гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Давлат бошлиғининг бошқарув соҳасидаги ваколатлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ваколатлар қуйидагилардир:

давлат раҳбари барча ҳолларда ҳам ҳукуматни тайинлаш ва уни истеъфога чиқариш тадбирларида иштирок этади, яъни ижро ҳокимиятини шакллантиришда қатнашади. Унинг бу борадаги реал ҳуқуқи ва вазифаси белгиланган.

Парламентар республикаларда ва монархияларда давлат раҳбари мавжуд қонун, урф-одатлар ва суд прецеденти, жами ёзилган ва ёзилмаган қонунлар бўйича парламент ишончини қозонган шахсни Бош вазир, ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлашга мажбур. Қоидага кўра, булар сайловда ғалаба қозонган партияларнинг раҳбарлари бўлишади. Бунга Буюк Британия мисол бўла олади. Буюк Британия Қироличаси парламентнинг қуйи палатасига бўлган сайловларда ғалаба қозонган партия раҳбарини Бош вазир вазифасига тайинлайди. Монархнинг бу тайинлаши эса сайлов натижаларига боғлиқ, ўзи танлаш имкониятига эга эмас.

Давлат раҳбари ижро ҳокимятига ҳам эгалик қилса, яъни кучли президент модели мавжуд бўлса, уларнинг ваколати анча салмоқли ва кенг ҳисобланади. Президентлик республикасида президент барча

вазирлар ва қоидага аъзоларини тайинлайди ва маҳкамага кўра, ушбу маҳкамани ўзи бошқаради. Тўғри, вазирларни тайинлаш ёки ишдан олиш юзасидан қўшимча шартлар ва қоидалар бўлиши ҳамда улар мустаҳкамланиб қўйилиши мумкин, аммо улар давлат раҳбари ваколатига жиддий таъсир этмайди. Масалан, АҚШда вазирлар (улар давлат котиблари дейилади). Сенатнинг "кенгаши ва розилигига" мувофиқ президент томонидан тайинланади. Аксарият ҳолатларда, Сенат президент кўрсатган номзодларга эътироз билдирмайди. Парламентар республика ҳисобланган Италияда эса президент парламент томонидан кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланган ҳукумат аъзоларининг ҳар қандай рўйхатини тасдиқлайди. У ерда президент ва парламент ўртасидаги муносабатларнинг ўзгача модели амал қилади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги давлат раҳбари ваколатига унча юқори даражада бўлмаган бошқа мансабдор шахсларни тайинлашни ҳам киритиш мумкин. Бундай мансабдор шахсларнинг қаторига суд ҳокимияти вакиллари киради. Баъзи бир мамлакатларда, судьяларнинг тайинланиши давлат раҳбарининг ўз номидан эълон қилинган ҳужжатлари билан расмийлаштирилади.

Баъзи бир мамлакатларда ижро ҳокимиятининг муҳим ҳужжатлари давлат раҳбари номидан эълон қилинади. Ягона қоида-тартибни ижро этиш контрассигнация асосида бўлади.

2-§. Давлат бошлиғининг қонун чиқариш жараёнида иштироки. Қонунчилик ташаббуси, парламентга нома юбориш (АҚШ)

Давлат раҳбарининг навбатдаги ваколатлар гуруҳига парламент фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатлари ва қонунчилик соҳасидаги ваколатларини киритиш мумкин. Баъзан бу ваколатларни ажратиб таҳлил этишади, бизнингча, у бир-бирига жуда яқин, чунки, парламентга нисбатан ваколат ҳар доим қонун чиқарувчи орган билан муносабатини англатади.

Бир қатор мамлакатларда, давлат раҳбари парламентнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари сессиясини чақириш, сессияни очиш ва ёпиш, баъзи ҳолларда, қуйи палатани (ёки ҳар икки палатани) тарқатиб юбориш ва янги парламент сайловини ўтказиш каби ҳуқуқларга эга.

Жаҳондаги барча мамлакатларда амалда давлат раҳбари қонунчилик соҳасида маълум (ҳуқуқий нуқтаи назардан анча муҳим) ҳуқуқларга эга: қонунчилик ташаббус ҳуқуқи, қонунларни тасдиқлаш ва

имзолаш ҳуқуқи ёки қонунларни матбуот саҳифаларида эълон қилиш ҳуқуқи шулар жумласига киради. Барча давлат раҳбарлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас, аммо кўпчилик мамлакатларда, давлат раҳбари бундай ҳуқуқларни сақлаб қолганлар, ҳатто айрим мамлакатларда, "президент ташаббуси" деган атама кўп қўлланилади. Ваҳоланки, бу ерда гап ҳукумат қонунчилик ташаббуси устида бораётган бўлади.

Баъзи ҳолларда, ҳукумат давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, у орқали ўз қонунларини (аниқ қонун лойиҳасини) ўтказиб олади. Давлат раҳбари ўз номидан парламентга қонун лойиҳасини киритади, бу аслида ҳукумат томонидан тузилган қонун лойиҳаси ҳисобланади.

Баъзи бир муаллифлар давлат раҳбарининг қонунчилик соҳасидаги ваколатига парламентнинг юқори ва қуйи палаталари аъзоларини тайинлаш ҳуқуқини қўшишни таклиф этадилар. Масалан, Буюк Британия монархга лордлар Палатаси аъзолигига ўз вакили номзодини тайинлаш ҳуқуқи берилганлиги маълум. Канадада Британия монархини ифодаловчи ва амалда давлат раҳбари бўлган генерал-губернатор монарх номидан парламентнинг юқори палатаси –Сенат аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ бироз чегараланган тарзда, Ҳиндистон ва Италия президентларига берилган: улар юқори палатани бир неча аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига эгадир.

Умуман олганда, қонунчилик соҳасида, давлат раҳбарининг ҳуқуқи қонун тайёрлаш жараёнининг бошланишида ва охирида, яъни қонунчилик ташаббуси босқичида ва матбуотда эълон қилиш босқичида амалга оширилади. Кўпгина мамлакатларда, давлат раҳбари қонун лойиҳасини тасдиқлашга қарши чиқиши ва уни рад этиши мумкин. Бунга вето қўйиш (тасдиқлаш) ҳуқуқи дейилади.

3-§. Вето ҳуқуқи ва унинг турлари

Вето лотинча veto – тақиқлайман деган сўздан олинган бўлиб, у:

1. давлат ҳуқуқида давлат ҳокимиятининг бирор органи томонидан қабул қилинган қарорнинг унинг бирон бир органи (давлат бошлиғи) томонидан бекор қилиниши; Вето тартиби Қадимги Римда вужудга келган. Ҳозирги замон буржуа тизимларида, одатда, давлат бошлиғига парламент қабул қилган қонунларга нисбатан вето қўйиш ҳуқуқи берилади.

Ветонинг қуйидагича кўринишлари мавжуд бўлиши мумкин:

1. Мутлақ (Абсолют ёки резолютив);

2. Нисбий (Тааллуқли);

*Мутлақ вето*да, қонун ёки қонун лойиҳаси вето қўйилганидан сўнг ушбу қонун лойиҳаси қайтиб кўриб чиқилмайди. Бу асосан ўтмишда абсолют ва дуалистик монархияларда мавжуд бўлган.

Нисбий вето ёки *тааллуқли вето* шуни англатадики, Президент томонидан имзоланмаган қонун ёки қонун лойиҳаси парламентга қайтариб юборилади. Бунинг ҳам икки усули мавжуд:

1. Оддий нисбий вето;
2. Мураккаб нисбий вето.

Оддий нисбий вето: агарда, парламент томонидан Президент вето қўйган қонун қайта қабул қилинса, у ҳолда қонун президентнинг имзосисиз кучга киритилади. Бундай ҳолатга Францияда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мураккаб нисбий вето: масалан, АҚШда президент қонун лойиҳасига вето қўйса, ушбу қонун тасдиқланиши учун парламентнинг 2/3 қисм депутатларининг овози талаб қилинади.

Ветоларнинг яна қуйидагича турлари мавжуд:

1. Умумий;
2. Хусусий (танлама);

*Умумий вето*да қабул қилинган қонун тўлалигича бекор қилиниши билан бошқа вето турларидан ажралиб туради.

*Хусусий вето*да эса вето татбиқ қилинаётган қонуннинг айрим қисмлар ҳаракати тўхтатилади ёки бекор қилинади[71].

Шунингдек, “чўнтак ветоси” деган тушунча ҳам мавжуд. Бу ветога юридик адабиётларда қуйидагича таъриф келтириб ўтилган:

“Чўнтак” ветоси – АҚШнинг конституциявий амалиётида, баъзи ҳолатларда Президент ўзига ноқулай бўлган қонун лойиҳасининг кучга киришига йўл қўймаслик учун ишга соладиган алоҳида усул”[72].

АҚШ конституциясига мувофиқ, Президент Конгесс томонидан тақдим қилинган қонун лойиҳасини 10 иш куни давомида маъқуллаши ёки рад этиши лозим.

Агар қонун лойиҳаси Президентга Конгресс сессияси тугашига 10 кундан кам вақт қолганда келиб тушса ёки Президент қонун лойиҳасини сессия ёпилгунича (у бўйича ҳеч қандай қарор қабул қилмасдан) ушлаб туриши мумкин, шундан кейин қонун рад қилинган, деб ҳисобланади[73].

С.Н.Адрианов томонидан вето ҳуқуқининг қуйидаги

[71] Қаранг: «Юридик атамалар қомусий луғати», –Т.: Шарқ, 2003. 108-б.
[72] Қаранг: «Юридик энциклопедия», // У.Таджиханов таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2001. 538–б.
[73] Ўша жойда.

кўринишлари илгари сурилган ва таъриф берилган:

1. Absolute veto – охирги (ҳал қилувчи) вето. Асосан мутлақ монархия шаклидаги давлатларда қўлланади. Бошқалардан фарқловчи белгиси у қўллангандан сўнг қонун ўз кучини йўқотади;

2. Executive veto – ижро ҳокимиятининг бошлиғи томонидан қўйиладиган вето (Масалан, АҚШ Президенти ва губернатори томонидан қўйиладиган вето);

3. Legislative veto – қонунчилик органи томонидан қўйиладиган вето;

4. Outright veto – ветонинг ижобий ҳал этилиши («чўнтак ветоси»дан фарқли равишда), ветонинг Америка Қўшма Штатларига хос бўлган кўриниши;

5. Overridden veto – бартараф этилган вето;

6. Pocket veto – «чўнтак вето»си деб номланадиган вето кўриниши;

7. Presidental veto – Президент томонидан қўйиладиган вето, Президентлик ветоси;

8. Regular veto – одатий вето («чўнтак ветоси»дан фарқли) АҚШ учун хос;

9. Retroactive veto – орқага қайтиш кучига эга бўлган вето;

10. Royal veto - қироллик ветоси, Англия учун хос;

11. Suspensive (suspensory) veto – суспензив вето бўлиб, тўхтатиб туриш кучига эга. Ушбу вето қўлланганда қонуннинг ижроси амалга оширилмай туради;

12. Two – houses veto - – АҚШ Конгрессининг иккала палатаси томонидан ҳам айнан бир қонун ҳужжатига ёки унинг айрим қисм ёки моддаларига нисбатан қўлланилган вето[74].

4-§. Давлат бошлиғининг Халқаро муносабатлар, хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидаги ваколатлари. Давлат бошлиғининг фавқулодда ваколатлари

Шахсларнинг ҳуқуқий мақом соҳасидаги ваколат ҳам давлат раҳбари ваколати жумласига киради. Гап алоҳида фуқароларга қаратилган ваколат тўғрисида бормоқда. Бу орден ва медаллар билан мукофотлаш, турли унвонлар, фуқаролик мақомини бериш кабиларни ўз ичига олади.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда давлат раҳбари хорижликларга фуқаролик бериш масалаларини ҳал қилади. Давлат раҳбари

[74] English Russian Law Dictionary., S.N.Andrianov, A.S.Berson, A.S.Nifikorov., Moskow, RUSSO, 2000, p.450-451.

номидан шахсларнинг фуқаролигидан маҳрум этишлик мумкин. Давлат раҳбарининг акти билан ёки унинг номидан фуқаролик тикланиши, худди шундай тарзда сиёсий бошпана берилиши ҳам қабул қилинган.

Давлат хавфсизлиги соҳасида муайян ваколат кўпчилик давлат раҳбарларига хос ваколатдир. Разведка, контразведка, қўпорувчилик фаолиятига қарши кураш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш ҳуқуқи президентнинг хавфсизлик соҳасидаги ваколат доирасига киради.

Давлат раҳбари кўпинча ушбу соҳа билан шуғулланувчи (миллий хавфсизлик кенгаши) махсус идоралараро органларни бошқаради, миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиларга эга бўлади.

Давлат раҳбари ваколатининг муҳим қисми ҳарбий соҳа билан боғлиқ, жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда, давлат раҳбари расман (юридик жиҳатдан) олий Бош қўмондон деб эълон қилинади. Бўҳронли вазиятларда ва ҳарбий ҳаракатларда давлат раҳбарининг имзоси билан махсус ҳарбий актлар, қонунлар, директивалар чиқарилади.

"Кучли" президентлик ва монархия мамлакатларида, бир қатор ҳарбий масалаларни ечиш-давлат раҳбарининг реал ҳуқуқи ҳисобланади. Масалан, америкаликлар бу соҳани президент ҳуқуқи таркибига киритадилар ва уни олий бош қўмондон деб атайдилар.

Президент ҳарбий парадни қабул қилади, фахрийларни табриклайди, ҳарбий қўшинларни мудофаа қобилятини назорат қилади ва ҳ.к. Бу соҳада кундалик ваколат профессионал ҳарбийлар томонидан амалга оширилади: штаб генераллари, мудофаа вазирлиги ва қўшин турларининг турли штаблари шулар жумласидандир. Давлат раҳбари юқоридаги профессионал ҳарбийлар ҳаракатини мувофиқлаштириб туради.

Парламентар республикаларда ва монархияларда бундай мувофиқлаштиришни ижро ҳокимияти бошлиғи Бош вазир амалга оширади. Директивалар ҳарбий соҳадаги қарорлар агар зарур бўлса, давлат раҳбарининг номидан чиқарилади.

Давлат бошлиғининг Бош қўмондон сифатидаги бир гуруҳ ваколатлари ичидан айримларини ажратиб кўрсатиш мумкин, бу уруш ва тинчлик масаласи билан боғлиқ ҳуқуқидир.

Уруш эълон қилиш ва тинчлик битимини тузиш билан боғлиқ. кўп ҳоллар, бундай ҳаракатларга парламент санкциясини талаб этади. Бу ҳаракатларнинг барчаси давлат раҳбари сиймосида ижро этилади. У бўҳронли вазиятлардан чиқиш, ҳарбий ҳолатни эълон қилиш

ҳарбий қўшинларни қайси фронтга киритиш ёхуд ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида халққа ахборот беради.

Бир қатор мамлакатларда, қонунчилик давлат раҳбарига фавнулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқини берган. Шундай қилиб, давлат раҳбарини фавқулодда вазият соҳасида ваколати ёки фавқулодда ваколати мавжуд. Кўпчилик мамлакатларда, бу ваколат конституция моддаларида назарда тутилган. (Масалан, Франция конституциясининг 16 моддаси), баъзи мамлакатларда, махсус қонунлар ишлаб чиқилган. ГФРда фавқулодда қонунчиликка бағишланган қонунлар мажмуи мавжуд. Мамлакатда бундай қонунларда кўзда тутилган вазият вужудга кейса, фавқулодда ҳолат эълон қилинади. Бунда қонун бўйича мамлакатга президент эмас, балки ҳукумат бошлиғи-канцлер раҳбарлик қилади, чунки, ГФР парламентар республика ҳисобланади.

А) Монарх. Монархнинг ҳуқуқий ҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ворислик тартиби

Ҳокимиятга маълум бўлган функция давлат раҳбарининг мамлакат йўлбошчиси эканлигидир. Йўлбошчи тушунчаси расмий ва амалий бўлиши мумкин. У ушбу ҳар икки сифатни ўзида мужассамлаштириш, яъни деюре (расман) ва дефакто (амалда) раҳбар бўлиши керак. Бунга мутлақ монарх ёки халқ сайлаган республика президенти мисол бўла олади. Мамлакатнинг бу йўлбошчиси белгиланган тартибда ҳокимиятни қўлга киритган ва халқ томонидан эътироф этилган қонуний йўлбошчи ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, монарх алоҳида унвон ҳуқуқига эга бўлиб, мамлакатда фақат бир киши шундай унвон соҳиби бўлиши мумкин. Унвонлар турлича номланиши мумкин: қирол, улуғ герцог, улуғ князь, император; шарқда эса султон, амир, шоҳ ва бошқа номлар билан аталади. Эроннинг охирги монархи ўзини шаҳон - шоҳ деб атаган.

Монархда ҳокимият рамзларига эгалик ҳуқуқи мавжуд.

Ҳокимиятнинг бу рамзлари-тож, асо ва бошқалар билан ҳозирги монархлар деярли фойдаланмайди, улар кўпроқ давлат рамзларидан, почта маркаларида тасвирланади. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қироличаси Елизавета II монархга тегишли барча ташқи белгилар ва рамзлардан фойдаланадиган ягона монархдир. У ўтказиладиган барча муҳим тантанали маросимларда тож ва бошқа махсус қироллик кийимларида иштирок этади.

Алоҳида маросимлар-монархнинг тахтга ўтиришида тантанали маросим ўтказилади, унинг ташриф, учрашув, қабулларга алоҳида тус берилади, монарх ва унинг оиласини таништирув жараёни ҳам тантановор ўтади. Бундай тантанали маросимларда алоҳида ахлоқ ва одоб қоидалари жорий этилади. Масалан, монарх иштирок этган бундай йиғинларда унинг рухсатисиз ўтириш мумкин эмас, аёллар махсус таъзим бажо келтиришлари керак. Монархга орқа билан туриш ман этилади, ва ҳ.к.

Монархларнинг унвони ва тахт - тожи уларга умрбод берилади, сайланадиган монархия бундан мустасно. Тахт ворислигининг бир неча усуллари мавжуд. У махсус қонунларда, ё конституцияда ёки ҳар иккисида ҳам, шунингдек, суд қарорларида ва ҳуқуқий урф - одатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

Тахт ворислигининг энг қадимий усули меросхўрликнинг (Sali) сали тизимидир. Бу тизимга кўра, тахт ва тож фақат эркакларга қолдирилади, яъни мерос эркак наслига тегишли бўлади. Ҳозир сали меросхўрлигига фақат Шарқ мамлакатларида: Таиланд, Уммон, Саудия Арабистони ва Японияда амал қилинади. Яқин –яқинларгача бундай меросхўрлик тизими Европанинг Норвегия, Швеция каби мамлакатларида ҳам мавжуд эди. Фақат XX аср охирида, норвегия-ликлар ва шведлар бундай амалиётдан воз кечдилар ва бу соҳадаги қонунларига тузатишлар киритдилар.

Тахт ворослигининг иккинчи усули кастилия (Castilla) дейилади, унинг икки хил кўриниши мавжуд: анъанавий ва замонавий. Анъанавий кўринишига кўра тахт ворислари фарзандлардан энг каттаси, бунда ўғилларга кўпроқ имтиёз берилган ва шундай қоида мавжуд бўлган: "кичик ўғил туғишган опасига қараганда имтиёзга эга". Тахт ворислигининг бундай усули Буюк Британия, Испания ва бошқа бир қатор мамлакатлар учун хос бўлган.

Тахт ворислигига кастилия тизимининг замонавий кўринишда жинсидан қатъи назар ёши катта фарзанд эга бўлади. Тахт ворислигининг бундай усули Норвегия ва Швецияда ҳам мавжуд.

Учинчи усул Габсбург ёки Австро-венгер кўринишига эга. Габсбурглар номи Габсбурглар сулоласи шарафига қўйилган бўлиб, уларнинг сулоласи Австро-венгрияда императорлик қилганлар. Бу усул анча қизиқарли унга кўра, тахт ворислигига эркаклар наслидан ҳам, аёллар наслидан бўлганлар ҳам эгалик қилганлар, аммо асосан эркак наслидан чиққанлар имтиёзга эга бўлганлар. Бу ерда наслда эркаклар бўлмаган тақдирдагина аёллар тахтга эгалик қилганлар.

Бундай вариантнинг шундай таърифлаш мумкин эди: “Қиролнинг ҳар қандай даражадаги эркак жияни унинг қизига Караганда, тахтни эгаллашда устунликка эга". Бу усул 1797-1917 йилларда Россияда ҳам мавжуд эди. Уни император Павел 1 жорий қилган.

Ушбу усул Романовлар сулоласи билан бирга барҳам топди. Тахт ворислигининг тўртинчи усулини,биринчи марта Петр 1 тавсия этган, шунинг учун ҳам уни Петр усули деб аташ мумкин. Унинг моҳияти шундаки, монархнинг ўзи тахт ворисини белгилайди. Маълумки, 1721 йилда Петр ўз ўғли, шаҳзода Алексей вафотидан сўнг унинг тахтига ким ворислигини ўзи белгилаб бериш қоидасини мустаҳкамлаб қўйди. Аммо, Петр ўз ворисини тайинлашга ҳам улгирмади.

Бу усулни биринчи бўлиб, император Анна Иоановна амалга ошириб, ўз ворисини белгилади. Тахт ворислигининг бошқа усуллари ва вариантлари ҳам мавжуд масалан, араб монархларида тахт ворислиги тўғрисидаги масалани ҳар бир ҳолатда қуроллик оиласи ҳал қилади, бунга кўра, сулола тахтни қиролнинг катта ўғлига бериши шарт эмас, яъни қироллик оиласидан чиққан бошқа ворисларга ҳам бериш мумкин. Баъзи ҳолларда, тахтни эгаллашда парламент розилигини олиш керак.

Агар монарх вояга етмаган бўлса, бундай ҳолатда, монархияда регентлик (мамлакатни вақтинчалик бошқариб туриш) жорий этилади. Монарх вояга етгандан кейин ўзи мустақил қарор қабул қилаверади.

Давлат бошлиғининг асосий роли, функциясини белгилашга ҳаракат қилинса, унинг ўрнини аниқ белгилаб берадиган бирор хусусиятни ифодалаш мумкин бўлса, бунда давлат раҳбарини икки асосий белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Б) Президент. Президентнинг ҳуқуқий ҳолати. Президент сайловининг асосий кўринишлари

Президент мамлакатда, давлат бошлиғи бўлиб ҳисобланади. Айниқса, президентлик республикаларида президентнинг ваколатлари ҳамда ҳуқуқий ҳолати ниҳоятда кенгдир.

Президентни сайлаш механизми охир-оқибат унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилаб беради.

Президентлик республикасида ва аралаш бошқарув шаклидаги республикада амалда президент тўғридан тўғри халқ томонидан сайланади. Бундай сайлов Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатлари: Мексика, Чили, Перу, Колумбия, Коста-Рикада, Осиё мамла-

катларидан: Филиппин, Миср, Европа мамлакатларидан Францияда амалга оширилади. Бунда президент ҳокимиятни бошқариш ҳуқуқини берадиган ваколатларни халқ томонидан олган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг ваколат даражаси анча салмоқлидир.

Баъзи бир мамлакатларда, президентга жуда катта ваколат бериш хатарли эканлигини ҳисобга олиб, уни сайлаш тартиби парламент воситасида, амалга ошириш жорий қилинади. Бундай хатарга асос бор, чунки бевосита парламентга боғлиқ бўлмаган ва ўзини қонун чиқарувчи органга қарама-қарши қўйиши мумкин бўлган президент, баъзан парламент устидан ҳукмронлик ўрнатишга ва ҳокимият мувозанатини ўз томонига ўзгартиришга ҳаракат қилади, бунинг оқибатида давлат механизми меъёрида ишлаши учун зарур бўлган ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанат бузилиши рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатда бошқарувнинг демократик шакли авторитар ҳокимият тартиби билан алмашинади.

Президентлик республикасида билвосита сайловлар (АҚШ, Аргентина) қўлланилади. Бундай ҳолатларда, сайловчилар ҳайъати сайланади, кейин иккинчи турда сайловчилар номидан президент сайланиши мустаҳкамланган. Айтиш керакки, конституцияларда мустаҳкамланган билвосита сайлов тизимига қарамай, АҚШда тўғридан-тўғри сайловлар мавжуд. Сайланган АҚШ президенти фамилияси биринчи турнинг ўзида, яъни овоз бериш натижаларидан кейин, кун охирида сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини ифодалаганидан сўнг маълум бўлади.

Президент тўғридан-тўғри ёки билвосита сайланадиган барча мамлакатларда у ҳақиқатда кенг ҳокимият эгаси бўлади. Улар жумласига юқорида тилга олинган мамлакатлар (Франция ва АҚШ)гина эмас, балки Австрия, Ирландия, Исландия, Африкадаги мамлакатлар (Камерун, Сенегал) ҳам киради. Бу мамлакатларда президентлик мандати фуқаролардан олинади.

Билвосита тартибда сайланган президент ўз фаолиятини парламентдан деярли мустақил амалга оширади. Чунки уни тўғридан тўғри халқ сайлаган. Бундай сайлов тури парламент иштирокисиз давлат раҳбарини сайлаш деб айтилади.

Парламентар республикаларда қоидага кўра, президент кўп босқичли сайлов усули асосида сайланади. Бу кўпинча икки босқичли, баъзан уч босқичли тартибда ўтказилади.

Парламентар республикада, президентлик сайловининг уч варианти мавжуд.

1. Президент фақат парламент томонидан сайланади, бу тартибдаги сайловда бошқа бирор мансабдор шахс ва ҳокимият вакиллари қатнашмайди. Туркия ва Исроил мамлакатида президент сайлов тизими шундай.

2. Парламент депутатлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари таркибидан президент сайлаш учун махсус сайлов ҳайъати тузилади. Улар турли даражадаги ҳокимият вакилларидир. Бунга Италиядаги сайлов тизими мисол бўла олади. Италия Республикаси президенти ҳар икки палатанинг қўшма мажлисида сайланади. Парламент аъзоларига вилоятдаги вакиллар келиб қўшилади (ҳар бир вилоятдан 3 тадан вакил, энг кичик вилоят-Вале д'Аостадан бир вакил қатнашади). Амалда давлат раҳбари ҳар икки палата аъзолари томонидан сайланади, чунки, вилоятлардан келган вакиллар фақат 58 кишини, парламент аъзолари 935 нафарни ташкил этади.

Ҳамма ҳолларда ҳам президент сайловида фақат Олий ҳокимият вакиллари эмас, балки минтақа вакиллари ҳам фаол иштирок этади. Минтақа вакилларининг сайловда иштироки президентнинг парламентга тўлиқ қарам бўлмаслиги учун уюштирилган бўлиши ҳам мумкин. Италия президенти лавозимига номзодлар 50 ёшдан кам бўлмаслиги керак деган талаб ўрнатилгани бежиз эмас, бу камолга эришган етук ёш ҳисобланади. Бу вариант федератив давлатларга тегишли.

3. Баъзи бир федератив давлатларда президент сайлаш учун алоҳида ҳайъат шакллантирилади, улар федерал парламент депутатлари ва федерация субъектлари вакилларидан ташкил топади. Бу ерда италияликлар модели билан муайян ўхшашликлар бор, аммо Италиядаги президент сайловида ҳуқуқий бирликлардан вакиллар иштирок этади, мазкур ҳолатда эса давлат тузилмаси-федерация субъектлари қатнашади. Германия Федератив Республикаси бунга мисол бўла олади,бу ерда президент Бундестаг аъзолари (парламент қуйи палатаси) ва пропорционал вакиллик принципи бўйича федерация суъбектларининг қонун чиқарувчи органлари томонидан (ландтаглар) сайланган вакиллардан иборат федерал мажлис томонидан сайланади.

Президентни сайлаш учун Федерал Мажлис аъзоларининг мутлақ кўпчилигининг овози талаб этилди.

Ҳиндистонда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ерда президент парламентнинг ҳар икки палатаси аъзоларидан (уларда "федерал" сўзи ишлатилмайди) сайланган ва штатларнинг қонун чиқарувчи мажлис аъзоларидан сайланган вакиллардан иборат алоҳида сайлов ҳайъати томонидан сайланади.

Ҳамма ҳолатда ҳам президент сайлови парламент томонидан амалга оширилади. Адабиётларда таъкидланишича, агар давлат раҳбари мандатни парламентдан оладиган бўлса, бу иккиламчи, ясама ҳокимият эгасидир. У бевосита халқ томонидан сайланган эмас, шунинг учун парламентга ҳисобдордир. Шундай қилиб парламент томонидан сайланган президентнинг давлат бошлиғи томонидан сайланадиган президентлик ва аралаш республикадаги каби давлат ҳаётида иштироки ҳам табиий юқори даражада фаол бўлмайди.

Шу муносабат билан тадқиқотчилар таъкидлайдиларки, сайловнинг парламентар тизими давлат бошлиғи томонидан ҳокимиятни зўрлик билан босиб олиш ва ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишнинг бирмунча олдини олади.

А.А.Мишиннинг кўрсатишича, президент парламент томонидан сайланганда, давлат раҳбарини сайлаш тизими анча демократик ҳисобланади. Энг муҳими, президентни сайлаш усулида эмас, ҳокимиятининг реал бўлиниши ва "тутиб туриш ва посанги бўлиш" тизимидадир. Бу давлат раҳбари томонидан бошқалар ваколатини эгаллаб олинишига йўл қўймайди. Ҳамма ҳолатда ҳам, ҳаттоки, президент ваколатини халқдан олса ҳам "тутиб туриш ва мувозанатда бўлиш" тизими яхши ишлаб чиқилган бўлиб, ҳокимиятни зўрлик билан галлаб олинишига йўл қўйилмайди. Булардан ташқари, барқарор демократик анъаналар, сиёсий элитанинг мавжудлиги, юқори маданият, мамлакат фуқароларининг менталитети Америка Президентини қонундан четга чиқишидан сақлаб туради.

Агар муддатдан олдин президент вафот этса, истеъфо берса, ёки импичмент тартибида ҳокимиятдан четлаштирилса, бўш қолган ўрнига номзод тўғрисидаги масала турли усуллар билан ечилади. Баъзи мамлакатларда вице - президент унинг ўрнини эгаллайди. (масалан, АҚШда шундай тартиб бор) ва муддатидан олдин президентлик сайлови ўтказилмайди. Парламентар республикада, президентлик ўрни бўш қолганда, муддатидан олдин сайлов ўтказилади. Ўрни бўш қолган лавозим янги президент ишга тушгунча бошқа лавозимли шахс томонидан бошқариб турилади. Масалан, давлат раҳбари вазифасини парламент юқори палатасининг раис (Францияда ва Италияда Сенат раиси, ГФРда эса Бундестаг бошлиғи) бажариб туради. Баъзи мамлакатларда бундай функцияни ҳукумат раҳбари (масалан, Финландия ва Австрияда бош вазир) бажариб туради.

32-боб. Хорижий мамлакатларда парламент

1-§. Парламентнинг тушунчаси, ижтимоий вазифаси ва ваколатлари
2-§. Парламент – давлатнинг умуммиллий вакиллик органи
3-§. Парламентнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари
4-§. Парламент ва парламентаризм
5-§. Парламент назорат функциялари

1-§. Парламент тушунчаси, ижтимоий вазифаси ва ваколатлари

Парламент французча «Parler» сўзидан олинган бўлиб, «гапирмоқ», «сўзламоқ» маъноларини англатади. Парламент деганда, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи олий вакиллик органи тушунилади. Давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органини белгилашда, парламент атамаси Буюк Британия, Франция, Бельгия, Канада, Италия, Молдова, Қозоғистон каби давлатларда ишлатилади. Баъзи мамлакатларда эса «Мажлис» «Кенгаш» «Ассамблея» каби атамалар кенг қўлланилади. Бундан ташқари, давлатлар ўз тарихий тажрибасидан келиб чиқиб, парламентларни шунга мувофиқ номлайдилар, масалан, Латвия ва Литвада қонунчилик органи «Сейм» деб номланса, Туркияда «Буюк Миллат Мажлиси» деб аталади. Америка Қўшма Штатларида ва аксарият Жанубий Америка мамлакатлари парламентлари «Конгресс» деб номланади.

Аксарият икки палатали парламентларда палаталарнинг номи бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Америка Қўшма Штатлари Конгресси қуйи палатаси «Вакиллар Палатаси», Юқори палатаси эса «Сенат» деб номланади. Парламентнинг юқори палатасини «Сенат» деб номлаш одат тусига кирган.

Дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларида, парламент икки палатали кўриниш ҳосил қилган. Бунда қуйи палата асосан тўғридан-тўғри сайловлар асосида шакллантирилиши боис либерал характер касб этади. Юқори палатада эса аксинча, тайинлаш, мандатни мерос асосида қабул қилиб олиш каби усуллар учраб туриши боис, бу палата консерватив хусусиятга эга ҳисобланади.

Монокамерал, яъни бир палатали тизим ҳам дунё тажрибасида кенг қўлланилади. Бундан ташқари баъзи Африка ва Океания давлатлари парламентларида махсус ташкиллаштирилган қўшимча

палаталар ҳам учраб туради. Парламент демократик давлатлардаги вакиллик органи бўлиб, қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланади.

Замонавий парламент бу юқори турувчи орган бўлиб, халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, қонун чиқариш йули билан жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган, ижроия ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар устидан умумий назорат олиб борадиган марказий орган ҳисобланади.

Бундан ташқари парламент бошқа давлат органларининг фаолиятини ҳам ташкил қилади. Парламент ваколатларининг ҳажмига қараб унинг қуйидаги уч хил турини белгилаш мумкин:

1. Чекланмаган ваколатли парламент;
2. Мутлақ чекланган ваколатли парламент;
3. Нисбатан чекланган ваколатли парламент.

Парламентар бошқарув шаклига эга бўлган аксарият давлатларда парламент ваколатлари чекланмаган ҳисобланади. Бунга Буюк Британия парламенти классик мисол бўлиши мумкин. Инглиз ҳуқуқшунос олимларининг таъкидлашича, Парламентнинг устуворлиги қуйидагиларни назарда тутади:

1. Қонун қабул қилиш соҳасидаги устунлик. Қонун фақат парламент томонидан қабул қилиниши мумкин, ўз навбатида қонун норматив ҳуқуқий актлар иерархиясида биринчи ўринни эгаллайди;
2. Давлат бюджетини тасдиқлаш ва солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи;
3. Ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги;
4. Судьяларни ўз лавозимига тасдиқлаш ҳуқуқи;
5. Парламент ваколатларига ўхшаш ваколатларни амалга оширувчи рақобатчи ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги.[75]

Ҳуқуқшунос П. Бромхед мутлақ ваколатли парламент ғоясини ёқлаб чиқади. Унинг таъкидлашича, қонун мазмунига доир ҳеч қандай чекловлар, уни қабул қилишга ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас.[76]

Парламентни давлат ҳокимиятнинг олий вакиллик ва якка қонунчилик органи сифатида белгилаган Япония Конституциясида парламент ваколатлари аниқ санаб кўрсатилмайди. Бу эса, ўз навбатида, Япония Парламенти чекланмаган ваколатли парламент органи эканлигини тасдиқлайди.

[75] Уэйд Е., Филлипс Г. Конституционное право. –М.: ИЛ, 1950. С.70.
[76] Бромхед П. Эволюция Британской конституции. –М.: ЮЛ, 1978. С.199.

Парламентнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатларининг муайян доирага киритилиши, уни мутлақ чекланган ваколатли парламент сифатида эътироф этиш имконини беради. Франция Конституциясининг 34, 35, 49-моддалари парламентнинг қонунчилик йўли билан ҳал қилиши мумкин бўлган масалалар рўйхатини белгилаб беради. Қолган масалалар билан асосан ҳукумат шуғулланади. Франция парламенти ўз ваколати доирасидан четга чиқиб, қонун қабул қиладиган бўлса, бу ҳужжат Конституциявий Кенгашнинг хулосасига асосан ҳукумат декрети билан бекор қилиниши мумкин.

Ривожланаётган давлатлар парламентлари ваколатларини ҳам кўп ҳолларда, мутлақ чекланган ваколатлар сифатида қайд этиш мумкин. Сенегал, Габбон каби илгари Франция мустамлакаси бўлган давлатларда, парламент, айнан, француз модели асосида жорий қилинган.

Нисбатан чекланган ваколатли парламентлар кўпроқ учраб туради. Бу каби парламентлар асосан федератив ёки марказлашмаган унитар тузилиш шаклига эга бўлган мамлакатларга хос. Сабаби бундай давлатларда марказий ҳокимият органларининг ваколатлари федерация субъектлари ҳуқуқлари билан чекланади, шунга асосан парламент фақат маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқи билан чекланган доирадагина ўз фаолиятини юритиши мумкин. Масалан, АҚШ Конгресси фақат Конституцияда аниқ кўрсатиб қўйилган ваколатларнигина амалга ошириши мумкин.

Испания Конституциясида ҳам шунга ўхшаш тартиб ўрнатилган бўлиб, унга биноан, Конституцияда бевосита давлат ваколати доирасига киритилмаган масалалар, автоном уюшмалар ихтиёрига уларнинг Низомларига асосан берилади.

Умуман олганда, парламент қандай турдаги ваколатларга эга бўлиши кўп жиҳатдан унинг тузилиш ва бошқарув шаклига, сиёсий тартибига боғлиқ. Бундан ташқари парламент ваколатларига бевосита давлатнинг демократиявийлик даражаси, у юритаётган сиёсат ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, Президентлик республикаларида парламент ҳукуматни шакллантиришда, деярли иштирок этмайди, ижроия ҳокимияти устидан назорати ҳам у қадар кенг эмас. Парламентар Республикаларда эса парламент ижроия ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этади, ҳукумат раҳбарини сайлайди, фаолияти устидан кучли назорат олиб боради. Тоталитар сиёсий тизим шароитида Конституция ва жорий қонунларда парламентга кенг ваколатлар берилиши мумкин, бироқ амалда уларда қийинчилик

билан ҳаётга татбиқ қилинади.

Парламентнинг энг муҳим ваколатлари сифатида қонун қабул қилиш, молиявий функцияларни амалга ошириш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш, давлат органларини шакллантиришда, иштирок этиш кабиларни эътироф этиш мумкин.

Молиявий ваколатлар қаторига давлат бюджетини тасдиқлаш, солиқларни жорий қилиш киради. Давлат бюджети, одатда, қонун ҳужжати кўринишида қабул қилинади. Франция, Германия, Россия каби давлатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Бироқ Япония, Буюк Британия, АҚШ каби давлатларда давлат бюджети дастур сифатида ишлаб чиқилади ва бир қанча қонунлардан таркиб топади.

Парламентнинг солиқларни жорий қилиш ваколати ниҳоятда муҳим сиёсий аҳамиятга эга. Айнан шу ваколат орқали давлатнинг бутун иқтисодий ҳаётига таъсир кўрстиш мумкин. Кўп ҳолларда, бу ваколат бевосита конституцияда кўрсатиб ўтилади. Масалан, Болгария Конституциясининг 60-моддасига биноан, солиқ ва йиғимлар, бу соҳадаги имтиёз ва мажбурловлар қонун билан белгиланади, уларни жорий қилиш Халқ мажлиси мутлақ ваколатига киритилади.

Халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ниҳоятда муҳим парламент ваколатларидан бири ҳисобланади. Ратификация - у ёки бу шартномага қўшилишда, давлатнинг сўнги розилигидир. Муайян вақт давомида, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ваколати анъанавий тарзда давлат бошлиғига берилган. Бироқ вақт ўтиши билан халқаро шартномалар тобора чуқурроқ давлат ички ҳуқуқ тизимига кириб борди, халқаро шартномани имзолаган давлатга ўз ички қонунчилигини унда кўрсатилган қоида ва тамойилларга мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилди. Ҳозирда, халқаро шартномалар Германия ва Австрия Федерал Конституцияларига мувофиқ федерал ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Франция Конституциясига кўра, эса, давлат томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар давлат чиқарган қонунлардан устун ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг ички қонунчлик тизимига бу қадар кучли таъсири, парламентнинг халқаро шартномаларга қўшилиш борасидаги ваколатни амалга оширишда, иштироки заруратини келтириб чиқарди. Акс ҳолда, давлат раҳбари бу борадаги мутлақ ваколатидан фойдаланган ҳолда, ҳатто, парламент қабул қилган қонунларни халқаро шартномага қўшилиш орқали ўзгартириши ёки умуман бекор қилиши мумкин бўлиб қолар эди.

2-§. Парламент – давлатнинг умуммиллий вакиллик органи

Парламентнинг давлат механизмида тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, Ж. Локк ва Ш. Монтескье каби давлат ҳокимиятининг бўлиниши ғояси тарафдорлари унинг ваколатларини асосан қонун ижодкорлигини амалага ошириш билан чеклашга интилишган. Ж.Ж. Руссо эса давлат ҳокимиятининг яхлитлиги ҳақида сўз юритади ва қонунчилик органининг ижроия ҳокимиятни назорат қилиш ғоясини илгари суради.

Замонавий парламент бу - қонун қабул қилиш функциясини амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи. Бу функция ўз навбатида, бир қатор молиявий ваколатларни, жумладан, давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш ваколатини ҳам қамраб олади. Давлат бошқарув тизимига қараб, у ёки бу даражада парламент ҳукуматни назорат қилиш ваколатига ҳам эга ҳисобланади. Масалан, Испания Конституциясига мувофиқ, Генерал Кортеслар (Испания Парламенти) қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, давлат бюджетини қабул қилади ва ҳукумат фаолиятини назорат қилади. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, баъзи ҳолларда парламентнинг ўзи ҳукумат сиёсати таъсири остида қолиб кетиши ва нисбатан мустақиллигини йўқотиши мумкин. Бу жараённи собиқ Совет давлатлари парламентлари мисолида яққол кузатиш мумкин. Қолаверса, айрим ривожланаётган Африка ва Осиё мамлакатлари олий вакиллик органлари гарчанд ривожланган араб мамлакатлари модели асосида шакллантирилган бўлса-да, амалда реал ҳокимиятдан маҳрум ҳолда фаолият юритадилар.

Парламентнинг вакиллик хусусияти шундаки, у бутун миллат, фуқаролар номидан иш юритади. Шу сабабли кўп ҳолларда парламентни номлашда, “Миллий”, “Халқ” атамаларидан кенг фойдаланилади.

18-19-асрлардаёқ, вужудга келган миллий вакиллик концепцияси қуйидаги тамойилларнинг мажмуи сифатида эътироф этилиши мумкин:

1. Миллий вакиллик конституция воситасида жорий қилинади;
2. Суверенитетнинг мутлақ эгаси сифатида миллат парламентга ўз номидан иш юритиш ваколатини беради;
3. Парламент аъзоси уни сайлаган фуқароларнинг эмас, балки бутун миллатнинг вакили ҳисобланади, шу сабабли ўз сайловчиларига қарам ҳам бўлмайди.

Л. Дюги ва М. Прело каби олимларнинг таъкидлашича, парламент бутун миллат ўз номидан иш юритиш ваколатини берган орган, у халқ иродасини мустақил тарзда англаб етади ва конституция доирасида фаолият юритади, яъни парламент ҳеч кимга, шу жумладан, фуқароларга ҳам бўйсунмаган тарзда миллат манфаатидан келиб чиққан ҳолда, фаолият олиб боради, унинг миллийлик хусусияти ҳам айнан шунда.[77]

Баъзи олимлар парламентнинг вакиллик хусусиятига бу каби ёндашувни қоралаб чиққанлар, уларнинг фикрича, бу ҳолат парламентнинг демократик табиатини бутунлай йўққа чиқаради ва парламентни фуқаролар таъсири доирасига тушириш имкониятидан маҳрум қилади.

Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, амалда парламентни тўлалигича фуқаролар таъсири доирасига тушириш жуда мушкул. Бу ҳолат, айниқса, икки палатали тизимга эга давлатлар мисолида яққолроқ кўринади. Жумладан, Франция Конституциясига асосан, Парламентнинг юқори палатаси - Сенат маъмурий-ҳудудий бирликлар вакиллигини таъминлайди. Сенаторларнинг маъмурий-ҳудудий бирликлар - департаментлар аҳолиси томонида сайланишини ҳисобга олиб, бу вакилларни парламентда, тегишли департамент аҳолисининг бевосита манфаатини таъминлайди деб ҳисоблаш мумкин эди. Аммо айнан департамент фуқаролари, сенаторга бевосита таъсир ўтказиш, уни назорат қилиш конституциявий имкониятидан маҳрум ҳисобланади. Бу ҳолат парламент аъзосини сайловчиларнинг доимий таъсир доирасида ушлаб туриш имкониятини йўққа чиқаради.

Истисно тариқасида Германия парламентининг юқори палатаси - Бундесратни келтириш мумкин. Бундесрат аъзолари Германия ерлари ҳукуматининг расмий вакиллари ҳисобланадилар ва ўз ҳукуматларига бўйсунишга мажбур ҳисобланадилар.[78]

Парламентнинг юридик нуқтаи назардан аҳоли таъсири доирасидан четда бўлиши, унинг демократиклик хусусиятини фактик жиҳатдан истисно қилмайди. Сабаби, парламентни шакллантиришда партиялар муҳим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, партия рўйхати асосида, депутатлик ўринларига эга бўлган парламент аъзолари аксарият ҳолларда, партия кўрсатмаларида четга чиқмайди, ўз навбатида, партиялар келажакда парламентдаги ўз ўринларини сақлаб қолиш мақсадида, сайловчиларнинг фикри, иродаси ва манфаатлари билан

[77] Дюги Л. Конституционное право. М., 1908. С.416. Прело М. Конституционное право Франции. М., 1957. С.436.
[78] Государственное право Германии. –М.: ИГП РАН, 1994. С.51.

ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат миллат иродаси ва депутат фаолияти ўртасидаги узвий боғлиқликни келтириб чиқаради.

3-§. Парламентнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари

Биринчи парламент қаерда пайдо бўлган? Биринчи парламент Англияда пайдо бўлган деб ҳисоблаш доимий равишда эътироф этилган. Унинг туғилиши шаклланаётган буржуазия ва дворянларнинг ўртасидаги муроса бўлиб, аҳолининг бу икки гуруҳи ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Дастлаб, парламент қиролга маслаҳатлар берган, аммо кейинчалик у ўзига тегишли бўлган ўринни эгаллади.

Нисбатан ёши катта бўлган парламентлар қаторига Испаниянинг кортесини ҳам қўшишимиз мумкин. Исландия пойтахти Рейкьявик яқинида жойлашган, бир нечта қўпол ва катта тошларга ишора қилиб, бу ерда очиқ осмон остидаги дастлабки парламент бўлган деб айтишади. У ҳозир ҳам олдинги номи билан Альтинг деб аталади. Исландияликлар бу ерда қадимги викинглар ўз ишларини муҳокама қилишган ва ҳал қилишган деб ҳисоблайдилар. Ундан ташқари, қадимий парламентларга: Швециядаги-Риксдаг, Данияда-фолькетинг, Норвегиядаги – Стортинг, Исроилдаги- Кнессет ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Парламент ривожланишининг босқичларига тўхталадиган бўлсак, дастлабки босқич сифатида биринчи минг йиллик чегарасидаёқ, халқ йиғинлари шаклланган ва ишлаб турган давлатларни мисол қилишимиз мумкин: масалан, грек шаҳарлари ва Римда, кейинчалик Англия ва Испанияда – йиғинлар, қадимий Новгородда – вече. Фуқаролар ёки «танланганлар» (оқсоқоллар, вакиллар, князлар, аслзодалар)нинг бу мажлисларида, у ёки бу ҳудуддаги долзарб муаммолар муҳокама қилинган. Ҳудудларнинг чекланганлиги эса, бундай мажлисларни деярли мунтазам ўтказишга етарли имкон берган. Астасекин муҳокама қилинаётган муаммолар янада аниқлаштирилиб шахсий, баҳсли ва судга оид ишлар билан бир қаторда, умумаҳамиятли ишлар мавзуи, яъни уруш ва тинчлик муаммолари, қўшнилар билан ўзаро муносабат масалалари муҳокама қилинган. Бундай муҳокамаларни парламентнинг тарихий тимсоли ёки унинг шаклланишидаги бошланғич босқич сифатида қараб чиқиш мумкин.

Парламент ривожланишининг иккинчи босқичи, унинг давлат форуми сифатида майдонга келиш даврига тааллуқлидир. XII–XIII

асрлардаги Англия парламенти биринчи бўлиб бундай ролни қўлга киритиб, ҳатто мумтоз намуна сифатида тан олинган. Кейинчалик, XVI–XVII асрларда парламент подшо ҳузуридаги Кенгаш вазифасини бажарувчи табақавий-ваколатли идорага айланган.

Парламент тараққиётининг учинчи босқичи XVII аср охиридан бошлаб, XIX аср охирлари билан боғлиқ. Бу даврда парламентаризм ғоялари тўлиқ шаклланиб бўлди. Европа файласуфлари Дж.Локк, Ж.Ж.Руссо, Ш.Монтескье, Вольтернинг ишларида, шунингдек, 1787 йил Америка Конституцияси «оталари»нинг сиёсий трактатларида халқ суверенитети, ҳукмдор ва оддий одамлар орасидаги ижтимоий шартнома ғояси ишлаб чиқилган эди. Ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги маълум доктринада қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида парламентга муҳим аҳамият берилди. Бинобарин, биринчи марта халқ вакилларининг қонунчилик фаолияти билан, қонуннинг сайловчиларнинг истак билдиришлари билан боғлиқлиги ҳақида хулосага келишган эди.

Парламентнинг ривожланишидаги тўртинчи босқич XIX асрни ўз ичига олади. Бу даврда парламент батамом давлат органи сифатида шаклланиб бўлди. Сайлов қонунлари парламент аъзоларини мунтазам сайлаш асосини яратади. Парламент амалда ягона қонунчилик манбаига айланиб, қонунни қабул қилиш ҳуқуқи фақат унга берилди. Ўша вақтда, парламент институтлари қонун яратиш жараёни, депутатлар мақоми, ижро органлари, партиялар, матбуот билан муносабатлар шакллана бошланади.

Парламент ривожланишининг бешинчи босқичи XX асрга тўғри келди ва парламент аҳамиятининг ўсиши билан характерланади. Агар асрнинг биринчи ярмида парламентлар давлат тизимида ўзини исботлаши керак бўлган бўлса, урушдан кейинги йилларда, парламентнинг устуворлик ғояси оммавий тарзда тан олинди. Жаҳон ҳамжамияти ушбу ғоянинг кафолатига айланди. Парламентлар жамоатчилик фикрини фаол акс эттириш ва унга таъсир қилиш орқали ижтимоий ҳаётда тўлиқ маънода марказий ўринни эгаллайди. Уларнинг етуклиги демократик фуқаролик жамиятининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Парламент институтлари катта тажриба орттирдилар ва уларнинг давлат ҳокимиятидаги бошқа тармоқлар билан нисбати давлатчиликнинг ҳаракатланувчи омили даражасига кўтарилди.

4-§. Парламент ва парламентаризм

Парламентаризм – демократик жамиятнинг умуммиллий вакиллик органи. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципига кўра, олий қонунчилик ваколатига эга ва давлат органлари тизимида юқори ўринга эгадир. Парламентаризмда ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради. Парламентаризм тарихи эса Англияда 1215 йилда қабул қилинган “Буюк озодлик Хартияси” дан бошланади. Парламентаризмнинг бугунги кундаги ўрнини ва аҳамиятини қуйидаги хусусиятларда ифодалашимиз мумкин:

Биринчидан, парламентлар қонун қабул қилиш вазифасини бажаради. Бу билан инсон, жамият ва давлатнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда, бирламчи қатламни яратишга имкон вужудга келади. Аксарият мамлакатларда, қонун ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланиб, фуқаролар, давлат органлари, хўжалик ташкилотлари ва демократик институтларнинг қонунга риоя қилиши ўзига хос қатъий ижтимоий талабга айланиб бормоқда.

Иккинчидан, давлатнинг барча институтлари орасида парламент халқ вакиллигининг ягона органи сифатида намоён бўлди. Бу парламентни фуқаролар назарида барча учун демократик институт тарзида, партиялар ва ижтимоий ташкилотларга эса мақсад тарзида кўрсатади.

Учинчидан, ҳокимиятни учга бўлинишида парламент асосий институт сифатида намоён бўлиб, ҳар бир давлат органига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ижтимоий манфаатларнинг жамланиши ва уларни очиқ билдириш имконияти парламентни давлат ҳокимияти ва бошқа идоралари, «марказ» ва «жойлар» ўртасидаги тафовутни йўқотиш йўлида ҳамкорлик майдонига айлантиради. Аксарият давлатлар парламентларининг доимий вазифаси ўз ваколати доирасида манфаатлар мувозанатини таъминлашдир

Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашуви натижасида парламентлар олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Ижтимоий манфаатларни акс эттирувчи марказ сифатида унинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Ижтимоий эҳтиёжларни аниқлаш, плюралистик давлатда, манфаатларнинг кўпқирралигини акс эттириш, давлат қарорларини бажариш, умумий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатиш, айтилган анъананинг ўсаётган таъсирини кўрсатади. Парламентлар фаолияти ва уни ташкил этиш даражасини атрофлича ошириш зарурияти тобора ортмоқда. Шунинг учун, парламентни ахборот билан таъминлаш, депутатларнинг касбий даражасини ошириш, қонун яратиш жараё-

нини, парламент назоратининг шаклларини, ижтимоий фикрни жамлаш воситаларини такомиллаштириш каби вазифалар парламентаризм тажрибаси нисбатан кўп бўлмаган ҳукуматларнинг кун тартибида турибди.

Замонавий парламентлар бир бирларидан қуйидагилар билан фарқланади: таркиби, ваколатлари, ҳажми, шунингдек, палата ва парламентлар номи билан фарқланади. Масалан, Россия ва Швейцарияда парламент – Федерал мажлис, Болгарияда – Халқ мажлиси, Венгрияда – Давлат мажлиси, Словакияда – Миллий кенгаш, Вьетнамда – Миллий мажлис, Украинада – Олий рада, Нидерландияда – Бош штатлар, Испанияда – Бош кортеслар, Белоруссияда – Миллий мажлис, Мексикада – Бош конгресс ва ҳоказо деб номланади. Парламент номларидан кўриниб турибдики, аксарият улар ҳолларда, олий ва қонун чиқарувчи икки органнинг бир бутунлигини, моҳиятини очиб беради, халқ томонидан ушбу органни сайланишини таъкидлайди, айрим ҳолларда, давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини кўрсатади.

Бир қатор давлатлар конституцияси (Италия, Япония, Польша на бошқалар) парламент номининг конституциявий таърифини келтирмай, турли-туман палатага муайян бир ном бериб қўяди. Аксарият ҳолларда, палаталар қуйидагича номланади. «Вакиллар палатаси – Сенат», «Миллий кенгаш – Контонлар кенгаши», «Вакиллар палатаси – Маслаҳатчилар палатаси», «Миллий мажлис – Сенат», «Депутатлар палатаси – Сенаторлар палатаси», «Сейм – Сенат» ва ҳоказо.

Дунё парламентлари палаталарининг шаклланиш тартиби шундан дарак берадики, парламентнинг қонун чиқарувчи қуйи палатаси, асосан, мамлакатнинг сайланиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолиси иштирокида ўтказилган бевосита ва тенг ҳуқуқли сайлов билан шаклланади. Юқори палатанинг шаклланиш тартиби турли туманлиги билан фарқланади.

Европа мамлакатлари парламентларининг шаклланиш тартибида, ягона асосий хусусият ваколатларнинг ҳудудий бўлинишидир. У бевосита сайловлар (Швейцария, Италия, Польша), билвосита сайловлар (Франция, Нидерландия, Словения) аралаш сайловлар (Испания), ёки палата аъзоларини тайинлаш (Германия, Россия) асосида аксари палаталарнинг таркибини белгилайди. Ирландия тажрибаси, бўйича 60 сенатордан 11 тасини Президент тайинлайди, 49 сенатор сайланади (университетлар то-монидан 6, турли хил касбий гуруҳлар томонидан 43 сенатор).

Парламент фаолиятининг конституциявий бошқаришнинг асосий масалаларидан бири палата аъзоларининг сонидир. Чет эл тажрибалари шуни кўрсатадики, юқори палатада депутатлар сони қуйи палатага нисбатан камроқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Парламентнинг қонунчилик ва назорат фаолиятини асосан қуйи палата бажаради. Масалан, Бельгияда қуйи палатада, 150 депутат, юқори палатада эса 71 депутат фаолият кўрсатади.

Баъзи мамлакатларда палаталар муддати мос тушса (Норвегия, Нидерландлар, Испания, Италия, Польша), бошқаларида мос тушмайди. (Ирландия, Япония). Масалан, Японияда қуйи палатанинг ваколати 4 йил бўлса, юқори палата фаолияти 6 йилга мўлжалланган, шу билан бирга, ҳар уч йилда парламент аъзоларининг ярми қайтадан сайланади.

5-§.Парламент назорат функциялари

Хорижий мамлакатлар парламентлари ўз ваколатларини амалга оширишларида бир қанча назорат функцияларини амалга оширадилар. Жумладан, Парламентлар маълум даражада суд тизимини шакллантиришда ҳам иштирок этади. Масалан, яна ўша АҚШ Конституциясига мувофиқ, Президент сенат билан бамаслаҳат ва унинг розилги билан Олий суд судьяларини тайинлайди. Франция Парламенти Президентнинг давлатга хиёнати билан боғлиқ ишларни кўриб чиқувчи Одил судловнинг Юқори Судини ва мансабдорлик жиноятлари бўйича ҳукм чиқарувчи Республика Одил судлов Судини сайлайди. Германия Федерал Конституциясига мувофиқ, Парламент Конституциявий суд судьяларини ва Судьяларни сайлаш бўйича қўмита аъзоларини сайлайди.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат олиб бориш ваколати ҳам айнан парламентга берилади. Бу борадаги Япония Парламенти фаолияти анча яхши йўлга қўйилган. Япония парламенти ўз ваколати нуқтаи назаридан ҳукуматга юқори даражада таъсир этиш имкониятига эга ҳисобланади, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, парламент ҳукумат фаолияти устидан назорат олиб боради.

Парламент назоратининг одатий шакли бу ҳар сессиянинг бошида Бош Вазирниг ҳукумат сиёсати борасидаги ҳисоботига асосан ҳукумат сиёсатини умумий тарзда муҳокама қилиш ҳисобланади. Бироқ Япония парламентаризми тажрибасида анча кенг қўлланиладиган назорат шакли интерпелляция ҳисобланади. Назоратнинг бу

кўринишини Вакиллар палатасининг аъзолари қўллаш ҳуқуқига эга. Интерпелляция ёзма тарзда палата раисига тақдим этилади, раис сўровни рад этиш ҳуқуқига эга, у бу ҳуқуқдан фойдаланган тақдирда, сўров муаллифи палата пленумига мурожаат қилиши мумкин. Маҳкама етти кунлик муддат ичида депутат сўровига ёзма ёки оғзаки тарзда жавоб бериши лозим.

Парламентнинг муҳим назорат шаклларидан бири бу парламент тергови ҳисобланади. Япония Конституциясининг 62-моддасига мувофиқ, ҳар бир палата давлат бошқарувига доир терговларни юритиши, тергов давомида гувоҳларни жалб қилиш мумкин. Бундан ташқари, у ёки бу юридик жараён қонун талабларига асосан амалга оширилганини текшириш мақсадида тегишли баённомаларни талаб қилиш ҳар бир палата ваколат доирасига киритилган.

Японияда парламент тергови анча кенг қўлланиладиган жараён эканлигини қайд этиб ўтиш лозим, кўп ҳолларда, парламент тергови натижаси ўлароқ ҳукуматнинг йирик мансабдор шахслари жавобгарликка тортилган.

Маҳкамага ишончсизлик билдириш резолюциясига ҳам парламент назоратининг натижаси сифтида қараш мумкин. Ишончсизлик резолюцияси, одатда, парламентарийлар ташаббусига кўра, киритилади ёки ишончсизлик Бош Вазир томонидан тақдим этилган ҳукуматга ишонч билдириш резолюциясини рад этиш асосида амалга оширилади. Вакиллар палатаси томонидан ишончсизлик билдириш тўғрисидаги резолюция қабул қилинган ёки ҳукуматнинг ишонч билдириш тўғрисидаги резолюцияси рад этилган тақдирда, Маҳкама тўлиқ таркибда истеъфога чиқиши лозим. Бу тартиб ўн кунлик муддат ичида вакиллар палатаси тарақатиб юборилмаган тақдирдагина қўлланилади.

Судлов ваколатларининг парламент томонидан амалга оширилиши ноодатий ҳол, сабаби парламентнинг бу ваколати ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилига бир қадар рахна солиши мумкин. Бироқ жаҳон мамлакатларининг баъзи парламентлари бевосита судлов функцияларини амалга ошириш имкониятига эга эканлигини кўриш мумкин.

Баъзи парламентларга амнистия эълон қилиш ваколати берилади. Амнистия эълон қилиш гарчанд судлов ваколати бўлмаса-да, у ёки бу даражада суд ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган. Парламентга муайян давлатнинг бошқарув шакли, ҳудудий тузилиши нуқтаи назаридан бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

33-боб. Парламент тузилиши ва палаталарнинг ташкил қилиниши

1-§. Палаталар: бир палатали ва икки палатали тизим. Кўп палатали парламентлар
2-§. Палата шаклланишида турли усуллар: тўғридан-тўғри сайлов, тайинлаш, мерос йўли ва бошқалар

1-§. Палаталар: бир палатали ва икки палатали тизим. Кўп палатали парламентлар

Замонавий парламентлар, одатда, бир ёки икки палатадан иборат бўлади. Бироқ, яқин ўтмиш шуни кўрсатадики, парламент палаталари сони иккитадан ҳам ошиши мумкин. Масалан, собиқ Югославия Социалистик Федерал Республикасида Парламент палаталарининг сони олтитагача етган, 1984 йилда амалда бўлган Жанубий Африка Республикаси Конституциясига кўра эса, уч палатали тизимни ўрнатган.

Парламент институтининг ватани ҳисобланган Англияда дастлаб Парламент феодаллар ва руҳонийлардан таркиб топган. Вақт ўтиши билан Парламент мажлисларига графликлардан ва шаҳарлардан вакиллар таклиф қилина бошланди. Феодал, руҳоний ва маъмурий-ҳудудий бирликлар вакилларидан ташкил топган Праламент йиғилишлари қўшма тартибда ташкил этилган. Вақт ўтиши билан йирик феодалларнинг Парламентдаги мавқеи ортиб борди, улар Парламент суд ваколатларини амалга оширишда ва Қирол томонидан юқори мансабдорларни тайинлашда, кучли таъсир кучига эга бўла бошладилар. 14-асрнинг ўрталарига келиб, графликлар ва шаҳарлар вакиллари йиғилиши алоҳида ҳамда феодаллар ҳамда руҳонийларнинг йиғилишлари алоҳида ўтказиладиган бўлди. Бу жараён бевосита кейинчалик мустаҳкам икки палатали тизимнинг қарор топишига олиб келди.

Европада 18-асрга келиб, кенг тарқалган инқилоблар бир палатали тизимнинг вужудга келишига олиб келди. Сабаби, инқилобчилар, айнан, бир палатали прламент инқилобий ғояларни самарали тарзда амалга ошириш имконини беради деб ҳисоблар эдилар. Бироқ аксарият ҳокимият ваколатларининг бир орган ихтиёрига берилиши деспотик бошқарув вужудга келиш хавфини ҳам ҳисобга олишган. Шунга асосан, 1787 йил АҚШда, 1795 йилда Францияда икки палатали тизим жорий қилинди.

Икки палатали тизимнинг ижобий томони сифатида унинг фильтрация хусусияти эътироф этилди. Кўпроқ консерватив хусусиятга эга бўлган юқори палата, қуйи палатанинг шошмашошарлик билан қабул қилган қонунларини ўзига хос чиғириқдан ўтказиш, ўйланмай амалга оширилган ислоҳотларнинг олдини олиш имконини берар эди. Ўз даврида Ш. Монтескье Англия икки палатали тизими ҳақида сўз юритиб, "Бу ерда бир-бирининг қарорларини бекор қилиш ваколати орқали ўзаро тийиб туриш механизмини вужудга келтирувчи қонунчилик мажлиси мавжуд" деган сўзларни айтиб ўтган.[79] Америкалик олим Ж. Брайс ҳам икки палатали тизимда қуйи палатанинг шошмашошарлиги, қизиққонлиги ва лоқайдсизлигининг олдини олиш воситасини кўрган.[80]

Социалистик ёндашув бир палатали тизимни ёқлаб чиққан бўлиб, унга биноан унитар давлат шароитида икки палатали тизим халқ ҳокимиятчилигига таҳдид солиши, парламентнинг вакиллик хусусиятини йўққа чиқариши мумкин. Социалистик таълимот икки палатали тизим фақат федератив давлат шароитидагина бўлиши лозим деган ғояни илгари суради. Бироқ жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, унитар давлат шароитида, икки палатали парламентнинг шакллантирилиши, демократик анъана ва қадриятларни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқ соҳасини янада такомиллаштириш, парламентнинг миллийлик хусусиятини янада ошириш имконини юзага келтиради.

Аксарият федератив давлатларда ҳозирда, икки палатали тизим жорий қилинган бўлиб, парламентнинг юқори палатаси федерация субъектлари вакилларидан ташкил топади. Бундай тартиб АҚШ, Мексика, Австралия каби давлатларда ўрнатилган. Унитар давлатларда, юқори палата, одатда, маъмурий-ҳудудий бирлик вакилларидан ташкил топади. Америка қитъасининг аксарият йирик мамлакатларида икки палатали тизим амалда ва аксинча майда давлатларда бир палатали тизим кенг тарқалган. Бироқ Тринидад ва Тобаго, Ямайка каби давлатларда икки палатали тизим жорий қилинган. Тропик Африка ва авторитар бошқарув шаклига эга бўлган Осиё мамлакатларида узоқ муддатдан бери бир палатали тизим мавжуд.

Н.Бентам ишларида икки палаталилик жиддий таҳлил қилиниб, унинг афзалликларидан ташқари камчиликлари ҳам кўриб чиқилган. Камчиликлар деганда, инглиз файласуфи, қуйидагиларни назарда тутган:

[79] Монтескье Ш. Избранные произведение. –М.: Политиздат, 1953. 298 б.
[80] Брайс Ж. Американская Республика, 1-қисм, –М.: 1889. 120-б

Биринчидан, икки палатали парламентда камчилик ҳам кўпчилик сингари аҳамиятга эга бўлиши мумкин, яъни «биринчи палатада, бир овоздан қабул қилинган масала, иккинчи палатада бир овоз кўпчилиги билан рад қилиниши мумкин».

Иккинчидан, бундай бўлиниш палаталар таркибига қараб, икки ҳар хил йўналишни майдонга келтиради.

Учинчидан, ҳар бир палата умумий мажлислардаги каби маълумотлар тўлиқлилигидан маҳрум бўлади.

Тўртинчидан, палаталарнинг бўлиниши ишни тезлигига путур етказади.

Бешинчидан, бундай бўлинишнинг оқибати шундан иборатки, палаталарнинг бири ташаббус билан чиқса, иккинчиси негатив муносабат ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда негатив ҳуқуққа эга палатанинг манфаати муҳокамага қўйилган масалаларни рад қилишдан иборат бўлиб қолади.

Икки палатали тизимнинг устунлиги шундаки, ўрнатилган қоида ва тартибларни кафолатлайди: «Агар палаталардан бири тартиб-қоидани бузса, бу билан бошқа палатага баҳсли масалаларда фақат рад қилиш учун қонуний баҳона топиб берган бўлур эди». Иш ҳар томонлама кўриб чиқилиши учун турли манфаатлар ва қарашлар, хурофоту одатлардан ҳоли бўлиши лозим. Зеро, кўпдан бери биргаликда ишлайдиган кишилар маълум даражада бирлашиш руҳига эга бўладилар. Чунки, бунга бошқа палатада табиий қаршилик бўлади. Шундай қилиб, иккинчи палатага ишни бирламчи қараб чиқишдан сўнг келадиган аппеляцион суд сифатида қараш мумкин. Учинчи устунлик, бу, бир палата ҳокимиятини чеклашдир. «Қонунчилик корпусининг бўлиниши, – хулоса қилади Бентам, – палаталарнинг ҳар қандай таркибида ислоҳотларга кучли қаршилик қилади.

Ҳар хил парламентларнинг роли, ўрни, мақсади ва вазифаларини яхшироқ тушуниш учун уларни таснифлаш лозим. Парламентлар *бир палатали* ва *икки палатали* парламентларга бўлинади. Бир палата-ли парламентларни *монокамерализм,* икки палаталикни эса *бикамерализм* деб номлайдилар.

Хорижий мамлакатлар конституционализмида парламентларни ваколати ҳажмига кўра, 4 та гуруҳга бўлиш кўпроқ учрайди:

Ваколатлари чекланмаган парламентлар - Бундай парламентларнинг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан белгиланмаган, яъни ҳар қандай муносабат юзасидан ҳуқуқий акт чиқариш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай парламентларга қуйидаги мамлакатларнинг парламент-

лари мисол бўла олади: Буюк Британия, Италия, Ирландия, Янги Зеландия.

Ваколатлари мутлақ чекланган парламентлар. Бундай парламентлар учун конституция ва қонунчилик уларнинг ваколатлари доирасини, яъни улар ҳал қилишлари мумкин бўлган саволлар доирасини аниқ қилиб белгилаб беради. Бундай парламентлар конституцияда белгиланган ваколатлардан четга чиқа олмайдилар, акс ҳолда уларнинг меъёрий ҳужжатлари тегишли конституциявий назорат органи томонидан бекор қилинади. Худди шундай усул Францияда ҳам қўлланилган. Франция Конституциясининг 34, 35, 39, 40-моддаларида парламент ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган, парламент фақатгина шу масалалар юзасидан қонун қабул қилади. Қолган масалаларни ҳал этиш ҳукумат елкасига тушади. Бундай парламентларни биз Сенегал, Габон, Мадагаскар давлатларида кўришимиз мумкин. Парламентларнинг *иккинчи модели* ўзида парламентлик ва президентлик тизимининг элементларини мужассамлаштирган бошқарувнинг аралаш шакли мавжуд бўлган мамлакатларда фаолият кўрсатади. Бу ерда парламент ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар бошқача. Бир тарафдан, парламентга ишончсизлик вотумидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган, ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги мавжуд, бошқа тарафдан эса президент бир қатор кучли ваколатларга эга, хусусан у парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бу моделга классик намуна сифатида Франция Республикасини келтириш мумкин. Охирги вақтларда, бир неча МДҲ давлатлари (Қозоғистон) бунга мисол бўлишаяпти.

Ваколатлари нисбий (қисман) чекланган парламентларга классик намуна бўлиб АҚШ Конгресси хизмат қилади. АҚШ Конституциясининг 8-бўлими, 1-моддаси 8та пунктдан ташкил топган бўлиб, уларда Конгресснинг ваколатлари доираси белгилаб қўйилган. 9-бўлимда эса Конгресс ваколатларига нималар кирмаслиги санаб ўтилган. Шундай қилиб, қонунчилик органининг ваколатлари доираси қонунчилик билан чегаралаб қуйилган. АҚШ Конституциясига киритилган 10-ўзгартириш ҳам Конгресс фақатгина, Конституцияда белгиланган ваколатларнигина амалга ошира олиш ва штатларга тақиқланган ваколатларни амалга ошириш мумкинлиги белгиланган.

Тўртинчи модель парламентларга деярли декоратив роль ўйнайдиган парламентлар киради. Баъзида уларга нисбатан «консультатив парламент» (Қатар) атамаси қўлланилади. Бундай парламент бир қатор ислом мамлакатларининг (Қувайт, Бахрайн, Бирлашган Араб

Амирликлари) Конституцияларида кўзда тутилган. Абсолют монарх қўли остидаги парламентлар *квазипарламентлар* деб аталади. Улар тарқатилиб юборилиши ва қайта шакллантирилиши мумкин. Парламентарийлар фуқаролар томонидан сайланиши ҳам мумкин, монарх томонидан тайинланиши ҳам мумкин.

Шу гуруҳнинг ўзига социалистик тузум сақланиб қолган мамлакатларнинг парламентларини ҳам киритиш мумкин. Булар КХДР, Куба, ХХР, Вьетнам.

Бундай мамлакатларда парламент мавжуд бўлса-да, лекин асосий қарорлар ва қонунлар улар томонидан қабул қилинмайди.

2-§. Палата шаклланишида турли усуллар: тўғридан-тўғри сайлов, тайинлаш, мерос йўли ва бошқалар

Парламентга бўладиган сайловларда ҳам пропорционал, ҳам мажоритар тизим учраб туради. Япония парламентига бўладиган сайловларда, айнан шундай тартиб белгиланган. Конституцияга мувофиқ Япония парламенти икки палатали кўринишга эга бўлиб, палаталар бутун халқ манфаатларини ифода этувчи сайланган аъзолардан таркиб топади. Ҳар икки палатага тўғридан-тўғри сайловлар ўтказилади. Япония парламенти Вакиллар палатаси аъзолари 252 нафар бўлса, Маслаҳатчилар палатаси 500 нафар депутатдан таркиб топган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар икки палата аъзолари фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланади.

Жаҳон мамлакатлари парламентларида асосан юқори палатани шакллантиришда муайян фарқлар мавжуд ҳисобланади. Масалан, Буюк Британия парламенти Лордлар палатасини шакллантириш тартиби умуман ўзига хос хусусиятга эга. Бу тартиб ўзида феодал тузумнинг қолдиқларини мужассамлаштирган. Лордлар палатасининг асосий қисмини сарой унвонларига эга пэрлар ташкил этади. Пэрлар анъанага кўра, парламентдаги ўз ўринларини мерос асосида эгаллайдилар. Қиролича ҳукуматнинг тақдимига биноан янги пэрларни тайнлаши мумкин.

Икки палатали парламентни шакллантириш бир неча усулларда амалга оширилади. Бунда қуйи палата асосан тўғридан-тўғри бевосита сайловлар асосида шакллантирилади. Юқори палата эса бир неча усулларда шакллантирилади. Улар қуйидагиларга бўлинади:

1. Палатани билвосита бир неча босқичли сайловлар асосида шакллантириш. Бу вазиятда дастлаб маҳаллий вакиллик органларига сайловлар ташкил этилади. Шундан сўнг, маҳаллий вакиллар ўз

ораларидан парламентнинг юқори палатаси аъзоларини сайлаб оладилар.

2. Билвосита сайловлар асосида юқори палатани шакллантириш. Бу усулда қуйи палатага бўладиган тўғридан-тўғри сайловлардан бир оз фарқ қилиб, унда кўпроқ мажоритар тизим қўлланилади.

3. Юқори палатани тайинлаш асосида шакллантириш. Бу тизим тўлалигича Канадада ва қисман Италияда учрайди. Бунда парламентнинг юқори палатаси аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади.

4. Анъанавий феодал усул ҳам юқори палатани шакллантиришда, учраб туради. Бу усулга биноан юқори палата аъзолиги сайлов асосида эмас, балки дворянлик мақоми асосида қўлга киритилади.

5. Юқори палатани шакллантиришда, аралаш усулдан ҳам фойдаланилади. Бу усул ҳам сайлов, ҳам тайинлов хусусиятларини ўз ичига қамраб олади.

Барбадос, Белиз, Иордания, Гренада, Таиланд каби давлатларда, юқори палата бутунлигиа тайинлаш асосида, шакллантирилади. Малайзия Сенатининг жами 69 нафар аъзосидан 43 нафари тайинланади.

Германия юқори палатасини ташкил этиш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бундесрад маъмурий ҳудудий бирликлар - ерлар ҳукуматининг вакиллари ҳисобланади ва ана шу ҳукумат томонидан тайинланади. Маҳаллий ҳукуматнинг ўзгариши бевосита Бундесраднинг тегишли аъзоси алмашинувига ҳам олиб келади.

АҚШ, Польша, Швейцария парламентларининг юқори палатаси тўғридан-тўғри сайловлар асосида шакллантирилади. Италияда 315 нафар сенатор ҳам тўғридан-тўғри сайлов асосида сайланади, қолган 5 нафари эса Президент томонидан тайинланади.

Билвосита сайловлар Парламент юқори палатасини шакллантирганда анча кенг қўлланилади. Масалан, Францияда маҳаллий вакиллик органлари вакилларидан ташкил топувчи Сайлов коллегияси юқори палата аъзоларини сайлаш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Бельгияда, парламент юқори палатасини шакллантиришда аралаш усулдан фойдаланилади. Шунга кўра, юқори палата аъзоларининг бир қисми тўғридан-тўғри сайловлар, яна бир қисми маҳаллий вакиллик органининг овоз бериши асосида сайланади.

Одатда, юқори палата қуйи палатага нисбатан узоқроқ муддатга сайланади. Масалан, Япония Конституциясига мувофиқ Вакиллар палатаси, яъни қуйи палата тўрт йилга, Маслаҳатчилар палатаси, яъни юқори палата эса 6 йилга сайланади.

АҚШда, Вакиллар палатаси 2 йилга сайланади ва ҳар сафар бутунлигича янгиланади. Сенат эса 6 йилга сайланади, аммо ҳар икки йилда 3/1 қисмга янгиланади. Францияда, Миллий Мажлис беш йилга сайланиб, тўлалигича янгиланади, Сенаторлар эса тўққиз йилга сайланади ва ҳар уч йилда 3/1 қисмга янгиланади.

Дунё парламентлари палаталарининг шаклланиш тартиби шундан дарак беради, парламентнинг қонун чиқарувчи қуйи палатаси, асосан, мамлакатнинг сайланиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолиси иштирокида, ўтказилган бевосита ва тенг ҳуқуқли сайлов билан шаклланади. Юқори палатанинг шаклланиш тартиби турли-туманлиги билан фарқланади. Бевосита сайловлар йўли билан Польша, Руминия ва Чехия сенатлари шаклланади. Бельгияда, 40 сенатор лисоний квоталар бўйича, пропорционал ваколатлар асосида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади, 21 сенатор эса лисоний жамоалар кенгаши томонидан квоталар бўйича сайланади.

Европа мамлакатлари парламентларининг шаклланиш тартибида, ягона асосий хусусият ваколатларнинг ҳудудий бўлинишидир. У бевосита сайловлар (Швейцария, Италия, Польша), билвосита сайловлар (Франция, Нидерландия, Словения) аралаш сайловлар (Испания), ёки палата аъзоларини тайинлаш (Германия, Россия) асосида аксари палаталарнинг таркибини белгилайди.

Ирландия тажрибаси бўйича 60 сенатордан 11 тасини Президент тайинлайди, 49 сенатор сайланади (университетлар томонидан 6, турли хил касбий гуруҳлар томонидан 43 сенатор).

Парламент фаолиятининг асосий масалаларидан бири палата аъзоларининг сонидир. Чет эл тажрибалари шуни кўрсатадики, юқори палатада, депутатлар сони қуйи палатага нисбатан камроқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Парламентнинг қонунчилик ва назорат фаолиятини асосан қуйи палата бажаради. Масалан, Бельгияда қуйи палатада, 150 депутат, юқори палатада эса 71 депутат фаолият кўрсатади, Нидерландлардаги нисбат 150:72, Норвегияда 124:42, Швейцария конфедерациясида 200:46, Японияда 500:252, Италияда 630:315, Польшада 460:100. Парламентнинг асосий масалаларидан яна бири палаталарнинг фаолият муддатидир. Чет эл тажрибаларида бу масала 2 вариантда ҳал қилинади.

Баъзи мамлакатларда палаталарнинг ваколат муддати бир-бирига мос тушса (Норвегия, Нидерландлар, Испания, Италия, Польша), бошқаларида мос тушмайди. (Ирландия, Япония). Масалан, Японияда қуйи палатанинг ваколати 4 йил бўлса, юқори палата

фаолияти 6 йилга мўлжалланган, шу билан бирга, ҳар уч йилда парламент аъзоларининг ярми қайтадан сайланади.

Маълумки, дунё бўйича парламентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми давлатнинг асосий қонунлари билан белгиланади. Парламент механизмининг ҳақиқий фаолияти эса, кўп ҳолларда, мавжуд давлатдаги партиявий тизимга боғлиқ (бирпартияли ёки кўппартияли).

Икки ёки ундан ортиқ партиядан (парламент фракциялардан) ташкил топган парламент кўппартияли парламент ҳисобланади. Жумладан, Буюк Британия, Австралия, Ирландия, Канада парламентаризми моделини танлаган бошқа давлатлар парламенти икки партиялидир. Австрия, Германия, Италия, Испания, Россия, Норвегия, Франция, Япония ва бошқа кўпгина давлатларнинг парламентида фракциялар сони иккитадан ортиқ. Уларнинг сони у ёки бу партиянинг парламентдаги ўрни билан аниқланади.

34-боб. Парламент иш тартиби ва парламент аъзоларининг ҳуқуқий мақоми

1-§. Парламент фаолиятининг асосий шакллари ва иш тартиби
2-§. Сессия: тушунчаси, турлари (навбатдаги ва навбатдан ташқари)
3-§. Навбатдан ташқари ва одатдаги мажлислар. Очиқ ёки ёпиқ турдаги ялпи мажлислар
4-§. Мандат ваколатининг юридик табиати: императив мандат (ваколат) ва эркин мандат

1-§. Парламент фаолиятининг асосий шакллари ва иш тартиби

Маълумки, парламент ўзининг фаолиятини қуйидаги шаклларда амалга оширади: *сессиялар, палаталарнинг алоҳида ва қўшма мажлислари, навбатдан ташқари ва навбатдаги мажлислар, қўмиталар ҳамда доимий комиссияларда ишлаш орқали, парламентдаги органлари орқали депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти.*

Парламент иш тартиби одатда, тегишли равишда ўрнатилган қоидаларга (конституция, регламент) ёки тарихий анъаналарга (Буюк Британия) асосланган бўлиб, парламент палаталарининг нормал, самарадор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Хорижий мамлакатларда, парламент фаолиятининг асосий шаклларидан бири сессия ҳисобланиб, заруратга қараб турли мамлакатларда йилига 1-4 марта чақирилади. Парламент сессиясида одатда, энг муҳим масалалар муҳокама қилиниб, асосий ташкилий ишлар ҳал қилинади.

Хорижий мамлакатларнинг парламент палаталарнинг алоҳида ва қўшма мажлисларида одатда қонунчилик жараёни билан боғлиқ бўлади.

Юқорида санаб ўтилган парламент фаолиятининг шаклларига кейинги параграфларда тўхталиб ўтамиз.

2-§.Сессия: тушунчаси, турлари (навбатдаги ва навбатдан ташқари)

Аксари мамлакатларда, парламент фаолиятининг асосий шакли бўлиб, *сессия* ҳисобланади. Сессия бу парламент палаталарининг муайян давр ичида ялпи мажлис учун палаталар йиғиладиган вақт

оралиғидир. Қолган вақтда эса парламент таътилда бўлади ёки маълум муддат давомида депутатлар ўзининг сайлов округларида ишлайди, депутатлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланади, жумладан, қонун лойиҳаларини ўрганади, муҳокамага тайёргарлик кўради ва бошқалар.

Хорижий мамлакатлар парламентлари сессиялари йилига бир, икки, уч ва тўрт мартагача чақирилади. Масалан, Хитойда, парламентнинг йилдаги ягона сессияси 2-3 ҳафта давом этади. Куба давлатининг халқ ҳокимияти Миллий Ассамблеясининг ҳар бир 2та сессиясининг давомийлиги 2-3 кун давом этади.

Ўтган асрда парламентнинг сессияларини чақириш одатда, давлат бошлиғи томонидан амалга ошириларди. Ҳозирда эса ҳолат ўзгармоқда: парламентлар кўпроқ ўзининг ҳуқуқи бўйича ёки ўзининг раислари томонидан чақирилиш тенденцияси кузатилмоқда. Шунингдек, ҳукумат ва парламент аъзолари гуруҳи талаби билан парламент сессиясини чақириш ҳолатлари кўзга ташланяпти.

Кўпинча сессия тушунчаси фақат ялпи мажлисга тегишли эканлиги нотўғрилиги айрим муаллифлар томонидан таъкидланган.[81] Герман ҳуқуқининг айрим мамлакатларида, (Австрия, Германия) сессия тушунчаси мавжуд эмас, у ерда парламент доимий сессия ҳолатида бўлиб, йиғилишлар фақат палата раиси томонидан ялпи мажлис кун тартибига қандай масалалар қўйилганига қараб чақирилади.

Сессиялар *навбатдаги* ва *навбатдан ташқари* (фавқулоддаги) бўлади. Навбатдаги сессиялар давлат бошлиғи (тоталитар социализм мамлакатларида- парламентнинг доимий фаолият кўрсатадиган органи) томонидан йилига бир марта (Буюк Британия ва Мисрда сессия йилда бир марта чақирилиб, тахминан 7 ой давом этади) ёки йилига икки марта (кўпчилик мамлакатларда, масалан, Франция конституциясининг 28-модасида парламентнинг йилига 2 марта сессия ўтказиши кўзда тутилган) чақирилади.

Навбатдан ташқари сессия депутатларнинг бир қисми талаби билан (айрим давлатларда депутатларнинг 1/3 қисми, бошқаларида ½ қисми, алоҳида ривожланаётган мамлакатларда 2/3 қисми), Францияда эса ҳукумат талаби билан президент томонидан чақирилади. Шу билан бирга бундай сессия ким томонидан ва қандай тартибда тузилиши, шунингдек, қандай масалалар билан шуғулланиши белги-

[81] Конституционное (государственое) право зарубежных стран: В 4 т. Тома 1-2. Часть общая: Учебник/ Отв. Ред. Проф. Б.А. Страшун- 3-е изд., обновл. и дораб.-М.:Издательство БЕК, 2000. С.784.

ланади. Филиппинда махсус (навбатдан ташқари) Конгресс сессияси фақат Президент томонидан ва у истаган пайтида чақирилиши мумкин (Конституциясининг 6-моддаси 15-бўлими 2 жумласи).

3-§.Навбатдан ташқари ва одатдаги ,очиқ ва ёпиқ турдаги ялпи мажлислар

Ялпи мажлис – белгиланган тартибда чақиралидиган ва ўтказиладиган палаталар аъзолари йиғилиши бўлиб, қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Палаталар (бир палатали парламент ҳам) йиғилиши ичида умумий сайловлардан сўнг ўтказиладиган *ташкилий ёки таъсис* мажлисларига эътибор бериш лозим. Бундай мажлисларда одатда, парламент органлари раҳбарияти сайланади, ишчи органлар тузилади, у ёки бу давлат органлари таркиби тасдиқланади. Маълумки, Норвегия Стортинги ва Исландия Альтинги сайловдан сўнг биринчи йиғилишларида ўзининг юқори палаталарини тузади.

Одатдаги мажлислар ўтказиш тартиби парламентлар регламенти билан тартибга солинади. Уларнинг асосий тамойиллари конституцияларда ифодаланиши бу – кўринишдан оддий бўлган муаммоларнинг нақадар долзарблигидан далолат беради. Чунки, гап бир неча юз кишидан иборат бўлган палатанинг самарадор ишлаши, бемаъни баҳсларга қимматли вақтини сарфламаслиги ҳақида кетиб, бир вақтнинг ўзида мажлис қатнашчиси муҳокама қилинаётган муаммони ҳал қилишга ҳисса қўшишига, реал имкониятларга эга бўлиши керак.

Палата қарор қабул қилиш учун *кворум,* яъни мажлисга йиғилган парламент аъзоларининг энг минимал сони керак бўлади. Япония Конституциясига кўра, ҳар бир палата ўз ишини аъзоларининг умумий сонининг камида 1/3 қисми ҳозир бўлгандагина бошлаши мумкинлиги кўрсатилган бўлса, Буюк Британия Парламентида, Жамоалар палатасининг 40 та аъзоси (659тадан), Лордлар палатасида эса 3та пэр йиғилса (1200тадан), кворум бўлиши анъана бўлган.

Хорижий мамлакатлар парламент палаталари ялпи мажлислари одатда, *очиқ* бўлади, лекин айрим шароитларда *ёпиқ* тарзда ўтказилиши мумкин. Масалан, Германия Федератив Республикаси Асосий Қонунининг 42-моддасига кўра, мажлислар очиқ тарзда ўтказилади; Бундестаг аъзоларининг 1/10 қисми ёки Федерал ҳукуматнинг таклифи билан, шунда агар Бундестаг депутатларининг 2/3 қисми

розилик берсагина, ёпиқ тарзда ўтказилиши мумкин [82].

Ҳар қандай парламентда, меҳмонлар учун махсус жойлар (балкон, ўриндиқлар) рухсатнома асосида берилади. Буюк Британияда меҳмонлар рўйхати палата спикери томонидан, журналистлар рўйхати эса палата котиби томонидан тасдиқланади. Меҳмонлар бирон-бир луқма ташлаши, тартибни бузиши тақиқланади.

4-§. Мандат ваколатининг юридик табиати: императив мандат ва эркин мандат

Парламентаризмнинг ривожланиш тарихи депутатлар мандатининг асосан икки тури: *императив депутат мандати ва эркин депутат мандати* фарқланиши, унинг хусусияти депутат ва унга овоз берган сайловчиларнинг ўзаро муносабатлари принциплари билан белгиланишини кўрсатади.

Депутат мандати муаммоси депутат парламент аъзоси сифатида кимнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини қабул қилишда иштирок этар экан, у кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим, ўзининг парламентдаги фаолияти учун депутат ўз сайловчилари олдида сиёсий-ҳуқуқий жавобгар бўладими, сайловчилар депутатларга ижро этиш мажбурий бўлган йўл-йўриқлар бериш ва уни чақириб олишга ҳақлими, деган саволлар билан боғлиқ.

Императив депутат мандати принципи 1871 йилги Париж Коммунасининг тажрибасига таяниб, мазкур принципни ўз қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаган социалистик мамлакатларда эътироф этилди. Депутат мандати табиатининг мазкур талқинига назарий асос бўлиб, К. Марксннинг қарашлари хизмат қилди. Унинг фикрига кўра, Париж Коммунаси жамиятни сиёсий ташкил этишнинг шундай бир янги типини шакллантирдики, унда депутатлар ўз сайловчиларининг йўл-йўриқларига қатъий риоя қилишлари лозим ва исталган вақтда, алмаштирилишлари мумкин[83]. Аммо, социализм шароитларида шошилинч масалаларни тез ҳал қилишга кўмаклашмайдиган, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи органининг ижодий фаолиятини бўғадиган императив мандат тўғрисида сўз юритиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деган қарашни илгари сурувчи олимлар ҳатто, СССРда ҳам топилар эди.[84] Шунга қарамай, депутатлар ва сайловчиларнинг ўзаро

[82] Конституционное (государственое) право зарубежных стран: В 4 т. Тома 1-2. Часть общая: Учебник/ Отв. Ред. Проф. Б.А. Страшун- 3-е изд., обновл. и дораб. –М.: Издательство БЕК, 2000. С.784.
[83] Бу ҳақда қаранг: Конституционное право России. В 3-х томах. т.2, –М., 2001. С.637.
[84] Қаранг: Ўша ерда, 637-638-бетлар.

муносабатлари хусусияти совет даврида сайловчиларнинг ўз депутатларига йўл-йўриқлар бериш (мазкур йўл-йўриқлар асосан хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, сайловчиларнинг муайян эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, улар орасида қонунларни муҳокама қилишда овоз беришга тааллуқли йўл-йўриқлар йўқ эди), шунингдек, сайланган депутатларни чақириб олиш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқининг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши билан белгиланар эди. Шундай қилиб, совет императив мандати мустабид сиёсий тузум шароитларида кўп жиҳатдан расмий хусусиятга эга бўлган уч институт: депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи, депутатларга йўл-йўриқлар бериш ҳуқуқи ва уларнинг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқини ўз ичига олар эди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органида овоз беришда, депутат кимнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши лозим, деган масалага келсак, у қуйидагича ҳал қилинарди. Совет депутати нафақат ўз сайловчилари, балки давлат ҳокимиятининг ҳам вакили ҳисобланарди. Бинобарин, «у ўз фаолиятида, умумдавлат манфаатлари, бутун совет халқининг манфаатларидан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга, у ўз фаолиятида аҳолининг эҳтиёжларини, ўзи сайланган ёки ўз сайлов округи жойлашган иттифоқдош республика, автоном республика, автоном вилоят, автоном округнинг иқтисодий, маданий ва бошқа хусусиятларини эътиборга олади»[85]. Профессор Б.А.Страшун таҳрири остидаги «Чет эл мамлакатларининг конституциявий (давлат) ҳуқуқи» номли 4 жилдли дарслик муаллифларининг қуйидаги фикрига қўшилиш лозим: «...императив мандат ғояси ўзининг том маъносида яшовчи ғоя эмас. Агар депутат ҳар бир масала юзасидан ўз сайловчиларининг фикрини олдиндан аниқлайдиган бўлса, ҳатто бугунги кунда, мавжуд техник қийинчиликларни эътиборга олмаганда ҳам, парламентда қарорлар қабул қилиш мумкин бўлмай қоларди: парламент аъзолари муросага келиш ҳуқуқига эга бўлмас эдилар. Аммо, императив мандатни кенгроқ, яъни парламент аъзосининг ўз сайловчиларининг тўғридан-тўғри билдирилган хоҳиш-иродасини бажариш, қолган ҳолларда эса эркин ҳаракат қилиш мажбурияти деб тушунган тақдиримизда ҳам императив мандат ғояси жиддий эътирозлар туғдиради: агар парламент аъзоси ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини миллий манфаатларга зид деб топса, у мазкур хоҳиш-иродани бажариши ёки истеъфо бериши, ёки бўлмаса чақириб олиниши лозим. Императив мандат жамиятга тизим деб қараш ғоясига зид. У жамиятга ўз хусусиятлари

[85] Советское государственное право. Учебник / Под ред. С.С. Кравчука. – М.: 1980. С.438.

ва манфаатларига эга яхлит ҳодиса деб эмас, балки жамият таркибий қисмларининг оддий йиғиндиси деб қарашдан келиб чиқади»[86].

Аксарият мамлакатларда, депутатлар ва сенаторлар *эркин мандатга* эга: улар бутун миллат, халқ вакиллари ҳисобланадилар, ҳеч ким уларга ижро этиш мажбурий бўлган йўл-йўриқлар беришга ҳақли эмас; улар муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин эмас[87]. Бу мазкур мамлакатларнинг конституциявий қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган. Жумладан, ГФР Асосий Қонунининг 38-моддасига мувофиқ, Германия Бундестагининг депутатлари «бутун халқ вакиллари ҳисобланадилар, йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар билан боғлиқ бўлмайдилар ва ўз виждонларигагина бўйсунадилар». Италия Конституциясининг 67-моддасида: «Парламентнинг ҳар бир аъзоси миллат манфаатларини ифода этади ва ўз вазифаларини императив мандатсиз амалга оширади», деб белгилаб қўйилган. Франция Конституциясига мувофиқ, «ҳар қандай императив мандат бекор қилинади» (27-модда). Эркин депутат мандатининг мазмунини умумий тарзда қуйидагича тавсифлаш мумкин: а) мандат умумий ҳисобланади (яъни сайлов округлари бўйича сайланган депутатлар бутун миллат номидан иш кўради); б) мандат императив эмас, балки факультативдир, чунки уни амалга ошириш мажбурловдан ҳоли (депутат ўз сайловчиларининг фикрини эътиборга олиши шарт эмас); в) мандат чақириб олиниши мумкин эмас; г) мандат ўзини амалга оширишда мандатни берувчининг ҳаракатларини маъқуллашни талаб этмайди (депутатларнинг хоҳиш-иродаси халқ хоҳиш-иродаси билан бирлиги шак-шубҳасиздир)[88].

Шу билан бирга, эркин депутат мандати принципини мутлақлаштириш ҳам ярамайди. Бу ўринда партия рўйхатлари бўйича сайланган депутатлар парламентда овоз беришда кўпинча, ҳатто улар кўрилаётган масала юзасидан бошқача фикрга эга бўлган ҳолларда ҳам, партия интизомига бўйсуниб, ўз фракциясининг йўриғига юришга мажбур бўлишларини эътиборга олиш лозим. Тўғри, депутат партия интизомига бўйсунмасликка ҳақли. Аммо бу ҳолда, моҳият эътибори билан, у фракциядан чиқади ёки фракциядан чиқарилади. Шундай қилиб, сайловда ва парламент фаолиятида партиялар ролининг ўсиб бориши нафақат ижобий, балки салбий аҳамиятга ҳам эга. Аксарият ҳолларда, депутатнинг партияга тобелиги сиёсий хусусият-

[86] Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. 3-е издание. Тома 1-2. –М., 1999. С.503.
[87] Қаранг: Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. –М., 1997. С.243.
[88] Қаранг: Прело М. Конституционное право Франции. –М., 1957. С.437-439.

гагина эга бўлади, яъни унинг мандатини бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Масалан, Ҳиндистонда нафақат партиядан ўз ихтиёрига кўра чиқиш, балки ўзбошимчалик билан овоз бериш ёки партия кўрсатмасига зид равишда овоз бермаслик ҳам депутатлик мандатини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин[89]. Депутатнинг партияга тобелиги масаласини ҳал қилишга нисбатан мазкур ёндашувни тўғри деб бўлмайди. Зеро, айни ҳолда, императив мандат инкор этилишига қарамай, унинг ўрнига депутатни партияга тобе қилиб қўядиган, унга ўз виждони ва эътиқодларига мувофиқ, партия манфаатларидан эмас, балки миллий манфаатлардан келиб чиқиб иш тутиш имкониятини доим ҳам беравермайдиган партия мандати эътироф этилади. Бу жуда мураккаб муаммо бўлиб, парламент аъзосининг мақомини белгилайдиган қонун ҳужжатларида ўз ечимини топишни тақозо этади.

Шу билан бирга, умумий, тўғридан-тўғри сайловда аҳоли томонидан эмас сайлаш орқали эмас, балки тайинлаш йўли билан (ёки бошқа усулда) шакллантириладиган парламент палатаси аъзоларининг мандатини доим ҳам эркин деб белгилаб бўлавермаслигини эътиборга олиш лозим. Зотан, у императив мандат унсурларига эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Россия парламенти Федерация Кенгаши (юқори палатаси)нинг аъзолари Россия Федерацияси субъектлари давлат ҳокимиятининг тегишли органлари томонидан тайинланади (сайланади) (бирини ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органи сайлайди, иккинчисини – Федерация субъектининг олий мансабдор шахси тайинлайди). Уларнинг ваколатлари муддати Россия Федерацияси субъектларининг юқорида зикр этилган ҳокимият органларининг ваколат муддатлари билан белгиланади. Мазкур ҳокимият органлари Россия парламенти юқори палатасининг ўзлари тайинлаган (сайлаган) аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

Эркин депутат мандати парламент аъзосининг мустақиллигини таъминлаши лозим. Аммо юқорида қайд этиб ўтганимиздек, депутат ўзи мансуб партия фракциясига маълум даражада тобе бўлади. Бундан ташқари, парламент аъзоларига ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан муайян қарорлар қабул қилинишидан манфаатдор бўлган *таъсир гуруҳлари (лоббистлар)* ҳам таъсир кўрсатишларини эътиборга олиш лозим. Лоббистлар парламент қўмитаси ёки комиссиясида муайян масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилишда

[89] Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть, С. 505.

парламент аъзоларининг қарашларига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилаётган корпорациялар, фирмалар, банклар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларидир. Бир қатор мамлакатларда, профессионал лоббистлар фаолият кўрсатади, уларнинг фаолияти махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади (масалан, АҚШда лоббизмни тартибга солиш тўғрисидаги махсус қонун амал қилади). 1987 йилда АҚШ Конгрессида 23 мингта лоббист рўйхатга олинган[90]. Лоббизм ўзининг АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги кўринишида икки асосий жиҳатни: а) монополиялар турли идора ва агентликларининг, аввалambор, қонунчилик органларидаги норасмий фаолиятини; б) қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига мазкур ташкилотлар томонидан алоҳида монополиялар, корпорациялар ва фирмаларнинг манфаатларида бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатилишини ўз ичига олади[91]. Парламентаризм амалиёти унинг ҳозирги шароитларда ривожланиши муайян қонунларни қабул қилиш жараёнига маълум сиёсий ва иқтисодий доиралар томонидан таъсир кўрсатилиши муаммосини келтириб чиқариши муқараррар эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам парламентаризмнинг шаклланиш жараёнлари содир бўлаётган мамлакатларда, юқорида зикр этилган муаммоларни ўрганиш, маълум тажриба тўпланишига қараб, чет эл амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммоларни қонунчилик йўли билан ҳал қилишга тайёр туриш лозим. Бу нуқтаи назардан Буюк Британия тажрибаси диққатга сазовор. Таъсир гуруҳлари, лоббистларнинг ташкилотлари билан яқин алоқада бўлган парламент аъзоларининг «шахсий манфаатлари» масаласи Буюк Британия парламенти учун муҳим аҳамиятга эга. Парламент қоидалари мазкур алоқаларни тақиқламайди, аммо депутатларнинг юқорида зикр этилган ташкилотлар фойдасига амалга оширган фаолияти ва унинг учун тўланган ҳақ ҳақида палатага маълумот беришни талаб этади: жамоалар палатаси депутатларининг «манфаатлари»ни мажбурий тартибда рўйхатга олиш белгиланган. Депутат ўзининг парламентдаги хулқ-атвори, унда овоз беришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай моддий манфаатдорлиги ҳақида жамоалар палатасига ахборот бериши шарт[92].

[90]Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть, С.506-507.

[91] Бу ҳақда қаранг: Любимов А.П. Конституционно-правовые основы формирования лоббистских отношений в открытом обществе (Антикоррупционный проект). – М., 2000.

[92] Қаранг: Парламенты мира. – М., 1991, с. 98-99.

35-боб. Хорижий мамлакатларда қонун чиқариш жараёни

1-§. Қонун чиқариш жараёни тушунчаси ва унинг босқичлари
2-§. Қонунчилик ташаббуси, таклиф ёки қонун лойиҳасини киритиш
3-§. Қонун лойиҳасига қўшимчалар, ўзгартиришлар ёки тузатишлар киритиш тартиби. Қонун лойиҳасини қабул қилиш ва овоз бериш турлари, бошқа палаталар томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва қонун чиқариш жараёнида палаталараро муносабатлар тизими
4-§. Санкция бериш, промульгация, қонунни эълон қилиш. Қонуннинг кучга кириши

1-§. Қонун чиқариш жараёни тушунчаси ва унинг босқичлари

Қонунчилик жараёнини юридик (ҳуқуқий) тушунча ўлароқ, “қонун яратиш” дейиладиган умумижтимоий тушунчадан қатъий фарқлаш яъни ажратиш зарур. Бу икки тушунчанинг ҳатто ўқув адабиётларида ҳам аралаштириб юборилишига йўл қўйилади. Қонунчилик жараёни ҳам, бошқа ҳар қандай юридик жараён сингари икки хил маъно касб этади:

1) фаолият тартиби (ушбу ҳолатда қонун яратиш бўйича)

2) фаолиятнинг ўзи. Бу фаолият қонунчилик (қонун чиқариш) органи томонидан амалга оширилади. Яъни парламент ва давлат бошлиғи томонидан имкон бўлганда, муайян шароитларда ҳукумат иштирокида ёки айрим ҳолларда референдум воситасида. Қонун яратувчилик анча кенг тушунча бўлиб, баъзан ҳуқуқ билан тартибга солинмайдиган фаолиятдир ва қонун яратишнинг ўзи билан ниҳояланмайди, у қонуннинг самарадорлигини баҳолаш ва кейинчалик унга тузатишлар киритилишини ҳам ўз ичига олади. Қонунчилик фаолиятида, ушбу соҳада ҳеч қандай махсус ҳуқуққа эга бўлмаган субъектлар ҳам иштирок этади. (“тазйиқ гуруҳи”, тадқиқот марказлари ва ҳ.к.)

1989 йилда нашр этилган “Буржуазия ва ривожланаётган мамлакатлар давлат ҳуқуқи” номли дарсликда, қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи ўлароқ, қонун чиқаришга эҳтиёжни аниқлаш айтиб ўтилган. Бу, бироқ қонунчилик жараёни эмас, қонун чиқарув (яратиш) жараёнидир: бундай эҳтиёжни аниқлаш билан шуғулла-

нувчи органлар, ташкилотлар, шахсларнинг ўзлари ҳар доим ҳам қонунчилик жараёнини ташкил этувчи ҳуқуқуий муносабатларда иштирок этувчилари бўлавермайдилар. Муайян бир қонунга эҳтиёж бўлиш-бўлмаслигини юридик (ҳуқуқий), сиёсий, социологик ва бошқа фанлар қўлланиладиган турли хил усул ва воситалар билан аниқлаш мумкин. Қонунчилик жараёни фаолият сифатида конституциялар, қонунлар, парламент тартиб (регламент)ларида белгиланган қатъий шаклларда кечади.

Биз қонунчилик жараёнини ушбу сўз бирикмасининг биринчи маъносида кўриб чиқамиз, яъни қонун яратиш бўйича фаолият тартиби сифатида (шу жумладан, амалда бўлган қонунни тузатадиган ёки бекор қиладиган).

Қонунчилик жараёни ҳам ҳар қандай юридик жараён каби ўз босқичларига эга. Булар қуйидагилардир: 1) қонун лойиҳаси ёки қонун таклифини киритиш (қонунчилик ташаббуси); 2) парламент палаталари ва қўмита (комиссия)ларида қонун лойиҳасининг муҳокамаси; 3) қонунни қабул қилиш; 4)қонунни санкциялаш, эълон қилиш (промульгация) ва нашр этиш. Баъзан охирги босқични иккига бўладилар: а) давлат бошлиғи томонидан имзолаш(санкциялаш) ва б) расмий нашр этиш орқали эълон қилиш (промульгация). Биз бу босқичларни қуйида кўриб чиқамиз, кейинроқ эса ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунларнинг баъзи бир турларининг хусусиятлари билан боғлиқ қонунчилик жараёни ўзига хосликларида тўхталамиз.

2-§. Қонунчилик ташаббуси, таклиф ёки қонун лойиҳасини киритиш

Қонун лойиҳаси ва қонун таклифи орасидаги фарқ ушбу сўзларнинг бевосита маъносидан келиб чиққанлиги аниқ: биринчи бўлажак қонуннинг барча аломатлари билан биргаликдаги матнини кўзда тутади (сўзбоши, моддалар, бандлар, меъёрларнинг аниқ тарифлари ва ҳ.к.), иккинчи эса – бўлажак қонуннинг ғояси, ундан ҳам яхшироқ концепциясини. Бироқ қонунчиликда (хорижий мамлакатларда) бошқача сўз талаффузини ҳам учратиш мумкин. Масалан, Францияда ҳукумат қонун лойиҳаларини, парламент аъзолари эса, қонун таклифларини киритадилар, албатта, таклифлар агарда, лойиҳада бўлган барча аломатларни ўзида мужассамлантирган бўлса, қонун лойиҳаси деб ҳам аталади.

Ҳуқуқ субъетида қонунчилик ташаббусининг бўлиши парламентнинг ушбу субъект томонидан киритилган қонун ёки қонун лойиҳасини чиқариш ҳақидаги таклифини кўриб чиқиши шарт эканлигини англатади. Аммо албатта, парламент бундай қонунни қабул қилишга мажбур эмас, лекин уни таклиф қилинганидан ўта фарқли кўринишда қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ субъектлари доираси турли мамлакатларда, турличадир ва кўпинча конституциялар билан белгиланиб қуйилади. Жуда кўп мамлакатларда у ҳукуматлар ва парламент аъзоларини қамраб олади (ҳукумат ва парламент ташаббуслари) АҚШда фақат парламент аъзолари бундай ҳуқуққа эга (фақат бюджет лойиҳаси Президент томонидан тақдим этилади, аммо бюджет муҳим ҳужжат тури ҳисобланади) Бир қатор мамлакатларда, бу доира бошқа субъектларни ҳам ўз ичига олади, - бу олий ва бевосита қуйи даражадаги органлар, марказий давлат муассасалари, баъзан диний ва бошқа жамоат ташкилотлари (махсус ташаббус) органлари, парламент ҳузуридаги орган ва муассасалар, сайлов гуруҳлари (халқ ташаббуси)дир. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари доирасининг хилма-хиллиги қуйидаги мисолларда намоён бўлади (сўз бюджет ҳақидаги қонун лойиҳалари ҳақида боради)

Болгарияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан ҳар қандай халқ вакили ва вазирлар кенгаши фойдаланади (конституциянинг 87-моддаси);

Словакияда Миллий кенгаш қўмиталари, депутатлар, ҳукумат қонун лойиҳаларини кирита олади (конституциянинг 87-моддаси, 1 қисм);

Германияда қонун лойиҳалари Федерал ҳукумат, Бундестаг ва Бундесрат депутатлари томонидан киритилади (асосий қонуннинг 76 моддаси,1 қисм);

Чехияда қонун лойиҳасини депутат, депутатлар гуруҳи, сенат, ўз-ўзини бошқарувчи юқори ҳудудий бирликлар вакиллари кирита олади. (конституциянинг 41-моддаси, 2 қисм);

Руминияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳукуматга, депутатларга, сенаторларга ва шунингдек, камида 250 минг сайловчилар гуруҳига тегишлидир. (Руминия конституциясининг 73-моддаси, 1 қисми, 1 жумла);

Мексикада, бундай ҳуқуқ Республика Президенти, Федерал Конгресс депутат ва сенаторлари, штатлардаги қонунчилик органларига берилган. (Мексика Конституциясининг 71-моддаси)

Кубада бундай ҳуқуқ депутатларга, Давлат Кенгашига (олий доимий фаолият кўрсатувчи ҳокимият органи), Вазирлар Кенгашига, халқ ҳокимияти Миллий ассамблеяси комиссиялари, Куба меҳнат-кашлари касаба маркази миллий қўмитасига, бошқа турли оммавий жамоат бирлашмалари миллий раҳбариятларига, одил судловни амалга оширувчи халқ олий трибунали, Республика Бош Прокуратураси ва шунингдек, камида 10000 сайловчидан иборат сайлов гуруҳига оиддир (Конституциянинг 88-моддаси)

Юқоридаги келтирилган мисолларнинг турфа рангли эканлиги шундаки, у ушбу муаммонинг конституциявий ҳуқуқий тартибга солинишининг барча хилларини ниҳоялай олмайди.

Икки палатали парламентларда, конституцияларга мувофиқ ёки қонунларга биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари ўз лойиҳа ва таклифлари билан ёки палаталардан исталган биттасига ёки фақат қуйи палатага мурожаат қиладилар. АҚШда, қонун лойиҳалари (билль) ҳар қандай палатага киритилиши мумкин; парламентарий одатда, ўз лойиҳасини ўзи аъзоси бўлган палатага киритади, аммо молиявий биллар (давлат томонидан даромад олинишига тегишли) дастлаб вакиллар палатасига (конституциянинг 1-модда, 7-боб, 1 қисми) тақдим этилади. Германияда, қонун лойиҳалари фақат бундестагга киритилади. (Асосий қонуннинг 76-моддаси, 1 қисми) Баъзи-баъзида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, қонун лойиҳасининг фақат юқори палатага киритилиши лозим бўлади. Масалан, Колумбия Конституциянинг 154-моддаси 1-қисмига мувофиқ халқаро муносабатларга тегишли қонун лойиҳалари Сенатга тақдим этилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг баъзи бир субъектлар томонидан амалга оширилишига қуйиладиган баъзи талабларда тўхталиб ўтамиз.

Парламент аъзолари ҳар жойда шундай субъектлар жумласига кирсалар-да, конституциялар ва регламент(тартиб)лар ушбу ҳуқуқни жамоа бўлиб, яъни биргаликда амалга оширишларини талаб этади. Масалан, Германия Бундестаги Регламентига биноан депутатлари томонидан муҳокамага тақдим этилган материаллар, шу жумладан қонун лойиҳалари, фракциялардан бири ёки депутатларнинг 5% томонидан имзоланиши лозим (ҳозирда, бу 30 дан кўпроқ кишини ташкил этади, лекин 2002 йилдан бошлаб сал камроқ бўлади), ундан ташқари қонун лойиҳалари қисқача асосланган бўлмоғи лозим. ХХР ВСНПни ташкил қилиниши ҳақидаги қонун ВСНП ихтиёридаги камида 30 депутат ёки ҳайъатга, яъни бир сайлов бирлиги провинция

марказга буйсунувчи шаҳар, мухтор вилоят, қуролли кучлардан чиққан депутатлар гуруҳига қонун лойиҳалари тайёрлаб, киритиш ҳуқуқини берган (албатта, конституциявий лойиҳалар бундан мустасно, чунки, бунинг учун конституцияларда алоҳида тартиб белгилаб қўйилган). ВСНПнинг доимий қўмитаси ихтиёридаги қонун лойиҳалари эса камида 10 аъзога, бироқ ВСНПга тақдим этилган қонун лойиҳаси унинг сессияси кун тартибига киритилиши масаласини Мажлиснинг ўзи ҳал этмайди, Мажлис сессияси президиуми ҳал этади. Шунинг учун ҳам қатъий айтиладиган бўлса, ВСНПда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг ўзи йўқ. Умуман олганда, бундай ҳуқуқ қисман ВСНПнинг доимий қўмитасида ҳам ХКП Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросигагина тегишлидир.

Хорижий адабиётлардан асосан, парламент аъзоларининг жамоавий қонунчилик ташаббусларига талаблари кундан-кун кенгайиб бораётганлигининг икки сабаби илгари сурилмоқда. Биринчидан, бу талаб баъзи парламент аъзоларининг “енгил-елпи” қонун лойиҳаларини камайтиради ва қонун чиқарувчилар муҳитида қандайдир ёрдам олган қонун лойиҳаларига афзаллик беради. Иккинчидан у парламент аъзолари шижоатини тартибга солувчи фракциялар ролини акс эттиради ва уларни муайян йўлга солади.

Умуман, ҳозирги замон ижтимоий муаммоларининг ўта мураккаблиги туфайли, ҳатто у профессионал ҳуқуқшунос бўлса ҳам бир депутат қандайдир- бир ижтимоий муаммони ҳал этишга қодир бўлган қонун лойиҳасини тайёрлаш мушкуллиги ҳаммага аён. Бунда, жуда кўп омиллар ва маълумотларни диққатга олмоқ лозим, бу кўпинча лозим даражада ривожланган ҳукумат тузилмалари учунгина мумкиндир. Амалда парламент аъзоларининг қонун лойиҳалари, бу одатда, ҳукуматни беқарорлаштиришга интилувчи ва унинг парламентдаги кўпчилик қисмини қўллаб қувватловчи, уни олдинги сиёсий йўлдан оғишга ундовчи мухолифатнинг кураш воситасидир.

Конституциявий ҳуқуқнинг парламент аъзоларига давлат бюджетининг ижро этилишига таъсир кўрсатувчи қонун лойиҳалари киритишларига тўсқинлик қилиши бежиз эмас.

Масалан, Франция Конституциясининг 40-моддасига мувофиқ “Парламент аъзолари томонидан киритиладиган тузатиш ва таклифлар агарда, давлат ресурсларини қисқартириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришга олиб келадиган бўлса, қабул қилиниши мумкин эмас”. Испания депутатлар Конгресси регламент (тартиб)и шуни белгилаганки, ҳукумат қонун лойиҳаларига депутатлар томонидан

киритиладиган тузатишлар (депутатлар фақат ҳукумат қонун лойиҳаларига тузатишлар киритишни таклиф этишлари мумкин, аммо ўзлари қонун лойиҳаси тақдим эта олмайдилар), агар бюджет харажатларининг орттирилиши ёки даромадларини камайтирилишини кўзда тутадиган бўлса, муҳокама учун ҳукуматнинг розилигини талаб қилинишини белгилаб қўйган.

Баъзи конституциялар эса шуни кўзда тутадики, парламент аъзолари (худди сайловчилар сингари) фақат тайёр қонун лойиҳаларини тақдим этишлари мумкин. Масалан, Руминия Конституциясининг 73-моддаси 4-қисмида айтилишича “ қонунчилик ташаббуси билан чиқувчи ва бундай ҳуқуққа эга бўлган депутатлар, сенаторлар ва фуқаролар фақат қонун лойиҳалари учун талаб этиладиган шаклда қонун таклифлари кирита оладилар”.

Жуда кўп мамлакатларда, ҳукуматлар қонун лойиҳаларини асосий етказиб берувчилари ҳисобланади, буни тушунтириб ўтиришнинг кераги йўқ. Айнан у қонунчиликда муаммо ва камчиликлар билан доимо тўқнаш келиб туради, айнан у юқори сифатли қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш ва уларни пралментдан ўтказиш учун энг катта имкониятларга эга бўлади. Табиийки, конституциялар ва жорий қонунчилик ҳукуматни қонунчилик ташаббусининг ҳуқуқий субъектларидан бири (аниқроғи, асосий субъекти) ўлароқ кўрсатади. Бироқ баъзида бундай субъект ўлароқ ҳукумат бошлиғи кўрсатилади: “ Қонунчилик ташаббуси Бош Вазир ва Парламент аъзоларига оиддир” (Франция Конституциясининг 39-моддаси, 1 қисми); “Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг (кабинет) вакили сифатида Парламент муҳокамасига қонун лойиҳаларини киритади…” (Япония Конституцияси 72-моддаси)

Баъзи конституциялар Ҳукумат ташаббусини муҳим шартлар билан тўлдириб ташлайди. Масалан, Франция Конституциясининг 39-модда, 2 қисм, биринчи жумласига мувофиқ “Қонун лойиҳалари Давлат Кенгаши хулосаси олингадан кейин Вазирлар Кенгашида муҳокама қилинади ва палаталардан бирининг бюросига тақдим этилади”. Францияда Давлат Кенгаши маъмурий армиянинг энг олий органи бўлиб, у жумладан, меъёрий ва маъмурий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқ ва конституцияга тўғри келишини текшириш ҳуқуқига эгадир. Шу тарзда қонун лойиҳаси Парламентга келиб тушишдан олдин биринчи навбатда конституцияга мувофиқлигини текширилади.

Германия Асосий Қонуни 76-моддаси, 2-қисмида Федерал ҳукумат лойиҳаларининг дастлаб, Бундесрат (вилоятларнинг муносабатларини аниқлаш учун)га юборилиги кўзда тутади. Бундесрат 6 ҳафта ичида, агар қонун лойиҳаси мураккаб бўлса ва ҳажман катта бўлса 9 ҳафта ичида ўз фикрини билдиради. Агар Федерал ҳукумат қонун лойиҳасини шошилинч деб ишоралаган бўлса, у ҳолда Бундесрат хулосасини кутмасдан, уни Бундестагга уч хафта ёки олти ҳафта кейин, фақат Бундесрат хулосаси албатта келтирилиши ва зудлик билан Бундестагга жўнатилиши шарти билан тақдим этилиши мумкин. Асосий қонуннинг ўзгартирилиши ёки суверен ҳуқуқларнинг бошқасига олиб берилиши ҳақидаги қонун лойиҳалари учун 9 ҳафталик муддат сўзсиз амал қилади, шошилинч ҳолатлар ҳақидаги қонуний низомлар эса қўлланилмайди.

Бундесрат, ўз навбатида, агар қонун лойиҳасини киритишни ният қилса, уни федерал ҳукуматга юбориши лозим, бу ҳукумат эса 6 ҳафта ичида лойиҳани ўз хулосасини илова қилган ҳолда, Бундестагга тақдим этиши лозим. Бу муддат ҳам 9 ҳафтага узайтирилиши мумкин, агарда Бундесрат лойиҳани муддатидан олдин кўриб чиқилишини илтимос қилса, у ҳолда 9 ой муддат 6 ойга, 6 ой муддат эса уч ойга қисқартирилиш мумкин. Бу ерда Асосий Қонунга ўзгартириш киритилиши ва суверен ҳуқуқларнинг берилиши (бошқача) ҳақидаги қонун лойиҳалари учун фақат 9 ҳафталик муддат кўзда тутилган, шошилинч ҳолатларга ўрин берилмайди.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, давлат бошлиқлари одатда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари жумласига кирмайди.

Бу борада, Мексика – истиснони ташкил этади, бундай истиснолар саноқли, қайсидир маънода бунга Кубани ҳам киритиш мумкин. Чунки Кубада Давлат Кенгаши давлат бошлиғи функция (вазифа)ларидан маълум бир қисмини амалга оширади (қолган бир қисмини унинг Раиси бир ўзи якка ҳолда амалга оширади).

Бироқ, аслида амалда давлат бошлиғи ўзига бундай ҳуқуқ берилмаган президентлик бошқарувидаги Республикаларда бундай ҳуқуқни бевосита эмас, билвосита амалга оширади. Масалан, АҚШда Президентнинг Иттифоқнинг аҳволи ҳақидаги Конгрессга мактублари (Конституциянинг 2 моддаси, 3 бобида кўзда тутилган) дастурлар ва қонунчилик тадбирларини ўзида мужассамлантиради. Бунинг асосида, президент партиясига тегишли бўлган парламент аъзолари ўзларининг шахсий қонунчилик ташаббуси билан расман чиқадилар.

А.А.Мишин ва В.А.Власихинларнинг фикрича, “Ҳозирги вақтда Президент Капитолия деворлари ичида кечаётган қонунчилик жараёнининг ҳақиқий ташаббускори ва дирижёри бўлиб қолди”(яъни АҚШ Конгресси жойлашган бино муаллиф).

Бразилияда эса Конституциянинг 61-моддасига мувофиқ, худди Мексикадагидек, Президентга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган. Ундан ташқари, бу моддада бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилганки, унга кўра, Президентга мутлақ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган. Бу қуролли кучлар, оммавий маъмуриятлар ва суд ҳокимияти соҳасидаги органлар ва муассасалар ҳуқуқий мақомлари билан боғлиқ бўлган масалалардир.

Халқ ташаббускорлигига келинадиган бўлинса, конституциялар баъзан унинг эҳтимолий доирасини чегаралаб қўяди. Масалан, Руминия Конституциясининг 73-моддаси 2 қисмига мувофиқ, "фискал муаммолар, халқаро масалалар, амнистия ва кечирувлар фуқароларнинг қонунчилик ташаббуслари билан чиқишлари учун предмет(мавзу) бўла олмайди”

Испания Конституциясининг 87 моддаси 3 қисмига мувофиқ органик қонунлар билан, солиққа оид ва халқаро қонунлар билан, шунингдек, кечирув имтиёз(устунлик)лар билан боғлиқ масалалар бўйича бундай ташаббусларни тақиқлайди.

Бунинг тескариси бўлган Колумбия Конституцияси бу борада ҳеч қандай чеклашлар қўймайди. Унинг 115-моддасига мувофиқ қонун ёки конституциявий ислоҳот лойиҳаси фуқаролар томонидан маълум бир санада қайд этилган сайловчилар умумий сонининг 5%идан ортиқ ёки тенг миқдорда фуқаролар томонидан, ёки мамлакатнинг 30 маслаҳатчиси ёки депутати томонидан тақдим этилади. Конгресс бундай лойиҳаларни тезкор тартибда кўриб чиқади, ундан ташқари ташаббус билан чиққан фуқаролар ўз вакилларини тайинлаб қўйишлари мумкин. Бу вакил палаталарда қонун лойиҳаси муҳокамасининг барча босқичларида тингланади.

Баъзи конституциялар халқ ташаббусини амалга ошириш учун зарур бўлган сайловчилар сонини белгилаб, сайловчилар мамлакатнинг турли минтақаларини ваколатлаб кўрсатишларини талаб қилади. Руминия конституциясининг 73-моддаси 1-қисмида шундай дейилади:” Қонунчилик ташаббусини амалга оширувчи фуқаролар (яъни ташаббускор гуруҳ) мамлакатнинг камида чорак 1\4 қисмини ташкил этувчи уезд бўлиши лозим. Бухарестнинг ҳар бир уездида ёки муниципалитетда ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун камида

10 минг имзо рўйхатга олинмоғи керак бўлади". Худди шу тарзда, Бразилия Конституциясининг 61-моддаси 2 да ҳам белгилаб қўйилган: “Халқ ташаббуси депутатлар палатасида камида 5 та штат орасида тақсимланган миллий электорат(сайловчилар)нинг камида бир фоизи томонидан имзоланган, ҳар бир штатнинг ўзида ҳам сайловчиларнинг 3\10 қисми томонидан имзоланган лойиҳани тақдим этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.”

Биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдикки, баъзан халқ ташаббуси муассасаси таъсис этилаётганда конституциялар тайёр ҳолдаги қонун лойиҳаларининг шундай тартибда тақдим этилишини талаб қилади. Масалан, бу ҳозиргина юқорида парча келтирилган Бразилия Конституцияси меъёридан келиб чиқади. Италия Конституциясининг 71-модда, 2-қисми 50 минг сайловчига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бераётиб, лойиҳанинг қонун моддаси шаклида киритилишини талаб этади. Аксинча, Швецария Конституциясининг 139-моддасининг 2 қисмига мувофиқ халқ ташаббускорлиги сайловчилар томонидан ишлаб чиқилган лойииҳа шаклида ҳам, умумий ғоя шаклида ҳам баён этилиши мумкин. Оҳирги ҳолатга кўра федерал мажлис, агар ғояга рози бўлса, тегишли лойиҳани ишлаб чиқади, йўқса масалал референдум йўли билан ҳал этилади (ушбу муаммонинг 4-моддаси).

Испанияда халқ қонунчилик ташаббускорлигини тартибга солувчи 3-сонли 1984 йил Махсус Органик қонуни амал қилмоқда. Конституциянинг юқорида келтирилган 87-моддаси 3-қисмига қўшимча халқ ташаббуси тартибида иқтисодий режа давлат умумий бюджети лойиҳаларининг киритилиши тақиқлайди (бундай қўшимча тақиқлашнинг конституцияга мувофиқлиги шубҳа туғдиради, албатта). Ташаббус қонун лойиҳаси кўринишида тузилган тақдимнома билан расмийлаштирилади, аввало унинг бош қисми, сабаблари кўрсатилади, сўнгра имзочилар кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши зарур деб ҳисобланган қонун лойиҳасининг юзага келиши сабаби тафсилотлари ва ниҳоят ташаббускорлари комиссияси (гуруҳи) аъзолари ҳақидаги (шахсий) маълумотлар кўрсатилган рўйхат.

Ҳужжатлар депутатлар Конгресси бюросига унинг умумий котибияти орқали тақдим этилади. Агар бу сессиялар орасидаги даврда амалга оширилган бўлса, муддатлар энг яқин орада бўладиган сессиядан бошлаб ўта бошлайди. Бюро ҳужжатларнинг қўйилган талабларга мувофиқлигини текшириди ва 15 кун ичида ўзининг қарорини ташаббус комиссиясига хабар қилган ҳолда ва уни белгиланган тартибда нашр этиб, ушбу ҳужжатларнинг рухсат этилган-

лиги, қарор қабул қилиниши, ҳақидаги эътирозини Конституциявий трибунал (суд)га шикоят қилиб билдириши мумкин.

Агар ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, бюро бу ҳақда имзолар тўплаш тартиби тўғри ташкил этилганлигини кафолатлаши лозим бўлган Марказий сайлов хунтасига хабар беради. Хунта ташаббус комиссиясини имзолар тўплашга киришиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилади. Имзо тўплаш тартиби (таомили) провинциал сайлов хунтасига тўпланган имзоларни топшириш билан ниҳоясига етади. Бу иш 6 ой муддат ичида, Марказий сайлов хунтаси хабардор қилинганидан кейин амалга оширилмоғи лозим. Депутатлар Конгресси бюроси бу муддатни яна уч ой муддатга узайтириши мумкин. Агар бу муддат етарли даражада имзолар тўплаш учун кам бўлса ва имзолар тўплашга муваффақ бўлинмаса, у ҳолда ташаббус амалга ошмаган ҳисобланади.

Сайловчининг имзоси билан бирга унинг фамилияси, исми (испанияликларда-ҳам отасининг, ҳам онасининг ф.и.о.) кўрсатилади, ҳамда миллий гувоҳнома рақами ва имзочи киритилган сайловчилар рўйхати кўрсатиб ўтилади. Имзо нотариус, суд котиби ёки тегишли муниципия котиби томонидан тасдиқланади, имзоланади ва тарихи ёзиб қўйилади. Сайловчилар рўйхатининг ҳар бир саҳифаси бутунлигича тасдиқланиши ҳам мумкин. Ташаббус комиссияси томонидан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тўла фойдаланувчи, судланмаган ва провинциал сайлов хунталари олдида қасамёд этган ёки тантанали ваъда берган фуқаролар ичидан тайинлаб қўйилган махсус ишончли шахслар ҳам гувоҳлик беришлари (тасдиқлашлари) мумкин.

Провинциал сайлов хунтаси олинган имзоларни 15 кун ичида текширади ва санаб, ниҳоий (охирги) текширув ҳамда санашни амалга оширувчи Марказий сайлов хунтасига юборади. Марказий сайлов хунтасидан керакли миқдордаги имзо тўпланганлиги тасдиғи олинганидан кейин депутатлар Конгресси бюроси лойиҳани нашр этади ва унинг кун тартибига киритади. Муҳокама ўз вақтида депутатлар конгресси бюросига ташаббус ҳайъати томонидан тақдим этилган лойиҳанинг батафсил ўқиб эшиттирилиши билан бошланади.

Палата тарқатиб юборилган тақдирда халқ ташаббуси кейинги чақириқ палатасида ўз кучини сақлаб қолади.

Давлат Парламент муҳокамаси бошлаганда, лойиҳа тарқатилиши ва имзо тўпланиши билан боғлиқ барча расмийлаштирилган сарф-харажатларни ташаббус комиссиясига тўплайди. Тўлов миқдори 30 млн песстдан ошмаслиги лозим, аммо муддат Бош Кортеслар томо-

нидан даврий равишда қайта кўриб чиқилиши керак.

Жамоат ташкилотларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши кўпчилик социалистик мамлакатларга хосдир. Бу “социалистик демократия”нинг “буржуазия демократияси”дан устун қўядиган бирор нарсани ўйлаб чиқаришга уринишда юзага келган. Ҳақиқатда, таъкидлаб ўтилганидек, бундай қоида (низом)лар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, чунки, тоталитар коммунистик режим шароитида қонунчилик ташаббуси реал ҳуқуқи коммунистик партия раҳбар амалдорларига берилгандир.

Айрим демократик мамлакатларда, (Буюк Британия, Финляндия ва б.) черков масалалари бўйича қонунчилик ташаббусини диний жамоалар раҳбар органлар амалга ошириши мумкин.

Италия Конституциясининг 71-модда 1-қисми муайян орган ва муассасаларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг конституциявий қонун йўли билан берилиши мумкинлигини кўзда тутади. Конституциянинг ўзи ҳам 99-модда 3-қисмида ва 121-модда 2-қисмдаги 2 жумласида иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича иқтисодиёт ва меҳнат миллий Кенгаши ва вилоят кенгашларига ушбу ҳуқуқни берган.

3-§.Қонун лойиҳасига қўшимчалар, ўзгартиришлар ёки тузатишлар киритиш тартиби. Қонун лойиҳасини қабул қилиш ва овоз бериш турлари, бошқа палаталар томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва қонун чиқариш жараёнида палаталараро муносабатлар тизими

Бу қонунчилик жараёнининг энг йирик босқичи бўлиб, палаталарнинг пленар мажлислар ва қўмита (комиссия)ларида қонун лойиҳалари устида иш олиб борилишини кўзда тутади. У турли бирикмаларда ташкил этилади.

Палаталарнинг хусусий пленар мажлисларидаги муҳокама қонун лойиҳасининг ўқиши деб аталади. Кўриниб турибдики, бу атаманинг келиб чиқиши қонун лойиҳаси матнининг ҳақиқатан ҳам мажлисда ўқилган ва ундаги ҳар бир жумла муҳокама қилинган вақт билан боғлиқ. Ҳозирда эса бунга зарурият йўқ, чунки қонун лойиҳаси матни кўпайтирилади ва парламент аъзоларига олдиндан тарқатилади, лойиҳа билан бирга у билан боғлиқ бошқа материаллар ҳам олдиндан берилади. Бироқ бу атама кўп парламентларда сақланиб қолган.

Бундай ўқишлар одатда, учта бўлади. Улар ҳар бир мамлакатда ўзи хос бўлиб, бунинг моҳиятини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.

Биринчи ўқишнинг маъноси шундаки, ушбу қонун керакми ёки йўқлиги ҳақида қарор бериш. Парламент аъзолари қонун лойиҳаси ташаббускорининг одатий маърузасини тинглаб қонун лойиҳаси предмети бўйича амалдаги қонунчиликда бўшлиқ бор-йўқлиги, ёки агар бундай предмет бўлса, унинг қонуний тартибга солинишида салбий оқибатларга олиб келувчи иллат-нуқсонлар мавжудми-буни аниқлаб белгилаб олишлари лозим. Ундан ташқари, шу нуқтаи назардан қонун лойиҳасининг асосий ғояси, аниқроғи концепциясини баҳолаш керак: бўлажак қонун мавжуд муаммони ҳал эта оладими, қай даражада ҳал эта олади. Агар палата аъзоларининг кўпчилиги фикри юқорида келтирилган иккала саволдан бирига салбий бўлса, у ҳолда қонун лойиҳаси қайтарилади ва кейин муҳокамага қўйилмайди. Агар жавоб иккала саволга ҳам ижобий берилса ва ҳатто баъзи қўшимча гаплар айтиб ўтилса-да, у ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинади ва кейин ишлов берилиши керак бўлади. Бунинг учун палата раиси ёки палатанинг ўзи лойиҳани тегишли қўмитага (комиссияга) беради ёки бунинг учун махсус қўмита (комиссия) тузади. Умуман, баъзида қўмита (комиссия) қонун лойиҳасини унинг биринчи ўқишидан олдин палатанинг пленар мажлисидаёқ кўриб чиқади.

Биринчи ўқишда қабул қилингунга қадар, лойиҳа ташаббускори одатда, лойиҳани исталган вақтда қайтраиб олиши мумкин.

Иккинчи ўқиш лойиҳанинг аслига кўра, унинг барча тафсилотлари билан бирга муҳокама қилинишини англатади. Муҳокама лойиҳа билан иш олиб борган қўмита (комиссия) маърузаси бўйича олиб борилади. Бу ерда шу нарса намоён бўлиши мумкинки, қонун лойиҳаси асосий фикр (ғоя) и тарафдорларининг бир қисми ундаги айрим принципиал қарор ўзгартирилиши эса лойиҳанинг бутун шакл мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай ҳолатда, қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда қайтарилиши (рад қилиниши) ва унинг устида иш олиб борилиши умуман тўхтатиб қўйилиши мумкин(масалан, олдиндан масала киритиш йўли билан, яъни худди олдинги параграфнинг 2-бандида сўз юритилгани каби) Агар бундай бўлмаса, у ҳолда ушбу босқичда мантга олдиндан киритилган тузатишлар муҳокама қилинади ва овозга қўйилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, регламент(тартиб)лар лойиҳа устида иш олиб борувчи комитет ёки комиссиялар шунингдек, парламенторлар уларни ўз вақтида олишлари, бемалол ўрганиб чиқиш ва унга нисбатан ўз муносабатларини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишлари учун тузатишларнинг олдиндан ёзма равишда берилишини қатъий талаб қилади. Шунинг учун, масалан, Францияда тузатишларнинг қонун лойиҳаси муҳокама қилишидан 8 кун олдин, кечиктирмасдан тақдим этилиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Парламент аъзоларининг тузатиш киритиш ҳуқуқлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан келиб чиқади ва шахсий ёки жамоа характерига эга бўлади. Тузатишларни муҳокама қилиш вақти қисқа белгиланади, масалан, АҚШда, Францияда бу вақт 5 дақиқадан ошмайди. Буюк Британияда жамоатлар Палатаси раиси (спикер) палат муҳокамасига қандай тузатишлар киритилишини ўзи ҳал қилади.

Франция Конституциялар қонун лойиҳалари муҳокамаси бориши устидан кучли ҳукумат назоратини таъминлайди. Масалан, 48-модда палаталарга ўз мажлисларига ҳуқуқмат қонун(таклифлари) лойиҳалари ва ҳукумат томонидан белгиланиб қўйиладиган тартибда қонун таклифларини кун тартиби масаласи ўлароқ, киритиши мажбуриятини юклайди. 41-модданинг 1-қисмига мувофиқ ҳукумат тузатишнинг қабул этилмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин, сабаби тузатма Парламентнинг қонуний ваколатига кирмайди ёки ҳукуматга ваколатланган бу компетенция (ваколат) соҳасига киради: бу масала бўйича ҳукумат ва тегишли палата раиси ўтрасидаги ихтилофлар 8 муддат ичида Конституциявий Кенгаш томонидан рухсат этилади. Музокаралар очилгандан кейин ҳукумат комиссияга (44-модда, 2 қисм) олдин тақдим этилган ҳар қандай тузатишнинг кўриб чиқилишга эътироз билдириши мумкин.

Ҳар бир тузатманинг муҳокамаси унинг учун овоз берилиши билан ниҳоясига етказилади.

Тузатмалар муҳокама қилинадиган матни истисно этилишини таклиф қилувчи радикал тузатишларга биринчи навбатда мурожаат қилувчи палата раиси томонидан муҳокама ва овозга қўйилади. Агар у рад қилинса, у ҳолда лойиҳа матнини тубдан ўзгартирувчи тузатиш керак бўлади. Агар тузатиш қабул қилинса, унда унга зид бўлган тузатишлар муҳокамага қўйилмайди. Палата сўнгра лойиҳа қўмита (комиссия)га ишлов бериб тугатиш учун қайтариши мумкин ва бундай ҳолатда янги тузатишлар, жумладан, олдин қабул қилинган тузатишларга тузатмалар таклиф этилиши мумкин. Агар палата

иккинчи ўқишда лойиҳани маъқулласа, у қўмита (комиссия)га таҳририй ишлов учун қайтарилади.

Учинчи ўқишда, қонун лойиҳаси бутнича олинади, олдин киритилган барча тузатмалар ҳисобга олинади. Янги тузатишларга йўл қўйилмайди, фақат соф таҳририй тузатишлар бундан мустасно. Албатта, бу ерда қонун лойиҳаси овоз бериш йўли билан рад этилиши мумкин (масалан, унинг тарафдорларидан бир қисми рози бўла олмаса) Бу ҳол кўпинча лойиҳа кўпчилик овоз-мутлақ ёки малакали кўпчилик овоз тўплай олмаганда юз беради. Агар зарур бўлган кўпчилик овоз олинса, қонун лойиҳаси (ёки қонун –бу конституцияда қандай белгиланганлигига боғлиқ) қабул қилинган ёки маъқулланган ҳисобланади.

Баъзан “ўқиш” атамаси ўрнида бошқа атама “муҳокама (Колумбияда), “овоз бериш” (Болгарияда) атамалари қўлланилади. Баъзи мамлакатларда (Колумбия, Болгария, Швеция) қонун лойиҳасининг икки марта ўқилиши кўзда тутилади, ундан ташқари Қолумбияда агар комиссияга эътирозлар бўлмаса муҳокама биринич ўқиш ҳисобланади. Болгария Конституцияси (88-модда, 1-қисм) қонун лойиҳаси бўйича икки маротаба халқ мажлисининг турли йиғилишларида овоз бериш ўтказилишини талаб этган ҳолда истисно сифатида овоз беришни бир йиғилишнинг ўзида ўтказилишга рухсат этади.

Испанияда, Швецияда истисно тариқасида қонун лойиҳасининг бир ўқишда муҳокама қилинишига йўл қўйилади.

Лойиҳанинг ҳар бир ўқишга тайёрланиши (баъзан биринчи ўқишдан ташқари) таъкидланганидек, палата қўмитаси (комиссияларида) амалга оширилади. Уларнинг роли (тутган ўрни) турли мамлакатларда турлича. Комиссиянинг партиявий таркиби палата партиявий таркибига мос келувчи мамлакатлар:Италия, Испания, Бразилияда комиссиялар палата ўрнида қонун лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишлари ҳам мумкин. Масалан, Испания Конституциясининг 75-моддаси 2 қисмида ёзиб қўйилган:”Палаталар доимий қонунчилик комиссияларига қонун лойиҳалари ёки қонун таклифларининг тасдиқлашга ваколат бериши мумкин. Пленум (палаталар) исталган вақтда ҳар қандай қонун лойиҳаси ёки қонун таклифи муҳокамаси ва овозга қўйилиши уларнинг ўзлари томонидан ўтказилишини талаба қилиниши мумкин”. Шу модданинг 3 қисмига мувофиқ комиссияларга конституциявий ислоҳотлар, халқаро масалалар, органик ва тамал қонунлар, давлат умумий бюджети каби мавзулар бўйича қарор қабул қилиш ваколати берилиши мумкин эмас.

АҚШ Конгрессидаги қўмиталар жуда кучли: улар билль (қонун лойиҳаси) билан нима хоҳласалар шуни қилишлари мумкин. Унга исталган шакл ва мазмунни беришлари ва умуман унинг тақдирини ҳал этишлари мумкин. Буюк Британияда қўмиталарга иккинчи ўқишда палата белгилаб қўйган биллънинг мазмунини тубдан ўзгартира оладиган тузатмалар киритиш рухсат этилмайди. Францияда, Японияда комиссия (қўмита)лар қонун лойиҳасига ўзгартириш кирита олмайди, фақат палаталар томонидан қонун лойиҳасининг асосий матнида алоҳида кўриб чиқиладиган тузатишларни таклиф этади.

Баъзи мамлакатларда айрим қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун кичик кўмита (кичик ҳайъат, комиссия)лар ҳам тузилиши мумкин. АҚШда қўмита ёки кичик қўмита қонун лойиҳасининг нусхасини манфаатдор ташкилотларга юборади ва уларнинг вакилларига оммавий тингловни уюштириб, ўз мажлисида сўзга чиқиш имкониятини яратиб беради. У жаримадан қўрқиб келадиган гувоҳларни ҳам чақириши мумкин.

Қўмита(комиссия) иши ёзма маъруза (маълумот) тузиш билан ниҳояланади. Парламентарлар бундай таомил (тартиб, жараён)га муҳим аҳамият беради. Қонун лойиҳасининг тақдири кўпинча қўмита (комиссия)нинг ўз маърузасида ифодалайдиган нуқтаи назарига боғлиқ. Чунки, бунда қўмита (комиссия) аъзолари ўртасида ихтилофлар рўй бериши эҳтимоли бор, кўпчилик мамлакатларда, озчилик ҳуқуқларини таъминлаш чоралари кўзда тутилади. АҚШ Конгресси вакиллари палатасида, Италия Парламенти палаталарида қўмита (комиссия) озчилиги алоҳида маъруза тайёрлаши ва ўз маърузачисини тайинлаши мумкин. Япония Парламент комиссияларида озчиликнинг нуқтаи назари маърузанинг иловасида баён этилади. Маърузалар қоидаларга кўра чоп қилинади.

Муҳокаманинг тугатилиши ташаббуси депутатдан, депутатлар гуруҳи ёки палата вакилидан чиқиши мумкин. Алоҳида бир депутат музокарани тугатишни таклиф эта олса, у ҳолда бундай таклифни қисқача муҳокама қилиш имконияти кўпинча кўзда тутилади. Францияда биттадан депутат “Ҳа” ва “Қарши”, Японияда –иккитадан депутат “ҳа” ва “қарши” сўзга чиқади. Британия Парламентининг жамоалар Палатасида бундай таклифни камида 100 депутатгина киритиши мумкин. Спикер (раис) қарорни қабул қилади. Кўпчилик парламентларда буни палата аъзоларининг кўпчилик иштирок этувчилари ҳал этади. АҚШ сенатида бунинг учун иштирок этаётган

сенаторлардан 2/3 қисмининг овози талаб этилади.

Баъзан конституциялар ва меъёрлар 1-2 ва 3 ўқишлар орасида муайян вақт (интервали) ўтишини талаб қилади. Масалан, Колумбия Конституциянинг 160-моддаси 1 қисмига мувофиқ қонун лойиҳасининг палатада биринчи ва иккинчи муҳокамаси (ўқиш) орасида камида 8 кун ўтиши лозим. Парламент аъзолари бироз ўйлаб кўришлари керак. Умуман, қонун лойиҳасининг бир неча марта ўқилиши тартиби (таомили) ўта салмоқли бўлиб кўринади. Албатта, буни камчилик, нуқсон дея санаш ҳам мумкин, зеро қонун лойиҳаси устида олиб бориладиган иш жуда секин давом этади. Лекин бу ишда шошқалоқликка йўл қўйилиши мумкин эмас. Агар қонунни юқори даражада ишлаб чиқиш нияти бўлса ёки уни кучга киритиши билан ўзгартириш ёки бекор қилишга тўғри келмаслиги учун ҳеч ҳам шошилмаслик керак.

Қонун қабул қилинишини узоқ вақт кутиб ўтириш мумкин бўлмаган ҳолларда, конституция ва низомий меъёрларда шошилинч таомил (тартиб) кўзда тутилган. Бундай ҳолларда, навбатдан ташқари кўриб чиқиш, ўқишлар сонини қисқартириш, сўзга чиқиш (музокара учун сўз) сонини қисқартириш мумкин ва б. Масалан, Колумбия Конституциясининг 163-моддасигина биноан Республика Президенти ҳар қандай қонун лойиҳасининг шошилинч равишда кўриб чиқилишини илтимос қилиши мумкин. Бундай ҳолатда, парламентнинг бунга тегишли палатаси 30 кун ичида қонун лойиҳаси бўйича қарор қабул қилмоғи лозим. Бу давр ичида шошилинч қабул қилиш талаби лойиҳа ўтиш босқичларининг ҳаммасида баён этиб борилиши лозим.

Агар Президент шошилинч муҳокама этилишига туриб олса, лойиҳа палат ёки комиссия бу лойиҳа хусусида бирор-бир қарор қабул қилишдан бошқа ҳар қандай кун тартиби масаласини истисно этган ҳолда, биринчи навбатда кун тартибига киритилмоғи лозим. Агарда, қонун лойиҳаси доимий комиссия томонидан ўрганилаётган бўлса, бу комиссия ҳукумат илтимосномасига кўра, лойиҳани палаталарда биринчи навбатда, муҳокама қилишни таъминлаш учун бошқа палатанинг тегишли комиссияси билан биргаликда муҳокама этиши лозим.

Бир палатали парламентларда бу босқич, аслида охирги ёки ягона ўқишнинг ниҳояси-охирги овоз беришдир. У умуман лойиҳа бўйича ёки бўлмаса моддалар ёки боблар бўйича, сўнгра эса бутун лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин. Овоз бериш икки хил: *оддий ва номма-ном*. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш умуман

мантиқсиз ва шу боис ҳам камдан кам учрайди.[93]

Баъзи мамлакатларда (масалан, Испанияда) яширин овоз бериш шундайгина регламентлар билан тақиқлаб қўйилган. Икки палатали парламентларда қонун агар, иккала палата томонидан ҳам бир таҳрирда маъқулланган бўлсагина, қабул қилинган деб ҳисобланади. Аммо бу қоидадан тез-тез истиснолар учраб туради.

Юқори палатаси кучли бўлган икки палатали парламентларда қонун лойиҳаси палаталарнинг ҳар биттаси худди бир хил таомил (тартиб, муолажа)дан ўтмоғи лозим, кўпинча қайси палатанинг биринчи бўлишининг аҳамияти йўқ. Агарда юқори палата заиф бўлса, у ҳолда қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши тартиби қуйи палатага нисбатан соддалаштирилган бўлиши мумкин, ҳолбуки, баъзан шундай ҳам бўлади.

Палаталар орасида ихтилофлар юзага келганда, конституциялар мажбурий ёки факультатив розилик таомил (тартиб, муолажа)сини кўзда тутади. Таъкидлаб ўтилганидек, юқори палаталар заиф бўлганда қуйи палаталар қонуннинг ўзлари тузган таҳририда қатъий турадилар. Палаталар орасида юзага келган ихтилофларнинг тартибга солиниши имконсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг тўртта йўли мавжуд: 1) агар палаталар қонунчилик жараёнида тенг ҳуқуқли бўлса, у ҳолда қонун қабул қилинмайди; 2) агар қуйи палата кучлироқ бўлса, қонун бари бир унинг таҳририда қабул қилинади; 3) камдан-кам учрайдиган ҳолатлар бўладики, қонунни фақат юқори палатанинг ўзи қабул қилинади; 4) қонун палаталарнинг қўшма мажлисида қабул қилинади. Шундай оралиқ вариарт (усул)лар ҳам учрайдики, қонун ниҳоятда юқорида санаб ўтилган йўллардан бири билан қабул қилинади.

Масалан, АҚШда агар Конгресс палаталаридан бири қонунга рози бўлмаса ва розилик комиссиясининг тузилиши палаталар орасидаги ихтилофларга барҳам берилишига олиб келмаса, у ҳолда қонуннинг қабул қилиниши мумкин эмас. Германия Асосий Қонуни Бундесрат (74-а-модда) розилигисиз қабул қила олмайдиган кичик тоифадаги қонунларни кўзда тутади. Қолган бошқа қонунларга

[93] Бу борада Социалистик Руминия тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. 1964 йилда Николас Чаушескунинг ҳокимият тепасига келиши 1965 йилдаги Конституциянинг ва унга асосланган қонунинг қабул қилинишини акс эттириши лозим бўлган сохта “демократиялаштириш” билан бирга давом этди. Буюк миллий мажлиснинг ўша даврдаги тартиб (регламен)и қонунларнинг тўла тасдиқланиши чоғида бюллетенлар билан мажбурий яшириш овоз берилишини кўзда тутар эди ва амалда “қарши” овоз берувчи депутатларнинг сони жуда кам бўлар эди. Диктаторга бу ҳам камлик қилиб, буни кўзда тутувчи Регламент моддаси тез орада шовқин – суронсиз истисно (бекор) қилинди ва албатта шундан сўнг қонунлар бир овоздан,қаршиликсиз қабул қилина бошланди.

келинадиган бўлса, уларни Бундестаг томонидан қабул қилиш бўйича уч ҳафта муддат ичида Бундесрат розилик қўмитасининг чақирилишини талаб қилиши мумкин, агар бу қўмита қонунга ўзгартириш киритилишини таклиф этадиган бўлса, у ҳолда, бундестаг бу масалалар юзасидан ўз қарорини қабул қилиши лозим. Шунингдек, Бундесрат икки ҳафта ичида қабул қилинган қонунга қарши норозилик баён этиши мумкин ва бу норозилик Бундестаг томонидан рад этилиши ҳам мумкин, бироқ агар Бундесрат ўз аъзоларининг 2/3 овози билан норозилик баёнотини қабул қилган бўлса, Бундестаг уни 2/3 иштирок этувчи депутатлари овози билангина рад эта олади, ҳеч бўлмаганда, умумий соннинг кўпчилиги билан рад эта олади.

Германияда, қонунчилик жараёнининг яна бир диққатга сазовор ўзига хослиги мавжуд. Асосий Қонуннинг 81-моддаси асосий қонунчилик органи-Бундестагни четлаб ўтиш мумкинлигини кўзда тутган. Агарда, Бундестаг Федерал Ҳукумат ўта зарур деб ҳисобланган қонунни қабул қилишни истамаса, уни четлаб ўтиш мумкин. Агар бу қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари орасидаги ихтилоф Бундестагнинг тарқатилиб юборилишига олиб келмаса, Федерал ҳукуматнинг таклифи ва Бундесрат розилигига кўра, Федерал президент фавқулодда қонуний ҳолат эълон қилиши мумкин. (Gesetzgebungsnotstand баъзан “қонун чиқарув зарурияти ҳолати” деб ҳам таржима қилинади) Агар шундан кейин ҳам Бундестаг яна қонун лойиҳасини рад этадиган бўлса ёки лойиҳани Федерал ҳукуматга тўғри келмайдиган таҳрирда маъқулласа, ёки бўлмаса лойиҳа қайта киритилгандан кейин 4 ҳафта ичида қарор қабул қилса, у ҳолда қонун, агар у Бундесрат томонидан маъқулланса, қабул қилинган ҳисобланади. Бошқача айтганда, қонун фақат бир юқори палата томонидан қабул қилиниши мумкин. Бироқ бу қонун асосий Қонунга ҳеч қачон таъсир этмаслиги керак. Фавқулодда қонун чиқарув ҳолати эълон қилингандан кейин 6 ой мобайнида Бундестаг томонидан рад этилган бошқа ҳар қандай қонун ҳам қабул қилиниши мумкин. Аммо бу муддат ўтгандан кейин қонунчилик ҳолати қайтадан, ўша федерал канцлернинг ваколат муддати тугамасдан, эълон этилиши мумкин эмас.

Францияда, қонун лойиҳаси бўйича Парламент палаталари орасида ихтилоф юзага келган ҳолларда, “Моки” ҳаракатга келади: лойиҳа палаталар орасида юради ва у ҳукумат томонидан тўхтатилмагунича бу “уёқ бу ёққа сарсон бўлиб юриш” давом этаверади. Бу борада, Конституциянинг 45-моддаси, 2,3 ва 4-қисмларида қуйидаги тартиб белгиланган: “Агар икки йиғилиш(мажлис) орасида

ихтилофлар оқибатида қонун лойиҳаси ёки қонун таклифи мажлисларнинг ҳар бирида икки ўқишдан кейин қабул қилинмаган бўлса ёки бир ўқишдан кейин мажлисларнинг ҳар бирида ҳукумат масаланинг кечиктириб бўлмаслигин баён этса, у ҳолда, Бош Вазир баҳсли масалалар бўйича янги матнни ишлаб чиқиш учун аралаш теппа-тенг комиссия мажлисини чақириш ҳуқуқига эга.

Аралаш комиссия ишлаб чиққан матн ҳукумат томонидан иккала мажлиснинг ҳам тасдиқига тақдим этилади. Ҳукумат розилигисиз унга ҳеч қандай тузатиш киритилмайди. Агарда, аралаш комиссия келишилган матнни қабул қила олмаса, ёки матн ундан олдинги қисмда кўзда тутилган шартларга мувофиқ қабул қилинмаса, ҳукумат миллий мажлис ва сенатда янги ўқишдан сўнг Миллий мажлисдан сўнгги қарорни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда Миллий мажлис аралаш комиссия томонидан тузилган матнга, ёки улар томонидан тузилган охирги матнга, яъни зарурий ҳолларда бир ёки бир нечта тузатишлар билан сенат томонидан ўзгартирилган матнга қайтиши мумкин.”

Шундай қилиб, Миллий мажлис қонунчилик жараёнида ва фақат ҳукумат қарорига кўра эга бўлиши мумкин.

Буюк Британия ва Польшада қуйи палата қонунчилик жараёнида сўзсиз устунликка эга бўлади. Масалан, 1911 йилда чиқарилган ва 1949 йилда тузатиш киритилган Парламент ҳақидаги Британия қонуний ҳужжатида оммавий қонун лойиҳаси (хусусий қонун лойиҳасидан фарқли ўлароқ, умуммеъёрий тавсифга эга бўлган) агар молиявий тавсифга эга бўлса ва беш йилдан ортиқ парламент ваколатларининг муддатини оширмайдиган бўлса, лордлар палатаси рад этган ҳолатда, бир йилга ушлаб турилиши мумкин, ундан кейин, агар жамоалар палатаси томонидан қайтадан маъқулланадиган бўлса, унинг таҳририда қабул қилинган ҳисобланади ёки жамоалар палатаси розилик берган лордлар палатаси тузатишлар билан қабул қилинган ҳисобланади. (2-модда, 1-қисм) Польша Конституцияси 121-моддасининг 2 ва 3-қисмларида сейм қабул қилган қонуни Сенат 30 кун ичида ёки қабул қилиши, ёки рад этиш, ёки бўлмаса унга ўзгартириш (тузатиш) киритилишини таклиф этиши мумкинлигини кўзда тутган. Бироқ агарда, Сейм Сенатнинг бундай қарорларидан ҳар қандайини мутлақ кўпчилик овоз билан депутатларнинг қонуний сонининг камида ярмиси иштирокида рад этадиган бўлса, қонун Сеймнинг таҳририда қабул қилинган бўлиб ҳисобланади. Агар Сенат 30 кунлик муддатни ўтказиб юборса, бу ҳам ўрин эгаллайди.

Ҳиндистон Конституцияси 108-моддасида белгиланганидек, Парламент палаталари орасида ихтилофлар юзага келса, ёки агар палаталардан бирортаси 6 сессия ойидан кўпроқ муддат мобайнида бошқа палата маъқуллаган лойиҳани қабул қилмаса, Президент иккала палатани қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун қўшма мажлисни чақириши мумкин. Бу мажлисда лойиҳа келишилган тузатишлар билан иккала палатанинг иштирок этаётган ва овоз бераётган аъзолари умумий сони кўпчилиги билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қўшма мажлис, ҳатто халқ палатаси тарқатиб юборилган бўлса ҳам чақирилиши мумкин. Халқ палатаси қўшма мажлисда юқори палатани икки мартадан ортиқ сонини ошириб,(юқори палата-штатлар кенгашидир) устунликка эга бўлади деса ҳам бўлди, аммо овоз берувчиларнинг тақсимланиши одатда, палаталар бўйича эмас, тўғрироғи сиёсий партиялар бўйича боради, бунинг натижасида қуйи палатанинг камчилик қисми юқори палатанинг кўпчилиги билан бирлашган ҳолда қўшма мажлисда ҳам кўпчилик бўла олади.

4-§.Санкция бериш, промульгация, қонунни эълон қилиш. Қонуннинг кучга кириши

Қонунчилик жараёнининг ушбу босқичи (ёки, икки ва ҳатто уч босқичи) фақатгина Буюк Британия ва Британия мустамлакасида (собиқ) бўлган олий ҳокимият ташкилотининг Вестминстр моделини қабул қилган, мамлакатларда, парламент ичида амалга оширилади. Гап шундаки, қонуннинг асдиқланиши, эълон қилиниши ва чоп этилиб оммага ёйилиши одатда, давлат раҳбарига берилган имтиёз афзалликдир, юқорида номлари келтирилган мамлакатларда эса давлат раҳбари, таъкидлаб ўтганимиз каби, икки палата билан бир қаторда парламент таркибига киради. Буюк Британияда Парламент қиролига, лордлар палатаси ва жамолар палатасидан ташкил топган, Ҳиндистон Конституциясида бу мисолга кўра, 79-моддада ёзиб қуйилганидек, Парламент Президент ва икки палата-штатлар кенгаши ва халқ палатасидан иборат.

Бошқа малакатларда эса ушбу босқич асосан парламентдан ташқарида бўлади, ҳолбуки, парламент баъзан бу мамлакатларда ҳам фаолият кўрсатиши лозим.

Қонуннинг санкцияланиши яъни тасдиқлаш давлат раҳбари томонидан қонуннинг расмий матнини имзолаш йўли билан амалга оширилади. “Санкциялаш” атамасининг ўзи монархлар ва парламент-

лар орасидаги курашлар замонига бориб тақалади ва ўша даврда парламент томонидан қабул қилинган қонун фақат давлат раҳбари бу қонун рози ва ўз розилигини у қонун матнини имзолаш ифодалаши шарти билангина кучга киришни билдирган. Акс ҳолда, давлат раҳбари қонуний мутлақ вето қўйган ҳолда уни имзолашдан бош тортган: қонун саватга ташланган. Ушбу масаладаги конституциявий ҳуқуқнинг кейинги тараққиёти шунга олиб келганки, давлат раҳбари ўз хоҳишига кўра, парламент томонидан қабул қилинган қонунни рад этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган (Англияда мутлақ вето воқеасининг охиргиси 1707 йил бўлиб тарихга кирган), вето эса, агар у сақланиб қолган бўлса ҳам кўпинча орқага ташланган. Ҳозирги вақтда "санкциялаш" атамаси" нисбатан баъзи бир мамлакатларда-гина конституцияларда сақланиб қолган: уларнинг кўпчилиги фақат имзолаш ёки эълон қилиш маъносини беради.

Масалан, Испания Конституциясининг 91-моддасида шундай дейилган: "Қирол 15 кун муддат ичида Бош Кортеслар томонидан маъқулланган қонунларни санкциялайди (тасдиқлайди), уларни оммага эълон қилади ва уларнинг зудлик билан нашр этилишига бош-қош бўлади." Санкциялаш амалда имзолаш йўли билан амалга оширилади. Қирол ҳеч қандай вето ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунга ўхшаш Германия федерал Президенти ҳам Асосий қонуннинг 82-моддаси, 1-қисмига мувофиқ Асосий Қонунга мувофиқ қабул қилин-ган қонунлар контрассигнатурасидан кейин[94] расмийлаштиради ва уларни "Бундесгезетцблатт"да чоп этади (Bundesgesetzblatt-қонунлар федерал ахборотномаси).[95]

Унда ҳам ҳеч қандай вето ҳуқуқи йўқ. Словакияда Конститу-циянинг 87-моддаси 2 қисмига мувофиқ Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қонун Миллий Кенгаш раиси, Республика Президен-ти ва Ҳукумат раиси томонидан имзоланади (шундай деб тўғридан-тўғри айтилган) Аммо бу имзоларнинг аҳамияти бир хил эмас. Буни кейинроқ кўриб чиқамиз.

Кўпчилик мамлакатларда, қонунчилик жараёнининг ушбу бос-қичида давлат раҳбарининг орқага ташлаш (яъни кечиктириш)ветоси бўлиши мумкин, шундан кейин қонун парламентга янгидан кўриб чиқиш учун қайтарилади. Бунда кўпинча давлат раҳбарининг қонун мазмуни юзасидан эътироз ва мулоҳазаларининг парламентга хабар

[94] Контрассигнатура-давлат раҳбаридан чиққан қонунинг вазир томонидан имзоланиши, яъни вазирнинг мазкур қонун бўйича юридик ва сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олиши.

[95] Бу немисча "ausferfigen" феълининг муқобили яъни асосий қонун шарҳида бу имзолаш маъносини билдиради.

қилиши кўрсатилади.

Масалан, АҚШ Конституциясининг 1-моддаси, 7 боби, 2-қисмига мувофиқ, ҳар бир билль (қонун лойиҳаси) Конгресснинг иккала палатасидан ўтиб, қонун бўлишдан олдин АҚШ Президентига тақдим этилади. Президент ёки лойиҳани имзолайди ёки ўз эътирозини билдирган ҳолда лойиҳа дастлаб келган палатага қайтаради. Агар такроран кўриб чиқилгандан кейин палаталардан ҳар бири лойиҳани номма-ном, ўз таркибининг 2\3 қисми кўпчилиги билан қабул қилса, лойиҳа қонунга айланади. Президентга имзолаш учун 10 кун муддат берилади (бозор кунлари мустасно), бу муддат ўтгандан кейин, Президент ҳатто эътибор бермаган бўлса-да, Президент худди уни имзоланганидек, лойиҳа қонунга айланади.

Бундай Конституциявий низомлардаги муайян бўшлиқ “чўнтак ветоси” деган номни амалиётга олиб келди. Юқорида конгресс сессияларининг дисконтинуитет тамойили эслаб ўтилди. Сессия ниҳоясида Конгресс, одатда, бунинг учун кўп қонунлар қабул қилади, мақсад уларни сессияда кўриб чиқишга кетган вақт беҳуда кетмаслиги керак. Агар Президент қонун лойиҳасини Конгресс сессияси тугашидан 10 кун аввал (кам эмас) олган бўлса, у лойиҳа имзоламаслиги мумкин, агарки, у Конгресснинг навбатдаги сессиясида такроран бутун таомилларни ўта олмаса, билль қонун лойиҳаси ҳеч қачон қонунга айланмайди. Президент худди “қонун лойиҳасини чўнтакка қўйгандай бўлади. Амалиёт (тажриба) шуни кўрсатадики, Президент кейинроқ ҳам истаган вақтида лойиҳани имзолаши мумкин ва қонунга айлантириши мумкин.

Агарда, АҚШда Президент ветосини бартараф қилиш анча қийин бўлса, у ҳолда Ҳиндистонда бу нарса анча осон кечади. Конституциянинг 111-моддасига биноан, қонун лойиҳаси Президент томонидан қайтариб юборилганда лойиҳани палаталар қайтадан кўриб чиқадилар ва оддий тартибда тузатишларсиз ёки тузатишлар киритиб қабул қиладилар, шундай кейин Президент имзолаш учун эътироз билдира олмайди.

Бироз юқорида келтирилган Словакия мисолида қонунни имзолайдиган уч кишидан иборат Республика Президенти ўз фикрини билдирган ҳолда, қонунни Миллий Кенгашга қайтариши мумкин ва буни ҳукумат талабига биноан қилишга мажбур (ҳукумат раисининг талаби билан эмас), шундан кейин қонун яна Миллий Кенгашда муҳокама қилинади ва одатдаги белгиланган тартибда чоп этилиш лозим. (Конституциянинг 87-моддаси, 3 ва 4-қисмлари) Бундан шу

хулосага келиши мумкин, Миллий Кенгаш раиси имзосининг аҳамияти, кўриниб турибдики, фақат шунда эканки, қонун белгиланган тартибда Миллий Кенгаш томонидан қабул қилинган экан. Ҳукумат раисининг имзоси эса Ҳукуматнинг қонунга қарши эътирози йўқлигини билдиради, бу эса қандайдир даражада раиснинг имзосини Президент имзоси билан тенглаштиради. Бу агар айтиш мумкин бўлса, контрассигнатурани ўрнини босувчисидир.

Колумбияда қонун лойиҳалари Конституциянинг 157 ва 167 моддаларига биноан Ҳукумат томонидан санкцияланади, унинг бошида эса Президент туради. Агар ҳукумат палаталар томонидан мутлақ кўпчилик овоз билан вето қўйса (кўриб турганимиздек бу АҚШ ва Ҳиндистон варинатларининг ўртаси) унда бу қонун лойиҳаси янги эътирозлар ҳуқуқи берилмаган Президент томонидан санкцияланади, албатта, қонун лойиҳасининг конституциявий эмаслиги ҳақидаги эътироз бундан мустасно. Бундай ҳолатда, агар палаталар қатъий туриб олса, лойиҳа конституциявий судга берилади ва суд 6 кун ичида лойиҳанинг ижроийлиги масалаласини ҳал этади. Суднинг ижобий қарори Президентга лойиҳани тасдиқлаш вазифасини юклайди, салбий қарори лойиҳа бўйича ишларнинг тўхтатилишини талаб этади. Агар суд лойиҳани қисман ижро этиб бўлмайдиган ҳисобласа, у ҳолда буни лойиҳа дастлаб киритилган палатага билдиради, палата эса бу борада тегишли вазирни тинглаб суд қарорида гап борган лойиҳа моддаларини қайтадан қилиши лозим. Фақат шундан кейин лойиҳа сўнгги қарор учун Судга юборилади. Ниҳоят, чуқур демократик анъаналарга эга бўлмаган мамлакатлардагина эҳтимолий бўлган вазиятни тартибга солувчи 168-моддани эслаш жоиз ва шу нуқтаи назардан ҳам биз учун бу қизиқарли: Агар Президент қонуни ўз вақтида ва Конституцияда белгиланган шартларда тасдиқлаш вазифасини адо этмаса, қонунни Конгресс (яъни Сенат) раиси тасдиқлайди ва эълон қилади.

Энди промульгация (қонуннинг расмий эълон қилиниши) нима эканлигини тушунтириш вақти келди. “Юридик энциклопедик (қомусий) луғат бу атамани парламент томонидан қабул қилинган қонуннинг расмий эълон қилиниши. Қонун лойиҳасининг давлат бошлиғи томонидан конституция билан белгилаб қўйилган муддатларда санкцияланиши (одатдагидек, ёки қисқартирилган ҳолда ва шунингдек, қонуннинг расмий хабарномада расмий эълон қилинишини билдиради” деб таърифлайди. (лот. Promulgatio-эълон қилиш, халққа ёйиш маъносида) Бундан таъриф конституцияларда келтирил-

ган атаманинг қўлланилишига тўла-тўкис тўғри келмайди”. Конституцияларда бу промульгация (эълон қилиш), санкциялаш (тасдиқлаш) ва нашр этиш каби турланади. Поляк “Кичик ҳуқуқий қомус” ушбу атамани аниқроқ, айнан “Ижроия ҳокимияти, одатда, парламент томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасининг эълон қилиниши ҳақида қарор қабул қилувчи ва ижроия ҳокимияти органларига ушбу актда кўрсатилган (буюрилган)ларга амал қилиниши таклиф этувчи давлат бошлиғининг муҳим ҳаракати” ўлароқ изоҳлайди. Бошқача айтганда, бу қонуннинг расмий эълон қилиниши ҳақидаги фармойишни ўзида мужассамлантирган махсус ҳужжатнинг чоп этилишидир. Промульгация давлат бошлиғи чиқарадиган ҳужжат-фармон, буйруқ ва ҳоказолар билан амалга оширилади, унинг матни расмий нашрларда эълон қилинаётган қонун матнидан олдин ёзилади.

Қонунинг чоп(нашр) этилиши эса-қонуннинг тўла (аутентик) матни бериладиган расмий даврий ёки давомий нашрларда матннинг босиб чиқарилишидир. Нашр муддати (дата) қонуннинг амалда бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга: бу муддатдан бошлаб қонуннинг амал қилиш муддати ҳисоби давом этади.

Демократик мамлакатларда, қонун нашр этилишидан олдин, фуқаролар ва бошқа шахслар қонуннинг мазмуни билан танишиши имкониятига эга бўлмай туриб кучга кира олмайди. Бу демак, қонун имзоланган пайтдан бошлаб кучга кириши мумкин эмас экан. Фақат давлат органларига мурожаат қилувчи ва инсон, фуқаронинг ҳуқуқ, мажбуриятлари, эркинликлари,масъулиятлари ва манфаатларига тегишли бўлмаган қонунларгина нашр этилиш пайтидан бошлаб кучга киради.

Қолган қонунларнинг кучга кириши учун нашрдан кейин маълум бир вақт белгиланади: Францияда-бир кун, Италияда-15 кун, Японияда-20 кун. Қонун матнида ундан ҳам кўпроқ муддат белгилаб қўйилиши мумкин. Бу нарса ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқдан фойдаланувчилар янги қонунни ўрганиб чиқишлари ва ўз фаолиятлари ва хатти-ҳаракатларини қонун талабларига мослаштиришлари учун жуда зарур.

36-боб. Хорижий мамлакатларда ҳукумат

1-§. Ҳукумат тушунчаси. Ҳукумат-ҳокимиятнинг коллегиал ижроия органи
2-§. Ҳукумат таркиби. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми
3-§. Хорижий давлатларда ҳукумат номланиши (Кабинет, Вазирлар кенгаши, Доимий бюро ва ҳоказо)

1-§. Ҳукумат тушунчаси. Ҳукумат-ҳокимиятнинг коллегиал ижроия органи

Ҳукумат ижро этувчи ҳокимиятнинг коллегиал тартибда фаолият юритувчи олий органи бўлиб парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар, президентнинг барча турдаги ҳуқуқий ҳужжатларини ижросини таъминловчи органдир. Ҳукуматга таъриф бериш тўғрисида ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари турличадир. Уларнинг ҳукумат тўғрисидаги таърифларининг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Ҳукумат - бу мамлакатда ижро этиш ва тартибга солиш фаолияти устидан бошқарувни амалга оширувчи универсал ваколатларга эга бўлган жамоавий органдир.[96]

Ҳукумат - бу умумий ваколатларга эга бўлган, ижро ҳокимиятини амалга оширувчи, давлатда бошқарув фаолиятини ифода этувчи коллегиал органдир.[97]

Ҳукумат - бу олий сиёсий бошқарувни амалга оширувчи ва давлат ишларига умумий раҳбарлик қилувчи органдир.[98]

Мамлакат ҳукумати - турли хил тармоққа эга бўлган ижро ҳокимияти органларининг пирамидаси бўлиб, у ўз ичига турли хилдаги ва турли хусусиятга эга бўлган нафақат марказий, балки ҳудудий ва маҳаллий органларни ҳам қамраб олади. Шу билан бир қаторда ҳукумат қисман ихтисослашган бошқарув органи эмас, балки жамият ҳаётининг барча тармоқлари устидан бошқарувни амалга оширувчи давлат органларига раҳбарлик қилувчи ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи умумий ваколатларга эга бўлган органдир. Ҳукумат фаолиятининг ҳуқуқий мақоми конституцияларда

[96]Чудаков М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учеб.пособие/ -Мн.:Новое знание, 2001. С.433.

[97] Енгибарян Р.В., Тадевосян Э.В. Конституционное право: Учебник. -М.: Юристъ, 2000. С.492.

[98] онституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под общ.ред.члена-корр.РАН, проф. М.Баглая, доктора юридических наук, проф. Ю.И.Лейбо и доктора юридических наук, проф. Л.М.Энтина. –М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. С.266.

ва махсус қонунчилик билан ҳам тартибга солиб турилади. Ҳукуматнинг ўрни ва роли унинг ташкил этилиши ва ваколатлари ҳамда бошқа жиҳатлари мамлакатнинг бошқарув шаклига, унинг тарихий ва миллий одатлари ва халқнинг миллий хусусиятлари билан белгиланади.

Турли давлатларда ҳукумат турли хил ваколатларни амалга оширади ва барча демократик ривожланган давлатларда ҳукумат ўз фаолиятининг асоси сифатида халқнинг ҳақ - ҳуқуқларини, манфаатларини, эркинликларини ҳимоялаш ва амалга оширилишини таъминлашни ифода этади. Аввалambор мамлакатнинг қонунлари халқнинг фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида қабул қилинади. Ана шу фуқаролар томонидан сайланган халқнинг вакиллари томонидан қабул қилинган қонунлар ижроси бевосита ҳукуматнинг фаолияти ва у қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таъминланади.

Мана шу ҳукуматнинг моҳияти тўғрисидаги тушунчалар асосида ҳукуматга таъриф берилса энг тўғри таъриф шу бўлар эди деб ҳисоблайман. Шунга асосан ҳозирги кунда ҳукумат тўғрисидаги умумэътироф этилган тушунчаларни умумлаштирсак, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин, яъни **ҳукумат** – давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларининг самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, парламентнинг бошқа ҳуқуқий актлари ва давлат бошлиғининг қарорлари, фармонлари ҳамда фармойишларининг ижросини таъминловчи, фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларига, конституция ва қонунларга риоя этилишини кафили бўлган давлат ҳокимияти механизмининг олий аппаратидир. Мана шу таърифда белгиланганидек, ҳукумат фуқароларни ҳуқуқ эркинликларини таъминласа ҳамда унинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлигини назарда тутиб фаолият юритса шу ҳукуматгина ҳақиқий ҳукуматдир.

2-§. Ҳукумат таркиби. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми

Демократик мамлакатларда ижро этувчи ҳокимиятни ифода этувчи ҳукумат ўзининг ички тузилиши ва таркибига эга. Ҳукумат турли мамлакатлар қонунчилигига биноан турлича асосларда таркиб топади. Ҳукуматнинг таркибига Премьер министр, Вице – Премьер, министрлар ва мақоми жиҳатидан министрлар билан тенг турувчи шахслар ҳам киради. Ҳукумат аъзолари ҳуқуқий жиҳатдан бир –

бирларидан фарқ қиладилар. Алоҳида вазирлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи вазирлар, тармоқ вазирликларини ифода этувчи қўмита раҳбарлари, яна бирор бир вазирлик фаолиятига раҳбарлик эмас, балки алоҳида топшириқ ва вазифаларни амалга оширувчи “портфелсиз” вазирлар ҳам ҳукумат таркибига киради. Булардан ташқари турли хил ҳукумат департаменти раҳбарлари, давлат министрлари, статс секретарлар, баъзан кичик министрлар ва парламент министрларини ҳам ҳукумат таркибида фаолият олиб боришларини кузатишимиз мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг номланиши турлича, лекин ҳукумат таркибида бош ролни Премьер министрдан ташқари министрлар ўйнайди. Мутлақ монархия типидаги давлатларда ва президентлик республикаларида ҳукумат таркибига монарх, турли хил соҳа вазирликларини бошқарувчи монарх хонадони аъзолари, давлат раҳбари бўлмиш Президент ҳам киради.

Ҳукумат аъзоларининг номланиши турлича, лекин ҳукумат таркибида бош ролни Премьер министрдан ташқари министрлар ўйнайди. Мутлақ монархия типидаги давлатларда ва президентлик республикаларида ҳукумат таркибига монарх, турли хил соҳа вазирликларини бошқарувчи монарх хонадони аъзолари, давлат раҳбари бўлмиш Президент ҳам киради.

Ҳукумат таркиби давлат бошқарув шаклига кўра белгиланади. Турли давлатларда (Франция ва Португалия) давлат вазирлари оддий вазирларга нисбатан анча юқори мавқега эга. Буюк Британияда давлат вазирлари (министрлари) оддий вазирларнинг ўринбосарлари бўлиб ҳисобланади. Масалан, мудофаа вазирига бўйсунган ҳолда учта, тўртта, бешта давлат мудофаа вазирлари фаолият олиб боришлари мумкин.

Баъзи мамлакатларда, хусусан, Буюк Британияда ҳукумат аъзоларининг ўрта асрлардан ҳозиргача сақланиб қолган мансаблари мавжуд бўлиб, баъзан мазкур лавозимнинг номидан мансабдорнинг фаолияти доираси тўғрисида бирон бир аниқ тасаввур ҳосил қилиш мушкул: лорд - канцлер (лордлар палатасига раислик қилади, моҳият жиҳатдан эса у адлия вазиридир), лорд - муҳрдор, хазина канцлери (молия вазири) ва шу кабилар. Айрим ривожланаётган мамлакатларда бир нечта бир - бирига яқин соҳа вазирликларининг ишини мувофиқлаштириб турувчи мувофиқлаштирувчи - вазир, шунингдек, мамлакатнинг йирик минтақаларини бошқарувчи ҳудудлараро вазир лавозимлари ҳам мавжуд.

Баъзи мамлакатларнинг конституция ёки қонунларида вазирларнинг аниқ сони белгилаб қўйилиши ҳам мумкин. Масалан, ҳукумат миқдори Норвегияда бош вазир ва бошқа еттитадан кам бўлмаган аъзолар[99], Ирландияда еттитадан кам ва ўн бештадан кўп бўлмаган аъзолар[100], Бирлашган Араб Амирликларида ўн тўрттадан кўп бўлмаган аъзо таркибда фаолият юритиши кўзда тутилган.

Айрим мамлакатларда, хусусан, Вьетнам ва Кубада ҳукумат мажлисларида вазир мавқеига эга бўлмаган айрим йирик ноҳукумат ташкилотларининг (масалан, Хотин-қизлар, Ёшлар, касаба уюшмаларининг) раҳбарлари ҳам мунтазам равишда қатнашадилар ва улар одатда, маслаҳат овозига эгадирлар.

Ҳукуматнинг таркибида баъзи ҳолларда ҳукуматнинг айрим (гоҳида жуда муҳим) ваколатларини бажарувчи янада торроқ тузилмалар ташкил этилиши кузатилмоқда. Мазкур органларнинг тўрт хил шакли мавжуд:

1) Англосаксон ҳуқуқ тизими таъсиридаги айрим давлатларда (хусусан, Буюк Британия ва Ҳиндистонда) **ҳукумат** ва **маҳкама** бири – биридан фарқ қилади. Гап шундаки, ҳукумат ўз таркибига барча вазирларни, шу жумладан “кичик” вазирларни (бизнинг ўлчов билан айтганда етакчи вазирликлар раҳбарларининг ўринбосарлари) ва бошқа айрим мансабдор шахсларни ҳам киритганлиги боис, амалда у жуда кенг таркибни ташкил қилади (баъзан 95 кишидан ҳам ортиқ). Бирок ҳукумат махсус орган сифатида мазкур таркибда ҳеч қачон йиғилмайди. Шу боис қоида тариқасида, амалда бош вазир томонидан танланиб ва ўз қароргоҳига мажлисга таклиф қилинадиган 20 нафардан ортмаган мансабдор шахслардан иборат таркиб - маҳкама ташкил қилинади ва у мамлакат бошқарувига оид деярли барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга. Одатда, маҳкама аъзолари иштирокида ҳафтасига бир ёки икки марта мажлис ўтказилади.

2) Баъзи бир континентал ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда (Францияда, Африка қитъасидаги собиқ француз колониялари бўлган давлатларда) вазирлар кенгаши ва маҳкама кенгаши фарқланади. Вазирлар кенгаши мажлиси – бу Президент раислигида ўтказиладиган ҳукуматнинг расмий мажлиси ҳисобланиб, унда мамлакат ҳаётига оид муҳим масалалар ҳал қилинади. Маҳкама кенгашининг мажлислари эса бош вазир раҳбарлигида ўтади. Одатда, мажлис президентнинг алоҳида топшириғи юзасидан ташкил қилиниб, унда

[99]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.6) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. С.214. 12 ст.
[100] Та же литература. С.102. 28 ст.

зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар кўриб чиқилади.

3) Тоталитар социализм ва постсоциалистик мамлакатларда ҳукуматнинг ичида махсус орган – ҳукумат **раёсати** ёки **бюроси** ташкил қилинади. Унинг таркибига бош вазир, унинг ўринбосарлари, баъзан айрим вазирлик раҳбарлари киритилади. Раёсат (бюро) ҳукумат компетенциясига кирувчи бир қатор муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

4) Баъзи ҳолларда ҳукумат таркибида бир - бирига яқин турдош соҳа вазирликларини умумлаштирувчи идоралараро қўмиталар ёки комиссиялар ташкил қилинади. Уларга ҳам ҳукумат ваколати доирасидаги айрим масалаларни ҳал этиш ваколати берилади.

Америка Қўшма Штатларида ижро этувчи аппарат тузилмаси Кабинет бўлиб ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари Конституциясида президент кабинети ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Конституцияга биноан президент ижроия тармоқнинг ҳар бир департаментининг асосий мансабдор арбобларидан, уларнинг масъулият доирасига кирган ҳар қандай масала бўйича ёзма равишда уларнинг нуқтаи - назарини сўраши мумкин, бироқ конституцияда на департаментларнинг номи ва на уларнинг мажбуриятлари номланмаган. Шунга ўхшаб, Кабинетда хизмат қилиш учун бирон - бир махорат мезонлари ҳам конституция томонидан белгиланмаган. Шундай бўлса-да, барибир давлат раҳбарлари Кабинет ёрдамига муҳтождир. “Кабинет, кундалик ҳаёт заруратига биноан, конституция қаровидан ташқарида ташкил топган. Ҳатто Жорж Вашингтон пайтида ҳам президент ўз хизмат бурчларини маслаҳатсиз ва ёрдамсиз амалга оширишининг мутлақо иложи бўлмаган”.[101]

Ҳукумат таркибига унга бошчилик қилувчи бош вазир (мазкур лавозим турлича аталиши ҳам мумкин: Хитойда Давлат Кенгашининг раиси, Болгарияда Раис Вазир, Швецияда Давлат вазири ва ҳоказо), вазирлар ва марказий тармоқ органлар раҳбарлари киради. Бош вазир раҳбарлиги остида вазирлар, давлат вазирлари (Япония Маҳкамасининг ҳамма аъзоси, Португалия ҳукуматида эса бош вазир ўринбосарлари шундай аталади), давлат котиблари (Америка Қўшма Штатларида Ташқи ишлар вазири шундай аталади), шунингдек ҳукумат ва вазирлар билан парламент тузилмалари ўртасидаги алоқани таъминловчи, парламентда вазирлар номидан иш олиб борувчи парламент котиблари иш юритадилар. Шунингдек, ҳукумат таркибида бевосита

[101] Америка ҳукуматининг асослари. Халқаро ахборот дастурлари идораси. Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти. 2000. 49-б.

бирон бир соҳага раҳбарлик қилмайдиган, лекин ҳукумат мажлисларида ҳал қилувчи овозга эга бўлган **“портфелсиз”** вазирлар ҳам бўлади. Одатда, бош вазирнинг алоҳида топшириқларини бажарадиган ва турдош вазирликлар гуруҳи ишларини мувофиқлаштириб турувчи ваколатга эга мансаб соҳибларини мана шундай аташади.

Россия Федерацияси Конституциясида ҳам қайси мансаб эгалари ҳукумат аъзолари бўлиши мумкинлиги белгиланган, лекин ҳукумат аъзолари сони белгиланмаган.

Япония давлатининг 1947 йилги “Министрлар Кабинети тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига биноан кабинет аъзолари бўлмиш 20 та давлат министрларини Премьер министр тайинлайди. Япония давлатининг конституциявий қонунида ҳукумат аъзолари сони шу тартибда белгиланган.

Германия Федератив Республикасида ҳукумат аъзолари сони ва федерал министрлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш Канцлер ихтиёрида.

Буюк Британияда ҳукуматни Кабинет ифода этади. Кабинет аъзолари сонини Премьер министр белгилайди. Одатда кабинет аъзолари 20 та атрофида бўлади. Ҳукуматнинг шахсий таркибини белгилаш муҳим министрлик постларини тақдим этиш ҳам Премьер ихтиёрида. Ҳукумат аъзоси бўлиш учун шахс аввало Парламент аъзоси бўлиши лозим. Унинг фаолияти эса доимо парламент назорати остида бўлади.

“Ички Кабинет” бу тушунча Буюк Британия сиёсий ҳаётининг охирги йилларида пайдо бўлди. Унинг аъзолари Кабинет таркибидаги Премьер министрнинг яқин маслаҳатчилари ва дўстлари бўлиб ҳисобланади.

“Ички Кабинет” министрларнинг норасмий йиғиндиси бўлиб, ҳуқуқий мақомга эга эмас ва ташкилий тузилма сифатида ҳам эътироф этилмайди.

Кабинет таркибида қўмиталар ташкил этилади. Улар жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни кўриб чиқиш учун ташкил қилинади. Қўмиталарнинг номланиши ва уларнинг сони қонунчилик билан белгиланмайди, балки Кабинет ичида, тўғрироғи, Премьер министр томонидан белгиланади. Одатда улар ҳукумат фаолиятининг қуйидаги йўналишларида ташкил этилади:

1) Мудофаа ва Ташқи сиёсат
2) Қонунчилик (ҳукумат қонун лойиҳалари устида ишлайди)
3) Ички хавфсизлик ва ижтимоий масалалар

4) Иқтисодий сиёсат ва иқтисодий режалаштириш

Ҳукумат раҳбарлиги остида бир қатор органлар ташкил этилиши мумкин. Улар ҳукуматга ёрдам берувчи ва маслаҳат хусусиятига эга бўлган орган ва хизматлар бўлиши мумкин. Мисол учун, 1988 йил Буюк Британияда 1500га яқин маслаҳат хусусиятидаги хизматлар ташкил этилган.

Ҳукумат раҳбарлиги остида юрисдикцион ва назорат органлари ҳам ташкил этилиши мумкин. Ғарбий Европа мамлакатларида (Франция, Бельгия ва бошқалар) улар одатда давлат Кенгаши номи билан аталади, Италияда эса ҳисоб палатаси номи билан аталади. Ҳукумат раҳбарлиги остидаги юрисдикцион муассаса, фақатгина маъмурий ҳақамликни амалга оширади, давлат бошқаруви билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколатига ҳам эга.

3-§. Хорижий давлатларда ҳукумат номланиши (Кабинет, Вазирлар кенгаши, Доимий бюро ва ҳоказо)

Ҳукумат давлат бошқарувига раҳбарликни амалга оширадиган ва умумий ваколатларга эга бўлган ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори даражадаги коллегиал органи бўлиб, бу орган маъмурий бошқарувга, яъни мамлакатнинг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятига бошчилик қилади, шу жиҳатдан давлат аппарати, қуролли кучлар, давлатнинг молиявий ва ташқи ишлар масалалари унинг раҳбарлиги остида амалга оширилади.

Хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз таркибларига кўра, яъни ундаги мавжуд лавозимларнинг турлари ва мавқеининг хилма хиллиги билан бир бирларидан ажралиб туради.

Умуман олганда давлат бошқаруви ва ижро ҳокимияти билан шуғулланувчи бу марказий орган дунёнинг кўпчилик мамлакатларида “Министрлар Совети” ёки “Министрлар Кабинети”, - деб номланади.

Дунёнинг баъзи бир давлатларида ҳукумат дейилганда бошқарув ва ижро ҳокимиятидан кўпроқ нарсалар назарда тутилади. Мисол учун, “Government” сўзи ўз ичига бутун давлат механизмини қамраб олади. Унинг ичига ижро ҳокимияти билан бир қаторда қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти ҳам киради.

Инглиз тилида ҳукумат бутун давлат машинасини ифодалайди. Инглиз тилида ҳукумат деган термин ўрнига янада аниқроқ бўлган “ижро ҳокимияти” деган сўз ишлатилади. Бу эса Министрлар Совети ёки Министрлар Кабинети бўлмиш ижро ҳокимиятини бошқа ҳокимият тармоқларидан ажратиб туради.

Олий ижро ҳокимиятини амалга оширувчи ҳукумат коллегиал орган сифатида фаолият юритади. Жаҳоннинг турли мамлакатларида ҳукумат давлат тузилишига, бошқарувига ҳамда миллий ва тарихий омилларга кўра турли хил ном билан аталади. Масалан, Италияда - Вазирлар Кенгаши[102], Хитой халқ республикасида - Давлат Кенгаши ёки Марказий халқ ҳукумати[103], Швейцарияда - Федерал Кенгаш, Франция, Литва ҳамда Чехияда - ҳукумат[104], Россияда - ҳукумат[105] ва бошқалар.

Ҳукумат ўз ичига давлатнинг кўп органларини ва давлат хизматчиларини қамраб олади ва унда реал кўпдан - кўп ваколатлар бўлади. Ҳуқуқий давлатда ҳукуматнинг бош вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи қонунларнинг ижросини таъминлашдир.

[102]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.2) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. -323с. 92ст.
[103]Та же литература. 178с. 85ст.
[104]Маклаков В.В. Конституции зарубежных государств. //Учебное пособие.2-е изд., исправ. и допол.// М., 1999. С.98. Ст.20. Раздел 3.
[105]Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов. Изд.2-е,изм. и доп. -М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -178с.

37-боб. Ҳукумат ваколатлари (ҳуқуқий ҳолати)

1-§. Давлат бошқаруви соҳасида ҳукумат ваколатлари
2-§. Ҳукумат фаолияти тартиби.
Қарор қабул қилиш усуллари

1-§. Давлат бошқаруви соҳасида ҳукумат ваколатлари

Ҳар қандай мамлакатда ҳукумат жамият ҳаётининг барча жабҳаларини давлат номидан бошқаришни амалга оширади. Бу бошқарув фақат ҳукуматнинг якка ўзи томонидан амалга оширилмайди, балки парламент, агар президентлик республикалари бўлса президент билан биргаликда амалга оширилади.

Ҳукуматнинг умумий ваколатларига: мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ижтимоий иқтисодий соҳа бошқарувини амалга ошириш, мамлакатда ижро этувчи ҳокимият яхлитлигини ифода этиш, ҳукумат органларига йўналиш бериш ва улар фаолиятини тартибга солиб туриш, муайян мақсадга йўналтирилган умумдавлат дастурларини ишлаб чиқиш, уларни ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш, унга қонун асосида берилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш ва бошқалар киради.

Жаҳондаги кўпчилик давлатлар конституцияларида ҳукумат ваколатларининг умумий жиҳатлари келтириб ўтилган.

Россия Федерацияси Конституциясининг 114-моддасида ҳукуматнинг муҳим ваколатлари санаб ўтилган. Унга кўра: “Россия Федерациясининг ҳукумати:

а) Федерал бюджетни ишлаб чиқади ва Давлат Думасига тақдим этади, унинг ижро этилишини таъминлайди, Давлат Думасига Федерал бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

б) Россия Федерациясида молия, кредит ва пул сиёсатининг ягона тизимини таъминлайди;

в) Россия Федерациясида маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва экология соҳасидаги давлат сиёсатининг ягона тизимини амалга оширади;

г) Федерал бойликларни бошқаришни амалга оширади;

д) Россия Федерациясининг ташқи сиёсатини амалга оширади, давлат хавфсизлиги ва мамлакат мудофаасини таъминлаш юзасидан чора – тадбирларни амалга оширади;

е) жиноятчиликка қарши кураш, жамоат хавфсизлигини таъмин-

лаш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳамда қонунийликни таъминлаш юзасидан чора - тадбирларни амалга оширади;

ж) Россия Федерацияси Конституцияси, Федерал қонунчилик ва Россия Федерацияси Президенти фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади".[106]

Ёки Польша давлати Конституциясининг 146-моддасида:

1. Ички ва ташқи сиёсатни Министрлар Совети амалга оширади.

2. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, давлат сиёсатига оид масалаларни Министрлар Совети кўриб ҳал этади.

3. Министрлар Совети ҳукумат маъмуриятига раҳбарликни амалга оширади.

4. Конституция ва қонунларда белгиланган принциплардан келиб чиққан ҳолда Министрлар Совети:

1) Қонунлар ижросини таъминлайди;

2) Фармойишлар чиқаради;

3)Ҳукумат маъмуриятининг барча органлари фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

4) Давлат хазинаси манфаатларини муҳофаза этади;

5) Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлайди;

6) Давлат бюджети ижросига раҳбарлик қилади;

7) Давлат ички хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлайди;

8) Давлатнинг ташқи хавфсизлигини таъминлайди;

9) Чет мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларга умумий раҳбарлик қилади;

10) Халқаро шартномаларни ратификация қилади, тасдиқлайди ва денонсация қилади;

11) Мамлакат мудофаа соҳасига умумий раҳбарликни амалга оширади, ҳамда ҳар йилги ҳарбий хизматга чақирилувчи фуқаролар сонини белгилайди;

12) Ўз фаолиятининг ташкил этилиши ва тартибини белгилайди.[107]

Литва Республикаси Конституциясининг 94-моддасида ҳам ҳукуматнинг умумий ваколатлари ва фаолияти белгилаб қўйилган. Унга кўра: "Литва Республикаси ҳукумати:

1) Ўлка ишларига раҳбарликни амалга оширади, Литванинг

[106]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.4) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. -308с.
[107]Та же литература. 135с.

ҳудудий дахлсизлигини таъминлайди, давлат муҳофазаси ва жамоат хавфсизлигининг кафили бўлиб ҳисобланади;

2) Қонунларни, Сейм қарорларини ва Президент декретларини ижро этади;

3) Вазирликлар ва ҳукумат муассасаларининг фаолиятини тартибга солади;

4) Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва Сеймга тақдим этади, Давлат бюджетини ижро этади, бюджет ижроси юзасидан Сеймга ҳисобот тақдим этади;

5) Сеймга кўриб чиқиши учун қонун лойиҳасини тайёрлайди ва тақдим этади;

6) Чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дипломатик муносабатларни белгилайди ва алоқаларни қўллаб – қувватлайди;

7) Конституция ва қонунларда ҳукуматга берилган бошқа мажбуриятларни амалга оширади".[108]

Португалия давлатининг 1976-йилги Конституциясининг 200-моддасида ҳам ҳукуматнинг сиёсий ваколатлари ўз аксини топган.

Унга кўра: "Сиёсий вазифаларни амалга оширишда ҳукумат:

а) Президент қабул қилган ҳуқуқий актларни Конституциянинг 141-моддасидан келиб чиққан ҳолда тасдиқлайди;

б) Халқаро келишувларни маъқуллайди ва музокаралар олиб боради;

в) Халқаро шартнома ва келишувларни тасдиқлайди қайсики Республика Ассамблеяси ёки Революцион Кенгаш ваколатига кирмаса Ассамблеяга тасдиқлаш учун юборилмаган шартномаларни тасдиқлайди;

г) Конституция ва қонун билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади".[109]

Португалия Конституциясининг 201-моддасида ҳукуматнинг қонунчилик соҳасидаги ваколатлари санаб ўтилган бўлса, 202-моддасида эса ҳукуматнинг маъмурий соҳадаги ваколатлари санаб ўтилган. 204-моддада эса ҳукумат аъзоларининг ваколатлари ифодаланган.

Португалия Республикаси Конституциясини кўрдикки, ҳукумат ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча жабҳалар конституцион тарзда ифодалаб қўйилган.

---

[108]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.3) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. -305с.

[109]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.4) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. -234-235с.

Булардан ташқари, 1996 йил 28 июнда қабул қилинган Украина Республикаси Конституциясининг 116-моддасида, 1992 йил 28 июнда қабул қилинган Эстония Республикаси Конституциясининг 87-моддасида, 1982 йилда қабул қилинган Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 89-моддасида, 1992 йил 18 майда қабул қилинган Туркманистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаларида ҳукуматнинг жамият ҳаётини бошқариши билан боғлиқ бўлган муҳим ваколатлари белгиланган. Ҳукумат фаолияти Конституцион тартибда белгилаб қўйилишидан хулоса қилишимиз мумкинки, ҳукумат Давлат бошқаруви соҳасида ва жамият ҳаётида муҳим сиёсий аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатларда ҳукуматнинг давлат қурилиши соҳасидаги фаолияти вазирликлар ва ижро этувчи ҳокимият тузилмалари ишларини умумлаштириш, назорат қилиш ва йўналтириб туришга қаратилган. Вазирликлар ва бошқа марказий тармоқ органлари олий коллегиал орган сифатидаги ҳукумат олдида ўз фаолиятлари юзасидан ҳисобдордирлар.

Ҳукумат – департаментлар, хизматлар, бош бошқармалар ва бошқа бошқарув идораларини ташкил этади; вазирликлар ва бошқа ҳукумат ости тузилмалар низомларини тасдиқлайди; вазир ўринбосарларини ва идора раҳбарларини тайинлайди, уларни лавозимларидан озод этади, вазирлар коллегияси аъзоларини тасдиқлайди ва ҳоказо.

Ҳукумат ижро этувчи ҳокимият марказий тармоқ органларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнини таъминлайди, уларнинг ўзаро муносабатини йўналтириб туради, марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилади. Давлатнинг ижроия аппаратини бир меъёрда, нормал фаолият юритишини таъминлайди.

2-§. Ҳукумат фаолияти тартиби. Қарор қабул қилиш усуллари

Ҳукумат ўз фаолиятини жуда кенг миқёсда амалга оширади. Жамиятнинг барча жабҳаларига бевосита аралашади ҳамда тартибга солади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги ҳукуматнинг фаолияти икки йўналишда кечади: мамлакатнинг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий актлар қабул қилиш ва қонунчилик ташаббуси.

“Классик” конституциявий доктринага мувофиқ, ҳукуматнинг норматив ҳужжатлари қонун ости актлари ҳисобланади. Ижроия органларининг актлари ўз хусусиятига кўра мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий характерга эга бўлиб, у миллий ҳуқуқнинг муҳим манбаси сирасига киради. Мазкур норматив ҳуқуқий актлар турли давлатларда уларнинг миллий анъаналари ва тарихий хусусиятларига кўра турлича номланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида – президентнинг ижроия буйруқлари, Буюк Британияда – қиролича-нинг кенгашдаги буйруқлари, Францияда – ордонанслар, декретлар ва шу кабилар. Умумлаштирувчи тушунча сифатида мазкур ҳужжат-ларга нисбатан “регламентар актлар” сўз бирикмаси қўлланилади. Ҳукуматнинг бундай актлари давлат ва жамиятнинг деярли барча соҳаларида ижтимоий муносабатларини тартибга солишда мажбурий ҳисобланади.

Ҳукумат норматив ва норматив характерда бўлмаган қонуности актларни (қарорлар, ордонанслар, декретлар ва бошқалар) қабул қилади. Давлат бошлиғининг актлари билан солиштирганда ҳукумат ҳужжатлари нисбатан паст ўринни эгаллайди.

Яримпрезидентлик республикаларида, парламентар монархия ва парламентар республикаларда ҳукумат (қатор мамлакатларда фақат вазирлар, ҳукумат коллегияси эмас) ўз номидан ёки президентнинг ва монархнинг кенгашдаги декрет-қонунлари сифатидаги норматив актлар қабул қилади. Президентлик республикаларида вазирлар кенгаши коллегиал орган сифатида мавжуд бўлса ҳам, унинг актлари давлат бошлиғининг норматив акти сифатида чиқарилади (Испанияда йилига ўртача 8та декрет-қонунлар, Италияда эса 10дан ортиқ). Юқоридаги ҳужжатлар парлемент тасдиғига киритилади. Айтиб ўтил-ганидек, турли бошқарув шаклларидаги давлатлар ҳукумати муайян шартларда қонун кучига тенг бўлган вақтинчалик актлар қабул қилиши мумкин (Франция).

Регламентар ҳокимиятни амалга ошириш билан бир қаторда ҳукумат қонунчилик жараёнига жиддий, баъзан ҳал қилувчи таъсир ўтказа олиш имконини берадиган ваколатларига эга. Жаҳон сиёсий амалиётида деярли барча мамлакатларда (Америка Қўшма Штатлари-дан ташқари) ҳукуматга қонунчилик ташаббуси берилган. Ғарбий Европа давлат парламентлари статистикаси тасдиқлашича, парла-ментда тасдиқланаётган ва қонун кучига эга бўлаётган лойиҳалар-нинг 90 фоизи ҳукумат томонидан тақдим этилади. Умуман олганда, ҳукумат ўзига берилган ваколатлар доирасига кирувчи қонунчилик

ташаббуси ҳуқуқидан ўта унумли фойдаланади.

Алоҳида мамлакатлар конституция ва қонунчилиги ҳукуматга одатда, бошқа давлат органлари ваколатлари доирасига кирадиган ваколатларни ҳам бириктирган. Масалан, Японияда ҳукумат умумий ёки қисман амнистия, жазони енгиллаштириш ёхуд унга мораторий (орқага суриш) эълон қилиш ҳақидаги қарорларни қабул қилиши мумкин. Шунингдек, ҳукумат парламент томонидан қабул қилинган қонунларни промульгация қилади, қонунлар бош вазир ва давлат вазирлари имзоси билан мустаҳкамланади. Одатда, бундай ваколатлар бошқа мамлакатларда давлат бошлиғига берилган. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар мажбурий бўлиб жамият аъзолари томонидан бажарилиши шарт.

38-боб. Ҳукуматни тузиш, унинг таркиби ва бошлиғи

1-§. Ҳукумат шаклланишининг 2 модели: парламент усули ва парламент иштирокисиз
2-§. Ҳукумат ички тузилишининг 2 тизими: континентал (АҚШ, Франция, ГФР ва англосаксон Буюк Британия)
3-§. Ҳукумат таркибига тасниф

1-§. Ҳукумат шаклланишининг 2 модели: парламент усули ва парламент иштирокисиз

Ҳукуматнинг шакллантирилиш жараёни, қоида тариқасида мамлакатнинг бошқарув шакли билан белгиланади ва уни шакллантириш **парламентар** ва **нопарламентар** усулларда амалга оширилиши мумкин.

Ҳукуматни шакллантиришнинг парламентар услуби. Мазкур услуб парламентар ва аралаш бошқарув шаклидаги мамлакатларда қўлланилади. Ҳукуматни шакллантиришнинг парламентар услуби турли хил кўринишларга эга, бироқ жаҳонда инглиз модели энг машҳурдир. Мазкур услубда ҳукуматни парламентда ёки унинг қуйи палатасига (икки палатали парламент амалда бўлган мамлакатларда) бўлган сайловларда ғолиб чиққан ва парламент таркибида кўпчилик ўринни эгаллаган партия, коалиция ёки блокнинг лидери шакллантиради. Бунда парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг (муддатидан олдин тарқалиб юборилган ҳолларда ҳам), парламентда аввал ҳокимият тепасида турган партия вакиллари кўп ўрин эгаллаган тақдирда ҳам, ҳукумат янгидан шакллантирилади. Ҳукумати мазкур усулда шакллантириладиган мамлакатларда мавжуд бўлган ўзига хос хусусият, бу янги президент сайловининг ўтказилиши ҳукуматни қайтадан шакллантирилишини талаб этмайди.

Одатда, парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партия лидери давлат бошлиғи томонидан расмиятчилик нуқтаи назаридан ҳукумат раҳбари этиб тайинланади. Ҳукумат раҳбари этиб тайинланган шахс ҳукуматнинг таркиби ва унинг фаолият дастурини парламент тасдиғига тақдим этади. Ҳукумат таркиби парламент "ишончини" олгандан сўнг, давлат бошлиғи партия лидерини ҳукумат раҳбари - бош вазир (премьер министр) этиб тайинлаганлиги тўғрисида расмий қарор қабул қилади. Баъзида ҳукумат парламент тасдиғидан ўтибоқ давлат бошлиғининг қарорини кутмай ўз ваколатларини амалга оширишга киришади.

Ҳукуматни шакллантиришнинг бундай услуби, Буюк Британиядан ташқари, англосаксон ҳуқуқ тизими таъсирида бўлган мамлакатларда ва Буюк Британиянинг собиқ колониялари ва доминьонларида қўлланилади (Канада, Австралия, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Малайзия ва бошқаларда).

Агар парламентда бирон та ҳам партия кўпчилик ўринни эгалламаган бўлса, ҳукуматни шакллантириш жараёни бир мунча мураккаблашади. Бу ҳолатда давлат бошлиғи партия лидерлари билан коалицион ҳукумат тузиш ҳамда ким унга раҳбарлик қилиши мумкинлиги хусусида музокаралар олиб боради.

Қатор мамлакатларда ҳукуматни парламентар услубда шакллантиришда парламент томонидан ҳукумат раҳбарини расмий сайланиш тадбири амалга оширилади. Ҳукумат раҳбари сифатида парламентга муайян шахс номзоди тақдим этилади ва у агар унинг тарафдорлари парламентда кўпчиликни ташкил қилса, у мазкур лавозимга тасдиқланган ҳисобланади. Ҳукумат раҳбарининг парламент томонидан аниқланиши Германия Федератив Республикаси, Япония, Швеция ва бошқа парламентар бошқарув шаклида бўлган мамлакатларда қўлланилади.

Ҳукумати парламентар услубда шакллантириладиган мамлакатларда ҳукуматни ўз ваколатларини амалга оширишга киришиши, қонуний ва легитим бўлиши учун у парламентнинг кўпчилик қисмининг қўллаб-қувватлашига эришиши лозим. Қўллаб - қувватлаш ҳукумат раҳбари, унинг таркиби ва фаолият дастурига ишонч вотуми шаклида расмийлашади. *Позитив парламентаризм* деб аталадиган бундай модел Греция, Италия, Польша, Туркия ва бошқа мамлакатларда қўлланилади.

Одатда, парламентнинг бундай “ишончини” олиши учун ҳукуматга бир мунча муддат белгиланади. Баъзида, ҳукумат шаклланган дан сўнг дарҳол ўз вазифаларини бажаришга киришади, лекин у муайян вақт оралиғида парламентнинг ишонч вотумини олиши шарт. Италияда бу вақт - 10 кун, Чехияда - 30 кун. Агар белгиланган вақт давомида ҳукумат вотумга эриша олмаса, у қонуний ҳисобланмайди ва истеъфога чиқади.

Европанинг бошқа бир қатор мамлакатларида негатив парламентаризм принципи ҳам қўлланилади. Негатив парламентаризм шуни билдирадики, ҳукумат шаклланган дан сўнг, агар унга ишончсизлик вотуми эълон қилинмаса доимий равишда ўз фаолиятини амалга оширишга киришади. Бундай тизим Дания, Голландия,

Норвегияда амал қилади. Бу мамлакатларда ҳукумат давлат бошлиғи (монарх) томонидан тасдиқлангандан сўнг ўз функцияларини ижро этишга киришади. Бундай тартибда ҳукумат парламентда кам сонли тарафдорлари мавжуд бўлганда ҳам барқарор бўлиши мумкин ва унга парламентдаги кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий кучлар томонидан ишончсизлик вотуми эълон қилинмагунча ўз фаолиятини амалга оширади. Мазкур тизимда ҳукуматни шакллантиришда парламентга фақат ҳукумат раҳбарлигига номзод тақдим этилади ва у ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳукуматни шакллантиради.

Баъзи мамлакатларда (Португалия, Швеция) ҳукуматни тасдиқлашда парламентдаги "тарафдорлар"нинг кўплиги эмас, балки "қарши" овозларнинг камлиги ҳисобга олинади, яъни "қарши" овоз берган парламент аъзолари кўпчиликни ташкил этмаганлиги ижобий ҳол ҳисобланиб, ҳукумат тасдиқланган ҳисобланади.

Германия ва Болгария сингари парламентар республикаларда парламент фақат ҳукумат бошлиғинигина тасдиқлайди, вазирларни эса ҳукумат бошлиғининг ўзи тайинлайди ва лавозимидан четлаштиради.

Айрим мамлакатларда ҳукуматнинг барча аъзоларини парламент томонидан сайланиши амалиёти ҳам мавжуд. Масалан, Швейцарияда мамлакатнинг ҳукумати (Федерал кенгаш) Федерал мажлиснинг иккала палатасининг қўшма йиғилишида еттита аъзодан иборат таркибда сайланади.

Таъкидлаш жоизки, парламентар бошқарув шаклидаги мамлакатларда ҳукуматни шакллантириш тартибидаги ҳар хилликлар ўзига хос юридик аҳамиятга эга. Ҳукуматни шакллантиришдаги бош омил – бу мамлакатдаги сиёсий кучларнинг парламентдаги мутаносиблигидир. Шунинг учун, агар партиялар ҳукумат таркиби масаласида олдиндан келишувга эриша олсалар, қолган тадбирлар фақат расмий характерга эга бўлиб қолади.

Аралаш бошқарув шаклдаги мамлакатлардаги ҳукуматни шакллантирилиш тартиблари бир мунча ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бунда ҳукуматни шакллантиришда парламентдаги сиёсий партиялар вакилларининг нисбати ҳисобга олинади. Чунки, бош вазирни тайинлаш учун, одатда, парламентнинг (қуйи палата) розилиги талаб қилинади. Вазирларни эса президентнинг ўзи тайинлайди. Украина ва бошқа айрим мамлакатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Булар ҳукуматни шакллантиришнинг қисман парламент иштирокидаги усулидир, сабаби, бунда бош вазирдан бошқа

вазирларни тайинлашда парламентнинг розилиги талаб қилинмайди (жуда камдан-кам ҳолларда етакчи соҳа вазирларни тайинлашда парламентнинг розилиги талаб этилиши мумкин). Масалан, Франциянинг 1958 йилги Конституциясига мувофиқ, ҳукумат раҳбари ва унинг тақдими бўйича ҳукумат аъзолари президент томонидан тайинланар эди. 1986 йилга қадар бу ҳол ҳеч қандай коллизияларга сабаб бўлмаган, чунки парламентдаги сиёсий кучларнинг кўпчилиги президент тарафдорлари бўлганлар. 1986 йили президент социалист Франсуа Миттеран парламентнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмаган, чунки унинг партияси сайловларда мағлубиятга учраган. Ўшанда парламент бош вазир, ички ишлар ва мудофаа вазири лавозимига тақдим қилинган номзодларни тасдиқлашни рад қилган ва бош вазир лавозимига Жак Ширак номзодини илгари сурган. Шу билан турли сиёсий қарашлардаги шахслар елкама-елка туриб ишлашга мажбур бўлганлар.

Ҳукуматни шакллантиришдаги нопарламентар усул президентлик республикаларида, ҳозирда жуда кам сақланиб қолган айрим мутлақ монархия, шу жумладан, конституциявий ёки парламентлик ниқоби остидаги монархияларда (аслида, бу ерда конституция ёки парламентнинг роли паст) амал қилади.

Монарх давлат ва ҳукумат бошлиғи сифатида давлатда фаолият юритар экан, унинг олиб бораётган фаолиятига ҳеч бир мансабдор шахс ёки орган бирон-бир тарзда таъсир ўтказа олмайди.

Мутлақ монархия давлатларида қайсики парламент ёки маслаҳат органининг йўқлиги сабаб ҳукумат монарх томонидан ташкил этилади. Монарх жуда кам ҳолатларда бош вазир ва асосий вазирлар ваколатларини ўз зиммасига олади. Кўп ҳолатларда бош вазир ҳукмронлик қилувчи сулоланинг катта ўғли, акаси, жиянлари орасидан тайинланади.[110]

Фақат Брунейда ҳукуматнинг шаклланиши бир қанча хусусиятга эга. Султон томонидан тайинланган аъзолар қаторида (вазир, бош министр, учта министр, диний масалалар бўйича Кенгаш вакили) унинг таркибига қонунчилик Кенгаши томонидан 3 йилга сайланадиган 7 та аъзо киради.

Бошқа мамлакатларда (Саудия Арабистонида, Қатарда, Қувайтда ва бошқа) ҳукумат таркибига айрим технократлар ва “бегона” ҳаддан ташқари бой кишилар тайинланадилар, аммо унда эгаллаб турган хизмат ўринлари муҳимлиги нуқтаи назаридан, кўпинча эса

[110] Чиркин В.Е. Государствоведение: Учебник. - М.: Юристъ, 1999. С.329.

миқдор жиҳатдан ҳукмрон оила аъзолари устунлик қилади (Қатарда 17 та министрдан 10 таси, Қувайтда 14 та министрдан 11 таси ва ҳоказо). Кичикроқ мамлакатларда министрлар сони қонун билан чеклаб қўйилган (Бутан ва Тонгада 8 дан кўп эмас).

Давлат бошлиғи вазирларни танлашда эркиндир ва бу хусусият дуалистик монархиялар учун ҳам хос, шундай бўлсада, қирол парламентдаги сиёсий кучлар нисбатини ҳам баъзан ҳисобга олади.

Президентлик республикаларида давлат бошлиғи ижро этувчи ҳокимиятнинг эгаси ҳисобланади. Президент ўз хоҳишига кўра, ҳукуматни ўзининг партиясидаги таниқли арбоблар орасида шакллантиради ва унинг мансабдорларини лавозимларидан озод этади (Бразилия, Миср, Колумбия, Мексика ва бошқалар). Шундай бўлсада, баъзи президентлик республикаларида ҳукуматни шакллантиришда республика парламентининг юқори палатаси ҳам иштирок этади, масалан, Америка Қўшма Штатларида вазирларни тайинлашга Сенатнинг розилиги зарурдир. Сенат тайинлаётган вазирнинг партиявий мансублигига эмас, балки энг аввало унинг маънавий қиёфаси масаласига кўпроқ эътибор беради. Умуман айтганда, президент ҳукуматни шакллантириш жараёнида жуда кенг ваколатларга эга. Масалан, Россия Федерациясида давлат бошлиғи тақдим этган ҳукумат раҳбари номзодини парламент уч марта тасдиқлашдан бош тортса, у парламентнинг қуйи палатасини (Давлат Думаси) тарқатиб юбориши мумкин, Қирғизистонда, агар парламент ҳукумат таркибини тасдиқлашдан уч марта бош тортса, у ҳолда парламент тарқатилиб юборилади.

Ҳукуматни шакллантирилишидаги нопарламентар услубда президентни янгидан сайланиши ҳукуматни қайтадан шакллантирилишини тақозо этади. Масалан, Қирғизистонда Президент сайловларидан кейин, аввалги шахс янги муддатга Президент этиб сайланган тақдирда ҳам ҳукумат қайтадан шакллантирилади.

Ҳукумат таркибига вазирларни танлашда турли давлатларда муайян қоида ва шартларга риоя этилади, улар кўпинча мамлакатда қабул қилинган одат ва анъаналардан келиб чиқади. Масалан, Ҳиндистон ҳукумати таркибига, албатта, йирик штатларнинг (Уттор – Прадеш, Гужарот ва бошқа) вакиллари киритилиши лозим. Кенияда эса мамлакат умумий аҳолиси сонининг камида 3 фоизини ташкил қилувчи қабиланинг вакиллари ҳукумат таркибига киритилиши шарт (шу боис ҳам Кения ҳукумати, одатда, кўп сонли бўлади). Канада ҳукумати таркибига қабул қилинишда номзодлар-

нинг миллати ва тили ҳисобга олинади. Айрим ҳолларда, ҳукумат таркибини ташкил қилишдаги шартлар бевосита конституцияда белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Бельгия Конституциясининг 99-моддасида белгиланишича, Вазирлар Кенгаши таркибига тенг миқдорда француз ва нидерланд тилида сўзлашувчи вазирлар киритилиши лозим.[111] Швейцариянинг 1874 йил 29 майда қабул қилинган Конституциясининг 96-моддасида эса, ҳукумат – иттифоқ кенгашига ҳар бир кантондан биттадан ортиқ бўлмаган вазирлар қабул қилиниши белгиланган эди. Қатор мамлакатларда ҳукумат аъзоси бўлиш учун муайян ёш белгиланган (масалан, Бразилияда 25 ёшдан, Мисрда 30 ёшдан кичик бўлмаган шахслар). Одатда, ҳукумат таркибига мамлакат фуқаролари киритилади, мурожаат қилиш (натурализация) орқали фуқароликни қўлга киритган шахсларнинг ҳукумат таркибига кириши учун эса муайян давр ўтиши белгиланган (ушбу муддат Мексикада 10 йил). Баъзи давлатларда вазирлар алоҳида динга эътиқод қилишлари (бир қатор араб мамлакатларида - Ислом динига), бундан ташқари муносиб маънавий - ахлоқий талабларга (Финландия) жавоб беришлари лозим. Буюк Британия ва бошқа бир қатор мамлакатларда (Ҳиндистон, Греция) вазирлар фақат парламент аъзолари таркибидан тайинланади. Шу билан бирга улар ўз парламент мандатларини сақлаб қоладилар ва ҳатто, парламентда ҳукуматга ишонч билдириш юзасидан овоз беришда иштирок этишлари ҳам мумкин. Франция ва Украинада ҳукумат таркибига киритилган парламент аъзоси ё вазирликни, ёки парламент аъзолигини танлашлари лозим. Америка Қўшма Штатлари ва Болгарияда вазирлар парламент аъзолари бўлмаслиги шарт.

Хорижий мамлакатларда ижро этувчи ҳокимият таркибини шакллантириш тартиби кўп жиҳатдан давлат бошқарув шаклига боғлиқдир. Кейинги ўн йилликларда кўпчилик давлатларда ҳукумат бошлиғининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги тутган ўрни ва роли ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Парламентар республика ва парламентар монархия давлатларида ҳукумат бошлиғининг ваколатлари доираси ҳатто давлат бошлиғининг ваколатлари миқёсидан ҳам кенгроғдир.

Ҳукуматга раҳбарлик мақом жиҳатдан турли мамлакатларда турлича. Масалан, президентлик республикаси бошқарув шаклидаги мамлакатларда ҳукумат бошлиғи – президент, мутлақ монархия

[111]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.6) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998.-28с.

давлат бошқаруви шаклидаги мамлакатларда эса – монарх ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда ноанъанавий тарздаги бош вазир (премьер министр) лавозими мавжуд бўлса-да, лекин аслида ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик давлат бошлиғи томонидан амалга оширилади. Парламентар республика, парламентар монархия ва яримпрезидентлик давлат бошқарувида бўлган мамлакатларда эса ижро этувчи ҳокимиятга раҳбарлик айнан ҳукумат бошлиғи (бош вазир, премьер министр) томонидан амалга оширилади.

Ҳукумат бошлиғи лавозими турли давлатларда турлича конституциявий номларга эга. Францияда бу мансаб эгаси – Премьер министр, Германия Федератив Республикасида – Федерал Канцлер, Италияда – Вазирлар (министрлар) кенгаши Раиси, Хитойда – Давлат кенгаши Премьери, Испанияда – ҳукумат раиси, Болгарияда – Раис – вазир ва шу кабилар.

Премьер министр лавозимининг тарихини ўрганадиган бўлсак, у энг аввало XVIII асрда Англияда вужудга келди.

XVIII асрда Англияда қирол Георг I асли Ганноверлар сулоласидан бўлиб, у юртга бегона бўлган қирол эди. У инглиз тилини ёмон билар, атрофидаги воқеалар, ҳатто ҳукумат фаолиятидан ҳам бехабар эди. Ҳукуматдаги вазирлар орасидан бир вазирни қирол ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларни соддалаштириш учун тайинлаш зарур эди. Бу вазир биринчи (prime) вазир бўлиб ҳисобланадиган бўлди. Кейинчалик Премьер министр нафақат биринчи вазир, балки ҳукумат бошлиғи сифатида эътироф этиладиган бўлди[112].

Ҳукумат бошлиғи бошқа ҳукумат аъзоларига нисбатан алоҳида мақомга эга. Кўпчилик мамлакатларда у парламентга ёки давлат бошлиғига ҳукумат аъзолигига номзодларни тавсия этади ва лавозимларидан четлаштириш масаласини қўяди. Парламентар республика ва парламентар монархия давлатларида ҳатто давлат сиёсатининг умумий йўналишларига раҳбарлик қилади (Германия Федератив Республикаси, Италия).

Ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда ҳукумат бошлиғининг ўрни ва роли парламентар бошқарувда бўлган мамлакатларда ўзининг реал ифодасига эга бўлади. Ушбу ҳокимиятни ҳукумат бошлиғи қўлида тўпланиши қатор мамлакатларнинг конституцияларида мустаҳкамланган. Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонунининг 65-моддасида “Федерал Канцлер давлат сиёсатининг

[112] Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Учебник для вузов. -М.: Издательская группа «ФОРУМ»-«ИНФРА-М», 1998. -416-417с.

устувор йўналишларини белгилайди ва уларни амалга оширишда жавобгар” деб, Италия Конституциясининг 95-моддасида “Министрлар кенгаши раиси ҳукуматнинг умумий сиёсатига раҳбарлик қилади ва унинг фаолияти юзасидан жавобгардир” деб белгилаб қўйилган.

Буюк Британия конституциявий одат нормалари амалда бўлган мамлакатларда давлат механизми аппарати тузилиши ва амал қилиши қонунлар билан мустаҳкамланмаган бўлса-да, аммо жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида амал қиладиган умумэътироф этилган қоидалар асосида иш олиб борилади. Масалан, Буюк Британия премьер министри конституциявий одат нормаларига мувофиқ, ҳукумат аъзоларини тайинлайди, лавозимларидан озод этади, уларнинг ваколатлари доирасини белгилайди ва фаолиятлари устидан назоратни амалга оширади. У ваколатларни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳукумат номидан қарорлар қабул қилади ва ҳукуматнинг ҳуқуқий актларини имзолайди. Премьер министр номигагина монархга тегишли бўлган – Умумпалатани муддатидан олдин тарқатиб юбориш ваколатига ҳам эга. Мавжуд амалиёт премьер министрни ташқи сиёсатни ҳам амалга ошириши мумкинлигидан ҳам гувоҳлик беради. Премьер министр қўлида мужассамлашган ҳокимият ваколатлари ҳажми шунчалик кенгки, баъзи ҳуқуқшунос олимлар уни Буюк Британиянинг “тожсиз” ёки “сайланган” монархи ҳам деб атайдилар. Шундай кенг ваколатларга Германия Федератив Республикаси, Канада, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари ҳам эгалар.

Парламентар республика ва парламентар монархия давлатларининг ҳукумат раҳбарлари доим ҳам кенг ваколатларга эга бўлавермайдилар. Бундай ҳолат коалицион ҳукумат тузилган даврларда кузатилади. Юқоридаги вазият сиёсий майдонда кўплаб партиялар фаолият кўрсатадиган ва улардан биронтаси парламентда ёки унинг қуйи палатасида (икки палатали парламент амалда бўлган мамлакатларда) мутлақ кўпчилик ўринни эгаллай олмаганларида юз беради (Италия, Бельгия, Нидерландия, Дания ва бошқалар). Парламентда кўплаб партияларнинг мавжудлиги ва уларнинг биронтаси мажоритар кўпчилик (50%+1) ўринни эгаллай олмаслиги, пропорционал сайлов тизими амалда бўлган мамлакатларда парламент таркибига кириш овозлар фоизи миқдорининг пастлиги сабаб бўлади. Парламентда бирорта ҳам партия салмоқли ўринни эгаллай олмаган вазиятларда иккита ёки бир нечта партиялар блоклар ташкил қиладилар ва ўзлари орасидан бир кишини ҳукумат бошлиғи лавозимига номзод сифатида

илгари сурадилар. Бу ҳолат, одатда, коалицион ҳукумат тузилишига олиб келади. Қоида тариқасида, бундай ҳукумат бошлиғининг таъсир доираси унчалик ҳам кенг бўлмайди ва у ҳукумат таркибида “тенглар орасида биринчи” мақомига эриша олмайди. Лекин бош вазир давлат сиёсатини белгилашни барибир ўз қулида сақлаб қолади.

Жаҳон сиёсий амалиётида ҳукумат бошлиғи (премьер министр, бош вазир) лавозимини эгалланиш тартиби турлича. Ушбу жараёнларни баъзи жиҳатларига кўра умумлаштирсак, ҳукумат бошлиғи икки хил йўл билан ўз лавозимига эга бўлишини кўрамиз:

1. Президентлик республикаси ва мутлақ монархия бошқарув шаклидаги мамлакатларда ҳукумат бошлиғи давлат бошлиғи томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Аксарият давлатларда давлат бошлиғининг бундай қарори расмиятчилик нуқтаи назаридан парламент тасдиғига киритилади.

2. Парламентар республика ва парламентар монархия давлат бошқаруви шаклидаги мамлакатларда парламентда ёки унинг қуйи палатасида (икки палатали парламентга эга давлатларда) кўпчилик ўринни эгаллаган партия ёки блокнинг лидери ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллайди.

Биринчи кўринишдаги ҳукумат бошлиғи лавозимини эгалланиш тартиби айтиб ўтилганидек, президентлик республикаси ва мутлақ монархия давлат бошқаруви шаклидаги мамлакатларда амал қилади. Давлат бошлиғининг ўзи ижро этувчи ҳокимиятнинг эгаси ва раҳбари сифатида ҳукумат бошлиғи ҳамда ҳукумат аъзоларини ўзи тайинлайди ва лавозимларидан озод этади (Америка Қўшма Штатлари, Россия, Чили, Уругвай ва бошқалар).

Президентлик республикаси давлат бошқаруви шаклидаги мамлакатларда ҳукумат бошлиғини тайинланиш тартибини Россия Федерацияси мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Россия Федерацияси Конституциясининг 111-моддасида белгиланишича, Россия Федерацияси ҳукумати раҳбари Россия Федерацияси Президенти томонидан Давлат Думасининг (парламентнинг қуйи палатаси) розилиги билан тайинланади. Ҳукумат раҳбарининг номзоди Давлат Думаси тасдиғига янги сайланган Россия Федерацияси Президенти ўз лавозимини бажаришга киришгандан ёки Россия Федерацияси ҳукумати истеъфога чиққан кундан бошлаб, икки ҳафталик муддат ичида ёхуд номзодни Давлат Думаси тасдиқлашни рад қилгандан кейин бир ҳафталик муддат ичида киритилиши лозим. Давлат Думаси Президент томонидан тақдим қилинган ҳукумат раҳбари номзодини

тасдиқлаш масаласини таклиф киритилган кундан бошлаб бир ҳафта давомида кўриб чиқади. Агар Давлат Думаси ҳукумат раҳбари номзодини тасдиқлашни учинчи марта ҳам рад этса, Россия Федерацияси Президенти ҳукумат раҳбарини Давлат Думаси розилигисиз ўзи тайинлайди. Давлат Думасини эса тарқатиб юборади ва Давлат Думасига янги сайловлар тайинлайди.

Президентни бир ёки бир неча шахсни ҳукумат раҳбари лавозимига кўп марталаб тавсия этиш ҳуқуқига эгалиги ва агар парламент учинчи марта ҳам тасдиқлашни рад этганда, уни тарқатиб юбориш ваколатига эгалиги парламентни ижро этувчи ҳокимият билан “бир бирини тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир” муносабатига кириша олиш имкониятини пасайтириб юборади. Бундай тартиб мамлакат президентини ва у олиб бораётган сиёсатни барқарорлигини таъминлайди, лекин мамлакатдаги сиёсий кучларнинг демократик фаолият юрита олишини кафолатлайдиган шарт шароитларга хизмат қилмайди. Чунки, ҳукумат раҳбари лавозимига муносиб номзод тайинланишини таъминлашда парламентнинг ва ундаги сиёсий кучларнинг вақти келиб ҳеч нарса қила олмаслиги президент ва парламент ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашишига, охир оқибат сиёсий барқарорлик бузилишига олиб келади.

Юқорида келтирилган фикрлардан, ҳукумат раҳбарини президент тайинлаши номақбул амалиёт экан деган хулосага келмаслик лозим. Чунки, ушбу сиёсий амалиёт ривожланаётган мамлакатларда ёки бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётган, энди демократик тамойиллар реал ифодасини топаётган мамлакатларда ижтимоий заруриятдир. Вазиятни барқарорлаштириш, тинчликни таъминлаш ва мураккаб муаммоларни пайсалга солмай зудлик билан ҳал этиш эҳтиёжи туғилганда ҳукумат раҳбарини президент томонидан тайинлаш амалиёти президентга барқарор сиёсат юрита олиш имкониятини беради.

Мутлақ монархия давлат бошқаруви шаклидаги мамлакатларда одатда, ҳукумат раҳбари лавозими мавжуд эмас, мавжуд бўлган тақдирда ҳам ушбу лавозим эгасида деярли сиёсий ҳокимият бўлмайди. Ушбу мамлакатларда ҳукумат раҳбарини тайинлаш бир мунча президентлик республикасида ҳукумат раҳбарини тайинлаш амалиётига ўхшаб кетади, президентлик республикасидан фарқли улароқ монарх одатда, ҳукумат раҳбарини, шунингдек, ҳукумат аъзоларини ҳам ўз яқинлари, қариндошлари орасидан тайинлайди (Бахрейн, Қатар, Қувайт, Саудия Арабистони ва бошқалар). Ҳукумат

раҳбарининг сиёсий мансублиги ушбу давлатларда ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Ҳукумат бошлиғи лавозимини эгаллаш тартибининг иккинчи кўриниши парламентар монархия ва парламентар республикаларда амал қилиб, бунда мансабни эгаллаш парламентга бўлган сайловлар натижасига бевосита боғлиқ бўлади. Парламентга бўлган ҳар бир сайловдан кейин (парламент муддатидан илгари тарқатилган тақдирда ҳам), ҳатто сайловларда олдин ҳокимият тепасида турган партия яна ғалаба қилган бўлса ҳам, ҳукумат таркиби қайтадан шакллантирилади. Аммо ушбу парламентар бошқарувдаги давлатларда янги президент сайланиши ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди. Ушбу усулда ташкил этиладиган ҳукумат парламентнинг "ишончини" олгандан сўнг фактик жиҳатдан шаклланган ҳисобланади, юридик жиҳатдан эса шаклланиб бўлганлик ифодасини давлат бошлиғининг шу муносабат билан қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатида топади.

Одатда, парламентар усулда ҳукуматни шакллантиришда давлат бошлиғи премьер министр этиб, қоида тариқасида, парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган партиянинг лидерини тайинлайди. Аммо парламентда партиялар кўп сонли бўлганда ва улар орасидан ҳеч бири кўпчилик ўринни эгалламаганда, мазкур жараён анча мураккаблашади, чунки, давлат бошлиғи премьер министрни тайинлагандан сўнг (албатта бу расмиятчилик учунгина холос, аслида "тайинлаш" эмас, балки "танлаш") у премьер министр тузган ҳукуматнинг парламент "ишонч вотуми"ни олишига ишонч ҳосил қилмоғи лозим. Ҳукумат раҳбари лавозимига тайинланаётган шахс одатда, парламентнинг қуйи палатасининг кўпчилик овозини олган тақдирдагина ҳукуматга бошчилик қилиши мумкин. Баъзи давлатларда (Португалия, Швеция) ҳукумат бошлиғига парламентда овоз беришда ўзгача усул қўлланилади, яъни ҳукумат бошлиғи тасдиқланган деб ҳисобланиши учун парламентда унга парламент аъзоларининг кўпчилик қисми қарши овоз бермаган бўлиши лозим (масалан, бундай қоида Швецияда 1978 йили мамлакатда парламентнинг фақат ўн фоиз депутатлари қўллаб-қувватлаган ҳукумат вужудга келишига олиб келди). Бундан ташқари, Японияда бош вазирни тайинланишида, парламентнинг иккала палатаси илгари сурилаётган номзодни қўллаб-қувватлаши лозим, агар палаталар ўртасида мазкур масала юзасидан келишмовчилик юз берса, унда қуйи палатанинг қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Парламентида кўплаб майда партиялар мавжуд бўлган ва уларнинг бирортаси ҳам кўпчилик ўринни эгалламайдиган мамлакатларда (Дания, Голландия, Бельгия) ҳукумат бошлиғини танлаш анча қийин кечади. Чунки, ҳар бир партия ўз сиёсий позициялари жиҳатидан деярли бир хил, шу ўринда улар ўз сиёсий манфаатларидан ҳам воз кечмоқчи эмаслар. Бундай ҳолларда давлат бошлиғи сиёсий партиялар билан музокаралар олиб боришлик учун премьер министр (бош вазир) эмас, балки махсус давлат арбоби – **форматор** тайинлайди. Ушбу масъул шахс давлат бошлиғининг топшириғига биноан ҳукуматнинг муносиб аъзоси бўла оладиган потенциал номзодларни аниқлайди. Форматор давлат бошлиғи номидан сиёсий партиялар билан бўлажак ҳукумат таркиби, унга аъзоликка номзодлар тўғрисида музокаралар олиб боради. Агар форматор парламентдаги фракциялар лидерлари билан ҳукумат таркиби тўғрисида келиша олса (албатта кўпчилик қисми бўлса етади, ҳамма фракцияларнинг қўллаб-қувватлашлари шарт эмас), уни қўллаб-қувватловчи фракция аъзоларидан ҳукумат таркибини тузади. Ушбу вазифани муваффақиятли уддалаган форматор, қоида тариқасида, ҳукумат раҳбари (премьер министр, бош вазир) лавозимини эгаллайди. Аммо ҳар доим ҳам форматор муваффақият қозонавермайди. Масалан, 1982 йил Бельгиядаги сиёсий жараёнларда ҳукуматни шакллантиришга ҳамда сиёсий партиялар билан келишишга уринган тўртта форматор алмашган эди. Шундан сўнг форматор этиб М.Мартенс тайинланган ва у сиёсий партиялар билан келишиб, қиролга ҳукуматнинг реал таркиби рўйхатини тақдим этган. Ўзи эса, ушбу ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллаган.

Яна бошқа бир вақтинчалик лавозим – **информатордир**. Ушбу шахс турли сиёсий кучлар билан консультациялар ўтказади ва бўлажак форматорни аниқлайди. Қоида тариқасида, информатор ҳукумат бошлиғилигига даъво қилмайдиган бирон та сиёсий арбоб ёки истеъфога чиқишни мулжаллаётган амалдаги ҳукумат бошлиғи бўлиши мумкин. Бундай ўзига хос форматор ва информатор лавозимлари Скандинавия мамлакатларида (Дания, Бельгия, Норвегия ва бошқалар) амал қилади.

Ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллашда номзодга бир қанча талаблар қўйилиши мумкин. Қоида тариқасида, ушбу талаблар муайян мамлакатнинг анъаналари ва одатларидан келиб чиқади. Масалан, муайян давлат фуқароси бўлишлиги, тўлиқ фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларга эгалиги, муайян ёшга етганлиги (Бразилияда – 25, Мисрда ва Озарбайжонда – 30 ёш ва ҳоказо), бошқа хорижий мамла-

катлар олдида ҳеч қандай мажбурияти йўқлиги (Озарбайжон). Баъзан натурализация қилинган (қабул қилинган) фуқаролик билан ҳам шахслар ҳукумат бошлиғи бўлишлари мумкин, лекин у фуқароликни қабул қилганидан кейин бир муддат вақт ўтиши лозимлиги талаби ҳам мавжуд (масалан, Мексика ҳукумат бошлиғи лавозимига тайинланадиган шахс фуқароликни натурализация қилгандан сўнг Мексика ҳудудида ўн йил муддат муқим яшаган бўлиши лозим). Жаҳоннинг турли давлатларида ҳукумат бошлиғилигига номзодларнинг шахсий жиҳатларига ҳам талаб қўйилиши мумкин. Масалан, муайян динга эътиқод қилиш (баъзи араб давлатларида), тегишли маънавий қиёфага эга бўлишлик (Финляндияда), таълим соҳасида муайян маълумотга эгалик (Озарбайжонда премьер министр лавозимига номзод олий маълумотга эга бўлиши лозим) талаблари ҳам мавжуд. Буюк Британия, Ҳиндистон, Греция ва бошқа бир қатор мамлакатларда ҳукумат бошлиғи фақат парламентарийлар орасидан тайинланади ва у ҳукуматга ишонч вотуми бериш юзасидан қўйилган масалани ҳал қилишда парламентда овоз бериши ҳам мумкин.

Баъзи хорижий мамлакатларда ҳукумат бошлиғи лавозимига тайинланган ёки сайланган шахс қасамёд қабул қилиши ҳам назарда тутилади. Масалан, ҳукумат аъзоси Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра, Қозоғистон халқига ва президентига, Молдова Конституциясининг 98-моддасига кўра, фақат Президентга қасамёд қиладилар.

Ҳукумат бошлиғи сифатида монархнинг ушбу лавозимни эгаллаш тартиби. Қоида тариқасида монарх ҳам давлат, ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғи тариқасида сиёсий фаолият олиб боради. Ушбу ҳолат бошқарувнинг абсолют ва дуалистик монархия шаклларида ҳам юридик, ҳам фактик ифодасини топган. Парламентар монархия бошқарув шаклидаги давлатларда эса монарх расмий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида тан олинсада, аслида ҳокимият ҳукумат бошлиғи – бош вазир (премьер министр) қўлида бўлади.

Маълумки, монарх ўз лавозимини мерос тариқасида эгаллайди ва авлодларига қолдиради. Жаҳонда бир неча ворислик тизимлари мавжуддир:

1. Солиқ тизими. Бунда тахтни фақат эркак жинсига мансуб ворислар (кўпинча катта ўғил)дан бири эгаллайди. Аёллар, шу қаторда марҳум монархнинг қизлари тахтга ворис сифатида тан олинмайдилар. Ушбу тизим Япония, Бельгия, Норвегия ва бошқа давлат-

ларда амал қилади.

2. Кастилистик тизим. Бундай ворислик тизими амалда бўлган мамлакатларда аёллар (монархнинг қизи) марҳум монархнинг ўғли бўлмаган тақдирдагина ҳокимиятга ворис бўлиши мумкин. Агар қиролнинг ўғли бўлса, у опаларидан устун имтиёзга эга бўлади ва тахтни ёш бўлса ҳам эркак жинсига мансуб ворис эгаллайди (Буюк Британия, 1953 йилдан буён Дания, Нидерландия, Испания).

3. Австрия тизими. Бунда аёллар ҳокимият тепасида турган сулола вакиллари орасида бирорта ҳам эркаклар қолмаган тақдирдагина тахтни эгаллашлари мумкин (кейинги юз йилликларда ушбу тизим бўйича аёллар монарх лавозимини эгалламаганлар).

4. Швед тизимига (1980 йилдаги қонун билан мустаҳкамланган) мувофиқ, аёллар тахтга эркаклар билан тенг ҳуқуқли ворис сифатида тан олинадилар. Ҳозирги кунда Швеция қиролининг қизи ўзидан кичик бўлган ўғил укаси билан тенг ҳуқуқда тахтга даъвогар ҳисобланади.

5. Мусулмон ворислик тизимида тахтни ҳокимият тепасида турган сулоланинг “улуғвор оиласи” қариндошлар орасидан (монархнинг ўғли бўлиши шарт эмас) танлаган шахс эгаллайди (Қатар, Қувайт. Саудия Арабистони ва бошқалар). Шунингдек ушбу “улуғвор оила” олий руҳонийлар билан кенгашган ҳолда монархни амалдан тушириши ва унинг ўрнига оиланинг бошқа аъзосини ҳам қўйиши мумкин (масалан, Саудия Арабистонида лозим даражада тақводор бўлмаганлик айблови билан қирол ҳокимиятдан тушурилган).

6. Қабилавий тизимда қиролга қабиланинг олий сардори сифатида қарайдилар, ворисни эса қабилавий кенгаш марҳум монархнинг кўп сонли ўғиллари орасидан аниқлайди. Свазилендда ушбу ваколатни Ликоко қабилавий кенгаши қиролича – она бошчилигида амалга оширади. Охирги марта қирол, ушбу кенгаш томонидан 1982 йил марҳум монархнинг 150та ўғиллари орасидан аниқлаб олинган.

Ўзига хос бўлган монарх лавозимини ворислик бўйича эгаллаш Непал, Бутан ва бошқа бир неча давлатларда мавжуд. Унга кўра, тахт муайян сулола вакили томонидан эгалланиб (баъзи давлатларда ушбу сулола конституцияда ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин), қирол ҳаётлик давридаёқ бўлажак меросхўрни ўзи белгилаши мумкин. Малайзияда эса монарх лавозимини эгаллаш меросий бўлмай, балки сайлов орқалидир. Яъни, Малайзия федерация субъектларининг султонлари ўз сафларидан бош монарх (қирол)ни ўзлари беш йил муддатга сайлайдилар. Тўғри, Малайзиянинг монархия бошқарув шаклида

бўлмаган федерация субъектлари ҳам бор, лекин бош монарх (қирол) фақат федерациянинг монархия бошқарувида бўлган субъектларининг султонлари орасидан сайланади.

Агар тахтни мерос қилиб олган монарх вояга етмаган бўлса, ёки ўз вазифасини бажаришга тўсқинлик қиладиган даражада жиддий касал бўлса, ёхуд мамлакатдан узоқ муддатда ташқарида бўлса, муайян шахс ёки коллегиал орган (регентлар кенгаши) регент сифатида парламент ёки ҳукумат томонидан тайинланиши мумкин. Регентлик муайян вақт (монарх тузалгунича, вояга етгунича ёки мамлакатга қайтгунича) амал қилади. Регент ёки регентлик кенгаши монарх номидан фаолият юритади ва шу даврда монархнинг дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Агар тахтни аёл киши эгалласа, унинг турмуш ўртоғи (эри) қирол бўла олмайди, балки муайян дворянлик унвонига эга бўлиши мумкин.

Тахтни мерос қилиб олингандан кейин ўзига хос тож кийдириш маросими - иноугурация бўлиб ўтади. Унда олий руҳонийлар, юқори мансабдор шахслар, парламент аъзолари ва монарх сулоласининг яқинлари иштирок этадилар. (Африка мамлакатларида ушбу маросим қабила бошлиқларининг иштирокида амалга оширилади). Маросимда мамлакатнинг бош руҳонийси ворис монархга оқ фотиҳа билан тож кийдиради ҳамда бошқа давлат регалиялари – олий ҳокимият рамзлари (скипетр, тахт ва бошқалар)ни беради. Тож кийдириш маросими монархнинг ҳокимияти бошланганлигини билдиради.

Ижро ҳокимияти раҳбари сифатида Президент. Жаҳонда президентуранинг икки хил шакли мавжуд: яккабош (президент) ва коллегиал (ўтмишда Яманда, Суданда, Жазоирда амал қилган президентлик кенгаши ёки ҳозирдаги Куба давлат кенгаши). Эронда президентура асосий ваколатлари Давлат раҳбари ва президент ўртасида бўлинган бўлиб, бу ўзига хос қўшҳокимият ҳисобланади. Хитойда давлат бошлиғи (давлат раиси) институти мавжуд бўлса-да, лекин унинг асосий ваколатлари парламентнинг доимий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Президент давлат ҳокимияти тизимида турли мақомни эгаллаши мумкин: фақат давлат бошлиғи (Германия); бир вақтда ҳам давлат ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғи (Бразилия, Америка Қўшма Штатлари); давлат бошлиғи ва бош вазир (премьер министр) институти мавжуд бўлсада, ҳукуматнинг амалдаги раҳбари (Миср, Франция). Президент муайян муддатга сайланади (Латвияда - 3 йилга,

Америка Қўшма Штатларида – 4 йилга, Бразилияда – 5 йилга, Мисрда – 6 йилга, Францияда – 5 йилга ва ҳоказо). Бироқ “умрбод” президентлик ҳам бўлиши мумкин (КХДР, Тунис, Уганда, Экваториал Гвинея ва бошқалар). Шунингдек, айтиш жоизки, президентлик сайловларсиз ҳам эгалланиш ҳоллари мавжуд, масалан ҳокимиятни эгаллаган ҳарбий хунта раҳбарлари ўзларини президент деб эълон қилганликлари тарихдан маълум.

Президентлик лавозимига сайланишда одатда, бир қанча талаблар қўйилади: фуқаролик (1980 йилда Польша президентлигига ўз номзодини қўйган шахс Польша фуқаролигидан ташқари Канада ва Перу фуқаролигига ҳам эга бўлган), тўлиқ фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқларга эгалик, муайян ёшга етганлик (кўпчилик давлатларда бу ёш чегараси 35 ёш бўлиб, Никарагуада – 25, Венесуеллада – 30, Хитойда - 45, Италияда – 50 ёш). Баъзан ёшнинг юқори чегараси ҳам белгиланган бўлиши мумкин, масалан, Намибияда президентликка номзод 65 ёшдан ошмаган бўлиши лозим. Кўпчилик давлатлар Конституциялари президентликка номзодларга айни шу давлатда бир қанча муҳим яшаганлик талабини ҳам қўяди (масалан, Болгарияда – 5, Украинада – 10, Америка Қўшма Штатларида – 14, Грузияда – 15 йил ва ҳоказо). Қатор мамлакатларда президентликка номзод шу мамлакатда тўғилган фуқаро бўлишлиги (Америка Қўшма Штатларидаги “тупроқ принципи”), ёки ҳеч бўлмаганда унинг фуқароларининг фарзанди бўлишлиги талаб қилинади. Аксарият ҳолларда, фуқароликни қабул қилган шахслар номзод сифатида эътироф этилмайдилар. Баъзан номзодларга маълумотлилик (таълим соҳасида) нуқтаи назаридан ҳам талаблар қўйилади, масалан, Нигерияда номзод камида ўрта маълумотли, Туркия ва Озарбайжонда – олий маълумотли бўлиши, Филиппинда эса ҳеч бўлмаганда ўқиш ва ёзишни билиши лозим.

Президентликка номзодлар сиёсий партиялар ёки бир гуруҳ сайловчилар томонидан кўрсатилади. Францияда 500 нафар (оддий фуқаролар эмас) парламент, ҳудудий кенгашлар, ўзини ўзи бошқарув органлари кенгашлари аъзолари ва шаҳар мэрларини ўз ичига олган гуруҳ томонидан, Украинада ташаббускор гуруҳ томонидан, лекин у гуруҳ номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг 100 мингта имзосини тўплашлари лозим. Номзодлар шунингдек, сиёсий партиялардан ва блоклардан ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жаҳонда президент сайловининг турли усулларда кечишини кўриш мумкин:

1. Президентни парламентда сайлаш (Чехия, Словакия, Туркия, Венгрия, Албания ва бошқалар). Сайловнинг бир босқичда ўтиши учун кўпинча мутлақ ёки малакали кўпчилик овоз талаб қилинади. Номзодлар кўп сонли бўлганлиги сабабли, юқорида айтиб ўтилган натижа жуда ҳам кам рўй беради. Шунинг учун сайловлар бир неча босқичларда ўтади. Кейинги босқичларда номзодларга овоз тўплашга нисбатан талаб пасайтирилади, бунинг натижасида партияларнинг кўп сонлилиги туфайли келишмовчиликлар сайловларни кўплаб босқичларда ўтказилишига сабаб бўлади. Масалан, 1982 йил Туркияда президентликка сайлов босқичлари 100 тадан ортиб кетган (ҳозирда Туркияда янги Конституция асосида ушбу тадбир бир қанча соддалаштирилган), Италияда 1992 йилда эса, президентликка сайловлар 16 босқичда ўтказилган. Парламент томонидан сайланган президент одатда (гарчи доим ҳам эмас) “кучсиз” бўлади, чунки у ўз ваколатларини бевосита халқдан эмас, балки вакиллик органидан олади. Бу ҳолат уни парламент олдида кучсиз қилиб қўяди.

2. Сайловчиларга овоз бериш. Сайловчилар ўз овозларини президентни сайловчи вакилларга берадилар, ўз навбатида вакиллар бир жойга йиғилиб, партиялардан кўрсатилган номзодлардан бирини президентликка сайлайдилар (Америка Қўшма Штатлари, Аргентина, 1990 йиллардан Финляндия). Бу усулдаги сайловларда сайлов натижалари (бўлажак президентнинг кимлиги) сайловчи вакиллар овоз бергунларига қадар аниқ бўлиб қолади. Яъни вакилларнинг партиявий дахлдорликлари аниқлангач, президент ким бўлишлиги яққол билинади.

3. Президентни муайян сайлов коллегиясида сайлаш. Германиядаги парламентнинг қуйи палатасидан ва ерликлар вакиллик органларидан тенг миқдордаги аъзолардан ташкил топган Федерал Кенгашда, Италияда парламентнинг иккала палатаси ва вилоят Кенгашлари делегатларидан ташкил топган коллегияда ҳамда Ҳиндистондаги парламентнинг иккала палатасидан ва штатларнинг қонунчилик мажлисларидан сайланган аъзолардан ташкил топган коллегияда президентни сайлаш.

4. Президентни бевосита халқ томонидан сайланиши (Мексика, Украина, Франция, Россия ва бошқалар).

Кўпчилик мамлакатларда президентни кейинги муддатга қайта сайлашда ҳеч қандай чеклашлар йўқ (Миср, Франция, Сурия ва бошқалар). Германияда бир шахс икки муддатдан ортиқ президент бўла олмайди, Аргентинада ҳам бир шахс сурункасига икки муддатга

президент этиб сайланиши мумкин, бунда президент биринчи марта – олти йилга, иккинчи муддатга – тўрт йилга сайланади. Мексикада эса бир шахс фақат бир марта (6 йилга) президент этиб сайланиши мумкин. Мексика Конституцияси бир шахсни икки муддатга сайланишини тақиқлайди, шунингдек Мексикада вақтинчалик президентлик лавозимига ҳам йўл қўйилмайди. Президентни фақат бир муддатга сайланиш амалиёти Боливияда, Эквадорда, 1995 йилдан Никарагуада ҳам амал қилади. Юқорида айтиб ўтилган чекловлар президентлик авторитаризмига йўл қўймаслик учун жорий қилинган, чунки Лотин Америкаси ва Африканинг баъзи давлатларида еттинчи, ҳатто саккизинчи муддатга сайланган президентлар ўз қўлларида давлат ҳокимиятининг барча тизимларини бирлаштириб олганлар.

Аксарият мамлакатларда президентлик лавозими фақат эркаклар томонидан эгалланади, лекин кейинги ўн йилликларда президентлик лавозимини аёллар томонидан ҳам эгалланганлиги кузатилмоқда (Аргентинада, Филиппинда, Ирландияда, Исландияда, Шри-Ланка ва бошқа давлатларда).

Айрим мамлакатларда сайловлар ўрнига давлат раҳбарининг ваколат муддатини узайтириш тўғрисида референдумлар ҳам ўтказилиши мумкин. Осиёнинг баъзи постсоциалистик мамлакатларида (Туркманистон), жумладан, Ўзбекистонда ҳам сайловлар ўрнига президентнинг ваколат муддатини узайтириш тўғрисида шундай референдумлар ўтказилган.

Тарихда баъзи социалистик давлатларда президент ҳокимият тепасидаги партия съезди томонидан сайланган (Конго). Айрим мамлакатларда президентлар умрбод ўз лавозимларини эгаллашлари эълон қилинган (КХДР, Тунис, Уганда, Экваториал Гвинея ва бошқалар). Иосиф Броз Тито Югославиянинг умрбод президенти деб эълон қилиниб, ҳатто конституцияда Президент сайланади, лекин бу қоида Иосиф Броз Титога татбиқ этилмайди деб эътироф этилган. Жаҳон амалиёти мутлақ хилма хилдир.

2-§. Ҳукумат ички тузилишининг 2 тизими: континентал (АҚШ, Франция, ГФР ва англосаксон Буюк Британия)

Демократик мамлакатларда ижро этувчи ҳокимиятни ифода этувчи ҳукумат ўзининг ички тузилиши ва таркибига эга.

Америка Қўшма Штатларида ижро этувчи аппарат тузилмаси Кабинет бўлиб ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари Конституциясида президент кабинети ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Консти-

туцияга биноан президент ижроия тармоқнинг ҳар бир департаментининг асосий мансабдор арбобларидан, уларнинг масъулият доирасига кирган ҳар қандай масала бўйича ёзма равишда уларнинг нуқтаи - назарини сўраши мумкин, бироқ конституцияда на департаментларнинг номи ва на уларнинг мажбуриятлари номланмаган. Шунга ўхшаб, Кабинетда хизмат қилиш учун бирон - бир махорат мезонлари ҳам конституция томонидан белгиланмаган. Шундай бўлсада барибир давлат раҳбарлари Кабинет ёрдамига муҳтождир. “Кабинет, кундалик ҳаёт заруратига биноан, конституция қаровидан ташқарида ташкил топган. Ҳатто Жорж Вашингтон пайтида ҳам президент ўз хизмат бурчларини маслаҳатсиз ва ёрдамсиз амалга оширишининг мутлақо иложи бўлмаган”.[113]

Кабинет – ҳар бир президент барпо этувчи нарсадир. Айрим президентлар кабинет маслаҳатчиларига ўта муҳтож бўлади, ўзгалари камроқ даражада уларга таянади, баъзилари эса уни назар – писанд ҳам қилмайди. Кабинет аъзолари маслаҳатчи сифатида иш юритиш юритмаслигидан қатъи назар, ҳукуматнинг муайян соҳалардаги фаолиятини йўналтириш масъулиятини сақлаб қолади.

Ҳукумат раҳбарлиги остида бир қатор органлар ташкил этилиши мумкин. Улар ҳукуматга ёрдам берувчи ва маслаҳат хусусиятига эга бўлган орган ва хизматлар бўлиши мумкин. Мисол учун, 1988 йил Буюк Британияда 1500га яқин маслаҳат хусусиятидаги хизматлар ташкил этилган.

Буюк Британияда ҳукуматни Кабинет ифода этади. Кабинет аъзолари сонини Премьер министр белгилайди. Одатда кабинет аъзолари 20та атрофида бўлади. Ҳукуматнинг шахсий таркибини белгилаш муҳим министрлик постларини тақдим этиш ҳам Премьер ихтиёрида. Ҳукумат аъзоси бўлиш учун шахс аввало Парламент аъзоси бўлиши лозим. Унинг фаолияти эса доимо парламент назорати остида бўлади.

“Ички Кабинет” бу тушунча Буюк Британия сиёсий ҳаётининг охирги йилларида пайдо бўлди. Унинг аъзолари Кабинет таркибидаги Премьер министрнинг яқин маслаҳатчилари ва дўстлари бўлиб ҳисобланади.

“Ички Кабинет” министрларнинг норасмий йиғиндиси бўлиб, ҳуқуқий мақомга эга эмас ва ташкилий тузилма сифатида ҳам эътироф этилмайди.

---

[113] Америка ҳукуматининг асослари. Халқаро ахборот дастурлари идораси. Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти. 2000. 49-б.

Кабинет таркибида қўмиталар ташкил этилади. Улар жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни кўриб чиқиш учун ташкил қилинади. Қўмиталарнинг номланиши ва уларнинг сони қонунчилик билан белгиланмайди, балки Кабинет ичида, тўғрироғи, Премьер министр томонидан белгиланади.

Ҳукумат раҳбарлиги остида юрисдикцион ва назорат органлари ҳам ташкил этилиши мумкин. Ғарбий Европа мамлакатларида (Франция, Бельгия ва бошқалар) улар одатда давлат Кенгаши номи билан аталади, Италияда эса ҳисоб палатаси номи билан аталади. Ҳукумат раҳбарлиги остидаги юрисдикцион муассаса, фақатгина маъмурий ҳақамликни амалга оширади, давлат бошқаруви билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ваколатига ҳам эга.

3-§. Ҳукумат таркибига тасниф

Демократик мамлакатларда ижро этувчи ҳокимиятни ифода этувчи ҳукумат ўзининг ички тузилиши ва таркибига эга. Ҳукумат турли мамлакатлар қонунчилигига биноан турлича асосларда таркиб топади. Ҳукуматнинг таркибига Премьер министр, Вице – Премьер, министрлар ва мақоми жиҳатидан министрлар билан тенг турувчи шахслар ҳам киради. Ҳукумат аъзолари ҳуқуқий жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Алоҳида вазирлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи вазирлар, тармоқ вазирликларини ифода этувчи қўмита раҳбарлари, яна бирор бир вазирлик фаолиятига раҳбарлик эмас, балки алоҳида топшириқ ва вазифаларни амалга оширувчи “порт-фелсиз” вазирлар ҳам ҳукумат таркибига киради. Булардан ташқари турли хил ҳукумат департаменти раҳбарлари, давлат министрлари, статс секретарлар, баъзан кичик министрлар ва парламент министрларини ҳам ҳукумат таркибида фаолият олиб боришларини кузатишимиз мумкин.

Ҳукумат аъзоларининг номланиши турлича, лекин ҳукумат таркибида бош ролни Премьер министрдан ташқари министрлар ўйнайди. Мутлақ монархия типидаги давлатларда ва президентлик республикаларида ҳукумат таркибига монарх, турли хил соҳа вазирликларини бошқарувчи монарх хонадони аъзолари, давлат раҳбари бўлмиш Президент ҳам киради.

Ҳукумат таркибига унга бошчилик қилувчи бош вазир (мазкур лавозим турлича аталиши ҳам мумкин: Хитойда Давлат Кенгашининг раиси, Болгарияда Раис Вазир, Швецияда Давлат вазири ва ҳоказо), вазирлар ва марказий тармоқ органлар раҳбарлари киради. Бош вазир

раҳбарлиги остида вазирлар, давлат вазирлари (Япония Маҳкамасининг ҳамма аъзоси, Португалия ҳукуматида эса бош вазир ўринбосарлари шундай аталади), давлат котиблари (Америка Қўшма Штатларида Ташқи ишлар вазири шундай аталади), шунингдек ҳукумат ва вазирлар билан парламент тузилмалари ўртасидаги алоқани таъминловчи, парламентда вазирлар номидан иш олиб борувчи парламент котиблари иш юритадилар.

Баъзи мамлакатларда, хусусан, Буюк Британияда ҳукумат аъзоларининг ўрта асрлардан ҳозиргача сақланиб қолган мансаблари мавжуд бўлиб, баъзан мазкур лавозимнинг номидан мансабдорнинг фаолияти доираси тўғрисида бирон бир аниқ тасаввур ҳосил қилиш мушкул: лорд - канцлер (лордлар палатасига раислик қилади, моҳият жиҳатдан эса у адлия вазиридир), лорд - мухрдор, хазина канцлери (молия вазири) ва шу кабилар. Айрим ривожланаётган мамлакатларда бир нечта бир - бирига яқин соҳа вазирликларининг ишини мувофиқлаштириб турувчи мувофиқлаштирувчи - вазир, шунингдек мамлакатнинг йирик минтақаларини бошқарувчи ҳудудлараро вазир лавозимлари ҳам мавжуд.

Баъзи мамлакатларнинг конституция ёки қонунларида вазирларнинг аниқ сони белгилаб қўйилиши ҳам мумкин. Масалан, ҳукумат миқдори Норвегияда бош вазир ва бошқа еттитадан кам бўлмаган аъзолар[114], Ирландияда еттитадан кам ва ўн бештадан кўп бўлмаган аъзолар[115], Бирлашган Араб Амирликларида ўн тўрттадан кўп бўлмаган аъзо таркибда фаолият юритиши кўзда тутилган.

Айрим мамлакатларда, хусусан, Вьетнам ва Кубада ҳукумат мажлисларида вазир мавқеига эга бўлмаган айрим йирик ноҳукумат ташкилотларининг (масалан, Хотин – қизлар, Ёшлар, касаба уюшмаларининг) раҳбарлари ҳам мунтазам равишда қатнашадилар ва улар одатда, маслаҳат овозига эгадирлар.

Ҳукумат фаолиятида бош вазир (ҳукумат раҳбари) муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, ҳукумат таркибига номзодлар танлаш унинг ихтиёридадир. Кўпчилик парламентар республикаларда парламент фақат бош вазир номзодини тасдиқлайди, холос. Шундан сўнг, бош вазир ҳукуматнинг қолган вазирларини ўзи тайинлайди ва лавозимидан озод қилади (масалан, Германия ва Болгарияда). Кўпинча, унинг ўзи ҳукумат номидан қарорлар қабул қилади. Унинг хузурида турли органлар – Германияда – федерал канцлер идораси, Францияда –

[114] Конституции мира (Сборник конституций государств мира. Т.6) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. - 12ст.
[115] Та же литература. 28ст.

фуқаролик ва ҳарбий маҳкама тузилади. Бош вазир хузурида шахсий котибият мавжуд бўлиб, у кўриб, ҳал қилинадиган масалаларни муҳокамага тайёрлайди. Муайян масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ёки улар юзасидан якуний ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун бош вазир тегишли соҳа ва унга яқин вазирларни кенгашга чақиради.

Ҳукумат қошида ҳукумат ишларини бошқарувчи котиб – маъмурият раҳбари лавозими ташкил қилинади. Ҳукумат ишларини "бошқарувчи" мансабдор даражаси, кўпчилик мамлакатларда, вазир мақомига тенглаштирилган бўлади, айрим давлатларда эса улар "ҳукумат ишлари бўйича вазир", деб аталади.

Америкада "Президент томонидан танланувчи ва Сенат маъқулловчи департамент бошлиқлари, умумий равишда президент "кабинети" сифатида маълум бўлган Кенгашни ташкил этади. 14 – департаментга қўшимча равишда, Президент қошидаги ижроия идорага бириккан қатор хизмат ташкилотлари ҳам мавжуддир. Оқ уй ходимлари, Миллий хавфсизлик Кенгаши, Бошқарув ва Бюджет идораси, иқтисодий маслаҳатчилар Кенгаши, Америка Қўшма Штатлари савдо – сотиқ вакилининг идораси ҳамда илм – фан ва технология бошқармаси шулар қаторига киради".[116]

Франция ҳукумати таркибида эса қуйидаги мансабдор шахслар фаолият олиб боришади.

Давлат министрлари бу жуда юқори лавозим бўлиб, у сиёсий фаолиятда энг юқори даражани, мақомни ифода этади. 1991 йил 16-17 май кунлари ташкил топган Э.Крессон ҳукуматида 5та давлат министри бор эди.

Оддий министрлар – улар Кабинетда энг кўп фаолият олиб борувчи министрлардир.

Делегат министрлар – улар Премьер Министр ёки Министрлар қошида фаолият олиб бориб, уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишларига кўмаклашади.

Мустақил давлат котиблари – кўпинча улар техника соҳаларига масъулиятли бўлиб (почта, телефон, телеграф) улар ўзларининг бюджет ва хусусий хизматларига эга.

Министрлар қошидаги давлат котиблари – одатда улар Министрлар раҳбарлигида фаолият олиб боради. Улар ўзларининг мустақил бюджет ва хусусий хизматларига эга эмас.

[116]Америка ҳукуматининг асослари. Халкаро ахборот дастурлари идораси. Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти. 2000. 49-бет.

Франция ҳукумат аъзолари сони бирор қоида билан қаттиқ тартибда белгиланмаган. 1958 – йилдан буён ҳукумат таркиби ошиб бормоқда. 1958 – йил Дебре ҳукуматида 30га яқин аъзо бўлган бўлса, Ширак ҳукуматида 1976 – йил 43та аъзо бўлган. 1991 – йил Крессон ҳукуматида эса 47та министрлар ва давлат котиблари бўлган.

Министрлар ўртасида ваколатларни тақсимлаш президентнинг чиқарган декрети асосида амалга оширилади. Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати тузилишида эса бошқача ҳолатни кузатишимиз мумкин. Хитой Халқ Республикаси Конституциясининг 86-моддасида: “Давлат Кенгаши қуйидаги шахслардан ташкил топади: Премьер, Премьер ўринбосарлари, Давлат Кенгаши аъзолари, министрлар, қўмита раислари, Бош ревизор, Котибият бошлиғи”[117] тартибида белгиланиб ҳукуматнинг барча аъзоларини қатъий тартибда белгилаб қўйган.

Португалия Республикаси Конституциясида ҳам кимлар ҳукумат аъзолари бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Португалия Конституциясининг 186-моддасида: “Ҳукумат таркибига: Премьер министр, министрлар, давлат котиблари, давлат котибларининг ўринбосарлари киради”[118] деб белгилаб қўйилган.

Россия Федерацияси Конституциясида ҳам қайси мансаб эгалари ҳукумат аъзолари бўлиши мумкинлиги белгиланган, лекин ҳукумат аъзолари сони белгиланмаган.

Япония давлатининг 1947 йилги “Министрлар Кабинети тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига биноан кабинет аъзолари бўлмиш 20та давлат министрларини Премьер министр тайинлайди. Япония давлатининг конституциявий қонунида ҳукумат аъзолари сони шу тартибда белгиланган.

Германия Федератив Республикасида ҳукумат аъзолари сони ва федерал министрлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш Канцлер ихтиёрида.

[117]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.3) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. -178-179с.

[118]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.4) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. -230с.

39-боб. Маҳкамалар ва уларнинг раҳбарлари, ҳукумат ва ҳукумат аъзоларининг жавобгарлиги

1-§. Вазирликлар, давлат идоралари тушунчаси, аҳамияти ва турлари
2-§. Ҳукумат аъзоларининг сиёсий масъулияти
3-§. Ишонч ва ишончсизлик вотуми. Шахсий жавобгарлик масалалари

1-§. Вазирликлар, давлат идоралари тушунчаси, аҳамияти ва турлари вазирликлар ва идоралар

Вазирликлар ва идоралар муайян давлат бошқаруви соҳасида махсус ваколатларга эга бўлган ижроия ҳокимиятнинг тармоқ органлари ҳисобланади. Улар маъмурий ҳуқуқ курсида батафсил ўрганилади.

Турли мамлакатларда турли йўналиш вазирликлари амал қилади. Қоида тариқасида булар: мудофаа, ташқи ишлар, меҳнат, молия, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа вазирликлардир. Вазирликлар билан бир қаторда турли идоралар, қўмиталар, бошқармалар, департаментлар фаолият кўрсатади.

Ҳукумат идоралари раҳбарлари парламент томонидан тасдиқланади (ишонч вотуми) ёки президент томонидан тайинланади. Агар вазир мақомига эга бўлса, у ҳукумат таркибига киритилади (масалан, тоталитар социализм мамлакатларида режалаштириш давлат қўмитаси раиси ҳукумат таркибига киради). Ноҳукумат идора (ведомства) лар (масалан, марказий статистика бошқармаси) раҳбарлари премьер вазир ёки ҳукумат томонидан тайинланади. Улар ҳукумат таркибига кирмайдилар ва вазир мақомига эга эмаслар. Ҳукумат мажлисларида таклиф қилинган тақдирда қатнашадилар, шунингдек ҳукумат мажлисларида муҳокамавий овозга эга. Баъзи вазирлик ва идоралар (масалан, молия вазирлиги) идоралараро ваколатларга эга, бошқа вазирликлар айрим масалалар юзасидан уларга тобе ёки мувофиқлаштирилган бўладилар.

Вазирликлар ва идоралар бошқаруви яккабошчилик тамойили асосида амалга оширилади. Лекин тоталитар социализм ва кўпгина постсоциалистик мамлакатларда вазир ҳузурида, одатда, таркиби ҳукумат томонидан тасдиқланадиган маслаҳат органи – вазирлик коллегияси мавжуд бўлади. Кўпгина давлатларда бундай орган мавжуд эмас, лекин доимо вазирнинг ёрдамчилари, “Мозговой штат”,

кабинети ва шахсий ходимлари бўлади. У вақти-вақти билан турли масалаларни ҳал қилиш учун вазирликнинг юқори мартабали чиновникларини йиғиб туради.

Турли бошқарув шаклларига эга бўлган давлатлардаги вазирларни тайинлаш ва бўйсунув тартиби ҳақида юқорида айтиб ўтилган.

Ҳукумат аъзоларига кўпинча парламент аъзоларининг иммунитет ва имтиёзларига тўғри келувчи иммунитет ва имтиёзлар билан бир қаторда чекловлар ҳам белгиланган. Вазирларга: хусусий фирмалар кенгашларида ва дирекцияларида қатнашиш, давлат мулки билан боғлиқ битимларга киришиш, шунингдек (деярли барча мамлакатларда) ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланиш (ижодий, илмий ва педагогик фаолият бундан мустасно) тақиқланади.

Вазирликлар таркибида дирекциялар, департаментлар, бўлимлар ташкил қилинади. Уларга вазир томонидан тайинланадиган мансабдорлар раҳбарлик қилади. Бошқарма ва бўлимлар гуруҳини вазир ўринбосарлари йўналтириб туради. Континентал ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда вазирлик бош котибияти муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз моҳиятига кўра вазирлик штаби ҳисобланади.

Давлат хизматидаги фуқаролар умумий аҳолининг Германияда – 7,3%ини, Францияда – 7,6%ини, Италияда – 6,2%ини ва Испанияда – 5,6%ини ташкил қилади. Оддий давлат хизматчилари (давлат муассасаларидаги врачлар, ўқитувчилар ва бошқалар) билан турли давлатларда турлича (баъзиларида – оммавий, баъзиларида – фуқаролик ва айримларида – федерал) аталувчи малакали давлат хизматчилари фарқланади. Бундан ташқари муниципиал хизмати ҳам мавжуд, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари чиновник-бошқарувчиларига эгадирлар.

Малакали давлат хизматига мансуб давлат хизматчилари муайян ваколат доираси ва моддий ҳолатини белгиловчи малакавий даража, мақом ва унвонларга эга. Бундай синфий сони бир хил эмас (масалан, Буюк Британияда улар 4 та, Японияда 15 та). Одатда, маъмурлар, профессионаллар, ижрочилар ва бошқалар синфи ажралиб туради. Чиновниклар дискрецион ваколатларга эга, яъни қонун доирасида ўз фикрларига кўра қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи. Давлат хизматининг, масалан, юқори давлат хизматчиларининг замещенияси тайинлаш, шу мансабни эгаллаб турган мансабдорни аттестация қилиш (одатда, беш йилда бир) ёки танлов йўли (бўш ўринлар учун) амалга оширилади. Агар танлов ўтказилса, унда турли комиссиялар ҳам тузилади (масалан, танловга қўювчи ва тайинловчи комиссиялар). Юқори ва

ўрта мансаб учун танлов оғзаки имтиҳонни эслатади, яъни муайян шахслар (номзодлар) билан (баъзида назорат саволлари берилиши мумкин) суҳбат ўтказилади ёки ёзма ҳужжатлари текширилиши мумкин (Германия). Қуйи поғонадаги давлат хизматчилари мансаби учун суҳбат ва амалий билимларни текшириш қўлланилиши мумкин.

Чиновниклар дискрецион ваколатларга (қонун доирасида қарорлар қабул қилиш), алмаштирилмаслик имтиёзига (яъни вазирлар ва ҳукумат алмашган тақдирда ҳам, ҳатто сайловларда оппозициядаги партия ғалабасида ҳам ўз хизмат вазифасида қолади) эгалар. Лекин баъзи юқори мансаблар "хизмат кўрсатганлик даражаси тизими" бўйича эмас, балки "ўлжа тизими" бўйича эгалланади. Айниқса, бу мансаб президент ёки вазирнинг шахсий ходимлиги ёхуд сиёсий характерга эга бўлса, ғолиб чиққан сиёсий партиянинг арбоблари тайинланади. Янги президент ёки ҳокимият тепасига келган партия томонидан шакллантирилган ҳукумат вазирларнинг шахсий ходимлари, вазирликлар бош котибияти, губернатор ва бошқа сиёсий характердаги лавозим эгаларини алмаштиришга ҳаракат қилади, лекин баъзида вазирлар ўринбосарлари ўз мансабида қолиб, тармоқдаги ваколатларини давом эттирадилар. Чиновниклар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас (ижодий, илмий, дарс бериш фаолияти бундан мустасно), совға қилинган буюмларни давлатга топширишга мажбурдирлар (масалан, АҚШда ҳар қандай давлат хизматчиси чет давлатлар совға қилган қиймати 100$дан ортиқ бўлган буюмларни давлатга топширишлари шарт), шунингдек улар сиёсий партия аъзоси бўлишлари, сиёсий акцияларда ва иш ташлашларда қатнашишлари мумкин эмас – бу давлат аппаратини департизациялаш ва деполитизациялаш дейилади. Улар давлат билан муносабатда поялностни сақлаб қолишлари шарт. АҚШда поялность текширувлари ўтказилган, Германияда эса радикал элементлар давлат хизматига, шунингдек таълим-тарбия ишларига киритилмайди. Шу билан бирга ривожланган кичик ҳудудли мамлакатларда (Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия ва бошқалар) оддий, шунингдек юқори мақомдаги чиновниклар давлат ва жамоатчилик назоратида туради ҳамда уларнинг имтиёзлари айтарли даражада кенг ҳам эмас.

2-§. Ҳукумат аъзоларининг сиёсий масъулияти

Ҳуқуқ нормасида ҳуқуқ ва мажбурият мавжуд, агар мажбурият бажарилмаса жавобгарлик вужудга келади. Бу исбот талаб қилин-

майдиган ҳолат ҳукумат аъзоларининг фаолиятини конституциявий – ҳуқуқий тартибга солишда ҳам ўз кучига эга. Қонун чиқарувчи бу принципиал ҳолатни, ҳукумат аъзоларининг конституциявий – ҳуқуқий жавобгарлиги орқали бевосита ифодаланган конституциявий – ҳуқуқий институтлар ривожланишини эътиборсиз қолдирмаслиги лозим. Қоидага биноан, ҳукумат аъзолари ҳукумат ҳаракатлари ва ўзларининг ваколатларига тегишли шахсий ишлар, шунингдек, уларга бўйсунадиган органларнинг ҳаракатлари учун жавобгардир (Литва Конституцияси 96-моддаси[119], Польша Конституциясининг 157-моддаси[120], Руминия Конституциясининг 108-моддаси). Словения Конституциясининг 114-моддасида таъкидланишича, вазирлар ҳукуматнинг фаолияти учун биргаликда жавобгардир, ҳар бир вазир эса ўзининг вазирлиги фаолияти учун жавобгардир. Греция Конституциясининг 85-моддасига[121] мувофиқ, Вазирлар кенгаши аъзоси ҳукумат юритаётган умумий сиёсат учун биргаликда жавобгардир. Ҳукумат аъзоларининг биргаликдаги жавобгарлик тамойили бошқарувнинг парламентар ва аралаш шаклларида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳукумат аъзоси ҳукуматнинг сиёсати ва қабул қилинаётган қарорларнинг ижобийлигидан қатьи назар, гарчи вазирнинг шахсан ўзи у ёки бу қарорни қабул қилишда иштирок этмаган бўлса – да, жавобгар бўлиб ҳисобланади. Финландия Конституциясининг 43-моддасига[122] мувофиқ, ҳукумат томонидан кўрилаётган масалада иштирок этган ҳар бир вазир, агар протоколга киритиш билан эътироз билдирмаган бўлса, қабул қилинган қарор учун жавобгардир. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига[123] мувофиқ, ҳукумат аъзоси ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қарорлар учун жавобгар бўлиб гарчи шу қарорга овоз бермаса ҳам ва ўз эътирозлари тўғрисида тезда хабар бермаганлари ҳолатида ҳам жавобгардирлар. Масъулиятнинг бу мезони, хусусан, ҳукумат аъзолари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ёпиқлигига олиб келади. Масалан, Буюк Британияда, қарор қабул қилинаётган ички жараённи, ёки қарор қабул қилган қўмитанинг даражасини маълум қилиш мумкин эмас. Биргаликдаги жавобгарлик шуни талаб этадики вазирларнинг қарашлари ёпиқ ҳолда эркин баҳс – мунозара қилиниши, шу билан бирга, қарор қабул қилингандан кейин улар ягона фронт чизиғини сақлашлари шарт.

[119]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.3) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. С.305.
[120] Та же литература. С.109.
[121] Та же литература. С.54.
[122] Та же литература. С.249.
[123] Та же литература. С.375.

Вазирларнинг биргаликдаги жавобгарлиги ўзларига ишониб топширилган соҳа учун якка масъулиятни истисно қилмайди. Ҳукуматнинг айрим аъзолари ваколатлари доирасида эркиндирлар ва ўз ваколатлари доирасида қилган ҳаракатлари учун жавобгардир (Болгария Конституцияси 108-моддаси[124], Словения Конституциясининг 110-моддаси). Қатор мамлакатларда парламент нафақат ҳукуматга, балки айрим вазирларга ҳам ишонч билдирмаслиги мумкин (Австрия федерал конституциявий қонунининг 74-моддаси[125], Греция Конституциясининг 84-моддаси, Словакия Конституциясининг 116-моддаси). Бироқ, вазирларнинг парламент олдидаги якка тартибдаги жавобгарлиги механизми парламентнинг қарорлари ҳукумат (давлат) бошлиғининг вазирни лавозимидан четлатиш тўғрисидаги қарори билан мувофиқлаштирилган ҳолдагина амал қилади. Шу билан бирга, бошқарувнинг парламентар ва аралаш типидаги давлатларда ҳам вазирларнинг парламент олдидаги якка тартибдаги жавобгарлиги механизми бўлмасилиги мумкин. Масалан, бошқарувнинг парламентар шакли мавжуд Исроилда вазирларнинг парламент олдидаги якка тартибдаги жавобгарлиги тараққиёти ўзига хос хусусиятларга эга. Давлатнинг ташкил қилиниши давридан бошлаб, 1962 йилгача Исроилда вазирларнинг якка масъулияти тўғрисидаги тушунчанинг ўзи бўлмаган. Бош вазир вазирни истеъфога чиқариш ҳуқуқига эга бўлмаган (сиёсий ва конституциявий бўйсуниш бўлмаган ҳолларда ҳам, масалан, ҳаттоки вазир Кнессетда ҳукуматга қарши овоз берган бўлсада, агар вазир, бош вазирнинг хоҳишига кўра истеъфога чиқишга рози бўлмаса, уни кузатишнинг ягона имконияти бўлиб уша вазирсиз янги ҳукуматни шакллантириб, эски ҳукуматнинг истеъфога чиқариш бўлган. Бу вазиятнинг олдини олиш учун 1962 йилда 1949 йилдаги Муваққат қонуннинг 11-моддаси “д” банд билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, агар Кнессет министрга ёки унинг партиясига қарши овоз берса министр жавобгар ҳисобланадиган бўлди. Санкция вазирга ҳукумат томонидан истеъфо беришдан иборат эди. Бу қонун ”Иттифоқдаги интизом тўғрисидаги қонун” номини олган. Шундан сўнг, “Ҳукумат тўғрисида”ги асосий қонуннинг 21-моддасига қўшимча сифатида “а” банд киритилган бўлиб, унга мувофиқ бош вазир истеъфога ҳукуматнинг хоҳлаган аъзосини жўнатиши мумкин. Бу тўғрисидаги фармойиш 48 соат давомида кучга кирган. Аслида вазирнинг истеъфоси оддий ҳолат бўлмаган, айниқса вазир, бош

[124]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.1) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. С.325.
[125]Та же литература. С.88.

вазир аъзоси бўлган партиядан бошқа партияга аъзо бўлган бўлса. Агар бундай ҳолат юз берса, истеъфодан сўнг иттифоқ инқирози юзага келиши мумкин эди. Бу билан шу нарса вужудга келдики, 1984 йилдан бошлаб ҳамма коалицион битимлар ўз ичига қуйидаги шартни қамраб олган: Премьер – министр бошқа партия аъзоси бўлган министрни, шу партия розилигисиз, жойидан силжишига бетараф қолмоғи керак. Аммо бунақа шартларни қўйиш 1991 йил февралда қабул қилинган "Ҳукумат тўғрисида"ги Асосий қонунга тузатиш киритилганлиги сабабли тақиқланган эди. Янгидан қабул қилинган 2001 йилдаги "Ҳукумат тўғрисида"ги Асосий қонунда ҳам Премьер – министрнинг ўз ихтиёри билан министрларни истеъфога чиқариш ваколати яна белгиланмади.

Франция конституциявий ҳуқуқига ҳам айрим министрларнинг парламент олдидаги жавобгарлик масаласи номаълум. Министрларга якка тартибда резолюция танбеҳи чиқарилиши мумкин эмас. Жавобгарликка фақат бутун ҳукумат тортилади, шунинг учун министрлар келишилган ҳолда ҳаракат қилмоғи ва ўз ҳамкасблари фикрини инобатга олишлари керак. Ҳаттоки министрнинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани парламент олдида қўйиб бўлмайди, чунки бу каби қарорлар у бошқараётган министрлик иш фаолияти учун ҳалокатли эди. Министр Парламент олдида ўз министрлигини ёмон фаолияти, унинг қўл остида бўлган хизматчиларининг хато ва айблари учун жавоб бермайди. Мансабга эҳтиёт бўлмай тайинлашлар, кам назорат, амалга ошириб бўлмайдиган кўрсатмалар министрларнинг жавобгарлигига олиб келадиган нотўғри ҳаракатлар бўла олмайди. Агар Парламент олдида министр жавобгарлиги йўқ бўлса-да, у шунга қарамасдан Премьер – министр ва республика президенти олдида жавобгардир. Франция Конституциясининг 8-модда 2-қисмига биноан, Премьер – министрнинг тақдими орқали президент министрларнинг ваколатларини тўхтатиши мумкин.[126] Амалиётда министрлар деярли тез-тез Премьер – министр ташаббуси туфайли ишдан бўшатилган. Ваколатларини тугатишга сабаб бўладиган асослар мутлақо ҳар – хил: Премьер – министрнинг министр олиб бораётган сиёсати билан келишмаслиги, ваколатларни амалга оширмаслик, шахсий хатолар, министрнинг эҳтиётсиз айтилган фикрлари. Министрнинг истеъфога чиқиши унинг парламент билан бўлган муносабатларида қийинчиликлар сабабли юзага келган бўлиши мумкин.

[126]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова. -М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999.-667с.

Россия Федерациясида на Конституция, на “Россия Федерацияси ҳукумати тўғрисида”ги федерал конституциявий қонун федерал министрларнинг парламент олдидаги якка тартибдаги жавобгарлигини эътиборга олмаган. Россияда федерал министрни мансабидан бўшатиш тўғрисидаги тўхтам Президент ва ҳукумат Раисининг бунга розилигини тахмин қилади (қайд этилган Федерал конституциявий қонуннинг 9-моддаси). Демак, уларнинг фикрлари қарама – қарши бўлиши ҳам мумкин бўлган ҳолатнинг эҳтимоли бор. Ҳукумат раисининг Давлат Думасидаги кўпчиликка таянган пайтида, президентга ҳукумат раиси талабларига кўнмаслиги анчагина муаммо тўғдиради. Президент ҳукумат раисидан асоссиз бирор бир ҳукумат аъзосини истеъфога чиқарилишини талаб қила олиши ҳолатини тасаввур қилиш жуда қийин. Ҳар ҳолда назарий жиҳатдан ҳукумат раиси президентнинг бундай талабларини бажаришдан бош тортиши мумкин, лекин унда давлат бошлиғи билан низо келиб чиқиш хавфи мавжуд. Амалиётда Россия Президенти ҳукуматнинг ҳақиқий раҳбари ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи (таажжуб, Россия Федерацияси Конституциясининг 110-моддасида ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади деб, шу тармоқни ким бошқариши ҳақида тўхталиб ўтмаган). Президент ҳукумат раисини мажбурлаб ўзининг фикри билан ҳисоблашишига мажбур этувчи конституциявий имкониятларга эга. Шу борада федерал министрларнинг жавобгарлик чораси сифатида министрларнинг ваколатларини тугатиш масаласи юзасидан: у ўзига қандай қулай бўлса, шундай ҳолда бутун ҳукуматни истеъфога чиқариши мумкин (117-модданинг 2-қисми). Тарихий воқелик бунга мисолдир. Шундай қилиб, Россия ҳукумати аъзоларининг якка жавобгарлиги мавжуд ҳолат. Аммо федерал министрларнинг якка тартибдаги жавобгарлик инстанцияси бўлиб Давлат Думаси эмас, балки президент ва ҳукумат раиси ҳисобланади. Федерал министрларнинг якка тартибдаги жавобгарлиги ҳукуматнинг ягона жамоа бўлишини таъминлайди ва министрларга уларнинг ваколатларини обрўсизлантирадиган ахлоқлари туфайли ваколатларининг тугаши ҳолатларига ўз фикрларини билдиришларига имкон беради.

3-§. Ишонч ва ишончсизлик вотуми. Шахсий жавобгарлик масалалари

Давлатнинг ҳар қандай органлари сингари ҳукумат ҳам ўз фаолиятидаги ноқонуний ҳаракатлар сабабли жавобгарликка тортилиши

мумкин. Ҳукуматнинг парламент жавобгарлиги одатда сиёсий жавобгарлик сифатида тавсифланади. Суд жавобгарлигига тортиш жиноий ҳаракат натижасидаги жазоланадиган ҳолат ёки бошқа бир ғайриқонуний ҳаракат бажарилиши натижасида содир бўлади, бу эса суд жавобгарлигининг сиёсий жавобгарликдан асосий фарқи бўлиб ҳисобланади. Парламент жавобгарлиги деб – ҳукумат томонидан ўтказиладиган сиёсий ҳаракат, бошқарув фаолиятининг бажарилиши учун якдил жавобгарликни ўз зиммасига олишини билдиради. Парламент шаклида бошқариладиган давлатларда ҳукумат то олий давлат вакиллик органида кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланар экан ҳокимиятни қўлда сақлаб тураверади. Ишончсизликни билдириш аниқ юридик шаклда амалга оширилиши керак, махсус парламент тартибига риоя қилинган ҳолда, ҳукуматга нисбатан “ишончсизликни билдириш” ёки “танбеҳ бериш” қарорини қабул қилиш сиёсий оқибатгагина олиб келади ва ўз-ўзидан ижро этувчи ҳокимиятнинг аъзоларини тергов қилишга асос бўла олмайди. Одатда, кам овозга эга бўлиб қолган ҳукумат янгиси билан алмаштирилади. Бироқ, мағлубиятга учраган ҳукумат (расман - ҳокимиятларни бараварлаштириш учун) истеъфога чиқиш муддатидан илгари парламентни (қуйи палатани) тарқатиб юбориши мумкин ва навбатдан ташқари сайловлар ўтказишни белгилайди. Истисно тариқасида бу ҳолат айрим давлатларда қабул қилинганидек, белгиланган вақт билан чегараланган ёки муайян жараён билан боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Францияда янги сайловлар ўтказилганидан сўнг бир йил мобайнида Миллий Мажлисни Президент лавозимини бажарувчи шахс тарқатиб юбориши мумкин эмас. Бироқ Миллий Мажлис ҳам юқоридаги ҳолатда танбеҳ бериш қарорини чиқаришга ҳаққи йўқ. Германия Федерал Республикасида Бундестаг ҳукуматга ишончсизликни билдириш билан бирга янги федерал канцлерни сайласа мағлубиятга учраган ҳукумат Бундестагни тарқатиб юборишга ҳаққи йўқ.

Классик конституциявий таълимотга кўра, ҳукуматнинг олиб бораётган сиёсати ва қабул қилган қарорлари учун министрлар ҳам умумжамоавий асосда жавобгардир, қайсики, у ёки бу министр бу қарорга қарши бўлган бўлса ёки умуман ҳукумат мажлисларида иштирок этмаган бўлса ҳам. Ҳамда ҳар бир министр ўз департаментининг олиб бораётган фаолияти учун шахсан жавобгардир. Индивидуал (шахсий) жавобгарлик Буюк Британияда ҳозирда ҳам қўлланилади.

Мансаб фаолиятини суиистеъмол қилиш ёки жамоат тартиб қоидаларига мос келмаган ножўя ҳаракатлар билан боғлиқ ҳукумат

аъзоларининг жавобгарлиги камдан-кам учрайдиган ҳолатга айланиб бормоқда.

Кўпчилик давлатларда ҳукумат аъзолари Премьер министр тақдимига биноан президент томонидан тайинланади. Мана шу асосдан келиб чиқиб ҳукумат аъзоларини ҳукумат раҳбари олдида жавобгардирлар дейишимиз мумкин. Чунки ҳукумат раҳбари хоҳлаган министрни лавозимдан озод қилиши ва бошқаси билан алмаштириши мумкин. Шу сабабдан ҳозирги вақтда гап кўпинча Премьер министрнинг жавобгарлиги ҳақида кетади.

Хорижий давлатларнинг аксариятида ҳукуматнинг парламент жавобгарлигини ҳаракатга келтириш механизми конституциявий қарорлар қабул қилиш орқали амалга оширилади. Лекин давлатлар тажрибалари турлича. Буюк Британияда Жамоа палатаси томонидан ҳукуматнинг ҳар қандай дастурига салбий овоз бериши ҳукуматга нисбатан ишончсизлик билдириш билан тенг ҳисобланади.

Италия Конституциясининг 95-моддасига[127] биноан, ҳукумат таклифларига нисбатан Парламент палаталаридан бирининг қарши овоз бериши албатта ҳукуматнинг истеъфога чиқишини келтириб чиқармайди. Италияда ҳукуматга ишончни рад этиш, рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ифода этилиш зарур. Буюк Британияда эса шу ҳолат учун далил келтириш шарт эмас.

Ишонч тўғрисидаги савол ҳукумат томонидан ҳам парламент томонидан ҳам қўйилиши мумкин. Ҳукумат номидан ишонч тўғрисидаги саволни Премьер министр қўяди. Парламент номидан эълон қилинадиган ишончсизлик тўғрисидаги қарор қоида тариқасида бир гуруҳ депутатларнинг имзоси билан тасдиқланиши шарт. (Франция, Испания, Италияда имзо чеккан депутатлар сони депутатлар умумий сонининг 1/10 қисмидан кам бўлмаслиги шарт). Ишончсизлик тўғрисидаги қарорга имзо чеккан депутатлар агарда уларнинг бу қарорларига депутатларнинг мутлақ кўпчилиги овоз бермаса бу сессия давомида яна бунақанги таклиф билан чиқишлари мумкин эмас.

Ишончсизлик билдириш тўғрисидаги қарорни ҳукуматга киритиш ва уни овозга қуйиш орасида муайян вақт бор. Францияда бу муддат 2 сутка, Италияда – 3 кун, Испанияда – 5 кун. Бу вақтни ҳукумат махфий музокаралар ўтказишга ва парламент аъзоларига нисбатан тазйиқ ўтказишга сарфлаши мумкин.

[127]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова. -М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999. -438с

Ишончсизлик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун, овозларнинг мутлақ кўпчилиги талаб этилади. Агар бир гуруҳ депутатлар томонидан киритилган ишончсизлик тўғрисидаги қарорга кўпчилик депутатлар овоз бермаса, қарор рад этилган ҳисобланади. Ҳукумат учун берилган овозлар ва бетараф овозлар ҳисобга олинмайди. Бундай тартиб биринчи навбатда ҳукумат учун фойдалидир, чунки бошқа усул билан овоз берилса эди ҳукуматга берилган овозларнинг сони камроқ бўлиши мумкин. Германия Федератив Республикасида "ишончсизликни конструктив билдириш" усули мавжуд. Парламентда мутлақ кўпчилик томонидан ишончсизлик билдирилиши ҳукуматнинг истеъфога чиқиши учун камлик қилади. Бунинг учун янги Канцлер номзоди кўпчилик овози билан маъқулланиши керак. Бундай шарт бажарилмаган тақдирда Бундестаг муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин.

Бундай ҳодиса Германия Федератив Республикасида фақатгина 1982 йилда социал – либерал иттифоқ христиан либералларга алмаштирилганда юз берган. Германиянинг ишончсизликни конструктив билдириш усули Испанияда ҳам қабул қилинган. Дунёдаги барча парламентар ва президентлик республикаларида конституциявий қонунчилик ҳукумат раҳбарининг ёки ҳукумат аъзоларининг жиноят содир этганликлари учун суд жавобгарлигига тортишни ўзида акс эттирган. Айблов парламент ёки қуйи палата номидан амалга оширилади. Ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш аслида юқори палата ихтиёрида (Америка Қўшма Штатлари) Конституциявий суд (Италия, Германия) ёки айнан шу мақсад учун ташкил этилган суд органи (Франция). Агар судлов Президент фаолияти устидан амалга оширилаётган бўлса бу иш юқори Одил Судлов палатаси томонидан, агар судлов ҳукумат аъзоси устидан бўлса бунда бу иш Одил Судлов палатаси томонидан амалга оширилади.

Ижроия ҳокимиятини амалда назорат қилиши турли давлатларда турличадир. Парламентда бир партия ёки ташкиллашган расмий гуруҳ мутлақ кўпчиликни ташкил этса, қарши томоннинг ҳукуматга билдирган ишончсизлиги амалда натижасиз қолади.

Парламентида мутлақ кўпчиликни ташкил этувчи гуруҳ мавжуд бўлмаган давлатларда жавобгарлик институти кўпроқ қўлланилади. Ҳукуматга нисбатан ишончсизлик билдирилиши ҳукумат сиёсатининг тубдан ўзгаришига олиб келмаслиги мумкин. Кўпинча у ҳукумат таркибида жиддий ўзгаришга ҳам олиб келмайди.

Жаҳондаги турли давлат Конституцияларида ҳукумат аъзоларининг жавобгарлик масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, ҳукумат аъзоларига нисбатан конституциявий - ҳуқуқий жавобгарлик инстанцияси бўлиб, биринчидан, Парламент, унинг палатаси (Словакия Конституциясининг 116-моддаси), иккинчидан, давлат раҳбари (масалан, Грузия Конституциясининг 79, 80-моддалари[128] Грузия Президенти олдида ҳукумат аъзоларининг жавобгарлигини белгилайди, ҳолбуки унинг фармони билан министр эгаллаб турган мансабидан озод этилиши мумкин), учинчидан, ҳукуматнинг ўзи ёки унинг раҳбари (Венгрия Конституциясининг 39 параграфига биноан ҳукумат аъзолари ўз фаолияти учун ҳукумат олдида жавобгардирлар ва унинг олдида ҳисоб беришга мажбурдирлар), тўртинчидан, суд ва махсус ташкил этилган органлар (Греция Конституциясининг 86-моддасига биноан, министрларга қарши айблов, Парламент раиси ташкил этадиган махсус суд орқали кўрилади). Бундан ташқари бир қанча конституциялар ҳукумат аъзоларининг бирданига бир неча инстанциялар олдида жавобгарлигини назарда тутади. Масалан, Литва Конституциясининг 96-моддасига биноан, министрлар уларга топширилган вазифаларни бажариш юзасидан раҳбарликни амалга ошираётганда, Сейм, Президент ва Премьер – министр олдида жавобгардирлар.

Одатда, конституциявий – ҳуқуқий нормалар ҳукумат аъзоларининг конституциявий – ҳуқуқий жавобгарлигига асос бўла оладиган ҳолатларни аниқ ҳолда камдан – кам ифода этади. Тарихий мисол сифатида, қуйидагиларни келтириш мумкин, биринчидан, 1791 йилда қабул қилинган Франция Конституциясининг 4 – бўлим, 2 – бобига биноан, қонун чиқарувчи орган министрларга нисбатан ноаниқ асослар доирасида айб қўйиши мумкин: жамоат хавфсизлиги ва конституцияга тажовуз қилиши, шахсий мулк ва эркинликка тажовуз қилиши, керакли нарсаларга сарфланадиган маблағларни сарфламай уни исроф қилиши, ва, иккинчидан, янаям ноаниқ белгиланган министрлар жавобгарлигининг асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: “Министр икки ҳолатда судланади: қачонки ўзининг ҳокимият ваколатларидан четга чиқса ёки қачонки унга ёвузликни олдини олиш учун берилган ваколатлардан фойдаланмаса”.

Шу қаторда министрларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаган асослар шахсий хоҳишларни бартараф этиш ёки турли – хил сиёсий

[128]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.2) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. -108-109с.

йўл тутишларни йўқ қилиш учун зарур. Ҳукумат аъзолари конституциявий – ҳуқуқий жавобгарлигининг қуйидаги замонавий асосларини келтириб ўтиш мумкин.

1. Конституция ёки қонунни бузиш. Польша Конституциясининг 156-моддасига мувофиқ Министрлар Кенгаши аъзолари Конституция ёки қонунларни бузганлик ҳолатлари учун жавобгардирлар. 115 депутат ёки президент ташаббуси билан Сейм Министрлар кенгаши аъзоларини Давлат Трибунали олдида конституциявий – ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши ҳақида қарор қабул қилади. Австрия Федерал конституциявий қонунининг 76 ва 142-моддаларига асосан, Миллий кенгаш Федерал ҳукумат аъзоларига қарши Конституциявий суд томонидан кўриладиган қонунни бузаётганликлари айбини қўйиши мумкин.

2. Таалуқли бўлмаган мажбуриятларни бажариш. Ҳукумат аъзолари шак-шубҳасиз уларга юклатилган мажбуриятларни виждонан бажаришлари, айрим ҳолларда, масалан, Нидерландия Конституциясининг 49-моддасига[129] мувофиқ мансабни эгаллаш олдидан улар қасамёд ичишлари талаб этилади ва уни амалга оширишлари учун жавобгардирлар. Дания Конституциясининг 16 – бўлимига[130] биноан министрлар бурчларини мансабларига тегишли бўлмаган ҳолда бажарганлари учун мансабдан четлаштирилишлари мумкин, Греция Конституциясининг 85-моддаси эса, министрлар Кенгаши аъзолари ўзларининг фаолиятлари доирасида янглишганликлари учун жавобгардирлар тартибида ифодаланган.

3. Бир-бирига мос келмайдиган фаолият натижасида қонуний талабларнинг бузилиши. Бир қатор мамлакат конституциялари ҳукумат аъзолари ваколатларини амалга ошириш тартибини бузган ҳолатда ўз лавозимидан айрилиши билан боғлиқ бўлган аниқ қонун талабларини қамраб олган (масалан, Молдавия Конституциясининг 100-моддаси).[131] Одатда, ҳукумат аъзоси бир вақтнинг ўзида иккита давлат мансабини эгаллашга, бошқа касб фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмас (Швеция Бошқарув шаклларининг 9 параграфи, 6-

[129]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999.-485с.

[130] Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999.-304с.

[131]Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.4) Сост. и авторы вступительных статей У.Таджиханов, А.Х.Саидов. –Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. -79с.

боби[132], Франция Конституциясининг 23-моддаси[133], Руминия Конституциясининг 104-моддаси), шунингдек тадбиркорлик билан шуғулланишга ёки фойда олиш мақсадида бўлган корхонанинг бошқарув таркибига киришга ҳақли эмас (Россия Федерацияси Асосий қонунининг 66-моддаси).[134] Россия Федерацияси Конституциясида министрлар бошқарув фаолиятлари доирасига зид келувчи вазифалар ёритилмаган бўлсада, "Россия Федерациясининг ҳукумати тўғрисида"ги конституциявий қонуннинг 11-моддасида, бу тартибдаги фаолият турлари учун бир қатор чекловлар белгиланган, лекин министрларнинг бу қоидаларни бузганлик ҳолатлари учун жавобгарлик тартиби белгиланмаган.

4. Ишончни йўқотиш. Бу асос министрлар ва ҳукумат парламент ишончидан фойдаланишлари керак бўлган, бошқаруви парламентар ва аралаш шаклга эга бўлган давлатларда мавжуд (Греция Конституциясининг 84-моддаси). "Швеция Бошқарув шакллари"нинг 6–боб 5 параграфига биноан, агарда Риксдаг министр ишончни қозона олмади деб белгиласа, талъман (парламент раиси) уни истеъфога жўнатади.

5. Ҳукумат аъзосининг мажбуриятларни амалга оширишига зид келувчи ҳаракатларни (жиноятлар) содир этиши. "Швеция Бошқарув шакллари"нинг 3 параграф 12–бобига асосан, министрларнинг ўз хизмат бурчларини бажараётганликлари ва ҳукумат ишларини олиб бораётганликларини текшириши керак бўлган Риксдаг конституциявий комиссия айблови бўйича министрни ўз бурчларини бажараётганда содир этган жинояти учун жавобгарликка тортади, агарда у шу вақтда ўз хизмат бурчлари остида ҳаддан зиёд лоқайдлик қилган бўлса.

Министрлар бошқа шахслар ҳаракати учун жавобгар бўлишлари мумкин. Масалан, маълумки, айрим конституциялар ҳукумат аъзоларига нисбатан жавобгарликни назарда тутади, қайсики давлат раҳбари (ёки ҳукуматнинг) тасдиқлаган қарорлари натижасида келиб чиқувчи оқибатлар учун. Давлат раҳбари қарорини тасдиқлаган министр шунинг учун ҳам жавобгар бўлади (Бельгия Конституция-

[132]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999. -711с.
[133] Та же литература. 669-670с.
[134] Та же литература. 200с.

синиng 106-моддаси).[135] Шу билан биргаликда айрим ҳолларда давлат раҳбарининг оғзаки ёки ёзма кўрсатмаси ҳеч қандай ҳолатда ҳам министрни жавобгарликдан озод қила олмаслиги алоҳида таъкидланган (Бельгия Конституциясининг 102-моддаси, Греция Конституциясининг 85-моддаси).[136]

Ҳукумат аъзоларига нисбатан қуйидаги конституциявий – ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин.

1. Ваколатлардан маҳрум бўлиш (вақтинча тўхтатиш). Биринчидан, министр ўз ваколатларидан импичмент тартибида маҳрум бўлиши мумкин. Масалан, Дания Конституциясининг 16 – бўлимига асосан, министрлар мансабларига тааллуқли бўлмаган мажбуриятларни бажарганликлари учун қирол ёки Фолкетинг томонидан уларга импичмент эълон қилиниши мумкин ва шу импичментни қироликнинг Олий суди амалга оширади. Грузия Конституциясининг 64-моддасига асосан, министрлар импичмент тартибида Парламент томонидан Конституцияга амал қилмаганликлари, давлатга хиёнат қилганликлари учун мансабларидан четлаштирилишлари мумкин.

Иккинчидан, ҳукумат аъзолари чақириб олинишлари мумкин. Чақириб олиш, одатда, конституциявий – ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа, ишончсизликни ифода қилиш чорасидан сўнг амалга оширади. Словакия Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ Миллий кенгаш айрим ҳукумат аъзоларига ишончсизликни ифода қилиши мумкин, бу ҳолда президент ҳукумат аъзосини чақириб олади (модомики уни ўзи тайинлаган); президентга ҳукумат аъзосини чақириб олиш таклифини ҳукумат раиси ҳам киритиши мумкин. Шунга ўхшаш масала Полша Конституциясининг 159-моддасида ҳам белгиланган.

Ирландия Конституциясининг 28-моддасига[137] мувофиқ, ҳукумат аъзоси Премьер – министр талабларига бўйсунмаса, унинг Давлат Президенти томонидан ўз мажбуриятларини амалга ошириши тўхтатиб қўйилиши мумкин.

2. Баҳоловчи конституциявий – ҳуқуқий санкциялар. Литва Конституциясининг 61-моддасига мувофиқ сўровга министр томони-

[135]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999.-125с.

[136]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999.-277с.

[137]Конституции Государств Европейского Союза. Под общей редакцией и со вступительной статьей директора Института законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации Л.А.Окунькова.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М,1999.-342-343с.

дан берилган жавоб муҳокама қилинганидан кейин Сейм бу жавобни қониқарсиз деб қарор қилиши мумкин. Эстония Конституциясининг 97-моддаси Давлат Мажлиси ўзининг қарори билан министрга ишончсизлигини билдириши мумкин деган тушунчани белгилайди.

3. Конституцияга (қонунга) мос келмайдиган министрлар актларини бекор қилиш. Болгария Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ, Министрлар Кенгаши министрларнинг қонунга мос келмайдиган ёки "нотўғри актлари"ни бекор қилади. Полша Конс-титуциясининг 149-моддасига мувофиқ Министрлар Кенгаши ми-нистрнинг фармойиш ва буйруқларини бекор қилиши мумкин. Куба Конституциясининг 96-моддасига мувофиқ, агар министрларнинг, марказий идора раҳбарларининг фармойишлари катта ҳуқуқий кучга эга бўлган нормаларга юқори даражадаги нормаларга зид келса, Министрлар Кенгаши уларни бекор қилиши ёки ҳақиқий эмас деб эълон қилиши мумкин.

Конституциявий – ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус субъекти сифатида ҳукумат раҳбарини кўрсатиш мумкин. Бир томондан, ҳукумат раҳбари ҳам қолган бошқа ҳукумат аъзолари сингари белгиланган тартиб ва асосларда конституциявий – ҳуқуқий жавобгарликка тортилади ("Швеция Бошқарув шакллари"нинг 6-боб 5 параграфи, Ирландия Конституциясининг 28-моддаси). Бошқа томондан конституциявий – ҳуқуқий жавобгарликнинг субъекти сифатида ҳукумат раҳбари мавқеи, одатда, айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, у ҳукумат фаолиятини мувофиқлаштиради, умумий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди, шунингдек айрим бошқа соҳалар учун жавобгардир (Болгария Конституциясининг 108-моддаси, Италия Конституциясининг 95-моддаси, Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 65-моддаси). Бундан ташқари, Мадагаскар Конституциясининг 63-моддасига мувофиқ, Премьер – министр министрликлар фаолиятини мувофиқлаштириш фаолияти учун ҳам жавобгардир. Баъзи мамлакатларда, айнан, ҳукумат раиси номига парламент томонидан ишончсизлик вотуми билдирилиши мумкин, шунинг натижасида ҳукумат раҳбари вазифасидан озод этилади (Непал Конституциясининг 36-моддаси).

Ҳукумат аъзолари ўз мажбуриятларини амалга ошириши жараёнидаги ҳаракатлари (шунингдек, айтган фикрлари) учун конституциявий – ҳуқуқий нормалар билан жавобгарлик белгиланмаган ҳолатлар жуда кам. Шу билан бир қаторда Бельгия Конституциясининг 101-моддаси министрлардан ҳеч бири ўз вазифасини бажараётган пайтида билдирган фикри учун жавобгар эмаслигини кўзда тутади. Ҳукумат фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш қонунчилик органининг биринчи даражадаги вазифасидир.

40-боб. Судлов ҳокимиятининг умумий тавсифи

1-§. Суд ҳокимияти. Суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаси, қонунийлик ва адолатни таъминлаш
2-§. Суд ҳокимиятининг тузилиши: умумий ва махсус юрисдикция судлари. Фавқулодда судлар тузилишининг тақиқланиши
3-§. Прокурор, терговчи ва судьяларнинг ҳуқуқий мақоми
4-§. Суд ҳокимиятининг олий органлари
5-§. Суднинг фақат қонунга бўйсуниши, суд мустақиллигининг кафолатлари
6-§. Судлов ҳокимиятининг шаклланиш усуллари

1-§. Суд ҳокимияти. Суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаси, қонунийлик ва адолатни таъминлаш

Ҳар бир давлатда турли хил ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мавжуд: суриштирув ва тергов органлари, прокуратура, адвокатура, нотариус ва бошқалар. Шу органлар ичида суд алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга. Зеро, суд давлат ҳокимиятларидан биридир. Бошқа юридик муассасалар давлат ҳокимиятларининг бири сифатида намоён бўла олмайди. Суд ҳокимияти мустақил давлат ташкилотини ташкил этувчи муассасалардан иборат. Суд ҳокимиятининг ҳолати, жамиятда унга бўлган муносабат, унинг ривожланиш йўналиши етарли даражада жамиятнинг барча соҳаларига катта таъсир қилади. Ҳар бир шахс судга мурожаат қилганида масаласи одил тарзда ҳал бўлишига амин бўлиши керак. Қолаверса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, ўзаро можаролар оқилона тарзда ҳал қилиниши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир. Умуман, суд кораловчи ёки жазоловчи орган эмас, балки бузилган ҳуқуқларни қонуний йўллар билан қайт тикловчи органдир.

Суд ҳокимияти ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимиятта ўз таъсирни кўрсата олади. Қонун чиқарувчи ҳокимият судлар системаси (Олий суд, Конституциявий суд) орқали назорат суд-давлат қонуни билан мустаҳкамланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа категориядаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни амалга оширувчи давлат органи. Суд одатий ва фавқулодда турларга бўлинади.

Одатий суд умумий ваколатли ва ихтисослашган турларга бўлинади. Демак, суд бу – давлат томонидан ўрнатилган қонунларнинг

бузилишига қарши юридик санкциялар қўллаш ёрдамида жазо тайинлайдиган давлат органидир. Агар қонун чиқарувчи ҳокимият парламент томонидан, ижро этувчи ҳокимият ҳукумат томонидан амалга оширилса, суд ваколатлари бир ёки икки суд томонидан амалга оширилмай, балки бутун суд ҳокимияти тизимини ташкил этувчи судлар томонидан амалга оширилади. Судларнинг ўзаро можароларни кўриб чиқиши, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга қонун нормалари мувофиқ ҳолда жазо тайинлаш фаолияти одил судлов деб аталади. Бошқача айтганда, қонунларнинг суд томонидан қўлланиши ўзи судларнинг фаолияти ва тор маънода одил судлов деб аталади. Шу билан бирга, бу тушунчани кенгроқ маънода тушуниш лозимки, одил судлов бу судлов фаолиятини тўғри, оқилона ва одилона амалга оширишдир. Судлар фаолияти бошқа ташқи кучлар таъсиридан мустақил олиб борилиши, яъни суд ваколатларини қонун асосида амалга оширишидир. Суд ҳокимияти икки асосий функцияни бажаради. Биринчи функция-бу давлат ҳокимият органлари ўрнатган қонун ва қоидаларни бузганларни жазолаш. Иккинчиси-давлат ва фуқаролар ўртасида келиб чиққан баҳс ва можароларни кўриб чиқиш ва ҳал этишдир. Шундай қилиб, суд давлат органлари ва фуқароларнинг ўртасидаги низоларни нафақат давлатнинг фуқарога нисбатан эътирози бўлганда, балки фуқароларнинг давлат органларига эътирози бўлганда ҳам кўриб чиқиши шарт. Ҳақиқий мустақил ва одил суд жамият аъзоларини ҳуқуқбузарликларга бўлган тажовуздан сақлаш билан бирга, инсонларни давлат органлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган суиистеъмолдан ҳимоя қилади.

Бундан ташқари суд ҳақида гап кетганда, айтиб ўтиш лозимки, баъзи муаллифлар суд ҳокимиятини ҳокимиятлар учлигида энг кучсиз ҳокимият деб ҳисоблашади.Чунки, қонун чиқарувчи органдан фарқли тарзда сайловчиларнинг эркин иродаларини намоён этишга асосланмайди. Ижро этувчи ҳокимиятдан фарқи эса ўз куч тизимига (полиция,армия) эга эмас. Аслида бошқача ёндашиб қаралганда, суд ҳокимиятининг кучи мажбурлов аппаратига эмас, балки обрў ва ҳурматга асосланади. Агар суднинг обрўси (авторитети) бўлмаса, у халқ олдида ҳам, давлат органлари олдида ҳам ҳеч нима эмас. Мустаҳкам демократик анъаналарга эга мамлакатларда суднинг қарори бажарилади, гарчи у одил бўлмасада. Бу ерда суд қарорининг кучи қонуннинг кучи билан тенг. Демократик тамойиллар мавжуд бўлмаган мамлакатларда суд қарорлари тан олинмайди. Бу давлатларда реал суд ҳокимияти йўқ.У ерда суд маъмуриятнинг қўштирноқ

ичидаги одилликни ўрнатувчи қурол бўлиб хизмат қилади.

Суд ҳокимияти ва одил судлов тушунчалари бир-бирини алмаштириб, тўлдириб турувчи тушунчалардир. Бу бир хил тушунчани турли йўллар билан берилишидир. Суд ҳокимияти одил судловни бажариш орқали амалга оширилади. Бу одил судлов фуқаролик, жиноий, маъмурий ва конституциявий соҳаларда олиб борилиши мумкин. Суд ҳокимияти мураккаб ва кўп элементли тушунча. Лекин бу кўп элементлар ичида уларнинг марказини одил судлов фақат суд томонидан олиб борилади деган қоида эгаллаб туради. Яъни одил судловни давлатнинг шу фаолиятни олиб боради деб тан олинган шахслар бажаради. Албатта бундай шахслар махсус тайинланиш ёки сайланишдан жараёнидан ўтади, тааллуқли таълимга, тажрибага ва ахлоқий хусусиятларга эга бўлади.

Суднинг фақат қонунга бўйсуниши, суд мустақиллигининг кафолатлари. Суд ҳокимияти бир қанча универсал принциплар асосида ташкил этилади. Биринчи ва энг асосий припцип суднинг мустақиллигидир. Суд давлат ҳокимиятлари бўлиниши принципига кўра уч ҳокимиятнинг бири бўлиб, қолган икки ҳокимият билан тенгдир ва улардан мустақил фаолият олиб боради. Иккинчи принцип - бу коллегиалликдир. Судда кўриладиган кўп ишлар судьялар коллегияси томонидан кўриб чиқилади, агар иш катта аҳамиятга эга деб ҳисобланса, албатта судьялар коллегияси билан кўрилиши шарт. Кейинги принциплардан бири бу профессионализмдир. Кўп мамлакатларда судьялар юридик маълумотга эга шахслар бўладилар, хусусан олий юридик маълумотга эга кишилардир. Суд қарорига шикоят келтириш ҳуқуқи принципига кўра, агар томонлар суднинг қароридан норози бўлсалар юқори турувчи судга шикоят билан мурожаат қилишлари, яъни аппеляцияга беришлари мумкин. Шунингдек, судда кўриладиган кўп ишлар ошкоралик принципига асосланиб кўрилади ва суд ишини кўришни истаган шахс иштирок этиши таъминланади. Бундан ташқари, томонларнинг тенглиги ҳам суд ҳокимиятининг принципларидан биридир. Тортишувчанлик эса тенглик принципини тўлдириб туради.

Тарихдан маълумки, аввалари суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаси ҳокимият тепасида турган ижтимоий гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқаролар қаршилигини синдиришдан иборат бўлган. Масалан, француз тадқиқотчиси Алексис де Токвиль ўзининг 1835 йилда чоп этилган китобида АҚШ суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаларини қуйидагича ифодалаган:

“Ҳукумат ўз фуқаролари томонидан кўрсатиладиган қаршиликни енгишнинг икки усулига эга бўлади, яъни ўзлари эга бўлган моддий маблағларни ҳаракатга келтириш ва муайян шахслар ёки гуруҳларга нисбатан қабул қилинган суд қарорлари.

Ўз қонунлари ижросини қурол кучи ёки зўравонлик билан таъминлайдиган ҳар қандай ҳукумат ҳалокатга учраши аниқ. Агар у заиф ва мўътадил ҳукумат бўлса, у сўнги имконият сифатида куч ишлатишга мажбур бўлади, бундай ҳолатларда баъзи бебошликларга эътибор берилмайди ва бундай давлатларда анархия юз беради. Агар ҳукумат кучли ва қатъий бўлса, у кундалик ҳаётда зўравонлик ишлатади ва тез орада ҳарбий (деспотик) ҳукуматга айланиб қолади. Унинг ҳаракатлари ҳам, худди ҳаракатсизлиги каби у бошқараётган аҳолини чорасиз шароитга олиб келади.”

Ҳар қандай анархия ёки ҳарбий диктатура шароитида ҳам ҳуқуқ ва қонун устуворлигини таъминлай оладиган давлат ҳокимиятини ўрнатиш учун халқ ўз ҳаракатини қўзғолонлар ва давлат тўнтаришлари кўринишида амалга оширади. Шундай ҳолатларда "одил судловнинг олий мақсади зўровонлик ғоясини ҳуқуқ ғояси билан алмаштириш, ҳукумат ва у қўллайдиган куч ўртасида ҳуқуқий тўсиқ ўрнатишдан иборатдир”[138].

Ҳақиқатдан ҳам, одил судловни амалга ошираётиб, суд ҳокимияти давлат зўровонлигини цивилизациялашган доирага киритади, айнан суд қонунни ҳурмат қилувчи фуқароларни давлат машинаси “ғилдираклари остига тушиши" хавфидан қутқарилишини кафолатлайди. Бу одил судловнинг ўта муҳим мақсади, лекин бу унинг ягона мақсади эмас.

Агар унинг мақсади шу билангина чекланадиган бўлса, унда суд ҳокимияти, қанча цивилизациялашган бўлмасин, моҳиятан у фақат жазоловчи восита сифатида намоён бўлади. Тўғри, суд ҳокимияти айбдор шахсларга нисбатан жазо тайинлайди, аммо унинг ижтимоий вазифаси фақатгина шундан иборат эмас. Жамиятдаги муносабатларда жуда кўплаб конфликт (ихтилоф, низо) юзага келади. Бунда қонунга риоя қилмайдиган индивид (шахс) ва давлат ўртасидаги ихтилофлар асосий ўрин эгалламай, балки қонунни ҳурмат қилувчи фуқаро (шахс, индивид)нинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлатнинг хатоси, айниқса унинг зўровонлигидан ҳимоя қилиниши юзасидан келиб чиқадиган ихтилофлар долзарб ҳисобланади. Агарда А. Де Токвиль таъкидлаган ҳолатда суд "қулоқсиз"ларга қарши давлатнинг

[138] Де Токвиль А. Демократия в Америке. –М.: Прогресс, 1992. с.120

қуроли сифатида намоён бўлса, яъни у ҳуқуқни давлат томонида эканини тасдиқлаган ҳолда давлатни фуқаролардан ҳимоя қилиш назарда тутилган бўлса, ҳозирда суд инсонни давлатдан ҳимоя қилиши лозим, ваҳоланки ҳуқуқ инсон тарафидадир.

Бундан ташқари, бир қатор демократик мамлакатларда давлатнинг олий ҳокимият органлари ўртасидаги ихтилофлар, шунингдек, бир ҳокимият доирасидаги давлат органлари ўртасидаги ихтилофлар, давлат ва бошқа оммавий бирлашмалар (федерация субъектлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув жамоалари ва бошқалар) ўртасидаги низолар ҳам бошқа шаклда ҳал этилмаслиги сабабли суд ҳокимияти томонидан ҳал этилади. Табиийки, суд хусусий субъектлар ўртасидаги низоларни ҳуқуқ негизида ҳал этади, бу субъектлар фуқаролар бўладими, гуруҳларми ёки давлат органларими – бунинг аҳамияти йўқ, чунки уларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари тасдиқлаши жамиятда тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин.

Суд ҳокимиятининг фаолиятига сиёсий омилнинг таъсири ҳақидаги масала ҳам долзарбдир. Мантиқан бундай таъсир мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай давлатдаги қонунчилик ҳокимияти, ижро ҳокимияти ёки улар таркибининг кўпчилик қисми нафақат сиёсий кучларнинг – гуруҳлар, партияларнинг бевосита таъсири остида бўлади, балки ўзлари ҳам фаол сиёсий куч ҳисобланади, суд ҳокимияти эса сиёсийликдан тўла чиқарилиши керак, акс ҳолда у бетараф (холис) бўла олмайди, ишни ҳал этаётганда эса у ҳуқуққа эмас, сиёсий мақсадга амал қилади.

Албатта, амалда суд ҳокимиятини сиёсатдан ҳоли этишнинг тўла иложи йўқ. Судьялар оммавий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли ишларни ҳал этаётганларида (оммавий ҳуқуқни бежиз сиёсий ҳуқуқ дейишмайди), ўзлари қабул қилаётган қарорнинг қандай сиёсий оқибатларга олиб келишини олдиндан билмасликлари ва қарор қабул қилаётиб бу оқибатларни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Америкалик тадқиқодчи Ж. Уайт шундан келиб чиққан ҳолда: “ҳаётда судьяларнинг мақсади умуман сиёсий масалаларни ҳал этишда бетараф бўлиш эмас, балки улар бундай масалаларни ҳал этишда ўзларининг сиёсий хайрихоҳлиги ва партиявий эътиқодларини ошкора ифода этмаслигидадир” деб ёзади.

Ж. Уайт ўз фикрини аниқроқ ифодалаши лозим эди, чунки сиёсий мазмундаги ишларни ҳал этишда судья фақат ҳуқуқни қўллламоғи лозим. Суд ўз қарорида сиёсий хайрихоҳлиги ва партиявий эътиқодини умуман ифода этмаслиги лозим, акс ҳолда суднинг

холислиги йўқолади.

Суднинг нуқтаи назари чегараси ўта ҳуқуқий бўлиши лозим. Акс ҳолда суд мустақиллигидан маҳрум бўлади ва бошқа ҳокимият органларининг оддийгина тобесига айланиб қолади. Бундай ҳолатни авторитар ва айниқса тоталитар режимларда кўп учратиш мумкин. Шундай тузумли мамлакатларда суд кўпинча сиёсий қасос олиш қуроли сифатида амал қилади.

Умуман, суд ҳокимияти – бу муайян воситадир ва у билан ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади. Бу восита ягона эмас, лекин у низоли ҳолатларда энг кўп қўлланувчидир. Агар томонлардан бири ёки уларнинг барчаси низода ҳуқуқни ижтимоий қадрият сифатида тан олмаса ёхуд ундаги меъёрларни ўзи учун эмас, фақат бошқалар учун деб билса, бу суд ҳокимияти фаолияти самарасиз олиб борилганидан далолат беради.

Суднинг ижтимоий вазифасида судга мурожаат қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу суд фаолиятини қисман таъминлаш учун олинадиган тўлов ва бож тўловларида акс этади. Бож тўловлари - бу қўзғатилган моддий қийматли ишнинг бир қисмини ташкил қилувчи маблағдир.

Маълумки, суд ҳокимиятини таъминлаш давлатга жуда қимматга тушади. Суд ҳокимияти мансабдор шахсларининг маоши кўпинча бутун давлат аппаратида энг юқори туради, бундан ташқари қўриқлаш, имтиёзли нафақалар – буларнинг барчаси суд мустақиллиги кафолатлари жумласига киради. Масалан, 80 йилларнинг бошларида кўпчилик Америка ҳақамлик судларида - бир ойда камида минг доллар сарф қилинган. Суд мажлисининг 1 соати-250 доллар, айбни эътироф этишни расмийлаштириш мажлиси (20 дақиқалик) -75 доллар, вояга етмаганлар содир этган хатти-ҳаракат муҳокамаси– камида 50 доллар бўлган.

Юқорида айтиб ўтилган суд харажатларини қисман қоплашда аризачи мазкур сарф-харажатларнинг тўланишини таъминлаши ёки кафолатлаши лозим деган хулосага бориш керак эмас. Акс ҳолда одил судловдан фойдаланиш конституциявий ҳуқуқи тамойили ҳавода қолиб кетарди ва суд фақат жуда бой кишилар кира оладиган орган бўларди. Ундай шароитда ҳеч қандай демократия ҳақида сўз юритиш мумкин бўлмасди. Иккинчи томондан, ҳар қандай моддий жавобгарликдан ҳоли бўлиб одил судловга мурожаат қилиш судлар ишларининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, одатда судга мурожаат қилиш давлат ёки маҳаллий бож

тўланишини талаб қилади, бундай бож унчалик катта бўлмаслиги керак ва ютқазган томонга тўланадиган судлов харажатларига киритилади. Божлар суд ҳокимиятларининг ўзини ўзи қоплашини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўя олмаса-да, уни моддий жиҳатдан таъминловчи солиқ тўловчиларга енгиллик беради.

Суд ҳокимиятининг конституциявий тартибга солиниши ҳажми турлича бўлади. Мисол тариқасида, конституцияларда ҳокимиятнинг ушбу соҳасига ажратиладиган жой миқдорининг ортиб боришини таъкидлаш мумкин. Бироқ унинг ижтимоий вазифасига таъриф келтирилганлигига демократик конституцияларда камдан-кам дуч келинади, аммо давлат тузумига, ҳуқуқий тартибга нисбатан кулгили туюладиган, судларнинг тарбиявий аҳамияти ва вазифаларига асосий эътиборни қаратувчи социалистик конституциялар жуда кўп учрайди.

Масалан, 1976 йилда қабул қилинган Куба Республикаси Конституциясининг 123-моддаси судлар фаолиятининг асосий мақсадларини қуйидагича белгилаб қўйган:

а) Социалистик қонунчиликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш;

б) Куба конституцияси белгилаб қўйган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумни ҳимоя қилиш;

в) Ушбу конституцияда тан олинган социалистик мулк ва бошқа турдаги мулкларни муҳофаза қилиш;

г) Давлат муассасалари, хўжалик ва оммавий жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

д) Фуқароларнинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиммати, мулки, оилавий муносабатлари ва бошқа ҳуқуқ, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

е) Қонунбузарликлар, жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни олдини олиш, бундай хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни жазолаш ва қайта тарбиялаш, қонуний ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақида ариза тушганда ҳуқуқий меъёрларнинг кучини қайтадан тиклаш;

ж) Қонунга қатъий риоя қилиш мақсадида жамият ҳуқуқий онгини юксалтириш, судда чиқариладиган қарорларни шундай таърифлаш керакки, бу қарорлар орқали фуқаролар ўз олдида турган мажбуриятларини онгли ва ихтиёрий равишда бажарсинлар – Ватанга садоқат, социализмга содиқлик ва социалистик жамият қоидаларига тўла амал қилиш”га хизмат қилсин

2-§. Суд ҳокимиятининг тузилиши: умумий ва махсус юрисдикция судлари. Фавқулодда судлар тузилишининг тақиқланиши

Ҳуқуқий низоларни ҳал этиш бўйича судлар фаолиятининг доираси, яъни ишларни кўриш ва ҳал қилиш соҳаси ҳамда предмети (ҳудуди) юрисдикция дейилади (лотинча *jurisdictio* – суд муҳокамаси; суд округини англатади). Шундай қилиб, юрисдикциявий фаолият, таъкидлаб ўтилганидек, қайсидир маънода вакиллик ва маъмурий органларга ҳам хос, лекин маъмурий органларнинг ҳам фаолияти демократик давлатларда суд назорати остида туради, шунинг учун судлар юрисдикцияси уларга нисбатан кенгроқ.

Демак, судларнинг юрисдикцион фаолияти одил судловни амалга оширишда, яъни кўриб чиқилаётган низолар (ихтилофлар) бўйича судьялар томонидан холислик билан одилона ҳуқуқий қарорлар қабул қилинишида намоён бўлади. Бунга суд жараёнида инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва кўрилаётган ҳар бир иш бўйича ҳаққоний ҳолатларни белгилашни соддалаштиришга қаратилган махсус процессуал шаклларни қўллаш орқалигина эришилади.

Суд юрисдикцияси, яъни суд органларининг маълум соҳа фаолияти ва у ўз ичига умумий юрисдикция ва махсус юрисдикцияни олади. *Умумий юрисдикция* тушунчаси остида суд органлариниг жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолияти тушунилади. Махсус юрисдикция ҳақида гапирилганда, бу соҳада судларнинг фаолиятини турлича тушуниш мумкин. Одатда, махсус юрисдикцияга маъмурий можароларни, баҳсларни ёки ишларни кўриб чиқиш ва конституциявий юрисдикция киради. Умумий юрисдикция судлари тизими билан ихтисослашган судларнинг ҳам фарқи бор. Одатда уларни ички ва ташқи ихтисослашган суд тизимлари деб атайдилар. Умумий юрисдикция судлари (ёки ички ихтисослашган), яъни бир турли судлар (одатда умумий ваколатли) ҳуқуқнинг барча соҳаларидаги келиб чиқувчи баҳсларни кўриб чиқади. Масалан, бундай судларни халқ судлари деб атайлик, лекин бу судлар ўз ичида ҳам ихтисослашади ва фуқаролик ишлари бўйича коллегия, жиноят ишлари бўйича коллегия, оила ишлари бўйича коллегия ва бошқаларга бўлинади. Бундай универсал юрисдикция судлари ҳар қандай ишларни кўриб чиқишлари мумкин, шу жумладан, ҳуқуқ нормасининг конституциявийлигини ҳам. АҚШда ҳар бир суд ҳар қандай ҳуқуқ нормасини конституцияга мослигини кўриб чиқиши мумкин, ҳатто қонунни ҳам. Суд тизими ихтисослашган судларни (ташқи

ихтисослашган) ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бундай ҳолатда ўз иерархиясига эга мустақил судлар тизими шакллантирилади. Умумий судлар тизими алоҳида, маъмурий судлар алоҳида, ҳарбий судлар алоҳида тузилади. Бундай ихтисослашган судлар ҳам босқичма-босқич юқори звенога қараб кетади. Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонунида юқоридаги вариант асосида суд тизими ташкил этилган. Бундан ташқари бундай тизимлар Буюк Британия, Франция ва МДҲнинг бир қанча давлатларида (Арманистон, Молдава) мавжуд. Умумий судлар бу умумий ваколатли судлар бўлиб, ҳам жиноий, ҳам фуқаролик ишларини кўриб чиқадилар. Уларда судья сифатида профессионал ҳуқуқшунослар хизмат қилади. Лекин кўп мамлакатларга яна бир хусусият хоски, уларда одил судловга профессионал бўлмаган судьялар жалб қилинади. Улар оддий фуқаролар бўлиб, махсус коллегияни , яъни жюри судьяларини ташкил этади. Бу коллегия кўриб чиқилаётган жиноят ишида айбланувчи айбдор ёки айбсиз эканлиги тўғрисида қарор чиқаради. Профессионал ҳуқуқшунос судья эса жазонинг оғирроғи ёки енгилроғини тайинлашни ҳал қилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқшунос судья жиноят факти масаласини ҳал қилмайди, балки содир этилган жиноятниг ҳуқуқий масаласини ҳал қилади. Жюри судьялар фуқаролик ишлари бўйича ҳам одил судловни амалга оширадилар. Бундай ҳолатда улар баҳс келиб чиққан ҳодиса содир бўлган ёки бўлмаганлигини ҳал қиладилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, оддий фуқаролар одил судловни амалга ошириш учун нафақат жюри судьялар сифатида, балки танланадиган нопрофессионал судьялар сифатида ҳам юборидадилар. Уларни биз халқ маслаҳатчилари, суд маслаҳатчилари, ассизлар, шеффинлар, халқ судьялари ва бошқа номлар билан атаймиз. Суд жараёнига нопрофессионал судьяларни жалб қилиш бўлиб ўтган воқеани оддий инсон сифатида баҳолашга имкон беради. Шунингдек, судьяларга жазо тайинлашда ёрдамлашишда, жабрланувчи, айбланувчи, гувоҳларни сўроқ қилишда қўл келади ва бунинг натижасида суд жараёни реал ҳаётга яқинлашди. Фуқароларни судловга жалб қилишнинг бундай шакллари Венгрия, Болгария, Италия, Чехия каби давлатларда қўлланади. "Шеффен" тушунчаси Германияда нопрофессионал судья маъносини берса, французчада бу сўзнинг маънодоши "ассиздир". Бундай нопрофессионал судьялар ёки маслаҳатчилар суд жараёнида ҳуқуқшунос судьялар билан тенг ҳуқуқларга эгалар ва керак бўлган пайтда айбланувчининг айбдор ёки айбсизлиги масаласи юзасидан судьялар билан тенгма-тенг тарзда овоз берадилар.

Агар умумий судларга тўхталадиган бўлсак, улар икки гуруҳга бўлинади: Бу судлар одилсудловнинг англо-саксон ва континентал моделларига асосланади. Англосаксон модели бир қанча ўзига хос белгиларга эга. Бундай белгиларга биринчидан "умумий ҳуқуқ"нинг қўлланишини киритишимиз мумкин, яъни суд прецедентларидан фойдаланиш ва уларни ҳуқуқ манбаи деб тан олинишидир. Иккинчидан, суд томонидан нафақат моддий ҳуқуқ нормаларини, балки процессуал нормаларнинг ҳам ишлаб чиқилишидир.

Учинчидан, ишни кўриб чиқишнинг аппеляцион шакли ва суд жараёнининг тортишувчанлиги, яъни давлатнинг айбловчи сифатида иштирок этмасдан айблов ва ҳимоянинг, даъвогар ва жавобгарнинг ўзаро курашишидир. Бундай жараёнда судья холис субъект сифатида иштирок этиб, томонларни эшитади ва қарор чиқаради. Ҳатто, жиноий иш кўрилаётганда ҳам судья давлат хизматчиси бўлса-да, давлат айбловини қўллаб-қувватлаётган прокурорга ёрдам бермайди ҳамда давлат фойдасига қўшимча далиллар келтиришга ҳаракат қилмайди. Агар прокурор келтирган далиллар айбланувчини айбдор деб топишга етарли бўлмаса, ишни қайта тергов қилиш учун юбормайди ва айбланувчини айбсиз деб эълон қилади. Англо-саксон тизимида жюри судьяларни судлов ишларига жалб қилиниши ва судьяларни танлаш амалиёти бум одел учун характерли жиҳат ҳисобланади, айниқса, пастки даражаларда.

Одил судловнинг континентал модели ривожланган қонунийлик базасига, яъни судларнинг тизими ва таркибини, фаолиятларининг процессуал шаклини белгилайдиган базага таянади. Бу модел суд прецедентини тан олмайди. У шикоят қилишнинг аппеляцион шаклидан ташқари, кассацион, назорат ва ревизион шаклини ҳам назарда тутади. Бу тизимга судьянинг суд жараёнида фаол қатнашиши хосдир ҳамда кўплаб ҳолатларда судьялар тайинланади. Охирги йилларда иккала модел ҳам сезиларли даражада бир-бирига яқинлашмоқда. Англосаксон тизимида суднинг фаолият тартибини белгиловчи қонун қабул қилинмоқда моддий ҳуқуқ базаси кенгайтирилмоқда. Континентал тизим эса қонунчилик камчиликларини суд қарорлари ёрдамида тўлдириб бормоқдалар.

Мусулмон модели яккахонлик характерига эга: мусулмон судида мусулмонларнинг ёки шундай судга рози бўлган кишиларнинг ишлари кўриб чиқилади. Халқ маслаҳатчилари, жюри судьялар умуман мавжуд бўлмайди ва суд жараёни шариат қонунлари асосида ҳам фуқаролик, ҳам жиноий ишлар бўйича махсус жавобгарлик асосида

олиб борилади. Баъзи мусулмон мамлакатларда шикоят қилиш тизими мавжуд эмас, фақат юқори турувчи ва ўз ўрнида монарх ҳисобланувчи имомга мурожаат қилиш мумкин. Бироқ баъзи мамлакатларда, хусусан Нигерияда мусулмон судларининг юқори турувчи инстанциялари мавжуд

Юқорида судьялар мақомининг баъзи элементлари ҳақида, шунингдек уларнинг тайинланиши ва алмаштирилиши ҳақида ҳам гапирилди. Судьялар мақомининг ўта муҳим элементи бу судьяларнинг алмаштирилмаслигидир. Бу дегани судья қонун томонидан ўрнатилган муддатга ёки ёшгача ўз лавозимидан озод қилинмайди ёки алмаштирилмайди, истисно ҳолатлардагина алмаштирилиши мумкин: агар судья жиноят содир этса ёки судьялар фаолиятига мос бўлмаган ишлар билан шуғулланса, лекин судья ўз хоҳиши билан ишдан кетиши мумкин. Судьянинг лавозимидан олиш фақат суд ўзини ўзи бошқариш органи орқали амалга оширилади. Шунингдек, худди шу орган жиноят содир этган судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатади. Қолаверса, алмаштирилмаслик принципга кўра ҳокимиятда бошқарувчи партиянинг алмашуви судьяларнинг ҳолатига таъсир қилмайди. Тоталитар-социалистик давлатларда судьялар депутатлар сингари сайловчилар томонидан қайтариб олиниши мумкин Судьялар мустақил ва фақат қонунга бўйсунадилар. Улар партиясизлик ва сиёсийлашмаслик принципларига кўра фаолият олиб боради. Қоида бўйича, судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўла олмайди, ҳамда сиёсий намойишлар ва иш ташлашларда иштирок этмайдилар Шу билан бирга судьялар бошқа ҳақ тўланадиган ишлар билан шуғулланишлари мумкин эмас. Суд муассасаларида қариндошлик алоқалари истисно этилади Ҳар бир давлатда ўзига хос суд тизими мавжуд.

Унитар давлатларда, одатда ягона суд тизими мавжуд бўлади. Федератив давлатларда ҳам ягона тизим мавжуд бўлиши мумкин, бироқ федерал субъектлар судлари учун алоҳида тизим мавжуд бўлади, масалан АҚШ да штатларнинг Олий судлари билан бирга АҚШ Олий суди охирги инстанция суди ҳисобланади. Агар икки тизим бир пайтда мавжуд бўладиган бўлса, федерал судлар фақат федерал қонунларни қўллайдилар, штат судлари эса штатлар қонунларини ҳам, федерал субъектлари қонунларини ҳам қўллайдилар. Унитар мамлакатларда ҳам ягона ёки марказлаштирилмаган судлар мавжуд бўлиши мумкин. Марказлаштирилмаган судлар бир неча хил ва босқичли судлардан иборат бўлади, ҳамда олий суд томонидан бошқарилади. Барча мамлакатларда бир неча инстанцияли судлар

амал қилади. Олдин биринчи инстанция судлари (мировой судлар, полиция судлари, район судлари, суд округлари судлари ва б.) кўриб чиқади. Кўплаб мамлакатларда иккинчи инстанция судлари ўзгача аппеляция ёки юқори судлардир. У ерга биринчи инстанция судининг қароридан норози бўлган тараф шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Охирги инстанция суди бу кассация судларидир. Бу ё юқори турувчи суд ёки расман кассация суди деб ном олган олий судлар бўлиши мумкин. Бундай судлар таркиби фақат профессионал судьялардан иборат бўлади ва ҳеч қандай жюрийлар ёки халқ маслаҳатчилари киритилмайди. Шунингдек, бу судлар далиллар, фактларни кўриб чиқмайди, балки суд жараёни қонунларга қай даражада амал қилиниши текширилади.

Юқорида кўриб ўтилган схема кўп мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эга. Олий судлар фақат конституция ёки қонунларда назарда тутилган алоҳида ишларни кўриб чиқади. Биринчи инстанция судлари эса юқори судлар ёки халқ маслаҳатчилари иштирокида жиноят ишларини кўриб чиқишлари мумкин. Биринчи инстанция судлари кўплаб жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқади, лекин ҳаммасини эмас: баъзи ишлар фақат юқори турувчи судлар томонидан кўриб чиқилиши қонунларда назарда тутилиши мумкин. Мировой судлар кам аҳамиятли жиноят ишларини ва даъво суммаси унча юқори бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб чиқади.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда судлар ягона тизимни ташкил этади, унга кўра турли соҳа судлари ягона Олий судга бирлашади. Айни пайтда кўпчилик мамлакатлар, айниқса Европа қитъасида судьяларнинг кўп тизимли тенденцияси кузатилади. Бу мамлакатларда Олий суд бошчилигидаги умумий ва махсус судларнинг бир-биридан алоҳида мустақил бўлган суд тизимлари ташкил этилмоқда. Бунга ёрқин мисол қилиб, 1949 йилда қабул қилинган Германия Асосий Қонунини кўрсатиш мумкин, унда Федерал конституциявий суд билан бир қаторда яна алоҳида бешта суд таъсис этилиши кўзда тутилган, булар: Федерал судлар палатаси, Федерал маъмурий суд, Федерал молия суди палатаси, Федерал меҳнат суди, Федерал ижтимоий суд. Улар суд амалиётида бир хилликни таъминлаш мақсадида ҳамкорликдаги (қўшма) сенатни ташкил этадилар (95-модда, 1- ва 3-қисм).

Романа-герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда ва баъзи шу ҳуқуқ тизимида бўлмаган бошқа мамлакатларда умумий юрисдикция судлар, яъни фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи судлар

тизими билан бир қаторда, давлат кенгаши деб аталувчи (Франция, Италия) ҳамда Олий маъмурий суд деб аталувчи орган томонидан бошқарилувчи маъмурий адлия тизими ҳам барпо этилади (Швеция). Баъзи бир постсоциалистик мамлакатларда ҳам (Болгария, Чехия) худди шу тарзда иккитадан суд тизими таъсис этилган. Польшада Олий маъмурий суд, ҳозирча, Олий суд томонидан назорат қилинади.

Европа қитъасидаги мамлакатларда ва постсоциалистик мамлакатларда конституцион судлар муҳим ўрин эгаллайди (Францияда– Конституциявий Кенгаш), улар ҳақида баъзи конституцияларда суд ҳокимиятига эмас, балки конституциявий кафолатларга бағишланган бобларда тўхталиб ўтилади (Италия, Франция). Австрия Конституциясининг мазкур бобида маъмурий суд ҳақидаги меъёрлар мавжуд. Конституциявий судлар федерация субъектлари томонидан ташкил этиладиган федерал давлатларда ягона тизимни ташкил этмайди. Бундан ташқари, англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги ва баъзи бошқа мамлакатларда (АҚШ, Ҳиндистон, Япония) конституциявий назорат функцияси умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, баъзи мамлакатларда юқори лавозимли шахсларнинг конституциявий жавобгарликлари ҳақидаги ишларни кўриб чиқувчи судлар ҳам мавжуд (Францияда Олий одил судлов ва Республика одил судлов суди, Польшада Давлат трибунали).

Романа-Герман ҳуқуқ тизимидаги ва бошқа баъзи мамлакатларда ҳисоб палаталари ва шунга ўхшаш бошқа органлар ҳам суд ҳокимиятига тегишли ҳисобланади. (Масалан, Италия Республикасининг 1947 йилда қабул қилинган конституциясининг 103-моддаси).

Баъзи бир мусулмон мамлакатларида давлат судлари билан бир қаторда шариат судлари ҳам фаолият кўрсатади. Улар мусулмон ҳуқуқи ва шариат қоидалари асосида иш кўрадилар.

Демократик конституциялар одатда қонунда белгиланган процедурадан ташқари фаолият кўрсата оладиган фавқулодда судлар тузишни тақиқлайди. Масалан, Германия Асосий қонунининг 101-моддаси, 1-қисмида шундай дейилган: “Фавқулодда судларга рухсат этилмайди. Ҳеч ким ўзининг қонуний судьяси судловидан маҳрум қилиниши мумкин эмас”.

Кўп давлатларнинг конституцияларига кўра *фавқулодда* судларнинг ташкил этилиши умуман назарда тутилмаган ва тақиқланади. Зеро, судлар доимо амал қилувчи қонунлар асосида фаолият олиб боради. Агар биз фавқулодда судларнинг фавқулодда ҳолатларда

амал қилади деб тасаввур қилсак, биламизки, фавқулодда ҳолатларда амалда бўлиб келган қонунларнинг амал қилиши тўхтатилади ва қонун ўрнида ҳукумат ёки давлат раҳбари ҳужжатлари амал қилади. Судлар эса ҳокимиятлар бўлиниши принципига кўра бошқа икки: қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан мустақил органдир. Демак фавқулодда ҳолатларда ҳам судлар фақат қонунларга бўйсуниши керак ва фавқулодда суд ташкил этишнинг фойдаси йўқ.

Шунинг, кўп олимларнинг фикрича фавқулодда судларнинг ташкил этилишига рухсат бериш ўша тарихда мавжуд бўлган инквизиция судларининг (диний судлар) яна янгитдан пайдо бўлишига йўл очиш билан баробардир. Қолаверса, фавқулодда судлар фавқулодда ҳолатларда берилган юқори ваколатлардан файдаланиб давлатда турли тозалашлар ёки само-судлар (ноқонуний судлаш) ўтказилмайди деб ҳам ҳеч ким кафолат бермайди.

3-§. Прокурор, терговчи ва судьяларнинг ҳуқуқий мақоми

Конституциявий ҳуқуқ ҳужжатларида суд ҳокимияти билан ҳамкорлик қилувчи турли ўринлар ва мансабдор шахслар ҳақида ҳам гапирилиб ўтган. Бу прокурорлар, терговчилар, нотариуслар, суд полицияси, суд ижрочилари ва бошқалар. Уларнинг ваколатлари бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида ўрганилади.

Прокуратура бошқа масалалар билан бирга жиноятчиликка қарши курашиш билан ҳам шуғулланади. Улар давлат вакили сифатида суд жараёнида давлат айбловини қўллаб-қувватлайдилар Хусусий масалалар бўйича ишларда эса прокурор иштирок этмайди. Шунингдек, жазо ўташ жойларида умумий назорат олиб борадилар, тоталитар-социалистик давлатларда эса қонунийлик устидан умумий назорат олиб борадилар. Фуқаролик ишларини кўриб чиқишда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этадилар. Баъзида прокуратура адлия вазирлиги қошида ташкил этилади (масалан, АҚШ да бош прокурор вазифасини адлия вазири бажаради), лекин баъзида алоҳида тизим қилиб ажратиб олинади ҳамда парламент ё президентга ёхуд иккала органга ҳам ҳисобот бериб турадилар (Испания, Италия, Украина ва б.) Бошқа гуруҳ давлатларда эса прокуратура судлар қошида хизмат кўрсатади ва алоҳида тизим сифатида ташкил этилмайди (Франция).

Терговчилар прокурор билан бир тизимга кириб, уларга бўйсунган ҳолда фаолият олиб боришлари мумкин. Терговчилар уюшма-

лари судлар қошида ҳам ташкил этилишлари мумкин. Унда улар тергов судлари деб аталади. Ёки умуман алоҳида тизимни ташкил этиши ҳам жаҳон амалиётида кузатиб турилади. Агар терговчилар алоҳида бир тизимга киритилсалар одатда тергов қўмиталари томонидан бошқарилади. Бир қатор мамлакатларда терговчилар умуман бошқа тизимга бўйсунган ҳолда ташкил этилади, масалан ИИВ қошида.

Суд ҳокимияти структураси (тузилмаси) судлардан ташқари суд ҳокимиятига хизмат кўрсатувчи баъзи бир бошқа давлат органлари ва муассасаларини ҳам қамраб олади. Улар орасида, энг аввало, тергов-қидирув ва прокуратура органларини таъкидлашимиз лозим. Баъзи бир мамлакатларда улар суд тизимига киритилган, бошқа мамлакатларда эса судлар билан функционал алоқа ўрнатган ҳолда, судлардан алоҳида фаолият кўрсатиши белгиланган. Асосий вазифаси барча хоҳловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган адвокатура каби муассаса ҳам суд ҳокимиятига хизмат қилади. Ниҳоят, бир қатор мамлакатларда суд ҳокимиятига бўйсунувчи махсус суд полицияси мавжуд (қаранг: Италия Конституцияси, 109-модда).

Суд полицияси судлар қошида ташкил этилади. Уларга бир қанча вазифалар юклатилган. Уларнинг асосий вазифалари суд залида тартибнинг сақланишини таъминлаш, айбланувчиларни ҳимоя қилиш ва судьянинг топшириқларини бажаришдир.

Суд ижрочилари суд қарорларини бажарадилар. Суд ижрочилари асосан фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларини бажарадилар, масалан мол-мулкни рўйхатга олиш ва б.

Нотариуслар тузилаётган битимларни, юридик фактларни, ҳодисаларни тасдиқлайдилар ва гувоҳ бўладилар, баъзи судгача бажариладиган функцияларни амалга оширадилар.

Романо-герман ҳуқуқ тизимидаги ва баъзи бошқа мамлакатларда судьялар, прокурорлар ва терговчилар одатда магистратура тушунчаси билан умумлаштирилади. Бошқа мамлакатларда бундай умумлаштирилган атама мавжуд эмас, ҳолбуки, немис тилида сўзлашувчи мамлакатларда терговчилар терговчи судьялар деб номланади (Untersuchungsrichter).

Судлар корпуси, одатда, тайинланиш йўли билан ташкил этилади, аммо сайлаш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, АҚШнинг кўпчилик штатларида баъзи бир партия вакиллари каби судьялар ҳам сайлаб қўйилади. “Судьяларни бундай сайлаш шакли - деб ёзади америкалик тадқиқотчи Лоуренс Фридмэн, - ўта ғаройиб ҳолат

сифатида европаликларни ҳайрон қолдиради, яъни судьяларни сайлаш худди шифокор, полиция ходими ёки кимёгарларни сайлаш билан баробардир". Сайлов тамойилининг тарихи Қўшма Штатларнинг тарихига бориб тақалади. Дастлаб сайлов судьяларни жамоатчилик олдидаги масъулиятини оширади деб ҳисобланган. Аммо сайлов тизими амалда кутилганидек натижа бермаган, бунинг асосий сабаби шундаки, фақат баъзи сайловларгина ҳақиқий муқобиллик асосида ўтказилган. Вақт ўтиши билан сайловлар ўз “қайноқ"лигини йўқотиб, “рангсиз”ланиб борган. Умуман, АҚШда федерал судьялар таъкидланганидек, Президент томонидан Сенатнинг маслаҳати ва розилиги билан тайинланган (АҚШ Конституциясининг II модда, 2-боби, 2-қисми).

1946 йилги Япония Конституциясининг 79-моддаси 2- ва 3-қисмларига мувофиқ Олий суд судьяларининг тайинланиши, кейинги биринчи Вакиллар палатасига умумий сайловлар пайтида халқ томонидан қайта кўриб чиқилади ва бу ҳолат ҳар ўн йилда вакиллар палатасига сайловлар чоғида қайта кўриб чиқилаверади. Агар сайловчиларнинг кўпчилиги судьянинг ўзгартирилишини ёқлаган бўлса, унда судья ишдан четлатилади.

Баъзи мамлакатларда (кўпроқ романо-герман ҳуқуқ тизимидаги давлатларда) судьяларни тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш ва лавозимларидан бўшатиш судлар ҳамжамияти олий органлари (магистратура олий кенгаши ва ҳоказо) ваколати доирасига киради, улар баъзан ўз қарорларини адлия вазири билан келишиб олишлари лозим, лекин умумий ҳолатда бундай органлар президент томонидан бошқарилади.

Суд ҳокимияти вакиллари мустақиллигини кафолатловчи муҳим тамойил бўлиб, судьяларнинг ўзгартирилмаслиги ҳисобланади. Улар ўз розилигисиз лавозимларидан бўшатилмайдилар ёки бошқа ишга ўтказилмайдилар, бунинг учун олий ҳокимият органининг қарори керак бўлади, бундан ташқари уларга алоҳида ҳимоя кафолатланади. Судьялар “ўзларини қанча яхши тутсалар”, шунчалик кўп ўз лавозимларида қолиши мумкин, яъни ўзлари истеъфо бермагунларича, бирор жиноят содир қилмагунларича ёки ўз қобилиятсизликларини рўй-рост намоён қилмагунларича ишдан бўшатилмайдилар. Л. Фридман таъкидлаганидек, "жисмоний заиф, ҳатто ичкиликка берилган судья ҳам ўз лавозимида қолиш ҳуқуқига эгадир”, қолаверса бу тарзда таъминланадиган мустақиллик, холислик, уларнинг сиёсат таъсиридан холи бўлиши, тасодифий муваффақиятсизлик ва англашилмовчиликдан қимматроқдир. Умуман, судьяликка номзодлар жиддий

яширин текширувдан ўтишади, ҳатто уларининг характер (феъл-атвор)лари ўрганилади (АҚШ суд ахлоқи (этикаси) қонунида белгиланишича, “Одил судлов ушбу вазифа билан феъл-атвори мос бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилмаслиги лозим".)

Европа минтақасидаги мамлакатларда, одатда судьяларнинг энг юқори ёш чегараси белгиланган, бу ёшга етганда судья ёки бошқа суд ҳокимиятида ишловчи амалдор бир қатор имтиёзларни сақланган ҳолда автоматик тарзда истеъфога чиқиб кетади.

Қонунчилик, одатда, судьялик вазифасини бажариш давлат бошқаруви билан бирга олиб борилмаслигини белгилаб қўйган, шунингдек судья (магистрат)ларга сиёсий, баъзан эса касаба уюшмаларида иштирок этишни ҳам тақиқлайди. Масалан, 1978 йилдаги Испания Конституциясининг 127-моддаси, 1-қисмига мувофиқ судьялар ва магистратлар, шунингдек прокурорлар, хизмат вазифасида турар экан, бошқа оммавий лавозимда ишлай олмайдилар ва сиёсий партиялар ёки касаба уюшмалари фаолиятида қатнаша олмайдилар. Уларнинг касаба бирлашмаларига уюшишлари тизими ва йўллари қонун билан белгилаб қўйилади (1985 йилдаги суд ҳокимияти ҳақидаги 6-рақамли органик қонун).

АҚШ Конституциясининг III моддаси, 1-боби иккинчи моддасида судьяларнинг белгиланган даврларда ўз хизматлари учун ҳақ (мукофот) олишлари лозимлиги кўзда тутилган, бу ҳақ миқдори улар лавозимда турганда камайтирилиши мумкин эмас. Худди шундай меъёр Япония Конституциясининг 79-моддаси 6-қисмида ҳам мавжуд. Социалистик мамлакатлар учун судьяларнинг ўз ваколати муддатига ваколатли органлар томонидан сайланиши хосдир, бунда судьялар ваколатли органларга ҳисобот бериб туради ва ҳатто улар олдида масъулиятга ҳам эга бўлади. Бундай тизим судьяларни коммунистик партия қўмиталарига, айниқса, судья кейинги муддатга сайланиш учун кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслигини ҳал қилувчи партиянинг 1-котибларига тобе қилиб қўяди. Судьяларни чақириб олиш ҳам уларга боғлиқ. Социалистик мамлакатларда судьялар амалда коммунистик партия сафида бўлади ва тегишли партия қўмитаси “номенклатура”сида ҳисобда туради, яъни уларнинг бошқарув аппарати томонидан танлаб олинади ва раҳбариятнинг қарорига мувофиқ лавозимидан четлаштирилади.

Баъзи постсоциалистик мамлакатларда ушбу ёндашув тўла бартараф этилмаган. Шу нуқтаи назардан 1992 йилдаги Словакия Республикаси Конституциясининг моддалари диққатни тортади.

Ундаги 145-моддага мувофиқ судьялар Миллий Кенгаш томонидан ҳукумат таклифига кўра 4 йил муддатга сайланади. Ушбу муддат ўтгандан кейин яна Ҳукумат таклифига кўра Миллий Кенгаш судьяларни белгиланмаган муддатга сайлайди. Миллий Кенгаш Олий суд Раиси ва унинг ўринбосарини 5 йил муддатга сайлайди, лекин бу муддат 2 мартадан, яъни 10 йилдан ошмаслиги керак. 4 йил муддатга сайланадиган судья номуайян муддатга сайланиб олиш учун Ҳукуматнинг ишончини тўла қозонмоғи лозим.

Демократик мамлакатларда суд ҳокимиятини шакллантириш конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Италия Конституциянинг 104-моддасига мувофиқ, магистратура автономдир ва ҳар қандай бошқа ҳокимиятдан мустақилдир. 106- ва 107-моддаларга мувофиқ магистратлар конкурс бўйича тайинланади. Бундан ташқари, алоҳида ҳолда мажлис ўтказувчи судьяларнинг вазифаларини бажариш учун фахрий судьяларни тайинлаш ёки сайлашга рухсат этилади (яъни улар маошсиз фаолият кўрсатадилар). Магистратура Олий Кенгаш (кассация) маслаҳатчилари лавозимига университетлардан ҳуқуқ профессорлари ва 15 йил иш тажрибасига эга бўлган адвокатларни чақириш мумкин. Уларнинг номлари олий судда махсус рўйхатларга киритилган бўлади. Магистратлар ўзгартирилмайди. Улар фақат қонунда кўзда, тутилган ҳолатларда ва белгилаб қўйилган ҳимоя кафолатлари билан Олий Кенгаш магистратураси қарорига мувофиқ шахсий розиликларисиз ишдан бўшатилиши ёки бошқа ишга ўтказилишлари мумкин. Магистрат фақат бажарадиган функциялари бўйича турларга бўлинади. Уларга нисбатан интизомий чораларни фақат адлия вазири қўллаши мумкин.

Италия суд тузилиши ҳақидаги Низомга мувофиқ шахс қуйидаги шартлар билан судьялик вазифасини бажаришга киришишига рухсат этилади: а) Италия фуқаролиги; б) фуқаронинг ҳуқуқий билими; в) мукаммал фуқаролик ва ахлоқий хусусиятлар, жумладан, ўтмишда ҳеч қандай ноахлоқий хатти-ҳаракат қилмаганлик; г) жисмонан яроқлилик; д) қонунда белгиланган профессионал талабларга мувофиқлик. Магистратлар қасамёд қабул қиладилар. Одатда, магистрат ўзи ишлаётган суд органи жойлашган коммунада яшаши керак. У ҳарбий хизмат ва қонунда алоҳида кўрсатиб қўйилган ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаган оммавий мажбуриятлардан озод қилинади. Судьялар белгиланган ҳолатларда, полицияга фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Магистратларнинг сенатор ва депутат лавозимлари ҳамда омма-

вий хайрия муассасалари бошқарувчилари (ҳақ тўламайдиган) лавозимларидан ташқари бошқа давлат ёки хусусий лавозимларни эгаллашга ҳақлари йўқ. Улар саноат, савдо ёки бошқа эркин профессионал фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари адвокатларнинг профессионал коллегиялари ҳисобида турган ёки коллегияларнинг ишончли вакили ҳисобланган магистратлар суд органларида лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Бир суд органида, учинчи даражагача қариндош-уруғчилик муносабатида бўлган магистратлар бўлиши мумкин эмас ва ҳар қандай ҳолатда, улар бир суд коллегиясида судья бўла олмайдилар.

Судья ёки прокурор лавозимини эгаллашдан олдин шахс суд аудитори сифатида тажриба ошириши керак. Бунинг учун уч ёзма (фуқаролик ва рим ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ҳамда маъмурий ҳуқуқ бўйича) ва 8 та оғзаки (рим ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, жиноят ҳуқуқи, жиноят жараёни, маъмурий ва конституциявий ҳуқуқлар, меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий қонунчилик, черков ҳуқуқи, халқаро ҳуқуқ ва статистика асослари) имтиҳон натижалари бўйича конкурс ўтказилади. Ёзма имтиҳонларнинг ҳар бирига 20 балл ҳисобидан камида 12 балл олиш, оғзаки имтиҳонлардан 10 балл ҳисобидан камида 6 балл олиш, жами бўлиб камида 91 балл тўплаш керак. Балларнинг касрга бўлинишига рухсат этилмайди.

Конкурсга 21 ёшдан кам бўлмаган ва 30 ёшдан катта бўлмаган, университетнинг юридик факультети дипломига эга бўлган (кўриниб турибдики, юридик маълумот ҳақида – бошқа дипломлар ҳисобга олинмайди) шахслар қатнаша олади. Агар Олий магистратура кенгаши шахс юксак маънавият ва бенуқсон хулқ талабларига жавоб бермайди, деб ҳисобласа, бундай шахс конкурсга қўйилмайди. Бу хулоса хусусида тортишишга ҳожат қолмайди. Конкурс Римда, қонун бўйича бир йилда бир марта ўтказилади.

Магистратларнинг юқори лавозимларга кўтарилиши учун мезонлар ва тартиблар белгиланади. Ўз хоҳиши билан магистратура тизимидан бўшаб чиққан магистрат ўз жойига қайта тикланмайди. Ушбу ҳолат магистратуранинг корпоративлик характерини белгилайди.

4-§. Суд ҳокимиятининг олий органлари

Судлар олий органларининг вазифаси суд ҳокимияти манфаатларини кўзлаш ҳамда ҳимоя қилиш, кадрлар масаласини ҳал қилиш-

да, иштирок этишдан иборат. Бундай органлар Италияда, Францияда, Руминияда – бу орган магистратура Олий Кенгаши, Испанияда - суд ҳокимияти Бош Кенгаши, Колумбияда – судьялар корпуси Олий Кенгаши (judicatura), Польшада-Умумпольша судлар корпуси Кенгаши (Ktajowa Rada Sadownictwa), Болгарияда-Олий суд Кенгаши деб аталади. Санаб ўтилган мамлакатларда, бундай органлар конституцион органлар ҳисобланади. Баъзи конституциялар эса уларнинг мақомини анча батафсил тартибга солади (масалан, Болгария, Франция, Италияда).

Масалан, 1991 йилда қабул қилинган Болгария Республикаси Конституциясининг 130-моддасига мувофиқ Олий суд кенгаши (ОСК) 25 аъзодан иборат, шунингдек, Олий кассацион суд Раиси, Олий маъмурий суд Раиси ва Бош прокурор унинг ҳуқуқ бўйича аъзолари ҳисобланадилар. Кенгашнинг қолган аъзолари сифатида 15 йилдан ортиқ юридик малакага эга, юқори профессионал ва маънавий сифатлар соҳиби бўлган ҳуқуқшунос (юрист)лар сайлаб қўйилади. Уларнинг ярмиси Халқ мажлиси томонидан, қолган ярмиси – суд ҳокимияти органлари томонидан беш йил муддатга қайта сайланиш ҳуқуқисиз сайлаб қўйилади. ОСК мажлисларида Мудофаа Вазири раислик қилади, лекин у овоз беришда иштирок этмайди. ОСКнинг судьялар, прокурорлар ва терговчиларни тайинлаш, бошқа лавозимларга ўтказиш ва лавозимдан озод қилиш ҳақидаги қарорлари, шунингдек Президентга тайинлаш учун тақдим этиладиган Олий Кассацион суд Раиси, Олий маъмурий суд Раиси ва Бош прокурорнинг номзодларини таклиф этиш ҳақидаги қарорлари яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади (129-модда 1 ва 2-қисмлар, 131-модда), бир марта қайтарилган тақдимнома ўзгаришсиз такроран берилганда президент эътироз билдирмайди.

Испания Конституциясида Суд Ҳокимияти Бош Кенгаши (СҲБК) роли бироз бошқачароқ белгилаб қўйилган. СҲБК конституциянинг 122-моддаси 2- ва 3-қисмига мувофиқ – суд ҳокимиятининг бошқарув органи ҳисобланади. Унга СҲБКда раислик қилувчи Олий трибунал Раиси ва Қирол томонидан 5 йил муддатга тайинлаб қўйиладиган 20 та аъзо киради. Улардан 12 таси органик қонунларда белгиланган шартларга мувофиқ, тўрттаси барча суд тоифасидаги магистрат судьялар ичидан, 4 таси – депутатлар конгресси таклифига биноан, яна тўрттаси–Сенат таклифига кўра, тайинланади. Палаталар аъзолари ичидан уларнинг 3/5 қисми овози билан, 15 йил иш стажига эга бўлган адвокатлар ва бошқа юристлар ичидан сайлаб олинади.

СҲБК аъзоларига ўз шахсий ёки оилавий мулкларини бошқаришдан ўзга машғулотлар билан шуғулланишга рухсат этилмайди. Улар Олий трибунал магистратларга хос иммунитетларга эга бўладилар.

СҲБК Раис, Раис ўринбосари, Пленум, Доимий комиссия, Интизомий комиссия ва Малака комиссиясини ўз ичига олади. Олий трибунал ва СҲБК Раиси профессионал судьялар ёки юридик касб соҳасида 15 йилдан ортиқ ишлаган, қобилияти тан олинган юристлар ичидан ташкилий мажлисда қабул қилинган СҲБК таклифига биноан тайинланади. Ушбу тайинлов Қирол декрети билан расмийлаштирилади. Такрорий тайинлов фақат бир маротаба амалга оширилиши мумкин. Раис ўринбосари номзоди ҳам худди шу тартибда тайинланади.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари СҲБКнинг вазифалари ва ваколатларига қуйидагилар ҳам киради: лавозимларнинг тўлдирилиши, такомиллаштирилиши, тақсимланиши, судьялар ва магистратларни лавозимларга кўтариш, уларнинг маъмурий ҳолати ҳамда интизомий режими; магистрат ва раис лавозимларига номзодларни қирол декрети билан адлия вазири контрасигнатураси билан тайинлаш учун тақдим этиш; СҲБКга тобе бўлган кабинетлар ёки хизматлар бош секретари ва аъзоларини тайинлаш; суд тадқиқотлари марказига нисбатан қонунда кўзда тутилган ваколатларни амалга ошириш; ўз бюджети лойиҳасини олдиндан ишлаб чиқиш; ўз таркибининг 3/5 қисми овози билан ўз ходимлари ҳақидаги низомни қабул қилиш; Олий трибунал суд амалиёти тўпламини расмий нашр этиш ва ҳоказо.

5-§. Суднинг фақат қонунга бўйсуниши, суд мустақиллигининг кафолатлари

Судьяларнинг фақат қонунга бўйсунишлари ҳақидаги конституциявий принцип (тамойил) жуда кенг тарқалган (Италия Конституциясининг 101-моддаси, 2-жумла; Германия Асосий Қонунининг 97-моддаси, 1-қисми ва бошқалар). Бу демакки, судья ишларни ҳал этаётганида, ҳеч кимдан ҳатто, юқори судлардан ҳам кўрсатма олмаслиги керак, балки қонунга нисбатан пастроқ турувчи меъёрий ҳужжатлар суд учун, улар қонунга қанчалик яқин турса, шунчалик аҳамиятга эга бўлиши керак. Аммо бундай конституциявий тамойилни оддийгина тушунмаслик керак.

“Ҳозирги мураккаб ижтимоий воқеликда, деб ёзади Ю.П. Урьянс ва В.А.Тумановлар,— судьянинг қонунга бўйсуниш тамойили

ҳукмрон бўлиб қолаверади. Аммо бунинг замирида, суд амалиётининг ҳуқуқ манбаи сифатида тутган ўрни қанчалар юксалганлиги; одил судловдан бош тортишга йўл қўйилмаслиги; конституциялар матнига кирган қонун ва ҳуқуқнинг бир-биридан фарқ қилиниши (ГФР Асосий қонунининг 20-моддаси); экология, тиббиёт, генетика соҳасида олдиндан кўзда тутилмаган ҳуқуқий вазиятлар сонининг ошиши; халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлигини эътироф этилиши; ҳуқуқни бузувчи, юридик амалда бўлган, умумий эътироф этилган ахлоқ ва инсонийлик тамойилларига зид бўлмаган қонунчиликнинг мавжудлиги ётади. Бу муаммонинг барчаси судьянинг қонун билан боғлиқлиги, унинг ички эркинлиги, суд нуқтаи назари, ихтиёрий чегаралари ҳақидаги масалани ўта чигаллаштириб юборади". Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, конституцион судларнинг судьялари оддий қонунларга эмас, фақат конституциягагина боғлиқдирлар.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги берилган.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Фақат қонунда алоҳида кўрсатилган ҳоллардагина суд мажлиси ёпиқ олиб борилиши мумкин

Булар қуйидаги категориядаги ишлардир:

1. Давлат сири билан боғлиқ бўлган ишлар;

2.Процесс иштирокчиларининг ишининг оилавий ёки шахсий сирлигини айтиб суддан суд мажлисини ёпиқ олиб боришни илтимос қилсалар;

3. 16 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир қилинган жиноий ишлар.

Хорижий мамлакатларининг аксариятида судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва судлов ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Мамлакат фуқаролари давлат бошқаруви идоралари ва мансаб-

дор шахслар ҳар кандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек, шаъни, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз суд ҳимоясида булиш ҳуқуқига эга корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳам суд ҳимоясида бўлишга хакли.

Айбланувчига, судланувчига ҳимоя ҳуқуқи таъминланади. Судловнинг ҳар кандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучига кирган ҳукми билан аниқланмагунча, айбсиз ҳисобланади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

41-боб. Суд тизимининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий принциплари

1-§. Судларнинг ташкил этилиш тамойиллари
2-§.Судларнинг мустақиллиги (дахлсизлиги)
3-§.Умумий юрисдикция судлари тизими: англосаксон ва романо-герман
4-§.Умумий юрисдикция судларининг тузилиши

1-§. Судларнинг ташкил этилиш тамойиллари

Ушбу масалада, конституцияларнинг кўпчилигида қисқа тўхталиб ўтилади. Уларда суд тизимлари ва мамлакатда фаолият кўрсатаётган судларнинг турлари белгилаб қўйилади, умумий юрисдикция судлари билан бир қаторда, махсус судлар ҳам ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилади.

Суд ҳокимиятига таъсир кўрсатадиган принциплар – қонунга бўйсунувчи судьяларнинг мустақиллиги кафолатларини кўзда тутади: алмаштирилмаслик, дахлсизлик, лавозимда турган пайтда, рағбатлантирилишнинг камайтирилмаслиги ва ҳоказо. Баъзи конституцияларда ушбу тамойиллар суд ҳокимиятининг маъмурий ва молиявий автономияси, одил судловни фақат қонуний равишда белгилаб қўйилган судлар томонидан амалга оширилиши, фавқулодда судларнинг фаолияти тақиқланганлиги каби принциплар билан тўлдирилади.

Кўпчилик конституцияларда одил судловни амалга оширишда халқ вакилларининг иштироки кўзда тутилади. Шу боис ҳақамлик институти ва бизга маълум бўлган халқ маслаҳатчилари институти орасидаги фарқни тушунтириб бериш керак бўлади. Халқ маслаҳатчилари институти ҳозирги кунда, постсоциалистик мамлакатларда қўлланиб келинмоқда. Ушбу институт Германиядаги Шеффенлар судидан тақлид қилиб олинган. Шеффенларда ҳам худди социалистик мамлакатлардаги сингари судлардаги халқ маслаҳатчиларининг судьялар билан тенг ҳуқуқлилиги расмиятчиликдан бошқа нарса эмас. Улар меҳнат жамоалари ва вакиллик органлари томонидан "сайланадилар" (сайланадилар сўзини ҳам қўштирноқ ичида тушуниш мумкин), амалда эса, юридик маълумотга эга бўлмаган халқ маслаҳатчилари судья сўзсиз қарорига қўшиладилар. Шунинг учун, уларни “бош қимирлатувчилар” деб аташ бежиз эмас. Ҳақиқатдан ҳам улар фақат судьянинг гапини тасдиқлаган ҳолда, бош қимирлатишади, холос.

Ҳақамлар сайланиши мумкин эмас. Шунинг учун, маҳаллий маъмурият томонидан тузилган фуқаролар рўйхатидан, махсус услуб асосида танлаб олинади. Рўйхатга қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча фуқаролар киритилади. Танлов кўпинча қуръа ташлаш йўли билан ўтказилади ва бунда фуқаро ҳеч бир узрли сабабсиз бош тортишга ҳақли эмас. Бу ерда маслаҳатчилар ва ҳақамларнинг асосий фарқи уларнинг сонида бўлмай, балки ҳақамларнинг ҳуқуқ масалаларини эмас, балки махсус юридик билим талаб этилмайдиган далилларни кўриб чиқишларидадир. Жиноят иши кўриб чиқилаётган вақтда, ҳақамлар судланувчи қўйилган жиноий ҳаракатларни ҳақиқатдан ҳам содир этганми, у айбдорми, агар айбдор бўлса, уни кечириш мумкинми ёки йўқми, шуни аниқлашлари лозим. Бунга ўхшаш ҳар қандай масала бўйича ҳақамларларнинг қарорлари кўпчилик овоз билан ёки бир овоздан қабул қилинади. **Ҳакам**ларнинг қабул қилган қарорлари (вердикт)га кўра, судья судланувчига жазо тайинлайди ёки уни оқлайди. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда ҳакамлар ўтирадиган курсилар катта ёки кичик ҳайъат деб юритилади, Франк тилида гаплашувчи мамлакатларда ҳакамлар иштирок этувчи судлар “ассиз”лар суди дейилади, улар судьялар билан биргаликда судланувчига жазо чораси тайинлашда ҳам иштирок этадилар.

Таъкидлаш жоизки, сўнги ўн йилликда ҳакамлар судининг қўлланилишини камайиши, унинг аҳамиятини пасайиши билан тавсифланади. Кўпинча жиноий иш ҳакамлар судида судланувчига оғир жазо назарда тутилаётган бўлсагина, фақат унинг талабига кўра муҳокама қилинади. Англосаксон суд тизимида ҳатто суд муҳокамаси жараёнида ҳам тарафлар орасида келишув амалиёти кузатилади. Агар судланувчи қандайдир жазони юмшатиш шарти эвазига ўз айбини тан олса, ҳакамларга ҳожат қолмайди ва уларнинг вазифаси бажарилган ҳисобланди. Англия судларида жиноий ишларнинг 90% га яқини судлар томонидан ҳакамлар иштирокисиз муҳокама қилинади.

Ниҳоят, суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини берувчи инстанциявийлик тамойили устида тўхталиб ўтамиз. Бунда кучга киритилмаган суд қарори, яъни биринчи суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилган иш ундан юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Биринчи инстанция суди қарори иккинчи суд инстанциясида ёки иккинчи суд инстанцияси томонидан қабул қилинган қарор учинчи суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилади. Бу жараён уч суд инстанцияси мавжуд бўлган

мамлакатларда, суд қарори устидан ариза, шикоят ёки протест келтирилганда амалда бўлади. Масалан, АҚШ Конституциясининг III боби 2-моддасида белгиланишича, конституция ва қонун билан белгилаб қўйилган истиснолардан ташқари Олий суд ҳам ҳуқуқ, ҳам факт (далил)га нисбатан апелляция юрисдикциясига эга бўлади, яъни қўйи даражадаги судлар қабул қилган қарорлар бўйича апелляцион шикоятларни кўриб чиқади ва ҳал қилади. Италия Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ, умумий ва махсус суд органлари томонидан шахсий эркинликка нисбатан қабул қилинган қарорлар бўйича қонун бузилиши ҳоллари мавжуд бўлса, бундай ҳолларда, Кассацион шикоятларга рухсат этилади. Фақат уруш вақтида, ҳарбий трибунал ҳукмларигагина бундай меъёрлар истисно этилади"; "Давлат Кенгаши ва Ҳисоб суди қарорлари устидан кассация шикояти фақат судланганлик мотиви бўйича рухсат этилади".

Келтирилган мисоллардан кўринадики, шикоят қилишнинг икки асосий шакли мавжуд экан: апелляция ва кассация. Олий (яъни энг юқори) суд апелляция тартибида қуйи турувчи суд олдин кўрган ишни янги тақдим этилган далил-исботлар билан текширади, яъни қайтадан кўриб чиқади ва қуйи турувчи суд қарорини бекор қилиши ёки ўзгаришсиз қолдиради. Кассация тартибига кўра, эса юқори турувчи суд фақат қуйи поғонадаги суднинг қарор қабул қилишида қонунга амал қилган ёки қилмаганлигини текширади ва ишнинг асл ичига кириб бормайди, фақат шикоят доирасидагина иш кўради. Агар қуйи турувчи суд қарори кассацион тартибда, юқори турган суд томонидан бекор қилинган бўлса, иш қайтадан яна юқори турувчи суд томонидан муҳокама қилинади, фақат судьялар таркиби бошқа бўлади.

Кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг асосий шакллари билан бир қаторда аралаш шакл ҳам мавжуд, бу - ҳам апелляция, ҳам кассация хусусиятларини ўзида жамлаган тафтиш шаклидир. Бу шакл турли мамлакатларда, турлича намоён бўлади. Девизия, яъни тафтиш шаклида юқори турувчи суд қуйи суд қарорининг қонунийлигини эмас балки шикоят доирасига боғлиқ бўлмаган жиҳат – қарорнинг асосланганлигини ҳам текширади. У худди аппеляциядагидек, қуйи суд қарорини ўзгартирмаслиги ёки ишни қайта кўриб чиқиш учун қуйи судга қайтариб юбориши ҳам мумкин. Бундан ташқари қуйи суд қарорини бекор қилмасдан, тузатиш киритиб қўяқолиш ҳам мумкин.

Англосаксон ҳуқуқ тизимига асосланган мамлакатларда фақат-

гина апелляция шикояти шакли қўлланилади. Романо-герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда эса иккинчи инстанция бўйича апелляция ва учинчи инстанция бўйича-кассация усули мавжуд (холбуки, биз мисолда кўрганимиз каби, Италияда фақат кассация шакли мавжуд). Германиядаги тизим иккинчи инстанция бўйича девизия (тафтиш) имконияти усули билан бирлаштирилган ҳолда, олиб борилади. Кучга кирган суд қарорлари фавқулодда тартибда, қайта кўриб чиқилади.

Суд жараёнининг конституциявий тамойиллари орасида кўпинча ошкоралик тез-тез учраб туради (оммавийлик, суд мажлисларининг очиқ ўтказилиши). Ушбу тамойил АҚШ Конституциясининг III моддаси, 1-қисмида, шунингдек, конституциянинг VI тузатишида ўз ифодасини топган, Япония Конституциясининг 82-моддаси ва Испания Конституциясининг 120-моддаси 1-қисмида ва ҳоказо. Буларда истисно ҳолатларда ёпиқ суд мажлисларининг ўтказилиши таъкидлаб ўтилган, лекин иш бўйича қабул қилинган қарор омма олдида, эълон қилиниши мустаҳкамланган. Масалан, 1831 йилдаги Бельгия Конституциясининг 148-моддасининг 1993 йилдаги таҳририда шу нарса белгиланган: “Агар суд мажлисларининг омма олдида ўтказиш ахлоқ учун хавфли бўлмаса, очиқ ўтказилиши мумкин.

Сиёсий жиноятлар ва матбуот жиноятлари ҳақидаги ишлар юзасидан ёпиқ мажлис ҳақидаги қарор фақат бир овоздан овоз берилгандагина қабул қилиниши мумкин”.

Италия Конституцияси 101-модданинг 1-жумласида одил судловнинг халқ номидан амалга оширилиши кўзда тутилади, 111-модданинг 1-қисмида эса суд чораларининг сабаб-оқибатлари кўрсатилиши лозимлиги айтилади. Худди шу нарса Испания Конституциясининг 120-моддаси 3-қисмида ҳам мавжуд, фақат унга суд қарорларининг ҳар доим омма олдида эълон қилиниши қўшимча қилинган. 120-модданинг 2-қисмида кўрсатилишича суд муҳокамаси, айниқса жиноий ишлар бўйича суд асосан оғзаки юритилиши лозим, 121-моддада эса суд айби билан етказилган зиён, ёки одил судловнинг нотўғри амалга оширилиши оқибатида келтирилган зарар қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан қопланиши лозим.

Судьяларнинг фақат қонунга бўйсунишлари ҳақидаги конституциявий принцип (тамойил) жуда кенг тарқалган (Италия Конституциясининг 101-моддаси, 2-жумла; Германия Асосий Қонунининг 97-моддаси, 1-қисми ва бошқалар). Бу демакки, судья ишларни ҳал этаётганида ҳеч кимдан, ҳатто юқори судлардан ҳам кўрсатма олмаслиги керак, балки қонунга нисбатан пастроқ турувчи меъёрий

ҳужжатлар суд учун, улар қонунга қанчалик яқин турса, шунчалик аҳамиятга эга бўлиши керак. Аммо бундай конституциявий тамойилни оддийгина тушунмаслик керак.

“Ҳозирги мураккаб ижтимоий воқеликда, деб ёзади Ю.П. Урьянс ва В.А.Тумановлар, – судьянинг қонунга бўйсуниш тамойили ҳукмрон бўлиб қолаверади. Аммо бунинг замирида суд амалиётининг ҳуқуқ манбаи сифатида тутган ўрни қанчалар юксалганлиги; одил судловдан бош тортишга йўл қўйилмаслиги; конституциялар матнига кирган қонун ва ҳуқуқнинг бир-биридан фарқ қилиниши (ГФР Асосий қонунининг 20-моддаси); экология, тиббиёт, генетика соҳасида олдиндан кўзда тутилмаган ҳуқуқий вазиятлар сонининг ошиши; халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлигини эътироф этилиши; ҳуқуқни бузувчи, юридик амалда бўлган, умумий эътироф этилган ахлоқ ва инсонийлик тамойилларига зид бўлмаган қонунчиликнинг мавжудлиги ётади. Бу муаммонинг барчаси судьянинг қонун билан боғлиқлиги, унинг ички эркинлиги, суд нуқтаи назари, ихтиёрий чегаралари ҳақидаги масалани ўта чигаллаштириб юборади”. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, конституцион судларнинг судьялари оддий қонунларга эмас, фақат конституциягагина боғлиқдирлар.

2-§.Судларнинг мустақиллиги (дахлсизлиги)

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимиятининг мустақиллиги берилган.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Демократик ривожланган мамлакатларнинг деярли ҳаммасида судьялар дахлсиз ҳисобланади. Судьялар дахлсизлигининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) шахсий дахлсизлик;

2) мулкий дахлсизлик;

3) хат, бандероль ва бошқа почта жўнатмаларининг, телефон сўзлашувларининг сир тутилиши;

4) турар-жой дахлсизлиги;

Судьяларни шахсий тинтув ўтказиш, жиноий жавобгарликка тортиш тақиқланади. Аммо бундан истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бевосита жиноят содир этиш пайтида қўлга тушган судья ҳеч қандай тўсиқларсиз ушлаб турилиши мумкин.

Шунингдек, судьяларнинг корреспонденцияси текширилиши, телефон сўзлашувини эшитиб туриш ривожланган мамлакатларда тақиқланади. Бундай ҳаракатларни содир этган шахслар қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

Судьяларнинг мулкий дахлсизлиги уларнинг мол-мулки уларнинг олиб бораётган касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда мусодара қилинишига ёки бошқача тарзда нобуд бўлишига йўл қўйилмаслигини англатади.

Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигида судьялар ҳуқуқий мақомининг асосий таркибий қисми бўлмиш- турар-жой дахлсизлиги ҳисобланади. Судьяларнинг турар-жойида тинтув ўтказиш тақиқланади. Аксари давлатларда юқорида санаб ўтилган судьялар дахлсизлиги турлари юқори турувчи суд органлари томонидан маҳрум қилиниши мумкин.

3-§.Умумий юрисдикция судлари тизими: англосаксон ва романо-герман

Умумий юрисдикция судлари тизими турли мамлакатларда турлича. Биз, энг аввало, инстанциялар сонига тегишли (яъни тизимдаги босқичлар, бўғинлар, даражалар, “қаватлар”га), процессуал тоифалар билан юқорида кўриб, чиқилган инстанцияларни аралаштириб юбормаслигимиз керак. Масалан, округ суди ўз судловига тегишли бир иш бўйича биринчи инстанциядаги суд сифатида намоён бўлса, бошқа бир иш бўйича, яъни қуйи инстанция судида кўриб чиқилган ишлар бўйича иккинчи инстанциядаги суд сифати намоён бўлади. Олий суд эса энг олий суд инстанцияси, ҳам биринчи, ҳам иккинчи, ҳамда учинчи инстанция суди сифатида намоён бўлиши мумкин.

Кўпчилик хорижий мамлакатлардаги суд тизимлари кенг тарқалган икки моделдан бирига тегишлидир: Англо-саксон (англо-америка) ёки роман-герман (Европа континентал) суд тизимига.

Англо-саксон моделининг асосий белгилари:

- Умумий ҳуқуққа тарихий содиқлик, суд ва суд прецеденти ҳуқуқ манбаи сифатидаги тутган ўрнининг эътироф этилиши;

- суд терговининг процессуал шаклларини аввало суд амалиёти асосида ишлаб чиқиши;
- суд қарорлари устидан фақат аппелляцион шаклда шикоят қилиш;
- судда иккала томоннинг бир хилда, фаол равишда ўзини ҳимоя қилиши, (бунда судья пассивроқ бўлади ва томонларнинг суд жараёни меъёрларига амал қилишларини кузатиб боради).
- Жиноий жараёнда айбни эътироф этишда ўзаро келишувга рухсат этиши;
- Ҳакамлар ва яраштирув судьялари институтидан кенг кўламда фойдаланиши;
- судьяларни танлаш амалиётининг нисбатан кенглиги.

Ушбу модел континентал (Европа) моделидан олдинроқ юзага келган ва унинг доирасида юзага келган анъаналар қонунчилик янгиликларига нисбатан юқори даражада мустаҳкамликка эгадир. Масалан, Англиядаги судларда шундай ишларга дуч келинадики, уларни муҳокама қилиш чоғида ўта қадим замонлардан қолган маҳаллий урф-одатларнинг бўлганлигини исботлаш талаб этилади.

Европа Континентал моделининг асосий белгилари:

- судларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини белгиловчи ўта ривожланган қонунчилик негизи;
- суд прецедентининг ҳуқуқ манбаи сифатида расман тан олинмаганлиги;
- суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг аппелляция шакли билан бир қаторда, кассация ва тафтиш шаклларидан ҳам фойдаланилиши;
- суд жараёнида судьянинг фаоллиги;
- ҳакамлар ва яраштирув судлари институтларининг нисбатан кам тарқалганлиги;
- шеффенлар (Германия суд тизими) ва ассизлар (роман тизими) судидан фойдаланилиши;
- қуйи даражадаги профессионал судьяларнинг кўпроқ тайинланиши (участка судьялари, полиция судьялари ва шунга ўхшаш);
- кадрлар функцияси ва ваколатларига эга бўлган тўла ва қисман ўз-ўзини бошқарувчи органларнинг яратилганлиги;

Иккала моделнинг бир-бирига муайян яқинлашганлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда суд тизимлари ва суд муҳокамаларининг қонунан тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, континентал

(Европа ҳуқуқ) тизимдаги мамлакатларда судьялар ўз қарорлари билан билан ижтимоий муносабатларнинг қонуний тартибга солинишидаги бўшлиқларни тўлдириш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар, бу эса судларга қандайдир даражада ҳуқуқ яратиш функцияси берилганлигини билдиради.

4-§.Умумий юрисдикция судларининг тузилиши

Умумий юрисдикция судларининг тузилиши тахминан қуйидагича:

- бошланғич бўғин: яраштирув судьяси, полиция судьяси, участка судьяси ва бошқалар;
- асосий бўғин: округ суди; трибунал ва махсус судлар;
- апелляция бўғини: апелляция суди, юқори суд, олий суд.

Асосий бўғин судларида биринчи инстанция бўйича иш муҳокама қилинаётганда у ёки бу тоифадаги маслаҳатчилар иштирок этишлари мумкин.

Табиийки, бундай тахминий тизим ҳар бир мамлакатда ўзига хос аниқлаштирилади, ундан ташқари юқорида белгиланган бўғинлардан бирортаси бирор мамлакатда бўлмаслиги мумкин. Таъкидлаш жоизки, иккинчи бўғинга оид судларнинг ҳудудий ташкил этилиши (баъзан биринчи бўғинлардагиларнинг ҳам), мамлакатнинг сиёсий, маъмурий-ҳудудий бўлиниши билан кўпинча мос келмаслиги мумкин. Суд округи ёки участкаси ўта муҳим ҳудудий бирликдир, маъмурий ҳудудий бирлик учун судда алоҳида орган тузилмайди. Бу хусусият суднинг бошқа давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан мустақиллигини оширишни тақозо этади.

Мисол тариқасида, суд ҳокимияти ҳақидаги Испания Органик қонуни билан белгилаб қўйилган умумий юрисдикция судлари тизимини олиш мумкин:

- яраштирувчи судлар (Juzgedas de Paz);
- биринчи инстанция ва тергов судлари (Juzgados de Primera Instancia Instruccion). Бу судларда жиноий ишлар, вояга етмаганлар ва қамоқхона назорат ишлари бўйича, маъмурий келишмовчилик юзасидан ишлар ва бошқа ижтимоий ишлар муҳокама қилинади (кўриб чиқилади).
- провинциал иштирок (Audiencias Provinciales);
- олий одил судлов трибуналлари, Испанияни ташкил этувчи автоном ҳамжамиятларида;
- Миллий иштирок;

- Олий трибунал;

АҚШ умумий юрисдикциясининг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳар бир штатда уч бўғинли федерал суд тизими билан бир қаторда, штатнинг олий судига туташувчи ўз суд тизими мавжуд, иккала тизим орасидаги судловни фарқлаш қоидаси жуда мураккаб. Бошқа федератив давлатларда, одатда, умумий юрисдикция судлари тизими ягонадир.

Социалистик мамлакатларда суд тизими ўша мамлакатларнинг сиёсий-маъмурий ҳудудий бўлинишига чамбарчас боғлиқдир. Гап шундаки, бундай бўлиниш, барча кадрлар масаласи, шу жумладан судларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинадиган компартия қўмиталари тизими қўл остидадир. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг 1979 йилги "Халқ судларини ташкил этиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, ХХРда судлов ишлари қуйидагилар томонидан амалга оширилади: турли босқичлардаги маҳаллий халқ судлари - қуйи, ўрта ва олий даражалардаги халқ судларига бўлинади. Қуйи халқ судлари – бу уезд ва шаҳар халқ судлари, автоном уездлар, шаҳар туманлари судларидир; ўрта савиядаги халқ судлари - бу провинциялар, туманлар, автоном округлар, шунингдек марказга тобе бўлган шаҳарлар ва провинцияларда ҳамда автоном вилоятларга қарашли шаҳарларда ташкил этилган халқ судларидир; олий даражадаги судлар – бу провинциялар, автоном вилоятлар, марказга тобе шаҳарларнинг халқ судларидир.

Суд ҳокимиятининг ушбу тармоғи сўнги ўн йилликда алоҳида ажралиб бормоқда ва кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, постсоциалистик мамлакатларда миллий ёки олий маъмурий суд бошчилигидаги махсус тизимга айланмоқда (Франция ва Италияда маъмурий адлия тизимига бошчилик қилувчи суд давлат кенгаши деб аталди). Унинг асосий вазифаси маъмурий келишмовчиликларни ҳал этиш. Яъни, бир томондан жисмоний ёки юридик шахслар, иккинчи томондан эса давлат органлари ёки оммавий маъмуриятнинг мансабдор шахслари орасидаги ихтилофларни ҳал этади. Ихтилофларни ҳал этаётганда, маъмурий судлар, оммавий маъмурий органлар ва мансабдор шахсларнинг қабул қилган ҳужжатлари қанчалик қонунга мувофиқлигини текширади ва ушбу ҳужжатлар қонунга хилоф бўлса, уларни бекор қилади ёки ҳужжатни қабул қилган орган ёхуд мансабдор шахсга уни бекор қилиш ёки ўзгартириш вазифасини юклайди. Ундан ташқари, кўпчилик мамлакатларда, маъмурий адлия органлари зиммасига оммавий маъмурий идора томонидан қабул

қилинган норматив (меъёрий) қонун ҳужжатларининг конституция-вийлиги ва қонунийлигини текшириш юклатилган. Шундай қилиб, маъмурий адлия – инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари ва умуман ҳуқуқ муҳофазасини тўла таъминлашни кафолатловчи муҳим институт (соҳа, муассаса)дир.

Кўпчилик Fарб давлатларида ва уларнинг ҳуқуқ тизимини қабул қилган баъзи ривожланаётган мамлакатларда, маъмурий адлия институти конституцияларда ўз аксини топмаган. Масалан, ушбу институтни АҚШ, Япония, Бельгия, Испания ва Руминия конститу-цияларидан қидириш бефойда, ҳамда Германия, Италия, Франция, Болгария ва Чехия конституцияларида эса маъмурий адлия олий органлари ҳақида баъзи эслатмаларни учратишимиз мумкин.

Конституцияларда, маъмурий судлар ҳақида эслаб ҳам ўтилма-ган демократик мамлакатларда бундай судлар умумий юрисдикция судлари тизимининг бир соҳаси сифатида мавжуд ёки уларнинг функцияларини умумий юрисдикция судлари амалга оширади.

Аср бошларида, Буюк Британия ва АҚШда маъмурий актлар устидан суд назорати умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилган, бироқ кейинчалик бу мамлакатларда, ушбу вазифани бажариш учун ихтисослашган ташкилотлар юзага кела бошлади ва асрнинг охирига келиб, бу ташкилотларнинг аҳамияти юқорилашди. Улар квази судлар ҳисобланади ва баъзан маъмурий идоралар тизимида туради. Процессуал кафолатлардан энг кам, аммо зарур-ларини сақлаб қолган бу орган энг содда процедура туфайли оддий судларга қараганда тезроқ ишларни ҳал қилади. Бундай органлардан баъзилари судларга жуда яқин бўлади, баъзан судлар деб аталади. Масалан, Буюк Британия ва АҚШдаги солиқ судлари. Бироқ иккала мамлакатда ҳам маъмурий юрисдикциядаги ихтисослашган органлар-нинг ўзи ҳам умумий юрисдикция судлари назорати остидадир.

Умумий юрисдикция судлари, суд буйруқлари воситасида маъмурий актларнинг тўла қонунийлиги устидан бевосита назоратни амалга оширади. Масалан, мандамус (Wret of Mandamus) – бу мансабдор шахсга унинг ваколатига кирувчи ишнинг амалга ошириш ёки қонуний қарор қабул қилиш вазифасини юкловчи суд буйру-ғидир; инджакшин (Writ of ingunction)—бу мансабдор шахсга ишни амалга ошириш ёки буйруқ чиқаришни тақиқловчи суд буйруғидир.

Социалистик мамлакатларда, маъмурий қарорлар устидан суд назоратига рухсат этилса-да, унинг ҳажми жуда чегаралаб қўйилган. 1977 йилдаги суд тизимларини ташкил этиш ҳақидаги Куба қонуни-

нинг 4-моддаси 7-бандидаги таъриф диққатга лойиқ, унга мувофиқ судлар фаолиятининг асосий мақсадларидан бири “қонун тақозо этган ҳолатда, давлат маъмурияти таркибига кирувчи органлар ва ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар қайта кўриб чиқиш ҳамда меҳнат ихтилофларини ҳал этиш” дан иборатдир. Қонун эса "тақозо"ларга сахий бўлмаган ва бўлмайди ҳам: кўп қарорлар шаклан маъмурий, аммо амалда ўзини ҳар қандай қонундан юқори қўювчи, ўз қарорларининг суд назорати остига олинишига ҳеч қачон йўл қўй-майдиган Куба Компартияси раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

42-боб. Суд ҳокимиятига кўмак берувчи идора ва муассасалар

1-§.Прокуратура: тушунчаси, вазифалари ва давлат органлари тизимидаги ўрни
2-§.Адвокатура: тушунчаси ва вазифалари
3-§.Бошқа ёрдамчи органлар ва муассасалар: суд полицияси, нотариат ва бошқалар

1-§.Прокуратура: тушунчаси, вазифалари ва давлат органлари тизимидаги ўрни

Прокуратура – бу асосий вазифаси жиноий хатти-ҳаракатни содир этган шахсларни жиноят содир этганлиги учун таъқиб этиш, судда давлат айбловини амалга ошириш, жиноятларни олдини олиш, шунингдек, шахсларнинг жазо ўташ жойлари (қамоқхоналар)да сақланишининг қонунийлиги устидан назорат олиб борувчи давлат органидир. Унинг ташкил этилиши ва мақоми махсус қонунлар ва суд процессуал қонунчилик билан тартибга солинади.

Прокуратуранинг давлат ҳокимиятида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда мамлакатларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- Прокуратура адлия вазирлиги таркибида бўлган мамлакатлар;
- прокуратура судлар корпуси (магистратуралар) таркибига киритилган ва судлар ҳузурида бўлган мамлакатлар;
- прокуратура алоҳида тизимга ажратилган ва парламентга ҳисобот берадиган мамлакатлар;
- прокуратура умуман бўлмаган мамлакатлар;

Биринчи гуруҳ мамлакатлар жумласига АҚШ, Франция, Япония, Польша киради. Масалан, АҚШ ва Польшада адлия вазири (АҚШда– Бош атторней)–айни вақтда, бош прокурор ҳам ҳисобланади. Қўйи поғонадаги прокурорлар (атторнейлар) унга бўйсунадилар. Ундан ташқари АҚШда ҳар бир штатда федерал прокуратурадан ташқари штат бош прокурори бошчилик қиладиган ва федерал прокуратурага бўйсунмайдиган ўз прокуратура тизими ҳам фаолият кўрсатади. Федерал Прокурорлар Президент томнидан Бош атторней (прокурор)нинг тақдимига кўра, Сенатнинг розилиги билан тайинлаб қўйилади. Штатларда прокурорларнинг худди шу тарзда губернаторларнинг ўзлари тайинлайдилар.

Францияда, 1958 йил магистратуранинг мақоми тўғрисидаги органик қонунни ўзида мужассамлаштирган №58-1270-сонли ордонансга мувофиқ прокурорлар ўзларидан юқори турувчи раҳбарларга,

биринчи навбатда адлия вазирлигига бўйсунадилар ва уларнинг назорати остида бўладилар. Суд мажлисида улар бемалол сўзга чиқиши мумкин. Кассация ва апелляция судларида бош прокурорлар, қонунда белгиланган бошқа барча жараёнларда эса Республика прокурорлари фаолият кўрсатадилар.

Иккинчи гуруҳдаги мамлакатлар жумласига Испания ва Италия киради. Масалан, Испанияда 1981 йилда, Прокурорнинг органик статути (Ministerio Fiskal) 50-қонунга мувофиқ прокуратура қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва оммавий манфаатларни ҳимоя қилади, шунингдек, шахсларнинг илтимосномаларига кўра трибунал мустақиллигига риоя этилишини кузатиб боради. Прокуратура нисбатан функционал автономияга эга бўлган суд ҳокимияти тизимига кирган ҳолда, ўз вазифаларини фаолиятларини марказлашганлиги ва иерархик тобелик, қолаверса, қонунийлик ҳамда бирор бир сиёсий партияга боғлиқ бўлмаслик принципига асосан амалга оширади. Прокуратура органлари судлар қошида фаолият кўрсатади.

Прокуратурага, суд ҳокимияти Бош кенгаши розилиги билан, Ҳукумат тақдимига мувофиқ Қирол томонидан тайинлаб қўйиладиган Давлат Бош прокурори раҳбарлик қилади. Суд ҳокимияти иерархиясида у Олий трибунал раисидан кейинги шахс ҳисобланади.

Учинчи гуруҳга мансуб бўлганлар – бу социалистик мамлакатлардир. Бу мамлакатларда юқорида санаб ўтилган функция (вазифа)лар билан бир қаторда прокуратуралар зиммасига қонунийлик устидан умумий назорат олиб бориш юкланган, унинг объектлари давлат органлари (одатда вазирликлардан бошлаб қўйи органларгача, бунда вакиллик органлари мустасно), жамоат бирлашмалари, хўжалик бирлашмалари, турли муассасалар ва жисмоний шахслар фаолиятидир. 1936 йил Сталин конституциясидан бошлаб, социалистик конституциялар прокуратура мақомининг энг муҳим давлат органларидан бири сифатида белгилаган, ҳолбуки, бундай умумий назоратнинг реал аҳамияти деярли йўқ ҳисоби. Одатда социалистик прокуратура – парламент томонидан расман ўз ваколати муддатига ёки ундан ҳам кўпроқ муддатга тайинланадиган бош прокурор ва у томонидан бошқарилувчи органларнинг алоҳида ташкил этилган тизимидир. Бош прокурор парламент олдида ўз фаолияти учун расман жавобгар ҳисобланади. У прокурорларни тайинлайди. Прокурорларни тайинлаш ва озод этиш ҳақидаги ҳал қилувчи қарор коммунистик партия инстанциялари томонидан қабул қилинади.

Масалан, КХДР Конституциясининг 143-146-моддаларига мувофиқ прокурорлик фаолияти Марказий прокуратура, провинциал (марказга тобе шаҳар) шаҳар (туманлар), уезд прокуратуралари ва махсус прокуратуралар томонидан амалга оширилади. Прокуратураларнинг мажбурият (вазифа)ларига қуйидагилар киради:

1) давлат органлари, корхоналар, жамоат-ширкат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан давлат қонунларини аниқ ва бир хилда ижроси устидан назорат;

2) давлат органлари чиқарган қарорлар ва фармойишларнинг конституцияга, қонунларга, Президент ҳужжатларига, Марказий Халқ қўмитаси, Олий Халқ мажлиси. Доимий кенгаши, Маъмурий кенгаш ҳужжатларига зид келмаслиги устидан назорат;

3) “Ишчи, деҳқонлар ҳокимияти ва социалистик тузумни” ҳар қандай хавфдан қўриқлаш, давлат ва жамоат-ширкат мулки, конституциявий ҳуқуқлар, фуқароларнинг ҳаёти ва мулкларини муҳофаза қилиш.

Прокуратура фаолиятига Марказий прокуратура раҳбарлик қилади, прокурорларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Марказий Прокуратуранинг раиси конституцияга мувофиқ Олий халқ мажлиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади. Барча прокурорлар фаолияти давомида Олий халқ мажлиси, Президент ва Маркизий халқ қўмитаси олдида масъулиятли бўлган Марказий прокуратура ва бошқа юқори мақомли прокуратураларга бўйсунади.

Туртинчи гуруҳга мансуб мамлакат Буюк Британиядир, бу мамлакатда прокуратура йўқ. Бош Атторней, вакиллари зарур ҳолларда, суд мажлисларида айбловчи сифатида сўзга чиқа олмайдиган адвокатлар корпусига раҳбарлик қилади. Ўта муҳим жиноий ишлар кўрилаётганда, махсус лавозимли шахс-оммавий тингловчилар директори айбловни қўллаб-қувватлайди.

2-§. Адвокатура: тушунчаси ва вазифалари

Адвокатура жисмоний ва юридик шахсларга, жумладан, оммавий ҳокимият органлари ва муассасаларга юридик хизматлар кўрсатувчи профессионал, олий тоифа, малакали юрист-ҳуқуқшуносларнинг бирлашмасидир. Адвокатура одатда, жамоатчилик муассасаси (институт) ҳисобланади ва баъзида унга оммавий ваколатлар ҳам берилади. Конституцияларда камдан-кам ҳолларда адвокатура ҳақида эслаб ўтилади. Мисол тариқасида, Болгария Конституциясининг 134-

моддасини оладиган бўлсак, унинг 1-қисмига кўра, “адвокатура – эркин, мустақил ва ўзини ўзи бошқаради. У фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам беради. Адвокатура фаолиятини ташкил этиш ва унинг таркиби қонун билан тартибга солинади".

Таъкидлаш жоизки, аксарият мамлактларда, адвокатура ҳақида конституцияларда эслаб ўтилмаган бўлса-да, унинг мақоми қонунлар билан тартибга солинади. Истисно тариқасида, Буюк Британиядаги икки адвокатлик корпорация (уюшма)сидан бирини – давлат томонидан ташкил этилиши ва фаолиятига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйилмайдиган *барристерлар* корпорациясини эслаб ўтиш мумкин. Ушбу катта имтиёзларга эга бўлган корпорация фақат олий судлар билангина иш олиб боради. У билан бирга бошқа бир корпорация ҳам мавжуд – бу 1974 йилдаги солиситорлар ҳақидаги Акт билан тартибга солинадиган юридик ҳамжамиятга бирлашувчи Солиситорлар корпорация (уюшма)сидир. Солиситорлар – барристерлар ва мижозлар орасида воситачилар сифатида намоён бўладилар, барристерлар учун ишларни тайёрлайдилар ва ўзлари ҳам унчалик мураккаб бўлмаган ишларни олиб борадилар. Улар олий ва Аппеляция судлари назорати остида фаолият кўрсатадилар. Умуман шуни таъкидлаш жоизки, Буюк Британияда суд ҳокимияти тизимидаги ҳар қандай лавозимга мутлақо адвокатура орқали ўтиш мумкин. Адвокатлар кўпчилик маъмурий лавозимларга тайинланиш чоғида, университет кафедраларига ўтишда, қатор имтиёзларга эгадирлар.

АҚШда Америка юристлар ассоциацияси энг обрўли адвокатлар бирлашмаси ҳисобланади. Штатларнинг ўз адвокатлик бирлашмалари мавжуд. АҚШда адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи ягона қонун мавжуд эмас; штатларнинг қонунчиликлари,суд қоидалари мавжуд, бир қатор штатларда эса меъёрий тартибга солишнинг манбалари бўлиб, адвокатлар бирлашмалари низомлари ҳисобланади.

Францияда, адвокатура фаолияти 1971 йилдаги баъзи суд ва юридик касб (профессия)ларнинг ислоҳ қилиниши ҳақидаги қонуни билан тартибга солинади. Адвокатлар суд округлари бўйича автоном коллегияларга бирлашган, адвокатлар Миллий ассоциацияси эса профессионал (касб) ахлоқи (этикаси), адвокатларнинг малакасини ошириш ва ижтимоий таъминланиши масалалари билангина шуғулланади. Ҳудудида коллегия фаолият кўрсатадиган суд коллегияга қабул қилиш ва унинг таркибидан чиқаришни назорат қилади.

Германияда, адвокатура мақоми 1959 йилда қабул қилинган адвокатура ҳақидаги қонун билан тартибга солинади. Ер (вилоят)ларнинг олий судлари ихтиёридаги суд округларида ва федерал суд палатаси қонунида ягона федерал адвокатлар палатасига бирлашувчи адвокатлар коллегиялари тузилади. Бу адвокатлик бирлашмалари оммавий-ҳуқуқий корпорациялар бўлиб ҳисобланади ва адлия идоралари – шунга мувофиқ тарзда, федерал ва вилоят юстиция идоралари назорати остида бўлади.

Адвокатлар хизмати жуда қиммат ва демократик мамлакатлардаги қонунчилик кам таъминланганларга, жумладан, тўла давлат ҳисобидан юридик хизмат беришга қадар, турли имтиёзларни кўзда тутади. Баъзи мамлакатларда, бунинг учун оммавий (жамоат) адвокатлари институтлари мавжуд (буни баъзи мамлакатларда, масалан, Германия, Хорватиядагидек, прокурорларнинг номи – давлат адвокатлари билан аралаштириб юбормаслик керак).

3-§. Бошқа турли ёрдамчи органлар ва муассасалар

Мазкур органлар ҳам камдан-кам ҳолларда, конституцияларда тартибга солинади, бироқ бундай нормаларга мисоллар топиш мумкин.

Масалан, Руминия Конституциясининг 129-моддаси суд инстанциялари хизматида бўлган суд полицияларини кўзда тутади; Словения Конституциясининг 137-моддаси, 2-қисмида қонун билан тартибга солинган мустақил хизмат сифатида нотариат ҳақида эслатиб ўтган; Болгария Конституциясининг 128-моддасида белгиланганидек, тергов органлари суд ҳокимияти тизимида туради ва жиноий ишлар бўйича олдиндан қилинадиган ишларни амалга оширади. Одатда бундай органларнинг мақоми фақат жорий қонунчилик билан тартибга солинади.

Суд полицияси - судларда фаолият юргизади. Бу полиция суд залида тартибни сақлаш, айбланувчини қўриқлаш, суд топшириқларини бажариш билан шуғулланди.

Суд ижрочилари суд қарорларни ижросини бажаришади. Мисол учун, фуқаровий ҳуқуқий муносабатларга тегишли (мол-мулкни рўйхатга олиш).

Нотариат - нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли давлат хизматчилари ва шахсий амалиёт билан шуғулланувчи фуқаролар ишлайдиган махсус давлат органидир. Нотариуслар битим тузулганлиги ҳақида гувоҳлик беради ва уни тасдиқлайди.

Давлат нотариатлари маҳаллий орган ёки субъект маъмурияти розилиги билан Адлия вазирлиги, унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ташкил қилинган нотариал контораларидир. У ерда ишловчилар давлат хизматчилари ҳисобланиб, уларни меҳнат ҳақи давлат томонидан тўланади. Улар учун форма ва даража белгиланган.

Бошқа давлат муассасалар, хизматчилари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари унча қийин бўлмаган нотариал ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин (даволаниш жойлари Бош врачлари, ҳарбий қисм командирлари, жазони ўташ муассасалари бошлиқлари, консуллик корпуси бошлиқлари).

43-боб. Хорижий мамлакатларда маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув

1-§. Маҳаллий бошқарув. Ўзини ўзи бошқарув

2-§. Хорижий мамлакатларда муниципал органларнинг вужудга келиши ва ривожланиши.

Хорижий мамлакатлар давлат (конституциявий) ҳуқуқи фанининг муниципал тизимини ўрганиш жараёнида «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» ва «маҳаллий бошқарув» тушунчаларига дуч келамиз. Аммо мазкур иборалар ўртасидаги фарқ аксарият адабиётларда аниқ кўрсатилмайди.

1-§. Маҳаллий бошқарув. Ўзини ўзи бошқарув

«Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» ва **«маҳаллий бошқариш»** тушунчалари орасида муайян фарқ бўлиб, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур тушунчаларни бир бирига қарама-қарши қўйиш керак эмас, маҳаллий бошқарув тушунчаси жойлардаги давлат маъмуриятини ҳамда фуқаролар томонидан сайланувчи органларни яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ўз ичига олади, чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш маҳаллий бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бошқа тадқиқотчилар эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий бошқариш тизими ўртасида баъзи қарама-қаршиликлар мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Маҳаллий бошқариш деганда, маҳаллий ҳудудий бирликдаги марказий ҳокимият ёки юқори ҳудудий даражадаги маъмурият томонидан амалга ошириладиган бошқариш фаолияти тушунилади. Одатда, маҳаллий бошқариш юқори ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурий органлар томонидан амалга оширилади. Демак, «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш» ва «маҳаллий бошқарув» атамаси айнан бир нарса эмас[139]. **Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга хос энг муҳим хусусият – сайланишдир.** Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир. **Маҳаллий бошқарув – марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган органдир.** Ўзини ўзи бошқарув – сайланадиган, бошқарув – тайинланадиган орган бўлиб, бу улар ўртасидаги асосий фарқдир.

Лекин тадқиқотчилар бир масалада бир хил фикр билдирадилар:

[139] Чудаков М.Ф. Конституционное право зарубежных стран: Учеб. пособие. –Минск.: Новое знание, 2001. – С.505.

маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш бевосита аҳоли ва унинг кундалик ҳаёти билан боғлиқдир.

Аммо сайланиш – маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг бирдан-бир белгиси эмас. Улар фақат сайланиб қолмасдан, балки мустақил эканлигини белгилайдиган муайян ваколатлар мажмуига, яъни реал ҳуқуққа эга бўлишлари керак.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, 1985 йилнинг 15 октябрида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа Хартияси қабул қилинган бўлиб, Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар учун мажбурий бўлган мазкур хартия ўзида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим конституционал, қонунчилик асосларини ўзида мужассам этади. Унда, жумладан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш принциплари мамлакат қонунчилигида, Конституциясида ҳам тан олиниши лозимлиги тўғрисида айтилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа Хартиясининг 3-моддасига кўра, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун доирасида маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, давлат ишларининг маълум бир қисмини белгилаб олиши, уни бошқариш қобилияти ва ҳуқуқлари тушунилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг, тўғридан тўғри ва умумий овоз бериш йўли билан сайланган аъзолардан ташкил топувчи йиғинлар ёки кенгашлар томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатларида истисно қилинмаган ва бошқа ҳокимият органи ваколатига ўтказиб берилмаган барча масалалар тўғрисида ўз ташаббусларини амалга ошириш бўйича мавжуд қонун доирасида тўла эркинликка эгадирлар.

Маҳаллий органлар ваколатлари аксарият хорижий мамлакатларда, одатда, махсус меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Қатор хорижий мамлакатлар Конституцияларида эса маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга бағишланган боблар ёки алоҳида моддалар мавжуд. Масалан, ГФР қонунчилиги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва бошқарув масалаларини етарли даражада, тўлақонли тартибга солади. Давлатнинг асосий қонуни бўлмиш Федерал Конституция мазкур масалаларга бағишланган бир неча моддаларни ўз ичига олади. Жумладан, ерлар, округлар, жамоаларда халқ умумий, эркин, тенг ва яширин овоз билан сайланган ўз вакилларига эга бўлиши керак, - дейилади 28-моддада. Шунингдек, жамоаларга қонун доирасида маҳаллий ҳамжамиятнинг барча ишларини ўз жавобгарлиги остида тартибга солиш ҳуқуқи берилиши кераклиги ҳам қайд этилади.

Япония Конституциясининг 8-боби «Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув»га бағишланган бўлиб, жами тўртта моддани (92-95-моддалар) ўз ичига олади. Уларда маҳаллий ўзини ўзи бошқарувга доир асосий принцип ва қоидалар акс эттирилади. Жумладан, бу бобда мамлакатда, шундай органлар борлиги, уларнинг ишлари қонун асосида жорий этилиши, бу оммавий ҳукумат органи раҳбарининг аҳоли томонидан сайланиши, маҳаллий органларнинг ўз воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи мавжудлиги айтилади. Муайян маҳаллий органга нисбатан қўлланиладиган махсус қонун эса парламент томонидан чиқарилган бўлиши мумкин. Шунда ҳам, албатта ушбу маралий орган ҳудудида яшовчи кўпчилик сайловчиларнинг розилиги олиниши шарт. Парламент – умумдавлат органи – аниқ бир ҳудудда яшовчи аҳоли манфаатларига тегишли қонун қабул қилмоқчи бўлса, албатта, ушбу ҳудуд аҳолиси фикри билан ҳисоблашиши шарт.

Испания ва Греция Конституциясида, “маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” деган ибора ишлатилмайди. У ерда «маҳаллий маъмурият» категорияси қўлланилади. Испания Конституциясининг «Маҳаллий маъмурият тўғрисида»ги 2-бўлим, 8-қисмида юридик шахсларнинг барча ҳуқуқларига эга бўлган муниципалитетлар мухторияти Конституция билан кафолатланиши таъкидланади. Уларнинг бошқаруви алькальдлар ва маслаҳатчилардан иборат тегишли муниципал кенгашлар зиммасига юкланади. Маслаҳатчилар муниципалитет аҳоли томонидан қонунда белгиланган шартларга кўра, умумий, тенг, эркин, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Алькальдлар маслаҳатчилар ёки аҳоли томонидан сайланади.

«Муниципал» ибораси «маҳаллий» ибораси билан мутлақо бир хил маънони билдиради. Рим империясида municipium сўзи ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлган (аҳоли томонидан мансабдор шахсларни сайлаш) шаҳарнинг номини билдирган. Municipium сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «munis» (масъулият), capio, recipio (бўйнимга оламан) маъносини билдирган. Маҳаллий аҳоли ўз бўйнига муайян махсус ишларни бошқариш масъулиятини олган[140].

«Муниципалитет», «муниципал орган» атамалари кўплаб мамлакатларда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи бўлган сайланувчи орган тушунчасига тўғри келади. АҚШ ваАнглияда фақат шаҳар органлари, бошқа мамлакатларда эса барча сайланувчи органлар муниципал орган деб аталади.

[140] Р.С.Цейтлин, С.А.Сергеев. История государственного управления и муниципального самоуправления. Учебное пособие. –М.: «Омега-Л», 2003. С.8.

Греция Конституциясида («маъмуриятни ташкил этиш» деб номланган 1-боб, “Маъмурият тўғрисида”ги F бўлим) маҳаллий ишлар бошқаруви маҳаллий ҳокимият органига тегишли эканлиги айтилади. Шундан сўнг, маҳаллий бошқарув органлари ҳақида сўз боради. Бизнинг назаримизда, грек қонунчилигида маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ҳокимият тушунчалари ўзаро тенглаштирилади. 102-модданинг 2-бандида шундай ёзилади: «Маҳаллий бошқарув органлари маъмурий мустақилликдан фойдаланади. Уларнинг ҳокимият органлари умумий ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Бундан эса маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ҳокимиятнинг сайланувчи органлар экани, демакки, ўзини ўзи бошқариш органлари экани келиб чиқади». Греция Конституцияси маҳаллий бошқарув устидан давлат назоратини ўрнатиш лозимлигини ҳам (102-модда, 5-банд) назарда тутади.

Шундай қилиб, маълум бўладики, дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд бўлган атамалар бир-биридан анчагина фарқланади. Аслида бир хил органлар маъмурият, бошқарув органи, ўзини ўзи бошқариш органи деб аталиши мумкин. Аммо биз назарияда қўлланадиган принципларга асосан уларни фарқлаймиз ҳамда фақат сайланувчи органларнигина ўзини ўзи бошқариш органлари деб атаймиз.

2-§. Хорижий мамлакатларда муниципал органларнинг вужудга келиши ва ривожланиши

«Ўзини ўзи бошқариш» тушунчаси (Selfgovernment) Англия революциясидан кейин XVII асрда вужудга келган бўлиб, энг аввало инглиз халқининг умумий ҳолатини англатган. Шу даврдан эътиборан маҳаллий бошқарув ўзини ўзи бошқариш деб аталмайдиган бўлди. Мустақил ва халқ манфаатини кўзламайдиган монарх ҳокимияти тугатилди, халқ парламент бошқаруви тизимида олий мансабдор шахсга айланди.

Британия сиёсий тизимини тадқиқ қилган хорижий ҳуқуқшунослар «Ўзини ўзи бошқариш» (Selfgovernment) атамасини механик равишда, ўзгача сиёсий вазиятга эга бўлган Европа континентига олиб кирдилар. Прус ҳуқуқшуноси Р. Гнест таъбири билан айтганда, инглиз муниципалитети маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўлиб, бу атама беихтиёр равишда Пруссия ерларига ҳамда шаҳар маҳаллий бошқарувига олиб кирилди[141].

[141] Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. –М.:, 1998. С.93.

Барча Fарбий Европа давлатлари ўзини ўзи бошқаришнинг маълум бир даражасига эга бўлган, у ёки бу шаклдаги маҳаллий бошқарув тизимига эгадир. Fарб манбаларида таъкидланишича, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга алоҳида тизим сифатида эмас, балки давлат тизимининг бир қисми сифатида қараш лозим. Маҳаллий автономия сиёсий ва ғоявий йўналишдаги омилдир. Ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосида қурилган давлат тизимининг асосий элементларидан бири бўлиб, сиёсий партиялар, марказлаштириш ҳамда марказлаштиришдан қочиш (децентрализация) тарафдорлари ўртасидаги курашга сабаб бўлган муаммо бўлиб келган.

Олтмишинчи йиллардан бошлаб, маҳаллий бошқарув тизими ислоҳотлари нисбатан барқарор конституциявий тизимга эга давлатларга (Буюк Британия, Нидерландия, Скандинавия давлатлари, Бельгия) ҳам, урушдан кейинги йилларда давлат тузумида жиддий ўзгаришлар рўй берган давлатларга (Франция, ГФР, Италия, Испания) ҳам таъсир кўрсатди.

Мазкур давлатларда, маҳаллий бошқарувнинг ҳар хил даражаларига тааллуқли ислоҳотлар турли тарзда амалга оширилди, аммо уларнинг барчаси маҳаллий ва марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларга, турли даражадаги маралллий ва минтақавий бошқариш тизими ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир.

Fарбий Европада маҳаллий органлар тизими маъмурий-ҳудудий бўлинишга мувофиқ амалга оширилади, лекин ҳудудий бирликлар ҳамма вақт ҳам аҳоли томонидан сайланадиган органларга эга бўлавермайди. Кўп ҳолларда, масалан, Франция кантонларида ва округларида, Германия округларида тўғридан-тўғри давлат бошқаруви амалга оширилади, уларда вакиллик органлари ташкил этилмайди.

Fарбий Европа мамлакатларида, одатда, шаҳар ва қишлоқ коммуналари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич ячейкаси ҳисобланади, улар турлича номланади, шунингдек, аҳоли сони ва ҳудудий кўлами жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланади.

Fарбий Европада амалга оширилаётган ислоҳотларни, шартли равишда, бир-бирини тўлдирувчи ҳамда ўзаро алоқадор уч турга бўлиш мумкин, яъни тузилмавий, функционал ва ташкилий ислоҳотлар сифатида тавсифлаш мумкин[142].

1. Тузилмавий ислоҳотлар маҳаллий бошқаришнинг турли босқичлари ўртасидаги ташкилий муносабатларга тааллуқлидир.

[142] Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. -М.: 1998. С.95.

Маҳаллий бирликларнинг ҳудудий ислоҳоти, бошқаришнинг минтақавий даражасини тузиш шулар жумласидандир.

Муниципалитетларни мустаҳкамлаш ушбу ислоҳотларга хос хусусиятлардан биридир (Буюк Британия, ГФР, Скандинавия оролларари). Хорижий адабиётларда таъкидланишича, 2-жаҳон урушидан кейинги даврда ижтимоий вазифалар кўламининг кўпайиши, шунингдек, мазкур масалаларнинг маҳаллий даражада ҳал этилишига таъсир кўрсатиш ҳақидаги омма талаби кўпгина ижтимоий вазифаларнинг марказий даражадан муниципал даражага ўтишига, марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишига сабаб бўлди. Кундан-кунга ўсиб бораётган ижтимоий масалаларни ҳал қилишнинг шарти муниципалитетларни, биринчи навбатда, қишлоқ шароитида мустаҳкамлашдан иборатлиги аён бўлди[143].

2. Функционал ислоҳотлар маҳаллий, минтақавий ва марказий бошқариш даражалари ўртасидаги функционал муносабатларни қайта тақсимлашга қаратилган. Мазкур ислоҳотлар тузилмавий ислоҳотлар билан деярли бир вақтда амалга оширилган ва кўп ҳолларда марказлаштириш ва марказлаштирмаслик тушунчалари билан боғлиқ бўлган. Айни вақтда, мазкур тушунчалар унитар давлатда ёки федерация субъектида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари эга бўладиган эркинлик даражасини ўз ичига олади. Функционал ислоҳотлар натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар ва масъулият масалалари қайта тақсимланади, ҳамда кўп ҳолларда, қонуний асосда амалга оширилади. Бу ислоҳотлар даврида ҳамма вақт давлат томонидан марказий бюджет ҳисобидан ва маҳаллий тушумлар ҳисобидан ажратилаётган молиявий ресурслар қайта тақсимланади.

3. Ташкилий ислоҳотлар жойлардаги ҳокимият ва бошқариш органларининг ички тузилмасига тааллуқли бўлади. Бундай ислоҳотлар маҳаллий вакиллик муассасалари ва ижроия органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга тегишлидир.

Марказлашган давлатлар шаклланиши натижасида ижтимоий ҳаётга доир икки тизим ўртасида – марказлашган ва марказлашмаган тизим ўртасида оммавий ҳокимият «иккига бўлинди», лекин Самоаларни ягона марказлашган давлат сифатида «бирлаштириш» жараёни бир хил амалга оширилмаганидек, оммавий ҳокимиятнинг марказлашмаган даражаси ҳам турлича шакллантирилган.

Буюк Британияда жамоаларнинг умумдавлат бошқарув тизимига киритилиши мазкур жараёнга хос хусусият бўлган, лекин бунда

[143] Ясюнас В.И. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. -М.: 1998. С. 94.

уларнинг маҳаллий бошқариш тузилмаси сакланган. Мазкур тузумда халқ ҳокимияти парламент ва ижроия органлари томонидан амалга оширилади, ижроия органлари парламент (ҳукумат) ҳамда тегишли ҳудудлардаги аҳоли (муниципалитетлар) томонидан тузилади.

Айнан Британия ороларида, муниципал бошқарувнинг англо-саксон модели яратилган. Бу модель маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг континентал тизимидан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқа шароитда шаклланган. Англо-саксон модели маҳаллий жамоалар, қавмлар, шунингдек, шаҳарлар негизида юзага келди.

Британия ороларида муниципалитетлар ҳеч қачон ҳокимиятни амалга оширишнинг давлат шаклидан ажратилган эмас[144]. **Олий ҳокимият ҳамма вақт энг аввало қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган бўлса, маҳаллий ҳудудий ҳокимият ижроия ҳокимияти бўлган ва ҳозир ҳам айнан шундайдир[145].** Шу сабабли юқорида қайд этиб ўтилганидек, Англия қонунчилигида муниципалитетларга нисбатан “ўзини ўзи бошқариш” атамаси қўлланмайди.

Ўзини ўзи бошқаришнинг инглиз моделига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, муниципал органлар қонунда белгиланган вазифаларинигина амалга оширадилар.

[144] Баранчиков В.А. Муниципальное право. Закон и право. -М.: 2000. С.18.
[145] Ясюнас В.И. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. –М.: 1998. С.96.

44-боб. Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув органларининг компетенцияси ва молиявий асослари

1-§. Ваколатлар доираси. Мажбурий ва мажбурий бўлмаган ваколатлар
2-§. Муниципал фаолиятнинг асосий турлари
3-§. Муниципалитетларнинг молиявий базаси

1-§. Ваколатлар доираси. Мажбурий ва мажбурий бўлмаган ваколатлар

Муниципал органлар ваколатларининг кўлами ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш усули турли мамлакатларда турлича.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ваколатларига доир масалалар ўзини ўзи бошқариш органи ҳуқуқий мақоминиг зарурий элементи ҳисобланади. Улар ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланади ва биринчи навбатда, муайян маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг юрисдикцияси амалда бўлган маҳаллий аҳоли ҳаёти фаолиятининг айрим томонларини белгилаб беради.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир ваколатларни ҳуқуқий тартибга солиш, турли усуллар билан ҳал қилинади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини ҳуқуқий тартибга солиш асосини қуйидаги принцип белгилаб беради: муниципал органлар фақат қонунда кўрсатилган барча ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Бу принцип XIX асрда Буюк Британияда ўрнатилган. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш бошқа принцип асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Муниципал органлар, бошқа органлар ваколатига тегишли бўлмаган ва қонунда тақиқланмаган барча ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бу принцип Франциядаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқий тартибга солиш асосида амалга оширилади.[146]

Ваколатлар қонунда аниқ кўрсатилган ҳуқуқлар доирасини англатади. Айрим мамлакатларда, (ГФР) муайян масалалар кўлами қонунда белгиланиб қўйилишига қарамай, баъзи ҳолларда, юқори турувчи ҳокимият органларининг қонун доирасидан чиқиши мумкинлигига йўл қўйилади. Юқори турувчи ҳокимият органлари томонидан

[146] Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Уч. пособие. –М.: Форум-Инфра-М, 1998. – С.480.

амалга оширилмай қолган ваколатларни эса маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз тасарруфларига оладилар.

Муниципал органлар томонидан ҳал қилинадиган барча вазифаларни икки турга бўлиш мумкин:

А) Ўз ваколатлари (вазифалари) доирасида ҳал қилинадиган вазифалар;

Б) Вакил қилинган ваколатлар доирасида ҳал қилинадиган вазифалар[147].

Маҳаллий жамоага тааллуқли барча ишлар **хусусий ваколатлар** доирасидаги вазифалар ҳисобланади. Масалан, ГФРда жамоалар мазкур масалаларни қонун доирасида, масъулиятни ўз зиммаларига олган ҳолда, амалга оширади. Ўз навбатида, хусусий ваколатлар иккига бўлинади: **мажбурий ва ихтиёрий ваколатлар.** Масалан, шаҳар қурилишини режалаштириш масаласи, яъни жамоа ҳудудидаги ерлардан фойдаланиш режасини тузиш, ичимлик суви билан таъминлаш, умумтаълим мактаблари биносини таъмирлаш ва бошқа шу каби масалалар мажбурий ваколатлар тоифасига киради. Ушбу масалаларни жамоалар мустақил ҳал қила олмайдилар, лекин Самоалар бу масалаларни қандай бажариш борасида мустақил танлов ҳуқуқига эгалар.

Ихтиёрий ваколатлар борасида эса жамоаларнинг ўзлари мазкур ишлар билан (бассейн, кутубхона, спорт майдончаси қуриш ва ҳ.к.) шуғулланиш ёки шуғулланмаслик масаласини ҳал қила оладилар.

Жамоалар мажбурий вазифаларни бажарган ҳоллардагина, улар ихтиёрий вазифаларни ҳал қилишлари мумкин, ҳуқуқий назорат органлари бу масалани назорат қилади.

Вакил қилинган ваколатлар давлат топшириғига мувофиқ жамоа бажариши лозим бўлган кўп сонли вазифалардир. Масалан, улар жумласига қуйидагилар киритилиши мумкин: фуқаролик масаласи, барча даражаларда ўтказиладиган сайловларга оид тадбирлар, табиий офатлардан ҳимояланиш ва ҳ.к.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларини тадқиқ қилган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ваколатларни “хусусий ваколатлар” ва “вакил қилинган ваколатларга” ажратиш катта амалий аҳамиятга эгадир. Хусусий ваколатлар доирасида жамоа фақат қонун талабларига мувофиқ иш кўради ҳамда қонунда белгиланган доирадагина ҳаракат эркинлигига эга бўлади. Жамоа ўз инвестицион фаолияти доирасида давлатдан субвенция олган ҳоллардагина, давлат

[147] Ясюнас В.И. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. –М.: 1998. С.105.

таъсир кўрсатиши мумкин.

Вакил қилинган ваколатлар борасида эса жамоалар фаолияти кенгроқ кўламдаги чекловлар билан боғлиқдир. Бу ҳолларда, давлат ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жамоа хатти-ҳаракатларига аралашиши мумкин.

2-§. Муниципал фаолиятнинг асосий турлари

Муниципал фаолиятнинг асосий иш усуллари – бевосита тартибга солиш ва бошқариш ҳисобланади.

Тартибга солиш фаолияти – савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берадиган лицензия билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатувчи турли корхоналар, кинотеатр, театрлар, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун рухсат бериш, савдо, қурилиш қоидаларини жорий этиш, жамоат жойларда тартибни сақлаш, қурилиш учун ер участкаси ажратиб бериш, кўчада митинг, намойишларни ўтказиш учун рухсат бериш кабиларни ўз ичига олади. Жамоат жойларида тартибни сақлаш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, санитария назоратини ўрнатиш ҳам шулар жумласига киради. Айрим мамлакатларда (АҚШ, Канада, Франция) муниципалитетлар ўз полицияларига эга.

Маҳаллий органларнинг ***норматив ҳужжатлар яратиш фаолияти*** қоидага кўра, чекланган бўлади. Кўпинча бирор актни нашр этиш учун улар юқори органлар ёхуд ҳукумат вакилларининг тасдиғидан ўтиши керак.

Бошқарув фаолиятига эса муниципал мулк ҳисобланган корхоналарга раҳбарлик қилишни киритиш мумкин. Одатда, мазкур корхоналарга коммунал хўжалик транспорти, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш объектлари мисол бўла олади. Муниципалитетларга муайян турар-жой фонди, кутубхона, боғ, қариялар уйи тегишли бўлиши мумкин.

Бир қатор мамлакатларда муниципалитетлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги масалалар билан шуғулланадилар – шифохона, поликлиникага раҳбарлик қиладилар. Улар аксарият ҳолларда, ишсизларга, камбағалларга нафақа тўлайдилар, айримлари саноат корхоналарида ўз улушларига ва акцияларига эга бўладилар ва мазкур корхоналарни бошқаришда иштирок этадилар.

Муниципал органларнинг ваколатлари қуйидаги гуруҳларга таснифланади:

1. Молиявий иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколати. Ваколатнинг мазкур гуруҳига маҳаллий бюджетни қабул қилиш,

акцияларни чиқариш ёки сотиб олиш йўли билан иқтисодий ва ижтимоий соҳага оид лойиҳаларда иштирок этиш. Турли пул маблағларини тўплаш, уларни жамғариш шу жумлага киради. Молиявий иқтисодий фаолият энг муҳим соҳа бўлиб, бошқа барча ваколатлар мазкур соҳа ваколатига боғлиқ бўлади.

2. Жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги ваколатлар. Аксарият ҳолларда, маҳаллий органлар ва уларнинг ижроия қўмиталари қошида маҳаллий полиция кучлари фаолият кўрсатади, улар муҳофаза ва патрул хизматини амалга оширадилар.

3. Коммунал хизмат кўрсатиш, ободонлаштириш ва строф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколати. Бунга транспортни ривожлантириш, йўл ҳаракатини тартибга солиш, маҳаллий йўл қурилиши, шаҳар санитария ҳолатини яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш, сувни, ҳавони ифлослантираётганларга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка қандай риоя қилинаётганлиги устидан назорат ўрнатиш кабилар ҳам киради. Сув таъминоти, ёритиш, канализация, ахлатларни йиғиштириш каби масалалар фуқароларни ташвишлантиради, чунки, шаҳарларнинг ривожланиши, йирик мегаполисларнинг ташкил этилиши натижасида, ҳар доим ҳам одамларни нормал ва соғлом ҳаёт кечириш учун шароит яратилмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам маҳаллий ҳокимиятнинг асосий вазифаси мазкур соҳадаги муаммоларни ижобий ҳал қилишдир.

4. Ижтимоий соҳадаги ваколатлари. Бу ўринда, биринчи навбатда ночор оилалар, қариялар, ногиронларга ёрдам уюштириш масаласи туради. Бу ошхоналарда текин овқатланиш, уйсизларга, қариялар уйига, алоҳида парваришга муҳтож шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат. Булардан ташқари, бир қатор мамлакатларда муниципал органлар арзон уй-жойларни қуриш билан шуғулланадилар, сўнгра ушбу уйларни имтиёзли шаклда ижарага олувчиларга берилади. Ижтимоий соҳага муниципал шифохоналарни ва туғруқхоналарни, кутубхона, болалар боғчалари ва спорт майдончалари ҳам киради. Баъзан ижтимоий соҳага халқ таълимини ҳам киритадилар, айрим мамлакатлар халқ таълимини бешинчи гуруҳга киритадилар, чунки, барча давлатларда, давлат халқ таълими тизими ва давлат мактаблари бор. Таълим оид бўлган барча масалалар билан маҳаллий органлар шуғулланадилар. Улар мактаб қурилиши, уларни таъмирлаш, мактаб ўқувчиларига ҳақ тўлаш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар, дастур таъминоти масалалри билан ҳам шуғулланадилар ва ҳ.к.

3-§. Муниципалитетларнинг молиявий базаси

Юқорида санаб айтилган ваколатларни амалга ошириш учун маблағ зарур бўлади. Маҳаллий ҳокимият органларига бу маблағ қаердан келади, уларнинг даромад манбаи қандай? Энг аввало, бу маҳаллий ёки муниципал солиқлардир. Улар жумласига:

а) муниципал даромад солиғи;

б) ер қийматидан олинадиган солиқ;

в) компаниялар даромадларидан олинадиган солиқ;

г) мулк солиғи (уни уй эгалари, хўжалик иншоотлари ва ер участкаси эгалари тўлайди).

Бир қатор мамлакатларда, савдо-сотиқдан тушадиган солиқ мавжуд. Бунга кўра, ҳар бир харид қилинган қийматдан маълум фоиз шаҳар бюджет хазинасига тушади. Масалан, Вашингтонда китоб харид қилинганда, соқол олиш учун лосьон, мусиқали кассета ва бошқалар харид қилинганда 5,75 фоиздан 7 фоизгача миқдорда солиқ тўланади ва ҳ.к. Аммо нон ва шунга ўхшаш асосий маҳсулотлар харидидан солиқ тўланмайди.

Даромаднинг асосий манбалари давлат субсидиялари бўлиб, бунда, умумдавлат бюджетидаги тўловлар назарда тутилади. Субсидиянинг уч тури мавжуд:

а) умумий субсидиялар, улар мунтазам тўлаб борилади;

б) мақсадли субсидия, аниқ бир мақсадни назарда тутган ҳолдагина мунтазам тўланади (таълим, маданият ва ҳ.к);

в) алоҳида муниципалитетлар, шаҳарлар ва бошқалар учун махсус дотациялар.

Савдо-сотиқ, қурилишлар ва бошқаларга *рухсат беришдан* ҳам маҳаллий бюджетга маблағ тушади.

Бундан ташқари, *истеъмолчилар тўлови* мавжуд. Бунга сув ва чиқиндиларни олиб кетиш учун тўланадиган тўловлар киради.

Баъзи ҳолларда, маҳаллий органлар заём олишади, аммо бу ҳол камдан-кам учрайди ва фақат фоиз тўлаш шарти билан заёмлар берилади.

45-боб. Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув органларининг шакллантириш тартиби, таркибий тузилиши ва фаолиятини ташкил этилиши

1-§. Муниципал сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари. Муниципал Кенгаш, унинг тузилиши ва ваколати
2-§. Маҳаллий ижро органлари ва уларнинг турлари

1-§. Муниципал сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, қоида тариқасида, икки жиҳати билан ажралиб туради: сайланадиган орган (сайланувчи муниципал йиғилиш – кенгаш, ассамблея) ва ижро органи. Ижро органи якка тартибда ва коллегиал тартибда бўлиши мумкин. Якка тартибдаги ижро органига мисол қилиб мэр (Франция) ёки бургомистрни (ГФР) келтиришимиз мумкин. Коллегиал тартибдаги ўзини ўзи бошқарув шаклига ГФР нинг баъзи ерликларидаги магистратларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин.

Демократик анъаналарга кўп даврлардан буён амал қилиб келадиган давлатларда умумий сайлов ҳуқуқи принциплари ўрнатилган. Аммо бу принциплар сайлов цензлари туфайли (айниқса, яшаш жой цензи) тез-тез бузилиб туради.

Пассив сайлов ҳуқуқидан одатда, 21-25 ёшга тўлган шахслар фойдаланишади. Муниципал кенгашга муниципал хизматчилари, қарздор деб топилган шахслар сайланишига йўл қўйилмайди. Муниципал кенгаш таркибида ҳозирги кунда ҳам ишчилар, аёллар, ёшларнинг миқдори камдир. Масалан, Буюк Британияда муниципал кенгашдаги малакали ишчилар улуши бутун депутатлар миқдорининг жуда кам фоизини ташкил қилади. Малакали ишчиларнинг улуши сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳоли қатламидаги ўз улушидан 20 баробар камдир. Кенгаш аъзоларининг 54%ни 55 ёшдан ошган шахслар, 1/8 қисминигина аёллар ташкил қилади. Кенгашга номзодини қўйган шахс, шу ҳудудда сайловгача ўн икки ой яшаган ёки шу ерда доимий ишлайдиган, шу ҳудудда жойлашган кўчмас мулкка эга бўлиши лозим.

Сайловларда кенг кўламда сайловчилар абсентизими кузатилади. Англия ва АҚШда кўпинча аҳолининг 25% дан 60% гача муниципал сайловларда қатнашади. Номзод қўйиш сайлов округини шакллантириш, сайлов натижаларини аниқлаш турли давлатларда, ҳатто АҚШ штатларининг ичида ҳам турличадир. Кенг тарқалган номзод

кўрсатиш усули маълум миқдордаги сайловчилар имзоси қўйилган петицияни сайлов органларига топширишдир. АҚШда номзодларни саралашнинг биринчи босқичи дастлабки, сайловлар (прайммерзлар) ҳисобланади.

Муниципал кенгашга сайловлар бўйича учта сайлов округ тури мавжуддир. Булар: бир мандатли, икки мандатли, кўп мандатли. Нисбатан кўп тарқалган сайлов округи кўп мандатли округ ҳисобланади. Мисол учун, Буюк Британияда графлик кенгашига овозлар бир мандатли сайлов округи бўйича, округда эса бир ёки кўп мандатли сайлов округларида сайланади. Муниципал кенгашга номзодлар ўз номзодларини партия ёки бирор ташкилот, мустақил вакил сифатида қўйишмайди.

АҚШ ва бошқа кўпгина давлатларда, муниципал кенгашга сайловлар нопартиявий асосда ўтказилади. Бунда барча номзодлар "мустақил" шахс сифатида ҳаракат қилишади. Ва муниципал кенгашларда партия фракциялари расман мавжуд эмас. Улар сайлов натижалрини ҳисоблашда, можаритар ва пропорцианал тизимнинг минглаб усулларидан фойдаланишади. Францияда комунналардаги комунна аҳолиси сонига қараб, 2 та сайлов усулидан фойдаланишади. 3500 тагача аҳолиси бўлган комунналарда сайловлар можаритар усулда икки босқичда амалга оширилади. 3500 та ёки ундан ортиқ аҳолиси бўлган комунналарда ҳам пропорционал, ҳам можаритар усулдан фойдаланишади. Биринчи турда номзодлар рўйхатида мутлақ, кўпчилик овозни олганлар кенгашнинг ярим ўрнини эгаллашади, қолганлари пропорционал равишда рўйхатда қолганлар ўртасида бўлинади. Агар биринчи турда мутлақ кўпчилик овоз олмаса, сайловларнинг иккинчи тури ўтказилади. Икки тур оралиғида номзодлар рўйхатини бирлаштиришга йўл қўйилади. Бундай ҳолатда мутлақ кўпчиликни олган номзодлар рўйхати кенгашдаги ярим ўринни эгаллашади, қолган ярим ўрин бошқа рўйхатдагилар ўртасида тақсимланади. Департамент бош кенгашига можаритар тизим бўйича ўз сайлов ҳудуди - кантон ичида икки тур бўйича сайланади. Регионларга пропорционал тизим бўйича биринчи турда умумий ва тўғридан-тўғри сайланади. Ҳар бир регион Департаменти алоҳида сайлов округи сифатида намоён бўлади. Бу округга ҳар бир партия ўз номзодлар рўйхатини тақдим этади. Агар ҳар бир номзодлар рўйхати региондаги сайловчиларнинг 5% дан кўп овозни олган бўлса, регион кенгашида ўз вакилига эга бўлади. Шуни айтиш лозимки, регионал органларни шакллантиришда, муниципал органларнинг сайланиш

принципларидан мустасно ҳолатлар амалга оширилади. АҚШда графлик кенгаши тез-тез қўйи муниципал ҳокимият вакилларидан шакллантирилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари сайланадиган муниципал кенгаш ва ижроий аппаратдан иборат. Муниципал кенгашга сайловлар ўтказиш тартиби махсус сайлов тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Федератив давлатларда сайлов қонунини қабул қилиш Федерация субъектлари қонун чиқарувчи органи компетенциясига киради.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқарув турли ташкилий шаклларда шакллантирилиши мумкин. Бироқ вакиллик органи (жамоат кенгаши, земство, пондрет) ёки сайланувчи мансаб (мэр, бургомистер) бўлиши мажбурийдир.

Хорижий мамлакатларда, муниципал муассасаларни ташкил қилиш ва шакллантиришнинг бир нечта турлари мавжуддир. Уларни англо-саксон муниципал тизими, маҳаллий бошқарув органлари француз модели, Германия маҳаллий ўз-ўзини бошқариш моделига эга бўлиш қоида қилиб олинган.

Англо-саксон муниципал тизими Буюк Британияда ўрнатилган. Шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия ҳам қўлланади.

Бу тизимнинг моҳияти шундаки, маҳаллий органларга қонун алоҳида берган ҳуқуқлар доирасида ҳаракат қилувчи автоном тузилма сифатида қаралади. Қўйи органларнинг юқори органларга бевосита бўйсуниши мавжуд эмас. Марказий ҳукуматнинг ваколатли шахси бўлмайди. Вакиллик органи билан бирга бошқа бир мансабдор шахслар ҳам маъмурий-ҳуқуқий бирлик аҳолиси томонидан сайлаб қўйилади. Маҳаллий органларни назорат қилиш, ҳукумат вазирликлари томонидан билвосита назорат қилинади. Маҳаллий органларнинг фаолияти ва ташкил қилинишини англатиш учун қонунчиликда маҳаллий бошқарув деб аталади. Маҳаллий бошқарув давлат механизмининг бир қисмини ташкил этади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва уларнинг бошқариш Буюк Британияда турли хил актлар билан тартибга солинади. Кўпгина ҳолларда, маҳаллий бошқарув шу сиёсий-маъмурий бирликда яшовчи аҳоли томонидан сайланган кенгашлар орқали амалга оширилади. Англияда графлик, маъмурий округ кенгашлари, Уэльсда графлик, шаҳар графлик, жамоа кенгашлари, Шотландияда маҳаллий бошқарувнинг ҳудуди, жамоа кенгашлари фаолият олиб боради. 150 кишидан кам аҳоли яшайдиган жойларда маҳаллий кенгашлар

ташкил этилмайди, қарорлар сайловчиларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Континенталь (француз) моделидан континенталь Европанинг кўпгина давлатлари, француз тили тарқалган Африк, Лотин Америкаси, Яқин Шарқда фойдаланишади. Бу моделда давлат бошқарувининг маҳаллий бўлими - маҳаллий органларни бошқаради. Қуйи органлар юқори турувчи органларга бўйсунишади. Бу модел Францияда шакллантирилган.

Германияда комуннал бошқарувининг 4та тури: Жанубий Германия, Шимолий Германия, магистрал, бургомистр турлари мавжуддир.

Жанубий Германия типида - корпорация ва маъмурият бошлиғининг қўшилиб кетганлигидир. Вакиллик корпорацияси (жамоа кенгаши, шаҳар депутатлар мажлиси) аҳоли томонидан сайланади. Бир вақтнинг ўзида маъмурият бошлиғи - бургомистр ҳам сайланиб, у вакиллик корпорацияси бошлиғи ҳам ҳисобланади. Бу тип мажлис конституцияси деб ҳам аталади.

Магистрал типда - аҳоли томонидан сайланган вакиллик органи ўз ижроий органи, бургомистр ва фахрий аъзолардан иборат магистрат ёки сенатни шакллантиради. Бу тип магистрат конституцияси деб аталади.

Бургомистр типи - аҳоли томонидан сайланган вакиллик органи, вакиллик корпорацияси ва маъмуриятни бошқарувчи Бургомистрни сайлайди. У ўзида жамоа ва маъмурият бошлиғи функцияларини бирлаштиради. Бу тип бургомистр конституцияси деб аталади.

Шимолий Германия типи - англо-саксон модели - "Бошқарув кенгаши"ни эслатади. Аҳоли томонидан сайланган вакиллик органи - ижроий қўмитани тузади. Аммо у маҳаллий маъмурият ҳисобланмайди. Қўмита вакиллик органига қарорлар тайёрлаб беради. Бу директор конституцияси деб аталади.

Уезд ўз-ўзини бошқариш органларида вакиллик органи - уезд съезди ёки уезд кенгаши хизмат кўрсатади. Маъмурий бошлиғи вакиллик органи ёки аҳоли томонида сайланган земский маслаҳатчи ҳисобланади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари - юқори органлар билан марказ маҳаллийга қараб фарқланади.

Битта тизимда қўйи органларни юқори органларга тўғридан тўғри бўйсуниш тамони кўрилган (Италия Франция, ФРГ). Юқоридагилар қаторида очиқчасига автоном тизим (бунда вертикал

бўйсуниш юридик жиҳатдан мавжуд эмас, амалиётда кўллансада жуда кам миқдорда) ҳам қўлланилади (АҚШ, Буюк Британия).

Иккинчи ҳолатда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари юқори органларга нисбатан мустақилликларга эга. Баъзида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини назорат қилиш махсус давлат органи томонидан амалга оширилади. Кўпинча улар Ички ишлар вазирлиги назорати остида, (Буюк Британия) бўлади. Бошқа давлатларда ҳатто ҳукумат қошида махсус бўлималар (маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ишлари бўйича вазирлик) тузишади.

Буюк Британия ҳудуди графликларга, графликлар округ (бу округ шаҳар ёки қишлоқ аҳолиси ҳудуди бўлиши мумкин)га бўлинади. Англияда энг қўйи бўлинмалар приход, Шотландия ва Уэльсда - жамоалар ҳисобланади.

Кичик приходлардан ташқари барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларда маҳаллий вакиллик бошқаруви - кенгаш фаолият юритади. Кичик приходларда маҳаллий бошқарув органлари функциясини шу приход фуқароларининг даврий йиғилишлари бажаради.

ГФРда маъмурий-ҳудудий бўлиниши ерлар конституцияси бўйича ўрнатилади. Ерларнинг конституциясига кўра, ер (ландтяг) лар округларга, округлар районларга, районлар жамоаларга бўлинади. Жамоларда кенгаш ўрнига ўша ҳудуднинг аҳолиси энг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун чақирилади. Округларда сайланувчи маҳаллий органлар мавжуд эмас.

1978 йилда қабул қилинган Испания конституциясининг "Маҳаллий маъмурият" тўғрисидаги бўлимида - автоном муниципалитетнинг юридик шахсни барча ҳуқуқларига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Конституцияга кўра, муниципал бошқарув алькод ва кенгаш аъзоларидан иборат муниципал кенгаш томонидан амалга оширилади. Кенгаш аъзолари муниципалитет аҳолиси томонидан белгиланган қонунлар асосида яшириш овоз бериш йўли билан, кенг ва эркин тартибда сайланади.

Алькод (кенгаш раиси) кенгаш ёки аҳоли томонидан сайланади. Муниципал бошқарувда ижроий аппарат алоҳида ўрингa эга. Улар умум ваколатга эга маъмурий органлар (коллегиал ижроий органлари, мэрлар, бошқарувчилар) ва махсус ёки соҳавий ваколатга эга (Департамент, бюро, инспекция) органларидан иборат. Умумваколатга эга маъмурий органлар бошқа ижроий органларга нисбатан раҳбар вазифасини бажаради. Айниқса, мэрлар маҳаллий органлар фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Улар тез-тез якка ҳолда,

мунципалитет хизматсиларини ишдан бўшатади, маҳаллий кенгаш чиқарган актларга вето эълон қилади. Кўпгина Франция, ГФР, Япония каби давлатларда мэрга фақат маҳаллий ҳудуд раҳбарлигини эмас, марказий ҳукумат аппаратининг жойлардаги топшириқларини бажарувчи вакил сифатида ҳам қаралади.

АҚШда мунципал маъмурият тизимининг мураккаблиги штатлар қонунчилиги, маҳаллий органларнинг ижроий органининг шакллантириш билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қилиши сабаб қилиб кўрсатилади. АҚШда, маҳаллий бошқарув аппартининг ўзига хос хусусияти ижрои аппаратининг таъсирини оширувчи "тийиб туриш ва текшириш”дир. Масалан, мансабдор шахслар кўпинча аҳоли томонидан сайланади ва кенгашга хоҳлаганча раҳбарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Умумий ваколатга эга ижроий органлар шаҳар ва қишлоқ бошқарувида ҳам мавжуддир. АҚШ шаҳарларида 3 та ижро бошқарув органлари фаолият юритади.

Биринчиси - мэр - кенгаш аҳолиси 5 мингдан ортиқ шаҳарларнинг 3/5 тасида қабул қилинган. Муниципалитетлар кучли ва заиф мэр билан ажратилади. Заиф мэр муниципал кенгаш томонидан сайланади. У кенгашга раҳбарлик қилади. Муниципал ишлар бўйича низомларни кенгаш алоҳида соҳавий қўмиталар орқали ҳал қилади.

Кучли мэр халқ томонидан сайланади. Уни якка ўзи мунципалитет амалдорларини тайинлайди. Маҳаллий кенгаш чиқарган актларга вето келтириш ҳуқуқига эга.

Нъю-Йорк, Филаделфия каби шаҳарларда мэр билан бирга маъмурият раҳбари, кўп ҳақ оладиган менежер ҳам тайинланади. 25 мингдан ортиқ аҳолига эга шаҳарларнинг 44% да бошқарувнинг кенгаш тизими қўлланилади. Бунда кенгаш томонидан сайланган мэрда реал ҳокимият бўлмайди. Унинг ваколатлари церимониал ҳаракатларига эга. Ижроий ҳокимият кенгаш томонидан тузилган махсус комиссия тайинлаган бошқарувчи қўлида бўлади. Бошқарувчи одатда профессионал тайёргарликдан маъмуриятини тўлалигича бошқаради. Мансабдор ўтган шахслар орасидан танлаб олинади. У деярли муниципалитет шахсларни тайинлайди. Кенгашга таклифлар киритади. Кенгаш амалда бошқарувчини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Шаҳар маъмуриятини бошқаришни яна бир усули – комиссионер кенгашдир. Одатда, аҳоли 5 га кишини сайлайди. Бу шахслар мунципалитетнинг алоҳида соҳаларидаги ишларни назорат қилади.

2-§. Маҳаллий ижро органлари ва уларнинг турлари

Халқаро амалиётда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бир неча моделлари мавжуд. Буюк Британия, Канада, АҚШ, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия ва бошқа бир қанча мамлакатларда англосаксон тизими амал қилади. Франция, Италия, Голландия, Португалия, Бельгия, Испания ва бошқа Европа давлатларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг француз тизими қўлланилади[148].

Ўзини ўзи бошқаришнинг англосаксон ва француз моделлари билан бир қаторда, Германиянинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими (коммунал) ҳам мустақил модель ҳисобланади.

Англосаксон моделига асосланган мамлакатларнинг муниципалитетлари жуда фаол бўлиб, ҳам миллий, ҳам умумдавлат аҳамиятига эга бўлган хилма хил вазифаларни ҳал қилади. Бу мамлакатларда, соғлиқни сақлаш, таълим ва шу каби соҳаларда муниципал кооперация ривожланган.

Француз моделига асосланган мамлакатларнинг муниципалитетлари айтарли фаол эмас, аммо маҳаллий сиёсий манфаатлар, миллий сиёсатга таъсир кўрсатади. “Жойлардаги давлат бошқарувига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашуви” француз моделига хос.

Коммунал моделига асосланган давлат Германия ҳисобланади. Германия давлат тизимида коммунал моделга хос ўзини ўзи бошқаришга 1808 йил Германияда барон Штейн томонидан ўтказилган ислоҳотлар асос солган. Германиядаги коммунал модел энг такомиллашган модел ҳисобланади. Мазкур моделда, бизнинг назаримизда, бугунги кунда англосаксон ва француз моделларининг баъзи кўринишлари ўз ифодасини топган.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий бошқарув органлари, қоидага кўра, мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишларига мувофиқ амалга оширилади. Маъмурий-ҳудудий бўлиниш – бу давлатни самарали бошқариш мақсадида унинг ҳудудини муайян қисмларга бўлиниши тушунилади. Маъмурий-ҳудудий бўлиниш турли омилларга боғлиқ, унинг асосида бошқарувни қулайлаштириш ётади. Маъмурий-ҳудудий бирликни ташкил этишга таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига табиий-географик (масалан, бундай бирликлар йирик шаҳарлар атрофида ташкил этилади), демографик (бирлик аҳоли сонига нисбатан ташкил этилади), аҳолининг этник таркиби, маиший ва диний жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолатларни киритиш

[148] Ясюнас В.А. Основы местного самоуправления: Уч. пособие. -М.: Ось-89, 1998. С.92.

мумкин. Иқтисодий характердаги омиллар ҳам, сиёсий ҳаёт омиллари ҳам жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кўпинча, маъмурий бирликлар қадим замонлардан ташкил этилган бўлиб, улар тарихан таркиб топган графлик, князлик, бошқа феодал бирликлар ҳудудларида вужудга келган. Мазкур ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли эса ўзини ушбу ҳудуднинг бир қисми деб ҳисоблашга қилишга ўрганиб қолган.

Одатда, маъмурий-ҳудудий бўлинишга мувофиқ тарзда бошқарув органлари тизими ҳам ўзгариши, қайта ташкил этилиши мумкин, аксарият ҳолларда, бундай бошқарув тизимида ўзини ўзи бошқариш ёки бошқарув органлари ташкил этилади. Агар бундай органлар ташкил қилинмаса, у ҳолда мазкур бирликни маъмурий-ҳудудий бирлик деб атаб бўлмайди.

Маъмурий-ҳудудий бирликлар йирик ва кичик бўлиши мумкин. Мазкур бирлик кўлами улардаги мавжуд органларга мувофиқ бўлади. Турли мамлакатларда маъмурий-ҳудудий бўлиниш тизими турлича бўлади (ривожланган, яхши ривожланмаган, оддий, мураккаб). Бунда кўп нарса давлатнинг катта-кичиклиги ва аҳолининг сонига боғлиқ бўлади. Маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг икки поғонали, уч поғонали ва ҳатто беш поғонали тизимини ҳам учратиш мумкин.

Францияда, бошқарувнинг беш пағонаси: **коммуна, кантон, округ, департамент, минтақа мавжуд.**

Францияда, маҳаллий бошқарувнинг асосини **коммуналар** ташкил қилади. Маъмурий-ҳудудий бирликнинг энг қуйи бўғини ҳам коммуна ҳисобланади. Францияда, уларнинг сони 37 мингга етади. Коммуна фуқаролари муниципал кенгашни сайлайди, мазкур кенгаш давлат ҳокимиятининг энг қуйи ва ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич органидир. Маҳаллий муниципал кенгаш мэрни – ижро тизимининг вакилини сайлайди.

Коммуналар аҳолига кўпинча қуйидаги масалаларда, ёрдам кўрсатади: қарз кафолати; ижарага бериш мақсадида, корхона учун бино сотиб олиш; ссуда ва субсидиялар; фоизли имтиёзлар; касб таълими борасида ёрдам бериш[149].

Коммуналардан кейинги босқичда **кантон** туради. Кантон – бир неча коммуналарнинг бирлашмаси ҳисобланади. Мазкур тузилмали бирликда ўзини ўзи бошқариш органи йўқ, кантон сайланадиган округ ҳисобланади. Бу ерда бир қатор мансабдор шахслар фаолият кўрсатади, мансабдор шахсларнинг ҳар бир коммунада фаолият

[149] Ясюнас В.И. Основы местного самоуправления. Учебное пособие. М.: 1998. С.102.

кўрсатиши мақсадга мувофиқ эмас. Кантонни тузишдан асосий мақсад бир неча коммуна аҳолиси бирлашиб ўз нотариусига, судьясига, участка жандармериясига ва ҳ.к.ларга эга бўлишдир.

Кантондан ҳам каттароқ бирлик – **округ** ҳисобланади, у ўз таркибига 100-150 коммунани олади. Францияда уч юздан ортиқ округ мавжуд. Округга ҳукумат томонидан тайинланадиган шахс раҳбарлик қилади. Мазкур лавозим эгаси – давлат амалдори – субпрефект деб аталади.

Тўртинчи пағона **департамент** деб аталади. Департамент таркибида, 400 коммуна ёки 35 кантон мавжуд бўлиб, у ерда сайланадиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи – ***бош кенгаш*** фаолият кўрсатади. Мазкур кенгашга ҳар бир кантондан битта аъзо сайланади. Бош кенгаш, ҳукумат томонидан тайинланадиган ***префект*** томонидан бошқарилади.

Регион – Франциядаги энг йирик маъмурий-ҳудудий бирлик. Регион ўзининг минтақавий кенгашига эга бўлади. Регионга энг йирик департаментнинг префекти раҳбарлик қилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Франциядаги маҳаллий органлар анча мураккаб ва ўзига хос тузилмага эга.

Маҳаллий ҳокимият тузилмасининг тўрт поғонали тизими Африканинг бир қатор давлатларида (Камерун, Сенегал), уч поғонали тизими Европанинг баъзи давлатларида(Италия), икки поғоналик тизим унчалик катта бўлмаган давлатларда (Дания) учрайди.

Дания давлат тизимида округлар (йирик бирликлар) ва муниципалитетлар (қишлоқ бирликлари) билан бир қаторда шаҳарлар ҳам мавжуд бўлиб, округлар муниципалитетларни бирлаштиради ва улар учун иккинчи бўғин вазифасини ўтайди. Шаҳарларда эса умуман иккинчи бўғин йўқ. Улар фақатгина, ўзини ўзи бошқариш принципи асосида фаолият кўрсатади ва фақат қонунга бўйсунади.

Маҳаллий ижро органларини шакллантиришнинг уч асосий механизми мавжуд:

1. Фуқаролар томонидан сайланган вакиллар йиғилиши (муниципал йиғилиш) ижро органининг мансабдор шахсини сайлайди. Масалан, Францияда мэр – ягона ижро органидир. Бундан ташқари коллегиал орган ҳам сайланиши мумкин, масалан, ГФРнинг айрим ерларидаги магистратлар бунга мисол бўла олади. Ижро органларининг фаолият доираси турли мамлакатларда турлича ҳисобланади. Буюк Британияда, шаҳарлар кенгаши мэрни сайлайди, графликлар кенгаши томонидан эса бир йил муддатга раис сайланади.

2. Иккинчи кўринишдаги механизмнинг моҳияти – муниципал йиғилиш ва ижро органини алоҳида- алоҳида сайлашдан иборат. Мазкур механизм Япония давлати учун хос ҳисобланади. Бунда префектура губернаторлари, шаҳар мэрлари ва қишлоқ оқсоқоллари аҳоли томонидан сайланади. Бу ҳолатни АҚШнинг бир қатор штатларида, ГФРнинг айрим ерликларида ҳам учратиш мумкин.

Мазкур ҳолатда, сайланган мэр ёки бургомистрнинг роли коллегиал вакиллик органининг ролига қараганда анча кучли ҳисобланади. Японияда губернатор, мэр ёки оқсоқол ташаббусига кўра, муайян вакиллик органи муддатидан олдин тарқатиб юборилиши мумкин.

3. Учинчи вариант – сайланмайдиган шахсга ижро ҳокимияти функциясини топшириш:

а) ижро органи функциясини марказий ҳокимият вакили бажаради Франциядаги префект ва субпрефектлар ҳолати бунга мисол бўла олади. Франция департаментидаги префект жуда муҳим шахс бўлиб, у амалда маъмурий бирликдаги ижро ҳокимиятини бошқаради, деярли сайланган органга боғлиқ эмас. Бундай тизим нафақат Францияда, балки Осиё, Африка, Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида ҳам учрайди;

б) ижро органи функциясини махсус таклиф этилган бошқарувчи-менеджер амалга оширади. Бундай тизим АҚШда кенг тарқалган. Айрим ҳолларда, маҳаллий референдумда энг муҳим масала ҳал этилади, мазкур ҳолат маҳаллий аҳолига суянмай туриб қарор қабул қилишга қўрққан вазиятларда юз беради.

Фойдаланилган адабиётлар

Норматив-меъёрий ҳужжатлар.

1. Конституции государств Восточной Европы. Учебное и справочное пособие. Отв.редактор – д.ю.н. Д.А.Ковачев. –М.: Издательская группа ИНФРА-М-НОРМА, 1996. –160 с.

2. Конституции государств Европейского Союза.- М.: ИНФРА-М-Норма.1997. 545 ст

3. Конституции государств Европейского Союза. М.: Норма - Инфра, 1999. 576 ст

4. Конституции зарубежных государств. М.: БЕК, 1997.456 ст

5. Конституции зарубежных государств. М.: БЕК, 2000. 487 ст

6. Права человека: Единство общечеловеческого и национального: (Сб. Маждународных договоров и Законов Республики Узбекистан). Т. I. (Сост. А.Х.Саидов; Гл.ред. В.Э.Шалль; Отв.ред. О.В.Шатуновский). – Т.: Шарк, 1995. – 480 с.

7. Права человека: Единство общечеловеческого и национального: (Сб. Маждународных договоров и Законов Республики Узбекистан). Т.2.(Сост. А.Х.Саидов. – Т.: Шарк, 1995. – 400 с.

Дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар.

8. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Учебник для вузов. М., 2000. 421 ст

9. Алебастрова И.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 2000. – 304 с.

10. Богданова Н.А. К новой концепции преподавания конституционного права // Государство и право. – 1994, № 7. 310 ст

11. Гессен В.М. Очерки науки конституционного права конституционное право. Учебное пособие. Хрестоматия. М.: 1994. 342 с.

12. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. Ред. Б.А. Страшун. Общая часть. 3-е изд. -М.: БЕК, 1999. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под общ.ред. члена-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, доктора юридических наук, проф. Ю.И. Лейбо и доктора юридических наук, проф. Л.М. Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1999. – 832 с.

13. Конституционное (государственное право) зарубежных

стран: В 4 т. Тома 1–2. Часть общая: Учебник / Отв. ред. проф. Б.А. Страшун – 3-е изд., обновл. и дораб. – М.: Издательство БЕК, 1999. – 784 с.

14. Конституционное право России: схемы, комментарии. Учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 1999. – 64 с.

15. Мишин А.А., Авакьян С.А., Андреева Г.Н. и др. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учебник. 8-е изд., перераб. и доп. М., 2001. 289 ст

16. Михалева Н.А. Конституционное право зарубежных стран СНГ: Учеб.пособие. – М.: Юристъ, 1999. – 352 с.

17. Мишин А.А. Конституционное (государственные) право зарубежных стран.-М.: Белые А львы, 1996. 453 ст

18. Чиркин В.Е. Сравнительное конституционное право. –М.: 1996. 378 ст

19. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. - М.: Юристъ, 1997. –568 с.

20. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристь, 2000. – 600 с.

21. Чиркин В.Е. Элементы сравнительного государствове-дения. – М.: ИГП РАН, 1994.

22. Чудаков М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. – Мн.: “Харвест”, 1998. – 784 с.

23. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. М., 2001. 568 ст.

Қўшимча адабиётлар.

24. Гулордава Д. Современная конституционная монархия как демократическая и правовая форма правления // Право и жизнь. 2002. № 48.

25. Гусева Ю.О. Республиканская форма правления // Российское право на современном этапе: Материалы региональной научно-практической конференции студентов и молодых ученых. Ростов н/Д, 2003 г.

26. Есаков Г. Принципы престолонаследия в европейских монархиях // Право и жизнь. 2002. № 48. Материалы Всероссийской конференции: Проблемы теории и истории. М., 2001.

27. Тихомиров Ю.А. Развитие теории конституционного право//Государство и право.-М.: Бек,1998, №1.

28. Шумский В.Н. Организационно-правовые основы СНГ: опыт сравнительного анализа. // Государство и право. - 1998, №11.
29. http://www.search.uz/uzbekistan/constitution/constitutionlaw_one.php
30. http://www1.parliament.gov.uz/www/constitution.htm
31. http://www.konst-mir.narod.ru
32. http://www.legislature.ru/parliam.html
33. http://www.krugosvet.ru

МУНДАРИЖА

Кириш 3

1-боб. Хорижий мамлакатлар (конституциявий) давлат ҳуқуқи фанининг предмети, ўрганиш усуллари ва тизими 5
1-§. “Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳуқуқи” фанининг тушунчаси ва предмети 5
2-§. «Конституциявий ҳуқуқ» терминининг вужудга келиши: «Конституциявий ҳуқуқ» ва «Давлат ҳуқуқи» тушунчалари 6
3-§. Конституциявий ҳуқуқнинг 3 маънода қўлланилиши: ҳуқуқ тармоғи, фан ва ўқув курси сифатида 7
4-§. Хорижий мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ тизими 11
5-§. Конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар 15

2-боб. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқининг манбалари 19
1-§. Қонунлар (конституциявий, органик ва оддий қонунлар) 20
2-§. Ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив актлари 21
3-§.Парламент регламентлари 22
4-§.Суд прецеденти 22
5-§. Конституциявий ҳуқуқий одатлар (конституциявий битим) 23
6-§.Халқаро давлатлараро ва ички шартномалар 24
7-§.Доктринал манбалар 25
8-§. Диний манбалар 27
9-§.Табиий ҳуқуқ 28
10-§. Сиёсий декларациялар 28

3-боб. Хорижий мамлакатлар Конституциялари 30
1-§. Конституция таърифи 30
2-§. Конституциянинг ижтимоий-сиёсий моҳияти 31
3-§.Формал ва моддий Конституция. (Юридик ва амалий Конституция) 32
4-§ Конституциянинг функциялари: юридик, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий 33
5-§. Конституциявий тартибга солиш объектлари 34
6-§. Конституциявий ривожланишнинг асосий босқичлари ва тенденциялари ҳуқуқ тараққиётидаги асосий тенденциялар 37
7-§. Конституциянинг амал қилиши 38

4-боб. Конституцияларнинг шакллари, турлари ва тузилиши 41
1-§. Конституцияларнинг шакллари: ёзма, ёзилмаган ва аралаш 41
2-§. Конституция тузилиши: муқаддима асосий қисм, хулоса қўшимча ва иловалар 43
3-§. Конституцияларнинг ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши, ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш тартиблари 44
4-§. Конституцияларнинг турлари 47

5-боб. Хорижий мамлакатлар конституциявий назорат институти 49
1-§. Конституциявий назорат тушунчаси ва объекти 49
2-§. Конституциявий назорат органларининг турлари 50
3-§. Умумий юрисдикцияли судлар ҳамда махсус юрисдикцияли
судлар томонидан конституциявий назоратни амалга ошириш 54
4-§. Носудлов конституциявий назорат органлари 58
5-§. Конституциявий назорат органларини шакллантириш тартиби 59

6-боб. Ижтимоий тузумнинг конституциявий – ҳуқуқий асослари 60
1-§. Ижтимоий тузумнинг конституциявий – ҳуқуқй аослари 60
2-§. Ижтимоий тузум ва давлат 60
3-§. Ижтимоий тузум таркиби 61
4-§. Ижтимоий тузум ва конституциявий ҳуқуқ 62

7-боб. Иқтисодий муносабатлар ижтимоий тузумнинг таркибий қисми
сифатида 65
1-§. Иқтисодий тизим 65
2-§. Хусусий ва оммавий мулк 65
3-§. Меҳнат ҳуқуқи 73
4-§. Иқтисодий фаолиятнинг конституциявий – ҳуқуқий принциплари 74
5-§. Молиявий тизим 80

8-боб. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий тузумнинг таркибий қисми
сифатида 83
1-§. Ижтимоий тизим ва ижтимоий муносабатлар тушунчаси 83
2-§. Меҳнат ва капитал (сармоя) ўртасидаги муносабатлар 85
3-§. Миллатлараро муносабатлар 87
4-§. Оила ва никоҳнинг ҳимояланиши ва рағбатлантирилиши 90
5-§. Ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида
давлат сиёсати 91
6-§. Истеъмолчиларнинг давлат томонидан ҳимояланиши 95

9-боб. Сиёсий ва маънавий- маданий муносабатлар ижтимоий
тузумнинг таркибий қисми сифатида 97
1-§. Сиёсий тизим ва сиёсий ҳокимият тушунчалари 97
2-§. Сиёсий жараён 99
3-§. Маънавий –маданий муносабатлар тушунчаси 100
4-§. Таълим 100
5-§. Фан ва маданият 102
6-§. Диний муносабатлар 104

10-боб. Инсон ва фуқаролар ҳуқуқининг асосий тушунчалари 105
1-§. Инсон ҳуқуқлари ва фуқаро ҳуқуқлари 105
2-§. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг тарихий ривожланиш
босқичлари 109

3-§. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларнинг таснифи 111
4-§. Ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар тенглиги 113
5-§. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг конституциявий чекланиши 114
6-§. Ҳуқуқ ва эркинлик кафолатлари 115

11-боб. Фуқаролик ва чет эл фуқаролари (тартиби) режими..... 118
1-§. Фуқаролик тушунчаси 118
2-§. Фуқароликка эга бўлиш ҳамда тугатилиш асослари..... 119
3-§. Фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар, аполидлар) 123
4-§. Икки ва кўп фуқаролик (бипатридлар)..... 124
5-§. Чел эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати 125
6-§. Фуқаролик ҳуқуқида сиёсий бошпана, мамлакатдан чиқариб юбориш ва бошқа давлатга бериш асослари 126

12-боб. Шахсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар 127
1-§. Яшаш, эркинлик, хусусий мулкка эгалик ва дахлсизлик ҳуқуқи 127
2-§. Фикр ва виждон эркинлиги..... 130
3-§. Уй жой дахлсизлиги..... 134
4-§. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий ҳуқуқий кафолатланиши..... 131

13-боб. Сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар 133
1-§. Давлат ва жамият бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи..... 133
2-§. Сайлов ҳуқуқи: актив пассив сайлов ҳуқуқи 134
3-§. Жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи 137
4-§. Манифестация ва йиғилиш ўтказиш эркинлиги..... 138
5-§. Ахборот эркинлиги 140
6-§. Ватан ҳимояси ҳуқуқ ва мажбурият сифатида..... 142
7-§. Жабр ситамга қарши курашиш ҳуқуқи..... 143

14-боб. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар 145
1-§. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари 145
2-§. Мулк ҳуқуқи ва меросга эга бўлиш 146
3-§. Меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи 148
4-§. Соф атроф-муҳитга эга бўлиш ва уни муҳофаза қилиш ҳуқуқи..... 152
5-§. Малакали тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи 152
6-§. Уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи..... 155
7-§. Таълим олиш ҳуқуқи 155
8-§. Маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Ижод эркинлиги..... 158

15-боб. Давлат – сиёсий тизимнинг асосий элементи ва конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида 159
1-§. Давлат тушунчаси. Давлат ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асослари 159
2-§. Давлатнинг функциялари 161
3-§. Давлат типлари 163
4-§. Давлатни ташкил этиш ва фаолиятининг конституциявий принциплари 167
5-§. Давлат механизми, аппарати, органлари ва муассасалари 169

16-боб. Сиёсий партиялар ва партиявий тизимлар 170
1 Сиёсий партияларнинг моҳияти ва вазифалари 170
2 Сиёсий партияларнинг вужудга келиши 174
3 Сиёсий партияларнинг асосий турлари: консерватив, социал-демократик, либерал, диний йўналишдаги сиёсий партиялар. Таъсир этиш гуруҳлари (лоббистик ташкилотлар) 182
4.Сиёсий партияларнинг ташкилий тузилиши, ташкилий-расмийлаштирилган ва ташкилий-расмийлаштирилмаган партиялар 194
5.Чет эллардаги партиявий тизимлар: етакчи сиёсий партияси бўлган кўппартиявийлик тизим, етакчи сиёсий партияси бўлмаган кўппартиявийлик тизими, иккипартиявийлик, якка партиявийлик ва «партиясиз» тизимлар 201
6.Сиёсий партиялар фаолиятининг тартиби ва тартибга солиш механизмининг ички ва ташқи усуллари 204

17-боб. Жамоат бирлашмалари (носиёсий жамоат бирлашмалар) сиёсий тизимнинг элементи сифатида 209
1-§. “Жамоат бирлашмаларининг турлари, вазифалари ва моҳияти тушунчаси” 209
2-§. “Тадбиркорлик ташкилотлари” 219
3-§. “Касаба уюшмалари, истеъмолчилар уюшмаси ва ҳоказолар” 221

18-боб. Диний уюшмалар ва черков 224
1-§. “Диний жамоалар ва черков” 224
2-§. “Диний муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш ва черковлар мақоми” 225
3-§. “Черков ва дунёвий нодавлат сиёсий институтлар” 227

19-боб. Оммавий ахборот воситалари 228
1-§. Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий аҳамияти ва тушунчаси 228
2-§. Оммавий ахоборот воситалари ва улар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши 229
3-§. Журналистларнинг ҳуқуқий мақоми. Жамоатчилик фикрини ўрганиш 231

20-боб. Хорижий мамлакатларда давлат шакллари 233
1-§. Давлат шакллари тушунчаси ва унинг хилма-хиллик хусусиятлари 233
2-§. Давлат бошқарув шакллари тушунчаси ва унинг таснифланиши 236

21-боб. Монархия 240
1-§. Монархия давлат бошқаруви шакли 240
2-§. Мутлақ монархия 242
3-§. Дуалистик монархия 242
4-§. Парламентар монархия 243
5-§. Теократик монархия 243

22-боб. Республика 246
1-§. Республика давлат бошқарув шакли 246
2-§. Президентлик Республикаси 247
3-§. Дуалистик Республика 248
4-§. Социалистик Республика 250
5-§. Парламентар Республика 251
6-§. Теократик Республика 252

23-боб. Сиёсий (давлат) режим 254
1-§. Сиёсий режим тушунчаси ва унинг асосий кўринишлари 254
2-§. Демократик режим ва унинг асосий белгилари 256
3-§. Либерал режим 259
4-§. Нодемократик режим ва унинг турлари 260
5-§. Давлат режими 264

24-боб. Хорижий мамлакатларда давлатнинг ҳудудий тузилиши 265
1-§. Давлат тузилиш шакли. Давлат тузилиши тушунчаси 265
2-§. Унитар давлат 268
3-§. Федератив давлат 271
4-§. Конфедерация 274
5-§. Автономия 275

25-боб. Хорижий мамлакатларда сайлов ҳуқуқи 279
1-§. Сайловнинг тушунчаси ва ижтимоий вазифаси 279
2-§. Сайлов турлари: тўғри ва эгри; умумий ва қисман; миллий ва маҳаллий: навбатдаги ва навбатдан ташқари 280
3-§. Сайловларнинг даврийлиги. Сайлаш ҳуқуқи: актив ва пассив 282

26-боб. Хорижий мамлакатларда сайлов ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқий тамойиллари 285
1-§.Сайлов ҳуқуқи тамойиллари тушунчаси ва унинг аҳамияти 285
2-§.Умумий, тенг, тўғридан-тўғри, билвосита, ошкора ва яширин овоз бериш сайлов ҳуқуқи 292
3-§.Сайлов цензи. Сайловларда ихтиёрий ва мажбурий иштирок этиш. Абсентизм тушунчаси ва моҳияти 300

27-боб. Сайлов жараёни 310
1-§. Сайлов жараёни тушунчаси, босқичлари ва ўтказилиш муддатини белгилаш тартиби 310
2-§. Сайлов округларини тузиш, сайлов участкаларини белгилаш ва сайлов органларини ташкил этиш 312
3-§. Сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва номзодлар кўрсатиш тартиби 316
4-§. Ташвиқот-тарғибот ишлари, овоз бериш, қайта сайлов ва такрорий овоз бериш 322
5-§. Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш 325

28-боб. Хорижий мамлакатларда сайлов тизимлари 330
1-§. Хорижий мамлакатларда сайлов тизими турлари 330
2-§. Нисбий кўпчиликка ва мутлақ кўпчиликка асосланган можаритар, аралаш сайлов тизимлари 332
3-§. Малакавий кўпчилик учун сайлов тизими. Сиёсий партиялар учун мутаносиблик тизими (пропорционал). Пропорционал сайлов тизимининг кўринишлари 337

29-боб. Референдум 343
1-§. Референдум ҳамда плебисцит тушунчаси ва унинг ижтимоий вазифаси 343
2-§. Референдум предмети, уни ўтказиш тартиби 345
3-§. Референдум натижаларини аниқлаш 347

30-боб. Хорижий мамлакатларда давлат бошлиғи 351
1-§. Давлат бошлиғи тушунчаси 351
2-§. Президент-давлат бошлиғи 354
3-§. Монарх – давлат бошлиғи 356
4-§. Давлат бошлиғининг функциялари ва ваколатлари 357

31-боб. Давлат бошлиғининг ҳуқуқий ҳолати 360
1-§. Давлат бошлиғининг давлат бошқарувидаги ваколатлари 360
2-§.Давлат бошлиғининг қонун чиқариш жараёнида иштироки. Қонунчилик ташаббуси, парламентга нома юбориш (АҚШ) 361
3-§. Вето ҳуқуқи ва унинг турлари 362
4-§. Давлат бошлиғининг Халқаро муносабатлар, хавфсизлик ва мудофаа соҳаларидаги ваколатлари. Давлат бошлиғининг фавқулодда ваколатлари 364
А) Монарх.Монархнинг ҳуқуқийҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ворислик тартиби 366
Б) Президент. Президентнинг ҳуқуқий ҳолати. Президент сайловининг асосий кўринишлари 368

32-боб. Хорижий мамлакатларда парламент 372
1-§.Парламентнинг тушунчаси, ижтимоий вазифаси ва ваколатлари 372
2-§. Парламент – давлатнинг умуммиллий вакиллик органи 376
3-§. Парламентнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари 378
4-§. Парламент ва парламентаризм 380
5-§. Парламент назорат функциялари 382

33-боб. Парламент тузилиши ва палаталарнинг ташкил қилиниши 384
1-§. Палаталар: бир палатали ва икки палатали тизим. Кўп палатали парламентлар 384
2-§. Палата шаклланишида турли усуллар: тўғридан-тўғри сайлов, тайинлаш, мерос йўли ва бошқалар 388

34-боб. Парламент иш тартиби ва парламент аъзоларининг ҳуқуқий мақоми 391
1-§. Парламент фаолиятининг асосий шакллари ва иш тартиби 391
2-§. Сессия: тушунчаси, турлари (навбатдаги ва навбатдан ташқари) 392
3-§.Навбатдан ташқари ва одатдаги ,очиқ ва ёпиқ турдаги ялпи мажлислар 394
4-§. Мандат ваколатининг юридик табиати: императив мандат ва мандати ва эркин мандат 395

35-боб. Хорижий мамлакатларда қонун чиқариш жараёни 400
1-§. Қонун чиқариш жараёни тушунчаси ва унинг босқичлари 400
2-§. Қонунчилик ташаббуси, таклиф ёки қонун лойиҳасини киритиш 401
3-§. Қонун лойиҳасига қўшимчалар, ўзгартиришлар ёки тузатишлар киритиш тартиби. Қонун лойиҳасини қабул қилиш ва овоз бериш турлари, бошқа палаталар томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва қонун чиқариш жараёнида палаталараро муносабатлар тизими 410
4-§.Санкция бериш, промульгация, қонунни эълон қилиш. Қонуннинг кучга кириши 419

36-боб.Хорижий мамлакатларда ҳукумат 424
1-§. Ҳукумат тушунчаси. Ҳукумат-ҳокимиятнинг коллегиал ижроия органи 424
2-§. Ҳукумат таркиби. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳуқуқий мақоми 425
3-§. Хорижий давлатларда ҳукумат номланиши (Кабинет, Вазирлар кенгаши, Доимий бюро ва ҳоказо) 430

37-боб. Ҳукумат ваколатлари (ҳуқуқий ҳолати) 432
1-§ .Давлат бошқаруви соҳасида ҳукумат ваколатлари 432
2-§. Ҳукумат фаолияти тартиби. Қарор қабул қилиш усуллари 435

38-боб. Ҳукуматни тузиш, унинг таркиби ва бошлиғи 437
1-§. Ҳукумат шаклланишининг 2 модели: парламент усули ва парламент иштирокисиз 437
2-§. Ҳукумат ички тузилишининг 2 тизими: континентал (АҚШ, Франция, ГФР ва англосаксон Буюк Британия)..... 455
3-§. Ҳукумат таркибига тасниф 457

39-боб. Маҳкамалар ва уларнинг раҳбарлари, ҳукумат ва ҳукумат аъзоларининг жавобгарлиги..... 461
1-§. Вазирликлар, давлат идоралари тушунчаси, аҳамияти ва турлари 461
2-§. Ҳукумат аъзоларининг сиёсий масъулияти 463
3-§. Ишонч ва ишончсизлик вотуми. Шахсий жавобгарлик масалалари..... 467

40-боб. Судлов ҳокимиятининг умумий тавсифи..... 476
1-§. Суд ҳокимияти. Суд ҳокимиятининг ижтимоий вазифаси, қонунийлик ва адолатни таъминлаш..... 476
2-§. Суд ҳокимиятининг тузилиши: умумий ва махсус юрисдикция судлари. Фавқулодда судлар тузилишининг тақиқланиши 483
3-§. Прокурор, терговчи ва судьяларнинг ҳуқуқий мақоми 489
4-§. Суд ҳокимиятининг олий органлари..... 494
5-§. Суднинг фақат қонунга бўйсуниши, суд мустақиллигининг кафолатлари 496

41-боб. Суд тизимининг ташкил этилиши ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий принциплари..... 499
1-§. Судларнинг ташкил этилиш тамойиллари 499
2-§. Судларнинг мустақиллиги (дахлсизлиги) 503
3-§. Умумий юрисдикция судлари тизими: англосаксон ва романо-герман 504
4-§. Умумий юрисдикция судларининг тузилиши 506

42-боб. Суд ҳокимиятига кўмак берувчи идора ва муассасалар 510
1-§. Прокуратура: тушунчаси, вазифалари ва давлат органлари тизимидаги ўрни..... 510
2-§. Адвокатура: тушунчаси ва вазифалари 512
3-§. Бошқа ёрдамчи органлар ва муассасалар: суд полицияси, нотариат ва бошқалар 514

43-боб. Хорижий мамлакатларда маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув 516
1-§. Маҳаллий бошқарув. Ўзини ўзи бошқарув 516
2-§. Хорижий мамлакатларда муниципал органларнинг вужудга келиши ва ривожланиши 519

44-боб. Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув органларининг компетенцияси ва молиявий асослари 523
1-§. Ваколатлар доираси. Мажбурий ва мажбурий бўлмаган ваколатлар 523
2-§. Муниципал фаолиятнинг асосий турлари 525
3-§. Муниципалитетларнинг молиявий базаси 527

45-боб. Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув органларининг шакллантириш тартиби, таркибий тузилиши ва фаолиятини ташкил этилиши 528
1-§. Муниципал сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари. Муниципал Кенгаш, унинг тузилиши ва ваколати 528
2-§. Маҳаллий ижро органлари ва уларнинг турлари 533

Фойдаланилган адабиётлар 538

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР КОНСТИТУЦИЯВИЙ (ДАВЛАТИ) ҲУҚУҚИ

Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир: ***С.Салимова.***
Техник муҳаррир: ***Ж.Абдужалилов.***
Компьютерда саҳифаловчи: ***А.Худайбергенова.***

Босишга рухсат этилди: 29.08.2006.
Ҳажми: 35,2. Адади: 500. Буюртма: № 896.
ТДЮИ кичик босмахоансида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ, 35.